



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадiiй,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

5
—
1985

54-йил чиқиши

Бош редактор
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

Редколлегия:

Сарвар АЗИМОВ
Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Нинель ВЛАДИМИРОВА
Жуманиёз ЖАББОРОВ
ЗУЛФИЯ
Абдусайд КҮЧИМОВ
/масъул секретарь/
Тоҳир МАЛИК
МИРМУҲСИН
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ
Умарали НОРМАТОВ
Абдулла ОРИПОВ
Иброҳим РАҲИМ
Туроб ТҮЛА
Худойберди ТҮҲТАБОЕВ
/бош редактор ўринбосари/
УЙГУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Ўнтам УСМОНОВ
Раҳмат ФАЙЗИЙ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ
Иброҳим ЮСУПОВ
Нурали ҚОБУЛ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

Мундарижа

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

Сўнмас у кунлар шўхрати	
Абдусаттор Эшонқулов, Солиҳ Умаров, Бонс Эргашев	3—7
Азиз номи дилларда. Фотолавҳа	8
Иброҳим Раҳим. Ғалабамиз омили	10
Борис Тихомолов. Само сурури	12
Шўхрат. Шинелли йиллари эслаб	15
Зоҳиджон Обидов. Мангу ифтихор	16
Султон Акбарий. Машаққатли йўл	17
Қодир Мирмуҳамедов. Унутилмас кунлар	18
Раҳим Бекниёз. Бурч	19
Душан Файзий. Оловли йиллар хотираси	20
Ҳамид Тожибоев. Ҳамиша жанговар сафда	21
Мажид Саматов. Жангчи шоир	32
Ҳасан Саид. Қирувчи. Шеърлар	34
Алишер Қайюмов. Буюк қардошлик	36
Ҳамид Олимжон, Николай Погодин, Собир Абдулла, Уйғун. Ўзбекистон қиличи. Музикали драмадан парчалар	38
Бердиали Имомов. Берлин бўсағаларида. Хотиралар	43

НАСР

Мирмуҳсин. Темури Малик. Роман. Бошланиши	64
--	----

ШЕЪРИЯТ

Уйғун. Жаҳоннинг бахти, деб яшайди башар	23
Анвар Эшонов. Узилган бир киприк	54
Юрий Ковалев. Донғил йўл	61
Матлуба Ҳамроева. Интиқом	62
Шукур Содиқ. Мамаражаб ота	63
Олимжон Холдор. Рози бўлсин биздан Ватан	125
Юсуф Жумаев. Уйлар	128

РУС АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Михаил Шолохов. Тойчоқ. Ҳикоя	130
--	-----

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

Қурбанои Убайдуллаева. Сўнмас нур	136
--	-----

ПУБЛИЦИСТИКА

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА Уч коммунист. Уч тақдир. Уч авлод. Давра гурунги	146
---	-----

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИ

Виктор Бурбела. Биродарлик туйғулари	154
---	-----

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ШОИРИ УЙҒУН ТУҒИЛГАН КУНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА	
ТУРОБ ТУЛА. «Қаранг, олам нақадар гўзал»	158
Нуриддин Шукуров. Камолот довлари	160
Ойдин Ҳожиева. Ёшликка садоқат	165
Маъруф Жалил. Ҳаёт чиройи	166
Ўткир Шокиров. Илмда ҳам устоз	168

АДАБИЙ ТАНҚИД

Умарали Норматов. Изланишлар ва муаммолар	172
--	-----

ТАҚРИЗЛАР

Набижон Солиев. «Ҳаёлимда доимо баҳор»	181
Мўҳаммаджон Имомназаров. Денгизлар туташган жойда	183

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Михаил Прудников. Эфирдаги бегоналар. Қисса	185
--	-----

ГУЛҚАЙЧИ

Ҳийлаи шаръий	
Абдулла Қодирий. Тинч иш. Ҳикоя	205



СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига уч савол:

1. «Уруш бошланибди!» деган сўвук хабардан қачон ва қаерда воқиф бўлгансиз?

2. Жанг пайтида ҳаётингизда содир бўлган энг ҳаяжонли воқеа қайси?

3. «Ғалаба!» деб янграган қувончли хабарни қаерда ва қандай шароитда эшитгансиз?

Абдусаттор Эшонқулов

1. Улуғ Ватан уруши бошланганда мен Воронеж шаҳрида қирувчи авиация полкида хизмат қилардим. Унвоним техник-лейтенант, вазифам эса самолёт механиги. Ҳарбий хизматга 1937 йили қақирилганимда Тошкент тўқимачилик комбинатида мастер ёрдамчиси бўлиб ишлардим.

Ҳарбий авиация техник билим юртида икки йил ўқидим.

1943 йили 28 учувчи қаторида фронтга кетдим. II даражали Суворов орденли 62-Гродно штурмчи авиация полкида жанговар хизматни давом эттирдим.

2. Чинакамига биринчи жанговар парвоз сира эсимдан чиқмайди. Бу воқеа Смоленск областида бўлган эди. Эскадрилья командири капитан Сергеев менга ўзи билан учишни таклиф қилди. Жон деб рози бўлдим.

— Бир шартим бор, — деди капитан, — мени орқамдан учиб, нима қилсам шуни қиласан. Сафни яхши ушлайсан, лейтенант.

— Есть, ўртоқ капитан!

Эскадрилья қатори кўкдамиз. Бошловчи Сергеев самолёти сафида учиб топшириқни бажардим. Бу парвоз жуда мароқли бўлди. Тушликдан сўнг капитан кулиб, мендан сўради:

— Яна учасанми?

— Учганда қандоқ! — дедим қувониб. Кошки эди бу парвоз қандай бўлишини билсам!

Саккиз самолёт ҳавога кўтарилиб белгиланган йўналишда учмоқда. Бизнинг «Ил-2»ни учувчи танк, учувчи пиёда деб аташарди. Нега дейсизми? Чунки унда 600 кг бомба, 2 тўп, 300—350 снаряд, 2 пулемёт, 1500 патрон, 8—16 та Катюша реактив снаряди жойлашган бўлиб, у душман учун ҳақиқий ажал қалъаси эди.

Эскадрильямиз душман танклари колоннаси, пиёдалари устига бомбалар ёғдира бошлади. Пастдаги фашистлар пулемёт ўқлари, снарядларимиздан катта талафот кўришди. Бирдан немисларнинг зенит тўплари зонасига тушиб қолдик. Қулоқни қоматга келтирувчи тўпларнинг гумбурлаши, катюшалар чинқириғи, пулемётлар сайрашидан атроф олатасир бўлиб кетди. Дам тўплардан, дам катюшадан ўт очиб, жанг қизиғида олдиндаги самолётларнинг қандай пастга шўнғиб ёлғиз ўзим осмонда қолганимни сезмабман. Мен биринчи марта душман зенитларига дуч келишим эди. Пастда Днепр дарёси, бир тарафда шаҳар ястаниб

ётибди. Пастда кўринган фашист техникаси, колонналари устига бомба ташлаб, пиёдаларини ўққа тутиб душман орқасига чамаси 100—120 километр ичкарига кириб кетибман. Бир вақт ўқчи радист Ҳамид Азаматовнинг менга қарата бақириб айтган сўзларини зўрға илғадим.

— Душманга қараб кетаяпсан! Орқага қайтар!

Орқага энди йўл бўлсин! Менга худди бўридек тиш қайраб, қаторасига ўқ узиб икки фашист қирувчи самолёти келяпти. Могилев — Орша йўли тепасида учяпмиз. Уқчи радистини Ҳамид Азаматов пулемёт билан бир самолётни чалғита бошлади. Иккинчисини ўзим даф қилишга уриндим. Фашист учувчилари ҳам анойи эмас. Тажрибали ва уста. Пастлаб уча бошладим. Абжирлик қилмасак, нақ ажал турибди. Пастда ястаниб ётган қуюқ ўрмонзор ичида йўлка шаклида қирқилган майдон кўзимга кўринди. Таваккалига самолётни ўша ерга шўнғитдим. Дарахтлар ичида ғойиб бўлган самолётимизни фашистлар назардан йўқотиб, узоқлаб кетишди. Мен жуда пастлаб, дарахтларга қаноти тегай-тегай деб учаётган самолётимни яна баландлатиб ўзимизникилар томон парвоз қилдим. Қарангки, ҳаяжондан аэродромимиздан уч километр нари кетиб қолибман. Эскадрильядаги ўртоқларим мени ҳалок бўлганга чиқаришган экан. Самолётимда олинган суратларни биргаликда кўрдик. Уларда ўша ҳаво жанги, пастда душман кўрган талафотлар рўй-рост гавдаланди. Ўша жанг учун мени «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотлашди. Кейинчалик ҳавода мен яна 13 марта душман қирувчилари билан тўқнашдим. Лекин, бари бир, ўша биринчи жанг хотирамда ҳаммасидан ҳам кучлироқ сақланиб қолди.

Яна бир воқеа эсимда. Бу Данциг районида бўлган эди. Биз немислар колоннасини кўриб қолдик. У бир неча километр масофага чўзилган. Дарҳол пастга қараб шўнғидик. Бомбалар мўлжалга туша бошлади. Икки фашист танки аланга олиб ёнаётганини кўрдим. Бир вақт фашист қирувчи самолётлари келиб қолди. Самолётим уларга анча яқинроқ бўлгани учун улар зарбани дастлаб менга қаратишди.

— Укажон, бардам бўл!

Полкдош дўстим Николаев товушини эшитдим. Рациядан яна унинг товуши эшитилди.

— Сени ҳимоя қиламан!

Николаев ва унинг ёнидаги дўстлар душман самолётлари билан ҳаво жангини бошлашди. Мен эса фурсатдан фойдаланиб, қолган бомбаларимни колонна устига ташладим. Сўнг бошқа дўстларим қатори жангга киришдим.

Уруш давомида юздан ортиқ ҳаво жангининг ҳар бири ҳаёт учун хатарли бўлгани аниқ. Аммо жанговар дўстлик доимо мени муқаррар ҳалокатдан асрагани ҳам ҳақиқат. Ҳатто 10 фашист танки, 69 автомашинаси, қурол-аслаҳа, ўқ-дори ортилган 43 подвозкаси ва 500 немис солдат-офицерларини йўқ қилганимни дўстларим шахсий ҳисобимга ёзишганини айтмайсизми!

1944 йил октябрь ойида мени Тошкентга республика юбилейига юборишгани ҳам урушдаги энг ёрқин хотирадир. Қувонч ва ғурур ила Тошкентимга кириб келдим. Она шахримда кўкрагимда «Қизил Байроқ», «Қизил юлдуз» ва I даражали Ватан уруши орденларини кўрган ёру дўстларим шодлиги оламга сиғмасди. У менинг ҳам шодлигим эди.

3. 1945 йил 8 май куни Берлин осмонида жанг қилганман. Қочаётган немислар устига ўқ, бомба ёғдириб, аэродромга кеч қайтдим. Ошхонада овқатланиб бўлгач, узоқ-узоқларда отишма эшитдим. Уқ товушлари яқинимда ҳам янгради. Фашистлар ҳужум қилдими дея ўйлаб, тўппончамни яланғочладим-да, аэродромга югурдим. Қарасам, ўзимнинг механигини автоматини осмонга қаратиб тарилляпти. Ҳамма шод-хуррам. Кимдир тўппонча, кимдир автомат пулемётдан отаяпти. Улар буюк Ғалаба салютини беришар эди.

1. Урушни мен армия сафидаги хизмат вақтида — Ашхабодда эшитдим. Ушанда йигирма ёшда эдим.

2. Улуғ Ватан урушидаги энг характерли воқеа мен учун 1945 йилда юз берди.

Биз — батарея командирларини полк командири чақириб қолди. Полк штаби анчагина кенг бинога жойлашган бўлиб, командирнинг ёруғ хонасида униң ўзидан ташқари армия штабидан келган вакил ҳам бор эди.

Полк командири бизни харита ёнига таклиф қилди. Бу — қуршовга олинган Берлин харитаси бўлиб, қизил ва қора белгиларга тўлиб кетганди.

— Қўмондонлик полкимизга жуда масъулиятли вазифани топширди, — деди полк командири. — Шаҳарнинг жанубий томонида жанг қилаётган 132-дивизия ниҳоятда оғир аҳволда экан. Ўттиз минг нафар эс-эсчидан иборат сараланган душман отрядига қарши бор-йўғи етти мингга яқин солдати қолган дивизиямиз қаршилиқ кўрсатмоқда. Сизларнинг вазифангиз, қандай қилиб бўлмасин, тонггача Шпандау районидаги Вильгельмштрассесига етиб бориб, душманнинг йўлини тўсишдир.

Полк штабидаги йиғилиш анча вақт давом этди. Армия штабидан келган вакил ҳамда полк штабининг бошлиғи амалга ошириладиган операция хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳақиқатдан ҳам топшириқ ниҳоятда жиддий эди. Юз эллик километрдан зиёд масофани тонггача жанг билан босиб ўтиш ҳазилакам гап эмас. Лекин шароит шуни тақозо этарди. Буйруқ буйруқ-да!

Биз — батарея командирлари тарқалганимизда соат тунги иккига яқинлашиб қолганди. Хаёлга берилиб папирос тутатдим. Менинг қўл остимдаги артиллерия батареяси бутун Европани озод этишдаги жангларда фаол қатнашди. Бирор марта ҳам қўмондонлик буйруғи бажарилмай қолмаган. Энди эса...

— Гап бундай ўртоқлар, — дедим командирлар тўпланиб бўлишгач. — Шошилинч буйруқ олдим. Тонгги соат олтигача Шпандау районида янги позицияни эгаллашимиз керак.

Тўп командирлари ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашди.

— Ҳайрон бўлаётганликларингни тушуниб турибман. Лекин буйруқни бажаришимиз шарт. Хўш, кимда қандай таклиф бор?

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Биз шаҳарни ёриб ўтамиз! — дедим қатъий оҳангда.

Тўп командирлари сўзларимдан янада хушёр тортишди.

— Ўзга чорамиз йўқ, йигитлар, — дедим кулиб. — Акс ҳолда вақтни бой берамиз.

...Тинимсиз ҳужум қилинаётган шаҳарни ёнғин ўраб олганди. Снаряд ва бомбаларнинг портлашидан йўллар бутунлай ишдан чиққан, баъзи жойларни эса айланиб ўтишга тўғри келди. Мен олдиндаги машина кабинасига ўтириб олганимча, кетма-кет папирос тутатиб борардим. Фикримда бир ўй: «Ишқилиб душман сезиб қолмасин!»

— Шаҳарда ҳозир ит эгасини танимайди, — деди сержант Огородников машинани бамайлихотир бошқариб бораркан, — биронта дайди снаряд келиб тушмаса эди.

Сержантни жуда яхши билардим. Камгап бир одам, довжураклиги ва тадбиркорлиги билан батареяда ҳамманинг ҳурматини қозонган. Шунинг учун бу сафар ҳам уни бошловчи қилиб олдим.

Урушда нималар бўлмайди дейсиз. Ҳарҳолда соат олти бўлмасдан туриб белгиланган маррага етиб келганимизда дастлаб кўзларимга ишонгим келмади. Теварак-атроф туман. Адашмадикмикан, деган ўй билан машинадан тушиб, атрофни кузатдим. Йўқ, худди ўзи! Эни ўттиз метрли машҳур Вильгельмштрассенинг худди ўзгинаси. Соатга қарадим.

Ун беш минути кам олти. Қувончдан энтикиб кетдим. Тезда тўп командирларини йиғиб, буйруқ бердим.

— Тўплар оралиғи қоидадагидан икки баробар ортиқ бўлсин! Ҳар бир расчётда икки жангчи гранаталар билан қуролланиб, олдинги позицияни эгалласин. Олдинги позициядагиларга старший лейтенант Поповни командир қилиб тайинлайман!

Тажрибали тўпчилар тез орада позицияни эгалладилар.

— Полк командири билан уланг! — дедим ҳаяжонланиб.

Алоқачи тезда буйруқни бажарди.

— Уртоқ командир буйруқ бажарилди! Батарея жанговар позицияни эгаллади. Навбатдаги буйруғингизни кутамиз, — дедим дадил.

— Яшавор, азамат!..

Орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, узоқдан танк овозлари эшитила бошлади. Тўпчилар ҳушёр тортишди. Кўп ўтмай, икки «Тигр» ва бир неча бронемашина кўринди.

— Ўт оч!

Бир неча тўп бараварига гумбурлади. Олдин биринчи, кейин иккинчи «Тигр» ўт ичида қолди. Бронемашиналар эса ортига бурилиб, кўздан ғойиб бўлишди. Бироқ, кўп ўтмай яна танклар ва бронемашиналар кўринди. Бу сафар улар тўпчиларимиз позициясини ўққа тутиб келишарди.

Икки ўртада аёвсиз снарядлар жанги бошланди. Лекин душманга қараганда устун позицияни эгаллаган тўпчиларимиз катта қулайликка эга эди. Таҳликага тушиб қолган душман кетма-кет ҳужум қила бошлади. Чунки улар йўлни тўпчиларимиз тўсиб қўйишганини аввал хаёлларига ҳам келтиришмаган эди. Энди эса вазиятни тушуниб, ҳужумга зўр бера бошладилар.

Ун биринчи ҳужумни қайтариб турганимизда танкларимиз ёрдамга етиб келди. Тонг палласи салкам 30 минг кишилиқ душман асир олинди.

Шу кунги жанг батареямиз учун қимматга тушди. Биринчи взвод командири, старший лейтенант Попов, ажойиб туркман йигити старший сержант Есеков, наводчик, оддий солдат Лепецкийлар ҳалок бўлишди. Лекин батареямиз тўпчилари кўрсатган жасорат тилларда достон бўлди.

3. Ўша жангдан сўнг худди атайлаб қилингандай қуёш чарақлаб кетди. Туман тарқалди. Ҳамма бизни табриклашга ошиқарди. Қаттиқ жангдан сўнг ҳолсизланиб қолганимдан бир чеккада, индамай папиросимни тутатиб ўтирардим. Шу пайт бутун Берлин бўйлаб ҳаммаёқни олатасир ўқ овози босиб кетди. Ҳамма осмонга қарата ўқ узар, ура, деб қичқирар эди.

— Ғалаба!

— Ғалаба!

Урнимдан сакраб туриб кетдим. Енимдаги алоқачини қаттиқ қучоқлаб олдим.

— Ғалаба солдат! Ғалаба! — дедим энтикиб.

Кўзларим севинч ёшларига тўлганди.

— Уртоқ капитан, телефонга! Сизни генерал сўраяпти.

Шошиб телефонни олдим.

— Эшитаман, ўртоқ генерал!

— Табриклайман, капитан! Ҳам ғалаба, ҳам қаҳрамонлик билан! Қўмондонлик сени Совет Иттифоқи Қаҳрамонлигига тавсия этди!

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!

Ҳаяжондан, чексиз қувонч, ифтихордан овозим титраб кетди.

Берлин кўчалари бўйлаб борар эканман, ҳилпираб турган ол байроқларимизни кўриб, шунча йил давом этган қирғинбарот урушнинг тугаганига ишонгим келмасди. Лекин уруш тугаганди. Дунёнинг энг даҳшатли бу уруши Совет Армиясининг катта ғалабаси билан тугаган эди. Мен учун 1945 йилнинг 9 Май тонги ҳаётимдаги энг бахтли тонг эди. Бу тонг нафақат менинг, балки бутун тинчликсевар инсониятнинг энг бахтли тонги эди.

1. Улуғ Ватан уруши бошлангани ҳақидаги мудҳиш хабарни Катта-қўрғонда эшитдим. Комсомол йўлланмаси билан сув омборида ишлар эдим. Фашистлар Германиясининг хоинона ҳужумидан барчамиз ғоят ғазабландик. Қалбимиз фронтга ундарди. Самарқандга қайтсам, акам Восе, поччам Ҳамидулла, тоғаваччам Облоқулга чақириқ қоғози келибди. Улар фронтга кетишди. Менинг аризамни эса қайтаришди. Керак бўлганинга чақирамиз, дейишди. Шундай қилиб мен Самарқандда қолдим. Тикувчилик фабрикасида моторчи сифатида ишимни давом эттирдим 1942 йил 13 январда мен ҳам Ватан мудофаасига отландим.

2. Урушда ўтган ҳар куну ҳар тун солдат ёдида қолади. Айниқса ўлим билан юзма-юз тўқнашган дақиқаларни эслаш даҳшатли. Дастлаб мени юзинчи ўзбек отлиқ дивизиясига юборишди...

1943 йил 22 октябрдаги жанг ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. 3-Украина fronti таркибидаги 12-армиянинг 60-гвардиячи дивизияси 132-гвардиячи полкида разведкачи эдим. Унвоним старшина. Днепрни кечиб ўтиб Хортица оролида марра эгаллаш ҳақида полк командиридан буйруқ олдим. Шилин командирлигидаги взводимиз солга ўтириб дарё бўйлаб сузиб кетди. Душман снарядлари ва миналари ён-атрофимизда портлаб турибди. Оролга етиб боргунча сол шикастланиб, бир қанча йигитларимиздан ажралдик. Командир менга ўқчи батальон командири капитан Колесниковнинг кузатув пунктини топиб, у билан алоқа боғлашни буюрди. Ўқ ёмғири остида буйруқни бажардим. Шундан кейин Хортицадаги душман устига ўт очиш ҳақида сўл қирғоқдаги батареяга хабар бердик.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Елисеев командирлигидаги батальон сафида фашистлар билан жанг қилдик. Лекин кучлар тенг эмасди. Бир кунда биз душманнинг саккиз ҳужумини қайтардик. Тенгсиз олишувлардан бирида ярадор бўлиб ҳушимдан кетдим. Кўзимни очганимда ярим кеча эди. Сукунат. Ён-атрофимда мурдалар ётибди. Дарё тарафдан майин шабада эсмоқда. Атрофга диққат билан назар ташладим. Бир неча метр наридаги ҳандақдан немисча сўзлар эшитилиб, икки кўланка кўринди. Улар мен ётган жойга яқинлашиб кела бошлади. Нафасимни чиқармай, кўзларимни чирт юмдим. Лекин юрагим билан ажал келаётганини ҳис қилардим. Уша ҳолатимни эсласам, ҳамон юрагим жунжикиб кетади. Немислар нақ тепамда тўхташди. Бирининг нафаси юзимга урилгандек бўлди. Этиги бетимни сидириб ўтди. Сўнг қорнимга урилган зарбдан додлаб юбораёздим. Қимирласам, овозим чиқса, ўлишим аниқ эди. Шу зайлда қанча ётдим билмайман. Бир пайт қулоғимга «ура!» садолари, сўнг отишма эшитилди. Кўзимни очиб, атрофни кузатдим. Сал нарида, менга орқа ўгирганча немис пулемётчиси ҳужумга ўтган жангчиларимизни ўққа тутмоқда эди. Қорнимдаги оғриқ, алам ва ғазабдан қандай қилиб ёнимда ётган автоматни олиб пулемётчини қулатганимни, пулемётни эса немисларга қаратганимни ўзим ҳам билмайман. Мана сенларга ўт очиш, дея пулемётни сайратвордим! Яқингинамдаги иккинчи номерли фашист пулемётчиси мени кўриб додлаворди. Автоматдан ўқ узиб унинг ҳам товушини ўчирдим-да, яна пулемётга ёпишдим. Жон-жаҳдим билан немисларга ажал селини ёғдира бошладим. Фашистлар орқа томондан бундай зарбани кутишмаган эди. Улар орқамизга душман ўтибди деган фикрга бориб, саросимага тушишди. Бундан фойдаланган жангчиларимиз олға интилиб зарур маррани қўлга киритишди.

Уша жангдан сўнг взводимиз командири гвардиячи лейтенант А. Шилин ва менга СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 22 февралдаги Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

3. Буюк Ғалабани мен ўз она-юртимда — Самарқандда қувонч билан кутиб олдим. 1945 йил январида оғир яраланганимдан сўнг мени демобилизация қилишган эди.




Азиз номи дилларда

Буюк ғалабанинг 40 йиллиги зўр тантана билан нишонланаётган бугунги улуғ айёмда ўзбек генерали Собир Раҳимов хотирасини алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оламиз.

Истеъдодли саркарда, Ватанимизнинг ардоқли фарзанди номини эшитганда фашистлар ваҳимага тушар, дўстлар эса руҳланиб, жасорат билан душман сари шердек олға ташланар эдилар. Уша уруш йилларида «Душманни собировчасига қирамиз!» деган жанговар шиор ҳар бир совет солдатининг дилидан жой олган эди.

Фотомухбир П. ШТИРЕНКО архивида сақланган ушбу суратларда юртдошимиз, биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг жанговар ҳаётидан лавҳалар акс эттирилган.







Иброҳим Раҳим

ҒАЛАБАМИЗ ОМИЛИ

М

енинг учун уруш фашизм туғилган кундан бошланди, дегим келади. Германия фашистлари давлат тепасига келиб, Гитлер Рейхстагга ўзи ўт қўйдириб, коммунистларга тўнказган ва шу баҳона билан большевизмни йўқотишга киришган палладан, ёвузлар Испания республикачиларини қонга белаган дамлардан ҳарбий сафарбарлик бошлангандай эди.

Менинг учун уруш агрессив Рим — Берлин — Токио «ўқи» тузилиб, СССРга қарши иғволар уюштирган вақтларда бошлангандай эди. Чунки фашизм қонли диктатура, урушқоқ ирқчи, тажовузкор босқинчи сифатида майдонга чиқди ва тиш-тирноғигача қуролланиб, совет давлатини йўқ қилиш учун урушга ҳозирлик кўрарди. Германия фашистлари мамлакатимизга қарши бўҳтонлар уюштириб, юртимизга айғоқчилар, жосус ва кўпорувчилар юбориб, тинч қурилишимизга путур етказишга уринарди. Уша вақтларда мен мамлакатимизнинг ғарбий чегарасида ҳарбий хизматда эдим.

Менинг учун уруш ғарбий чегараларимизни мустаҳкамлаш ва Белоруссия, Украина ғарбий областларини озод қилиш учун олиб борилган жанговар юришимизда бошланган эди. «Шовлани кавлаганда» сарлавҳали дастлабки ҳикоям ва «Баҳодир» поэмада ўша юришлар ва жанглар тасвирланганди. Илк ҳикояларим «Қизил Ўзбекистон» газетасида чоп этилган бўлиб, «Баҳодир» поэма республика адабий-бадний конкурсида мукофотланган, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналида босилиб чиққан.

Менинг учун уруш «оқ финлар»га қарши жанглар, маннаргейм истехкомларини штурм қилиш вақтларида бошланган эди. Бу «кичик уруш»ни мен «Бир юз беш кун тарихи» сарлавҳаси остидаги ҳужжатли қиссамда баён этиб: «Еш ленинчи» газетасида чоп эттирдим, кейинча сайланма асарларим китобига кирди. Бу «кичик уруш»лар бизни катта уруш — Улуғ Ватан урушига тайёрлаб, ҳозирлаб боргани маълум. Фашистлар Германияси Совет Иттифоқига қарши уруш бошлаши муқаррарлигини билардик, аммо, қачон, қаерда, қанча куч билан бошлаши номаълум эди.

Германия фашистлари Ватанимиз чегарасидан ёвузларча бостириб кирган 1941 йил 22 июнь куни мен туғилиб ўсган қишлоғимдан онамни Тошкентга кўчириб келиш учун тайёрланаётган эдим. Финляндия урушидан кейин армия сафидан Тошкентга қайтгандим ва «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида иш бошлагандим.

Шу тунда «Қизил Ўзбекистон» газетасида фашист босқинчиларига қарши бир саҳифа материал тайёрлаб, 23 июнь сонидан бир нусха қўлтиқлаб, тўппа-тўғри станцияда кутиб турган қизил эшелонда фронтга жўнадим.

Улуғ Ватан урушига доир эсда қоладиган воқеалар кўп. Унинг ҳар бир куни умрга тенг бўлиб кетади. Минут ва дақиқаларнинг кадр-қимматини, ҳарбийлар, айниқса сапёрлар яхши биладилар. Аскар ва командир ҳар минутда ҳалок бўлиши мумкин. Шу туйғайли унинг учун эсон-омон ўтган ҳар бир лаҳза эсда қолади. Чунки урушнинг ҳар бир дақиқасида ҳам бир олам воқеалар юз бериши табиий.

Ана шундай сониялардан бири, менинг ҳарбий ҳаётимда катта из қолдирди. У ҳам бўлса 1941 йилнинг кеч кузида Москва бўсағасида юз берди. Мен 194-ўқчи дивизия инженерлик батальонининг сапёрлар ротасида сиёсий раҳбар эдим. Душман Москвага бостириб келмоқда. Немис танклари Протва сойи кўпригига келиб қолди. Бир гуруҳ сапёрлар билан Протва кўпригига мина қўймоқда эдик. Фашист танклари кўприқдан ўта бошлаган пайтда уни кўпориб юбордик. Уч танк

кўприк билан бирга сувга қулади. Яна икки танк — сув бўйида минамиздан портлади. Кейин Протва бўйида йиғилиб қолган фашистларни ўққа тутдик. Артиллерия ишга тушди. Кейин катюшалар... Босқинчиларнинг шашти қайтди. Шу куни ҳужуми тўхтаган душман эртасига ҳам олға силжиёлмади. Бу участкада дивизиямиз фашистларнинг Москвага юришини тақатақ тўхтатиб қўйди.

Ана шу воқеа ҳозиргача эсимда. Кейин ўзимиз ҳужумга ўтиб фашистларни бу жойлардан суриб улоқтириб ташладик. Жуков район, Троицкое посёлкаси аҳолиси урушдан кейин Василий Зотов билан менга фахрий граждандеган ном бердилар. Мен рус қишлоғининг фахрий граждани бўлганимдан умрбод фахрланаман!

Хотирамда қолган бошқа эпизодлар ҳам кўп. Мен уларни фронт очеркларимда, «Чин муҳаббат», «Фидойилар», «Мангулик кўшиғи» каби проза асарларимда, «Чақмоқ», «Жоним фидо» пьесаларимда, «Фарҳоднинг жасорати» бадиий кинофильмимда тасвирлаганман.

Ниҳоят, халқлар орзиқиб кутган кунлар келди. 1945 йил май ойининг бешинчи куни тонг отарида фашистларнинг тож-тахти Рейхстагга Ғалаба байроғи ўрнатилди. Уша куни Рейхстагга Ғалаба байроғи тикилгани билан ҳали фашист қўшинлари батамом қирилиб битмаган эди.

Бу кўраш 8 май тунигача давом этди ва 9 май тонг отар фашист қўшинлари тамомила енгилди. Уша тарихий кун байрамлар оғи саналмиш май календарига энг катта байрам санаси сифатида қизил рангда ёзиладиган бўлди.

Уша тарихий кунда биз Шарқий Германияни фашист қўшинлари қолдиқларидан тозалаб бўлиб, Штатгард ўрмонида янги жанговар топшириқлар кўтиб турган эдик. Гумбаз бронларига «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» деб ёзиб қўйилган танкларимиз ўрмон четларида шай турарди. Радио Германия қўмондонлиги сўзсиз таслим бўлгани ҳақидаги хушxabарни эшиттириганида ҳамма экипажлар «Ур-ра-а!» деб танкларидан пастига тушдилар-да, кўрингани кучоқлаб ўпа кетдилар. Айрим командир ва автоматчилар варанглатиб салют ўқи уздилар.

Бир оздан кейин ғалабага бағишланган митинг бўлди. Унда мен ҳам ҳаяжонланиб гапирдим.

Шу куни ҳамма гапдон бўлиб кетганди. Уларни сира тўхтатиб бўлмасди. «Ёдингдами?... Эслайсанми...» деб Москва бўсағаси жангларию Сталинград, Курск, Минск, Гданск, Помирания, Одер, Нейндаги олишувларни, ғалаба йўли қийинчиликларини хотирлай бошладилар. Ғолиблар хотираси — ўчмас хотиралар эди.

Ғалабамизни таъмин этган омиллар биз олиб борган урушнинг асоси ва мақсадидан келиб чиқади. Биз озодлик уруши олиб бордик. Улуғ инқилоб берган бахтимизни ҳимоя қилдик. Инсониятнинг бошига келган бало-қазо — фашизм зулм-занжирига қарши, бутун башариятнинг порлоқ келажаги учун жон олиб, жон бердик. Биз адолатли халқ уруши олиб бордик. Ўз озодлиги учун курашган халқ, албатта, ғалаба қозонади!

Бу урушда бизнинг илғор тузумимиз — халқчил, социалистик тузумимиз енгди. Капитализм шароитида шу уруш бўлса, бунча ёвуз кучга қарши туриш қийин эди. Гитлер дунёда энг қудратли ҳарбий машина яратганидан маст-аласт эди ва бу ҳарбий машина советларга қарши юриш бошлаганида СССР чок-чокидан йиртилади, миллатлар, элатлар орасида низо чиқади, деб ўйлаганди. Гитлер янглишган эди. Уруш бошланиши ҳамона барча халқларимиз бир ёқадан бош чиқариб, қўлларига қурол олдилар. Фронт орқаси мустаҳкам эди, душманнинг ички душманлар, миллатчилар, сотқинлар хуруж қилишига бўлган ишончи пучга чиқди.

Мустаҳкам социалистик экономикамиз қудрати қўлимизни баланд қилди. Уруш бошланган кундан эътиборан бутун саноат ҳарбий эҳтиёжга сафарбар бўлди, кундан-кунга кўп ва яхши сифатли қурол-яроғ ҳарбий техника ишлаб чиқарилди. Германиянинг уруш бошидаги ҳарбий техника жиҳатидан устунлиги тобора камайиб борди, урушнинг охирига келиб бизнинг ҳарбий қудратимиз ҳар жиҳатдан душманга нисбатан икки баравардан ҳам ортиб кетди.

Бу урушда илғор инсоний ғояларимиз ҳам фашизмнинг чирик ирқчилик таълимоти устидан ғалаба қилди. Биз, озодлик бағишловчи илғор интернационал ғоямиз билан Европа халқларини фашизмга қарши иттифоқчиларга айлантirdик. Бу ҳаётбахш ғоялар ғалаба қилди. Европада кўпгина мамлакатлар, халқлар эски тузумни рад қилиб, социалистик йўлга ўтиб олдилар.

Ғалабамизнинг энг муҳим омили — коммунистик партиямизнинг йўлбошчилиги, раҳнамолиги, оқилона, доно стратегияси ва халқчил тактикасини изчил амалга ошириш, борлиқ кучимизни ғалабага сафарбар қилишда бўлди. Партиямиз ленинча тинчлик сиёсатини тўғри амалга ошираётгани туфайли совет халқи қирқ йилдан бери тинч яшаб, унумли ишляпти.

САМО СУРУРИ

У

луғ Ватан уруши бошланганда Тошкентда эдим. Мен Граждан Ҳаво флотининг учувчиси сифатида тинч ва сурурли юмуш билан шуғулланардим: почта, ҳар хил юк ва пассажирлар таширдим. Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари айни авжига минган паллалар эди. Биз хизмат қилаётган пассажирлар ҳам кўпинча ўзига хос ихтисосли касб эгалари — геологлар, ирригаторлар, чорвадор ва врачлардан иборат бўлар эди. Табиийки, биз, учувчилар, Ўзбекистонни пешона тер билан гулга буркаётган бундай ажойиб кишиларга хизмат кўрсатаётганимиздан фахрланардик.

Баъзан поёнсиз саҳро устидан учар экансиз, олдинда, қумликлар орасида нимадир ялтираб, кўзингизни қамаштиради. Яқинроқ борсангиз сон-саноксиз одамлар... Кетмонлари офтоб нурида ялт-юлт этади. Канал қазишмоқда. Баҳорда қарасангиз, қақраган чўл ўрнида пайдо бўлган кўм-кўк пахтазор кўзингизни қувонтиради. Ёзга келиб бу ерларда оппоқ улкан хирмонлар кўкка буй чўзади, сал нарида шולי экилган майдонлар қумушдек товланади. Ҳаёт кўз ўнгимизда ана шундай янгилаиб, тозаир борар эди. Бироқ, кутилмаганда — уруш!...

Машъум хабарни биз, учувчилар кўрқув ҳисси билан эмас, балки масъулият туйғуси билан қарши олдик. Чунки шундай тарбияланган эдик. Энг юксак бурчимиз — Ватанни ҳимоя қилиш! Бирнчи бўлиб жангга киришимизни ҳаммамиз яши биларик.

Негадир бошлиқлар мени фронтга юборишмади. Сен шу ерда қоласан, бу муҳимроқ, дейишди. Эътирозим инobatга олинмади. Менга кўш моторли янги ПС—41 маркали самолёт беришди. Унда мен почта таширдим. Ажойиб машина эди! Учувчилик фаолиятимда эришган ютуқларим худди шу самолёт билан боғлиқ. Қирувчи самолётга ўхшаб енгилгина бошқарилар, ҳавога ям тез кўтарилар эди. Муҳими шундаки, ҳар куни Тошкентдан Урганчга бориб-келавериб ўзимча кашфиёт яратдим. Менинг англашимча, беш минг метр баландликдан бошлаб ҳаво оқими ғарбдан шарққа томон мунтазам ҳаракатланар экан. Қанча юқориласангиз, унинг тезлиги шунча ошиб бораркан. Бу кашфиёт менга йўловчи шамол кўмагида ёнилғини тежаш имконини берди. Тошкентдан Урганчга бораётиб уч минг, қайтишда саккиз минг метр баландликда учардим. Айниқса, саккизинчи километрда ҳаво оқимининг тезлиги соатига 300 километрдан ошар эди. Бу самолёт тезлигининг икки баравар кўпайишини таъминлайди. Ҳа, ерга қўнганимдан сўнг ёнилғи бакини текшираётган инженернинг қўйидаги сўзлари мени қувонтирди:

— Э-ҳа, йўл-йўлакай заправка қилдингми дейман?

Ушанда ўз кашфиётимдан жуда фахрланган эдим. Бироқ бу тажриба кейинчалик менга нақадар асқотиши хаёлимга ям келмаганди...

Ҳаракатдаги Армияга 1942 йилнинг май ойида кўшилдим. Бу ҳам тасодифан бўлган эди. Тошкентдан Москвага самолётда учиш керак. Учиб бордим-у, Москвада қолиб кетдим. Шундай қилиб, узоқ масофага мўлжалланган тунги бомбардимончи авиация (АДД) учувчиси бўлиб қолдим...

Маълумки, 1942 йил Ватанимиз учун энг оғир йил бўлди. Узи босиб олган мамлакатлар ҳисобига ҳамда жаҳон капитализми кўмагида катта куч тўплаган фашист ҳарбий машинаси СССРга қарши ташланди. Гитлерчилар матбуоти ва радиоси ўзларининг енгилмаслиги ҳақида бутун дунёга жар солмоқда эди. Авиация министри Геринг мақтанчоқлик билан шундай деганди: «Агар, Берлинга битта совет бомбаси тушса, ўзимни-ўзим ҳалок қиламан». У бу ўринда совет бомбардимончи самолётларининг Берлинга қилган 1941 йил августидagi ҳужумини назарда тутган. Ҳақиқатан ҳам, ўша пайтлар бизнинг ИЛ-4 Болтиқ денгизидagi оролдан учар эди. Белгиланган маррага бориб-келгунча бўлган масофа — 1700 километр. ИЛ-4 самолёти 3800 километргача учишга мўлжалланган бўлса-да, ундаги ёнилғи аэродромга қайтишга зўра етарди.

Табиийки, бу муаммонинг сабабларини аниқлашнинг вақти эмасди. Гитлерчилар ҳужуми натижасида фронт чизиги тобора шарққа томон силжимоқда эди. 1942 йилнинг ёзига келиб фашистлар уяси — Берлингача бўлган масофа икки марта узайиб кетди. Бу авиациямиз ишларини янада мураккаблаштирар эди.

«Рус самолётларининг Берлинга етиб келишига йўл қўйилмасин!» — гитлерчилар қўмондонлиги шундай буйруқ чиқарган эди. Совет Олий Бош Қўмондонлиги эса аксинча: «Самолётларимиз Берлингача учиб бориши керак! Қандай бўлмасин... бориши керак! Бу жуда муҳим!» — деган муаммо устида бош қотирмоқда эди.

Фашистлар уясини бомбардимон қилишга тайёргарлик кўриш ҳақидаги буйруққа АДД учувчилари ҳар хил муносабатда эди. 1941 йилдаги муваффақиятсизликлар кўпчиликини эсанкиратиб қўйганди. У пайтлар ёнилғи 1700 километрлик масофага зўрға етарди. Ҳозир эса бу масофа икки марта узайган — 3200 километр...

Дастлаб бизни Кенигсбергга учирашди. Орадаги масофа 1500 километр. ИЛ-4 самолётининг бензин бакидаги ёнилғи 3200 километрга мўлжалланганини юқорида айтган эдим. Ҳисоб бўйича, белгиланган жойни бомбардимон қилгач, ҳамма экипажлар аэродромга қайтиб келиши керак. Аммо, баъзилар келди, баъзилар эса...

Кенигсбергга биз уч марта бордик. Кейин ундан узоқроқ бўлган Данцигга учдик. Шундан сўнг Берлинга юбориладиган экипажлар саралана бошланди. АДД бўйича буйруқдан ўтгач, сафимизда бизни ҳазиллашиб «берлинликлар», деб аташарди. 1942 йилнинг 27 августида душманнинг энг ичкерисига — фашистлар уясини бомбардимон қилишга жўнадик. Уша тунларда Берлинга уч марта ҳужум уюштирдик. Лекин учинчиси — 10 сентябрга ўтар кечаси қилган ҳужум хотирамдан кетмайди.

Бизнинг бундай журъатимиздан ғазабланган Гитлер самолётларимиз учган жойни топиб, уни ер билан яқсон қилиш ҳақида буйруқ берди. Фашистлар аэродромимизни қидира бошлашди. Ниҳоят топишди ҳам. Сўнг бомбардимон қилиш учун келишди. Биз кучли портлашлар ичидан самолётларимизни олиб чиқа бошладик.

Унингчи сентябрга ўтар кечаси. Ҳавога кўтарилгач, керакли курсни белгиладим. Ҳали қоронғилик чўкмаган эди. Кўм-кўк осмоннинг у ер-бу ерида ола-чалпоқ булутлар сузиб юрарди. Негадир бу ҳолат менга ёқмади. Самол уларни Болтиқ томондан ҳайдаётганини билардим. Тўда-тўда бўлиб сузаётган бундай булутлар тезда момақалдиरोқ бўлишидан дарак берарди. Бу — самолёт учун жуда хавфли. Уйлаганимдай бўлди: кўп ўтмай биз бир-бирига яшин тарқатаётган қоп-қора даҳшатли булутлар қуршовида қолдик. Очиқ коридор — ҳаво йўли тобора қисқариб, икки тарафдан қора фалокат босиб келарди. «Мана, ҳозир ҳаммаси тугайди, момақалдироқ самолётни парчалаб ташлайди ёки яшинда куйиб кетамиз», деган ўй мени қийнарди.

Ҳаво коридори тугади, фақат ўнг ва чап томонда очиқ йўл бор эди. Олдинда эса, даҳшатли қоп-қора булутлар яшин чақнатмоқда. Машинани ўнгга қалтис бурдим. Тоғдай булут ёнидан ёриб чиққанимни биламан, немисларнинг Ю-88 самолёти қаршимдан тўппа-тўғри келаётганини кўриб қолдим. Уша заҳоти чаққон ҳаракат билан штурвални пастга буриб юбордим. Фашист қузғуни моторини гуриллатганича ёнимдан ўтиб кетди. Самолёт қаттиқ чайқалганидан креслодан учиб кетган штурман вазнсизликдан ўз кабинасининг шифтида муаллақ осилиб турарди: оғзи очиқ, кўзи косасидан чиққудек. Штурвалга маҳкам ёпишдим: штурман полга шалоплаб тушди, сўнг кабинанинг тумшугига чирпирак бўлиб урилиб, кресло билан қислородли идиш оралиғига боши билан учиб кетди.

Узимга келгач, ҳалок бўлишимизга бир баҳя қолганини англадим. Бизга бахт кулиб боққан эди — немис учувчиси бизни кўрмаган. Агар кўрганида, у ҳам шошганидан штурвални мендек пастга бурар ва биз билан бирга ерга кулаб тушар эди...

Мана, момақалдиरोқли булут ҳам, фалокат ҳам ортада қолди. Кўм-кўк мовий осмонда учиб кетяпмиз. Кабина полида ўтирган штурман оғриқдан афтини бужмайтириб, кафти билан бошини силамоқда. Уни кузатаётганимни кўргач, шлемофонни бошига кийди. Бўйнидаги лорингофон тасмаларини қаттикроқ сиқиб боғлаб, ахборот берди:

— Ўртоқ командир, аҳвол чатоқ. Қайтмасак бўлмайди!

— Нима? Қайтамиз?! Нималар деб валдираясан?

— Э, жин урсин, бошим қислород асбобининг трубасига урилиб... синдириб қўйдим.

Мен бу ахборотдан донг қотиб қолдим. Шундай қийинчилик билан учсак-да, шунча хавф-хатардан зўрға ўтсак-да, энди ортга қайтсак?! Йўқ, бу мумкин эмас! Бироқ қислородсиз учиб ҳам бўлмайди... Штурман-Евсеев қислород масканини тўрт километр баландликдан бошлаб кияди. Бомбани эса етти километрдан ташлашимиз керак. Лекин сал пастроқдан ҳам ташласа бўлади. Масалан, беш километрдан. Йўқ, бу мумкин эмас. Худди бешинчи километрда, шаҳар устига аэростатлар ўрнатилган. Нима қилиш керак?

Ўзимча, ҳар хил вариантларни солиштириб кўра бошладим: штурманда ҳам, тенда ҳам алоҳида баллон бор. Ҳеч иложи қолмаса, масканинг ичагини синиқ трубага тутиб нафас олиш мумкин. Тўғри, баллонда кислород юқори босимда, лекин сал-пал очса зарар қилмайди. Лекин бу усулдан шахарни бомбардимон қилиб қайтаётганимиздагина фойдаланса бўлади. Чунки баландликда кислород етишмайди.

Ўз режаларимни штурманга айтганимда, у эътироз билдирди:

— Чидаёлмайман.

— Чидайсан. Сени жин ҳам урмайди. Тўрт мингинчи километрда маска кийсин деб, ким айтди? Чидайсан!

— Ахир, инструкция бўйича...

— Ихтиёринг, мен беш километрдан сўнг кияман.

— Сен... — у дарҳол рози бўлди. — Майли, сен айтганингча бўлсин.

Берлингга бомба ташлаганимиздан сўнг бизни прожектор нурларида ўққа тутишди. Йирик калибрли тўплардан отилган ўқлар ён-веримиздан визиллаб уча бошлади. Мени карахт қилган снаряд ёнимизда қачон портлаганини билмайман. Лекин ҳушимни йўқотгач, кўкрагим билан штурвалга юзтубан йиқилганимни сал-пал эсламан. Самолёт мотори қулоқни қар қилар даражада вағиллаб, тикка пастга шўнғирди. Моторнинг даҳшатли ўкиригидан ҳамда қулоғимда пайдо бўлган қаттиқ оғриқдан бир пайт ўзимга келдим. Баландликнинг кескин камайиб бораётганидан юзага келган худди шу оғриқ бизни сақлаб қолди. Мен юз берган ҳолатни дарҳол англай олмадим. Тиккасига учиб тушаётганимизни идрок этгач, биринчи марта кўрқув ҳисси вужудимни куйдириб юборди. Бу туйғу фақат тана ва идрокни эмас, балки ақлий фаолиятни ҳам фалаж қиладиган ҳиссиёт эди. Миямга яшин тезлигида шундай фикр қўйилди: «Қачондан бери пастлапмиз?!», «Баландлик қанча?!», «Қандай тезликда?!» Хаёлимдан шу фикрлар ўтаётган пайтда чап қўлим ўздан-ўзи тезликни камайтирди, моторнинг ўкириги босилди. Дарҳол ҳар хил ҳаракатлар қилиб, қулоғимга бир-икки шапатилагач, оғриқ йўқолди. Шу оғриқ мени карахт қилган экан. Ундан қутилгач, билдимки, биз прожектор нурлари кузатувидан пастга шўнғияпмиз. Кўзларим ўткир нурдан қамашганидан зарур асбоб шкалаларини аниқлашим қийин. Лекин зудлик билан шундай хулосага келдим: ҳозир баландликни кўрсатадиган асбоблар менга керак эмас. Агар, бизда запас масофа бўлса, ерпарчин бўлишдан қутулиб қоламиз, аксинча, иложи йўқ...

Катта тезлик... Агар штурвални бирданига юқорига кўтарсам, самолёт кучли силкинишга дош беролмай чирпирак бўлиб кетиши мумкин. Аста-секин буришим керак. Лекин бунинг учун баландлик етармикин?! Утаётган ҳар бир лаҳзада ерга урилиши хавфидан титраганча, штурвални оҳиста торта бошладим.

Қутилмаганда аллақандай енгилликни ҳис қилдим. Юқорига кўтариляпман!.. Гирдобдан чиқдим! Баландликни кўрсатадиган асбобга қарадим: уч юз метр! Бир-бири билан кесишган прожектор нурлари ҳавода безовта югурарди. Моторни бор кучи билан ишга солдим. Самолёт тобора юқорилаб борарди. Рўхимга ажиб бир қувонч ва ғурур ҳисси инди. Бор овозим билан қичқирдим: «Қани, қўлларингдан нима келди?!»

Кейин ҳаммаси келишиб олганимиздек бўлди: беш километр баландликдан сўнг штурман кислород баллонига энгашиб, синган штуцерга масканинг ичагини улади-да, мурватни салгина очди.

— Ҳаммаси жойида! — деди Евсеев. — Нафас олиш мумкин. Баландликка кўтарил-да, йўловчи шамол оқимида тушавер.

Шу муваффақиятли парвозим учун СССР Олий Советининг 1942 йил 31 декабрдаги Фармони билан менга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида жанговар топшириқлар билан бир қаторда, бошқа юмушларни ҳам бажаришга тўғри келди. 1943 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида, хизмат юзасидан уч буюк иттифоқчи давлат бошлиқларининг Техрон конференциясида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим.

Ўзим бевосита гувоҳи бўлган ҳаётий воқеалар адабий ижод билан шуғулланишимга туртки бўлди. Дастлабки очерк ва ҳикояларим урушдан олдин Ўрта Осиё тоғлари, чексиз саҳролари устидан учган пайтларимдаги қизиқарли таассуротлар асосида яратилди. Улар мамлакатимизнинг турли журнал ва газеталарида эълон қилинган.

Биринчи китобим — «Сафар ботир» 1958 йили Москвада босилиб чиқди. Кейинчалик Краснодар нашриёти «АДД қанотларида», «Мардлик», «Довуллар оша» номли китобларимни чоп этди.

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чиққан «Само сурури» трилогиямни асосий асарим деб ҳисоблайман. Унинг биринчи китоби — «Машаққатли парвоз», иккинчиси «Самода», сўнггиси — «Осмон олов ичида» деб аталади.

ШИНЕЛЛИ ЙИЛЛАРНИ ЭСЛАБ

Совет халқи фашист босқинчилари устидан оламшумул ғалаба қозонган кунга қирқ йил тўлди. Бу йиллар ичида жаҳонда кўп воқеалар бўлиб ўтди. Вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқлар қайта тикланди, янги авлодлар туғилиб, вояга етди, тинчлик ва тараққиёт кучлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳа, қирқ йил ичида кўп нарса ўзгарди, янгиланди, аммо машъум урушнинг қалбларда қолдирган доғи, алами йўқолгани, жароҳатлари тузалиб битгани йўқ. Совет кишилари йўқотган йигирма миллион фарзанднинг ёди ҳар бир хонадонда абадий эсланади, эъзозланади.

Ўзбек халқи ҳам социалистик Ватан мудофааси йўлида кўплаб баҳодир йигитлари, мард ўғлонларидан жудо бўлди. Улар орасида ўнлаб олимлар, ёзувчилар, ишчилар, пахтакорлар, боғбонлар, чўпонлар бор эди.

Урушдан олдин ҳассос лирик шеърлари билан ўқувчилар меҳрини қозонган, таниқли ижодкорлар қатори адабиётимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшгани учун «Ҳурмат белгиси» ордени олишга сазовор бўлган таниқли шоиримиз Султон Жўра қардош Белоруссия тупроғига қаҳрамонларча бош қўйди. Бугунги кунда белорус халқи мард ўзбек ўғлони ва шоирини катта ифтихор туйғуси билан тилга олади. Унинг номига мактаблар, кўчалар қўйилган, ёдгорликлар ўрнатилган...

Жанг-жадал йилларида таниқли навоийшунос олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Олим Шарафиддинов қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Талас Нурмуҳамедов, Борис Петров, Фулом Ғафуров, Николай Звездин, Саидғани Валиев, Жалил Қодирий, Ҳасан Саид, Акрам Аҳроров, Бурхон Турсунов, Зиннат Боқиев, Қодиржон Имомов — буларнинг ҳаммаси ҳассос шоир, қалами ўткир ёзувчи, танқидчи эди. Беомон ёв юртимиз сарҳадларини бузиб кирганда улар қалам ўрнига қўлга найза олдилар, шафқатсиз жангларда фидойилик кўрсатиб, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлдилар. Бугун шонли ғалабанинг қирқ йиллиги нишонланаётган кунларда биз ана шу ҳамкасб дўстларимизнинг сўнмас жасоратини бир лаҳза сукут билан эслаймиз, хотираси олдида таъзим қилиб, бош эгамиз...

Мен урушга биринчи марта 1941 йилнинг сентябрида кирганман. Унгача Боку шаҳридаги ҳарбий билим юртида таълим олдим. Фронтига рота командири сифатида борган эдим. Шимолий Кавказ фронтидаги даҳшатли жангларда иштирок этиб, Кавказ ҳимоячилари билан бирга бўлдим. Маълумки, тиш-тирноғигача қуролланган фашистлар ҳар қанча уринганига қарамай, Кавказ мудофаасини ёриб ўта олмади.

1943 йил февраль ойида қўшинларимиз ҳужумга ўтиб, Краснодар ўлкасидаги шаҳар ва қишлоқларни бирин-кетин озод қила бошлади. Кавказский темир йўли атрофидаги қаттиқ жангларда биринчи марта яраландим. Жароҳатим битгач, сафга қайтиб, Украина тупроғигача жанг қилиб бордим. Батальон командири даражасигача кўтарилдим. «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирландим. Украинадаги жангларда иккинчи марта ярадор бўлдим. Госпиталда даволангач, олти ойга отпуска беришиб, Тошкентга қайтаришди. Тузалганимдан кейин яна оловли йўлларда Польшагача бордим.

Мен Германия территориясида бўлмаганман.

Шонли Ғалабани Тошкентда, запасдаги капитан сифатида кутиб олдим. Ботаника боғида бир гуруҳ дўстлар даврасида эдим... Шу кунги қувончларимизни айтиб адо қилиб бўлмайти.

Уруш мавзусида ёзган асарларим ўқувчиларга маълум. «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас» романларимда ўз бошимдан кечирган воқеалар ҳамда дўстларим, танишларим ҳаётидаги ибратли лавҳалардан фойдаланишга ҳаракат қилганман. «Оқибатли кишилар» қиссамда ҳам уруш мавзусига алоқадор жиҳатлар бор.

1959 йилда жанг қилган жойларимни бориб кўрдим. Қайноқ таассуротларим асосида «Кавказ дафтари» шеърлар туркумини яратдим. Уни ўқувчилар яхши қабул қилганидан хурсандман. Бошқа кўпгина лирик шеърларим ва балладаларимда ҳам уруш хотиралари акс этган.

Шу кунларда уруш мавзусида янги дoston устида иш олиб бораёпман. Ҳозир ярмидан кўпи битган. Шу йил ўқувчиларимга уни совға қилиш ниятидаман.

МАНГУ ИФТИХОР

1941 йил менинг ҳаётимда жуда муҳим, жуда ҳам қувончли йил бўлмоғи керак эди. Чунки синфдошларим ҳам, мен ҳам умримизнинг илк босқичига эришиб, ўнинчи синфни битириб, етуклик аттестатига муяссар бўлиш арафасида эдик. Иштихонлар тугаб, мактабни битирув маросимини ҳаяжонланиб кутардик. Мана ўша кун ҳам келди. Бир кун олдин энг яхши, энг оҳорли кийимларимизни ҳозирлаб қўйдик. Биз 22 июнь пешин чоғи мактабга йиғилмоқчи бўлиб шартлашгандик. Кечаси билан ҳаяжонли дақиқаларни ўйлаб, ҳаммамиз ҳар қаяққа тарқаб кетишимиз ҳақида хаёл суриб тонг оттирдик. Аммо биз кутган шавқли кун бутунлай бўлакча бўлиб келди.

Қаранг, бизнинг тантанали маросимимиз куни уруш бошланиб қолди. Мактабга қандай етиб борганимни билмайман. Биз битирув базмига эмас, мажлисга тўпландик. Мактаб раҳбарлари фашистлар Германияси хиёнатқорона уруш бошлаб юборганини тўлқинланиб гапириб беришди.

Баъзи ўртоқларим қатори мен ҳам сўз олдим. Кўнгилли бўлиб Совет Армияси сафига боришимни айтиб, «Мактаб партасидан танкка! деб хитоб қилдим ва ўз истагимни ёзиб бердим. Лекин мени армия сафига олишмади. Чунки ёшим етмаганди. Бир муддат Тошкентга эвакуация қилинган Ростсельмаш заводида ишчи бўлиб ишладим. Вақти соати етгач, 1942 йили июнь ойда фронтга сафарбар этишди. Қизиғи шундаки, мен 1940 йили илғор пионерлар билан бирга табаррук Ленинград шаҳрида — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қуёши балқиб чиққан шаҳарда бўлгандим. Бу муҳташам шаҳарнинг муқаддас даргоҳларида, Пушкин уйида, улуғ шоир ижод қилган ва жон таслим этган гўшада, у дуэлга чиққан Черная рекада, Некрасов уйида, жўшқин Лермонтов юрган кўчаларда, табаррук масалчи Крилов кутубхонасида, хуллас, жаҳон маданияти, фани ва адабиётининг порлоқ юлдузлари чарақлаган масканларда бўлгандим. Кўчаларининг ҳар бир тоши санъат ва маданият намунаси бўлиб қолган даргоҳларда тўлқинланиб, эртақда юргандек кезгандим. Декабристлар майдонида, 1905 йилдаги 9 Январь Қонли якшанба фожиалари кечган остоналарда тўлқинлангандим.

Уруш чоғи мен яна шу даргоҳга тушдим. Энди у бошқача кўринишда эди. Муҳташам саройлар устидаги ҳайкаллар ўрнида зенит батареялар, снайпер қизлар ва йигитлар турарди. Биноларнинг олтин суви югуртирилган томларининг баъзилари ғилоф билан, баъзилари эса бўёқ билан бўяб беркитиб ташланганди. Шаҳар аввалгича тантанавор тусда эмасди. Чунки ҳар гўшадан ўлик, ҳар кўчадан қурбонлар чиқарди. Ленинградликлар оч ва юпун ҳолда йўқчиликларга дош бериб, душманни даф этиш учун курашардилар.

Таажжублиси шундаки, ҳамманинг очликдан силласи қуриган чоқларда ҳам, илмий-текшириш институтларида, омборларда сақланаётган донларга одамлар қўл тегизмаган. Улар очликдан ўлишди, аммо фан учун ва келажак авлод равнақи учун зарур бўлган уруғлик донга қўл уришмади.

Фашизм жаҳон бошига бало бўлиб келганди. Мен мана шу бало билан олишган Ленинград аҳли сафида бўлганимдан фахрланаман. Қирғинбарот жангларда ўз қисмимиз билан биргаликда қамални ёриб чиқишда қатнашдим. Невская Дубровкадаги оғир олишувларда қаттиқ жароҳатландим ва жанг майдонидаги дала госпиталида бир оёғимдан ажрадим. Мана шунга ҳам 43 йил бўлибди. Мени ўлдига чиқаришган экан. Аммо мен тирик қайтиб, университетни битирдим. Институтларда дарс бердим. Телестудияда бош редактор, нашриётларда муҳаррир, Ёзувчилар союзида консультант бўлиб ишладим. Орада 20 дан ортиқ китобим нашр этилди. 200 дан зиёд кўшиқ тўқидим. Бизда ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди. Улуғ Ватан уруши тугаганидан сўнг — 35 йилдан кейин менинг тириклигимни билиб, учинчи даражали жанговар «Шўхрат» ордени ва олтига медаль беришди. Мен бутун кучим, билимим ва илҳомимни шонли партияга, халқ ва Ватанга бағишлаб яшашдан шавқланаман. Мана шу илҳом манбаи менга ҳамиша куч ва ғайрат бахш этади.

МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛ

Уруш мен учун Сирдарёга яқин кўримсизгина темир йўл бекатидан бошланди. Мирзачўлда чиқадиган «Колхоз меҳнати» газетасининг масъул котиби эдим ўшанда. Райком топшириғига мувофиқ зовур қазувчилар орасига бориб, материаллар тўплаб, қайтаётган эдим. Поезд келадиган вақт яқинлашиб қолганди. Бир вақт бекатдаги симёғочлардан бирига ўрнатилган бесўнақай қорамтир радио карнайдан «Уруш» деган совуқ сўз эшитилиб қолди.

Газета режаси ўзгарди. «Колхоз меҳнати»нинг 1941 йил 25 июнь сонидаги биринчи бетда зовурчилар жасоратини ёритиш ўрнига Совинформбюронинг ахбороти босилди.

Тўрт бошловчи шоир бирга ишлардик: Қуддус Муҳаммадий, Нақший Толиб Йўлдош ва мен.

Тўртовлон биргаликда «Омон-омон, азиз ўғлон, яхши бор, боғларингни олма, анор нақши бор, мардлинингни эъозловчи бахши бор. Ўлдир, ҳали бу дунёда ваҳший бор» мазмунида далдакор шеърлар тўқидик, урушга лаънат ўқидик.

1941 йил адоғида газета ёпилди ва биз бир оқшомдаёқ тарқалиб кетдик.

Мени Чиноздаги «Ленин байроғи» газетасига кўчиришди. Шу ерда 1942 йилнинг июлигача ишладим ва худди шу ердан ўзимга ўхшаш бўз йигитлар билан хизматга қақирилдим. Жанговар саҳифалардаги оташин шеърлар ва қораламалар қолиб кетди.

Қубба-қубба қирларда бир ярим ойча машқ қилгач, бизни тўп-аслаҳалар билан қизил вагонларда дала почталари номаълум тарафга олиб кетишди. Красноводскнинг бўсағасидаги қомғоқлар думалаб ётган яйдоқ қумликка ҳаммамизни тушириб, кийим-бошимизни бинойи гимнастёркалар, кигиз шинеллар билан алмаштиришди. Биттадан газ ниқоб беришди.

Бўтқани еб, жез қошиқларни обмоткага қистириб, елкада милтиқ, куракда қопчиқ билан яна мовий Ҳазар денгизи кенгликлари оша суза кетдик. Кечаси заминга қўндик. Запас полкимиз Бокуда тарқади. Тўпчи қисм номери ўзгарди. Бир хилимиз урушдан чиққан қисмларни тўлдирдик, бир хилимиз Боку армияси қисмларида мудофаачи бўлиб қолдик.

Кейин Сталинград остоналари, Шимолий Кавказ қирлари, Дон чўллари, Запорожье бўғдойзорлари. Тоғлар, далалар, ўрмонлар, дарёлар, кечувлар... Шаҳарлар, бекатлар, хуторлар...

Ҳамон аниқ ёдимда. Дон ёқасидаги ҳужумда снаряд парчаси Кравченко деган қисмдошимизнинг оёғини тиззасидан шарт узиб кетди. Довдираб қолган солдат қонли оёғининг ярмини чангаллаб олган, санитарлардан нуқул: «Оғайнижонлар, оёғимни олволинглар. Керак бўлади. Узилган жойига тикиб қўясизлар» деб илтижо қиларди. Умиднинг сўнгги учқунлари дала госпиталига етмасданоқ сўнди.

Урушга қадар менинг ҳам, олам ва одам хусусидаги тушунчаларим жуда жўн, дунё фақат ранглардан, майсалардан, шудринглардан, чечаклардан, қушлардан, капалаклардан иборат деб ўйларканман. Яъни:

У боғчада гулғунча,
Бу боғчада гулғунча.
Қизил капалак эдим
Аскара бола бўлгунча.

Урушда мен ўнг қўлимдан, тирсакнинг пастидан ўқ едим. Чандиғи ҳалиям бужмайиб турибди. Унг болдиримни ўқ жизиллатиб ўтди. Буни қарангки, жангда одамнинг жони қаттиқ, темир бўлиб кетаркан. Шунда ҳам санчаства борма, қўл-оёқни шафқат ҳамширасига бойлатиб, ур-йиқит, сурон ичида «Ура!» деб кетаверибман.

Тагин нима десам, нималарни хотира элагидан ўтказсам экан?

...Мана, зах ҳиди анқиб турган омонат ертўла. Бўшаган тўп гильзаси учига пилик ўрнатиб, қўлбола жинчироқнинг дудли ожиз шуъласида бир нималар қоралаб ўтирибман. Эҳтимол, Тошкентдаги мактабдош дўстларга, хусусан маҳалладош назокатли Юсуфжон Ҳамдам орқали Мирмуҳсин, Саид Аҳмад,

Қуддус Муҳаммадий, Толиб Йўлдош, Шунқор каби ҳамкасбларга саломнома-лардир. Учбурчак хатлар тайёр. Ичида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Совет Ўзбекистони») газетасига Ҳаракатдаги армиядан деб ёзилган «Ҳижрон экан», «Ватан» «Гастеллонинг мадҳи бу», «Мен жангчиман», «Музаффар йил», «Қўлсиз қаҳрамон», «Саркарда» сингари шеърини машқларнинг биронтаси бўлиши мумкин.

Бир номаълум қиздан оқопа ўзбек жангчисига совға тариқасидаги ҳарир шойи даструмом олганимни хаёлотда тикласаммикин? Кўкрагимга Олий Бош Қўмондон ихтиёридаги артбригада командири «Кавказ мудофааи учун» медалини тақиб қўйганини, кейин бунинг ёнига бешта зарҳал медаль қўшилганини, урушда тўпчи, разведкачи, радиооператор бўлганимни, суюкли Ҳамид Олимжон билан Ойдин опа тўпламларим хусусида йўллаган самимий хатларини кўзларимга суртиб ўқиганимни журналхонларга ошқора қилсаммикин?

Урушдан 1945 йилнинг охирларида қайтдим. Устимда янги тикилган мундир, оёғимда чарм этик...

Қирқ беш йилдирки қўлимдан қалам тушгани йўқ. Уруш таассуротларини! «Авлодлар достони», «Чорак аср» балладаси, «Кўкан Шўро» поэмаси қатларига қистириб ўтганман. «Битта солдатинг», «Йўқлаш», «Урушда ўйинчоқ ўйнамас бола», «Ўн саккиз ёшгача», «Асрим ва наслим», «Ўзим учун, у йигит учун», «Бир минут сукут», «Мен жангдан қайтмадим», «Уруш қатнашчиси», «Қуролдошлар, қайдасиз?», «Миллионлар бор, миллионлар», «Қасам», «Ўртоқ генерал», «Қабрдаги лавҳа», «Ҳижрон экан», «Гастеллонинг мадҳи бу», «Ватан», «Орзуларим мўл эди», «У боғчада гулғунча», «Сен урушни билмайсан» сингари ўнларча машқларим уруш мавзудадир. Уларни ва ёзув столидаги чала шеърларни жамлаб, «Яраланган қўшиқлар» деган тўплам дасталаш ниятим бор.

Қодир Мирмуҳамедов

УНУТИЛМАС КУНЛАР

Уруш бошланмасдан олдин мен отлик артиллерия қисмида хизмат қилар эдим. 1941 йилнинг май ойида мени ҳаво десанти бригадасига ўтказишди. Биз Украинанинг Чернигов шаҳри яқинидаги ёзги лагерда парашютдан сакраниш эндигина машқ қила бошлаганимизда Гитлер Германияси Ватанимизга хиёнаткорона ҳужум бошлади. Шундан кейин, машғулотлар тўхтатилиб, тез кунда жангга кириб кетдик.

Мен биринчи жангни Украинанинг пойтахти Киевни мудофаа қилишдан бошлаганман. Тўрт йиллик беомон жанг-жадал йилларида оғир, қийин кунларни бошдан кечирдик.

Бу ўринда мен шундай бир ўта оддий воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман. Бундай воқеа уруш пайтида деярли ҳар кун, ҳар бир совет жангчиси ҳаётида қайта ва қайта юз берган бўлиши муқаррардир.

...Украинанинг Бахмач райони яқинида жуда шиддатли жанглар бораётган эди. Биз бир қишлоқда мудофаага ўтиб, мадад кучлари келишини кутмоқда эдик. Аммо, фашистлар қандай қилиб бўлма-син, биз ишғол қилиб турган бу қишлоқни қўлга киритиш учун устимизга тўхтовсиз замбараклардан ўқ ёғдирар ва айни

пайтда самолётлардан бомба ташларди... Ниҳоят, қўмондонлик буйруғи билан, икки километр орқага вақтинча чекинишимизга тўғри келди. Мен энг олдинда — кузатув пунктида бомба портлашдан ҳосил бўлган бир чуқурликда дурбинни кўзимдан қўймай душман томонни кузатиб ётардим. Шу боис, энг кейин, узоқда душман мотоциклчилари қораси кўрингандагина чекиниш ҳақида буйруқ бўлганидан хабар топдим...

Икки қишлоқ ўртасидаги кенг дала жўхоризор эди... Шу жўхоризор оралаб кета туриб (душман энди шу оралиқни замбараклардан ўққа тута бошлаган эди), бирдан кимнингдир оғир алам билан инграётганини эшитиб қолдим. Сўнг товуш келаётган томонга югурдим... Не кўз билан кўрайки, взводдошим Волков жўхори поялар орасида қора қонига бўялиб ётарди — снаряд осколкаси унинг сонига кириб қолган эди. Бошимиз узра тўхтовсиз ғувуллаб учиб ўтаётган снаряд остида, Волковнинг карабинини елкамга илдиму ўзини бир амаллаб турғизиб, худди опичлагандай қўлтиқлаб етаклай бошладим. Биз деярли дақиқа сайин ғувуллаб учиб келаётган тўп ўқларидан ерга мук тушиб

ётар, сўнг яна не машаққатлар билан ўрнимиздан туриб, олға юрардик...

Мен уни қишлоққа эсон-омон етказиб келиб санитария қисмидаги врачларга топширарканман, у кўзларимга тикилганча, самимий жилмайган эди...

Урушда кўп ҳаяжонли воқеаларнинг шоҳиди бўлганман. Аммо Волковнинг шу дўстона табассуми ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди.

1945 йил. Май ойининг бошларида полкимиз маршал Рокоссовский қўмондонлигидаги иккинчи Белоруссия fronti таркибида Эльба дарёсига яқин бориб қолган эди.

8 майга ўтар кечаси мен штабимизда постда турдим ва тонг палласи (соат 4 лар эди чоғи) постни бошқа соқчига топширгач, ўрнимга келиб ётдим.

Қанча вақт ухлаганимни билмайман, бирдан бошланган кучли отишмадан

уйғониб кетдим ва шу заҳоти автоматимни қўлга олганча ташқарига отилиб чиқдим. Ҳамма солдатлар ҳам, офицерларимиз ҳам: биров кийинган, биров фақат ички лозиқ-кўйлақда, биров ялангоёқ ҳолда бақиршиб, ҳайқиршиб тинмай милтиқлар, автоматлар, пистолетлардан осмонга отардилар...

Бу одамлар чехрасидаги ўша дамдаги шодиёгани дунё дунё бўлиб ҳали ҳеч қачон кўрмаган бўлса керак, менимча. Чунки жаҳон тарихида энг мудҳиш, энг беаёв, энг қонли уруш тугаган эди.

Ҳар бир совет солдатининг, фронт ичкарасидаги ҳар бир совет кишисининг, таърифи минг-минглаб китобларга ҳам сиғмайдиган жасоратлари ғалабамизни таъминлаб берди. Бутун совет халқи маҳобатли бир мушт сингари жам бўлиб, она тупроғимизга бостириб кирган душманни янчиб ташлади.

Раҳим Бекниёз

БУРЧ

1941 йил 22 июнь куни уйларига кетмаган курсдошлардан беш-олтитамиз институт ётоқхонасида ҳангомалашиб ўтирардик. Сухбат айланиб халқаро вазиятга тақалди. Германия билан бизнинг ўртамизда уруш бўладими, йўқми? Кимдир бўлади, кимдир бўлмайди деди. Шу асно мунозаралашиб турганимизда хонага отилиб курсдошларимиздан бири кирди: — «Уруш! Уруш бошланибди!» — деди ҳаяжон ичида у. Ҳаммамиз ташқарига югурдик.

20 август куни институт студентлари парракли пароходларда Амударё орқали армияга жўнадик. Мен 1944 йил февралигача запас ўқчи полки ўқиш батальонида ва пиёдалар билим юртида бўлинма командири сифатида хизмат қилдим.

Бизнинг, иккинчи Белоруссия қўшинлари, 1945 йилнинг 14 январида Нарев плацдармидан ҳужумга ўтди. Фронтнинг ҳар бир квадрат километрида 360 замбарак ва миномёт душман позицияларига салкам бир соат давомида ўт ёғдирди. Душманнинг жон-жаҳд билан кўрсатган қаршилигини енгиб, ўша кунёқ Шарқий Пруссияга кириб бордик. Ловиллаб ёнаётган бино ичида чинқираётган бола йиғиси эшитилди... Батарея командири капитан Пирожков автомашинани тўхтатиб: «Болани ким қутқази!» деди. «Мен! Мен!..» — деди йигирма икки киши бараварига. Винниçалик Миша Гарматюк уч-тўрт яшар немис боласини ўт ичидан олиб чиқди. Биз бошпанасиз, озиқ-овқатсиз қолган немис аҳолисига ғамхўрлик кўрсатдик. Совет солдатигина шундай қила олади.

Нарев плацдармидаги жанглардан сўнг бизнинг 317 арtdивизионни Грудзянз томон йўллашди. Бу пайт немис армиясининг йирик қисмлари Грудзяндза қўшинларимиз томонидан қўршаб олинганди. Бизнинг учинчи батарея кузатув пунктига шаҳардан йигирма километрча беридаги қалъа-истеҳком тепасидан ўрин беришди. Кузатув пунктида стереотруба объективига тикилиб турганимда ногаҳон:

— Генерал келяпти! — деган овоз эшитилди. Бошимни кўтардим. Чўзинчоқ шерозий попоқ кийган, новча забардаст генерал шинелини елкасига ташлаб биз томон вазмин қадамлаб келарди. Бу киши — биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов эди. Мен ҳаяжонланиб кетдим. Батарея командири капитан Пирожков честь бериб, унга пешвоз чиқди:

— Ўртоқ генерал...

— Вольно-вольно, ишингизни давом эттиринг, — ёнимиздан ўтиб кетди

генерал. Бир неча дақиқалик бу ҳолат хотирамда муҳрланиб қолди. Эртасига — 1945 йил 20- февраль куни мен оёғимдан оғир ярадор бўлдим. Госпиталда ётганимда радио орқали душманнинг Грауденц гарнизони таслим этилгани ҳақидаги қувончли хабарни эшитдим.

Душан Файзий

ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР ХОТИРАСИ

Улуғ Ватан уруши мен учун, агар таъбир жоиз бўлса, икки марта бошланган. Биринчиси, ўша 1941 йил 22 июнда гитлерчи фашистларнинг Ватанимиз чегараларини бузиб, юртимизга бостириб кирган куни. Мен — 14 ёшли ўспирин бола ўша куни мактабдан қайтардим. Шу куни бизга 7-синфни битирганлигимиз ҳақидаги шаходатномани беришган эди. Уни олиб, бир неча синфдош дўстларим билан уйга қайтаётганимизда, қишлоқ Совети идораси ёнида бир тўп одамларнинг нима ҳақдадир ҳаяжонланиб гапиришаётганини кўрдик. Яқинроқ бориб қулоқ тутдик. Район марказидан ҳозиргина қайтган почтачи йигит йиғилганларга уруш бошланганини айтиб турарди. Германия СССРга қарши уруш бошлаган эмиш. (У пайтларда бизнинг қишлоқда радио йўқ эди. Газеталар ҳам жуда кечикиб келарди.) Уйга келсам онам ўчоқ бошида йиғлаб ўтирган экан. Мени кўрди-ю, «пешонамиз шўр экан, болажоним» — деди бағрига босиб... Тўғриси, мен у вақтда урушнинг бунчалик чўзилиб кетишини, унинг биз учун шунчалик оғир кулфатлар олиб келишини тасаввур қилолмас эдим. Гражданлар урушининг қаҳрамонлари ҳақида, Қизил Армиянинг шону шуҳрати ҳақида кўп ўқиганимиз, кўп эшитганимиз учунми, ҳарқалай урушнинг тезда тамом бўлишига, Қизил Армиямиз душманларнинг бошлаб адабини бериб қўйишига, уларни тезлик билан Ватанимиз тупроғидан ҳайдаб чиқаришига ишонар эдик...

Иккинчиси, 1944 йил ноябрь ойида, Белосток томонда, 17 ёшимда қўлимда қурол билан бевосита душманга қарши жангга кирган куним. Иккинчи Белоруссия фронтининг 65-армияси составидаги мен хизмат қилаётган 354-дивизия ўша кунлари қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, фашистларни ғарбга қараб қувиб борарди. Жангга кирганимнинг иккинчи куниёқ ярадор бўлдим ва 1945 йил февраль ойининг бошигача даволаниб, яна жангчилар сафига қайтдим. Бу пайтда дивизиямиз Польша-

нинг Гданьск шаҳрини душмандан озод қилиш учун кураш олиб борарди. Фашистлар тиш-тирноғи билан қаршилиқ қиларди. Энди Совет Армиясининг шиддатли ҳужумини ҳеч бир куч тўхтатолмас, унинг қақшатқич зарбаларига бардош беролмас эди. Душман орқага қочмоқда. Шундай қилиб, февраль, март, апрель ойлари давомида Польшани озод этиб, Германия ерларига кириб бордик. Гданьск, Одер дарёси, Штеттин, Анклам яна қанчадан-қанча каттаю кичик шаҳар ва дарёларни босиб ўтдик. Дивизиямиз апрелнинг охирларида Болтиқ денгизи бўйлаб Рюген ярим оролида жойлашган Штральзунд шаҳрига қараб шитоб билан борарди. Биз учун охирги жанг 2 май куни Анклам-Рюген катта йўли ёнида бўлди. Аввало, бизнинг колоннага кутилмаганда душман самолётлари ҳужум қилди, сўнг эса катта бир қишлоқда жойлашиб олган душман қисмлари қаттиқ қаршилиқ кўрсатди, колонна тўхтаб қолди. Лекин артиллерия ва танкларнинг кучли зарбасидан сўнг душманнинг қочгани қочиб, қолгани таслим бўлди. Кейин билсак, шу жанг биз учун охиргиси экан. Дивизиямиз Штральзунд шаҳрида жойлашди. Бу шаҳар Германиянинг Болтиқ денгизидаги энг катта портларидан бўлиб, стратегик жиҳатдан катта аҳамият касб этарди.

Гапнинг сирасини айтганда, биз ҳали урушнинг тугаганини билмасдик. Командирларимизнинг гапларидан қўшинларимиз Берлинга кириб боргани, у ерда шиддатли жанглар давом этаётганини англаб олар эдик.

Штральзунд биз учун охирги манзил бўлиб, қисқа муддатли нафас ростлаш учун имконият туғилганди.

Худди кечагидай эсимда: 8 май куни эрталабдан ҳаво очилиб, офтоб чарақлаб турган эди. Биз командиримиз бошлиқ Болтиқ денгизи қирғоғида сайр қилиб юрардик. Денгиз тўлқинларининг сокин ва бир маромда чайқалиб туриши, баҳорнинг зумрад нафаси, атрофдаги осойишталик бизга қандайдир кўнги-

хушлик бахш этарди. Бир пайт қарасак, шаҳар томондан бизга қараб бир аскар чолиб келяпти. У нималардир деб бакирар, чарчаганига қарамай осмонга қараб сакрар, биз тушунмай гаранг бўлиб турардик. Аскар яқин келди, ҳолдан тойган, жиққа тер босган, шунчалик ҳаяжонга тушган эдики, тили гапга келмасди. Сўнг нафасини ростлаб: «Ғалаба! Ғалаба! Ғалаба!» деди у. Ҳаммамиз шаҳарга қараб югурдик. Шаҳар марказидаги катта майдонга етиб келганимизда пешонамиздан тер, кўзларимиздан ёш оқар эди. Бу — севинч ва ҳаяжон ёшлари эди! Ғалаба ёшлари эди! Дивизия штаби пештоқларида, портда турган ҳарбий кемалар тепасида, кўча ва майдонларда қизил байроқлар ҳилпираб турарди, ҳарбий оркестрлар тинмай чалар, ҳамма ерда музика оҳанглари янграрди. Ўша куни оқшомгача, ростини айтганда, туни билан ҳам шу кайфият давом этди, ҳеч ким — командир ҳам, аскарлар ҳам ухламади деса бўлади. Ҳа, бу Ғалаба шодиёнаси эди.

1945 йил 19 апрелдаги бир воқеа менда унутилмас таассурот қолдирган. Бизнинг дивизия 18 апрель кечаси Одер дарёсидан кечиб ўтди. 19 апрель куни эрталабдан Штаттин учун жанглар бошланди. Ўша куни эрталабки ҳужум пайтида взводимиздаги энг ёши улуг жангчи оғир яраланди, у юролмас эди. Шу пайт командир уни медсанбатгача кузатиб қўйишни менга топширди, уч кундан буён тинимсиз ёмғир ёғарди, юриш қийин, ҳаммаёқ ҳўл ва лой. Мен топшириқни бажардим. Кечга яқин снаряд парчасидан ўзим ҳам яраландим ва мени Геннадий исмли рус йигити санбат сари судраб кетди. Хуллас, неча ўнлаб турли

омиллар қаторида, қон-қардошлигимиз, халқларимиз фарзандларининг энгилмас дўстлиги ва бирлиги ғалабани таъминлашда ҳал қилувчи омиллardan бири бўлди. Дўстлик ва қадрдонлик — Совет аскарининг энг катта бойлиги, маънавий дунёси эди!

Улуғ Ватан уруши мавзуида озми-кўпми ижод этиб келаман. Бунинг боиси, юқорида айтганимдек, урушнинг бевосита иштирокчиси бўлганим бўлса, яна муҳими, ўша йиллари биринчи машқий шеърларим фронт газеталари саҳифаларида босилганлигида. Кейинчалик ўзим ҳам 2-Белоруссия фронтининг органи бўлмиш «Ғалаба байроғи» газетасида ишлаганман. У йиллари ўша газетанда Шариф Бўлатов, Назармат, Адҳам Ҳамдам, Отамурод Авазмуродов сингари ёзувчи ва журналистлар фаолият кўрсатарди. Армия хизматидан қайтганимдан сўнг яна ўша мавзуда бир талай шеърлар ёздим. Бу шеърлар бирлашиб «Қўлимда қурол...» деган катта бир туркумни ташкил этди. Кейинги йиллар давомида «Вафо» («Дўстлик қўшиғи»), «Онаизор» номли дostonлар ва бир неча балладалар ёзганман. Охириги уч-тўрт йил ичида «Қамалдаги севги», «Зухро», «Сўнгги фожиа» дostonларим пайдо бўлди ҳамда «Абадият» номли шеърый романи ёзиб тугатдим. Бу аскарлар турли журналларга ва қаламкаш дўстларим этиборига ҳавола этилган. Атоқли совет ёзувчиси Константин Симонов бир суҳбатида: «Уруш воқеалари шунчалик ранг-баранг ва шунчалик катта кўламга эгаки, 1418 куннинг ҳар бир кунига биттадан роман ёзилса ҳам, яна юз йилларга етадиган «материал» ортиб қолади», деган эди. Бу — муболаға эмас, ҳақиқатдир!

Ҳамид Тожибоев

ҲАМИША ЖАНГОВАР САФДА



иламиз Андижон об-ласть Избоскан районидаги ҳозирги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг 5-бўлимида истиқомат қиларди. Дадам Нормат ўғли Тожибой, меҳрибон волидамиз Иброҳим Қизи Тожихон, опам Мелихон, синглим Қумрихон ва укам Абдимутал.

Якшанба кунини сабр-тоқатсиз кутардик, дадамга эргашиб Ҳаққулобод (Норин районининг маркази) бозорига бориб, рўзгоримизга зарур бир ҳафтага

етарли нарсаларни харид қилиб қайтар эдик.

Ўша машъум якшанба куни ҳам дадам билан эндигина бозордан қишлоғимизга ҳориб-чарчаб кириб келаётган эдик.

— Абдуҳамид, қара-чи, ўғлим, тинчликмикан? — дедилар дадам совхоз бўлими идораси олдида ғуж-ғуж тўпланган одамлар томон ишора қилар эканлар.

— Ҳозир! — дедим-да, ўша томонга физиллаб чопдим.

Идора олдидаги симёғочга ўрнатилган товоксимон қора репродуктордан хириллаб чиқаётган овозга диққат билан қулоқ тутаётган одамлар юзида чексиз жиддият. Ҳеч ким оғиз очмайди. Борди-ю, биронтаси чурқ этиб қолса, иккинчиси унга бир ўқрайиб қараб қўяди.

Дадам ҳам етиб келдилар. Шум хабар ўқийётган дикторнинг хирилдоқ овози охирига етиб-етмасданоқ ғала-ғовур кўтарилди. Фашистлар Германияси дахлсиз Ватанимизга тажовузкорона бостириб кирибди.

Мелихон опамнинг унаштириб қўйилган қаллиғи Турсунбой ака сўлим Украинанинг Шепетовка шаҳридан ёзган хат кечагина келувди. Уттиз тўққизинчи йил ҳарбий хизматга қақирилган бўлажак поччам яқинда уйига қайтиб келиши керак эди.

Эртасигаёқ онам Чортоққа бориб келишга тараддулланиб қолдилар.

— Юр, болам, — дедилар онаизор, — акангни бир кўриб келайлик. Ҳали замон урушга кетиб қолса, ким билади дейсан, дийдор кўришиш насиб қиладимми...

Икковлон Чортоққа бордик. Ота-онасидан барвақт жудо бўлиб бизникида катта бўлган кенжа тоғамизни ака дейишга одатланганмиз. Ҳадемай у киши ҳам фронтга отланадилар.

Ун беш яшар болалик чоғим эди ўшанда. Уқишни давом эттиравердиг-у, катталар билан елкама-елка туриб пахтазорда, хўжалик ишларида уларга кўмаклаша бошладик. Далачилик бригадасида табелчи бўлиб ишладим, арава миндим.

Қирқ иккинчи йили Тошкентга, фабрика- завод таълими мактабига ўқишга жўнадим. Олти ойлик ўқишни битиргач, етти-саккиз нафар йигит-қизларни, жумладан мени ҳам мактабнинг ўзида ишлаб чиқариш таълими мастерига ёрдамчи вазифасига олиб қолишди. Армия сафига қақиртirmайдиган бронь билан таъминладилар. Тожибой Самадов, Константин Бурля, Валентина Лукиних, Елена Шульц деган ҳамкасбларимни ҳамон эслаб юрман. Молдаван йигити Костя Бурля билан бизни армияга олсангиз ҳам оласиз, олмасангиз ҳам оласиз, деб Тошкентдаги Куйбишев район ҳарбий комиссарлиги остонасини тешган кезларим худди кечагидек ёдимда.

Қирқ тўртинчи йилнинг иккинчи ярмида яна совхозимизга қайтдим. Район ҳарбий комиссари капитан Акбаров мени, дўстларим Николай Тужилкин ва Фозил Хўжаевни Ҳарбий-Денгиз Флотига жўнатишга, бундай имконият бўлавермагач, бирон ҳарбий билим юртига юборишга ваъда қилди.

Йилнинг охирига бориб дуч келган командага қўшиб жўнатишни илтимос қилдим. Баҳром Ҳайдаров, Тоҳир Султонов, Козим Адиевров ва мен кўнгиллилар

қатори фронтга жўнадик. Йўлда эшелонимизга наманганлик, тошкентлик йигитлар қўшилишди. Брянск областидаги Клинци шаҳрига бориб тушдик. У ерда қашқадарёлик йигитлар ҳам бор экан.

Пойтўғлик Баҳром Ҳайдаров ва чортоқлик Адашбой Азизов билан чорак асрдан сўнг бир-биримизни қидириб топдик. Борди-келди қилиб турамыз. Тошкентлик Юсупов деган сирдош, қадрдон қуролдошимни ҳанузгача учрата олмадим.

Ғалаба кунини Клинци шаҳрида кутиб олганмиз. Полкимиз шахсий состави ротама-рота, батальонма-батальон сафга тизилиб, шахдам қадамлар ташлаб шаҳар кўчаларидан ўтиб, қарағайзорлар орасига жойлашган стадионга йўл олди.

Уруш тугади. Жанг қиламыз, деб нечоғли уринмайлик бевосита жанг майдонига бориш бизга насиб этмади. Кейинги уч ой ичида кечалари бир неча марта жанговар тревога билан уйғотиб, оҳори тўкилмаган яп-янги уст-бошлар бериб ясантириб, керакли қурол-яроғлар билан таъминланган ҳолда урушга юбориш мақсадида марш роталари тузишди. Бироқ ҳар гал сафланишдан олдин дилга яқин дўстлар билан қучоқлашиб, эндигина хайр-хўшлашиб турганимизда «Отбой!» дейишади. Уст-бош, қуролларни омборга топшириб, яна кундалик кийимларимизга бурканиб, казармаларга қайтамыз.

Ҳар сафар жангга отланар эканмиз, миллатию насл-насабидан қатъий назар тушкунликка берилган бирон йигитни учратмадим. Кези келганда шуни ҳам эсга олиш ўринлики, ўша давр ёшлари юрса ҳам, турса ҳам урушга кириш, фақат жанг қилиш, севиқли Ватанимиз мустақиллиги ва озодлигини фашизмнинг қора вабосидан сақлаб қолиш орзуси билан яшардик. Бундай чинакам ватанпарварлик ҳис-туйғулари ёнига яна бошқа бир ҳиссиётни қўшиш мумкин, у ҳам бўлса қасос ҳиссиёти эди. Узингиз ўйлаб кўринг: урушдан азият чекмаган, уруш туйғайли бирон экин кишидан жудо бўлмаган оила қарийб қолмаган эди-да. Шахсан ўзимни олайлик. Бўлажак поччам урушнинг дастлабки кунларидаёқ қурбон бўлганиданми, акам Волхов фронти қўшинлари таркибида Старая Русса шаҳрини ҳимоя қилишда бир оёғидан маҳрум бўлиб, бир қўли мажруҳ ҳолда қайтганиданми, менинг ёш қалбимда ҳам фашистларга нисбатан чексиз нафрат, қаҳру ғазаб ҳиссиёти тўлиб-тошарди.

Ғалабамизни таъминлаган омиллар ҳақида сўз кетганда кўп миллатли совет кишиларининг бузилмас дўстлиги, раҳнамомиз, йўлчи юлдузимиз улуғ Ленин партиясининг доно раҳбарлиги, ақл-идроки ҳал қилувчи омил бўлган, дейман.



Уйғун

ЖАҲОННИНГ БАХТИ, ДЕБ ЯШАЙДИ БАШАР

Дунё ясов тортиб ўтди...

Дунё ясов тортиб ўтди ёнимдан,
Ҳамон ўтирибман кузатиб йўлда.
Неки кўрган бўлсам, не билган бўлсам,
Қайд этиб юрибман, қаламим қўлда.

Умримда бошимдан кечирганларим
Эсга тушаверар ўйлаган сари.
Қаторлашиб ўтар дил кўзгусидан
Ўтган йилларимнинг хотиралари.

Болалик, ўсмирлик йиллар ёдимда,
Қишлоқда юрардим кўча чангитиб.
Минг хил савол бериб уйқусиз тунлар,
Қўярдим, бувимни роса гангитиб.

Ёдимда қора уй, қора чироқнинг
Липиллаб ёнувчи хира ёруғи.
Ёдимда оч, юпун юрган одамлар,
Турдикул чўпоннинг йиртиқ чориғи...

Уч йилча ўқидим эски мактабда,
Биладиган бўлдим ўқиш-ёзишни.
Ёшлиқдан ўргандим оғир ишларни:
Қўш ҳайдаш, ер чопиш, ариқ қазишни.

Эсимда ёшлиқда ўтган йилларим:
Юз ёқлама зулм ҳаддидан ошди.
Қон ичиб кутирган хонасаллотлар
Етим-есирларни итдай талашди.

Ҳоким эди юртда жоҳил табиблар,
Мунофиқ муллалар, фирибгар бойлар,
Шуларнинг қўлида эди ҳаммаси:
Ҳисобсиз бойлигу энг яхши жойлар.

Зулмат куюқлашиб бормоқда эди,
Ҳукм сурар эди юртда жаҳолат.
Кўзларга пардаю ақлга сиртмоқ
Эди эски, чирик урф ила одат.

Ҳаққи-ҳуқуқидан маҳрум аёллар
Мол каби ақчага сотилар эди.
Исён кўтарганлар зулмга қарши —
Дорга осиларди, отилар эди.

Ажал уруғини сочиб ўтдилар
Очарчилик, вабо, терлама бари.
Одамларни қириб харобаларда.
Кезиб юрар эди ажал лашкари.

Туну кун тер тўкиб ишлаган деҳқон
Ўзгани тўйдириб ўзи қолди оч.
Ўзгани кийдириб келган меҳнаткаш
Ўзи кафангадо, ўзи яланғоч.

Капсан олувчилар ғоят кўп эди,
Туш-тушдан таланди шўрлик деҳқонлар.
Ёнғоқ чақар эди халқнинг бошида
Чор чиновниклари, амирлар, хонлар.

Кескинлашар эди билониҳоя
Синфий курашларнинг жангу жадали.
Кимни ким енгади — бу мушкул жумбоқ
Ҳал бўлмаган эди дунёда ҳали.

Шовқин-суронлари Бешинчи йилнинг
Қулоқлар остида янграб турарди.
Нурли келажакнинг — коммунизмнинг
Шарпаси оламни кезиб юрарди.

Довул эсиб ўтди кўҳна дунёнинг
Уйқусини бузиб, «чангини» қоқиб,
Миллионлар қалбида зулмга қарши
Ғазаб ва интиқом ўтини ёқиб.

Қонли жангга кирди эрк истаганлар,
Шай эди қўлида қурол-яроғи.
Орзу қиларди халқ ёруғ кунларни,
Қалбида сўнмади умид чироғи.

Ҳали бола эдим, титрарди олам
Жаҳон урушининг даҳшатларидан.
Осмон ҳайрон эди жаҳонгирларнинг
Ерда қилган қабиҳ ваҳшатларидан.

Ҳаммасини кўрдим, бари эсимда:
Ўн олтинчи йилги халқ қўзғолони.
Хотирамдан кетмас ерга тўкилган
Эрк истаганларнинг покиза қони.

Жазо отрядлари топтаб ўтдилар
Харобазор қилиб шаҳру қишлоқни.
Мунофиқ муллалар фатво бердилар
Яхшини ёмон деб, қора деб оқни.

«Мингтепа» кул бўлди, исён қилганлар
Сургун қилиндилар, кишан қўлларда.
Кишан овозига қулоқ солишиб,
Судраларди улар оғир йўлларда.

Инқилоб бонг урди, кўзғалди дунё,
Янги давр бошлади уйғонган олам.
Улуғ Октябрнинг шарофатидан
Ўз қадрини топди меҳнаткаш одам.

Йўл кўрсатиб берди шонли Партия,
Нур сочди оламга Ленин қуёши.
Узилди занжири зулму зулматнинг,
Етим-есирларнинг тинди кўзёши.

Менинг Ватаним ҳам бахтиёр бўлди,
Шу қутлуғ баҳорда, шу нурли тонгда.
Эски ақидалар кул бўлиб ёнди,
Гуллар коммунизм ғояси онгда.

Бу ғоя бахш этар бахтсизларга бахт,
Жаҳонга озодлик, ёруғ истиқбол.
Шу ғоя туфайли инсониятнинг
Ёрқин келажаги кўринар яққол.

Сурон билан ўтди оловли йиллар,
Ҳарбий коммунизм бошланди элда.
Жангу жадалларга киришиб кетдик,
Минглаб Алпомишнинг қуввати белда.

Эсда: Гражданлар уруши-юртда
Авжига чиққанди қирғин-баротлар.
Гоҳ очиқ, гоҳ зимдан бало-қазодек
Ҳужум қилишарди ғанимлар, ётлар.

Ҳужум қилишарди пистирмалардан
Ўтмишни қумсаган бойлар, қулоқлар.
Тоғу тош, қумларда изғишар эди
Қонхўр босмачилар, қотиллар, оқлар.

Ташқи ёв, ички ёв тишини қайраб,
Ҳамла қилиб кўрди — тиши ўтмади.
Барча қора кучлар бизни бўғай деб,
Ҳалқумга қўл чўзди — қўли етмади.

Шиддатли зарба еб Қизил аскардан
Ёвуз душманларнинг пасайди ҳоври.
Ижодий меҳнатга тушиб кетди халқ,
Бошланди тикланиш, қурилиш даври.

Ҳаммасини кўрдим, ҳаммаси бўлди,
Халқим бузиб ўтди чирик ғовларни.
Уруш, юришларда қаҳрамон элим,
Енгиб янчиб ўтди барча ёвларни.

Мураккаб дунёда ҳаммаси бўлди,
Шодлик ҳам, қайғу ҳам, тўй ҳам, аза ҳам.
Машаққатга чидаб, ғамларни енгиб,
Фақат эзгуликни ўйладик ҳар дам.

Кўз олдимда ҳаёт ўзгара борди,
Ўзгарди муттасил яхши томонга.
Мард халқимиз қилган барча юмушлар
Мос эди янги давр, янги замонга.

«Хужум» бошландию паранжи ёнди,
Ойдек ярақлади аёллар юзи.
«Ичкари» бузилди, хотин-қизларга
Мангу кулиб боқди толе юлдузи.

Еру кўкка сиғмас эди шодликдан
Ер ислоҳотида ер олган деҳқон.
Деҳқон учун шуҳрат белгиси бўлди
Ҳалол меҳнат билан қозонилган шон.

Тубдан ўзгартирди кўҳна қишлоқни
Халқимиз яратган колхоз тузуми.
Дастурхонимизни бойитди, безаб,
Колхоз боғларининг олма, узуми.

Дарак берар эди эл бойлигидан
Ғалла-дон ортилган қизил карвонлар.
Бебаҳо хазина, тенги йўқ гавҳар
Пахтадан яралган олтин хирмонлар.

Саноат бобида юз берганида
Буюк ўзаришлар, хурсанд эди халқ.
Илму фан, техника, ҳунар, билимни
Тинмай юксалтириш зарур, деди халқ.

Шонли Беш йилликлар бошланиб кетди,
Юксалишимизнинг пиллапояси.
Муттасил амалга ошаборарди
Улуғ Партиянинг буюк ғояси.

Беш йиллик йиллари — ўсиш йиллари,
Озод кўтарилди бўйи-бастимиз.
Йўқ эди жаҳоннинг халқлари билан
Тинч-тотув яшашдан бўлак қасдимиз.

Аммо тинчимизни бузди маккор ёв,
Фашист бизга қарши уруш бошлади.
Бутун Оврупонинг кучини тўплаб,
Гитлер бизга қарши юриш бошлади.

Беш йилча қон кечиб, бахтини қўрғаб
Сонсиз қаҳрамонлар кирдилар жангга,
Ҳамла қилиб ёвуз душманга қарши,
Садоқат кўрсатиб она-Ватанга.

Озодлик, деб жангда қурбон бўлдилар
Халқимизнинг талай ўғил-қизлари.
Ҳали кетган эмас уруш доғлари,
Тамом ўчган эмас уруш излари...

Фашизм биз билан беллашиб кўрди,
Шиддатли жангларда белини уздик.
У ҳоким бўлмоқчи эди дунёга,
Ниятини пучга чиқардик, буздик.

Ҳайдадик муқаддас Ватандан ёвни,
Оғзи қон бўрини гўрига тикдик.
Давлатимиз яна мустаҳкам бўлди,
Шиддатли жангларда чиниқиб чиқдик.

Ниҳоят тугади касофат уруш,
Яна қон югурди олам юзига.
Ёруғ ва тинч кунлар бошланди яна,
Ҳаёт тушиб кетди яна изига.

Ҳаммасини кўрдим: кўзим ўнгидан
Очлик ҳам, тўқлик ҳам, шўхлик ҳам ўтди.
Уруш ҳам, яраш ҳам ўтди галма-гал,
Оқибат халқимиз муродга етди.

Нелар юз бермайди Ватанда, халқим
Ҳалол меҳнат билан бўлганида банд.
Қайтадан яралган шаҳру қишлоқлар
Жамолига боқиб бўлганман хурсанд.

Ҳаммасини кўрдим, ҳаммаси бўлди:
Юксалди илму фан, ҳунар, саноат.
Янги марраларга отланди халқим,
Ютуқларимизга қилмай қаноат.

Дунё-дунё қувонч бахш этди менга
Ўлкамда юз берган ажойиб ишлар.
Мени суюнтирар пахтазорларда
Тоғ-тоғ бўлиб ётган олтин-қумушлар.

Кимни ҳам ҳайратга солмайди дейсиз
Ўлкамда юз берган бойлик, ободлик.
Янги каналларнинг жилоларидан
Кўзимга нур тўлди, қалбимга шодлик.

Мўъжизага ўхшар менинг наздимда
Халқимиз яратган «кўлбола» кўллар.
Гул бўлиб очилди эл меҳнатидан
Сувга сероб бўлиб қадимий чўллар.

Юриш қилинганда чўлларга, мен ҳам
Чўлқувар мардларнинг сафида эдим.
Чўлда барпо бўлган янги боғларнинг
Ширин мевасидан тўйгунча едим...

Ҳаммасини кўрдим, ҳаммаси бўлди,
Агар омон бўлсам, кўрарман яна.
Аминман: муқаддас, қутлуғ ғоямиз
Жумла жаҳон бўйлаб қилур тантана!

Аҳдимиз мустаҳкам дунё олдида
Шай эрур халқимнинг қуроғ-яроғи.
Дунёни сақлаймиз бало-қазодан,
Сўнмагай оламда ҳаёт чароғи!

Мана, қирқ йилдирки, толиққан дунё
Тинчлик оғушида урушсиз яшар.
Нурли келажак деб, эзгу ишлар, деб
Жаҳоннинг бахти, деб яшайди башар.

Аммо олам ҳамон қалқиб турибди,
Ҳали тинчимаган тинчлик ёвлари.
Безовта қилмоқда, ташвишга солиб
Ёвуз фашизмнинг даъво, довлари.

«Йиқилган курашга тўймас» дегандек,
Йиқилганлар яна кўтармақда бош.
Фашизм аждари бошини тўлғаб,
Дунёнинг кўксига отмоқчидир тош.

Камлик қилганидай ердаги уруш,
Тайёрланмоқдалар само жангига.
Бизга қарши минг хил бўҳтонлар тўқиб,
Заҳар солмоқдалар халқлар онгига.

Дўк, пўписа қилар тинчлик ёвлари
Атом бомбасини ушлаб қўлига.
Қора ниятлилар инсониятни
Бошламоқчи бўлар ваҳшат йўлига.

«Освенцим», «Дахов»нинг даҳшатларини
Халқлар чиқармаган ҳали ёдидан.
Самонинг қулоғи қар бўлган шунда
Сонсиз қурбонларнинг оҳи, додидан.

«Хиросима» эсда турибди, унинг
Мудҳиш яралари ҳали битмаган.
Атом оловида ёнган одамлар
Ҳали кўз ўнгидан нари кетмаган...

Йўк, урушга асло йўл қўйиб бўлмас!
Эндиги урушнинг мазмуни ёмон.
Кунпаякун бўлар атом жангида
Мавжудоту ҳаёт, замин у замон!

Ҳеч вақт йўл бермайди тинчликсеварлар
Қирғин-баротларга, янги урушга.
Қаҳрамон халқимиз тинчлик йўлида
Аҳду паймон қилган маҳкам туришга...

Дунё ясов тортиб ўтди ёнимдан,
Ҳамон ўтирибман кузатиб йўлда.
Ҳаммавақт меҳнатда, хизматда бўлдим,
Ҳали ҳам ишдаман, қаламим қўлда.

То тирик эканман, қаламим қўлдан
Тушмагай, туширмас замон талаби.
Доим меҳнат қилиб яшасам дейман,
Эзгу мақсадига етганлар каби...

7 декабрь, 84—13 февраль, 85 йиллар

ЎТМИШНИ ЭСЛАГАНДА...

(Таржимаи ҳолимга)

Мен, 1930 йили Самарқанддаги Педакадемияни битириб, Ўзбекистон Давлат нашриётига, адабиёт бўлимнинг мудирини бўлиб, ишга кирган эдим.

Уша йили Ўзбекистон пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчирилди. Давлат нашриёти билан бирга мен ҳам Тошкентга келдим.

Турадиган уй-жойим бўлмагани учун, тўрт йилча қариндошларимникида яшаб юрдим, аввал Раҳмат Аҳмадийларникида, сўнг, тоғаваччам Илҳом Исҳоқовникида.

1934 йили, Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи ташкил топгандан кейин, Союз раҳбарларига Литфонд ҳисобидан уй-жой сотиб олиб берилди. Ушанда, янги уйга кўчган, Ёзувчилар союзининг аъзоларидан бирининг кичик, ҳужрага ўхшаган, эски уйини менга беришди. Уша маҳалда уйсиз, ҳар ерда санғиб юрган, «ватансиз» кунларимда бу, ҳеч қанақа қулайлиги бўлмаган, офтобга тескари, зах, қоронғи, битта каравот ва битта ёзув столи аранг сиғадиган, асли, бошқа уйларга кирадиган йўлакка ўхшаган уй ҳам менга «кошона» бўлиб кўринган, мени роса хурсанд қилган эди. Ахир, «ўз уйим, ўлан тўшагим» вужудга келган, энди мен мустақил бўлиб яшайдиган кунлар келган эди-да!

Бу, чор атрофи эшикдан иборат бўлган уйга кўчиб келган куним, шодлигимдан, қуйидаги ҳазил шеърни ёзган эканман. Ижодий бисотдан ўша, «тарихий» ашъорни, ҳурматли ўқувчиларга тақдим этмоқчиман...

Ўртоқ Илҳом!

(ҳазил)

Авваллари излаб адресимни
Топа олмай санғиб юрардинг.
Ҳар эшикка келиб: «Уйғун борми?»—
Дея тақиллатиб турардинг.

Ҳар эшикдан чиқиб жавоб берарди:
«Уйғуннинг уйи йўк, жойи йўк.
Ҳар ерда «битбилдиқ», кулбаси йўк,
Ичарга иссиқроқ чойи йўк.

Бир кун бунда бўлса, бир кун унда,
Дайдиланиб, санғиб юради.
Бир жомадон, битта кўрпаси бор,
Ҳар ерда омонат туради.

Хотин қайда унда, бола қайда?!
Сўққабошу «якка хўжалик.»
Ҳеч ким ишонмайди бу одамни
Бўлади деб бир кун жўжалик.

Бироқ ўзи анча дуруст йигит,
Баъзилар қадрига етмайди.
Кулба топиб бериб ўртоқлари,
Бечорага ёрдам этмайди.

Ўзи ҳам ўлгудай дангаса,
Қўлидан ҳеч нарса келмайди,
Бирор ишни қувиб орқасидан
Югурмайди, сира елмайди.

Энди, қўйчи, гапнинг пўсткаллеси,
Ўзинг излаб юриб, топиб ол.
Истасанг уй бериб, уйга қамаб,
Эшигини маҳкам ёпиб ол!»

Шундан сўнг эшикни тарс эткизиб,
Епардилар. Ҳксиб қолардинг.
Яна излаб мени, гир айланиб,
Оёгингни қўлга олардинг.

Девоналар каби эшик қоқиб,
Кўча-кўйда умринг ўтарди.
Тополмай мени, итдек чарчаб,
Ҳориб-толиб эсинг кетарди.

Ҳафсаланг пир бўлиб, сўнгра бирдан
Тажанглигинг тутиб қоларди.
Умидсизлик умид, армонингни
Юрагингдан тортиб оларди.

Жаҳл билан: «Қандай махлуқ эди,
Тайини йўқ, турар жойи йўқ,
Ҳол сўрашай, учраб турай десанг
Маълум бир куни йўқ, ойи йўқ.

Шоир бўлмай қолсин, шоирлик ҳам
Сувга уриб кетди, шекилли.
Ҳафсаласизлиги оқибатда
Бошига ҳам етди, шекилли.

Менга нима, ўзи хоҳламаса,
Орқасидан изғиб юрайми?
Тиланчилар каби ҳар эшикни
Тақиллатиб, кутиб турайми?!»—

Дея, ғойиб бўлиб, йўқолардинг,
Талай чоқлар сени кўрмасдим.
Ширин суҳбат қуриб сен билан,
Ҳоли-аҳволингни сўрмасдим.

Энди ишлар бошқа, тамом бошқа,
Турмушим ҳам тамом ўзгарди.
«Уйсизлик» дардини ўртоқларим
Бошгинамдан мутлақ кўтарди.

Энди, маъна, уйлик бўлиб қолдим,
Аразингни ташла, уйга келиб тур.
Биргалашиб энди роса ишлайлик,
Энди соғинтирмай уйга келиб юр.

Орқамизга энди офтоб тегди,
Ҳар нарса бор энди, ишлар жойида.
Кел, яхшилаб сени меҳмон қиламан,
Энди бол-маза бор шоир чойида...

Кел, энди тортинма, уялмагин,
Юракдаги тотли армоним!
Бирга бўл мен билан, бирга ишлашгин,
Оёқ-қўлимдаги дармоним!

Кел, гулим, кел, менинг гул илҳомим,
Жўшқин лирикалар қанот қоқсинлар!
Юрагимга сиғмай ётган шеърларим
Баҳор сувларидай тошиб оқсинлар!

Долғалансин шеър кучли денгизлардай,
Яшнасинлар, чечак отсинлар.
Ҳар колхозчи йигит, ҳар ишчи қизнинг
Юрагида ўйнаб ётсинлар!

Улар десин ўқиб лирикамни:
«Уйғун яхши шоир, Уйғун бизники!
Уйғун ишчиниқи, Уйғун зарбдорники,
Уйғун колхоздаги қизники!»

Оҳ, шунда мен ҳадсиз севинаман,
Осмонларга етар бўйларим.
Ўзалардай гуллар фикрларим,
Юртимиздай ўсар ўйларим...

Қўлга олиб яна ўткир қаламни,
Ҳавас билан ёза бошлайман.
Дилда ётган фикр хазинасин
Илҳом билан қазий бошлайман!

Бу шеър кундалигимда бир ўтиришда, оний, яъни тез, қораламасиз,
14 октябрь, 1934 йилда ёзиб ташланган эди, мен уни бир оз таҳрир қилиб,
оққа кўчирдим.

18 февраль, 1985 йил.



Мажид Саматов

ЖАНГЧИ ШОИР

Улуғ Ватан уруши йилларидаги «Қизил Ўзбекистон» газетаси сонларини кўздан кечираётганда ундаги бир шеърга кўзим тушиб, қувониб кетдим. Шеър қуролдош дўстим, Улуғ Ватан уруши жангларида мардонавор ҳалок бўлган отащқалб жангчи шоир Ҳасан Саид қаламига мансуб эди. Юксак ватанпарварлик ва чуқур оптимизм руҳи билан тўлиб тошган куйидаги сатрларни қайта-қайта ўқидим:

Фашизм тинч элга очди қонли жанг,
Қилайлик ёвларнинг ҳолини биз танг.
Мен ҳам фронтдаман, меҳрибон Ватан,
Фидокор сен учун бу жон ҳам бу тан...

Шоирнинг Ватанга бўлган чексиз муҳаббати, душманга оташин нафрати ва ғалабага бўлган зўр ишончи мана шу қисқа сатрларда жаранглаб турибди. Шеърга «Қасамёд» деб ном қўйилган. У чиндан ҳам шоирнинг она-Ватан олдидаги қасамёди, Ватаннинг шавкатли ўғлонлари — жангчиларнинг манфур душманга қарши гимнидир.

Мазкур шеър 1941 йилнинг 28 июнида, Улуғ Ватан уруши бошланишининг олтинчи кунда ёзилган. Уруш даҳшатлари кечаю кундуз тиним бермаган мураккаб шароитда жангчи-шоирнинг вақт топиб, қалб ҳароратини юксак сатрларда изҳор этиб, редакцияга юборишга муваффақ бўлишининг ўзи адиб дунёсининг, ҳиссиётининг нақадар таъсирчан эканини тасдиқлайди. Ҳароратли мисраларни ўқир эканман, хаёл мени узоқ-узоқларга олиб кетди. Мен бу ажойиб инсон билан қандай танишганимни, бир ярим йилга яқин ҳарбий хизматни бирга бажарган вақтимизни, дўстимнинг бир умр хотирамда қолган қиёфасини беихтиёр эслаб кетдим...

1939 йилнинг 15 ноябрь куни эди. Тошкент шаҳар Октябрь район Ҳарбий комиссариати ёш йигитларни армиямиз сафига узатмоқда. Унлаб вагонлардан ташкил топган составимиз Тошкентдан кўзғалганда вақт ярим кечадан оғган эди. Кун бўйи ҳар хил югуришлардан чарчаган эканман, поезд кўзғалиши билан қаттиқ уйқуга кетибман...

Тонг саҳарда қулоғимга эшитилган най садосидан кўзимни очдим. Навбатчи йигит вагон ўртасига ўрнатилган чўян печканинг оловини қизитиб, чўғига тикилган ҳолда «Чўли ироқ»ни куйлаяпти. Вагон филдиракларининг тақир-туқири гўё унга жўр бўлаётгандек. Мен унинг ёнига оҳиста ўтириб, куй тамом бўлгач сўрадим:

— Найни жуда ёқимли ва майин чалар экансиз. Кимдан ўргангансиз?

— Аввало ўзимни таништирай, Ҳасан Саид, — деди у қўлини узатиб. — Мен музикани севаман, музика асбоби бўлса бас... Най, чанг, дутор, танбур, ғижжак, пианино, хўллас, духовой оркестр асбобларида ҳам машқ қилганман. Олиб юриш осон деб, ўзим билан мана шу найни олдим.

Сўхбатимиз қизиб кетди. У ўзининг оғир болалик йиллари, отаси ёшлигида вафот этгани, сўнг болалар уйда тарбиялангани, адабиёт ва санъатга ихлосмандлиги ҳақида сўзлаб берди. Унинг самимийлиги, очиқ кўнгиллилиги, гап-сўзларининг баъманилиги менга ёқиб қолди. Кейинчалик у билан дўстлашиб, битта майизни бирга баҳам кўрадиган бўлиб кетдик.

10—12 кунлик йўлдан сўнг Минскка яқин бир жойда 2—3 кун бўлиб, ўзимизни тартибга келтирдик. Ниҳоят ҳарбий кийимларни кийиб, шонли армиямизнинг ҳақиқий солдатига айланганимиздан ҳаммамиз беҳад хурсанд эдик. Биз турган жойда турли ҳарбий қисмларнинг вакиллари ўзларига керакли одамларни ажратмоқда эдилар. Ҳасаннинг учувчи формасидаги, кийимлари ҳам ўзига

ярашган старший лейтенантга кўзи тушар экан: «Омадимиз келиб, авиация ҳарбий қисмига тушиб қолсак нима дейсиз?» деди. Жуда яхши бўларди, дедим мен. Ҳақиқатдан ҳам омадимиз келди. Чекимизга авиация қисмида хизмат қилишлик тушган экан, севинчимизга севинч кўшилди.

Бошлиғимиз, ўша келишган старший лейтенант ҳаммамизни тўплаб, кўрсатма берди. Бизлар эндигина Польша панлари зулмидан озод этилган Ғарбий Белоруссия территориясига жўнашимиз лозимлигини айтди.

Ҳасан билан икковимиз прессланган пичан ортилган платформага чиқиб, пичанлар оралиғига жойлашиб олдик. Манзара жуда чиroyли, жойимиз иссиқ. Осмонда юлдузлар чарақлаб турибди. Ой нурунинг ёқимли шуъласи кишига қандайдир кўтаринкилик бағишлайди. Поездимиз ҳамон олға интилар эди. Атроф қуюқ ўрмонзор, ҳаво одатдан ташқари илиқ, кишига хуш ёқади. Мана собиқ чегарамизни босиб ўтмоқдамиз. Дўстим Ҳасан бирин-кетин Ватан, севги ва муҳаббат ҳақидаги шеърларини баланд овозда ўқий бошлади. Улар орасида мен билмаган ва эшитмаган шеърлар ҳам анчагина экан. У шу қадар завқ билан ўқир эдики, бир қанча саволларим йиғилиб қолган бўлса-да, уни тўхтатгим келмас эди. Ниҳоят, поездимиз каттароқ бир станцияда тин олган эди, Ҳасан ҳам ўқишдан тўхтади.

Поезд ўрнидан қайта жилганда, у фақат ўзи ижод қилган шеърларни ўқий бошлади. Ўқилган ҳар бир шеър юзасидан менинг фикримни сўрар эди. Мен ўз билимим доирасида мулоҳаза билдирардим.

Бизлар Ғарбий Белоруссиянинг Лида шаҳрига келиб тушдик. Авиагородокдаги казармада ҳам Ҳасан билан каравотимиз ёнма-ён эди. Бир ойлик тайёргарлик, ҳарбий устав ва бошқа зарур нарсаларни ўрганганимиздан сўнг ҳақиқий хизмат бошланиб кетди. Ротада ҳам Ҳасан икковимиз битта пулемёт расчеида бўлдик. Тактик машгулотларда у пулемёт станогини, мен кожухини кўтарардим ёки аксинча. Отиш синовларида милтиқда ҳам, пулемётда ҳам кўпинча «аъло» баҳо олар эдик.

Ҳасан билан хизматимиз кўпинча бирга бўлар эди. Агар менинг нарядим ўзгариб, бошқа постларда бир сутка қолиб кетсам, биз худди бир йил кўришмагандек қучоқлашиб, ўпишардик. Ҳол-аҳвол сўрашгач, чўнтагидан янги шеърларини олиб, менга ўқиб беришга шошиларди. Кўпинча шеърларини қайта ўқишни илтимос қилардим. Чунки у ўз ижодига ғоят танқидий назар билан қарар, жуда яхши, матбуотга юборсангиз бўлади, десам ҳам кўпинча у кўнмас эди.

У илҳом келишини кутмас, кўлига қалам олдим, илҳомнинг ўзи келар эди. 1940 йилнинг ёзида мен қисқа муддатли отпуссага кетадиган бўлдим. Тошкентга жўнашим дўстим Ҳасанни ортиқ даражада севинтириб юборди. У кўлимга охирги ёзган уч-тўртта шеърини тутқазди. Дўстлари Рамз Бобожон ва Туроб Тўлага махсус хат қилиб, ўз илтимосларини ёзиб юборди. Тошкентда илк бор Рамз Бобожон ва Туроб Тўла билан учрашдим, ҳарбий хизматимизни батафсил гапириб, Ҳасанжон ҳақида ҳам тўла маълумот бердим. Рамз Бобожон кўлимга Ҳасан Саид билан ҳамкорликда ёзилган биринчи шеърлар тўплами — «Ҳада» нашрдан чиққанини айтиб, ундан икки нусха берди. Жўнашим олдидан яна бир бор улар билан учрашиб, Ҳасанга тайёрлаб қўйишган тортиқлар — янги чиққан китоблардан бир қанчасини ўзим билан олиб кетдим.

Мен Лида шаҳрига етиб борганимда ҳарбий қисмимиз тўла жанговар ҳолатга келтирилган экан. Ҳасан билан учрашиб, совға-саломни энди топширмоқчи бўлиб турганимда бирдан жанговар тревога бошланиб кетди. Ҳарбий қисмимиз ва улар билан бирга Ҳасан ҳам Болтиқ бўйи давлатларини озод этиш учун жўнади...

Мен Ҳасан билан ўн кундан сўнг Литванинг Каунас шаҳрида учрашдим. Ҳарбий қисмимиз шу ерга жойлашган эди. Ҳасан мени ортиқ даражада соғиниш билан тоқатсизланиб кутаётганлигини сезардим. Совға-саломларини топширдим. У ўзининг илк ижоди «Ҳада»нинг кўлига олар экан, чуқур ҳаяжонланиб, севинчини яширолмади. Киприкларидаги намни артар экан, дўстларига, жумладан, менга ҳам чуқур миннатдорчилик билдирди. Сухбатимиз узоқ давом этди, у мен йўқлигимда ёзган ўнга яқин шеърларини навбати билан ўқиб берди.

Ҳасан Саид ҳарбий қисмда анча обрў қозонган, билимдон, жамоат ишларига чаққон, сиёсий ўқиш ва жанговар тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришган илғор Ватан ҳимоячиси эди. У қисмдаги ҳарбий оркестрда бир неча асбобларда музика чалиш маҳоратини эгаллаганлиги билан ҳам донг чиқарган эди. 1941 йилнинг бошларида бўлса керак, Болтиқбўйи ҳарбий округининг газетасида Ҳасан Саиднинг сурати ва «Ҳада» тўпламининг фотонусхаси, унинг ҳақида «Ҳам жангчи, ҳам шоир» сарлавҳали махсус мақола эълон қилинди.

Ҳасан Саид ёш бўлишига қарамай зийрак, тетик, янгилликни олдиндан сезувчи, ўз граждандлик бурчини чуқур ҳис этувчи ажойиб инсон эди. Унинг инсоний фазилатлари юзида ҳам, қалбида ҳам, ижодида ҳам мавж уриб турарди.

Бу ажойиб дўстлик 1941 йилнинг бошларида бўлинди. Мени ва бир неча ўзбек

жангчиларини янги ташкил этилган Латвиянинг Лиепая (Либава) шахридаги ҳарбий аэродромга хизматга жўнатишди. Кутилмаган айрилиқ қалбимизда чуқур маъюслик пайдо қилган эди. Дастлаб ҳар куни, кейинчалик кун ора ундан хат олиб турдим.

Улуғ Ватан уруши даҳшатларини у Кауназда, мен эса Лиепая шахрида кутиб олган эдик...

Бир қуролдош дўстимдан Каунас остоналарида юз берган даҳшатли жангда Ҳасаннинг мардларча ҳалок бўлганини эшитдим.

Шоир ва жанговар дўстим Ҳасан Саиднинг жуда кўп шеърларини қўлёзма ҳолида ўқиганман. У ўша йилларда ижод этган асарларининг бир қисмини редакцияларга, кўпроғини уйига юборар эди. Мен унинг асарларини қидиришга қатъий киришдим. Навоий номли кутубхонадан дўстимнинг иккита шеърлар тўпламини топишга муваффақ бўлдим. Биринчиси атоқли шоиримиз Рамз Бобожон ва Ҳасан Саиднинг шеърларидан ташкил топган ўша «Ҳадя» тўплами. У Уздавнашр томонидан 1940 йилда нашр этилган. Иккинчи тўплам эса фақат Ҳасан Саиднинг шеърларини ўз ичига олган ва у «Жангчининг қўшиқлари» деб аталган. Китобчани Ўзбекистон давлат нашриёти 1941 йилда нашр этган экан. Бу тўпламга шоирнинг «Марш», «Қасамёд», «Қирувчи», «Биз енгамиз», «Фармон кутаман», «Ўлим душманга», «Посбон сўзи», «Доҳий Ленин боғида», «Гражданман», «Буюк орзу», «Испанияга хат», «Лейтенант бўламан», «Бахтлисан болам», «Бахтиёр она» шеърлари киритилган. Тўпламнинг титул бетига Ҳасан Саиднинг дўстларига ёзган хатидан қуйидаги сўзлар илова қилинган:

«Бу шеърни мен Максим пулемёти тагида ёздим. Мен бу шеърни ёзаётганда ўнг қўлимда қалам ва чап қўлимда пулемёт крочоги эди. Узоқ-узоқлардан снарядлар гумбурлаб ёриларди. Ёнаётган қишлоқлардан чиқётган қора тутун буралиб-буралиб, осмонга кўтариларди...» Мазкур тўплам Ҳасан Саиднинг 17 ёшидан 21 ёшигача (1937—1941 йиллар), яъни ҳалок бўлганига қадар ёзган шеърларини ўз ичига қамраган. Шоирнинг ҳар бир шеъри давр нафаси билан ҳамоҳанг бўлиб, социалистик тузум шароитида, улуғ партиямиз раҳнамолигида юзага келган бахтли ҳаётни тараннум этиш, ёвуз ва манфур душманга қарши халқимизни мардонавор курашга чақиришга қаратилгандир.



Ҳасан Саид

Қирувчи

Ғарбий фалак гумбазини титратиб,
Ракетадай кўкка учди қирувчи.
Учар шиддат билан ердан кетма-кет,
Узилмайди, ойга етар бир учи.
Дам ўтмайин осмон беткағига нақш
Бўлиб, тўлиб кетди совет лочини:
Тумтарақай бўлиб «Юнкерс» қочади,
Гитлер ғазаб билан юлар сочини.
Кўтарилди яна,

минги,

ўн минги

Фашистларни тилка-пора этишга.
Кўтарилар яна

минглар,

ўн минглар

Фашист пиёдасин янчиб ўтишга.

Учар,

Учар,

Учар совет «қуш»лари



Зафар балқир лочинларнинг аҳдидан.
Учар ҳамон осмон океанида,
Босиб олар елни, селни, тўфонни,
Қувват олар у ўз меҳрибонидан.
Чақмоқ чақилади булут ортида,
Лочинимиз ёвни қирар тобора...
Тутдай тўкилмоқда кўкдан ёв кучи,
Ёв устида чарх уради кирувчи,
Оста эса, душман яна чилпора...

Қасамёд

Фашизм тинч элга очди қонли жанг,
Қилайлик ёвларнинг ҳолини биз танг.
Мен ҳам фронтдаман, меҳрибон Ватан,
Фидокор сен учун бу жон ҳам бу тан.

Қарзинг бор бўйнимда,
Она, эт талаб!
Жонажон
Умримни этдим сафарбар —
Ки, битар фашизм,
Битар қабоҳат!
Онажон!
Мардона этай қасамёд:
Курашим ортида албат зафар бор!
Милтиғим қаламим бирла қадрдон
Иккиси бир мақсад қасдида.
Жангчи томиримда дарё чайқалар,
Сен учун ҳар қандай жангга қодирман.
Ҳурматинг бағримда
Океан қадар!





БУЮК ҚАРДОШЛИК

(Николай Погодин «Ўзбекистон қиличи»нинг муаллифларидан бири)

Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон жуда кўп совет ёзувчиларининг иккинчи хонадонига айланган. Алексей Толстой, Корней Чуковский, Анна Ахматова, Владимир Луговской, Якуб Колас ҳамда Украина ва Беларуссиядан эвакуация қилинган бир қанча адабиётчилар шулар жумласига қиради. Улар ўзбек ҳамкасблари билан ҳамкорликда ижод қилдилар. Бу нарса ўларга бир-бирини яқиндан билиш, ўзбек адабиётини урганишга имконият яратди. Ўзбекистон ва ўзбек халқи билан яқинлик адабий темалар алмашувиға сабаб бўлди: Алексей Толстой Фарғона водийси, Ўзбекистон ва унинг одамлари ҳақида ёзди: Якуб Колас ўз шеърларида Чимён тоғлари, Салор дарёси, ўзбек жангчиларини тараннум этди; Анна Ахматова Ҳалима Носировага шеър бағишлади.

Комил Яшин ўзбек йигити Қамбар ва украин кизи Оксана ўртасидаги муҳаббатга асосланган «Улим босқинчиларга» драмасини яратди. Иззат Султон «Бургутнинг парвози» пьесасига кўмондон М. В. Фрунзени асосий қаҳрамон қилиб олди, Ҳамид Олимжон «Москва», Мақсуд Шайхзода «Бизнинг Москва» шеърларини ёзди.

1941 йилнинг кузида Николай Погодин Тошкентга келди. У республиканинг ижтимоий ва адабий фаолиятида актив иштирок этди, адабий пьесаларда қатнашди, тарғиботчилар курсида маърузалар қилди. Унинг ҳикоя, очерк, сўхбатлари «Тошкент альманахи» ҳамда «Правда Востока», «Қизил Ўзбекистон», «Фрунзевец» газеталари саҳифаларида эълон қилина бошланди.

Николай Погодин республикамизда яшаган даврда унинг ўзбек ёзувчилари Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла, Уйғун билан ҳамкорликда «Ўзбекистон қиличи» пьесасини яратиши жиддий воқеа бўлди. Уйғуннинг эслашича, шунингдек филология фанлари доктори Турсуной Ҳамидова гувоҳлик беришича, драманинг яратилишига конкрет воқеа асос бўлган: темирчи қариялар худди қадимдагидек қурол-яроғ ясаб фронтга жўнатишга аҳд қилганлар. Бу воқеага ўша пайтдаги ЎзВКП(б) Марказий Комитетининг Биринчи секретари Усмон Юсупов ҳам алоҳида тўхталган. У санъат ходимлари зиммасидаги улкан бурчни эслашиб, ўзбек кавалерия кўшини учун ўзбек жангчилари ҳақида музикали драма яратиш кераклигини таъкидлаган. Темирчи қарияларнинг жасорати ўзбек халқи характерини

яққол намоён қилгани учун бу фактни бўлажак драмага асос қилиб, пьесани тезлик билан, бир ҳафтада тайёрлашни сўраган эди. Вақт тиғиз. Нима қилмоқ керак?

Драмани етти кунда икки киши ҳамкорликда ёзиши мумкин эмас. Шунда камёб ижодий тажриба ўтказишга қарор қилинди. Либреттонни ҳамда унга ёзиладиган музикани катта ижодий коллектив томонидан тез тугаллашга аҳд қилинди, пьеса устида ишлаш учун уруш даврида республикамизга келиб қолган ёзувчи ва композиторлар жалб этилди. Бундай қарорга келишга ўша давр шароити сабаб бўлган. Ўзбекистон халқ шоири Уйғун драма устида қилинган ишлар ҳақида шундай хотирлайди:

«Биз Усмон Юсупов билан учрашувдан сўнг ёзувчилар союзиға келдик ва пьесаға қандай ном қўйишни маслаҳат қилдик. Кимдир пьесани «Ўзбекистон қиличи» деб номлашни таклиф қилди. Биз рози бўлдик. Пьеса муаллифлари составиға кўра интернационал характерда бўлишга қарор қилинди. Унда фақат жангчиларни эмас, уларнинг қамалда қолган кадрдонлари, дўстларини ҳам ёритиш лозим эди.

Кейин сюжет чизикларини туздик. Фронт саҳналарини ёзишни Погодинга юклядик. Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла ва мен шеърый матнларни ёздик. Мен пьесанинг таҳрири ва монтажи билан шуғулландим, Николай Погодиннинг русча матнини таржима қилдим. Кейинги пайтда композиторлар ҳам биз билан ҳамкорликда ишладилар. Биз ария ва қўшиқларни ёзиб бўлишимиз билан уларга берар эдик, улар эса дарров куй басталар эдилар.

Тайёр материал театрга берилиши биланоқ репетициялар бошланиб кетиб, артистлар илҳом билан ишлай бошладилар. Усмон Юсупов ҳар куни телефон қиларди. Драма белгиланган мuddатда — бир ҳафта ичида ёзиб тугатилди».

Пьеса премьераси икки марта қолдирилди. 1941 йил 18 декабрда «Қизил Ўзбекистон» газетаси қўйидаги эълонни берди:

«Меҳнат Қизил Байроқ орденли Давлат опера ва балет театри янги «Ўзбекистон қиличи» драмасини қўйишга киришди. Пьеса январнинг ўртасида кўрсатилади». Лекин, пьесани шу мuddатга қўйишга улгуришмади. Янги мuddат қабул қилинди:

«Қизил Армиянинг 24 йиллигиға Меҳнат

Қизил Байроқ орденли Ўзбек опера ва балет театри ўзбек халқининг герман фашизмига қарши кураш ишгирига бағишланган «Ўзбекистон қиличи» музыкали драмаси премьерасини тайёрламоқда.»

1942 йил 29 апрелда «Правда Востока» газетаси премьера ҳақида куйдагича маълумот беради:

«Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек давлат опера ва балет театрида 29 апрель кунини 4 парда, 6 кўринишли «Ўзбекистон қиличи» музыкали драмаси намойиш этилади. Николай Погодин, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Собир Абдулалар асарини.

Т. Содиқов, Т. Жалилов, М. Бурҳонов, Н. Ҳасанов, А. Клунов, С. М. Вайнберглар музыкаси.

Дирижёр — Т. Содиқов.

Постановка учун тайёрланган кинофрагментлар К. Ёрматовники.

Расомлар В. Ходасевич, В. Басов.

Постановканинг балетмейстерлари М. Турғунбоева ва Е. И. Барановскийлар.

Хормейстерлар: Д. Штейнберг ва М. Насинов».

Драманинг яратилиши фақат адиблар, композиторларнинг ижодий ҳамкорлиги ва интернационал бирдамлигига эмас, балки совет кишилари ўртасидаги бузилмас дўстлик рамзига айланди.

Драматург Анатолий Софронов 1942 йилда Ленинград қамали муносабати билан Ҳарбий совет аъзоси Н. К. Смирнов ёзувчи Всеволод Вишневскийни чақириб унга шаҳар ҳимоячилари, уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида қувноқ пьеса яратиш вазифасини юклаганини эслайди. Всеволод Вишневский, В. Азаров, А. Кронлар бу ишни 17 кун ичида бажардилар. Спектакль премьераси муваффақиятли ўтди, қаттиқ отишмаларга қарамай, ҳеч ким зални ташлаб кетмади. Пьесадаги қўшиқ ва рақслар одамлар қалбидан чуқур жой олди.

Катта ижодий коллектив кучи билан яратилган ҳар иккала пьесанинг муштараклиги нимада? Аввало, уларнинг мазмунан бир-бирига яқинлигида. «Ўзбекистон қиличи» драмасида ҳам томошабинларга саҳнадаги воқеаларнинг бадиий эмоционал таъсирини кучайтиришга хизмат қилувчи ашула, рақс ҳаттоки кинофрагментлардан фойдаланилди.

Ленинград учун қамалда қолган одамларнинг руҳини кўтарувчи қувноқ пьеса, Ўзбекистон учун эса меҳнат fronti қаҳрамонликларини акс эттирувчи, халқ руҳини кўтарувчи драма керак эди. Тошкентда ҳам худди Ленинграддагидек пьеса премьераси муваффақиятли ўтди.

«Премьера кунини опера ва балет театрининг зали тўла эди,— дея хотирлайди шоир Уйғун.— Зиёлилар, ишчилар, раҳбар ходимлар, фронтда жанг қилаётганларнинг ота-оналари, фарзандлари келишган. Томошабинлар пьесани мамнун ҳолда кутиб олдилар. Саҳнадаги кўринишлар олқишлар билан бўлинар, чунки актёрларнинг ижрочилик маҳорати аъло даражада эди. Премьера тугагандан сўнг томошабинлар давомли қарсақлар билан актёрларни олқишладилар».

Драма ўз даврида танқидчиликнинг юксак баҳосини олди. Унга ёзилган тақризлардан бирида шундай дейилади: «Ўзбек опера ва балет театрида қўйилган «Ўзбекистон қиличи»

номли янги музыкали драма ўз тематикасига кўра томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Пьеса ўзбек халқининг бугунги кунини, унинг Қизил Армия сафларида фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураши ҳақида ҳикоя қилади. У совет халқлари дўстлигининг юксак ғоявий-бадиий тимсолидир.

«Ўзбекистон қиличи» постановкаси замонавий ўзбек театрининг музыкали драма соҳасида қўлга киритган катта ютуғидир. У совет ва ўзбек совет бадиий маданияти тарихида янги йўналишларни кашф этаётган рус ва ўзбек драматурглари, композиторлари ижодий дўстлигининг юксак самарасидир».

«Правда Востока» газетаси саҳифаларида тез орада яна бир хабар пайдо бўлди. Унда шундай дейилади:

«Ўзбекистон опера театрида «Ўзбекистон қиличи» музыкали драмаси катта муваффақиятлар билан намойиш қилинмоқда.

Спектаклнинг олти марта намойиш этилишида 10 минг томошабин қатнашди. Улар орасида фашист босқинчиларига қарши умумшаҳар аёллар уюшмасининг вакиллари, Тошкент области бўйича колхозчилар слёти қатнашчилари, жангчи ва командирлар, сиёсий ходимлар, ишчи ва хизматчилар, ҳамда зиёлилар бор эди... «Ўзбекистон қиличи» номли янги спектакль ўзбек операси репертуаридан муваффақиятли ўрин олди».

Юқоридаги сатрлар драманинг тез орада муваффақият қозонганидан далолат беради. Шоир Ҳамид Олимжоннинг куйидаги сўзлари буни яна бир қарра исботлайди: «Бу пьеса ўзбек халқининг енгилмас кучи ҳақида. Композиторлар Содиқов, Жалилов, Бурҳонов ва бошқалар шундай қўшиқлар яратдики, улар халқ оммасининг ишончига айланди. Одамлар оғир ва енгил кунларида уларни куйлайдилар».

Драманинг ютуқлари сабабини санъатшунос В. Музалевский шундай изоҳлайди:

«Ўзбекистон қиличи» спектакли олқишлар билан кутиб олинди, чунки унинг мазмунини ҳаётий ҳақиқат билан нафас олади. Саҳнада ҳақиқий кишилар, бугуннинг янги ҳодисалари акс этади. Воқеалар ўзбек томошабинига яқин, қадрдон шароитда содир бўлади («Правда Востока», 29 апрель, 1942 йил).

Шу кунга қадар пьесанинг тўлиқ тексти бирор марта нашр этилмаган. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1942 йил 1 январь сонисида драманинг атиги 4-кўриниши чоп этилган, холос. Ушбу парча Ҳамид Олимжон асарларининг ўн томлигига киритилган. Бу ҳақда адабиётшунос олим ва танқидчи Матёқуб Қўшжонов шундай ёзади: «Кўп томликларни тайёрлаш жараёнида бир қанча қийинчиликларга дуч келинди. Жумладан, Ҳамид Олимжон авторлар коллективи билан ҳамкорликда яратган «Ўзбекистон қиличи» пьесасининг тўлиқ матнини топиш имкони бўлмади. Шу сабабли ўнинчи томда «Қизил Ўзбекистон» газетасида пьесадан эълон қилинган парчани чоп этиш билан чекланилди. Айни пайтда китобхона асарнинг яратилиши тарихи ҳақида мумкин қадар тўлароқ маълумот бериш мақсадида пьеса авторларидан Н. Погодин томонидан тузилган режа ва саҳналарни, режиссёрлик баёнларини келтириш мақсадга мувофиқ деб топилди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 15 декабрь).

Николай Погодиннинг ўзбек адабиёти билан

ҳамкорлигини тадқиқ этиш жараёнида кўп манбаларни текширдик, дастлаб пьесанинг тўлиқ матнини топиш иложи йўқдек кўринди. Уйғуннинг айтишича, асар фақат қўлёзма ҳолида бўлган, унинг машинкаланган нусхасини қидиришдан натижа чиқмайди. Лекин кўп уринишлардан сўнг «Ўзбекистон қиличи»нинг тўлиқ тексти топилди. Шу ўринда асарнинг ягона нусхаси ўша даврдаги театр суфлёри Хуршиднинг (1892—1960) архивида сақланиб келганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

УзССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институтидаги айрим манбаларга кўра, Хуршид Шарафидиновдан бой ва ранг-баранг ижодий мерос қолган. «Фарход ва Ширин», «Ойбону», «Лайли ва Мажнун», «Сиёвуш», «Мухаррам» каби саҳна асарлари, Хусаин Жовуднинг «Шайх Санъон», Фридрих Шиллернинг «Қароқчилар», Шекспирнинг «Отелло» драмалари, Ҳофиз ғазалларининг таржималари, озарбайжон тилидан ўгирилган «Аршин Молодон» асари, Мунис девонининг мукамал транслитерацияси ва ғазаллари, шунингдек, унинг шахсий ҳужжатлари Қўлёзмалар институтининг ўзбек совет ёзувчилари архивида сақланмоқда. Шулар орасидан топилган «Ўзбекистон қиличи» музикали драмасынинг тўлиқ текстига 1942 йил, 23 январь санаси ёзилган. Пьеса машинкаланган нусхада, ҳажми 73 бет (УзССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтида «Ўзбекистон қили-

чи»нинг ушбу нусхаси 159 рақам билан сақланмоқда. Драманинг транслитерацияси институт ходими Раҳима Шарафутдинова томонидан амалга оширилган).

«Ўзбекистон қиличи» драмасынинг яратилиши, саҳнада қўйилиши ва тўлиқ текстининг топилиш тарихи қисқача шулардан иборат. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, асарнинг яратилишига Н. Погодин катта ҳисса қўшган. У фронт эпизодларидан ташқари, драматик коллизияларни ҳам кашф этди, алоҳида кўриниш ва саҳналарни ёзди. Драманинг умумий плани ҳам унга тааллуқлидир. Чунки драматург ўша муаллифлар ичида саҳна асарлари яратиш буйича етарли тажрибага эга эди.

Николай Погодин Тошкентда икки йил яшади. Бу даврда ўзбек халқи, унинг урф-одатлари, маданияти, санъат ва адабиёт намояндалари билан танишди. Адиб Ўзбекистон ҳақида махсус китоб яратишни орзу қилган эди...

Николай Погодиннинг «Ўзбекистон қиличи» драмасыни яратишда иштирок этиши, шунингдек, ўзбек адабиёти ва санъати ҳақидаги фикрлари унинг ижодига хос интернационал хусусиятни равшан намоён этади. Атоқли адиб айтганларини фақат сўзларда эмас, балки амалда ҳам исботлади.

Алишер ҚАЮМОВ

Ҳамид Олимжон, Николай Погодин,
Собир Абдулла, Уйғун.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЛИЧИ

Музикали драмадан парчалар

Тонг пайти. Ҳурмон қирғоғи. Бу ерда Арслон қўмондонлик қиладиган отлиқ қисм жойлашган. Уч жангчи: Турсун Султонов, Карим Дўсматов, Вали Қодиров ўз қуроқларини тартибга келтирмоқдалар. Тўртинчи жангчи баланд қарағайнинг наққушига чиқиб ўтириб, ҳавони кузатмоқда. У — ҳаво кузатувчиси.

Турсун. (Ханжарни қайраб ўтириб, «Йўл бўлсин» ашуласини хиргойи қилади).

Йўл бўлсин, йўл бўлсин,
Олган ўлжаларинг мўл бўлсин.
Уйда олтин тор қолди,
Қуралай кўз ёр қолди.
Мен ёримдан айрилдим, дод-ей,
Ҳавасларим зор қолди.
Йўл бўлсин, йўл бўлсин,
Олган ўлжаларинг мўл бўлсин...

Карим. (Милтиғини артиб, ҳавас билан тинглайди) Қўй, барака топкур, Турсун, ашуланг ҳам жонга тегди. Сенинг овозингдан мойланмаган араванинг ёғирлаши минг маротаба афзал.

Вали. (Каримга) Турсуннинг кайфи чоғ бўлдим, дарров ялла қилади. Ундан кейин, у — қанча ялла қилса, шунча хурсанд, деб билавер.

Турсун. (Қарағайнинг учидаги жангчини кўрсатиб) Анавиндан сўра. Ҳавода қизикроқ гап бормикан?

В а л и. (Дарахтдаги кузатувчига) Ҳой лочин, ҳеч нарса кўринадими?

К у з а т у в ч и. ... (Бирдан қичқиради) Калхатлар. Ўнг томонда уч фашист

бомбардимончиси пайдо бўлди... (Пастдаги жангчилар дарров бекинишади).

К а р и м. (Телефонда сўзлайди) Воздух... Урмоннинг ўнг томонида уч душман

бомбардимончиси пайдо бўлди...

К у з а т у в ч и. Пастлаяпти.

К а р и м. (Телефонда) Пастлаяпти.

К у з а т у в ч и. Қайрилди. Кетди... Отбой.

К а р и м. (Телефонда) Бомбардимончилар кетдилар. Отбой. (Телефонни

қўяди. Урмон ичидан Тошмат чиқиб келади. Унинг белига гранаталар, қилич,

тўппонча осилган. Важоҳати ҳайбатли, кўриниши жанговар).

Т о ш м а т. Фуломни кўрмадингларми?

Т у р с у н. (Еқтирмасдан) Кўрганимиз йўқ.

Т о ш м а т. Қоида билан жавоб бериш керак.

Т у р с у н. (Ирғиб ўрнидан туради. Қоматини тиклайди. Қўлини чеккасига

кўтаради). Рухсат этинг, жавоб беришга. Биз отлик разведкачилар бошлиғи Фулом

Ҳайдаровни кўрганимиз йўқ.

К а р и м. (Мулойимлик билан) Ўртоқ Тошмат Одилов, модомики юришингиз

генераллардек, гапиришингиз маршаллардек, кўринишингиз қаҳрамонлардек

бўлса, ахир Турсун тўғри айтди-да.

Т о ш м а т. Сенинг ҳазилинг униқидан минг чандон расво.

Т у р с у н. (Тўсатдан бақиради) Воздух. Душман калхатлари. (Тошмат жон

ҳолатда яшириниб қочади. Бошқалар турган жойларида қотиб куладилар. Тошмат

бекинган жойидан бошини чиқариб қарайди. Аэроплан йўқ, ҳазил эканини

фаҳмлаб баттар хафа бўлади).

Т о ш м а т. Мени масхара қилишга сенга ким ҳуқуқ берди?

Т у р с у н. Командиримиз Арслоннинг чопари Тошмат Одилов деган бир

қаҳрамон.

К а р и м. (Мулойим) Дағал сўздан ғазаб туғилади. Ғазабдан эса муштлашиш

келиб чиқади. Бироқ ҳалига қадар фашистлар билан бир мартаба ҳам солишма-

ган Тошмат, ишни ўз оғайниси билан муштлашишдан бошласа, билмадим,

фашистлар билан олишишга дармони қолармикан?

Т о ш м а т. Йўқ, нима учун мен унга масхара бўлиб қолдим?

В а л и. Бор, чопар, ишингни қилсанг-чи. Жангчилар билан нима қиласан ади-

бади қилиб?!

Т о ш м а т. Йўқ, ахир у — жавоб берсин.

Т у р с у н. Хўп бўпти, жавоб берай. Мен ҳозир ҳаммасини бошдан-оёқ

гапириб бераман.

К а р и м. (Яна аввалгидай мулойим). Бас қил, ахир, Турсунбой. Бўлмаса,

Тошматжонни бекорга ташвишга солиб қўясан. У — касал одам, яқиндагина

госпиталдан келди-ку.

Т у р с у н. Унинг қанақа касал бўлганини яхши биламиз. Нима, бизни

алдамоқчимисан?

Т о ш м а т. Хўш, нима экан?

Т у р с у н. Биринчи қаттиқ бомбардимондан сўнг, сен айиқ касалига мубтало

бўлгансан. Юракбуруғи эса мазангни қочириб, оёғингдан чалипти. Ҳой, дўстим,

бунақанги қизик касаллар ҳам бўлар экан. Айтишларига қараганда, бу касал

кўрқидан бўлар эмаш. (Жангчилар куладилар).

Т о ш м а т. Бўхтон. Сен бўхтонларинг учун ҳарбий суд олдида жавоб берасан.

К а р и м. (Ўз оҳанги билан) Ҳа, энди Турсун дағал одам. Сўзни силлиқ қилиб

гапиролмайди. Аммо нима қилайлик, ахир Тошматжон. Қисмингдаги жангчилар

сени бомбага тобинг йўқ эканлигини, касалинг ҳам худди бомбадан бўлганини

билсалар. Нима, ё — бутун жангчиларни судга бермоқчимисан?

Т о ш м а т. Ҳой, агар мен кўрқоқ бўлсам, Арслон сингари командирнинг

чопари бўлиб хизмат қилмас эдим.

В а л и. Ҳа, Тошматжон, сенга қийин бўлар. Бизнинг Арслон кўрқоқ кишиларни

ёмон кўради. Уларга сира шафқат қилмайди (Арслон ва штаб бошлиғи Большаков

киради).

А р с л о н. Салом, ўртоқлар.

Б о л ь ш а к о в. Салом.

А р с л о н. (Тошматга) Разведкачилар қани?

Т о ш м а т. Ҳали қайтганлари йўқ.

Б о л ь ш а к о в. Ким разведкачиларни бошлаб борган?

А р с л о н. Фулом Ҳайдаров.

Б о л ь ш а к о в. Нега ҳамон қайтишмаётган экан?!

А р с л о н. Тошмат Одилов. Бор, тезда разведкачилардан хабар топиб кел.

Т о ш м а т. Есть, хабар топиб қайтаман.

В а л и. Йўқ, у — бирон чуқурга тушиб ётиб, ҳеч дарак тополмадим, деб қайтиб келаберади. (Шу чоқда Тошмат керилиб қайтиб киради).

Т о ш м а т. Уртоқ, командир. Топширигингизни бажардим. (Ғулом киради).

А р с л о н. Нима гап? Нима учун устинг ифлос, қон? Бошқалар қани?

Ғ у л о м. Бир оз офир бўлди. Ҳаммаёқ сим. Биз беш қатор симни қирқдик. Илгари силжидик. Сўнг бирданга шалоп этиб сув тўла ҳандаққа тушиб кетдик. Занғарлар ҳандақни хаспўшлаб қўйган экан. Кейин бир амаллаб ҳандақдан чиқиб олдик. Кейин, битта-яримта «тил» қўлга тушармикан, деган мўлжал билан душман томонга қараб ўрмалаб кетдик.

А р с л о н. Хўп, кейин нима бўлди?

Ғ у л о м. Кейин биз бирдан нарироқда учта фашистни кўриб қолдик. Улар ҳадеб телефон симини судрашиб ўрмонга қараб кета бошлашди. Биз қоронғида ерда судралиб орқаларидан бордик. Улар биз турган ўрмонни айланиб ўтдилар. Катта, очиқ сайҳон ерда тўхтадилар. Сўнг телефон билан гаплаша бошладилар. Аммо мен телефон симини шартта қирқиб қўйдим. Кейин бирдан фашистлар устига ҳужум қилиб қолдик. Жанг бошланиб кетди. Уч кишига уч кишимиз. Менинг бир жангчий ўлди. Мен ярадор бўлдим. Учинчимиз эса, битта фашистни елкасига ўнғариб олиб келмоқда. Икки фашист эса жанг бўлган жойда ер тишлаб қолди.

Б о л ь ш а к о в. Баракалла. Қаерда бўлди бу воқеа?

Ғ у л о м. Билмадим.

Б о л ь ш а к о в. (Ёнидан харита чиқариб, ёзади). Биз мана бу ердамиз.

Ғ у л о м. (Харитага қарайди) Бу ўрмон...

Б о л ь ш а к о в. Шундай...

Ғ у л о м. Биз бу ердамиз... хўш... Бу ер ўрмон. Жуда соз. (Большаковга) Менимча, мана бу ер, ўртоқ капитан...

Б о л ь ш а к о в. (Арслонга) Тез дивизия штаби билан боғланишга тўғри келади...

А р с л о н. (Большаковга) Дивизия билан алоқа йўқ. Мен, яхшиси, чопаримни жўнатаман. (Тошматни чақиради. Аскар қопчиғининг устига қоғоз қўйиб хат ёзади.) Тошмат Одилов, ма, ярадор бўлсанг ҳам, қонингга белансанг ҳам, бу мактубни албатта штабга етказишинг керак.

Т о ш м а т. Жоним билан бажараман.

Ғ у л о м. (Содда, бир оз тортиниб) Рухсат этинг, бу хатни мен олиб борай.

А р с л о н. Нима учун, сен?

Ғ у л о м. Бу вазифани бажаролмас керак.

А р с л о н. Йўқ, бажаришга мажбур. Сен алоқани тикла. Буйруғимни бажаринглар.

Ғ у л о м, Т о ш м а т. Есть. (Чиқиб кетадилар).

К у з а т у в ч и. Узоқда, чап томонда немис аэропланлари кўрина бошлади. (Арслон дурбин билан қарайди, жангчиларга юзланади.)

А р с л о н. Немислар бизнинг орқа томонимизга десант туширмоқчилар. Уларни шундай «меҳмондўстлик» билан қабул қилайликки, қайтиб уйларига кетмасинлар.

Ж а н г ч и л а р. Яхши (Арслон чиқиб кетади).

Т у р с у н. Тошмат дивизия штабига кетди. Қўрғур яланг иши ўнгидан келиб юради. Мен уни бир маротаба ҳам жангда кўрганим йўқ.

К а р и м. Мен ҳозир Тошматнинг ёнини оламан. Чунки, бизнинг тақдиримиз Тошматга боғлиқ. Агар Ғулом алоқани тиклай олмаса биз штабдан узилиб қоламиз. (Узоқдан пулемёт овози эшитилади. Қулоқ соладилар. Саҳнанинг орқа томонида Большаков жангчиларни олиб келади ва улар билан бирга яширинади).

К у з а т у в ч и. (Дарахтдан тушади) Шу ўрмонда ўтиришни ёмон кўраман-да.

Т у р с у н. Ҳар кимнинг табиати ҳар хил бўлар экан. Мен от устида ўтиришни яхши кўраман.

В а л и. Мен эса Самарқанддаги янги раста чойхонасида ўтиришни яхши кўраман.

К а р и м. Аммо мен, қаерда ўтирмайин, ўша ўрнимни яхши кўраман. Бу ердан мени битта-яримта безовта қилса сира ҳам ёқтирмайман.

Т у р с у н. Ана буниси менга ёқмайди.

К а р и м. Нега бизга айтасан? Бу гапингни фашистларга айт.

Т у р с у н. (Ханжарни кўрсатиб) Бунинг тили жуда бурро. (Ўрмонга кириб кетадилар. Саҳна бир сония бўш қолади. Ниҳоят, ўрмон ичидан жангчилар кўринади. Уларнинг орасида Арслон ҳам бор. Жойлашадилар. Жимлик. Кейин бирдан саҳнанинг орқасидан қаттиқ отишма овозлар эшитилади. Отишма бир оз давом этади. Ўрмон устида шуъла ва тутун пайдо бўлади. Ўрмон ичидан яна бир тўп жангчилар чиқиб келадилар.)

А р с л о н. Уқ узманглар, қилич, қўл-қўндоқ жангига. (Фашистлар пайдо бўлади. Қичқириқ, атака. Жанг қизиб кетади. Арслон ўзи ҳам жангга ташланади.

Бирдан уч фашист сафни ёриб ўтиб, уни қуршайди. Арслон маҳорат билан жанг қилиб, учаласини ҳам ўлдиради. Иш жиддийлашган бир пайтда ўз жангчилари билан Большаков кириб келади. Жанг яна ҳам қизғин тус олади. Карим, Турсун, Валилар алоҳида ғайрат ва ботирлик билан жанг қиладилар. Турсун ҳар замон «буниси менга ёкмайди» деб қичқириб қўяди. Большаков бошлиқ жангчилар душманни ўрмон ичига суриб, кириб кетадилар.)

Арслон. (Қиличини юқори кўтариб) Битта қўймай қиринг. (Югурганча Фулом киради) Нима гап?

Фулом. Телефон симини фашистлар қирққан экан. Уладим. Алоқа тикланди.
Арслон. (Хурсанд) Раҳмат. Ҳаммаси жойида...

* * *

Баҳор фаслида Арслоннинг қишлоғи. Қишлоқ аҳли Арслонни кутиб олишга ҳозирлик кўраётир. Халқ, қизлар майдон ва чойхонани безамоқдалар. Майдонга гиламлар тўшалган. Кино кўрсатилади.

Раис. (Ҳовлиқиб киради) Қани, ҳа, бўлди энди, тезроқ, тезроқ. (Экран йиғилади) Ҳозир телефон билан гаплашдим, келишар экан. Юнус оталар кутиб олгани истансага чиқиб кетишди. Мен ҳам ҳозир кутгани бораман. Мамарасул, сен бошлиқ бўлиб бу жойларнинг каму кўстини ростлат.

Расул. А, паловхон тўрани-чи, паловхон тўрани?

Раис. Ҳа, уни ҳам шайлаб қўй. Мен кетдим.

Расул. Ҳа, дўст, шайлаб қўямиз, шайлаб. Қани энди... (Ҳар кимларга иш буюруб юриб, кетади. Кўчадан нарсалар келтирадилар. Юлдуз сўлдан гилам, кўрпача кўтариб чиқади).

Бир қиз. (Юлдузга ишора қилиб) Келадиган одамни кутишдан ёмон нарса йўқ, Қундуз. Ҳар минут бир йил бўлиб кетади-е, Қундузхон.

Қундуз. (Хатни бағрига босиб) Ох, келаётган одамга ҳам етдим, деганда йўл олис бўлиб кетади.

Юлдуз. (Қайтиб келиб) Юрак оёқдан кўра тезроқ юради-да. Мени юрагим худди қилдай тортилиб турипти. Сал нарсага узилиб кетадиганга ўхшайди.

Қундуз. Яхши кўрасиз-да, Юлдузхон.

Юлдуз. Сиз-чи?

Қундуз. Мен ҳам (Кулишадилар).

Юлдуз ва Қундуз (Куйлашади).

Мамарасул. (Гапга аралашиб) Ҳой қизлар, борингки, сизни ҳеч чучинмадим, чучунмадим-да. Ашулангиз одамнинг ичагини торайтириб юборди. Урушга кетган йигитлар юртга қайтиб келсин-да, сиз хурсанд бўлиш ўрнига, йиғи қиласиз. Ҳой, ашулангиз иштаҳамни бузиб юборди. Қўшиқни шундай айтингки, бутун қурт-қумурсқалар ҳам ўйинга тушсин. (Мамарасул ашула айтади. Хор унга жўр бўлади).

Қулоқ солинг, қизлар Юлдуз, Қундузлар,
Бири ойдин кеча, бири кундузлар,
Кўрган киши сизни таърифлар, сўзлар,
Ўзи раъно, сочи муаттар, қизлар.

Мамарасул бўлди мастер паловга,
Мутахассис сув ҳам намак, оловга.
Тайёр бўлиб ҳар эҳтиёж, сўровга,
Ҳарбий ишга мен ҳам сафарбар, қизлар...

(Саҳнага болалар югурганча шовқин солиб кирадилар).

Болалар. Келиб қолишди... Келиб қолишди.

Мамарасул. Ҳа, ким? (Болалар ўтиб кета бошлашади.)

Болалар. Келиб қолишди, келиб қолишди.

Юлдуз. (Бир болани ушлаб олади) Кимни кўрдинг?

Болалар. Ҳаммасини.

Юлдуз. Арслон акангни кўрдингми?

Болалар. Эсимдан чиқди. Кўрмадим. Йўқ... йўқ... кўрмадим...

Қундуз. Фуломни кўрдингми?

Болалар. Эсимдан чиқиб қолди.

Юлдуз. Ахир, кимни кўрдинг, тирранча?

Болалар. Одил амакмини. Одил амаким қизил аскар бўлипти. Қўйиб юбор мени... Ҳа, энди билдим, Арслон акам, Фулом акам ҳам келишяпти.

К о м и л а. Яна кимни кўрдинг?

Б о л а. Ҳу, яна у отбоқар бор эди-ку.

К о м и л а. Турсун.

Б о л а. Ҳа, Турсун акам ҳам келяпти. Бизни, ҳаммани хабар қил, деб юбордилар. (Болалар аллақачон югуришиб чиқиб кетган. Бу бола ҳам Юлдузнинг кўлидан чиқиб, кўздан ғойиб бўлади. Узоқда карнай товуши кўтарилади. Ҳамма жимжит. Саҳнага Арслон, Фулом, Одиллар киришди. Уларнинг учовида ҳам бир хил орден. Ҳамма қучоқлашиб, кўришиб кетдилар. Энг охир Арслон билан Мамарасул қучоқлашиб кўришади).

М а м а р а с у л. Ҳой, Арслон, жон ука, белимда бел қолмади-ку.

А р с л о н. Ҳазилим, Мамарасул ака. Чин бўлганда белингизни узиб олар эдим. (Кулги)

Ю н у с. (Ўртага чиқади, ҳамма унга қарайди) Болаларим, дўстларим, кўзимнинг нурлари, элимизнинг асил йигитлари, бошимизга ғам тоғи ағдарилган, мотам кунлари кўзимизга ёш олиб ҳар минут сизни ўз юрагимизда сақладик. Кундуз бутун фикру ёдимиз сизда эди. Тунларда сизни тушимизда кўрар эдик. Қўлимиздан нимаики келса, фақат сиз учун қилар эдик. Сиз ўлимга қараб кўкрак кериб бордингиз. Лекин душман жон талвасасида, бизга яна қаттиқроқ ташланаёттир. Биз душманни тезроқ тор-мор қилсин, деб сизга янгидан-янги мададкорлар тайёрламоқдамиз. Ана! (Музика, болалар чиқиб кетди. Аскарлар кирди). Мана, биз бу янги азаматларимизни жанг майдонига йўллаймиз. Болаларим, душманни юртдан тамом ҳайдаб чиқмагунларингча қишлоққа қайтмайсизлар.

А с к а р л а р. Қайтмаймиз.

Ю н у с. Болаларим, сизларни ғалаба байроғи остида ўйин-кулги, тантаналар билан жанг майдонидан кутиб оладиган вақт яқин қолди.

Ф у л о м. Юнус ота, мени аскарликка олмай, ҳамма мендан юз ўгирганда ёнимни олган сиз эдингиз. Мен фашистнинг устига от кўйиб босиб борганимда сиз ясаб берган қилич менинг кўлимда эди. Мен соғайгач, яна фронтга кетаман.

(Хор бошланади).

Х о р. Шундай халқмиз, истаймиз биз, кўчиргаймиз тоғларни,

Шундай халқмиз, ўрнатамиз тоғ ўрнига боғларни,

Шундай қудрат бизда мавжуд, чўл ўрнида дарёлар,

Кундузимиз душманга тун,

Тунда бизда зиёлар.

Шундай халқмиз, бир жону тан, ҳар биримиз баҳодир,

Тоғни талқон, ёвни яксон қилмоқ учун биз қодир.

Шундай халқмиз, бизнинг бахтни биздан душман ололмас,

Бизнинг борар йўлимизга ёв ҳеч вақт боролмас...



Бердиали Имомов,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

БЕРЛИН БЎСАҒАЛАРИДА

Хотиралар

1944 йил февралнинг охириги кунлари. Ҳаммаёқ оппоқ қор кўрпасига ўранган. Кечалари аёз авжига олади. Шиддатли жанглarning гулдуриси Германиянинг урушдан олдинги чегаралари томон кун сайин яқинлашиб борарди. Қисмларимизнинг жадал суръат билан олға интилишлари, зарбаларимиздан фашист кўшинларининг тумтарақай қочиши, барча фронтларда юз бераётган муваффақиятлар ҳар бир совет жангчисини руҳлантириб, кайфиятини кўтариб юборган. Пиёда, от-арава ва машиналарда иккинчи эшелонда олға силжиётган турли қисмларнинг боши-кети кўринмас сафларида гурунг, кулги тинмайди.

Бир куни туш палласида катта сайҳонликда, қорли далада сафланишга буйруқ берилди. Ҳар қайси қисмнинг олдинги сафини командирлар эгаллашди. Уртага бир гуруҳ катта командирлар йиғилишди. Ўша катта командирлардан бири Германия тупроғига киришимиз муносабати билан бу ерда митингга тўпланганимизни билдирди. Ниҳоят, 79-гвардиячи ўқчи дивизия ҳарбий бўлимининг бошлиғи полковник Медведовга сўз берди. Урта бўйли, юзларида бирмунча ажинлари билиниб турган, қўйкўз бу полковникни мен илгаридан танирдим (1944 йилнинг октябрида партия аъзолигига номзод қилиб қабул этилганимда кўргандим). У Германияда фашистлар билан бирга антифашистлар, меҳнаткаш халқ борлигини унутмаслик ҳақида гапирди.

Шу билан қисқа митинг тугади. Кенг дала узра «Рота, менинг буйруғимни эшит!», «Батальон, менинг ортимдан марш!» сўзлари янграши билан қисмлар тўрт қатордан сафланиб, ғарб сари ичкарилаб борувчи йўлдан олға интилишди. Қорли йўл қияликдан пастлаб бориб, майда дов-дарахтлар, буталар ва чангалзорлар билан қопланган сойликдан кесиб ўтарди. Сойликка тушиб нариги томонга кўтарилаётганимизда «мана шу сой, чакалаксимон дарахтзор Германия билан Польша чегараси» деган сўзлар оғиздан-оғизга кўчиб, сафларда таралди. Сойликдан тўғри ва кенг йўлга чиқиб олиб, кун ботишга қараб бурилган чоғимизда ҳам орқага, пастликка, собиқ чегара чизиғи ўтган дов-дарахтли сойликка қайрилиб қараб-қараб қўярдик. Шунчаки қараганда, бу жойнинг ҳеч бир кўзга ташланадиган, бирон-бир томони билан ажралиб турадиган ери йўқ. Булар ҳаммамиз кўрган билган жойлардан унча фарқ қилмайди. Лекин кишини ҳайратлантирадиган ери шундаки, ана шу жар-жулғали, захкаш ва ботқоқлиқсимон оддий жой заминида фашизм бош кўтариб, халқлар эркига ўлим чангалини чўзди, не-не инсонлар қонини тўкди, сон-саноксиз шаҳар-қишлоқларни култепага айлантирди, сахий ва бағри кенг оламга ёвузлик, очлик, етим-есирлик, хорлик-зорлик, фожиа уруғларини тарқатди.

Чегарадан ўн-ўн беш қақиримча ичкарилагач, хуторга ўхшаш аҳоли яшайдиган бир жойдан ўта бошладик. Аксар бинолар икки қаватли бўлиб, деворлари оқланган. Узоқдан артиллерия отишмаларининг бўғиқ гумбури эшитилиб, олдинги линия яқинлигини, жанглар давом этаётганини эслатиб турарди. Биноларнинг иккинчи қаватидаги деразалардан катта-кичик оқ байроқчалар — омон-омон

нишонлари ҳилпираб турарди. Биринчи қаватдаги хоналарда деярлик одамлар кўзга ташланмасди. Иккинчи қаватлардаги айрим бино деразаларидан онда-сонда хотин-халаж ва болалар пастга, совет жангчилари сафига нигоҳ ташлашар, баъзилари эса жилмайишиб қўл силкишарди. Биноларнинг шикастланмаганлиги бу ерда жиддий жанглр бўлмаганлигини кўрсатиб турарди.

...Күеъ аллақачон қаршимиздаги ўрмонлар ортига яшириниб олганидан кечки совуқ изиллата бошлади. Шинелга маҳкамроқ ўраниб, сим-кабеллар ўралган ғалтаклар устига қулайроқ жойлашиб оламан. Орқа-олдимизда бош-кети кўзга чалинмайдиган иккинчи эшелондаги қисмларимиз аскарларининг тетик, илдам ва хуш кайфиятда олға босишаётганини кўриб кўнглим кўтарилиб борар эканман, яқинда ўтган жанглрни хотирлайман: мана бугун 14 январда Польшанинг Дисла дарёси ғарбий қирғоғидаги душман мудофаа линиясини ёриб ўтиб, бошланган ҳужумга ўн тўрт кун бўлди. Бу орада олдинги линиядан иккинчи эшелонга ўтдик. Командирларимизнинг айтишларича, шу кунлар ичида 500 чақиримдан ортиқроқ масофа қонли жанглр билан босиб ўтилибди. Бир кеча-кундузга ўрта ҳисобда ўттиз чақиримга яқин тўғри келади. Айтишгагина осон.

1942—43 йилги қишки ҳужум кунларининг машаққатлари билан қиёслаганда ҳам очиқ-ойдин сезилади. Ушанда мен Дон fronti кўшинлари сафида артиллерия ва пиёда қисмларида жанг қилдим. Кўшинларимиз 600—700 чақирим олға силжишди. Лекин бу йўлни босиб ўтишдаги азоб-уқубатлар, шиддатли жанглр бир умрга эсдан чиқмайди. Қисмимиз Улуғ Ватан урушининг машхур қахрамонларидан бири К. К. Рокоссовский қўмондонлик қилган Дон fronti кўшинлари сафида эди. 1942 йилнинг 19 ноябрида Сталинграднинг ғарби-шимолидан Калач станцияси томон ҳужумга ўтдик. Ҳужумнинг дастлабки кунларида ниҳоятда оғир жанглр бўлди. Лекин душманнинг асосий мудофаа линиялари ёриб ўтилгач, улар орқаларига қараб қочишга юз тутдилар. Уларнинг олдинги линияда асирга тушган беҳисоб аскарлари кутмаганларида бундай аянчли аҳволга тушиб қолганларидан эсанкираб, бужмайиб, бошларини ҳам қилиб орқага — азим рус тупроғи ичкарисига нохуш қадам ташлашлари нафратланарли кўринарди.

Хаёлга берилиб, оқшом чўкканини ҳам сезмай қолибман. Кечки совуқ кучайиб, баданларим жунжика бошлади. Кўкда жануб уфқида пирпираб турган ой шуълалари қорли кеча ҳароратини бадтар псайтираётгандек туюларди. Совқотиб қолмаслик учун аравадан тушишни мўлжаллаб ўрнимдан кўзғалишим билан Коровин «ўтира туринг, ҳозир грелка қиламиз» деб қолди. Унинг «грелка»си аёзда қўл келишини фаҳмлаб, узатган спиртли флягасини оламан. Коровин жуда хушфелч одам эди. У аравага қўшилган отларини таърифлаб, уларга меҳрибонларча далда бериб, гап-сўзда уларни алқаб кетиб борарди.

Аслида сибирлик Коровин аксар аравакашларга ўхшаб сергап эмасди. Фақат у сархуш чоғларида, қия ва оғир йўлларга келганда, баъзан завқи тошиб кетганда ошириб-тошириб мақтаб кетарди. Бундай пайтларда у аравада тик турганича, «ҳа, жониворлар, бўшашманглр, шу тўсиқдан ошсанглр, тўрва-тўрва арпа, сули, ем оласиз, чу, ҳа!» дея отларга далда берар, енгилгина қамчи селпирди. У ўз «сўхбатдошлари» билан гапни чортанг қилиб, шанғиллаб бошлаганини эшитишимиз билан билардикки, Коровин «грелка»сини ишга солган.

У қўнғирранг мовут ғилофли флягасини мандан олиб, эндигина қултиллата бошлаган эдики, тўхташга буйруқ келди. Сутдек ойдин кечада командирлар олдинга илгарилаб кетишди. Тез орада қайтиб келган новча ва ёшгина командир ҳозир дам олишимизни, эртага эрта билан олдинги линияда жанг қилаётган қисмларга алоқа симлари тортишимиз зарурлигини уқтирди.

Эртасига 1 февраль куни тонг палласида взводимиз командири старшина Михаил Канашни батальон штабига топшириқ билан чақиритди. Унинг ўрнида, одатдагича, мен қолдим. Бизнинг взводимиз кичик лейтенант бошлиқ иккинчи взвод билан биргаликда чап томондаги ўрмон ичидан ўтган торроқ йўл орқали кабель тортишга киришди. Биз аввал кейинги кунларда оғиздан тушмаётган, ҳамманинг эътибори қаратилган Одер дарёси бўйига чиқишимиз, у ердан янги кўрсатмалар олиб, олдинги жанг марраларидаги қисмларга алоқа симлари тортишимиз зарур эди.

Узоқда қалин ўрмон ваҳимали ва сирли кўриниб турарди. Йўл шу ўрмон ичидан тўғри кун ботиш сари кетган. Топшириқ беришаётганда бу йўлдан бирорта армиямиз бўлинмалари ўтмаганлигини, фақат ўнг томондаги асосий ва катта кўчадан моторлашган ҳарбий қисмларимиз жанг қилиб олға кетишганлигини айтиб, хушёр бўлиш зарурлигини алоҳида тайинлашди. Қўмондонликнинг

хушёрликка даъват қилишида асос бор эди. Германия ичкарасига кира борганимиз сайн, қўшинларимизнинг шиддатли ҳужумларига бардош беролмаган ва чекинишга улгурмаган душман бўлинмалари пароканда бўлиб тарқалиб кетган, кўп қисми ўрмонлардан паноҳ топиб, пусиб олишган, кутилмаган ерда, қўққисдан ҳужум қилиб қолишарди. Алоқачиларда эса автомат, граната, карабин, тўппонча ва ханжарлардан бўлак қурол йўқ. Тўғри, ғамхўр аравакашимиз Коровин бир пулемётни иккита дискаси билан арава ўриндиғи яшигида олиб юрарди. «Штат»-диган ортиқча бу қўл пулемётни шу чоққача ишга солишга эҳтиёж туғилмаганди. Лекин бизнинг энг даҳшатли ва ишончли қуролимиз телефон алоқаси хушёрлик эди.

Келишилганича, телефон симини аввал иккинчи взвод алоқачилари йўлнинг ўнг томонига яқинроқ ўрмон четроғидан тортишга тушди. Биз дарёга яқин қолганда сим тортишни давом эттираемиз. Шу сабабли бир гуруҳ алоқачиларимиз Коровин бошқариб кетаётган аравага чиқиб олишди. Қолганлар 20—30 метр олдинда автоматларини шай тутиб пиёда олға силжишди. Ўрмондан илгариларимиз сари йўл оғирлаша борди: қор қалинлигидан сим-кабель тортаётган алоқачилар тиззаларигача ботиб мункиб кетишар, нотекис йўлнинг ўнқир-чўнқирларидан кичик ғилдиракли араларнинг жилиши қийин кўчарди. Ўрмонга икки қақиримча ичкарилаганимизда вақт тушдан ўтиб, қуёш ғарб томон оға бошлади. Узоқ-узоқлардан, ўнг томондан йирик калибрли артиллерия ва миномётлар отишмалари, пулемёт-автоматларнинг серзарда тариллашлари кучайиб, қулоқларни динг қилди. Кутилмаганда пиёда кетаётганлар тўхтаб, бир зум олдинга тикилиб қолишди, узоқда қандайдир ҳарбийлар тўдаси кўзга чалинганлиги тўғрисида гап-сўз тарқалди. Коровин отлар жиловини ўрмон четига, панароқ жойга бурди. Аравадагилар сакраб-сакраб тушиб, қаддиларини тиклашга улгурмасиданоқ, пулемёт ва автоматлардан узилган ўқлар тепамиздан визиллаб уча бошлади. Дарахтларга санчилган ўқлардан қарс-қурс товушлар чиқди. Алоқа симлари тортаётган взводнинг сал кейинроқ келаётган араваси катта тўнкага қадалиб, олдинги ғилдираклари ён томондаги чуқурликка тушиб кетди ва ярим бурилганича қийшайиб туриб қолди. Ҳар қалай, отларнинг боши ўрмон ичида эди. Алоқачилар чаққонлик билан ўзларини ўрмон ичига олиб, автоматлардан ўқ уза бошлашди. Иккинчи взводнинг бир ёшгина алоқачисига ўқ тегиб яраланди. Коровин гвардиячи сержант Василий Головин билан қўл пулемётини ўрнатиб, душман томонга узун-узун сурункали ўқ уза кетишди. Тез фурсатда душманнинг қораси ўчди. Яна ярим соатча кузатиб ётгач, икки взвод жангчилари (аравакашлар билан ўн беш киши қолгандик) ўрмон ичидан ёнламасига занжирсимон тизилишиб олға қараб йўл олдик.

Ўрмон ичидан бирор соатча йўл босилгач, узоқдан автомашина ва мотоциклларнинг қораси, улар атрофида тўдалашиб, ғимирлаб юрган кўкат рангли шинел кийган бир талай ҳарбийларни кўрдик. Жангчиларни ерга ётиб кузатишга буюрдим. Орадан бир чойнак чой ичгулик фурсат ўтгач, душманнинг машиналари ортаа чекинди. Кажавали мотоцикл эса биз томонга аста патиллаб кела бошлади. Ўқ узмасликни жангчилар ва ён қўшни взводга имо-ишора билан уқтирдим. Душман айғоқчиси билан орамиздаги масофа йигирма қадамча қолди. Шу пайт иккинчи взвод томонидан автомат отилиб, жангчилар «ура» садолари остида олға, мотоцикл сари ташланишди. Биз ҳам кетма-кет кўтарилдик. Утакаси ёрилаётган душман айғоқчилари бирорта ўқ узолмай, шоша-пиша орқага бурилмоқчи бўлган эди, нимагадир урилиб йўл четидаги ариқча ағдарилиб тушди. Улардан биттаси ўлди, иккинчисини асир олиб, орқага, штабга жўнатиб юбордик.

Ҳаш-паш дегунча ўрмонга қоронғилик ёпирила бошлади. Юз берган воқеани дивизия командирининг алоқа бўйича ёрдамчиси гвардиячи майор Збойчикка билдирдим. У асирни орқага жўнатганимизни эшитиб маъқуллади. Аммо ўрмонда дайди фашистлар бўлинмалари юрганлиги тўғрисидаги хабарни эшитгач, жойимиздан жилмасликни тайинлади-да, бошқа телефонга гапира бошлади. У артиллерия қисмлари бўйича дивизия командири ёрдамчиси билан гаплашаётганди. Кейин у мандан душман бўлинмалари дайдиб юрган координатларни сўради. Ёнимда турган кичик лейтенант планшетидagi харитасини ёзди. Иккимиз координатларни аниқлаб, уларни маълум қилдик. Ниҳоят, майор ҳозир «катуша» биздан ошириб душманга «салом» йўллаяжagini, ярим соатча вақт ўтганидан кейингина йўлга тушишни, Одерга тезроқ чиқишни тайинлади.

Орадан беш-олти минутчалик вақт ҳам ўтмади. Бирдан ҳаммаёқни босиб олган қоронғилик пардасини ёриб-йиртиб устларимиздан олов-чўғ ғўлачалар ғиз-ғиз этиб уча бошлади. Улар «катуша»ларнинг таниш ва қадрдон снарядлари эди. Зумда бу реактив снарядлар биздан беш юз метрча нарига тушиб, даҳшатли портлашдан атроф ларзага келди. «Катуша» залплари бор-йўғи уч-тўрт мартагина такрорланди. Кейин ҳаммаёқ сув қуйгандек жимиб қолди.

Гвардиячи майор Збойчик тайинлаганидек, орадан роппа-роса ярим соат

ўтгач, илгариги тартибда (фақат ҳаммамиз пиёда, от-аравалар орқада) йўлга отландик.

Йўл тинч ва осойишта эди. Фашистлар тумтарақай бўлиб кетишганига ишонч ҳосил қилиб, кўпчилик араваларга чиқиб олди. Бир оз юрилгач, олдинроқда кетаётган бошқирд йигити Матнуров ҳовлиқиб чақириб қолди.

— Уртоқ кичик лейтенант, бу ёққа келинг! — ёнига борганимизда у ўрмон ичкарисига ишора қилди. Диққат билан қулоқ солсак, йўлдан йигирма-ўттиз метрча ичкарилиқдан қандайдир инграш эшитилди. Атрофдаги ўйдим-чуқурликлар, қор бетининг тупроқ ва қора қурумга беланиб кирланиб ётиши бу ерда портлаш юз берганини кўрсатиб турарди, эҳтиёткорлик билан товуш чиққан томонга кириб бориб билдикки, фашистлар гулхан ёқиб, исинишиб ўтиришганида, уларни «катюша»ларимиздан учган снарядлар таппа босган. Душман бўлинмалари ўлик ва ярадор шерикларига ҳам эътибор бермай яна жуфтакни ростлашган... Биз қаршимиздаги душман кучларининг бизга энди рўпара келишга юраклари бетламаслигига ишонч ҳосил қилиб олға, Германия ичкарисига юришни жаддалаштирдик.

Тун яримлаша бошлаган пайтда Одер дарёси ёқасига етиб бордик. Бизларни бир тўп йирик-йирик дарахтлар паноҳида турган ўқчи қисмлар вакили — бир офицер билан иккита аскар қарши олди. Бу учрашувни орқага телефонда хабар қилдик ва янги буйруқ олдик. Топшириққа мувофиқ иккинчи взвод шу ҳарбийлар билан ўннга, Кюстрин шаҳри томонга кетди. Мен бошлиқ взвод эса, шу жойгача тортиб келинган симни давом эттиришимиз ва Одер дарёси оша нариги соҳилга алоқа ўрнатишимиз зарур эди.

Одер қирғоғига етилгач, билдикки, Биринчи Белоруссия fronti қўшилмаларининг айрим қисмлари шиддат ва тезкорлик билан ҳужум қилиб, дарёнинг ғарбий соҳилига ўтиб олишган. Биздан ўнг томонда ҳаракат қилган генерал Богдановнинг танкчи қисмлари ҳамда генерал Берзариннинг илғор бўлинмалари 31 январдаёқ Кюстрин шаҳри районида кўкқисдан Одерни кечиб ўтиб, плацдарм эгаллашди ва душманини саросимада қолдиришди. Бизнинг 79-гвардиячи ўқчи дивизияга қарашли кучларга дарёни Кюстриндан жануброқдан, Рейтвейн районида кечиб ўтиш ҳамда плацдарм эгаллаш буюрилди. Биз тарихий ҳодисалардан бири юз берадиган маррада — Берлин бўсағаларини шарқ томондан тўсиб турувчи энг сўнги табиий ғовни кечиб ўтишга қаратилган ҳаёт-мамот жанглири қаршисида бетма-бет турар эдик.

Коровин аравадан зарур кабель-сим ва телефон аппаратларни дарё бўйига тушириб, орқақондаги назорат пунктига жўнади. Василий Головин ғалтак сим ўрнатилган станокни орқасига «опичиб» олиб, тикка дарё устига юра бошлади. Ҳаммамиз унга эргшиб йўлга тушдик. Кеча — кўр ойдин. Дарёдан, муз устидан авайлаб 50—60 метр юрмасимиздан кўкдаги парча-парча оқ-қора булутлар орасидаги ой тиниқ жойга чиқиб олиб ҳаммаёқни ёритиб юборди. Ўқчи қисмлар биздан уч юз метрча пастдан ва юқоридан ўтишаётганди, у ерларда ҳар икки томоннинг артиллерия, миномёт ва бошқа қуролларидан узлуқсиз отишмалар давом этарди. Дарёнинг қоқ ярмига етганимизда, тепамизда душман самолётлари пайдо бўлди ва пастлаб келиб пулемётдан ўққа тута бошлади. Бири кетидан иккинчиси шўнғиб, бомба ёғдирди. Хайриятки, бомбалар жуда майдалигидан, улар ёрилган жойида челақ сиғадиған ҳажмда тешиқлар очиб, атрофга сув ва ях парчалари сачратарди. Шундай бўлса-да, дарё музи у ер-бу ердан ёрилиб, йўлимизда тўсиқлар пайдо бўла бошлади. Лекин вазифа ғарбий қирғоққа тўхтовсиз интилишга ундарди. Мана, дарёнинг ярмидан кўпи орқада қолди. Шу пайт тепамизда учаётган душман калхати пастлаб келиб ракета ташлади. Ракеталар парашютларга осилиб, оҳиста тушиб келарди. Бир пасда ҳаммаёқ ёп-ёруғ бўлиб кетди, бепоён кўкнинг думалоқ чироғи — ой шуъласи ҳам сезилмай қолди. Шу дақиқада душман самолётлари осмондан устимизга ёпирилишди. Бундай пайтда тикка туриш ўлимни қучоқ очиб кутиб олиш билан баробар эди, ноилож, оёқ остиларимизда кўлоб бўлиб ётган муз устидаги сувга ўзимизни ташладик. Баданларимизни сув кесиб юборди. Шу пайт кейинроқдан «ух, лаънати, еди!» деган товуш эшитилди. Бу взводимизга Польшанинг Люблин шаҳрини озод қилганмиздан кейин қўшилган ёшгина жангчи Калимагин эди. У жон ҳолатда ўрнидан турди-да, олдинга ярим энгашган кўйи бир неча сония чайқалиб туриб қолди, кейин юзтубан йиқилди. Совуқдан тишим тишимга тегмай взводни оёққа кутариб, олға юришни буюрдим. Бу орада душман самолётлари анча нарида, жануб томондан дарёни кесиб ўтаётган қисмларимиз устида ўлаксахўр қузгунлардек айланшарди.

Алоқачи Калимагиннинг жасадини оддий аскар Доронин билан Старцевга нариги қирғоқда қорайиб турган дарахтлар тагига дафн қилиб бизларга етиб олишларини тайинлаб, олға қараб сим тортиб кетдик. Ҳаммаёғимиз шалаббо, азбаройи совқотганимиздан тишларимиз-тишларимизга тегмайди.

Энди 217-ўқчи дивизияни, унинг кузатиш пунктини қидириб топишимиз керак эди. Кийимларимиз яхлаб-тўнғиб қолганлигидан, айниқса оёқ кийимларимизнинг жиққа ҳўллигидан совуқ бутун вужудимизни қақшатиб, ичдан тинимсиз титроқ турди. Доронининг флягасидаги спиртдан навбатма-навбат ичиб, бир оз ўзимизга келдик.

Кўп ўтмай шарқ томон бўзариб, тонгги изғирин бошланди. Телефон симини дарё қирғоғидан четроққа, шамол заптидан панароқ жойга тортидик. Головин билан Доронинга шу ерда кутиб туришни тайинлаб, оддий аскар Дмитрий Старцев иккимиз 217-полк бўлинмаларини топиш учун жўнадик.

Алоқа тортишимиз зарур бўлган қисм мўлжалимиздан шимолроқда бўлиб чиқди. Полк кузатув пункти ўрнашган жойни топиб, дарё ёқалаб орқага қайтдик. Шерикларимиз ёнига келганимизда, улар дарё лабида кафтларини бир-бирига ишқалаб ер тепиниб «кисинишаётган» экан. Совуқда ҳаяллаб туриш мумкин эмасди. Ҳаммамиз биргалашиб ишга киришиб, дивизия штабини олдинги линияга, ўқ-снарядлар бетиним ёғилиб турган жойда жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатаётган фрицларни қадам-бақадам орқага — Берлин томонга суриб бораётган жангчиларимизга уладик...

*
*
*

1944 йилнинг августи. 79-гвардиячи ўқчи дивизия генерал майор Вагин кўмондонлигида Польша ерларини озод қилиш учун шиддатли жанглар олиб борар эди. Висла дарёсини кечиб ўтиш ва ғарбий қирғоқдан плацдарм эгаллашимизга имкон бермаслик учун душман барча техникавий ва жонли кучини ишга солди. Айрим жойларда олдинги линияларимизни ёриб ўтишга, баъзи жойларда сал орқага чекинтиришга эришди. Биз алоқа билан таъминлаб турган 216-гвардиячи полкка қарашли майор Цитковский командирлик қилаётган батальон жангчилари, айниқса танг аҳволда қолди. Лекин бу ҳол узоққа чўзилмади.

Висладаги даҳшатли ва хатарли жангларга қараганда ҳозирги, Одер плацдармидаги қийинчиликлар нисбатан ҳолва эди, негаки, бу ерда душман устун келган пайтда ҳам дарёда «чўмилиш» ёки ғарқ бўлиш хавфи йўқ. Бу — бир, иккинчидан, Одер устидаги табиий кўприк — қалин муз ғарбий техника ва кучларимизни ўтказишга имкон бериб, ёвнинг устун келиш эҳтимолини йўққа чиқарган. Шу сабабли бу ердаги савол-жавоблар бошқача, уларда баланд кайфият, кўтаринки руҳ ҳукмрон.

Кечга бориб, яъни 1945 йилнинг 3 феввали адоғига келиб, мустаҳкам истеҳкомларга ўрнашиб олиб, қаттиқ қаршилиқ кўрсатаётган душман қўшинларимизнинг қақшатқич зарбаларига дош беролмади ва уларнинг кўп қисмлари янчиб ташланди, ғарбий қирғоқда плацдармни кенгайтириш йўлидаги муваффақиятли жанглар давом этди. Германия ичкарасидан тинимсиз келаётган кучлар эвазига душман жуда кўп авиация, танк қисмлари иштирокида қайта-қайта ҳужум уюштирди. Душман Одернинг шарқий қирғоғида қўшинларимиз эгаллаган плацдармни йўқ қилиш мақсадида бутун кучини ишга солди. Кечга бориб артиллерия, миномёт отишмалари бениҳоят зўрайди, биз жойлашган ўрмоннинг баландроқ жойи атрофида ҳам снарядлар даҳшатли портларди. Осмонда душман самолётлари галаси тинимсиз вағиллар, жангчилар ётган окоплар устига шиддат билан шўнғир, улар ташлаган бомба ерни кўпориб, осмонни чанг-тўзон булут қопларди. Отишмалардан чиқаётган паст-баланд товушлар қулоқларни кар қиларли даражага етди. Кузатув пунктидаги телефонлар тўхтовсиз, зардали жиринглаб, трубкаларда командирларнинг бесаранжом товушлари пайдар-пай эшитилди:

— Ротамизга душманнинг бир батальонча пиёдалари танклар панасида бостириб келяпти!

— Жангчиларим қўл жанглари олиб боришмоқда.

— Нега бизнинг самолётларимиз кўринишмаяпти?

— Бизга қарши десантли душман танклари ҳужумга ўтишди.

Телефончиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Шундоқ дарахтлар тагига ўрна-тилган коммутатордаги эпчил алоқачи Алёша ҳам бир нуқтани иккинчисига улашга улгурмасидан учинчи, тўртинчи линияларни кўрсатувчи қопқоқчалар олдинмакейин енгил тириллаб очилиб, қизил чироқчалар ёнади...

Одернинг шарқий қирғоғидан узлуксиз отилган катта калибрли артиллерия, «Катюша», «андрюша»ларнинг оғир снарядлари шувв-шуввлаб, бир-бирини қувишиб ёв устига уча бошлади. Душман позицияларини бодроқдай қовуриб ташлаган артиллерия отишмалари сусайиши билан, лочинларнинг қалбларда гурур туйғулари пайдо қилувчи тиниқ овозлари кўкни тутди. Ён-веримиздан машҳур

«Т-34» танклар занжир филдиракларини шалдиратиб олға, ёв сари ташланди.

Плацдармни сақлаб қолиш ва уни тинимсиз кенгайтира бориш талаб этилди. Шу мақсадда қўмондонлик жанглари тўхтовсиз давом этдирди. Одернинг ғарбий соҳилидаги жанг шароити кечалари ҳам ғоят туришга ундирди: баъзан душманнинг ўрмонларда, пана-пасқам жойларда пусиб, яшириниб орқа томонда қолиб кетган гуруҳлари дарёдан ўтиб, бўлинмаларимиз устидан бехосдан чиқиб қолар ва олдинги линиядан ичкарига ўтишга интилар, бундай тунларда қўққисдан олатасир отишмалар юз бериб қоларди. Бунинг устига душман оддий кийиниб олиб, разведка мақсадида «тил» олиш учун плацдарм ичкарисига ўтиб қолган ҳоллар ҳам юз бериб турарди.

Одердан ғарбий қирғоққа ўтиб қаралса, теп-текис ўтлоқсимон ерлар ястаниб ётади. Бундай манзара этаги бир неча чақирим нарида дарё оқими бўйлаб қўзилган тепаликларга бориб тақалади. Узоқдан чўктирилган улкан туялар ҳазорига ўхшаб кўринувчи бу паст-баланд тепаликлар силсиласи дарахтзорлар билан қопланган. У Зеел тепаликлари деб аталади. Вздоқсиз телефон алоқаси билан таъминлаётган полк ҳануз бу тепаликларни ишғол қилгани йўқ. Бугун эрта билан кузатув пункти янада олдинроққа, қалин ўрмонли жойга кўчирилди. Биз алоқани шу ерга тортиб келтирдик. Кун бўйи шиддатли жанглар давом этди, баъзи бўлинмалар беш юз метрча масофада олға силжишди, Зеел тепаликлари яққол кўриниб қолди. Кеч кириши билан одатдагидек, жанглар шиддати бирмунча сусайди. Тим қоронғи чўккач, ракеталар пайдар-пай ҳавога ярим ёй шаклида кўтарилиб, камалак ҳосил қилиб, ерга пастлаб тушиб сўна бошлади.

Тунги соат ўн иккидан ошганда команда пунктида кутилмаган ҳодиса рўй берди. Одатда, алоқа взводи командири энг олдинги линиядаги жангчилар ёнида бўлади. Бу ердagi уч алоқачидан бири тўпчиларнинг разведкачилари билан бирга телефон сими тортишга юборилди. КПдаги алоқа аппаратларида навбатчилик қилиш мен билан Доронин зиммамизда қолди. Душман артиллерияси тўплардан ёппасига, қўққисдан ўт очди. Штабдан дарҳол кўнғироқ қилиб, фашистларнинг бу қилиқлари сабабини суриштириш, қисмлардаги командирлар билан улашни талаб қилиб қолишди.

Қанча уринмайлик телефондан садо чиқмади. Доронин линия узилган бўлиши кераклигини айтди-да, ирғиб туриб йўлга отланди. У одатдагича кўлига ўн метрча кабель, зуммерли телефон аппарат ва автоматин олди.

— Бир ўзинг борасанми? — дея бошқа илож йўқлигини кўриб турсам ҳам, унга тиклдим.

— Кўряпсизми, телефон дискаси жуда енгил айланяпти, линия яқин орада узилган, — деди.

Менинг рози бўлмай иложим қолмади.

Орадан ўн-ўн беш минутча ўтар-ўтмас, трубкадан Дорониннинг йўғон овози эшитилди: «Линия КПдан пастга тушаверишда узилибди, уладим».

Бўлинмалардан олинган хабарларни штабга етказиб бўлар-бўлмас душман снарядлари яна портлай бошлади. Доронин эса, ҳадеганда қайтавермади. Хавотирлана бошладим. Аллавақтда Доронин блиндажга кириб келди. Чап қўли қонга беланган. Ярадор. У симни улаб орқага қайтаётганда снаряд парчасидан яраланибди. Дарҳол ярасини боғладим. Энди телефонда навбатчилик қилиш билан бирга, алоқани таъминлаш ҳам ўзимга қолди. Ишқилиб линия разведкага кетганлар қайтгунча узилмасин-да...

Бўлмади. Орадан бир соат ўтар-ўтмай, орқа томондаги назорат пункти жавоб бермай кўйди. Аксига олгандай рота ва батальонлардан бу ерга тортиб келтирилган линияларнинг бир-иккитаси ишламай қолди. Бу ўртада телефон симига шикаст етказадиган бомба ё снаряд портламаган ёки бошқа бирор хавф-хатар сезилмаган. Қизиқ... Енимда ярадор Дорониндан бошқа алоқачи йўқ. Фақат полк ва батальонларни алоқа билан таъминлаётган жангчилар бор. Улардан Доронинга қарашиб туришни илтимос қилиб, линияга ўзим кетдим.

Ўрмон четидан чиқиб чап томонга, пастликка тушиб, кабелни ушлаганимча юз метрча юргандим, торроқ арава йўл устидан чиқдим. Кабел мени шу йўлнинг чап томондаги зовур ичидан тўғрига олиб кетди. Йўлнинг ўнг томонида бир бино чордоғи аланга олиб ёнар, ёғочлар пастга ловулаганча қуларди. Енаётган бино билан йўл ўртасида, икки-уч туп қорайиб турган сершоҳ дарахтлар остида иккита 76 ммли тўп ёнида тўпчиларимиз куйманишарди. Улар менга «Тўхта, ким келаётир!» дея узоқдан ҳайқиришди. «Ўзимизники!» деган жавобни олгач, улардан бири «Ҳа, алоқачимисан, ип узилдими?» дея ҳазиллашди-да, тўп томон кетди. Чамаси, улар тўпнинг шикастини тузатишарди. Булардан ярим чақиримча нарида кабел ўнг томонга, йўл устидаги кўприк тагига кескин бурилди. Алоқачилар симни бундай кескин буриладиган қилиб тортишмасди, деб ажабландим. Шу ўй билан кабелни варрак ипига ўхшатиб «соғдим». Озроқ «соғилгач» кабел таранг тортилиб қолди. Ҳайратим бадтар ошди. Тўппончамни қўлга олдим-да, кўприк

тагидан энгашиб ўтиб, кабелни ушлаганча юра бошладим. Бир оз юргандим, нарироқда қорайиб турган бир тўп буталарга кўзим тушди. Яқинлашсам, симнинг учи дарахтларга ўрашиб-чирмашиб ётибди. Шоша-пиша кабелни ажратиб олиб, изимга қайтдим. Телефон аппаратни қор устида қолдириб, симнинг нариги учини ахтара бошладим. Уни ҳеч қаердан тополмадим. Ноилож орқага, телефон аппаратини қолдирган еримга қайтдим. Тўппончани ёнимга қўйдим-да, кабелнинг бир учини телефон аппаратига ўтказдим.

— Ало, Дорининмисан? — тасдиқ жавобини эшитиб, давом этдим. — Линиянинг нариги учи йўқ, тўғрига тортилганмиди, ёки... — гапим оғзимда қолди, трубкани қулогимга тутиб турган ўнг кафтим орқасига бир нима қарс этиб тегди. Трубка шу ондаёқ нарига отилиб тушди, кўзларимдан олов чиқиб кетди, кўкқисдан тушган зарбадан гарангсиз қолдим. Қандайдир махлуқ сас-садосиз устимга босиб тушди. Юзтубан йиқилганимдан, тўппончани қўйган жойимдан олишга улгуролмадим. Юзим муздек қорга теккач, ўзимга келиб, эс-ҳушимни йиғдим. Мени босиб турган махлуқнинг ҳансираши, антикиб нафас олаётганлиги, ҳатто юраги гурсиллаб ураётгани шундоқ эшитилиб турарди. Унинг одам эканлигини фаҳмладим. Амаллаб бошимни ўнгга буриб уни кўришим билан «душман разведкачиси бўлса-я!» деган фикр кўнглимдан ўтди-ю, маккор душман кўлига тушганлигимга ишонч ҳосил қилдим. Таҳлика аралаш ички бир давват мени курашга, рақибимга зарба беришга ундади. Иккала тиззамга тиралиб бор кучим билан чирпиндим-да, ўнг томонга ўгирилдим, яна бир чираниб чалқанча ағдарилдим, шунда фашист бутун гавдаси билан мени босиб олди. У эгнига сариқ ранг авра курткагина кийганди. Ярим ҳарбийча тикилган бу кийимни немис асирларида кўп кўрардик. Фашист икки кўлимнинг билагидан ушлаб қорга босганича ҳансирач, анча семизлигидани, илондек вишиллларди, аммо чурқ этиб бирор сас чиқармасди. Гўё нар ва соқов эди. Унинг қуроли ҳам кўринмади. Бу орада ўнг кўлимни букиб, гавдаси билан босиб олди. Кейин чап кўлимни шу ҳолатга келтириш пайига тушди. Кўнглимда у мени асир — «тил» қилиб олмоқчи деган даҳшатли фикр туғилиб, жон борича олишиш кераклигини англадим. Бу яккама-якка олишувда бу девдай фашистни энгишим зарур эди. У хирсдай бўлиб бўлиб қолган ҳамон босиб ётарди. Унинг чангалдан гоҳ у кўлимни, гоҳ бу кўлимни бўшатиб ола бошладим. Олишув чоғида рақиб эътибори кўпроқ ўнг кўлимда, бўксам устидаги тўппонча қинида эканлигини фаҳмлаб қолдим. Негаки у чап тиззаси билан тўппонча қинини босиб, ора-чора теваракка аланг-жалаң кўз ташларди. Бир-икки интилиб кўрсам — кучим етагидан эмас. Нима қилиш керак? Бу яқин-атрофни бизникилар эгаллаб олганлиги ва телефонда Доронин билан гапимиз узилиб қолганлиги учун бирор алоқачи-жангчи линияга, албатта, чиқиши керак, деган ишонч кучимга-куч қўшди. Буни қарангки, шу онда этигим кўнжидаги ханжарчам ёдимга тушиб, яна дадилландим, гўё нажот келгандек бўлди. Бутун фикру хаёлим чап кўлимни бўшатиб кўнжимдаги пичоқни олишда бўлди. Фанимни кутилмаганда тиззалаб туриб олиб, қор устидан пастга қараб судрай бошлади. Бир-икки метрча нарида, оппоқ қор устида бир нарса қорайиб ётганига кўзим тушди. Автомат! Гавдам унинг оёқлари орасидалигидан фойдаланиб, чап оёғимни букиб тиралиб олдим. Энди чап кўлимни фашист панжасидан ажратиш чорасини топиш керак эди. Бирдан фашист орқасига ялт этиб қараб, бир оёғини ҳалиги автомат томон чўзди, лекин уни ололмади. Шу дамда пича энгиллашганимни сезиб, забт билан чап кўлимни ажратдим. Аммо у шу заҳоти бўшалган кўлимни ёнбошимга эгиб, икки сони орасига қисиб олди.

Алоқачига шāхсий қуролларида ташқари, кабеллар учини тозалаш ёки уни қирқиш учун пичоқ-яроғ ҳаводек зарур. Мен чапақай бўлганлигимдан Коровин тикиб берган бежирим қиндаги ханжарчани ҳар доим чап кўнжимда олиб юрардим. Мана ҳозир букилган оёғимдаги этигим кўнжига, яроқча чап кўлим тегиб турибдию, уни олиш иложини қилолмаяман. Энди фашистни чалғитиш ва чап кўлимни эркинроқ ҳаракат қиладиган имкониятга эришишим қолди. Шу ниятда фанимни ушлаб босиб турган ўнг кўлимни кўпроқ ҳаракатлантириш, уни тўппонча қинига яқинлаштириш, шу билан душманни чалғитмоқчи эдим. Ниятимни билиб қолдими, ё бўлмаса эҳтиёткорлик юзасидани, ҳарқалай, фашист ўнг кўлим билан кўпроқ андармон бўла бошлади. Бундан фойдаланиб чап кўлим бармоқларини ханжарчамнинг бўғим-бўғим дандон сопига етказдим. Жон-жаҳдим билан бир силтаб тортиб, ўнг кўлимни фашист панжасидан бўшатдим. У жон ҳолатда мушукдек чанг солиб, икки қўли билан ўнг кўлимни қорним устига букди. Лаҳзалик фурсатда эркинроқ қолган чап кўлим билан ханжарчамни олдим-у, унинг ўткир учини фашистнинг орқасидан ўнг биқини устига тираб ўзим томонга, пастга қараб куч билан тортдим. Фашист «Ой!» деди-ю, шу ондаёқ шалвиради.

Қоп-қора, қалин булут пардаси кўк узра ёпилганидан кеча тим қоронғи эди. Лекин фронтга ҳос тўхтовсиз отишмалар, ракеталар олови тўнги тинчликни бузиб, жанг майдонини эсга солиб турарди. Шундай шароитда, қор устида, ҳозиргина

мени асир этиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилган, энди ерда қонга беланиб чўзилиб ётган фашист жасади ёнида қанча вақт ўтириб қолганимни билмадим. Бир вақт танамдан совуқ ўтиб, ҳушёр тортдим. Шу топда йўлнинг нариги томонидан автомат тариллади, ўқлар товуши орасидан «Дима, постой!» деган қадрдон овоз қулоқларимни динг қилди. Овоз яқиндан, дарё томондан келди. Ўзимизникилар. Сақраб туриб, ўша ёққа югурдим. Сим ғалтак ва аппарат кўтариб келаётган Дима Старцев билан Василий Головинни кўрдим. Кабел кўприк тагидан ўтиб, бутунлай тескари томонга йўналганини, нариги томондан уч юз метрча ораликдан сим-кабел тополмаганимни эшитиб, улар ажабланишди. Фурсатни ўтказмай, эҳтиёт кабелни улаб тортишга қарор қилдик ва кабел учи тугаган, бояги олишув бўлган жойга келдик. Шундоққина сим ўтказилган жойдаги фашист жасадига кўзи тушган Василий бир чўчиб сергакланди. Уларни хотиржам қилиб симни тезроқ улашга ундадим. Ғалтакдаги сим тугай деб қолганида кабелнинг нариги учини топдик. Старцев икки томондан келган кабел учларини пичоқ билан тозалашга ҳам сабри чидамай, тиши билан шарт-шурт узиб тозалади-да, уларни бир-бирига бирлаштириб, қўш тушун солди ва саккизлик усулида бир-бирига боғлади. Телефонга сим ўтказиб текширгандик, алоқа тикланибди. Кимдир сўради чоғи, Старцев «Сержант шу ерда» деди-да, трубкани менга узатди. Кузатув пунктдан рота командири гапирарди. Унинг биринчи гапи: «Нега алоқани кеч уладиларинг?» бўлди. Лўнда қилиб, бўлган воқеани гапириб бердим. Фашистнинг ҳужжатларини олиб, тезда унинг ёнига қайтишимизни, бизнинг ўрнимизга бошқа взвод ишлашини айтди. Бояги «ҳангома»дан энди хабардор бўлган Головин билан Старцев ҳовлиқиб қолишди ва фашист жасади олдига югуришди. Унинг чўнтагидан тўпонча, қоғоз-ҳужжатлар чиқди, шундоқ оёғи яқинида автомати ётарди. Устидаги сариқ ранг энгил авра курткаси тагидаги кийимида офицер поғони, нишон ва темир крестлари кўринди. Ёв қонига булғанган ханжарчани менга батальон командирининг сиёсий ишлар бўйича ёрдамчиси капитан Розенков Висла дарёси плацдармида мудофаада турганимизда эсдалик учун берганди.

Кузатиш пунктига келсак, блиндажда батальон командирлари иккала капитан, рота командирлари катта лейтенант ўтиришарди. Капитан Риковдан рухсат олиб, старший лейтенантга бўлиб ўтган ҳодиса тўғрисида доклад қилдим, фашистнинг ҳужжатларини қўлига тутқаздим. Ҳаммалари қизиқиб қолишди. Капитан Риков фашист ҳужжатларини кўздан кечириб, телефон ёнидаги алоқачига «мени майор Збойчик билан уланг!» деди. У бўлиб ўтган ҳодисадан телефон орқали огоҳ қилди, ҳужжатларни тилга олиб ўтди.

Капитан телефонда сўзлашиб бўлгач, менга тикилди. «Каттароқ чўртанга йўлиққанга ўхшайсан, кечаси бошқа батальонларда ҳам қўшинларимиз орқасига ўтган душман разведкачилари қўлга олинбди» деди.

Одернинг ғарбий қирғоғида плацдарм эгаллагач, хаёлимиз Берлин бўлиб қолди. Ахир Берлин дивизиямиз ошиб ўтган Зеел тепалиқларидан бор-йўғи 60 километрча нарида, қўл узатса етгудек масофада эди-да! Шиддатли, оғир жанглarning бемисл машаққатларини энгиб келаётган, тинч ҳаётга, оила бағрига ошиқаётган жангчилар назарида яна бир ҳамла билан иш битадигандек эди. Уларга қолса, ҳужумга ўтилса-ю, Берлинни олиб, урушни тугатишса! Шунинг учун Одернинг ғарбий қирғоғидаги қўшинларимиз кун сайин, тинимсиз ҳужум қилиб, плацдармни узунасига, знига кенгайтириш пайига тушди.

Кунларнинг бирида нонуштадан кейин взвод командири билан мени рота командири ўз ҳузурига чақирди. У ерда капитан Розенков ҳам бор эди. Рота командири взводимизга дивизиянинг чап қанотидаги энг хатарли маррага, немислар қаршисида, Геленувек районидаги қишлоқчада мудофаада турган ротага сим тортиб, алоқа ўрнатиш тўғрисида буйруқ берди. Улар жанг майдонининг энг оғир, қалтис, ўта хавфли участкаларига ташланарди. Вазифани аниқлаб, кетиш олдидан партия аъзоллигига қабул қилишларини сўраб ёзган аризамни капитанга топширдим. Унда, жумладан шундай сўзлар бор эди: «Она-Ватан ва эркимиз учун бораётган оғир жанглarda коммунист бўлиб қатнашишни ўзимга шараф деб биламан. Мабодо жангда ҳалок бўлсам, мени коммунист эди, деб ҳисоблашларингизни сўрайман!»

Бугун илк тонгданок жанг кизиди. Душман миномётлари ва артиллерияси позицияларимизни тинимсиз дўппослашга тушди, баъзи йўналишларда ёвнинг атакага кўтарилаётгани тўғрисида телефон орқали хабарлар кела бошлади. Лекин душманнинг пайдар-пай ҳужумлари кечга бориб сезиларли натижа бермади. Бир томонида мудофаада турган қишлоқ территориясида отишмалар айниқса кучайди. У ерга тушиб ёрилаётган мина ва снарядлар шунчалик беҳисоб ва даҳшатли эдики, сиртдан қишлоқ ер билан яқсон бўлиб, жангчиларимиз тупроққа қоришиб, йўқ бўлиб кетгандек туюларди. Биз турган тепалиқдан, узоқдан элас-элас кўриниб турган бинолардан ном-нишон қолмади, ердан кўтарилиб, осмонга муттасил

ўрлаётган ўт-олов учқунлари, қуюқ қора тутун аралаш чанг-тўзон булути қайнаб тошаётган вулқонга ўхшарди.

Дивизия штабидан тез-тез қўнғироқ қилиб, мудофаада турган ротага алоқа ўрнатилганлиги билан қизиқишди. Бундан ҳаммамиз безовталандик. Ҳадемай бу ерга рота командири старший лейтенант Алейникнинг ўзи келиб қолди. Ротага тортиб кетилган сим алоҳида ва махсус телефонга уланган. Кўзларимиз, бутун вужудимиз шу аппаратга қадалган. Лекин ундан орзиқиб кутилаётган қўнғироқнинг ёқимли «жиринг»и эшитилмасди. Бошқа телефонлар жиринглаган ёки зуммерлилари «биғ-ғ-биғ-ғ»лаган сари Алейникнинг шундоқ ҳам жиддий, бир оз бадқовокроқ қиёфаси бадтар тундлашди. Нариги томонда эса отишмалар ташланмоқда. Асаблар таранг. Шундай танг бир ҳолатда, лейтенант Бурсов билан унинг взводига яқинда қўшилган ёшгина алоқачи қайтиб келишди. Улар ҳар иккаласи — бири чап, иккинчиси ўнг қўлидан ярадор. Уларни кўриб тарвuzимиз қўлтиғимиздан тушиб кетди. Алейник шу қадар асабийлашдики, юзлари бўғриқиб, Бурсовдан «Нима гап?» деб сўрашга ҳам тили айланмади, ўзича чақалоқдек гувраниб, паст овозда.

— Қолганлар нарига тортиб кетишди, — аҳволни тушуниб турган Бурсов гапни «берди»сидан бошлади, ҳеч ким сўз қўшмагач, блиндажнинг бир бурчагига тикилганча изоҳлашга ўтди, — ярим йўлдан ошгандик, траншея қазилмаган, яланг жойга чиқиб қолдик. Уч киши эсон-омон нариги томондаги траншеяга ўтишди. Оқопдан кўтарилишимиз билан яқинимизда снаряд портлаб яраландик. — У гуноҳкордай ерга тикилди.

Ҳадеганда алоқадан дарак бўлавермагач, рота командири куни кеча сержантлик даражасини олган Василий Головинни нариги томондагиларга бош бўлишни, кабелни тазоқ маррага етказишни тайинлаб линияга физиллатди. Бу орада яна бир янги алоқачи ботидан яраланиб қайтиб келди. Хуллас, тушга яқин алоқа ўрнатилди. Чеҳраси сал ёришган Алейник хурсандлигидан чиройи очилиб телефонда керакли кишиларни чақирди.

Мудофаада турган томондан нохуш маълумотлар олинди: «қишлоқда биронта бутун уй-бино йўқ, унда-бунда деворларгина қолган, кўп жангчилар, командирлар сафдан чиққан; фашистлар пайдар-пай ҳужумга ташланмоқда. Хабарларнинг энг асосийси — бизникилар ўз позицияларидан бир қадам ортга чекинмай, душман ҳужумларини даф қилиб турибдилар».

Орадан ярим соатча ўтар-ўтмас тепамиздан гулдурос солиб бомбардимончи самолётларимиз учиб ўтди. Улар душман темир йўл станцияси устига етгач, бирин-бирин пастга шўнғиди. Ҳадемай у ердан паға-паға қоп-қора тутун булути кўкка ўрлади — фашистлар бошқат қиёмат кун тушди! Бу манзарани кузата туриб, ундаги алоқачилар улушидан ғурурландим.

Тушликдан кейин жанг тафти сал ҳовуридан тушди, алоқа яхши ишлади. Лекин ҳар икки тараф артиллериясининг методик ораликда маълум пауза билан, ўхтин-ўхтин ва муттасил ўт очиши тинмади. Старший лейтенант тушлик қилишга тараддув кўраётганди, тўсатдан алоқа узилди. Ротамизга кейинроқ қўшилган, аммо бу соҳа сирларини анча эгаллаган, чаққон ва эпчил, дўмбоққина йигитча Володя Горбенко дик этиб ўрнидан турди-да, «алоқачи ўқни ҳам қувиб ўтади» деганича линияга отилди. Негадир Алейник тушликни йиғиштирди, телефон қўнғироғига, линиянинг уланишига илҳақ бўлиб ўтираверди. Орадан ярим соат, бир соат вақт ўтдики, Горбенкодан дарак бўлмади, линия ҳамон «соқов» эди. Олдинги позицияларда бўлса, отишмалар жонланиб кетди. Мен линияга чиққудек бўлсам, рота командирининг бир ўзи қолишига тўғри келарди. Фикримни уқди чоғи, старший лейтенант «сабр қил» дегандек бир қўлини силтади-да, четга олиб қўйган «тушонка»ни очиб, буханка нондан кесди, «тамадди қилиб олайлик-чи, иккимиздан биримиз борамиз», деди.

У шоша-пиша консервадан озроқ тотингач, банкани мен томонга сурди ва «комбатга учрайман» деганича, блиндаждан тез чиқди.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, Алейник қайтиб келди.

— Азизим, — деди у салмоқланиб, алоқани тездан тиклаш зарур, линияга ўзинг боришинга тўғри келади, бошқа чорамиз йўқ, — гранатадан кўпроқ ол! — У чўнтақларидан иккита «лимонка» олиб, худди олма солгандек шинелим чўнтагига тиқди.

Линия бутунлигидан бир чақиримча масофани югурганимча зумда босиб ўтдим. Яна бир оз илгариллагандим, ўнг томондан траншея келиб қўшилди. Унинг тубидан ўтган икки жуфт кабел бизникка чирмашиб, қўшилиб, уч жуфт бўлди. Шу ерда линияни қўлимдаги телефонга ўтказдим. Алейник дарҳол жавоб қилди. Уз линиямизни адаштирмаслик учун уни қўлга олиб олға ғирилладим. Траншея хийла тор ва юзалигидан энгашиб юришга тўғри келди. Уч юз метрча юрилгач, ўнг томондан бошқа бир траншея келиб қўшиларди. Бора-бора кабеллар кўпайиб, қизларнинг билакдек йўғонликда битта қилиб ўрилган сочига ўхшаб, чирмашиб

кетди. Кўк, қизил, қора, зангори рангдаги кабел-симлар калаваси орасидан ўзимизникини телефонга қайта-қайта ўтказиб аранг ажратардим. Бу ҳол олға силжисимни қийинлаштирди. Фашистлар бирор шарпа сездими, яқин атрофга устма-уст снаряд тушиб портлади, траншея ичидан ичимга тупроқ тўкилди. Мунғайиб ўтирганимча соатимга қарасам кечки бешдан ошинқирабди. Қиш кунлари бир тутам, шошилиш керак, шу ўйда олға интилдим. Траншеяда мандан булак ҳеч зоғ йўқ. Аммо олға интилганим сари душман пулемётларининг оғир тариллаши зўрайди, автоматларнинг «чакаги» очилганидан очилди, ёниб-ёритувчи ўқларнинг узун олов излари қалинлаша борди. Мина ва снарядларнинг атрофимга гуж-гуж санчилиб, тупроқ шопириши кучайди.

Тимискилана-тимискилана ўз линиямизни топиб, КП билан гаплашдим, алоқа изга тушмабди.

Старший лейтенант линияга тез-тез улашиб туришни тайинлади. Ёв отаётган снаряд ва миналарнинг кўпи шу атрофга қадалиб, парчалари бодроқдек атрофга визиллаб сочиларди. Бирдан олисда, ёв томонда «Ванюша»нинг хунук товуши ғийқиллади. Ундан учган миналар лаҳзада атрофимга тушиб, гумбира-гумбир ёрилди. Ер шу қадар безгаги тутиб титрадики, мен ўзимни беланчақда тебранган-дек ҳис этдим.

Урушда шу нарсга яхши аёнки, ҳар қайси тараф ҳам биринчи навбатда йирик, кўзга яққол ташланиб турувчи нишонга ўч бўлади. Ҳайкал тарзида турганича жони узилган жангчимизни фашистлар пулемётчи ёки миномётчи гумон қилиб, олата-сир тўпга тутаетган бўлиши мумкин эди. Ядангликдан чопиб ўтиш ниятида траншея қазилмаган, жангчиларимиз йўлида тузоққа айланган жойни кўздан кечирдим: бор-йўғи ўн беш-йигирма қадамча траншея қазилмаган оралик, танк-машиналаримиз ўтиши учун кўприк ўрнида қолдирилган бўлиши мумкин. Яланглик, унинг атрофини снарядлар тўнгиз кавлагандек ўйдим-чуқур қилиб ташлаган. У ердан ўтган кабеллар бурдаланиб, қулоч-қулоч бўлиб ётарди. Нарироқда пастак ва қалин буталар бошланган. «Ийе, анави мук тушганича тўмпайиб ётган Володя Горбенко-ми, худди ўзи», — ичимда ўзим билан ўзим гаплашдим. Юрагим жизиллаб кетди.

Атрофга илк оқшом пардаси — ним қоронғилик чўкиши билан чап томондаги ўрмонли тепалик бадтар совуқ тус олиб, ҳайбатли хўмрайди. Уфқ узра ёритиб учаётган чўғ-ўқларнинг саноғи йўқ. Траншея қазилмаган жой атрофига тушиб ёрилаётган мина-снарядлар сезиларли камайди. Фурсатни ғанимат билиб даст кўтарилдим-у, нариги томонга югуриб ўтиб, окоп ичига сарадим. Хайрият, ёв сезмади, ёки кечикди. КПдан тортиб келтирилган ўз кабелимизни топиб ажратиб ололмагач, ноилж, алоқачиларимиз томонга жўнадим. Қишлоқдаги ёнаётган биринчи бинога — кундузги жанглр гулханига яқинлашишим билан «Стой, кто идёт?» хитоби янгради. Паролни айтиб алоқачилигимни билдирдим. У 216-ўқчи полкка қарашли бўлинмадан экан. Жангчи мен истаган бўлинма қишлоқнинг нариги четида жойлашганини айтди. Чап томонни, душман томонни зич ўсган, пахмоқ қор қопаган буталар тўсган. Уларни паналаб яна бир оз олға юргандим, қаршимдан линияни тимискилаб келаётган алоқачиларимизни пайқадим. Улар Дима Старцев билан Вася Головин эди. Севиниб кетдим. «Головин кантузия олди» деди Старцев. Василийга қараб «нима қилди?» десам, миқ этмайди — бақадек бақрайганича тураверди. У яқин-йироқда ёрилаётган снарядларга, отишмалар хориға парвойи-палак, фақат биз ерга энгашганимизда ёки ётганимиздагина «тақлид» қилади. У ора-чора ўзига «келиб», кабелимиз ўтган ерларни имо-ишора билан кўрсатарди. Эҳтиёт кабелни тўрт қаватлаб сайҳонлик устидан тортиб ўтқазиб, линиянинг траншеядаги учига уладик. Рота командири овозимизга илҳақ ўтирган экан.

— Ҳой кабелчиларrrr! — қўққисдан дўриллаган йўғон овоз чиқди босиб тушган бинонинг қўнқайиб турган деворлари тагидан ўтган траншеядан.

— Аҳволни қара, — деди карнайдан чиққандек дўриллама овоз, — шу дам фрицлар тумшуқ суқиб қолса борми! — У аскарсиз қолган позицияларга ишора қилди. Ғанимат фурсатни бой бермай, аҳволни хабар қилиш учун изимизга қайрилдик. Шу чоқ орқадан «Кто там?» деган овоз эшитилди. «Стой!» жавоби қониқтирмади чамаси, қисмимизни сўради.

Олдинги линияда тун нисбатан тинч ўтди. Эрта тонг ғира-ширасида орқага, капитан Розенков тайинлаган тепаликка кечаги траншея билан қайтдим. Атроф ўрмонли паст-баланд тепаликлардан иборат бўлиб, бу ер артиллерия отишмаларидан холи эди. Ҳадемай бўлинмалардан анча жангчилар йиғилди. Мен алоқа батальониди Шохўжа Абдусаломовдан бошқа бирор ўзбек йигитини кўрмагандим. Бу ердагилар орасида бир талай ўзбек йигитларини кўриб, ўзимда йўқ қувондим. Эски кадрдонлардек дарров апоқ-чапоқ бўлиб суҳбатлаша кетди. Мен ҳозир улардан фақат айримларининг исми ёки фамилияларини аранг эслайман. Абдуҳалил Мансуров, Норбува Угамов, Амирбой Очилов, Мавлон ака, Юсуф ака, Ботиров...

Вислада жанг қилаётганимизда 216-гвардиячи полкда ПТР ротаси командири гвардиячи лейтенант Эгам Мирзаевич Тоғаев билан танишгандим. Дивизия бўйича чиққан бир буйруқда иккимиз «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотлангандик. У Самарқанд область Нурота районидаги Фрунзе номли колхоздан эди. Суриштирсам, янги танишларим унинг тўғрисида менга бирор хабар айтишолмади. Билмадим, унинг кейинги қисмати қандай кечди экан?

Куёш анча кўтарилиб туман тарқала бошлаган эдики, бўйнига фотоаппарат осган йигирма беш ёшлардаги белорус йигити ҳовлиқиб келиб, рўйхатга қараб чақира бошлади. Менинг ҳам фамилиям чиқди. У дивизия сиёсий бўлимидан бизларни суратга тушириш учун юборилибди. «Нима учун суратга оляпсан?» десам, «Партияга киришга ариза берибмидинг?» дея саволимга савол билан жавоб берди. Шундагина нима учун чақирилганлигимизни англадик. Фотограф сурат олдириган жангчилар ўз командирларига учрашиб кетишлари шартлигини тайинлади.

Капитан Розенков мени қайта олдинги линияга юбортирмади, партия устави ва тарихига оид маълумотлар билан танишиш учун адабиёт берди. Уч кундан кейин Одер дарёси ғарбий қирғоғи ёнгинасидаги бинога жойлашган дивизия сиёсий бўлимига бордик. Бу орада взводимизни бошқа бўлинма алмаштирди.

Навбат менга келганида бир оз ҳаяжонландим. Лекин ҳамма саволларга қаноатланарли жавоб бердим.

Шундай қилиб, 1945 йилнинг феврали ҳаётимда унутилмас, ардоқли саналардан бири бўлиб қолди.

Иккинчи эшелонда туриб сафларимизни тўлдирдик, алоқага тегишли нарсаларни кўздан кечирдик, зарур ремонт ишларини бажардик, шаҳар жангларида қандай қилиб узлуксиз алоқа билан таъминлаш бўйича машқлар ўтказдик, сиёсий информациялар тингладик. Кун сайин плацдармга янги-янги ҳарбий кучлар тўхтовсиз келиб турди. Улар, асосан, кечалари, яширин ҳоҳда бериги қирғоққа ўтказиларди.

Ҳар бир пана-паскам жойда, дарахтлар остида, ўрмон чеккасида танк ва ҳайбатли тўпларимиз жойлашганлигини, бўш территория тобора торайиб бораётганлигини сезардик. Зимдан бораётган бу жиддий ҳарбий тайёргарликни сиртдан сезиш қийин эди. Аммо тунда келиб ерни ковлаб жойлашиб олаётган ҳарбий техникамиз салмоғи, ўзгаришлар кабел тортилган жойларнинг ҳар бир метри таниш бўлган биз, алоқачилар нигоҳидан қочиб қутулолмасди. Яқин орада охириги шиддатли жангларга киришимиз, кўп ўтмай олдинги фронт линиясига кўчирилишимиз тайин эди.

* * *

СССР Мудофаа Министрлигининг архивида сақланаётган ҳужжатларнинг¹ биттасидан Одердаги жангларга оид баъзи ўринларни келтиришни лозим кўраман: «Немис босқинчиларига қарши ҳужум жангларида жанговар топшириқларни адо этишда ўртоқ Имомов Б. Х. мардлик намуналарини кўрсатди. Подласе Стромая жануби-ғарбидаги ўрмондан душман қарши атака қилишга уринди. У душман отишмалари остида линиянинг ишларини тўла таъминлади, жангчиларга бош бўлиб, душманга қарши ҳужум уюштирди ва шахсан ўзи олти фашистни йўқ қилди. Геленувек районида душман артиллерияси тинимсиз ўт очиб турди, снарядлар зарбидан телефон линияси бир неча бор узилди. Ўртоқ Имомов ўлим хавфини енгиб, 500 метр оралиқда зарарланган кабелни вақтида улади ва қўмондонликни ҳужум чоғида узлуксиз алоқа билан таъминлади. У III даражали «Шуҳрат» ордени билан тақдирланишга лойиқ. 14.03.1945 й.»

Бу ордени ўша вақтда олишга муяссар бўлгандим. Лекин қайси жанг эпизоди мукофот учун тақдим қилинувчи варақада ўз аксини топганлигидан бутунлай беҳабар эдим.

¹ Бу ҳужжатларни Пскент шаҳрида яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ҳозир «Меҳнат байроғи» район газетасида муҳаррир бўлиб ишлаётган қуролдошим (у билан Берлин учун олиб борилган жангларда учрашганман) Мажид Самадов келтириб, лутфан тақдим этган эди. Дўстимга самимий миннатдорчилигимни билдираман.



Анвар Эшонов

Узилган бир киприк

1

Сўзлар ичра ошиққа
 Энг нафис сўз —
 гўшанга.
 Қўлбола ош ўртада.
 Битта гўшт — битта гуруч.
 Ташқарида суюнчи кутаётган
 қўш янга,
 Ҳеч ким билмас,
 Тонг кўксин
 ёриб чиқмоқда уруш...

2

Ўтли бир мурожаат...
 Бекат.
 Қизил эшелон.
 Ватан —
 буюк лашкаргоҳ.
 Ўқ ювар — ўқ доғини...
 Фарбда
 гардунга ўхшаш
 каскалардек тешилган
 Ернинг
 томирин ушлаб,
 солдат ётар соғиниб...

3

Чилладаги келинчак
 Маъюсланиб гоҳида



Кузатгандек
 кўкдаги жуфт учган оққушларни —
Этини
 жунжитганча окопларнинг совуғи,
Окопдаги
 йигит ҳам қумсайди оғушларни...

4

Ҳар кимнинг
 ўз қалбида олам жуғрофияси,
Қай кун,
 қайси ошиққа
Дунё — сокин гўшадир?
Токи,
Чархнинг бўлмагай соғлом жуғрофияси,
Ишқнинг ҳуркак кўзида
Соғинчлари жўшадир...

5

Гильзаларга ёзилди
 фамилияси,
 унвони,
Ҳарбий қисм.
 «Полевая почта»ларнинг адреси.
Ернинг ҳужайрасига
 чирмашиб кетган жони,
Йўлини
 ҳар қадамда
 ўлим ўтмоқда кесиб...

6

Далада тўлғоқ тутиб,
 жўякда кўзи ёриб,
Декрет нима билмаган оналар кўп.
 Жангчилик.
Курашувчи Ватандек
 ҳар кимнинг ўз рўзғори,
Кўмир ҳам топилмасди
Гоҳида бир танчалик...

7

Бир учи ғалабага туташгувчи йўлларнинг,
Бир учи жўякларда.
 Хирмонга етмоқ оғир.
Ҳафтада бир кетмонни алмаштирган қўлларнинг —
Қадоқлари кетмаган.
Милтиқдан кетмон оғир...

8

Олис-олис қирларнинг ортидаги даштларда,
Аччиқ-аччиқ изғирин юлкалаб оппоқ тўшин
Қишда зовур қазиди туғма меҳнаткашлардай,
Аёл — интендант кўшин.
Аёл — жангларда қўшиқ...

Оналар кўз ёшидан
 Ювилган сурмалари —
 Ишқ битилган муқаддас сиёҳларга айланар.
 Дунёдаги ҳамма гап — ишқнинг усткурмалари,
 Жангчининг қатра қони гиёҳларга айланар...

10

То
 «Узилган бир киприк абад йўқолмас» экан,
 Сен вафо дунёсининг илк шоири —
 Қайси бўл.
 Ушбу ишқ дунёсида ишқни ўқ олмас экан!
 Ўлсанг ҳам,
 Лайлиларнинг пойин ўпган майса бўл...

11

Номсиз бир тепаликда
 Дабдабасиз, жўнгина,
 Атакада ўқ тегиб, ярадор дўсти кўмган —
 Оддий аскар хоки бор;
 Ёрининг кўз ўнгида
 Ҳамон гўшангада-ю,
 ширин хаёлга чўмган...

12

Номлар ўчинқираган
 Саноқсиз сағаналар!
 Бунда минглаб йигитлар юрагида занглар ўқ.
 Бунда ҳамма рядовой,
 ҳамма бир поғонада,
 Ҳамма битта оила,
 орада бегона йўқ...

13

Қулоқ сол!
 Қуш ноласи — қалбда ўқлар чўкинди,
 Йигитларнинг биринчи муҳаббат нолалари.
 Томирлари инсоннинг томиридай кўкимтир
 Майсалар,
 бу — дунёнинг ўқ еган болалари...

14

Сенинг қалбингда қолди ўқларнинг ярми,
 Она!
 Оналар,
 бу — дунёнинг
 ярадор оққушлари.
 Хотиралар
 сен чеккан дардларнинг таржимони,
 Ўқлар —
 кўзингда қотган
 жангнинг қора тушлари....

15

Ҳали-ҳали
 дунёнинг
 гирди — қораҳошия.
 Қўнғироқлар —
 инграган «Алвидо»лар.
 Алвидо...
 Илк бор
 қайси луғатга
 кирди «қораҳошия»,
 Ўқлар —
 қораҳошия,
 тирикларнинг қалбида...

16

Шабнамлар —
 олисларда
 тўкилган кўзёшлари;
 Авайлаб уз! —
 Қизил гул —
 ошиқ йигитлар қони.
 Сукут сақла! —
 Оловлар —
 муҳаббат оташлари,
 Европада
 ўзбеклар
 соғинар
 Осиёни...

17

«Оғироёқ қолгандинг.
 Ўғилмиди?!
 Қизмиди?!
 Туғилганда,
 хат ёзиб,
 расмин сўраёлмадим.
 Дунё
 айланмас экан ошиқларнинг измида,
 Сени,
 гулранг,
 гулбўйим,
 гулга ўрай олмадим...

18

...Дарё бўлсанг, ўзанинг,
 ипак бўлсанг, сўзананг,

Осмон бўлсанг, тўрғайинг —
Бўзлаб

ҳолинг сўргайман.

Орамизда

кўз етмас

олис йўл бор, гўзалим,

Мен сени

аммо ўша —

йўл бошида кўргайман...

19

...Мени

эгма қошларинг аросига

яшириб,

Қошга тушган

сочингга

боғлаб қолмовдинг нега?

Ё

қароқчи кўзларинг

қаросига яшириб,

Киприкларинг

учига

чирмаб олмовдинг нега?!»

20

Ўқлар,

жонлар, кўзёши,

қоннинг қоришмасидай,

Шудгорда йўргакланган

болалар

бўй чўзарлар.

Совчи

келар қизларга

тонглар ёришмасидан,

Қизи борнинг — нози бор.

Нозланади

гўзаллар...

21

Хотирангда

тикланган

жангчидан гар хабар йўк,

Сен

уни оқ тонглардан,

садоқатдан,

номусдан,

Эътиқоддан

қидирсанг,

кечган умри табаррук —

Сатрларда қолмиш у!

Ватан отлиғ қомусда!..

22

Сен

уни

ўз юртига

қайтмаган тўрғайларнинг

Кўкда
муаллақ қолган
овозидан излагин.
Энди
«бошга не тушса,
кўзлари кўргай»ларнинг
Қўли титраб,
ўқиган
қоғозидан излагин...

23

Сен
уни
ҳар лаҳзаси
йилдай кечган ҳолатлар,
Қаловсиз ёнган
ўша —
Русь қоридан излагин.
Лениннинг ҳузуридан
келаётган
солдатлар —
Окопларда танишган
дўст-ёридан
излагин...

24

Сен
уни
«Коммунистлар, олға!» деган ҳайқирик,
Қадами —
бир кечалик
йўл жангидан излагин.
Дарёдай бир тошқинлик,
Дарёдай бир айқирик,
«Урра» садоларидан,
қўл жангидан излагин...

25

Сен
уни
турна кўзнинг қароси, оқи узра
Чўкиб қолган
муҳаббат
дардларидан излагин.
Снаряд парчасига
қоришиқ
хоки узра
Кўкарган
Оқ қайиннинг
баргларидан
излагин...

26

Сен
уни
фашизмнинг
ваҳшатиға шоҳиддай
Ҳукми олий
— Нюрнберг ҳайъатидан
излагин.
Сен
уни
қитъаларнинг
Энг аввало доҳийға,

Сўнг
Номаълум солдатга
хайратидан излагин.

27

Ҳамон
ўтли нуқта
кўп.
Ҳануз
ўқ-дори портлар.
Беланчакка
кўшилиб,
ёнар
шолипоярлар..
Бу дунёда
бўлмасин
минг хил
шароит-шартлар,
Мангу яшашга ҳақли
Фақат олий ғоялар...

28

Муҳаббат баёзига
Тушмаса ҳам отлари,
Улар севиб,
ер-кўкка
гўё сиғишмаганди.
Кўшалок кабутардай
осуда
ҳаётларин
Уруш юлқиб кетганда,
Сепни йиғишмаганди...

29

«Қалдирғочлар ин кўяр.
Мусичалар болалар.
Жўжалар
она-товуқ
қанотида донланар.
Болишингда
тўзмаган
сочимда
оқ толалар,
Соғинчларим
пойлоқчи кўзларимда
жонланар...

30

...Мен соғинчман.
Сен ҳижрон.
Орамизда бешик бор.
Айтолмаган
сабуҳий аллаларим —
Бешиклар.
Шарм-ҳаё ўртасида
чегарачи
эшик бор —
Қадамларнинг товуши
қайтаётган
эшиклар...»



Юрий Ковалев,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Донғил йўл

Донғил йўл чорлайди эртага тонгдан,
Бир муддатга ортда қолар хонадон.
Бунда геологлар бизлардан олдин
Келиб, харитага солмиш йўл, макон...

Аммо харитада — кўз илғамаскан
Нуқтага ҳам етмас қаламнинг изи.
Лек аслида экскваторим билан
Йўл босдим гоҳ тунлар, гоҳо кундузи!

Жаҳаннамдан баттар чўл саратони,
Ўзингни тоблайсан курашли ўтда.
Дўстликки, ҳал этур ҳар муаммони,
Мингники — бирга-ю, бирники кўпга.

Томчи сув ўртада — сўнгги қатра-да...
Сўнгсиз олишувлар измингда кечар.
Қум аралаш ушоқ нон ҳам ўртада...
Наъралар тортасан ғолиблар ичра.

Ҳар қайсин кафтида йиллар салмоғи,
Ойлар ўтар асов тўлқинлар билан.
Аммо, неки мушкул иш тушган чоғи
Дўстлик қудратидан чекинар экан!

Яратишдан бошқа ўй-хаёлларга
Йўқ, йўқ, узатмасман ва бермасман қўл.
Демам: «Булар бари лозимми менга,
Ҳаёт сари йўқми шундан бўлак йўл?»

Йўқ! Кўз тикмадим дўст лавозимига.
Йўқ! Бирор манфаат учун ҳам эмас.
Қалб амри деб келдим чўл — саҳросига,
Виждонга бўйсуниб келганман, холос!

Оиладан узоқ, уйдан узоқда,
Улғайган ёшингни соласан йўлга.
Вақт тополмасдан ҳориш, чарчоққа,
Дарё йўлларини бурамиз чўлга...

Ҳа, аравани қуруқ тортгани эмас...
Унутмоқ истайман кўрқинч тушларни.
Замин қушлар куйи билан бўлсин маст,
Унутсин бу олам ғам — койишларни.

Бу замин кўрмасин ёмондан яллиғ,
Янги шаҳарларнинг кўркин қумсайман!
Серҳосил боғларнинг қўйнида қаллиғ —
Олча гулларига чўмилсин дейман!

Ёғаётган оппоқ қорли денгизда
Сузса, сузса дейман мовий кемалар...
Сўзлар майин учса бу чексизликда...
Боқийликка кўчса эзгу амаллар!

ОТАЕР таржимаси.

Матлуба Ҳамроева

Интиқом

Улар — саккизта жон бўлиб, сафланишиб кетдилар,
Ота олдда, орқасидан етти навқирон ниҳол.
Жанг-жадалда, видолашмай аро йўлда йитдилар,
Бўлди ўша етти ниҳол
Гулламай туриб увол.

Ёғоч оёқ билан қайтди ота ярим жон бўлиб,
Боғидаги етти ниҳол кетди бенишон сўлиб.
Қўл-оёқсиз бўлса ҳамки, қайтиб келса нетарди,
Чол кўксига ботган муҳр балки ўчиб кетарди?!

Етти ўғлон етилмайин қорилди-ку тупроққа,
Ота энди тинч яшарми, дош бериб бу титроққа?!
Тунларини тонгга қандай улаб чиқар бефарёд —
Кўз илинмай, тушга кирса, етти ўғлон — етти дод?!

Еб-ичгани ҳазм бўлмай кўйдираркан бўғзини,
Ҳайҳот, артиб адо қилмас ота намли кўзини.
Иссиқ тани совуб бир кун қолса оёқ узатиб,
Ким бош бўлиб, сўнгги йўлга қўяр уни кузатиб?!

Бир лаҳзага татирмиди шунча эҳсон, шунча шон,
Икки ёндан сафланишиб турмагач етти ўғлон.
Ёху, бу чол сиғдиради қайга энди бу жонни,
Кўзи очиқ кетар бўлди, қисмати шу бу чолнинг.

Айтинг, бу хил кўргиликка борми бардош ва тўзим,
Қора куннинг кир қўллари бўларми шунча узун?!
Айтинг, бу хил кўргиликка берилар қандайин ном,
Нақ юракни ўйиб кирса унга қарши интиқом?!

Жонидан тўйганмиди йигирма миллион шаҳид,
Улар-ку, ҳеч иккиланмай жонни ўққа урди тик.

Ох, бу дунё қалқиб берди онанинг дод-сасига,
Биз бугун шод яшаяпмиз у жанглар эвазига.

Дунё она бўлиб сочар яшашнинг уруғини,
Коммунистлар даст кўтаргай коммунанинг туғини.
Мудҳиш уруш, сенга бугун ўрин йўқ, тараф ҳам йўқ,
Биз яшаймиз эзгуликнинг сафларидан кўнгил тўқ...

Шукур Содиқ

Мамаражаб ота

Барча уруш ветеранларига

Қўллари қалтирар, қалтирар оёқ,
Вужуди қалтирар бедаво дарддан.
Уруш ветерани Мамаражаб ота
Оғриғи зўрайиб боради ҳаддан.

Беш йилки, ажалга чап берар, ахир,
Унга писанд эмас дарднинг тўсиғи.
Негаки, вужуди бўйлаб ўтгандир
Ҳаёт ва ўлимнинг фронт чизиғи.

Жанг қилар бардошни тишида тишлаб,
Ўзи билан ўзи саноқсиз кунлар.
Ўғиллар, келинлар оғир хўрсиниб
Нажотсиз термилган томошабинлар.

Бахтлилар қучоқлаб тунда бахтини,
Фароғат бағрига кетсалар сузиб —
У оппоқ тонггача «Т-34» да,
Фронт йўлларига юради кезиб...

Фронтда... инсонлар қалби то бугун
Алдов, кин ва нафрат исканжасида
Ярадор бургутдай тўлғанар Замин,
Беш она-қитъанинг беш панжасида.

Ота ҳам жангдадир кечаю кундуз,
Дунёнинг дардини ўзида англаб.
Тунлари радио қулоғин бурар,
Ўйланар «Халқаро аҳвол»ни тинглаб.

Ҳар куни шу ҳолат.
Тонг отар оппоқ...
Дард хуруж қилмоғин қўймайди ҳамон.
Мамаражаб ота қирқ йилки, бироқ
Талпиниб яшайди ғалаба томон.





Мирмуҳсин

ТЕМУР МАЛИК

Тарихий роман

Буюк Ғалабанинг қирк
йиллигига бағишлайман.

Автор

Биринчи қисм

Она-юрт туйғуси

Биринчи боб

Темур Малик ва Абдулқодир мунший

Эрта тонгда Хўжанд қалъаси ҳовлисига ётқизилган япалоқ харсангтошлар устида фидойиларга хос шахдам қадам ташлаб келаётган чухра¹ ўн саккиз ёшлардаги тик қомат, келишган сарбоз йигит чап қўли билан белидаги энли камарига осиглиқ димишқий қиличи дастасини ушлаб, доруссалтана², деб аталмиш ганчин оқ бинога кираверишдаги зинапоялар олдида тўхтади. Бошқа сарбозлар юриши унча сезилмаса ҳам, айниқса, бу йигитнинг қадам ташлаши ичкари хоналарга ҳам эшитилиб кетарди. У асли Хўжанд атрофидаги, номи унча тилга тушмаган Дўлдай қишлоғидан бўлиб, исми Иброҳим. Аввал сардор Шерюрак Шоший қўшинида навкар бўлиб, у билан биргаликда Темур Маликка қўшилган. Кимдир, саркарданинг «Қарчиғай» отию Иброҳим Дўлдайнинг харсанг устида қадам ташлаши жуда ўхшаш,

¹ Чухра — ҳокимнинг шахсий қўриқчиси.

² Доруссалтана — шаҳар ҳокими қабулхонаси.

дебди. Бу Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистонийда кулги қўзғади. Лекин садоқатли бу сарбоз бошқа сардорлар диққатини ҳам жалб этган эди, унинг ринд табиатли йигит эканини яхши кўришарди. Кейинги пайтларда бошқа йигитлар ҳам унга тақлид қилиб, шахдам қадам ташлашар, уларнинг сони борган сари кўпаяр эди. Бу гап ҳатто Гурганжга етди. Қўшиндаги сигир терисидан чориқ тиктириб, бенағал, тақ-туқсиз юрадиган тоғликлар тезда этик сотиб олишди.

Иброҳим Дўлдай баланд, нақшин шипни кўтариб турган Хоразм услубидаги ўймакор устунлардан бирига суяниб, Темур Малик билан суҳбатлашаётган кутвол¹, Шоҳмурод Кўҳистонийнинг ҳам ўзига қарашини кутиб ўтирмай салом берди. Ундан сал нарироқда, йўлбарс териси ташланган курсида чордана қуриб ўтирган Темур Маликни кўриб, қўли кўксида, таъзим қилди. Саркарда ёнида муставфий — молия ишларини бошқарувчи Ҳусайн Гов ҳам турарди. Зарур иш билан келган сарбоз йигит улуга² хусусида гап кетаётганини пайқаб, бир лаҳза жойида турганча сукут сақлаган эди, Темур Малик дарҳол Иброҳимга қаради. Эрта тонгда унинг шитоб билан келиши бир муҳим гап борлигидан далолат берарди. У, айғоқчилар сардори Муҳаммад Интизом билан бирга келмагани сабабли, шошилинич махфий гап йўқлигини фаҳмлаб, саркарда ўтирган жойидан унга мурожаат этди:

— Бир сўз демоқчимисен, Иброҳим? Айт! Бу оғоларингдин дориг тутадурғон сир йўқ.

— Гурганждан карвон билан йўлга чиққан Абдулқодир мунший — «Қилқалам», икки ўғли, аёли ва яна бир шогирди, жами беш чоғли киши кеча оқшом Хўжандга кирди. Улар карвонсаройда... Мунший ёши ўтғон, асо билан юрадурғон заиф одам...

— Нечун бизга хабар қилмай, пешвоз чиқмоғимизни хоҳламай карвонсаройга тушдилар экан? — деди Темур Малик.

— Бехабармен... — деди Иброҳим Дўлдай.

Темур Малик бир лаҳза хаёлга толди. Султоннинг эътиборли муншийси, вазири аъзам Низом ал-Мулк ва қадий Мужириддин Умар ибн Саъд, Шаҳобиддин Хивақий ҳазратлари қошида ҳам гоётада обрўли кимса нечун Гурганжда чиқиб кетди экан? У чордана қурганича рўпарасидаги Шоҳмурод Кўҳистонийга тикилди, даҳанини бармоқлари учи билан беихтиёр энгил қашлади...

Темур Малик ибн Маҳмуд — ўттиз ёшларга борган барваста, елкалари кенг, қўл-оёқлари узун, йўғон овозли киши. Бундан беш-олти йил муқаддам Гурганжда султон хизматида бўлганидаёқ, саройнинг обрўли мансабдорларидан бири, сардор Шаҳобиддин Хивақий: «Сиз чинакам қилич тутиб, отда югуришга туғилгансиз...» деган эди. Гавдасининг сарбастлигига қарамай, йўлбарсдек сапчиб от минар, отнинг бели сал-пал қайишарди. Жанг кўрган отлар энгил, эҳтиёт билан ўтирадиган одамни хуш кўрмас, от билан бир тан бўлиб кетадиган, чайир кишиларни хуш кўради. Бундай сарбоз ёғийга ҳам хужум қилади, отини ҳам рақиб тигидан асрайди. От буни пайқамай иложи йўқ, дердилар. Темур Маликнинг қора мўйлаби, даҳанидаги бир энликча юпқа тақа монанд соқоли ўзига ярашар, ҳеч қачон овозини баланд қилмас, сарбозларга «бақириб гаплашманглар, овозларингиз ўткир бўлса уни жанг вақтидаги наъра тортишга сақланглар...» деб ҳазил қилар эди.

Темур Малик қирра бурун, дўнг пешона... Гурганжда, султон қўшинида хизматда эканида Темур Малик шаҳзода Жалолоддин билан танишиб, унинг эътиборини қозонган, кейинчалик улар дўстлашган эдилар. Жалолоддин ўз укалари Узлоғшоҳ, Пиршоҳлардан дўстини юқори қўяр, салоҳиятини тан оларди. Шаҳзода Жалолоддиннинг бурни устидаги қора майиздек холи, Темур Маликнинг баланд бўй, қулочлари узун, қирра бурун, дўнг пешоналиги, Шерюрак Шошийнинг паст бўй, овози ўткирлиги, Шоҳмурод Кўҳисто-

¹ Кутвол — қалъа бошлиғи.

² Улуга — сарбозларга маош ва отига ем-хашак пули.

ний эса, ориқ ва серҳаракат, қошлари қуюқ, тоғликларга хос тантилиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Айниқса Шоҳмурод Кўҳистоний узоқни бургутдек яхши кўрарди. Унинг бир ишга тез киришиши, қатъий қарорга келгач, уни амалга оширмай қўймаслиги Темур Маликка ёқарди.

Бадахшон беги билан араз бўлиб чиқиб кетган Шоҳмурод Кўҳистонийни ҳам Жалолиддин орқали султондан сўраб, Хўжандга олиб кетган эди. Шаҳзода, Темур Малик ва Шоҳмурод Кўҳистоний ўргаларидаги илиқлик аввало Туркон хотунга, қолаверса, амакилари Маликшоҳ, Тўғон-Тўғдишоҳ, шаҳзода Узлоғшоҳларга ёқмасди. Узлоғшоҳнинг мавқеини кўтариш мақсадида улуғ биби — Туркон хотун кўп қайғурарди. Чунки шаҳзода неваралари ичида унингча валиаҳдликка муносиби мана шу шаҳзода Узлоғшоҳ эди... Шундай бўлишини Туркон хотун жуда истарди.

Бу кечмиш негадир ҳозир Темур Малик хаёлидан ялт этиб ўтди. У Иброҳим Дўлдайга тикилди.

— Устознинг келишидан тамоман беҳабармиз, — деди бир лаҳзалик сукутдан сўнг — таажжуб! Абдулқодир мунший султон иқтоъсига мушарраф зот. Мурғоб — Пулисанг юришида сипоҳсолор¹ ёнида бўлиб, «Сират...» ёзадурғонликдан хабарим бор эрди. Мунший «қилқалам»нинг Хўжандга фавқулодда доҳил бўлмоғининг боиси нимадир?

— Дарҳақиқат, таажжуб! — деди Шоҳмурод Кўҳистоний елка қисиб.

Темур Малик Шоҳмурод Кўҳистонийга маслаҳат тарзида сўз қотди:

— Иброҳимни юборайлик, муншийни қўрғонга олиб келсун. Жой тайёрлансун. Иброҳим, сен, Шоший ҳазратларини бунда олиб кел!

Иброҳим Дўлдай таъзим қилди-да, яна қиличи дастасидан ушлаганча шахдам қадамлар ташлаб, чиқиб кетди. Орадан бир нонушта муҳлатичалик вақт ўтгач, қайтиб келиб, мунший чол таклифни рад этганини маълум қилди. У «ўз иззатини билмаётгани»ни қўшиб қўйди. Бу гапни эшитиб турган Қалъаи Хумблик, феълан анча тез, қуюқ қошлари остида доимо кўзлари ёниб турувчи Шоҳмурод Кўҳистоний беихтиёр илжайди. Тоғлиқ бу одамнинг қаҳри қаттиқлиги кўпларга маълум, аммо меҳрибонлик қилса сидқидилдан қилиши, баъзан ўта соддадиллигига бориб, ёмонларга ҳам яхшилик кўрғазиб юбориши ҳам кўпларни таажжубга соларди.

Темур Малик Шоҳмурод Кўҳистонийга боқди. У яна елкасини қисди, айна вақтда: «Э, келмаса келмас, нодон чол экан! Қари нодонга ким ақл ўргатади!» деган гапни тилига чиқармоқчи эди, кўнгли бўлмади, елкасини қисганча тураберди.

— Мен муншийни яхши танурмен, — деди Темур Малик. — Бир корихол содир бўлғонки, кексаликка қарамай сарсон-саргардонликни ихтиёр этибдур. Буни билмоқ зарур. Ғазаб кули ақл шамчироғини ўчиради.

Шоҳмурод Кўҳистоний яна елка қисди. Хўжанд қўшинининг асосий қисмининг Шоҳмурод Кўҳистоний йигитлари ташкил этиб, қалъани султоннинг машриқдаги энг мустаҳкам қўрғонига айлантирган эдилар. Бундан уч йил бурун Гурганжда, «султон саройида Бағдод олингани, халифа Носир устидан ғалаба шарафига берилган базми яшнатган беқиёс раққоса Нигина билан Бинт-Занкижа оёғи остига тилло тангалар сочилди»². Айниқса Сайхун томондан олиб келинган Нигина Саид қизига мафтун бўлган Темур Малик ҳамёнидаги бор тилло тангаларни унинг оёғи остига сочди. Бу қилиқ султонга ёқмай, дарғазаб бўлиб, бу ишни ким қилди, деб бўйнини чўзиб, гуногун таом емакни унутиб, раққосага маҳлиё бўлиб ўтирганларга кўз ташлаган

¹ Сипоҳсолор — олий қўмондон.

² Шаҳобиддин ан-Насавийнинг «Сират...» китобидан.

эди, Шоҳмурод Кўҳистоний ўрнидан дик этиб туриб кетди-да, қўли кўксида, шоҳга таъзим этди, гуноҳни ўзига олди. «Сенмисан?» ишорасини қилиб, шоҳ унга ўқрайди. Тоғлиқ бўлгани сабабли кечирди. Темур Малик ғазабдан холи қолди.

Темур Маликка Шоҳмуроднинг тантилиги ёқарди. Хўжандда унга ўздан кейинги юксак — қутвол мансабини берган. Кўнгли пок, забардаст бу тоғлиқ кишига қаттиқ ишонар, ўздан беш ёш катта бўлишига қарамай, тенгдошлардек бир-бирларини сен деб аташар, ҳазилда ҳам бир-бирларини аямасдилар. «Раққоса Нигина асли Хўжанд ҳокимига қарам Ворух қишлоғидин...»¹ экани, ёшлигида отаси билан Гурганжга келиб қолгани, созанда Ота Муҳаммад унинг устози эканини ҳам билди.

Темур Малик дастлабки йиллар сарой одатларини, бундаги ички зиддиятларни яхши билмасди. Сарой аъёнларининг қочирим гаплари-га тушунмас, қоидаларни бузиб қўярди. Баъзан тушунса ҳам, бу қоидаларга атайин бўй бергиси келмасди. У, дағалроқ, баъзан саволга ҳам баланд овозда жавоб қиларди, сўзни қаттиқ айтиб юборарди. Силлиқ, сермулозамат аъёнлар бундай пайтларда бақрайиб қолишар, кейин Сайхун бўйдан келган қишлоқи-да, деб мийиғларида кулишарди. Мусалласни у пиёлани тўлдириб, хўриллатиб ичар, нам мўйлабини илгаригидай енги билан артарди. Кайфи ошгач, қаттиқ-қаттиқ йўталиб, базми ташлаб, ташқарига чиқиб кетарди. Одамлар қолиб, ўз отига хушомад қилар, унинг бўйнига шапателиб уриб, эркаларди. Бу «йўнилмаган, нотекис харсангтош»ни фақат Жалолдин ёқтирар, юраги тозалигини билгани учун ҳам унинг базм куни раққосага керагидан ортиқ хушомад қилганини кечириб юборган эди.

Шоҳмурод Кўҳистонийнинг Хўжандга келганини эшитган тоғликлар Гарм, Кўлоб, Қалъаи Хумбдан, яна бир қисми Рўшон, Хорог томонлардан келиб, Хўжанд қўшинида хизмат қила бошладилар. Тиргарон, Сафедхирс дараларидан келган тоғ йигитлари ҳам жанговарликда ҳаммадан ўзиб кетарди. Узоқдаги элини ташлаб келиб, Хўжанд учун хизмат қилаётган бу сарбозларга Темур Малик эътибор берар, яхши ақча тўланарди. Улар бошқалардан кўра имтиёзлироқ ҳисобланишарди. Шоҳмурод Кўҳистоний султон амри билан Бадахшон беклигидан четлатилган бўлса ҳам, бари бир, у томонларда иззату ҳурмат этилар — Бадахшоннинг ёш беги ҳар йили кузда оту араваларда Хўжандга — Шоҳмурод Кўҳистонийга совға-саломлар, ёнгоқу қуритилган мевалар юборарди. Мўмиё ва турли доривор тоғ ўтлари келиб турарди...

— Мунший ҳузурига ўзим борурмен! — деди Темур Малик қатъий. — Ҳурмат кўрсатмоқ лозим! У зот саксонлардан ошиб қолган бўлсалар эҳтимол. Бу ғоятда мўътабар ёш. (Темур Маликнинг кўз олдига тарихнавис Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий келди. «Эҳтимол, Абдулқодир Шоший қариб қолган бўлса, унинг ўғли Абдулнодир Хўжанд хизматида бўлар...» деб ўйлади. Гурганждан чиқиб кетиш сабабларини билиш ҳам кўнглидан ўтди).

Темур Малик «Қарчиғай»ни олиб келишни буюриб, ҳозироқ карвонсарой томон йўл олишини маълум қилди. Айвон зинапояларидан пастда, саркарда рўпарасида шамдай қотиб, бўлаётган барча гапларни жон қулоғи билан тинглаб турган Иброҳим Дўлдай хаёлидан бундан икки йил аввал Хўжандга тушиб ўтган «мўътабар зот» — элчи Маҳмуд ялавоч ўтди. Уни катта дабдабалар билан кутиб олишган эди. Аммо нияти бузуқ экан, мамлакатига хиёнат қилиб, хорижда қолиб кетди. Лекин мунший Абдулқодир Шошийдан бундоқ ёмонликни кутиш мумкин эмаслигини саркарда муносабатидан билиб олиш қийин эмас эди. Бу зотни на фақат Гурганжда, Хўжандда ҳам танишликларини пайқади.

¹ Шу китобдан.

— Кетдик! — деди Темур Малик Иброҳим Дўлдайга. — Бошқаларга буюринг, бунда дастурхон тайёрласунлар.

Иброҳим Дўлдай итоат билан бош қимирлатди-да, айвон зинапояларидан тушиб, яна текис харсанглар устидан шахдам қадам ташлаб, кўрғондан чиқиб кетди.

Темур Малик қалъа ҳовлисига олиб кирилган оти «Қарчиғай»га минди, дарбозагача боргач, бунда шай турган бир неча отлиқлар ихотасида карвонсаройга йўл олди. Абдулқодир аш-Шошийдек мўътабар бир одамнинг истиқболига пешвоз чиқмаслик, кутиб олиб, навозиш кўрсатмаслик мутлақо одобдан эмас, деб билди. Бу мўйсафид киши Шаҳобиддин Хивақий даражасида турувчи, шахзода Жалолиддиннинг эътиборини қозонган, салтанатнинг бообрў кишиларидан эканини дилидан ўтказди. Бундай кишига иззат кўрсатмай қалъада ўтириш айбур! «Мунший қилқалам»ни бир неча бор Гурганжда кўрган, мулоқотда бўлган эди. Кекса муншийнинг карвонга қўшилиб, бунда келиши Темур Малик диққатини чулғаб олди. Не сабабдан кейинги пайтларда эътиборли зотлар Гурганждан чиқиб кетмоқда? Бу фикр ҳам унинг хаёлини чулғаб келарди. Ҳатто ўз хизматидаги Гурганжнинг махфий кишилари Али Меҳтар билан Абдул Ваҳобларга ҳам лоқайд бўлиб қолган саркарда уларни кузатишни Муҳаммад Интизомга топширганди, холос.

Дарбозадан ўтишгач, Иброҳим Дўлдай ҳам ўз отига сакраб минди. Бу ерда найза ушлаб турган дарбозабон ва бошқа соқчи навкарлар от устида турган ҳокимга эгилиб салом беришди. У олти чоғлиқ навкарлари билан карвонсаройга йўл олди. Шай, қуролланган навкарлар ихотасида Хўжанд ҳокимининг эрта билан бозор ёқалаб карвонсарой томон кетаётгани кишилар диққатини тортиди. Еши катталар бир лаҳза тўхтаб, салом-алик қилишар, суворийлар оти жиловини кўча четига тортиб, ҳокимга йўл беришар эди. Болалар анча жойгача ҳаллослаб, суворийларга эргашиб боришарди. Иттифоқо, шу пайт, бозор ёнидан ўтишда ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма жойда ҳозир нозир, лақаби «аёс» — бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз ҳам пайдо бўлиб, ҳаллослаб келиб, Темур Маликка пешкаш чиқди. Хўжандда уч таниқли Аҳмад бор эди. Уларнинг бири Тороз шахридан бўлмиш Аҳмад Торозий, иккинчиси — Аҳмад Болосоғуний, учинчиси — Мораз қишлоғидан бўлмиш Аҳмад ибн Мораз эди... Бу одам шаҳар ҳокими келаётганини тезда пайқаб, рўпарада пайдо бўлгани отлиқларни таажжубга солди. Афтидан, шу атрофдаги дўкондорлардан унинг яқин бир маҳрами борга ўхшайди. Шу атрофга доҳил бўлган мансабдорлар ҳақида дарҳол унга хабар етиши кераклиги ҳам сезилди. Сертакаллуф Аҳмад ибн Мораз ҳокимга эгилиб салом бергандан кейин югуриб келиб, от жиловини ушлади. Бир лаҳзага ўзининг «кулбаи канори»га таклиф этди. Ҳоким илжайиб, кейинроқ, тўй-ҳашамларда бафуржа келармиз, деб айтди. Бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз ҳокимнинг қай томонга ва қандай сабаб билан йўл олаётганини билишга жаҳд этарди. Оқсоқолнинг сурбету сергаплигини унча ёқтирмайдиган Иброҳим Дўлдай уни ҳокимдан четроқ туришга даъват этиб, аввал ўз отини ниқтади. Кейин саркарданинг оти ҳам тўхтаган еридан яна қалқиб юриб кетди. Шу лаҳза Хўжанд бозорининг «ариллаган-дариллаган...» баззози Шамс ал-Мулк ўз дўконидан отилиб чиқди. Отасига қарашаётган, асли Девонбеги мадрасасининг талабаси Рукниддин ҳам ҳокимга эгилиб салом беришди. Аҳмад ибн Мораз Темур Маликка тикилиб туриб, Хўжандда сиз жаноби олийларига маъна бундоқ тобе кишилар бор, дегандек ғурур билан уларни кўрсатди. «Улар ниҳоятда одамшаванда, зарурат туғилганда сизга истаганча тилло ақчалар беришга қодир», демоқчи бўлиб турарди. Иброҳим Дўлдайнинг энсаси қотди. Лекин бари бир бозор оқсоқоли саркарданинг қаёққа, нечун кетаётганини пайқай олмади. Сергак чухранинг ўз рўпарасида турган ўқимишли муллавачча йигит Рукниддинга оз-моз рашки келарди. У тезроқ ҳокимни бундан олиб кетишга энтикарди. Карвонсарой Хўжанд

қўрғон-қалъасига нисбатан бирмунча юқориликда, катта йўл ёқасида эди. Қалъа дарё бўйида, шаҳарнинг деярлик ҳамма баланд-паст кўчалари қалъага олиб келарди. Хўжанд ҳокимининг карвонсаройга келаётганини пайқаган шу атрофдаги кишилар дарҳол муншийнинг ўғилларига хабар қилишди. Барваста йигит ичкарига кириб, қоронғи ҳужрада ухлаб ётган кекса отани уйғотди. Чол устидаги кийимларини тартибга солиб, ҳужра қозигидаги кулоҳга ўроғлиқ тайёр саллани бошига қўйиб, карвонсарой ҳовлисига чиқди. Отдан тушаётган ҳокимга яқинлашди. Чол Хўжанд ҳокимига бир лаҳза тикилиб туриб, унинг табассумини, очиқ чеҳра билан ўзига яқинлашаётганини кўриб, қучоқ очиб, омонлаша кетди. Карвонсарой ҳовлисидаги одамлар, савдогарлар, болалар шаҳар ҳокимининг кекса мунший билан илиқ омонлашаётганини кўриб, юракларидаги қўрқув ғубори йўқолиб, мамнуният билан бир-бирларига боқишди.

— Хуш келибсиз, мавлоно! Хўжандга хуш келибсиз!

— Хуш вақт бўлинг! Хуш вақт бўлинг, саркарда!

— Кўришганимиздан бағоят хурсандмен.

— Шукр, ўзига шукр! Мен ҳам сизни кўрганимдан бағоят хурсандмен.

— Қўрғонда жой тайёрлангон. Аробалар тайёр. Мунтазирмиз. Сиз мавлонони олиб кетгани келдим.

— Ташаккур! — деди омонлашиб бўлгач, ҳассасига таяниб кекса мунший. — Мен ҳозир сиз ўйлагандек Гурганждаги мартабадор кимса эмасмен. Фақир кимсадурмен, — деди атрофдаги бошқа одамларга бир қараб қўйиб, унча эшитилмас овозда. — Менинг қўрғонга боришга ва сизни безовта қилишга ҳаддим сигмайду. Бу даркор ҳам эмас. Мени маъзур тутурсиз.

— Муҳтарам зот! Мансабни бекор қилмоқ мумкин, аммо инсон закосини бекор қилиб бўлмайди. Бу ер — Хўжанд, бунда менинг ҳукмим вожиб! — деди Темур Малик жилмайиб, муншийга навозиш кўрсатиб.

— Ундоқ бўлса, мен фақат сизнинг фармонингизга бўйсунамен! Қариган чоғимда ит каби карвонга эргашиб, дашту биёбонларда жазирама қумликларда сарсон-саргардон бўлиб юришим нега керак! Гурганжни тарк этдим! Султоннинг бундан буён хизматларида бўлмасликка қатъий қарор қилдим. Саҳроларда ўлиб кетармен, деб ўйлаган эдим, мана бир ойга қолмай, Хўжандга етиб келдим. Сиздек саркарда, жамолингизни ҳам кўрар эканмен...

Темур Малик навкарларга буйруқ бериб, муншийни рафиқаси, бола-чақалари билан араваларга солиб, қўрғонга олиб боришни буюрди.

— Муҳтарам зот, ҳамма гапни унда гаплашурмиз, — деди Темур Малик, кекса мунший билан энгил хайрлашиб. Кейин отига минди-да, навкарларни бунда қолдириб, Иброҳим Дўлдай билан ўзи қўрғонга жўнади. Йўл-йўлакай Хўжанд қалъаси ёнгинасида жойлашган Намозгоҳ маҳалласидаги ўз ҳовлисига ҳам кириб чиқди.

Меҳмонлар шу куни қўрғонга, бу ерда тайёрланган хоналарга олиб келиниб, ҳаммомда ювинтирилди. Йўл кийимлари ечилиб, озода либослар кийдирилди. Кекса мунший хизматига қўйилган икки навкар бозордан бир неча хурмачада қатиқ олиб келиб, косаларга қуйиб, устига пиёз тўғраб, ҳаммаларига ичирди. Буни кекса муншийнинг ўзи илтимос қилган эди. Улар овқатланиб, шу куни ётиб ухлаб, дам олишди.

Эртасига Дорус салтана — ўймакор оқ ганчин хонада Темур Малик кекса мунший шарафига зиёфат берди. Катта хонанинг ўймакор устунлари шипдаги алвон ранг тоқилар мунший диққатини тортди. Абдулқодир «мунший қилқалам»га, унинг Хўжандга қадам ранжида қилгани шарафига чиройли тўн кийдиришди. Ноз-неъматлар тўла дастурхон устида Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний, Шерюрак Шоший, Муҳаммад Интизом, Сардор Олабуқа мунший билан илиқ

сухбатлашишди. Иброҳим Дўлдай ва яна икки эпчил навкар йигит уларнинг хизматларида эди.

— Уликлар тирик, тириklar ўлик, — деди Абдулқодир аш-Шоший. — Биз султоннинг хизмати билан банд, ҳеч нарсани ўйламай кунларни ўтказадурмиз. Аммо ул зотнинг оталари — Хоразмшоҳ Такиш, илгари бож-хироj тўламади, фиcкy фасодлар кучайиб кетди, бу салтанатга таҳдид солабошлади, деган иштибоҳлар била лашкар юбориб, она-юртим Шошни ер билан яксон этганини кейинчалик билиб, ҳушим бошимдан учди. Мен гумроҳ, молга ўхшаб юраберганмен. Шаҳримни вайрон этиб, ҳамшаҳарларимни қириб ўлдирган султонга хизмат қилиб юраберганмен... Бундан кўра ўлганим яхши эмасми? Оғо-иниларимни қириб ўлдирган жаллодга шерик бўлиб, унинг товонини ялаганмен. Мендай гумроҳга ҳар қанча жазо оз! Мен кексайганда шундай бир нобакор кимса бўлиб қолдим...

— Сиз гуноҳдор эмассиз. Сиз — покиза одамсиз.

— Шош аҳли нима ёмонлиг қилгон эканки, бунчалик жабру ситам кўрса? Султоннинг панжалари қон! Шош аҳли тамомий фуқаро божни вақтида тўлаган. Шунчаки фиcкy фужур учун тўғонларни бузиб, ариқларни қуритиб, шаҳарни вайрон қилмайдилар! Мен салтанатдан юз ўгирдим! Вайрона шаҳримга борурмен, бир сиқим тупроғим ўша вайрона култепаларда қолсун...

Темур Малик хомуш, боши қуйи, бу гапларни тингларди.

— Э, саркарда, маълумингиз бўлғайки, султон Жалололиддин хусусида «Сират ас-султон Жалололиддин Менкбурни» ёзилмоқда... Бу китоб устод Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий қаламига мансуб. Мен ким бўлғойки, бир ғариб мунший... Мен, Хурандиз қасридек бир мулкка эга эмасмен. Сайхундин нари Шош шаҳрида дунёга келдим. Аммо менинг аждодим шайхурраис Абу Райҳон ал Беруний номи покларига етиб бориб, у зот наслу насабидин, Хоразм фарзанди бўлгоним билан фахр этурмен! Наса шаҳрини вайрон қилмоқчи бўлган Ғиёсиддин Пиршоҳга лаънат ўқиган эдим. Билмабманки, шаҳрим Шошни анча йил бурун, унинг бобоси вайрон қилгон экан. Мен қандай қилиб Гурганжда ўтирурмен?!

Темур Малик курсида, тиззаси устидаги ғилофи заррин шамширини ушлаганча бу оғир гапларни хомуш тингларди. Унинг кўз олдида узоқ Хоразмдаги султон Жалололиддин пайдо бўлди. У, Қутбиддин Узлоғшоҳ, Ғиёсиддин Пиршоҳ, Оқшоҳ, Хуршоҳлардан кўра ҳам Жалололиддин Менкбурнини хуш кўрарди. У фақат саркардаликка туғилгандек, қалъаларни эмас, ўз навкарлари дилини ҳам мустаҳкам эгалларди.

— Муҳтарам саркарда, — деди мунший хаёл сураётган ҳокимга боқиб. — «Сират ас-султон...» бошламоғига «Ал-комил фит таърих» китоби сабаб бўлди. Аммо бизнинг устоди кабиримиз Абу Абдуллоҳ ибн Мусо ал Хоразмий тўрт юз йил аввал Гурганждан ота шаҳрини вайрон қилганликлари учун Бағдодга кетиб қолди. У Бағдодга бориб, «Байт ал-ҳикма»ни тузди. Сарсон-саргардон бўлиб юрган кунлари бисёр...

Кекса мунший яна Темур Маликка боқди:

— Султон хусусида сиз, саркардага яхши сўзлар айтмай, бундоқ сўзлар айтмоғим тўғри эмас. Сиз, салтанатнинг содиқ кишиси, маликсиз. Аммо сиз ҳасаду рашк билан ҳеч қачон ўз қадрдонингиз, кўргон ноиби — қутвол Шоҳмурод Кўҳистонийнинг бошини кесмайсиз. Кўп йил вазиру аъзам мансабида султонга хизмат қилган, Хуросону Мовароуннаҳрнинг машҳур кимсасини яқинда ўлдириб юбордилар. Бу фожиа авом ичида ёмон сўзларга сабаб бўлди. Бултур Утрор ҳокими Тожиддин Билгехонни чақириб олиб, даштдаги Наса шаҳрига юбордилар, қанча хизматлари билан салтанатда обрў топган, мункиллаган Билгехон қисмати ёмон бўлди... Шу қатлда бўлган бир дўстимнинг хатини ўқиб берамен. — Мунший қўлидаги китоб қатидан бир варақ қоғоз олиб, Темур Маликка ўқиб берди: — «Биз Наса ҳокими

Заҳириддин Масъуд ибн ал-Мунаввара аш-Шошийнинг кўркем хонасида ўлтургон эрдик. Кимдир келиб, ҳокимнинг қулоғига бир неча навкарлари билан Жаҳон Паҳлавон¹ ва Аёз Тошдор² келганини айтди. Бу одамлар султон томонидан юборилиб, ҳокимларни жазолардилар. Келган одамлар Дорус салтананага тушди, деган гапни эшитгач, сал-пал унга жон кирди. Заҳириддин Дорус салтананага етиб келгач, Жаҳон Паҳлавон унга султоннинг тауки³ қоғозини тутди. Фаонни ўқиб чиқишгач, у бу ерда истиқомат қилаётган малик — Тожиддин Билгехонни уйдан чақиртириб келишни, зарур иш борлигини айтиб, одам юборишди. Билгехон ўз кишилари билан келгач, одамларни ташқарида қолдириб, ўзини «маслаҳатлашмоқ учун» пастки — ертўла хонага таклиф этишди. У кириб боргач, шу лаҳза зунуд⁴ лардан бири ханжар билан кекса малик Билгехон бошини узиб, Жаҳон Паҳлавон қўлига берди. У каллани қопга солиб, шу лаҳза зудлик билан Гурганжга жўнади. «Қандай даҳшатлисан, эй маккор олам! Лаънат сенга!»⁵ Мана, саркарда, бу хатга нима дейсиз? Менинг дўстим шу фожиа устида бўлган. Тожиддин Билгехоннинг навкарлари ҳам султон фармони олдида лол қолганлар. Билгехоннинг мол-мулки талон-торож этилиб, қимматбаҳо тошлари, тиллолари султон хазинасига олиб кетилган. Султондан вафо кутганларнинг бири шу Билгехон эди. Менинг ҳам изимдан Жаҳон Паҳлавон ёки Аёз келиши мумкин, аммо, мен бундай «сийлов»га арзимаёймен. Мен на «малик», на «тоштор» ва на «вазир»! Мен бир муншиймен, изимдан от чоптириб келиш харажатига арзимаёймен. Менинг бошим ҳам жуда арзон. Қимматбаҳо тошларим йўқ, тилло тангаларим йўқ. Аммо хуржуним тўла китоб. Мана, менинг бойлигим. Султон лак-лак қўшинга эга, бошида тож, кун чиқишдан кун ботишгача ҳоким. Аслида у — майпара, кўрқоқ одам. Кишилари ноҳақ қатл этиш — мард кишининг иши эмас!

Темур Малик чолнинг дарғазаб сўзларини тинглар, аммо бир нима демас эди.

— Ҳайдалиш, бош олиб чиқиб кетиш бизнинг салтанатда янги гап эмас. Шайхурраис Абу Абдуллоҳ ибн Мусо ал-Хоразмий Қиётни тарк этди. Ул сарсон-саргардонликда юриб, охир Бағдодда қўним топди. — Чол айтган гапини яна такрорлади. Халифаи ал-Маъмун⁶ паноҳида «Байт ал-ҳикма»⁷ ни тузди. У зотнинг «Ал-китоб ал-Мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала»⁸ китоби Арасту монанд асардир. Султоннинг боболари шундоқ беназир олимни ўз ватанидан узоқларга ҳайдади. Аммо гавҳар ҳамма ерда ҳам гавҳардир. Дили пок зотлар султон саройидаги мазалатга чидалмай, Хоразмни ташлаб кетмоқдалар. Она шаҳрим Шошни вайрон этганларини узоқ вақт мендан яширганлар. Мен ақлини еган чол «Қилқалам» унвонини олдим, еганим олдимда, емаганим орқамда, деб, ҳайвон мисол эрталабдан кечгача ишлай-берганмен! Илдизим қирқиб ташлангач, қурий бошладим. Шундан кейингина косам ичидан тошбақадек бошимни чиқариб, у ёқ-бу ёққа қараб, яна бошимни тикиб ётаберганмен. Юртим, қондош-қариндошларим қирилгач, тоқатим тоқ бўлди. Менга энди бу дунёда рўшнолик қолмади, саркарда! Мен энди ўша вайрона Шошни бир кўриб ўлсам майли. Ўша вайроналар ичига мени кўмсинлар. Муддаоим шу! Мен ҳеч ерда қолмаймен, она еримга етиб олсам бас! — Чол илгари айтган гапларини беихтиёр такрорлаб, кўзига ёш олди.

Бир муддатдан кейин Темур Малик муншийга мурожаат этди:

¹ ² Хоразмшоҳнинг жазоловчи мансабдорлари.

³ Тауки — фармон.

⁴ Зунуд — жаллод.

⁵ «Сират...» китобидан.

⁶ Ал-Маъмун — халифа Хорун ар Рашиднинг (786—809) ўғли. VIII аср охири IX аср бошларида ниҳоятда тараққий топган Бағдодда яшаган.

⁷ Байт ал-ҳикма — Донишмандлар уйи.

⁸ Ал-Хоразмий асари «Ал-жабр ва ал-муқобала» — Бу асарни биринчи бор араб тилидан Роберт Чейер 1145 йилда инглиз тилига таржима этган. Кейинчалик инглизлар бу асар Европа алгебрасининг дебочаси деган. Ал-жабр — «Алгебра» ва ал-Хоразмий — «Алгоритм» бўлиб, дунё фанида қабул қилинган.

— Шош фожиасидан хабарим йўқ. Хабарим бўлгон тақдирда ҳам иложим қанча... Султон бизнинг эмас, онаси Туркон хотуннинг сўзидан чиқмағай. Бундан буён адолатсизлик бўлмайди. Хўжандда қолинг. Шаҳобиддин ан-Насавий ҳазратлари каби иззату икром этилурсиз, фикру зиёингиздан эл манфаат кўрғай...

Мунший бош чайқади.

Темур Малик муншийнинг мақсадинию юрагидаги аламини пайқади. Асабий чол туғилган шахрини вайрон қилгани учун Гурганждан, бутун имтиёзлардан воз кечганини, подшоҳга деб қирқ йил қилган хизматлари жаллодга бўлиб чиққанидан қаттиқ афсусланаётганини, вайрона култепалар томон бориши қатъий эканини аниқ сизди. Чолни йўлдан қайтариш, Хўжандда ҳамма имтиёзу шароитлар яратиб, бунда олиб қолиш асло мумкин эмас эди. Мунший аш-Шошийнинг вазоҳати шуни тасдиқлар, унинг юрагида катта алам ётганини кўриб турарди. Бу аҳволда чол Шош тепаларига бориб етадию ажали етади, деб ўйлади Темур Малик. Инсон туғилиб ўсган тупроғига шунчалик боғлиқми? Чўлу биёбонлардан сурилиб, оҳу надомат билан вайрона шаҳар қолдиқларига интилиш унинг хаёлини олди. Чолнинг чуқур кўзларига, пешонасидаги қават-қават ажинларига тикилди. Бу ажинлар қатида шоҳу ҳокимларга нисбатан бениҳоя нафрат яшириниб ётганини кўрди. Лекин чол ичдан йиғлаётган бўлса-да, Темур Маликдан бирон ёмонлик кўрмагани, у доимо Гурганждан узоқда бўлгани учун ҳам зоҳиран кулгандек бўлиб, ҳокимга итоат этарди. Аслида мунший дунёдаги барча ҳокимлардан нафратланарди; бойдик ва шаън-шавкат йўлида шаҳарларга лашкар тортиб бориб, қирғин қилиш, обод ерларни вайронага айлантириш — золимлик — барча ҳукмдорлар учун хос одат деб тушунарди.

Мунший ҳокимга ташаккур айтиб, ўрнидан кўзгалди. Темур Малик ҳам туриб, барваста қадини ростлади. Чолни ҳовлигача кузатди.

Ҳа, муншийнинг тажанг гаплари тагдор эканини пайқаган Темур Малик инсон ўзи ўлса қийналмаслиги-ю, ватани ўлса мана шундай дўзахий қийноқларда азоб чекишини кўз олдига келтирди. Низом ал-Мулкдек «замон закоси», Гурганжда «Байт ал-ҳикма» тузаман, деган вазири аъзам сидқидилдан хизмат қилиб юрган бир муншийга қарам қилолмабди, деган гапни хаёлидан ўтказди. Дарҳақиқат, Шош пойтахти Гурганж қаҳрига дучор бўлиб, ер билан яқсон бўлган эди. Бу унинг иккинчи ўлими эди. Эрон шаҳаншоҳи Доро II, ундан кейин Искандари Зулқарнайн беадад лашкар билан Мовароунаҳрни босиб-янчиб ўтиб кетган, лекин Шош йўқолмади. Хоразмшоҳ Аълоиддин Муҳаммад-Такиш «Салтанатга бўйсунмади» баҳонаси билан Сайхун томон юборилган қўшини шаҳарни вайрон этиб, талаб ўт қўйди...¹ Бу иш Гурганжда фуқародан тамоман яширин тутилган. Лекин, жони омон қолиб, тўрт томонга қочганлар бу фожиа манзарасини фуқарога етказди. Зотан бу воқеа тоабат эсдан чиқмайдиган қонхўрлик бўлган эди.

Бундан бир ой муқаддам кекса мунший Гурганждаги карвонсаройларга бориб, «тиллари боғлаб қўйилган» сарой мансабдорларининг баъзиларидан Шош фожиасини батафсил эшитиб, бу ишнинг тагига етгач, бир неча ҳафта давомида изтироб чекди, қон-қон йиғлаб, юраги зардобга тўлди. Охири Низом ал-Мулк ёнига кириб, ўзининг муншийликдан истеъфо этгани, бундан буён Гурганжда туролмаслигини маълум қилди.

— Бу телбалик! — деди Низом ал-Мулк ўшанда, қора соқолини ушлаб. — Бу ишга сайи этманг, токи султон қулоғига етса яхши бўлмас! Ахир сиз билан биз қасамёд этганмиз. Жонимизни қурбон қилмоғимиз мумкин, лекин садоқатни йўқотмаслигимиз керак!

— Керак бўлса, мени қатл этарсиз, аммо шахримни вайрон этиб,

¹ Ан-Насавий «Сират...»

уруғ-аймогимни ўлдирган қотил султонга ҳеч қандай садоқатим йўқ! — деди бароқ қошлари остида кўзлари ёниб, мунший.

— Ҳай-ҳай! Боринг, йўқолинг! Бундай гапларни менинг ёнимда айтманг!

— Қўрқасиз!? Ҳа, вазири аъзам Низом ал-Мулк, қўрқасиз! Сиз ҳам ватанингиз Ҳамадонни вайрон қилганларида буни билардингиз! Дунёда энди нима қолди! Мен, ломакон кимса кимга керакмен! Мен, қари нодон умр бўйи бу қотилга хизмат қилибмен!

— Мунший, бу ердан йўқолинг! Майли, мен сизга рухсат этамен! Мол-мулкингизни олиб, хоҳлаган томонингизга жўнанг!

— Кетамен!

— Қаёққа кетасиз? Шош энди йўқ, ҳажга боринг, ақча берамен! — деди ҳурпайиб Низом ал-Мулк.

— Очик мазорга кетамен! Билдингизми?! Ақчангиз ҳали ўзингизга керак бўлади! Султон сизнинг хотинингизни ҳам тортиб олади.

— Йўқол! — деди нафаси тиқилиб, Низом ал-Мулк. Кейин бир оз бўшашиб: — Менинг одамларим Хўжандга кетаётган карвонга қўшиб юборади... — деди.

— ...

— Хайр!

Кекса мунший орқасига ўгирилиб, индамай чиқиб кетди.

Бу гаплардан хабар топган Темур Малик мунший сиймосида ниҳоятда қатъиятли бир инсонни кўрди. Қамиш қалам ушлашдан қўли бўшаб, мункиллаб қолган бир чол юрагида шунча жасорат бор экан, қўлида доимо қилич ўйнаганлар унга тасанно айтиши керак! Муншийнинг бундай кайфияти султонга билдирилмаганини ҳам сезди. Темур Малик ҳаёли Низом ал-Мулкка йўналиб, бу юқори мансабдор кимса ҳам баъзида султоннинг кам ақллигидан юраги ёрилгудай диққинафас бўлишини эшитган эди. Агар у мунший ҳақида бир оғиз сўз айтса, чолнинг Гурганждан чиқиб, қумга кириши биланоқ орқасидан одам юбориб, «қароқчилар ўлдирибди», деб чопиб кетишлари аниқ эди.

Иккинчи боб

Мағорадаги зоҳид ва бозордаги фаррош ҳикояти

Она шахри Шошнинг вайрон бўлганини эшитиб чидолмай, Гурганжни тарк этган бағриқон кекса Абдулқодир Қилқаламнинг феълу авори Темур Маликка қаттиқ таъсир қилди. Саксон ёшга бориб қолган бир чол киши иссиқ ўрнини, мартабасини, бутун имтиёзлару ҳовли-жойларини тарк этиб, қумликлар оша сарсон-саргардон кетаётганини бир араз деб тушунса бўладими? «Йўқ! Бу қатъият! Қатъият эмас, бу — ҳақиқий жанг,» — деди ўзига ўзи Темур Малик. Бу жанг уни чуқур ўйлашга мажбур этди. Бу ҳодиса фақат султоннинг ўзбошимчалигидан норозилик эмас. Туғилган ер ҳалокати чолни оёққа турғазди. Бу, нечун сен менинг туғилган шахримни вайрон қилдинг, деган киборлик эмас, ғораткорга нисбатан тубсиз ғазаб! Лекин ўз томирлари узилиб, беватан қилинган баъзи мансабдорлар Гурганжда бемалол юрибдилар. Беш кунлик дунёда кайф суриб қолиш керак, гам-андуҳни юракка яқинлатмаслик учун боданинг кайфини суриш даркор, дейдилар ундайлар. Буни Темур Малик ўшанақа мансабдорлардан кўп эшитди.

Кейинги йилларида Хўжандга келган ҳеч бир меҳмон Темур Малик диққатини муншийчалик жалб этмаган эди. «Бу араз — жасоратми ёки шунчаки довдираган чолнинг ўжарлигимми? — деди яна у ўзига

ўзи. — Йўқ, бу — жасорат! Инсон ҳеч қачон ўз онасини унутиши мумкинми? Туғилиб ўсган ер — она! Энг паст, жирканч инсон ҳам, жуда бўлмаганда, ўлими олдидан онасини эслайди. Мутафаккир буни жуда тўғри айтган...»

Хўжандда аҳвол яхшилиги, Гурганждан кишини нотинч қилувчи бир хабар бўлмагани сабабли, Темур Малик кўнглида мунший чолни бир синаб кўриш иштиёқи пайдо бўлди. Мунший чол юрагида туғён урган нарса жезми ёки олтин — шуни билмоқчи бўлди. Йўл азоби босилиб, у бирмунча ўзига келгач, учинчи куни, муншийни Дорус салтанага чорлаб, бирга нонушта қилдилар. Муншийнинг ўғли Абдулнодир билан Иброҳим Дўлдай ҳам дастурхон атрофида ҳозир бўлдилар.

— Устоз йўқ демасалар тоғ каноридаги зоҳидни зиёрат қилиб келур эдик. У зот ҳамма вақт сиздек азиз кишилар суҳбатига муштоқдирлар, — деди Темур Малик.

— Қандай зоҳид? — чол ажабланди. — Нечун тоғ канорида?

— У кимсани сиз кўрмасингиздан бир сўз айтолмаймен, — деди Темур Малик. — Вақти-вақти билан биз у зотнинг ҳолидан хабар олурмиз. У шахс мўмин, хушфеъл кимса. Гўдаклик вақтимда ҳам шу зоҳидни эшитган эдим. Отам мени тоғ канорига олиб борган эдилар.

— Бу яхши фикр, — деди мунший. — Ўртанган дилимга бу дунёда энди даво йўқ, аммо сиз, муҳтарам саркарданинг бир оғиз сўзингиз ҳурмати, майли, бориб келайлик.

«Ўртанган дилимга бу дунёда энди даво йўқ...» Бу гап ҳам Темур Маликка ёқди. Муншийнинг ўз фикрида қатъийлиги унга ёқарди. Иброҳим Дўлдай ҳокимга қараб, билинар-билинемас бош қимирлатди, бу билан у «чол жасоратли» демоқчи бўларди.

— Бизга от, мавлонога ароба ҳозирлансин, — деди у Иброҳимга. — Ва яна катта қайиқ ҳам жиҳозлансин. Бугун шамол йўқ, сув текис оқмоқда...

Иброҳим Дўлдай ўрнидан туриб, таъзим қилиб, ташқарига чиқиб кетди.

Орадан бир муддат ўтгач, от-аравалар Дорус салтана яқинига олиб келинди. Кекса мунший ўғли билан аравага, Темур Малик, Шоҳмурод Кўхистоний, Иброҳим Дўлдайлар отга миниб, яна беш чоғлиқ қурол-яроғлиқ навкар ихотасида қасрдан чиқиб, дарё ёқаси томон юришди. Дарё бўйида улар отдан тушиб, атроф-жонибга тикилишди, қирғоқларига тўлиб, буралиб, бир неча ерда айланмалар ясаб, офтоб жимирлаётган дарёйи азим — Сайхунга тикилишди. Буюк дарё салобати билан, сезилар-сезилмас, аммо мислсиз қудрат билан кун ботиш томон силжирди...

Минглаб ариқлар, жилғалар, сойлар тошдан-тошга урилиб югурар, шалолалар баландликдан гумбураб тушар, биллурий булоқлар ўтлоқлар бағрига кирар, аммо ягона Сайхун ўзи бир дунё, қуёшга қараб, унинг йўли бўйича салобат билан Мағриб сари оқарди. Қирғоқда, сув юзида устига соябон тutilган катта кемада — ҳар томонидан уч эшакчи — олти забардаст киши кутиб туришарди. Темур Малик муншийга дарёнинг нариги томонидаги Қўнғиртоғни ҳам кўрсатди.

Хўжанд шаҳри баланд деворлар билан ўралган. Қалъанинг кўкўпар кунгуралари офтобда ярқираб турибди. Сайхун Хўжандни ўраб, айланиб оқади. Рўпарада Қўнғиртоғ, унинг чўққилари оралаб ҳали бирон отлиқ ўтолган эмас. Искандар Хўжанд остонасида қаттиқ талафот кўрган. Сайхун ўртасида катта-кичик бир неча ороллар бор, бу ерга ўн минг чоғлиқ лашкар жо бўлмоғи мумкин. Сайхун Хўжандни ҳар қандай ёвдан химоя қилиб туради. Баланд тоғларнинг нариги томонида яқсон бўлган Шош, ундан нарида Утрор, ундан нарида Туркистон... Хўжанд — султоннинг тўрт мустақкам қалъасидан биридир.

— Вақтийки, Искандар Зулқарнайн мағрибдан лашкар тортиб

келганида, қалъаларнинг баланд деворлари фойда бермади, — деди Темур Малик. — Мардум кўксидаги қалб қалъаси яхши иш берган. Хўжанд қалъасини на Афросиёбу Искандар, на салжуқийлар султони Санжару ва на каракиданлар подшохи Гурхон ололган!

Ҳассасига суяниб турган Абдулқодир мунший ёш ҳокимнинг бу сўзларидан мамнун бўлгандек бош қимирлатди.

— Муҳтарам зот! — деди йўлда яна Темур Малик, муншийга мурожаат этиб. — Сизнинг инсон «қалб қалъаси» хусусидаги фикрингиз бағоят қимматлидур. Биз ҳар куни чопқи машқи, найзабардорлик машқи, камон машқи, сув машқи қиладурмиз. Қадрдоним Шохмурод Кўхистоний навкарларни машқ ила тоза чарчатадур.

— Азиз саркарда! Тоғу дарё ва яна қалъа сизнинг шижоатингизга суянса, анда сизни на Искандар ва на Доро енга олур!

— Ташаккур! *

Оту аравалар дарё ёқасида қолди. Улар зинапоялардан пастга тушиб, кемага ўтишди. Темур Малик ишораси билан катта кема дарёни оқими томон қия кесиб сузиб кетди. Бир муддатдан сўнг улар лиммолим сув устида сузиб бориб, нариги қирғоққа ўтишди. Аввал ҳоким, кейин муншийни навкарлар кемадан кўтариб олиб, бу ерда кутиб турган оту араваларда тоғ канори томон юришди. Улар бир муддат юқорига кўтарилишгач, икки баланд чўққи оралиғида, булоқ бўйида деворлари харсангтошлардан кўтарилган кулбага етишди. Уларнинг ташрифи соқоллари ўсиб кетган ярим яланғоч кекса бир одамнинг икки тегирмон тоши катталиғидаги текис бир харсанг устида бошини сулдаги қўйган пайтига тўғри келди. Улар бир муддат отдан тушиб, кулба ёнида чўққайиб ўтиришди. Ҳар йили ҳокимнинг икки-уч келишини сочлари ўсган зоҳид биларди. Бир муддатдан кейин ўрнидан туриб, меҳмонлар билан омонлашди. Икки қўли кўксида, Темур Маликка навозиш кўрсатиб, ҳужрадан курси олиб чиқди. Лекин ҳоким курсини муншийга қўйди. Қирқ йилдан буён бу тош устида ибодат қилиниб, яхлит, текис харсангтош устига пешона, икки тиззаси излари тушиб, чуқурча бўлиб қолганига кўзлари тушди. Темур Малик бу изларни муншийга кўрсатди. Зоҳидни унинг ўз олдида мактаб, менинг отам ҳам бу азиз банда ҳузурига келган эканлар, деди. «Бу азиз одам тоғ канори, мағорага, узлатга чекинганда ҳали биз дунёда йўқ эдик...» Темур Малик мунший ҳақида зоҳидга яхши гаплар айтиб таништирди. Шундан сўнг Темур Малик зоҳидга мурожаат этди:

— Э, зоҳид, марҳамат қилиб, бизга баён этгил, не сабабки, тарки дунё этиб, бу мағорани ватан қилдинг?

— Беш кунлик умримни ўзига бағишлаганман.

— Э, зоҳид, бу йўлни ихтиёр этганингда неча ёшда эдинг? — деб сўради мунший.

— Йигирма ёшда эдим...

— Қандай сабаб бу йўлга тортди?

— Саодат умидида эрсанг, тоат-ибодат қил, дедилар.

— Э, зоҳид, менга айт-чи, — деди яна савол бериб кекса мунший, хирқаси ёқасига тўғнаб қўйилган бир игнани қўлига олиб, — бу игна тешигидан туя ўтадимми?

— Бу чол жинни бўлиб қолганми? — деди зоҳид, Темур Маликка қараб. — Игнанинг тешигидан ҳам туя ўтадимми?

Мунший зоҳидга тикилиб, қовоғини солди. Темур Малик муншийга боқиб, бу одам ҳақида бир нима яхши сўз айтади, деган хаёлга бориб турган эди, чол индамади. Бир муддатдан сўнг, муншийнинг имоси билан ўринларидан қўзғалдилар. Муншийнинг кутилмаганда қўзғалиши ва таъби тирриқ бўлганига Темур Малик тушунмади.

— Луқмони ҳаким минг ёшга кирган эканлар... Шунда ҳам, мен у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетдим, кўп яшолмадим, деган эканлар. Атрофларидаги донишмандлардан бири ногоҳ, э, ҳаким, не сабабдин уйингизга бир тузукроқ эшик қурмагансиз? деб сўраб қолибди. Луқмони ҳаким, шу умрга ҳам овора бўлиб, уйимга эшик

қуриб ўтираманми, деган эканлар. Ҳурматли саркарда, у — Луқмони ҳаким, биз — бир мунший, эртаю кеч султоннинг амру фармойишларини ёзадургон... Луқмони ҳакимдан фарқимиз шулки, бизнинг илдимиз ер ичида, биз болаларимизни, навкарларимизни ўйламай иложимиз йўқ. Луқмони ҳакимнинг тупроғи бошқа ёқдан олинган. Улар эшик қуришни эп кўрмаганлар. Биз қурамыз, чумолидек оёғимиз тинчимайди. Менинг шаҳримни вайрон қилиб, ер билан яксон этган эканлар, демак, мен шаҳримни бошқатдан қурамен! Ун бор бузсалар, ўн бор қурамен! Юз бор бузсалар, юз бор... Лекин султон бу ишлари учун элу халқ олдида жавоб берадилар!

Улар яна отларга миниб, муншийни аравага ўтқазиб, дарё томон қайтишди. Дарёдан кечиб, Хўжанд бозори ёнидан ўтишда уларга бир жулдур либос кийган пешонасини танғиган фаррош рўбарў келди. Унинг қўлида тугун, елкасида каттакон супурги, бўза ичиб олган бўлса керак, ниҳоятда кайфи чоғ эди. У ҳокимини таниса ҳам, парво қилмай, ашуласини баралла қўйиб борарди. Темур Малик фаррошни кўриб кулди. Нописанд, бошини баланд кўтариб кетаётган кимсани олиб келишни Иброҳим Дўлдайга буюрди.

— Э, фаррош, бизга хурсандлигинг боисини айт. Нечун бугун гоятда кайфинг чоғ? — деб сўради Темур Малик.

— Мен бугун саҳарлаб келиб бозорни супурдим, йўлларни тозаладим. Ҳафталик хизматимга ҳақ олдим. Сахийлар берган ақча бир қадоқ гўшт, тўрт кулча, уч қадоқ дон ва бир қадоқ новвотга етди. Бугун қозон қайнайди, болаларим новвот ейди. Мен хурсанд бўлмай, ким хурсанд бўлсин! Мана шунга кайфим чоғ! — деб жавоб қилди фаррош.

Бу жавобни эшитган мунший дарҳол аравадан тушиб, фаррош билан омонлашди. Юқори мартабали кишиларга хос либос кийган чолни кўрган фаррошнинг ҳуши ўзига келди. Кекса кимсаларни ниҳоятда ҳурмат қилишга одатланганиданми, дарҳол тугунли қўлини кўксига яқинлаштириб салом берди.

— Э, фаррош, ҳокимга қилгон жавобинг менга маъқул тушди. Айт-чи, мана бу игна тешигидан туя ўтадимми?

Фаррош кулди.

— Тақсир, ўзи истаса, бу игна тешигидан туя эмас, ўн саккиз минг оламини ўтқазиб юборади!

— Жавобинг ёқди! — деди мунший кулумсираб, — дономен деганлар доно эмас, сен доносен!

— Бу чол жинни бўлиб қолганми? — деди бундай гапларни умрида эшитмаган фаррош, Темур Маликка илжайиб. Ҳоким фаррошнинг илжайишини сезмагандек сукут сақлади.

— Агарда бу зот девона кимсани кўрмоқчи бўлсалар, ана, девор тагида ўтирган сўқир чол билан ҳам гаплашсинлар, — деди фаррош, Темур Маликка мурожаат этиб.

Уларнинг гуфтигўсига жон қулоғини тутиб, кузатиб турган сўқир чол ўтирган ерида гап қотди:

— Ҳа, умрим ўлжага қолган. Офтоб менинг танимга тушиб турибди. Бу — бахт. Бу тана аллақачон тупроқда чириб кетган бўларди. Ҳамма нарса менинг учун бўлаётгандай, табиат менга ёқади, шуқр қиламен. Ёмғиру шамоллар, кечаю кундуз, дарахтлар, ўтлар, гуллар... ҳаммаси мен бир сўқир чол учун яратилгандай. Менга ҳамма нарса ёқади, шикоятим йўқ.

Улар яна йўлларида давом этиб, қалъага кириб келишди. Яна ўша устунлари ўймакор, тоқилари нақшин баланд айвонда ҳордиқ чиқаришди.

— Чарчамадингизми, устоз, — деб сўради Темур Малик.

— Муҳтарам саркарда! Бу юриш мендек фақирга истироҳат бўлди. Мен кум саҳролари ичида надомат билан келдим. Унинг олдида бу ҳеч гап эмас. Киши туғилиб ўсган шаҳрини йўқотса, бундан оғир ситам йўқ. Агар юртимни вайрон қилмай ўзимни қирқ кун товада

жизганақ қилсалар, султондан заррача хафа бўлмасдим. Буни тақдирдан кўрган бўлардим. Аммо мен энди то маҳшар юртим дардида азоб чекадурмен. Зоҳидни кўрсатганингиз жуда маъқул бўлди. Мен эсини еган чол ҳали ҳам дунёни яхши билмас эканмен.

— Мавлоно, сизнинг фикрингизча, зоҳид улуг одамми? Уни авлиё ҳам дейишади.

— Йўқ, саркарда, у — дўзахи! У — иблис! У, фақат жаннатга тушиш илинжида ётибди. У, ватанидан, элидан, бола-чақасидан кечиб, узлатда жаннатни тамаъ қилиб ётибди. У ҳамма жиҳатдан ҳақиқий дўзахи! Лекин биз бозорда рўбарў келган жулдур либосдаги фаррош саодатли одам. У, йўлларни, бозорни супуриб, тозалаб, авомга хизмат қилади. Болаларига хўрақни ишлаб топади. Фарзанд боққанидан бағоят масрур. Шу фаррош ҳақиқий одам!

Темур Малик бу гапни эшитгач, донг қотиб қолди. Мунший унинг кўзига жуда ҳам ажойиб одам бўлиб кўриниб кетди. У даҳрий эмасмикан, деган шубҳа ҳам хаёлидан ўтди. Наҳотки, қирқ йилдан буён сифиниб, туну кун тоат-ибодат қилиб ётган кимса дўзахи бўлса?

Шу кеча тун бўйи Темур Малик хаёлидан зоҳиднинг «дўзахи» лиги кетмади, чалкаш фикрлар боши атрофида аридек ғувулларди. У, мағорадаги зоҳидни дунёдаги энг асл одам деб тушунарди. У ёшлигида полвон йигитлар билан қаттиқ бел олишиб, чалиниб энгилганида хафа бўлмас, аксинча рақибининг ҳалол курашидан завқланар, тантилик кўрсатарди. Мунший чолнинг рост, юзхотир қилмай гапириши Темур Маликка ёқди. Лекин ҳар қалай у хаёлот дарёсига чўкди. Отда чопиш, қилич солиш, найза уриш, камон отишда қудратли бўлиш яхши, аммо ўз сарбозларининг қалб қалъаларининг мустаҳкам бўлиши, бу, жуда ҳам муҳим экани хусусида бош қотира бошлади.

Учинчи боб

Ноғоралар так-тумида ҳарбий машқ

Абдулқодир муншийни Шош вайроналари сари жўнатган Темур Малик бу муҳожирлик муносабатларини ўйлаб, катта айвон сўрисида хаёл суриб ўтирарди. Гўё «зимистон қиш келиб, турли қушлар Жайхун ёқаларини тарқ этиб, иссиқ мамлакатларга учиб кетаётгандай» сезилди. Эҳтимол, Сайхун ёқаларини ҳам ташлаб кетаётганлар бордир? Бу, яхшилик белгиси эмас, албатта. Кексаликда муншийнинг зор-зор йиғлаб, қум саҳроларида кезиб юриши — сарой ичида «сичқону» «каламуш»ларнинг кўпайиб кетганидан эмасмикан? Султон кўзининг ёғини еганлар фуқаро аҳволдан тамоман бепарво. Шу сабабли олиму уламо, фозилу фузало, шоиру шуаро... атроф-жонибга тарқаб кетмоқда...

Бундан икки йил муқаддам Ахсикат беги Садриддин Музаффар Оталиқ таклифи билан Темур Малик у томонга бориб, бир ҳафта меҳмон бўлиб келди. Бек анча кексайиб қолган, нуроний юз, сўзлари бағоят сермаъно кимса эди. «Бир дарёдан сув ичамиз, Ахсикатдан анор оқизсак эртага Хўжандга етиб боради... Масофа узоқ эмас, бир ёрнинг фарзандларимиз», — деган эди Садриддин Музаффар Оталиқ, Темур Маликка навозиш кўрсатиб. Лекин унинг Фарғона водийсига донғи кетган бениҳоя гўзал қизи Темур Маликдан юзини бекитмай, ўзини эркин тутиб, отаси ёнида суҳбатга аралашиб ўтиргани лол қолдирди. У қизнинг номи Қоракўз бека бўлиб, шаддодлиги, сўзга чечанлиги билан Темур Маликнинг ақлини ўғирлади. Аммо бари бир Гурганжда кўриб, ғойибона яхши кўргани раққоса Нигиначалик дилига оташ соломлади. Қамар олдида Зухро юлдузи бўлиб кўринди. Кейинчалик бек, гарчи ёш бўлса ҳам, «малик» даражасига етган ҳокимга итоат юзасидан Хўжандга Ахсикатдан туҳфалар юбориб турди. Шундай туҳфалар ичидан бир гал Қоракўз бека қўли билан тикилган либос ҳам

чиққанида, бекнинг «бир ернинг фарзандларимиз», «Ахсикатдан Сайхунга анор ташласак, эрта тонгда Хўжандга етади» деган сўзлари қулоғи остида қайта янграгандек бўлди. Аммо минг афсус, Хўжанд ҳокими Туркон хотун продаси билан қиётлик беклардан бирининг қизига уйланган эди. Буни кейин билиб қолган Қоракўз беканинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, ҳафсаласи пир бўлади. Унинг қалбидаги эзгу бир илинж ўрнини аллақандай адоват эгаллайди, отасининг Хўжандга мутельлиги асир қилиб, дарғазаб ҳолга келади.

Булардан Темур Маликни мутлақо беҳабар деб бўлмайди. Ахсикатдаги ўз одамларидан сардор Муҳаммад Интизом орқали хабар топади. Хўжанддаги Садриддин Музаффар Оталиқнинг ўз кишиси бўлмиш дўкондор Давлат Ҳожи бу ердаги аҳволни етказиб турар, унинг ишларига на ҳоким, на Шоҳмурод Кўҳистоний ва на сардор Муҳаммад Интизом монелик қиларди. Ҳожининг махфий ишларини ипак қуртига қиёс этишарди: у аслида беозор қурт, қурт бўлганда ҳам ипак тўқийди, яъни Хўжанд манфаатига зарарли иш қилмайди. Айни вақтда Ҳожи Ахсикатга ҳам, Хўжандга ҳам хизмат қилмоғи мумкин.

Давлат Ҳожи орқали Темур Маликка йўлланган наврўз мактубида Қоракўз бека бир байт шеър илова қилади. Аммо бу мактуб Бинафша бека орқали Ойчечак қўлига тушиб, уни ёқиб юборади. У ҳам бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз орқали ўз мактубини Ахсикатга йўллайди.

Темур Малик айвон устунига суяниб ўтирганича, Абдулқодир Шошийни ўйларди, одамзод қариб, вақти етгач, ўз она тупроғини қидириб қолармикан. Йўқ, деди у ўзига-ўзи, бундай туйғу ҳаммада ҳам бўлабермайди. Ҳаммага ҳам бундай жавоҳир туйғуни насиб этабермайди. Мунший қалбидаги туйғу, бу «ўзига кафанлик ҳозирлаб қўйиш» маъносида эмас, бу туйғу — ватан, она ер, фуқаро туйғусидир! Саркарда хаёлини мунший қисмати чулғаб олган, у айқириб оқаётган Сайхунни — мунший қалбидаги ватан изтиробларини кўриб турарди-ю, оқим тагидаги яна бир чуқур оқимни кўрмас эди.

Киши дилини андуҳ эзса, у бир ерда ўтирмай, ҳаракат қилмоғи — юрмоғи даркор. Токи томирларда қонининг равон оқмоғи ҳар қандай ғазабни тарқатиб, юракни андуҳдан фориг этадир. Кўксини захга бериб, забун ётмоқ — эр кишининг иши эмас, тан ичра жон бор экан, киши ҳаракат қилмоғи даркор, дерди машойихлар. Аммо андуҳ сабабли эмас, киши ҳар доим барвақт ётиб, офтоб ёйилмай турмоғи, танидаги барча аъзоларини жунбушга келтирмоғи — сиҳатлик ва донолик белгисидир. Ев босқини бўлмаса, киши ҳар қандай зарур ишларини ҳам бир муддат тўхтатиб, танни жунбушга келтирмоғи фарздир. Бу фикрларни Темур Малик қулоғига ёшлигидаёқ отаси қуйган эди.

У одатдагидек, тонг ғира-ширасида туриб, ювиниб-тараниб, отда шаҳар четидаги майдонга келди. Шоҳмурод Кўҳистоний аллақачон эгарланган «Қарчиғай»дек шай бўлиб, ҳокимни кутиб турарди. Унинг ёнида Шерюрак Шоший, сардор Олабуқа, Қанғли Арслон, Муҳаммад Интизом, Ҳусайн Говлар бор эди. Ҳокимнинг Иброҳим билан келганини, унинг руҳи тетиклигини кўришиб, ҳамманинг юзида кайфичоғлик аломатлари зоҳир бўлди. Машқни бошлашдан олдин у бир муддат майдон четидаги курсига ўтириб, Шоҳмуроду Шерюракни, сардор Олабуқа билан Муҳаммад Интизомни курсига ўтиришга таклиф этди. Бир зарур гап айтади, деб лашкарбошилар унга қулоқ осиб турган эди, — «ҳар қандай зарур гапдан ҳам китобот муҳим» дегандек Шоҳмурод Кўҳистоний кўксига тутган китобга боқиб, унга мурожаат этди:

— Азизим, бу кеч ҳам «Алиф лайло ва лайло» ўқиган кўринасиз. Бизга бирон ҳикоят айтиб беринг.

Бошқалар ҳам Кўҳистонийга тикилишди, саркарда илтимосини маъқуллашди. Негадир «машқни бир муддат кечроқ бошлаймиз» дегандек қилишди. Майдонни тўлдириб турган мингдан ортиқ сарбозлар ўзларича қиличбозлик машқини давом эттиришар, лекин улар унча олатўполон қилишмас, саркардадан кўз узишмас эди.

Шоҳмурод Кўҳистоний қўйнидаги китобдан ўзига маъқул бўлган бир неча жойларини белгилаб қўйган эди китобни олиб, белгилаб қўйган жойларидан бирини ўқий кетди:

— «Эшитдимки, подшоҳ қўлга тушган бир асирни ўлдиришга ҳукм этди. Ҳаётидан умид узган асир оғзига нима келса шуни айтиб, подшоҳни ҳақорат қила бошлади. Жонидан умид узган киши кўнглига нима келса, шуни айтади. Подшоҳ асирнинг сўзларига тушунмай, вазирларидан, асир нималарни сўзлайди, деб сўради. Раҳмдил, шафқатли вазир айтдики, э, подшоҳим, асир сиздан марҳамат сўраб, инсонларга марҳамат, шафқат қилганлар жаннатга тушади, демоқда. Подшоҳга вазирнинг сўзи таъсир қилиб, асирни озод этди. Аммо, вазирга зид иккинчи бир мансабдор, вазир ёлғон сўзлапти, деб подшоҳни огоҳлантирди. Асир сизни ҳақорат қилмоқда, деди. Подшоҳ айтдики, майли, у, вазирим, сиз айтганингизча, ёлғон сўзлаган бўлсин, аммо унинг ёлғони менга сизнинг тўғри сўзингиздан кўра ҳозир маъқулроқ. Чунки унинг ёлғони яхшилик, сизнинг тўғри сўзингиз ёмонлик келтиради».

Темур Малик бу ҳикматли гапни Шоҳмурод Кўҳистоний бекорга ўқиб бермаганини фаҳм этди. У ўйлашиб қолди: Гурганждан келган икки фармон ҳаёлини олди. Бири султондан, иккинчиси Туркон хотундан эди. Туркон хотун Утрор ҳокими Инолхонга мадад юбормаслик, Шош вайроналарини тикламоқчи бўлган савдогарларга ҳуқуқ бермаслик хусусида ёзган. Бу фармон султон фармонини бекор қиларди. Икки ўт орасида қолган Темур Малик биринчи фармонни қаттиқ туриб қувватлаган Шерюрак Шоший билан уч кундан бери гаплашмай, қовоғини солиб юрарди. У Туркон хотундан келган фармонларни ёқтирмасди. Бу сафар ҳам иккинчи фармон уни ғазабга солиб, ҳақоратомуз гап чиқиб кетганини ўзи сезмай қолди. Хўжандда, ҳатто қалъа ичида ҳам Туркон хотуннинг айғоқчи кимсалари борлигини биладиган Муҳаммад Интизом бу ҳақда неча бор Темур Малик қулоғига шипшитган эди. Шу сабабли ҳам Шерюрак Шошийнинг меъеридан ошган гапларини ёқтирмас, агар тилга ҳадеб куч бераберсангиз, мансабингиздан жудо этаман, деб огоҳлантирар, кўпинча эса, жиззакилик қилманг, сиёсат билан ўйнашиб бўлмайди, деб унга танбеҳлар ҳам берарди. Лекин аслида қилични яхши чопадиган бу одам саркардага жуда ёқарди.

— Сардор Шерюрак, сиз — ўша асир! Сиз эса, — деди Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистонийга боқиб, — яхши вазир!

Шоҳмурод кулиб юборди:

— Бу ерда биз тўрт кишимиз, тўртовимиз ҳам, сизнинг энг садоқатли вазирларингизмиз! — У ёнида турган Муҳаммад Интизом, Ҳусайн Гов, сардор Олабуқаларга кўз ташлади. Иброҳим Дўлдай «жангга» кириб кетган.

Темур Малик сарбозларга ишора қилган эди, бирдан ногораларнинг так-так, тум-тум, так-так, тум-туми бошланиб кетди. Йигитлар одатдагидек жуфт-жуфт бўлиб, қиличбозлик қилишни авж олдириб юборишди. Қиличлар шарақа-шуруқ овоз чиқариб осмонда ялтирарди. Машқ қиличлари ҳақиқий қиличдан бир қадоқча оғир бўлиб, тиг томони арра бўлиб кетган. Навкарлар ўзларининг ҳақиқий қиличларини доимо чархланган қолда тайёр тутишарди.

Энлик қайиш қамари билан белини сиқиб, пешонасини тангиб олган Темур Малик ёғочга осиглик қиличлардан бирини олиб, майдонга тушиб кетди. Ҳокимга йўл бериб, уни аяб четланган йигитларни ёқтирмасди; машқ ҳам ҳақиқий жангдек бўлиши лозим, дерди. Бирон ери лат эса ҳам астойдил қилич солиб, сипар тутадиган, пайт пойлаб, «рақиби» гарданига қилич соладиган сарбозларни юқори баҳоларди. Шу сабабли у фақат ногоранинг така-туми эмас, бўйнига дўмбира осиб олган жулдур кийимли йигитни ҳам имлаб, ўртага туширарди. У жазавага тушиб, сакраб, нор туядек лабларидан кўпик сочиб ўйнаб, икки савағич билан дўмбирани ура кетди. Темур Малик ҳам бир-икки

«хамла»дан кейин оломон ичида кечгача чопди-чопди бўлса ҳам, чарчамайдиган Аҳмад Дажжол деган қорача йигитга яқин борди. У ҳам ҳокимнинг атай сурилиб, чап қўлида қалқон, ўнг қўлида оғир қилич, дам у йигитнинг қалқонига уриб, дам чап томонидаги йигитга тиг ҳавола қилиб, тобора яқинлашиб келаётганини кўрди-да, илжайди. Бош ирғаб ҳокимга салом берди-ю, ҳамласини тўхтатмай, Темур Малик томон хўроз бўлиб бора берди. Баъзи йигитлар сездирмай, ҳокимга йўл бериб, ичкарироққа киришар, унинг ҳар гал Аҳмад Дажжол билан олишишни ёқтиришини яхши билишарди. Бу гал ҳам улар бир-бирларига кўзлари тушгач, бир-бирларига яқин келиб, қилич солиша кетишди. Юз чоғлиқ бошқа йигитлар ҳам эрнинг чангини кўтариб «жанг» қилишарди. Машқ шовқини анча узоқда бўлишига қарамай, қийқириқлар Хўжандга, бозору каппонларга эшитилиб турарди. Эрта билан Темур Малик навкарлари машқ қилаётганини билишарди. Ҳокимнинг кейинги пайтда муттасил машқ қилиши, яхши отлар сотиб олиб, катта қайиқлар қурдираётганини яхши фаҳмлар эди. Кўплар Гурганжу Бухорода, Утрору Ушда бунчалик ҳарбий машқлар йўқлигини, аслида бундай бўлмаса ҳам, бу иш, албатта, султоннинг иродаси билан бўлаётир, деб тушунишарди.

Темур Малик билан Аҳмад Дажжол чунонам бир-бирларига қилич солишдики, қалқонларининг тарақлаши қулоқни батанг келтирди. Уларнинг икковлари ҳам терлаб кетишган, лекин бир-бирларидан узоқлашмай, қилич ҳавола қилишар, пайт пойлашар, қўлларидан қилични учириб юборгудай зарб билан уришарди.

— Қалайсан, Аҳмад! — Темур Малик кўзлари ёниб, «кучли рақиб»га гап қотди.

— ...

— Нега жавоб қилмайсен?!

Аҳмад Дажжол илжайиб оғзини кўрсатди. Унинг лаблари шишиб кетган эди. Уларнинг ёнгиналарида машқ қилаётган йигит ҳокимга ҳаллослаб, тарақ-туруқ ичида бақриб гапирарди: «Саркарда, Аҳмад кеча қумғондан сув ичаётганида лабини қовоқ ари чақиб олибди, бечора икки кундан буён гаплашолмайди...» Темур Малик у билан «жанг»ни тўхтатиб, йигитлар орасидан ташқарига олиб чиқди. Табибни чақриб, Аҳмад Дажжолни унга топширди. Машқдан сўнг энг яхши йигитларига ҳар гал кийдириладиган тўнлардан бирини Аҳмад устига ёпиб, камарни белига боғлади. Дарҳақиқат, Аҳмад паҳлавон йигит эканига кўплар тан берарди. Бу шарафлаш ҳаммага ёқди.

— Қумғондан сув ичаётган эдингми?

«Ҳа» ишорасини қилиб, бош қимирлатди Аҳмад.

— Уша қовоқ ари сенинг лабингни чаққандан кўра сардор Шерюрк Шоший тилини чақса бўлмасмиди?

Отдан тушиб, ҳоким ёнига келган Шоҳмурод Кўҳистоний хохолаб кулиб юборди. Аччиқ гаплар айтиб, кейин тезда пушаймон бўладиган сардор Шерюрк Шоший, Қанғли Арслон ва сардор Олабуқалар ҳам қўл қовуштириб туришарди.

— Дунёнинг тескарилигини қарангки, ари ҳам камгап, аммо қиличи бурро одамнинг тилини чақиб, тили аччиқ одамнинг тилини чақмайди-я!..

Устига тўн кийиб, белини камар билан боғлаган Аҳмад иситмаси чиқиб, тили оғзига сигмай, шишиб турганига ҳам қарамай саркардага ўнг қўли кўксига, таъзим қилди. «Ташаккур!» сўзини айтишнинг иложи йўқ эди.

— Табиб жаноблари! Бу паҳлавонни аробада уйига элтиб, яхши до-рулар била шифо беринг!

Улар жўнаб кетгач, Темур Малик Шерюракка имо қилди:

— Қани, сардор, «жангга» тўшамизми?

— Амрингизга тайёрмен!

— Қилични олинг!

Улар иккови ола тўполон ичига кириб кетишди. Ҳокимнинг яна

«жангга» кирганини кўрган ноғарачилар така-тумга авж беришди. Жулдур кийимли, бўйнига дўмбира осган йигит ичкарига кириб, яна жазавага тушди. У бақирар, нор туядек оғзидан кўпик сачратарди. Шерюрак билан Темур Малик «жанг»лари жуда ҳам қизиб, ниҳоятда терлаб кетишди. Пайдарпай қалқонга урилаётган қилич саркардани шошириб қўяётгандай, уни аямай ураётгандай кўринди. Бу ноқулай ҳолни кўрган Иброҳим Дўлдай бехосдан Шерюрак қиличига қилич уриб, қўлидан учуриб юборди-да, унга хўмрайиб қараб қўйди. Ердан қиличини олиш учун энгашган Шерюрак орқасига қиличнинг ёни билан туширди. Ундан сўнг ўзи саркарда билан «ҳадис» ола кетди. Саркардага имо қилди. Темур Малик Иброҳимга боқиб, билинар-биринмас кулди: «иложимиз қанча, жангда ҳеч ким бир-бирига шафқат қилмайди...»

Офтоб ёйилгач машқ тўхтаб, бир қисм навкарлар «арра» қиличу қалқонларини кўтариб, юзбоши орқасидан боргоҳга, бир қурум кишилар ўз уйларига жўнашди. Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний, Муҳаммад Интизом, сардор Олабуқа, Иброҳим Дўлдайлар ҳоким билан бирга қалъага келишди. Темур Малик машқ тугаши биланоқ қолган икки тўннинг бирини «яхши олишган тоғлик навкар»га, иккинчисини «ўз саркардасини ихота қилиш ҳам мардликка киради...» деган маънода Иброҳим Дўлдай устига ёпди. Чарчаган Темур Малик майдондаги машқ тўполонидан кейин отда кетаётганида хаёлига бундан ўн йилча муқаддам Самарқанд ёнидаги Катвон даштида каракиданлар бош кўтаргани, уларни бостириб, Самарқандни қўлга киритиш учун бўлган жангни эслади...

Тўртинчи боб

Ун етти гўдак муаммоси ва икки она даъвоси

Ушбу саҳифаларда мелодий ҳисоби билан роппа-роса етти юз олтмиш йил бурун Гурганжда бўлган бир воқеа қаламга олинди. Шу йили Темур Малик Хўжандга ҳоким этилиб тайинланган, «иктоъ»¹ ва сўнг «малик»² номи берилишида шаҳзода Жалололидиннинг илтифоту кўмаги борлиги унга маълум эди. У ўша йиллари шаҳзоданинг яқин дўстларидан бири сифатида ҳарбий машқларда қатнашиб, доимо унинг ёнида турарди. Атайинми ёки тасодифми, ўз ҳушёрлиги билан шаҳзодани бир неча бор фалокатдан сақлаб қолган. Келтирилган таомни аввал чашнагир тановул этишини таъкидлар, камончилар машқи пайтида четроқда туришни, иложи бўлса, келмаслигини маслаҳат берарди. Туркон хотун уни хуш кўрмас, Узлоғшоҳни валиаҳд ва амакиси Насриддин Маликшоҳнинг ўғли Ҳиндухонни ҳам вақти келиб тахтга чиқариш нияти борлиги ҳам маълум. Шу сабабли саройда Жалололидиннинг бошқа оналардан бўлган укалари Узлоғшоҳ, Пиршоҳ, Оқшоҳ, Гурсанжтишоҳ, Хуршоҳларнинг махфий тарафдорлари борлиги баъзан Жалололидинни безовта қиларди. Садоқатли дўсти Темур Маликдан бу гапларни яширмасди. Каракиданлар билан бўлган ўша жанг, Бухорога қарши юришда катта жасорат кўрсатган Темур Маликка кейинчалик султон ўз қўли билан шамшир туҳфа этади. Бу иш Туркон хотунга ёқмайди, ўнлаб фарзандлари ва бошқа аслзодалар қолиб, Сайхун ёқасидан келган бир кимсага шунчалик илтифот кўрсатиш кампирни ғазаблантиради. Лекин султон онасини юпатиб, бу бир сиёсат экани, шу йўл билан салтанатнинг машриқдаги қалъаларини маҳкам ушлаб туриш кўзда тутилганини билдиради. Бўлмаса,

¹ Иктоъ — амир ва ҳокимларга бериладиган ер-сув, вилоят ва катта инъом.

² Малик — ўн минг отликқа эга ҳоким.

Болосоғун томондан каракиданлар ёки Бадахшон беклари Сайхунгача бостириб келиши мумкинлигини тушунтиради. Бурни устида қорамайиздек холи бор Жалололидинни бувиси, атрофидаги мансабдорлар «Менкбурни», яъни «бурни устида холи бор» деб атардилар. Бу ном Жалололидинга унча ёқинқирамасди.

Кунлардан бир кун, иттифоқо, султон Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ саройида ҳамма фарзандлари, оға-иниларининг ўғиллари — юз чоғлиқ аслзодалар тўпланди. Жалололидин билан Узлоғшоҳ тахт ёнига яқин ўтирарди. Бу йиғинда вазири аъзам Низом ал-Мулк ва унинг иниси, лашкарбоши Тоғантуғди ҳам ҳозир эди. Шоҳ катта айвон четида, ўймакор гулдор икки баланд устун оралиғида қатор турган ўн етти гўдакка шаҳзодалар ва ёш соҳибқиронлар диққатини тортди. Гўдаклар тўрт-беш яшар бўлиб, бир хил либос кийдирилган. Уларнинг бўйлари баробар, қош-кўзлари ҳам бир-бирларига жуда ўхшаб кетарди. Улар қилт этишмасди. Гўдакларга қулиш, гапириш ман этилган, улар атай суратдек қошиб, қимир этмай туришарди.

— Бу гўдаклар ичидан ўғил болалари билан қиз болаларини ажратиб беринглар, — деди тахтда ўтирган султон, ясениб, виқор билан турган аслзодаларга мурожаат этиб. — Қани, ким менга уларни ажратиб беради. Ёнимга чиқсин! Агар ўртага тушса-ю, уларни ажратолмаса, саройга кириш ҳуқуқидан маҳрум этаман!

Вазири аъзам Низом ал-Мулк билан лашкарбоши бу синовга аралашмасликлари керак эди. Султон катта ўғли Жалололидинга ҳам боқди. У, елкасини қисиб, жим турди. У отасининг бу ўйинига ҳайратланди. Шаҳзодалар, барча аслзодалар гўдакларга тикилиб, индамай қотишди. Қатор гўдакларга тикилишар, султон одатдагидек яна бир синов ўтказаяётганини фаҳмлашарди-ю, отилиб, ўртага чиқишга журъатлари етмасди. Ҳар ҳолда бу сафар унча даҳшатли — қонли бир синовга ўхшамасди-ю, аммо сархўш султон шаҳзодаларга аждардек тикиларди. Шу лаҳза Туркон хотуннинг ишораси билан чертса юзидан қон томадиган, семиз шаҳзода Узлоғшоҳ қўлини ўқ қилиб, тахминини гапирди:

— Биринчи турган гўдак ўғил, иккинчиси қиз бола!..

Султон икки гўдакни ҳам, Узлоғшоҳни ҳам ўз ёнига чақирди, гўдакларнинг иккаласи ҳам қиз бола экани маълум бўлди. Иккала гўдакка ҳам ширинлик бериб, ичкарига киритиб юборди. Узлоғшоҳ хижолат тортиб жойига ўтирди.

— Қани, бу қолган гўдакларнинг қай бири қиз бола, қай бири ўғил бола? Менга аниқлаб беринглар-чи?!

Ҳамма жим бўлиб қолди. Ҳатто вазири аъзам билан лашкарбоши ҳам кулумсираб, бош қашлашди. Йигитлар бир-бирларига қараб жилмайишди. Жалололидин ҳам бу иш жиддий эканини англаб қолди. Султоннинг синови илгаригиларидан мураккаброқ кўринди. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, бир муддатдан кейин пастроқда чўкка тушиб ўтирган Темур Малик султонга таъзим этди:

— Мен ажратиб берамен!

— Қани, ажрат!

Темур Малик ўрнидан туриб бориб, султон ёнидаги патнисдан бир ҳовуч ёнғоғу ширинликлар олиб, гўдаклар оёғи остига сочди. «Темуринглар уни!» деб гўдакларга кескин айтди. Шу лаҳза гўдаклар ердаги ёнғоқларни ва ширинликларни теришиб, бирлари этакларига, бирлари қўлларига йиғиша бошлади. Гилам устида ёнғоғу ширинликлар қолмагач, Темур Малик ширинлик ва ёнғоқларни этакларига йиққан гўдакларни бир томонга ажратди. Қўлларига, иштонбоғларига қистираётганларни иккинчи томонга ўтказиб, булар ўғил болалар! — деди. Этакларини ушлаб турганларини кўрсатиб, булар қиз болалар! — деди.

Дарҳақиқат, бу тўғри чиқди. Паст бўйли, жуссаси кичик, чўкки соқол султон илжайиб, офарин айтди. Унинг чўкки соқоли, мўйлаби ликиллаш бошлади.

Жалолиддин билан Низом ал-Мулк хўжандлик Темур Маликка ҳайратомуз боқиб, жилмайишди. Узлоғшоҳ, Пиршоҳ, Хуршоҳ ва юқори курсидаги Туркон хотун энсаси қотиб ўтирарди. Ҳатто невараларининг нодон бўлиб қолгани уни ғазаблантирди.

Худди шундай синов яна бир ойдан кейин бўлди. Ўзини Хорун ар-Рашид ҳисоблайдиган Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ жума куни кечга яқин «Салтанат кўрки ва заковати» Туркон хотун берган рўйхат бўйича ёш жиҳатидан катта-кичик барча шаҳзодаларни, амакилари, фарзандларини, вазири аъзам Низом ал-Мулkning ўғилларигача, Шаҳобиддин Хивақий набиралари ҳамда қози калон бошчилигида бир неча шаҳар қозиларини ҳам тўплаб, ўзи улкан ганчин оқ хона юқорисидаги тахтига чиқди. Шундан сўнг қози калонга боқиб, мана энди муаммони ечамиз, деди. Бола важидан шикоят билан келиб, ўртага ўлимни қўйиб, султонга мурожаат этган икки аёлни хонага олиб киришди. Бу муаммони эшитган султон ўта қизиқсинган эди. Бола талашаётган икки она султон ҳузурига олиб кирилиб, кўрсатилган жойга туришди. Юзларига чодра тутган аёллар султонга, аъёнларга эгилиб салом беришди. Улар олдида яхши кийинтирилган уч яшар бола тик турарди. Бир аёл, бу менинг болам, деса, иккинчиси, бу менинг болам, деб йиғларди. Чақалоғи тетапоя бўлиб, ёшига тўлганида йўқотганини, султондан ўз боласини у хотиндан ажратиб олиб беришини сўрарди. Иккинчи она ҳам бу унинг боласи эканини, ўзи туққанини, бу хотин ноҳақ даъво этаётганини айтарди. Қозилар ҳар қанча суриштирсалар ҳам, тагига етолмаган эканлар. Бу гап қозикалон орқали Низом ал-Мулкка етиб, у бу гапни эрмак учун султонга айтган эди. Бу гап унинг диққатини тортиб, бир оғиз сўз билан муаммони ҳал қилмоқчи бўлди. Лекин у шаҳзодаларни яна бир синаб кўрай деган хаёлда муаммони улар ҳукмига ҳавола қилди. Оналарнинг иккови ҳам, бу — менинг болам, бу — менинг болам деб зор-зор йиғлашарди.

— Бу муаммони ким ҳал этади? Бола кимники? — дея султон аслзодаларга боқди.

Ёш аслзодалар жим, ўртага сукунат тушди. Икки она ҳам жавдираб, ҳокимлар ҳукмига илҳақ турардилар.

— Агар менинг болам унга берилса, шу ердаёқ юрагим ёрилиб ўламан! — деди аёллардан бири.

— Агар менинг болам унга берилса, мен ҳам бунга чидолмай, ўзимни Жайхунга ташлайман! — деди иккинчи она.

— Шаҳзодалар! Қани, айтинглар, бу кимнинг боласи? — деди чўққи соқол, жуссаси кичик, мажмағил султон илжайиб. Унинг гапи билан кулкиси ҳамоҳанг бўлмасди. Унинг оғзидаги сўйлоқ тишлари ҳам кўриниб кетди. — Мен сизларни синаб кўрмоқчимен. Қайси бирингиздан ақлли фикр чиқиб, бу муаммони ҳал эгадурсизлар. Гўдак кимники?

Шаҳзодалардан яна садо чиқмади. Ҳаммалари оғзиларига талқон солгандек индамай ерга қараб ўтираберишди. Султон ва вазири аъзамнинг салобати босди. Жалолиддин ҳам бир гувраниб, сўз демоқчи бўлди-ю, яна кулумсираб, сукут сақлади. Кўзлари ёниб, ҳамма ёшларни ақлсизликда масхаралаб, илжайиб ўтирган султон қозикалонга бош чайқаб қўйди. Шу лаҳза кенг хона этакроғида, аслзодалар орқасида ўтирган Темур Малик яна ўрнидан туриб, султонга таъзим қилди.

— Бу муаммони мен ечамен...

Султон ҳайратланиб, аввалги муаммони ҳам ечган ёш Хўжанд ҳокимига боқди. Хонадаги барча тўпланганлар ҳам Темур Маликка боқишди. Унинг отилиб чиққанига ҳаваслари келди.

— Қани, айт! — деди султон.

— Улуғ султон! Мен айтган сўз шу ерда бажо келтирилса, шундагина бу боланинг онаси кимлиги маълум бўлади.

— Айтганинг бажарилади! Айтганинг — ҳукм! — деди султон қатъий туриб.

— Болани қилич билан икки бўлакка бўлиб, ярмини бу хотинга, ярмини бу хотинга бермоқ лозим! Бошқа йўл йўқ! — деди Темур Малик ва қиличини ғилофидан суғуриб, болага яқинлашаётган эди, бир хотин жим қараб турди, иккинчиси бирдан дод солиб юборди. У султонга ёлбориб:

— Бундай қилманглар, майли мен кечдим. Бола уники! Болани ўлдирманглар! Мен кетдим! Болани у аёл олаберсин, — деди.

Бу лаҳза боланинг чинакам онаси аниқ бўлган эди. Темур Малик қиличини ғилофига тиқиб, болани йиғлаб чиқиб кетаётган хотинга бердилар.

Султон илжайиб, сўйлоқ тишини кўрсатиб, одатдагидек «Офарин!» ишорасини қилди.

Аслзодалар Темур Маликнинг қилич солишига, найза уришига тан беришган эди-ю, унинг бунчалик тадбиркорлигини билишмасди.

Бешинчи боб *Виждон таъқиб*

Бу воқеага анча вақт бўлганлигига қарамай, ҳамон Темур Маликнинг ёдидан чиқмасди. У, эндигина йигирма бир ёшга кирганида, султон лашкари билан Гургон лашкари жангида қатнашган. Сувлуғини чайнаб, йўлбармонанд тишларини кўрсатиб, эгаси билан биргаликда жанг қилаётган от, жиловни тортилгач, бошини чапга буриб, яна душманга ташлана бошлади. Қалқонини ўнг қўлига олган Темур Малик олатўполондан бир оз четга чиқди. Сўнг кимгадир тикилди-да, от биқинига ниқтаб, югуришга ундади. Отдан йиқилиб, пиёда чошиб кетаётган бир одамнинг кетидан қувди. Унинг бир қўлида қалқон, бир қўлида қилич, жанг олатўполонидан узоқлашиб, дамодам орқасига қайрилиб қараб, қочиб борарди. Темур Маликнинг оти ҳаллоб-лаб пишқиар эди. Узининг ўнг биқинидаги жароҳат аввал сезилмаган бўлса ҳам, ҳозир оғрий бошлади. Агар у эпчиллик билан шу лаҳзада найзадорнинг елкасига қилич солмаганида аҳволи ночор бўларди — найза санчилик, отдан қулаши аниқ эди. Бу жароҳат борган сари оғриқ бериб, Темур Маликнинг ғазаби жунбушга келди. Унинг жангдан чиқиб кетишга ҳаққи йўқ! Аввал унча сезилмаган оғриқ борган сари кучайиб, қолдан тойдира бошлади. Жангдан сурғилиб қочаётган пиёда кимсанинг орқасидан қиличини ярқиратиб қува бошлади. Қочаётган пиёда ўхтин-ўхтин орқасидан қувиб келаётган Темур Маликка қайрилиб қараб қўяр, яна ҳам тезроқ югуришга, дўнглик орқасига яширинишга интилар эди. Қўрқув ичида илон изи қилиб, дам ўнгга, дам чапга бурилиб, отлични чалғитмоқчи бўларди. Темур Малик жуда яқинлашиб келганида қочоқ қўлидаги қиличи билан қалқонини ерга ташлаб, чўкка тушиб ўтириб олди. Оғриқ аламида шамолдек учиб келган Темур Малик шилт этказиб қилич солиб ўтди. Ун қадамча юриб, қайрилиб орқасига қараган эди, танадан узилган калла ерда думалаб ётганига кўзи тушди. Бадани жимирлашиб кетди. У биринчи бор қилич солиб, инсон калласини узиши эди. Рақибининг узилган калласи сувдан чиқиб қолган балиққа ўхшаб, оғзини каппа-каппа очаётганини ҳам кўрди. У оқ аралаш қора соқолли кекса бир одам экан... Ёш сарбознинг юрагига қўрқув тушди — жангдан чиқиб, қочаётган одамни ўлдиргани тўғри бўлди-ми? «Тўғри! — деди у ўзига-ўзи хитоб қилиб. — Агар мен уни ўлдирмасам у менинг калламни узарди! Бу — жанг! У ҳам бир карра ўлимни бўйнига олиб жангга кирган». Лекин унинг кекса одамлиги, яроғини ташлаб, ерга ўтириб олгани юрагига ғашлик солди:

— Эҳ, қилич ушлаб, бир-икки олишганида яхши бўлармиди... Кесилган бошга қараб туриб, биқинидаги оғриғини ҳам унутди.

Кейин у оти жиловини яна жанг олатўполони томон буриб, сарбозлар ичига кириб кетди. Шарақ-шуруқ қилич солишлар авж олган. Лекин кўз олдида ўша узилган оқ аралаш қора соқолли калла турарди. Нима, у ўзи жангчими, жангчи эмасми? Елкасидаги тарвузмидики, бир селишида узилиб тушса? Сал-пал ўзини ҳимоя қилиши керакмиди, йўқми?! Қалқон тутмайдими? Қандай кимсаки, ўз рақибига шундай бўйинини тутиб беради?!

Бир мuddатдан сўнг, ўша боши узилган оқ-қора соқолли кекса одам отига мингашиб, узун қўллари билан маҳкам кучоқлаётгандай бўлиб туюлди. Темур Маликнинг баданлари жимирлашиб кетди. Қайрилиб орқасига қараган эди, чанг-тўзон ичида у тиржайиб қараб, оғзини каппа-каппа очаётгандек кўринди. Яна бадани жимирлашиб кетди. Шу лаҳза у ғойиб бўлди. «Кекса одам, эҳтимол, бола-чақалари кўп, аёлманд бўлса ҳам уни зўрлаб олиб келиб, жангга солгандирлар, — деди ичида. — Ёки унинг руҳи таъқиб этаётирми?» Олатўполон, қилич солиш, ҳамла қилиш авж олганида кесик калла ғойиб бўларди-да, сал-пал четроққа чиқиб, нафасни ростлайман деганида оти орқасида пайдо бўлиб, Темур Маликка илжайиб тикилиб турарди. «Мен уни нега ўлдирдим, — деб афсусланди Темур Малик. — Эҳтимол, у девонадир?»

У баъзан Ахриман девдек жуда ҳам улкан ва қўрқинчли бўлиб, орқасида, отига мингашиб, белидан маҳкам кучиб олгандек бўларди. Безовта бўлиб, ўнг, чап елкасига бошини буриб, унга қарагач, оқ-қора соқолли кесик калла кўздан ғойиб бўларди.

Жангдан сўнг ўз боргоҳига қайтиб келган Темур Малик тани қўрқувдан тиграр эди. Беомон жанг тўполони ичида ҳам мутлақо ўлимдан қўрқмаган Темур Малик юрагига негадир ногаҳоний ваҳима тушиб, арвоҳнинг таъқиб юракка ларза солди. У чинакамига қўрқа бошлади. Унинг оқ-қора соқоли, япаски бурни, сувдан чиқиб қолган балиққа ўхшаб, оғзини каппа-каппа очиб туриши ўша кесилган бошнинг айнан ўзи! Демак, жангда қилич солиб, жонига қасд қилмаган, яроғини ташлаб қочган кимсани таъқиб этиб бориб ўлдириш — гуноҳ! Мана унинг шарпаси Темур Маликни таъқиб этиб, ундан ўч олмоқ мақсадида зир югуриб юрибди... Темур Малик биқинидаги жароҳат иситма бериб, нохушлик авж ола бошлади.

Энди нима қилмоқ керак?

Қоронғулик чўкиб, икки томонда карнайлар чалиниб, ўз қўшинларини боргоҳ томон чақириб олишгач, кетмон, замбил ушлаган, гўрковлик вазифасни бажарувчи йигирмадан ортиқ киши икки томондан майдонга тушиб, ўз одамлари жасадларини таниб, четга олиб чиқишди. Уз қуролларини танлаб йиғиб олишди ҳам. Ярадор отларни ушлаб, боргоҳ томон олиб кетишди. Эрта билан тонг отиб, офтоб чиққач, гўрковлик қилувчи бир қисм кишилар ўликларни жанг либосида тупроққа топширдилар. Бу пайтда яна икки томон бир-бирларига ҳужум бошлаб, кенг майдонда олатўполон, отлар чинқириғи, қиличлар шарақ-шуруғи, қалқонларга урилган найзалар овози авжга минди... Сарбозларнинг ниҳоятда тинкаси қуриган. Тарақа-туруқ бўлиб турганда яна Темур Малик орқасидан кимдир маҳкам кучоқлагандек бўлди. У қайрилиб орқасига қаради; дарҳақиқат, ўша оқ-қора соқолли кесик бош орқасида, отига мингашиб, белидан маҳкам кучоқлаб турарди. Темур Малик жонҳолатда қичқириб, наъра тортиб, орқасида илжайиб турган каллани итқитиб ташлади. Рўпарасида шамшир ҳавола қилаётган рақибининг оти ҳам чўчиб, олдинги икки оёғини кўтариб, осмонга сакради. Темур Маликнинг бу ғайри-табиий наъраси душманни саросимага солиб, у қиличини ҳавода ушлаганча «телба суворий»га тикилди. Кейин зарб билан қилич солди. Уткир яроғ қалқонга тегиб, қарсиллаган овоз чиқди. Бу зарб Темур Маликни ҳушига келтирди, орқасидаги кесилган бош ҳам кўздан ғойиб бўлди. У ўзини ўнглаб, бошини мўлжалга олиб турган каракидан суворийсининг чап томонига ўтиб, ҳужумдан ўзини сақлади. Бояги туришда рақиб эпчиллик қилиб довдираётган Темур Маликка зарб билан қилич

солганида унинг боши олмадек узилиб, ерга тушиши аниқ эди. Рўпара келган суворийга қилич ҳавола қилар, қалқонлар тарақлар, аммо гоҳ-гоҳда орқасига ҳам қараб қўярди — оқ-қора соқолли яна белидан кучоқлаб ўтирибдими, йўқми?.. Офтоб тиккага келгунча жанг бўлди. Пешиндан кейин султон лашкари устун келиб, каракиданлар дарёни кечиб қочди.

Жанг тугади. Еш соҳибқирон «султоннинг музаффар туғи» остида, саркарда Шаҳобиддин Хивақий раҳнамолигида аввал Самарқандда, ундан сўнг Бухорода тўхтаб, кейин Жайхун ёқалаб, ас-аса ва дабдаба билан бир ой деганда Гурганжга кириб келишди. Самарқандда амир берган зиёфатдан кейин бир неча ўнбоши, юзбошилар ўз боргоҳларига қайтишди. Чарчаган Темур Малик иттифоқо ўз чодирига киргач, қоронғиликда оқ-қора соқолли кесик бошнинг муаллақ турганига кўзи тушди. Унинг азъои бадани жимирлашиб, чодир ичида қотиб қолди. Белидаги ханжарга қўл юборишига ҳам мажоли келмади. Бадани муз бўлиб, совуқ тер чиқиб кетди. Ерга қараб турган кесик бош бирдан Темур Маликка тикилди. У ҳеч нима демай шу турганича қараб тураберди. Унинг кўзлари баъзан мушукнинг кўзидек ёнарди. Темур Малик чодир ичидан қайтиб чиқиб кетишини ҳам, кетмасини ҳам билмай, қотди. Лаблари сўзга келмай гунг бўлди. Шу турганча туриб, ерга гурс этиб йиқилди. Чодирнинг бир томони лопиллаб, бир нима гурсиллаб тушганини сезган ён чодирдаги дўсти Муҳаммад Интизом билан Шерюрак Шошийлар дарҳол Темур Малик ёнига чиқишди. Уни ердан кўтариб, жароҳати азоб бераётган бўлса керак, деган хаёлга боришган эди, у сапчиб оёққа турди:

— Бу ерда ётмаймен! Олиб кетинглар, бир ўзим ётмаймен! — деди у дўстларига.

— Соҳибқирон, тўшагингизни олиб чиқайлик, гаплашиб ётамиз!

— Жароҳат азоб берадурми! — деб сўради Шерюрак Шоший.

— Йўқ, — деди Темур Малик, телбалардек кўзи бежо бўлиб. Унинг ҳуши ўзида эмас эди. — Мени қора соқолли бош таъқиб этадур. Келсам, тўшагим устида турган экан. Бир оздан сўнг унинг жасади ҳам пайдо бўлиб, тўшакка ўтирди. Менга тикилганча тураберди. Орқамга қайтиб чиқишга илож бўлмай, ҳушим кетиб йиқилибмен...

Темур Маликнинг кўрпа-тўшагини кўтариб кирган Муҳаммад Интизом ҳам бу гапларни эшитиб, ҳайрон турган эди, Темур Малик унга мурожаат этди:

— Сиз уни чодир ичида кўрмадингизми?

— Йўқ...

— Мушук кириб қолган, — деди Шерюрак, — у сизнинг кўзингизга одамга ўхшаб кўринган.

— Азизим, мушук эмас, у мени таъқиб этадур! Мен бегуноҳ сарбоз қочаётганида қувиб бориб ўлдирган эдим. Виждоним менга тинчлик бермаётур. Кўзимга дамодам кўринади.

Шерюрак Шоший билан Муҳаммад Интизом Темур Малик чодирга кириб, у ёқ-бу ёққа қарашди.

— Бир камбағалнинг жонига бекор зомин бўлдим чоғи, — деди Темур Малик. — Кўз ўнгимдан кетмайдур.

— Каракиданлар бизга қанча зулм етказди, жангга киргандан сўнг ё ўлади, ё ўлдиради, — деди Муҳаммад Интизом, — соҳибқирон, тўғри қилгансиз! Агар биз ўлдирмасак султон лашкари бундай музаффарият қозонмас эрди.

Уч йигит шу кеча ухламай чиқишди. Азонга яқин кўзи илинган Темур Малик бирдан алаҳлаб, гўлдираб, уйғониб кетди.

Яна ўша оқ-қора соқолли бош ётган ерида кўкрагига миниб, жон-жаҳди билан бўғаётган эмиш...

Қўлга тушган каракиданлар хони Улусхон султон Муҳаммад Хоразмшоҳ фармони билан шу лаҳзанинг ўзидаёқ боши узилиб, молу мулки талон-торож этилди. Бир қисм каракиданлар Шарқий Туркистон томон қочишди. То Талас наҳри бўйларигача қувиб боришди.

Улусхон қўшини каракиданларнинг сўнги бўлаги эди. Катвон жангида Темур Малик икки отликни найза санчиб, отдан қулатди. Даштда яна икки отликқа қилич солиб, сафдан чиқарди. Бу, албатта, йигирма бир яшар абжир йигитнинг баҳодирлиги эди. Бу иш султоннинг қулогига ҳам етиб борди. Унинг ўз ўғли Жалолиддин ҳам бир неча ғанимни ер тишлатгани, паҳлавон энг олдинда ўз лашкари билан душманни Зарафшонгача қувиб бориб, қириб ташлагани султонга маълум эди. Катвон даштидаги ғалаба-ю, султоннинг Самарқандга оқ отда кириб бориши, каракиданларни шаҳар тупроғидан ҳайдаб чиқариш тантанасида султонга «ғозий» номи берилди. Шаҳзода Жалолиддин саркарда номига сазовор бўлди. Кўпгина юзбоши, элликбоши, ўнбошилар қатори Темур Маликка ҳам димишқий қилич ва кумуш камар тухфа этилди. Султон уни ўз боргоҳига чорлаб, димишқий қилични ўз қўли билан топширди.

Бу одамлар ҳозир Темур Малик хаёлидан ўтди. Султоннинг инъомга сазовор бўлиш ва буни султон ўз қўли билан топшириши — катта воқеа эди. Хўжандлик Маҳмуд Малик ўғли Темурнинг салтанатга садоқати кейинчалик Хўжандга ҳоким этиб тайинланишига асос бўлган эди.

Темур ўша йиллари Гурганжда, саройдаги катта базмда Нигина исмли бениҳоя гўзал ёш раққосани кўриб, оғзи очилиб қолган эди. Бу қиз асли Қонибодомдан нари, тоғ оралиги, Исфара дарёси бўйидаги Вору қишлоғидан бўлиб, устод Ота Муҳаммад деган кекса созанда тўпида юришини, фақат катта базмларда ўз санъатини кўрсатишини, уларнинг тўпида икки-уч ҳинд созандаси, раққосалари ҳам борлигини суриштириб, билди. Уларнинг яна бирини Бинт Занкижа дейилар экан. Султон уларга катта пул тўлаб, инъомлар бераркан. Созанда устод Ота Муҳаммад ҳимоясидаги бу хонанда ва раққосалар — саройга тааллуқли ҳар қандай базмларга борабермас эканлар. Айниқса, эндигина балоғатга етган тоғ малаги Нигина Абдул Саид қизи ниҳоятда эҳтиёт сақланар, устод Ота Муҳаммад сўзидан чиқмас экан. Ёш раққоса кўзларидаги фансу, бекиёс гўзал қадду қомати шаҳзодаларни, саркардаю катта мансабдор шахсларни «беш кетгазган», бутун молу мулкларини тўкиб, мансабларидан кечиб, шу қизга эга бўлишга тайёр кимсалар йўқ эмас экан. Аммо султоннинг ханжари бурро айғоқчилари, жазо берувчи яширин сипоҳлар, сардор Аёз қўлига тушишдан чўчиб, унга тикилиб қарашга, гап отишга ҳаддилари сиғмас, қўрқишар экан.

Нигина очиқ юрар, хушмуомалалиги, тоғликларга хос эркашаддодлиги бари бир аёнлар диққатини тортарди.

Нигина эса, мункиллаб қолган устод Ота Муҳаммаднинг ўз қизидек эмин-эркин ва дахлсиз юрар, анча-мунча хуқуқлари ҳам бор эди. Баъзиларнинг айтишича, султон тухфа этган тилло тангаларни Нигина ўктамлик билан устодига топширар экан. «Менинг отам қазо этганлар, Воруҳда биргина онам бор, бу тиллолар менга нега керак?» деб экан.

Нигина ўз санъати билан маст, фақат шу рақс учун туғилгандек, шу рақс борлиги сабабли тирик юргандек кайфиятда эди. «Тақдир ҳар бир инсонга бир ҳунар берган, менга рақс этмоқни...» дерди у. Баъзан оқ кабутар кўксидек кўксини, ингичка белию елкаларини, қўлларини ўйнатганида йигитлар чидаб турулмай, дод деб юборишарди. Султон ҳам бир куни унга тикилиб туриб: «Бу — мўъжиза, бу — тупроқдан яралган одам эмас... Бу, самовий бир мўъжиза» деган. Базмларни обод қилиб турган бу «мўъжиза»дан маҳрум бўлмаслик, овунишга ундан ҳам аъло канизаклари борлигини кўнглидан ўтказган султон Нигинани ўз ҳарамига тортишдан воз кечди. Фалакнинг гардиши...буни қарангки, кейинги йилларда шаҳзода Жалолиддин билан оға-ини монанд Гурганжда юрган хўжандлик сардор Темур Малик Нигина диққатини жалб этди. Султон ўғилларидан на Узлоғшоҳ, на Пиршоҳ ва на Жалолиддин раққоса диққатини жалб этган эди. Бу шаҳзодалар

ҳам раққоса Нигинани кўрганларида кўзлари ўйнаб, бағирлари ёнади. Аммо хўжандлик Темур шаҳзодалардан устунроқ чиқди, унинг қайси бир феъли раққоса диққатини тортди. Кунлардан бир кун у устод Ота Муҳаммаддан руҳсат сўраб, ўз энагаси билан бирга «хўжандлик соҳибқирон йигитни» ҳовлига таклиф этди. Бу соҳибқирон Сайхун бўйидан бўлгани, унинг қаеридир Воруҳда қолган ўз оғасига жуда ўхшашлиги бу қарорга келтирганди. Сардорни кўрса, узоқда қолган ёлғиз оғасини кўргандек бўлишини устодига тушунтирди. Устоди бу илтимосни қабул қилиб, ходимларига дастурхон тайёрлашни буюрди. Хонандалардан бири Темурни устод ҳовлисига таклиф этиб келди. Бу таклифни жон-дили билан қабул қилган Темур Малик устодга ва раққосага яхши инъомлар олиб, қадрдони Шоҳмурод Кўхистоний билан ўшанда устод ҳовлисига меҳмонга борган эди. Созандалар икки меҳмонни эшикда навозиш билан кутиб олиб, ичкарига бошлашди. Дастурхон устидаги қуюқ суҳбатдан сўнг созандалардан бири танбур чертиб, устоднинг ўзи наво қилди. «Бизлар димишқий қилич инъом этмаймиз, қўлимиздан келгани шу...» деди устод Ота Муҳаммад.

Ҳеч қандай рақс бўлмади. Бошқа аёллардек кенг ипак кўйлак кийиб, юзига парда тутган Нигина меҳмонлар ёнига чиқиб, эгилиб салом берди. Бир муддат чўкка тушиб ўтириб, ҳол-аҳвол сўрашди. Ўзининг Хўжанд тарафдан — тоғ оралиғидан Воруҳ қишлоғидан эканини айтди. Бу меҳмондорчилик атай Темур Малик учун бўлаётганини, бундай учрашувлар ганимат эканини фаҳм этган Шоҳмурод Кўхистоний: «Мен ҳозир келамен», деб ўрнидан кўзгалди. У чиқиши билан Нигина юзидан оқ харир пардани кўтарди-да, Темур Маликка мурожаат қилди:

— Муҳтарам сардор, сиз менинг оғамга жуда ўхшайсиз. Сизни узоқдан кўриб таажжубландим... Сиз билан бир оғиз сўзлашмоққа муштоқ эдим. Мана, ниятимга етдим.

Унинг овози ҳам ниҳоятда чиройли экан, Темур Малик маст бўлиб, ўзини йўқотди.

— Мен... — деб Темур Малик ҳаяжонланганидан гўлдираб қолди. — Мен... сиз билан бир оғиз сўзлашмоқчи орзу қилардим. Сиз ўз журъатингиз билан мени мафтун этдингиз...

— Оға, мен шаҳзодаларнинг хушомадларидан зерикканмен. Ба-лиқ сув билан тирик, мен — рақс билан... Фақат рақс билан! Бу ҳуна-римсиз ўзимни тирик ҳисобламаймен. Юртимни соғинганмен. Бош олиб кетгим келади. Аммо илож йўқ. Устоднинг меҳр-муҳаббати устун келиб, бу қулликда ҳам ўзимни саодатли ҳисоблаймен...

Бу билан Нигина, мени Хўжанд томонларга олиб кетинг, демоқчи бўлаётгандай туюлди Темур Маликка.

Темур Малик жавоб қилди:

— Она юртини соғинмайдиган ким бор! Агарда у томонларга борсангиз, бошимиз осмонга етарди. Сиз, маликани Хўжандга таклиф этамен. Сизнинг санъатингизнинг мафтунимен. Агар ҳаддим сизга, йўлингизга Мажнундек нолавор эканимни, бутун Хўжандни, барча мулку мартабамни биргина рақсингизда нисор этардим.

Хомуш Нигина бирдан чақнаб кетди. Темур Маликнинг барваста қоматига тикилди. Кулди.

— Сизни соҳибқирон атардим, сиз — шоир экансиз...

— Фозил кишиларга, шоирларга бениҳоя эҳтиром тутадурмен, тафаккур ва санъат — инсонга берилган инъом. Бусиз инсоннинг ўзга жонзотдан фарқи қолмасди. Бу, шайхурраис Муҳаммад Мусо ал Хоразмий зоти покларидан қолгон фикр, малика. Менинг дўстим бадахшонлик Шоҳмурод Кўхистоний «Алиф лайло ва лайло»ни ҳам, «Калила ва Димна»ни ҳам яхши мутолаа қиладур. Хўжанд мадрасаси-да етук мударрислар талабаларга илм ўргатадур...

— Соҳибқирон, сизнинг толиби илм ва маърифатга хайрихоҳли-гингиз таҳсинга сазовор.

Темур Малик ерга қаради. Унинг ортиқ мақтаниб юборганидан ўзи хижолат бўлиб турганини сезган Нигина давом этди:

— Шаҳзода Узлоғшоҳ кўп вақт айшу ишрат билан вақт ўтказади. У фақат қиличи ўткирларни кучли инсон ҳисоблайди. Унинг суҳбатида юрагим сиқилиб кетади. Маърифатдан ғоят узоқ, рақсни ёки устод танбурининг ноласини сезмайди. У — ҳирсий туйғу қули. Шаҳзода Жалололиддин эса, инисининг акси. У зот устод Ота Муҳаммадга кўп ғамхўрликлар кўрсатган, мени, Бинт-Занкижани ва бошқа раққосаларни баъзи улуғ зотлар чангалига тушишдан асраган. Шаҳзода Жалололиддин бизни ҳимоя қилади, «саройдаги созанда, хонанда ва раққосаларга кўз олайтирган кимсанинг ким бўлишидан қатъий назар, боши узилади! Бу, олий ҳазрат ҳукми, мен шу ҳукмни бажарамен!» деган. Ҳатто султоннинг ўзи ҳам бу ошкор айтилган сўзни эсласа керак, ўғлидан ҳайиқади. Бундай ҳимоя бизлар учун ниҳоятда зарурлигини ўзингиз сезсангиз керак. Аҳли адаб, аҳли илмга ҳомийлиғи, сиз соҳибқиронни эслатади. Бизнинг тўдамизда шаҳзодага нисбатан бениҳоя эҳтиром сақланадур. Бу ҳол Гурганждаги баъзи кимсаларда ҳасад қўзғатғон. Начора. Баъзан улуғлар дилхушлиғи учун хизмат этамиз, аммо бунинг орқасида соядек таҳлика ҳам турганини сезамиз. Шаҳзода Жалололиддин каби бизга нисбатан инсофли кишиларга суянамиз, уларнинг борлиғи бизнинг бахтимиз. Сиз, соҳибқирон оғамни эслатасиз, унга ўхшайсиз. Хўжандга кетаётганингизни эшитиб, устод руҳсати ила бунда таклиф этдик. Шукр, сиздек бир яхши, санъатпарвар соҳибқирон суҳбатида бўлдим...

— Бу сўзларни мен, сиз, малика шаънига айтмоғим керак эди, — деди Темур Малик, гапи-гапига қовушмай, гўзал Нигина рўпарасида довираб. — Сизни кўриб, бошим осмонга етди. Ула-ўлгунча сизнинг ёдингиз билан бўламен...

— Дўстингиз Кўҳистонийни бунда чорлайлик, у зот ҳовлида, гуллар сайрида, — деди Нигина ўрнидан туриб.

Нигина устод Ота Муҳаммад, Шоҳмурод Кўҳистонийни ва яна бир Насриддин отлиқ созандани дастурхонга таклиф этиб, ўзи ичкарига, энагаси ёнига кириб кетди.

Улар ширин таомлардан тановул қилишиб, қош қорайгач, ҳовли эгаси устод Ота Муҳаммад ва Нигина, энагаси, созандалар билан хайр-хўшлашиб, отларига минишди.

Бу суҳбатдан сўнг, ҳафта ўтгач, Темур Малик ўз сафдошлари билан бирга Хўжандга жўнаб кетди.

Орадан йил ўтди. Аммо раққоса Нигина Темур Малик кўз олдидан нари кетмади. Уни қаттиқ севиб қолган эди Хўжанд ҳокими! Баъзан уни хаёл олиб қочиб, андуҳ юрагига чанг солганида, қўлидаги гавҳар кўзли тилла узугига тикиларди. Бу узук кўзида бир раққоса тасвири бўлиб, уни савдогарлар Ҳиндистондан келтириб, Гурганжда шаҳзода Жалололиддинга сотишган. Шаҳзода эса, дўстлик рамзи сифатида уни Темур Маликка тухфа этган эди. Бу узукдаги ҳинд раққосаси тасвири унга Нигина бўлиб кўриниб, узоқ Гурганждаги севикли раққоса узук ичида гўё унга ғамза қиларди...

Олтинчи боб

Таъмир ва истехком

Жума куни тонготардаги ҳарбий машқ анча кечикди, қалъа билан дарё оралиғидаги кенг майдонга лашкар тортилиб, катта доира ясалди. Лекин негадир ноғоралар така-туми, бўйнига дўмбира осиб олган жулдур кийимли йигитнинг жазавада оғиз кўпиртириб, дўмбира чалиши эшитилмасди. Отлиқлар ерга тушиб, орқароққа ёйилиб

ўтишди. Икки томонда икки ўқ-ёйга ўхшаб, салоҳу камонларини тақиб, белларини сиқиб боғлаб олган йигитлар ўз юзбошиларига итоат сақлаб шай турардилар. Лекин ҳамманинг хаёли бундай йиғинларга файз киритадиган, ҳарбий машқ пайтида кичкина бир хато бўлса қайтадан ишни бошлайдиган, сарбозлар билан яхши муомала қиладиган Темур Маликда эди.

У йўқ...

Фуқарони ҳушёр бўлишга чақириш, мабодо Кучлукхон ёки каракиданлар ҳужум қилгудай бўлса, лашкар пароканда бўлиб кетмаслигини, фуқаронинг бир тану бир жон бўлишини шунчаки гап, панду насихат била тушунтириб бўлмаслигига кўзи етган Темур Малик бошқачароқ йўл тутди. Шу ҳафта ичи қурол-аслаҳани, кифтига султон белгиси чагилган тўнни ечиб, ярим кечада Дашти Қипчоққа қочган икки йигитни тутиб келишган эди. Уни сардор Муҳаммад Интизом кишилари Ахсикат йўлида қўлга туширишибди. Уларнинг ёнларидан анча-мунча тилла тангалар чиқибди, сўроқ ва тафтиш маълумотига кўра, бу икки йигит Талас дарёси бўйида, бозорда Найман мансабдорлари билан учрашишлари, Хўжанд лашкари, истеҳкомлари ҳақида кўрган-билганларини гапириб беришлари керак экан. Шундан сўнг, яна минг тилла танга олар эканлар. Бу аҳволни сардор Муҳаммад Интизом шу куниёқ Темур Маликка етказди. Бу икки қочоқ орттирган ақчаларига, ўша томонда мўйна моллари сотиб олиб, ота касблари — савдогарчиликни давом эттирмоқчи эканлар...

Темур Маликнинг ҳадеб ҳарбий машқни кучайтиргани ҳам бир бўлди, лашкар ичида хоинлар борлиги ҳам бир бўлди.

— Лашкар қуртлаган олмага ўхшаб қолибди, — деди қалъа олдида отга минаётган Темур Малик, дарғазаб бўлиб. — Наҳотки биз буни пайқамадик!

— Саркарда, мени маъзур тутинг. Қўшин соғлом! — деди Шоҳмурод Кўхистоний, аҳвол жуда ҳам жиддийлигига қарамай, ҳокимга эътироз билдириб.

Кеча фармон берилиб, Хўжанд қўшинининг бир қисми, айниқса суворийлар бозор майдонига бориб саф тортиб туриши, шаҳар аҳли, узоқ-яқин жонибдан келганлар, айниқса савдогарлар майдонга тўпланиши, хотин-халаж, болалар бўлмаслиги маълум қилинган эди.

Эрта тонготардан бошлаб, бугун — жума бозор бўлганлиги сабабли майдон кўчаларига одам тўлиб кетди. Дўкандорлар дўконини ёпиб, каппондагилар қопу тарозусини бекитиб, мисгарлар ўчоқни ўчириб, болгани кўйиб, майдонга югуришди. Ҳамма ҳаяжону ҳайратда, нима гап, нима бўлади, деб бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораздан сўрашарди. Оқсоқол елкасини қисиб, уларга бир сўз айтолмасди. Дарҳақиқат, унинг ўзи ҳам ҳеч нарсани билмасди. У, ҳоким фармониغا бўйсуниб, тўпланган оломоннинг энг олдида пакана бўйини тик тутиб, қўл қовуштириб турарди. Орқада, кенгликда мингга яқин суворийнинг оти ер тепиниб, сафда тизилган. Бугунги фавқулудда бу тўпланиш сабабини олти киши — ҳоким, Шоҳмурод Кўхистоний, Шерюрак Шоший, сардор Олабуқа, Муҳаммад Интизом ва Иброҳимдан бошқа ҳеч киши билмасди.

Бир муддатдан кейин майдон четида, ерга қизил гилам ташланиб, устига бир курси кўйилди. Уртага қўллари орқасига боғланган икки қочоқ йигитни бош яланг олиб келишди. Уларнинг ёнида қилич яланғочлаган тўрт навкар шай турарди. Одамларнинг нафаси ичида, нима бўлишини кўрқув ва ваҳшат ичида қилт этмай кутишар, баъзилар, ҳоким ниҳоятда инсонпарвар, кўнгилчан одам, бу гуноҳкор кимсаларга шафқат қилар, танбеҳ бериб, гуноҳидан кечар, деб ўйларди. Баъзилар, бу икки йигит қўшиндаги интизомни бузган бўлса, яхшилаб калтакланса керак, деб ўйлашарди. Қўли боғлиқ йигитлар шаҳар ҳокими Темур Маликка термулиб туришарди.

Ҳоким атрофидаги қуролли суворийлар билан майдонни кечиб ўтиб, курсига яқин ерда отдан тушди. Бошқалар ҳам гурсса-гурсса

отдан тушишди. Бир неча навкар отларни жиловидан ушлаб, четга олиб чиқди. Темур Малик бориб курсига ўтирди, унинг орқасида Кўхистоний, Шоший, Муҳаммад Интизом ва яна бошқа сардорлар қўл қовуштириб туришарди. Ҳокимнинг ишораси билан Муҳаммад Интизом ўзи бориб, ҳалиги икки банди йигитни гиламга яқинроқ олиб келди. Оломон нима бўлишини нафасини ичига ютиб, жим кутиб турарди.

— Отинг нима?— дея Темур Малик сўроқ бошлади.

Улар аввал бир-бирларига қараб олиб, кейин тилга киришди:

— Мен — Самадмен...

— Мен — Ансормен...

— Оталарингиз ким? Касб-корларингиз?

— Отамиз мўйна билан савдо қиладурулар...

— Ёнингиздан кўп тилло тангалар чиқди. Бу ақчаларни Уренгу, Зайсан томонлардан келган ёғий мансабдорлари бергани ростми?

— Ҳа.

— Хўжанд қалъаси, султон лашкари ҳақида маълумот берганингиз ҳам тўғрими?

— Ҳа. Гуноҳқормиз... Адашдик, гуноҳимиздан ўтинг.

— Лашкар сафидан қочгансиз. Шуни бўйнингизга оласизми?

— Ҳа.

— Сизларни зиндонда калтаклашдими?

— Йўқ.

— Сардор Муҳаммад Интизом тафтиш пайтида сизларни қўрқитдими?

— Йўқ.

— Ўз гуноҳларингизга иқрормисиз?

— Ҳа. Гуноҳқормиз... Раҳм этиб, гуноҳимиздан ўтинг... Энди қилмаймиз.— Икки йигит бошини эгиб, баланд овоз билан илтижо қила бошлади.

— Оломонга қараб, баланд овоз билан ўз гуноҳларингизни яна бир карра айтинг! Оломон яхши эшитмаётир: сизлар хоинлик қилгансиз, лашкар сирини душманга бориб айтиш, бу — хиёнат! Сизлар ўз юртларингизни тилло тангаларга сотгансиз! Султон қўшинидан қочиш қанчалик оғир жиноят эканини тушунасизларми? Қилган гуноҳингизга қандай жазо берилишини биласизларми?

— Гуноҳимизни кечиринг, саркарда!

— Мамлакат қудратига футур етказиш — оғир гуноҳ, хоинликдир! Сизларга ҳукм чиқарилган, мана бу қоғозда!— Темур Малик қоғозни сардор Муҳаммад Интизом қўлига берди. Сардор қоғозни ўқиб, кейин айбдорлар томон юра бошлади. Бутун оломон, гўё нафас олмай, кўзларини сардор билан икки айбдорга қадаб турарди. Сардор Муҳаммад Интизом қилич яланғочлаган йигитларга имо қилиб, уларнинг қўлини ечишни буюрди. Шундан сўнг гуноҳқорлар ўлим жазосига ҳукм этилганларини маълум қилди. Икки гуноҳқор саросима ичида кўзлари ола-кула бўлиб, гўлдираб, у ёқ-бу ёққа олазарак бўлаётганларида, ҳавода чакмоқдек чакнаган қиличлар уларнинг бўйинларига тушиб, бирининг боши узилиб тушди. Йўғонроқ гавдали савдогарбаччанинг боши осилиб қолиб, ўзи тебраниб турган эди, иккинчи бор қилич тушиб, ерга қулади. Оломон кўзини юмди. Қилич ушлаб турган навкарлардан бири қатл этилганлар жасади устига катта бир бўз мато ёпди.

Дарғазаб Темур Малик отга минатуриб, атрофдагиларга, бозор оқсоқоли, сардор ва бошқаларга: «Ҳар бир хоин шундай бўлади! Савдогарлар мол сотмоғи мумкин, аммо юрт сотганлар қисмати шу!»— деди-да, сафдошлари билан бозор майдонидан чиқиб кетди.

Оломонни қўрқув босди. Ҳамма унинг кетидан тикилганча қараб қолди. Кўнгилчан, камбағалларнинг пешонасини силайдиган Темур Малик юрт хоинларига нисбатан бешафқат эканини халойиқ ўз кўзи билан кўрди.

Темур Малик отга қамчи босганча тўппа-тўғри дарё ёқасидаги машқ майдонига келди. Бунда мунтазир турганлар унинг важоҳатидан ҳукм бажарилганини сезишди. Саркарданинг кечикаётганини, икки хоин йигитни атайи бозор ичида жазолаш лозим бўлиб қолганини мингбошидан ташқари, бундаги бошқа сардорлар ҳам билишган эди. Ҳоким отдан тушиб, дўнгликдаги соябон тагига юрди. Пешонасидаги терни артиб, ёнидагиларга сўз айтмай, чилим чақириб, обдан хўриллатиб тортиб, оғзидан бурқситиб тутун чиқарди. Шу лаҳза негадир унинг кўзига яна оқ-қора соқолли кесик бош кўриниб кетди. Оббо, яна у пайдо бўлди-ку, деди ўзига-ўзи.

Сардор Шерюракнинг имоси билан машқ бошлаб юборилди. Қиличбозлар ўртага тушиб, шамширлар бир-бирларига шарақ-шуруқ урилиб, ярқираб, оёқ остидан чанг кўтарилди...

— Тўғри иш қилдикми? — Темур Малик ёнидаги Шоҳмурод Кўҳистонийга боқди.

— Тўғри бўлди! Хоинга шафқат йўқ!

— Бундан бошқа чора йўқ. Лашкарда интизомни маҳкамлаш учун хоин гуноҳидан кечиб бўлмасди, — деди гапга аралашиб Иброҳим Дўлдай.

— Кўзимда яна кесик бош чалинадур...

— Саркардам, кечин совуқ сувга тушиш ва ходим этишни табиб маслаҳат берган. Шу ишни қиламиз. Бодахўрликни тўхтагамиз.

— Емонлик деҳқондан эмас, савдогардан чиқмоқда, — деди Темур Малик, тажангланиб. — Маҳмуд Ялавоч биздан юз ўгириб, рақиб ҳукмдор томонга ўтиб кетгач, савдогарларни ишга солиб, кўп ёмон жосусликлар қилмоқда. Тилло тангалар берсанг, улар оталарини ҳам сотадилар!

Шу куни пешингача машқ давом этди. Тушлик қилгали Темур Малик қалъага қайтди. Бир муддат дам олиб, ҳордиқ чиқаргач, кечга «Дорус салтана»га Шоҳмурод Кўҳистоний бошлиқ мансабдор кишилар тўпланди. Эрталабки жазо барчани хомуш қилиб қўйган эди. Ҳазил-мутойибасиз туролмайдиган Кўҳистоний ҳам қовоғи осик, бирин-сирин ичкарига кираётганларни тезроқ жой-жойларига ўтиришга, бири-бирига «Сиз ўтинг, сиз ўтинг...» қилавермай, ёзиб қўйилган кўрпачаларга илдамроқ чўкишларини даъват этар, юқорида, хонтахта четида боши қўйи, тиззасидаги қоғозлардан кўз узмай ўтирган Темур Маликка қараб-қараб қўярди. Шайхулислом Хўжа Идрис Қубаро қўлини очиб, султонга, ҳокимга зафар, ўтирганларнинг барчасига омонлик тилади. Сўнг Темур Малик сўзга киришди:

— Мўътабар жаноблар! Султоннинг марҳамати ила биз муаззам мамлакатнинг кун чиқиш томонида юртимизни обод этиб, посбон бўлиб турибмиз. Кейинги ҳафталарда бизга етиб келган хабарларга қараганда (бу гапни айтаётганида у сардор Муҳаммад Интизомга беихтиёр кўз ташлаб қўйди), Чу дарёси ҳамда Бойқадам, Оқсой, Оқкўл... томонларга мўғул лашкарининг бир қисми етиб келгани, Илғиз томонларда яна бир қисм лашкар тўпланаётгани маълум бўлди. Бу хабар биздан аввалроқ султонга етгани, мўғуллар хони билан султон ораларида низою нифоқ содир бўлгани муносабати билан Гурганждан чиққан анчолар¹ нома олиб келди. Анчоларнинг Ўтрор, Жанд, Бинокет, Ахсикат ва Уш томонларга ҳам шитоб била кетганидан хабардормен. Хўжанд қўшини яна икки мингга кўпайтирилди. Уларни қурол-аслаҳа билан таъминлаш иши муҳтарам сардор Шоҳмурод Кўҳистоний зиммасига юклатилди. Оту барча аслаҳа сотиб олинади. Чилангарларга буюртмалар бердук, улар ҳозир тинимсиз ишламоқда. Сардор Кўҳистоний, Шоший ишни янада жадаллаштирамоқлари лозим! Пул бор. Ва яна бир миқдор фуқародан солиқ йиғамиз! Иккиламчи, қалъани таъмир этиш, уни мустаҳкам қўрғонга айлантириш лозим.

¹ Анчо — ҳоким фармонларини элтувчи чопар.

Таъмир этилган девор кунгиралари ва бошқа ишларни ортиқ кутишга вақт йўқ, қўрғон тепасида харсангтош ва манзилгоҳларни, пахламонларни шай қилмоқ идишларда қорамой, олтингугурт ва бошқа қурол-яроғлар тайёр турмоғи лозим. Шошлик усталарга буюрмоқ керак, камону ўқ-ёйни кўп яшасун! Бу иш сардор Шерюрак Шошийга, сардор Олабуқа баҳодирга буюрилди. Таъмир иши эрталабдан бошлансун! Бир қисм лашкарни авомдан ҳам ёллаш керак. Устоларни бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз бошлаб олиб келади. Сиёвус Паҳлавон, Қангли Арслон, сардор Муҳаммад Интизом жанобларига Сайхун ёқасида ясалаётган етмиш кема қурилишини тугаллаш топширилади. Даҳмоний яқинида дарё ичидаги оролга бир минг кишига мўлжаллаб истеҳком қуриш лозим. Иброҳимни ҳам бу ишга йўллайлик. Бу ишларга уч ой муддат берилади! Шаҳарда шов-шув, турли гаплар, ваҳималар тарқатилмаслиги, бу ишлар авомдан хуфия тутилмоғи даркор. Иш кўп, вақт оз, лекин ишнинг уҳдасидан чиқмаслик асло мумкин эмас! Бўлаётган тайёргарликдан душман хабардор бўлмаслиги, агарда лақмалик ва хоинлик йўлига ўтган шахслар чиқиб қолса, уларга нисбатан шафқатсизликни буюрамен! Лашкар ичида тартиб бузиб, фармони олийни¹ ҳамда бизнинг буйруқни оёқ ости қилганлар ўша лаҳза тафтишу сўроқ қилинмай чоғиб ташлансун!..

Бу гапларни айтган Темур Малик бир лаҳза сукут сақлаб, катта хонада гир айланиб ўтирган сардору мингбошию мансабдор кишиларга қаради. Бу қараш: «Яна бирон гап борми? Тушунарлими? Розимисизлар?» деган маънони билдирарди. Сардор Кўхистоний бу зарур фармон эканини, сидқидилдан рози эканликларини айтди. Мансабдор кишилар ўринларидан туриб, айвонга чиқишди. Бу ерда ечиб қолдирган қиличу ханжарларини қайтадан тақиб, уйларига тарқалишди.

Эртасига эрталабдан қалъа таъмири бошланиб кетди. Бир қисм навкарлар тоғдан араваларда харсангтош ташиб келтиришга киришдилар. Сомонли лойганчхок қорилиб, ҳавозалар орқали баланд қалъа девори устига олиб чиқилди. Бозор ёнидаги аспхона қурилишидан бир қисм ёғочлар, ходалар қалъа тепасига, ундан сўнг дарё ёқасига олиб келиниб, кемаларда оролга ташилди. Чилангарлар тунда ҳам ўтти ўчирмай, пўлатни тоблаб, болға уриб, найзаю қилич ясадилар. Хўжандга келиб қолган шошликлар ўқ-ёй ясашга киришиб кетишди... Бу ишларнинг боришини сардор Муҳаммад Интизом ва унинг одамлари зимдан назорат қилиб турардилар.

Уша кун Сайхун ёқасида Темур Малик кўнглига дарёга кўприк қуриш фикри келди. Шу йўл орқали фақат жануб ёқдан келадиган Арабу Эрон савдогарлари эмас, шимолдан Урусия савдогарлари ҳам Хўжандга келишини, ундан ўтиб Самарқанду Бухоро, Гурганж бозорларини обод қилишини хаёлдан ўтказди. Айни вақтда, негадир унинг кўз олдига кекса Абдулқодир мунший ҳам кела бошлади. Унинг вайрон бўлган Шошга етиб борганидан хабар топган эди-ю, қолнинг кейинчалик аҳволи нима бўлганини билмасди. Сергак, питирак чол яна ўша ёзув-чизув ишларини қилаётганмикан ёки бу ишлардан воз кечдими? У энди култепалар канорида кимга ҳам муншийлик қиларди!

Хоразмшоҳ Шошни вайрон қилиб, бу ерлик мингбоши ва бошқа сардорларга бериладиган иқто² ерларни ҳам бекор этди. Ломакон³ этилган Абдулрасул Кишварий ҳам вақтинчалик Хўжандга кўчиб келган эди.

Мамлакатда таҳлика кундан-кунга кучая бораётганига қарамай, Туркон хотун томонидан бирон фармон келмаётгани, Бинафша бека ўзи

¹ Султон фармони.

² Иқто — ҳарбийларга бериладиган ер-сув.

³ Ломакон — ватансиз.

билан ўзи овора бўлиб қолгани Темур Маликни ажаблантирди. У Муҳаммад Интизом билан маслаҳатлашиб, Бинафшанинг Туркон хотунга нома йўллашни, кунчиқар томонда мўғул лашкари кучайиб бораётганини хабар қилишни сўради. Темур Малик Утрорга бориб Инолхон билан учрашмоқчи, деган гапни ҳам номага қўшишни айтди. Бу сирли иш Темур Малик учун жуда зарур эди. Мазкур режани Муҳаммад Интизом ўйлаб, таклиф этганди. Бир ойга етар-етмас, Гурганждан, Туркон хотундан Бинафша бекага яширин маълумот келди. Тумор ичидаги чиний-юқа қоғозга битилган хатда Темур Маликнинг Сайхун ёқасидаги қалъаларга бориши, Утрор ҳокими Инолхон билан учрашуви ўзига маълум ва султон амри билан бўлаётгани, бу сафарда ҳоким кишилари ичида Аҳмаддон ибн Мораз исмли киши — Хўжанд бозорининг оқсоқоли — ҳам қўшилиб боришини алоҳида уқтирган эди. Ойчечакка Утрордан тилло тақинчоқлар олиб келиш баҳонаси билан унинг қўшиб юборилиши жуда муҳим, дейилган эди.

Еттинчи боб

Ишқ савдоси

— Хўжанд — «Чин-мочиндин ва Фарғона водийсидан чиққан ипак карвонлари йўлидаги бекатлардин бири», дердилар. Фақат бугина эмас, азизларим, — деди қалъа таъмири ва бошқа ишлар яхши кетаётганидан мамнун бўлиб, эрталабдан ўзида фавқулодда кайфичоғлик ҳис қилган Темур Малик, Шохмурод Кўҳистоний билан Муҳаммад Интизомга. Бу ерда доимо қиличдек шай турадиган Иброҳим Дўлдай ҳам ҳозир эди. — Аҳли дониш, аҳли санъат... Нили муборақдин учган ажиб қушлардек бир неча кун Хўжандда — Сайхун бўйида дам олиб, сўнгра Шимол мамлакатларига йўл олганларидек, хоразмликлару хурасонликлар Хўжандга юзланмоқдалар. Абдулқодир мунший, Қорача Ҳожиблардан ташқари, устод Ота Муҳаммад ўз созандалари ва улар тўпида «раққосайи жаҳон» — Нигинабека ҳам келибдур...

Лабининг таноби қочган Темур Маликни кузатиб турган Шохмурод Кўҳистоний қочирим қилди:

— «Баҳор келиши билан Нили муборақдин учган қушлар...» бўлмасалар керак, саркарда. Бир гап бор... Бир балоси бўлмаса...

Ҳоким Шохмурод Кўҳистонийга жилмайди. У кайфичоғ пайтларида ва энг яхши кўрадиган кишиларига бундай чиройли жилмайиш қиларди. Темур Малик табассуми ишнинг осон кўчиши, аҳвол яхши эканидан далолат берарди. У сўзини давом эттирди:

— Биз, дарҳақиқат, Ота Муҳаммад устодни ва Нигинабекани яхши кутиб олмоғимиз керак. Иккиламчи, юрт қудрати, эл фаровонлиги ҳақида ўйлаб, иш тутаётганимизда бундай «жўжахўроз» бўлишлик айб! Араз ва ғараз орамизга кирмаслиги лозим. Бу яхшиликка олиб бормайди!

— Ташвишланманг, саркарда, Муҳаммад жанобларини энди кўрибмизми.

— Уларни яхши жойлаштирингизми? — Темур Малик четда турган Иброҳим Дўлдайга боқди.

— Улар «Боғи насим»да. Устод, ҳаммалари мамнун...

— Эртага базм. Улар бунга қандай қарайди?

— Улар худди шуни истайди, ҳазрат. Балиқ сувсиз, созанда базмсиз туrolмайди...

— Раққоса деганнинг бели эгилиб турмаса, у қанақа раққоса! — деди кулиб Шохмурод. — Бетоб бўлиб қолишлари ҳам мумкин.

— Ўзи уларни шунга яратган,— деди Муҳаммад Интизом, — агар ҳар ким ҳунарини қилмаса, дарҳақиқат, бетоб бўлиб қолади.

— Ана энди ўзингизга келдингиз, — бош чайқаб кулди Темур Малик мамнун ҳолда. — Ҳозир базм қуришга эҳтиёж йўқлигига қарамай, устод Ота Муҳаммад келгани сабабли ҳам бу ишни қилурмиз. Боққа ҳамма мансабдорлар таклиф этилсун. Базм султон шарафига бўлғай,— деди яна Темур Малик киборлик билан.

Мансаб ва саркардалик номи Темур Маликка сиполикни даъват этар, аммо у Иброҳим Дўлдайдек шай, ҳокимга югуриб хизмат қилиб юрадиган йигит бўлганида, ҳозироқ «Боғи насим»га бориб, меҳмонлар хизматида Нигина суҳбатига интиларди. У шу топда гўзал раққосани жудаям кўргуси келиб кетди. Унинг ширин суҳбати, шаддодлиги-ю, дадиллиги, эркаклар суҳбатидан тортинмаслиги Темур Маликка ёқарди. Гурганжда шаҳзодалар бу гўзалнинг ишқида оҳ урганлари, қимматбаҳо тухфалар йўллаганларини ҳам биларди. Лекин биронтаси бу «паст табақа» — Сайхун бўйидан келган қишлоқ қизини хотин қилолмасди. Кўзларига қон тўлган шаҳзодалар, Гурганж аъёнлари у билан фақат ишрат қилишни ўйлардилар. «У ўртага тушиб, рақс қилганида мурдага жон кирар, жони борлар ўринларидан қўпардилар», дебди сарой шоирларидан бири.

Кечки оқшом салқинида Хўжанднинг мансабдор ва номдор кишилари ҳокимнинг дарё ёқасидаги «Боғи насим» қароргоҳига кириб кела бошладилар. Дастурхонлар ёзилган, Иброҳим Дўлдай бош-қош, унинг сўзи, имо-ишорасига тайёр турган йигирмага яқин эпчил йигитлар қўл қовуштириб, меҳмонларни кутиб олардилар. Уларни даража-бадаража жойларига ўтказардилар. Ошхонада қозонлар қайнар, каоб иси бутун боққа тарқалган, димоғларни қитиқларди. Хум ва хумчаларнинг оғзи очилмаган, сўйилажак қўйдек мунтазир. Қўчқору қўйлар, қирғовуллар аллақачон бўғизланиб, қозонда пишарди. Оқбел тоғи томонларда от чопиб, ўқ-ёй билан отиб келинган икки кийик гўшти ҳам сихларга тортилиб, каобга ҳозирланарди. Номига султон шаънига аталган базмга йиғилган икки юздан ортиқроқ киши ҳозироқ «Қарчиғайи»да кириб келиши керак бўлган Хўжанд ҳокими Темур Маликни бетоқатлик билан кутишарди.

Саркарда белгиланган вақтдан бир муддат ўтказиб, базмга кириб келди. «Боғи насим»даги меҳмонлар гала-говури дарҳол босилди, ҳамма ўрнидан турди. Қадди-қомати келишган, сарбаст ҳоким ёнидаги қутвол Шохмурод Кўҳистоний, Хўжа Идрис, қози, сардор Шерюрак Шоший, муставфий Ҳусайн Гов, Муҳаммад Интизом, сардор Олабуқа, бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз, Қанғли Арслонларни дарвозада Иброҳим Дўлдай бир тўп йигитлари билан бирга кутиб олди. Қўнғирранг либос кийган, бошига афғоний салла қўндирган, белига заррин камар боғлаб, димишқий ханжар таққан ҳоким бош эгиб, қутлаган меҳмонларга табассуму навозиш кўрсатиб, отдан тушди-да, Иброҳим Дўлдай бошлаб борган баланд айвоннинг энг юқорисига чиқиб ўтирди. Унинг икки томонида бирга келган ҳамроҳлари ўз даражаларига қараб, чўкка тушишди. Бирон пиёладан чой ичилиб, нону ангурдан танавул қилинган, ўнг томондаги айвонда ўтирган устод Ота Муҳаммад ўз йўлдошлари билан мақом бошлади. Гала-говур босилиб, атроф сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Одамлар берилиб, куй тинглардилар. Сетору ғижжак, наю даф жўрлигида Ота Муҳаммад ҳазин бир овоз билан Рудакий ғазалини ўқиди. «Боғи насим» беқиёс бир файз кашф этди. Тез-тез базмлар бўлиб турадиган бу боғ ҳеч қачон бундай гўзал бўлмаган, бугун ҳаддан зиёд завқли ва серфайз эди. Меҳмонлардан бири киши ҳаётида бундай дилбар дақиқалар кам бўлишини гапирар, мусаллас симирар, созанданинг куй оҳангига маст бўлиб, икки томонга чайқалиб ўтирар, кўзларини юмиб, афсонавий бир руҳий оламда сайр этарди.

Созанда Ота Муҳаммад мақомидан кейин меҳмонларга каоб тортилди. Еши анча кетиб қолган бир аёл қўлида даф билан ичкаридан

чиқиб, созандалар тўпига қўшилди. У, узун кўйлак, бошида ҳарир рўмол, мисоли чодрага ўралгандай. Аёл устод Ота Муҳаммадга бош ирғаб, салом берганидан кейин, шўх бир мусиқага жўр бўла кетди. Бу лаҳза ичкаридан ҳарир бир пардага ўралиб чиққан Нигина ўртада пайдо бўлиб, шўх ва тезкор даф зарбига ҳамоҳанг рақса туша бошлади. Чироқлар, беҳисоб шамлар ёруғида заррин ҳарир либоси товланар, бу кийим ичида ҳам унинг келишган қадду қомати, чиройли елкалари, билаклари манаман, деб ўз гўзаллигини таманно этарди. Кўплар оғизлари очилиб, хаёл дарёсига ғарқ бўлган. Бу ўзи инсонми ёки паризодми ва ё мўъжизами — одамлар ҳайрон эди. Бунчалик рақсни умрларида кўрмаган кишилар ҳам бор эди. У рақс этар, тамоми санъатини, муҳаббатини ифодаларди. Баъзан кабутарнинг полапон боласидек қанотларини ёзиб, эркаланиб, бир дона дон истагида онасига талпингандай бўлар, дам бургут жўжасидек бошини у елкаси, бу елкаси томонга ўйнатар, бургутона қарашлари юракларни қинидан чиқариб юборарди. Нигина халқ рақсларини шундай ижро этдики, баъзи кўрганларнинг шаҳодат беришича, Гурганжда ҳам бунчалик завқ билан ўйнамаган экан. Кейин сурункасига уч бор тоғлиқлар рақсини ижро этиб, ҳоким ўтирган айвон томон бош эгиб, салом берди. Бугунги базм — созанда Ота Муҳаммаднинг беназир санъати султон шарафига эмас, Хўжанд ҳокими шаънига бағишланган эди. Бу базм Мовароуннаҳрга номи кетган, Гурганжда Шому Ирок, Ҳинддан келган раққосаларни енгган гўзал Нигинани бир кўриш орзусида юрганларнинг унга нисбатан ихлосларини юз чандон ошириб юборди.

Нигина майин ва сўлим «Тановар» рақсини ижро этганида мажлис аҳли қийқириб юборишди. Фахр ва ғурур «базми Жамшид»ни жунбушга келтирди. Рақс тугагач, раққоса ёнига келган Иброҳим Дўлдай «Хўжанд ҳокими номидан» Нигина бека бўйнига шода дур осди. Нигина айвон томонга боқиб, ҳокимга бош эгиб ташаккур изҳор этди. У созларга жўр бўлаётган Насриддин дафи зарбига янада завқланиб, бошқача рақсни бошлади. Елкасидаги ҳарир пардаларни ташлаб юборган, белларини, кўкракларини мусиқанинг шўх оҳангига мос ҳаракатлантириб, ўйин этарди. Бировлар завқланар, Хўжа Идрис Кубарога ўхшаган бошқа бировлар ўтирган ерида уялиб, дам таомга, дам ўғри кўз билан раққосага тикиларди: «Бу, чинакам малак...» — деди Темур Маликнинг қулоғига шивирлаб Хўжа. У яшириб бир пиёла шароб симирган эди. «Ўзи бу нозу неъматларни нега яратди? Бандалар булардан баҳраманд бўлсин, деган», деди.

Темур Маликнинг икки кўзи, наинки кўзлари бутун хаёли Нигинада эди. Хўжанд боғларида етилган узумлар шаробидан қони жунбушга келиб суқ билан Нигинага боқарди.

Базм ярим тунгача чўзилди. Темур Малик кўзгалмагунча ҳеч кимнинг ўрнидан туришга ҳадди сиғмасди. «Чарчадим...» баҳонаси билан ҳоким ёнидаги казо-казоларга ишора қилиб, Иброҳим Дўлдай ихотасида гулзор оралаб «Боғи насим»даги ўзининг истироҳат хонаси томон йўл олди. Қайфи ошган ҳоким йўлда Иброҳимнинг елкасига қўл қўйиб, эркаланиб сўз қотди:

— Азизим укам, бориб айтинг, Нигина бекам менинг хонамга кирсин!

— Саркардам... Бу ҳазилми ёки чин? Устод Ота Муҳаммад не дейди?

— Мен сиз билан ҳазил қилмағаймен!

— Тушундим... — деди Иброҳим Дўлдай. Лекин унинг кўзлари ёниб, саркарданинг бу ишидан норизо бўлаётганини Темур Малик қоронғида сезмасди. Чухра йигит кўзларига саркарда шу топда ёмон, ишратпараст бир шахс бўлиб кўринди. Ўйланиб қолди. Наҳотки шундай жирканч ишга кўнгил берса у?

— Айтинг, келсин! — у сохта мулоимлик билан шундай дедию Иброҳим Дўлдайга қараб қўйди. Буйруқ ниҳоятда жиддийлигини йигит фаҳмлади-да, итоат билан бош ирғаб, базм томон йўл олди.

— Йўлни кўрсатинг раққосага... Дарахтлар, гуллар ичида адашиб қолмасун!

— Хўп бўлади, саркарда! — деди у, бир лаҳза тўхтаб. Шундан кейин шахдам қадамлар ташлаб, базмдан тарқалаётган одамлар ичига борди. Созу анжомларини йиғиштираётган Ота Муҳаммад кишилари атрофида айланди. Шайхулислом Хожа Идрис, Шоҳмурод Кўҳистоний, Шерюрак Шоший, Муҳаммад Интизом, Қанғли Арслон, сардор Олабуқаларни дарбозагача қузатиб қўйди. Улар ҳокимнинг «чарчаб қолгани, Иброҳим Дўлдай унга қарашини» фаҳмлаб, бировлар отда, бировлар пиёда, бировлар аравада ўз уйларига жўнадилар. Лекин пайт пойлаб, Иброҳим Дўлдай кекса энагаси билан ётоқлари томон кетаётган Нигинани бир лаҳза тўхтатиб, ҳоким ҳазратлари бир муддатга таклиф этаётганини, наридаги хонада кутаётганини айтиб, рўпарадаги гуллар ортидаги баланд оқ айвонни қўли билан кўрсатди.

— Кеч бўлди, ҳокимнинг қандай юмушлари бор экан? — Нигина эркаланиб сўради.

— Билмадим...'

— Мен энагамдан ажралолмаймен.. Тун... Бу, қандай бўлади?

— Билмадим...

— Боролмаймен! Узр сўраймен ҳокимдан...

— Бориш керак! Бормаслик мумкин эмас!

Нигина ўйланиб қолди. Бир лаҳзадан сўнг энагасини йўлда ўз хонасига киритиб юбориб, шахдам қадамлар ташлаб, Темур Малик айвонига юрди. Топшириқни бажарган Иброҳим Дўлдай бу ердан тезда кетди. Тўлин ой шуъласида кенг оқ айвонга зинапоялардан кўтарилган Нигина тўппа-тўғри қандиллар ёниб турган, ганчин хонага кирди. Ўртадаги хонтахта устида яна нозу неъматлар, май... Хона ўртасида тик турган Темур Малик рўпара бўлди.

— Ҳазрат, мени чақирибсиз?

— Ҳа.

— Ярим тунда менинг бу ерга келишимга одамлар қандай қарайди?

— Қандай қараса шундай қарайди! Мен Гурганжда сизга юрагимни очган эдим. Мажнундек йўлингизга нигоронмен. Сизнинг Гурганждан йўлга чиққанингиздан буён кутамен. Бу базм султон эмас, сизнинг шарафингизга тузилди. Агар мен, сиз, маликам билан бир лаҳза гаплаша олмасам, васлингиздан жудо бўлсам, Хўжанддан воз кечамен, бошимни олиб, тоғу тошларга чиқиб кетамен!.. Менинг ҳам ахир чумолича уволим бордир...

— Ҳазрат, бу гапларингиз жуда кулгили. Сиз, шаҳзодаларга ўхшаб, сархушликда бундай пўрсилдоқ гаплар қиладурсиз. Нега керак! Сиз, соҳибқиронсиз, сизнинг олижаноблигингизни эшитганмиз. Ва яна, сиз, санъатни ҳурмат қиласиз...

— Санъатни ҳам, сени ҳам! Сени ҳам, санъатингни ҳам!

— Тавба! Тушунмаймен... Бир сўз айтишга ожизмен. Вақти келиб қолар, ҳазрат, биз, албатта, яна дийдор кўришамиз... Мен ҳозир ўз хонамга — энагам ёнига қайтамен! Бунда ортиқ туриш мумкин эмас!

— Кетмайсен!

— Кетамен! — Нигина бўйнидаги ҳоким туҳфаси — шода жавоҳирга боқди, унинг буйруғини ҳурмат қилиб келганию энди ҳаддидан ошмаслигини шама қилиб, орқасига ўгирилаётган эди, Темур Малик унинг кифтидан маҳкам ушлади.

— Бундай қилакўрманг, маликам! Бу ердан чиқиб кетиш асло мумкин эмас!

Нигина ўйланиб қолди. У Темур Малик юзига тикилди. «Олижаноблик қани? Бу иш Темур Маликдек номга ярашмайди-ку!» У тикилганча бақрайиб қолди.

— Маликам! Минг бор узр сўраймен... Аммо, не қилайки, севиб қолган бўлсам... Мени ташлаб кетиш иккимизнинг ҳалокатимиз, демак. Кел, маликам, дунёдаги яққаю ягона кишим, кетма бу ердан! Мендан

нафратланма! Мен сени жонимдан аъло севамен. Нимаики истагинг бўлса бажо этамен.

— Ҳазрат! Сизга шуни маълум қилмоғим зарурки, мен Хўжандга эмас, ўз она қишлоғим Ворухга, ота-онамни, оғамни кўрай деб кетмоқдамен. Устод Ота Муҳаммадга бир йил ичида кўп яхшиликлар қилиб, кўндирдим. Унга тилло тангалар бердим... Сарой ҳам жонимга тегди, у ердаги казо-казолар ҳам жонимга тегди! Мен ворухликмен... Хўжандда ҳам қариндошларим бор. Ҳазрат, раҳм қилинг, ота-онамни кўрай...—деб Нигина йиғлаб юборди.

— Маликам, мен сени Ворухга, ота-онанг бағрига ўзим элтамен. Сени жонимдан аъло кўрамен. Ота-онангга имтиёзлар яратурмен. Ҳамма нарсадан, бойликдан... бари-баридан кечамен, лекин сендан кечолмаймен! Агар сен ташлаб кетсанг, шу ерда иккимиз ҳам ҳалок бўламыз. Бошқа чора йўқ!!!

.....
Шу кунни Нигина илтимосига кўра «Боғи насим» хоналаридан бирида Иброҳим Дўлдай билан устод Ота Муҳаммад иштирокида никоҳ ўқитилиб, Нигина Абдул Саид қизи Темур Маликнинг иккинчи хотини бўлди. У яна уч кун Хўжандда қолиб кетди. Темур Малик билан Нигина муроду мақсадларига етиб, хайрлашиш фурсати ҳам етди. Тақдирга тан бериб, Нигина кўз ёш тўкиб, саркарда билан видолашди...

Хўжанд ҳокими эллик чоғлиқ яхши қуролланган сарбозлари ҳимоясида устод Ота Муҳаммад бошлиқ созанда, хонадаларни, улар ичида Нигина билан энага хотинни Ворух сари йўллади. Уларга кўп сарпою инъомлар берди. Қайроққумдан ўтиб, то Ходарвеш даштигача уларни Темур Маликнинг ўзи отда кузатиб борди.

Саккизинчи боб

Юзига парда тутган соҳибқирон

Қизиган ёз кунларининг бирида жанубдаги Белисиниқ тоғи этаклари, Қайроққум даштида иттифоқо гард намоён бўлди. Қамишқўрғон дўнглигидаги баланд қоровулхонада туну кун атрофга сорбургутдек кўз тикиб ўтирган икки посбон бу чангу гард Исфисорга яқинлашаётганини кўрди. Тўрт қатор тизилиб шитоб билан келаётган отлиқларни чамалашди; икки юздан кам эмас. Шу лаҳза ўйлаб-нетиб ўтирмай, дарҳол тепа устидаги қалаб қўйилган саржинга олов ёқиб юборишди. Олов устига қорамой сепиб, устидан латта-лутгалар ташлашди. Қорамтир тутун бир муддат ичида бурқсиб, осмонга ўрлади (Қора тутун катта лашкар келаётганидан белги эди). Иккинчи қоровул югурганча хужрадан бўйра елпуғични олиб чиқиб, оловни елпиди. Бир терак бўйи тутун осмонга тик кўтарилди. Бу қора тутунни Хўжанд кўрмаслиги асло мумкин эмас эди. Икки қоровул-посбон ҳам бостириб келаётганлардан кимдир бу тепадикка чиқиб келиб, ўтни ўчириб, ўзларини чопиб ташламасликлари учун қиличларини яланғочлаб, тепа четида чўққайиб ўтиришди. Отлиқлар тепага яқинлашгач, найзадан тортиб, ўқ-ёйгача, яхшилаб қуролланган, пўлат дубулғаю совут кийган суворийлар Хўжанд томон шитоб билан келаётгани посбонлар юрагига ваҳима солди. Аммо бу «бургуткўз»лардан бири отлиқлар кийимидаги

белги султон қўшинига ўхшаш экани, нечун Ахсикат¹ томондан бундай лашкар йўлга чиққанига ақллари етмасди. Хўжанд билан Ахсикат ҳокимлари ўртасида низо йўқ-ку! Ёки улар Болосоғун, Тороз томонлардан келаётган каракидан қолдиқларимикан? Икки юз чамаси жанговар отлиқнинг Белисиниқ тоғи этаклари билан тўғри Хўжандга келаётгани соқчиларни ўйлатиб қўйди. Кекса қоровул маслаҳати билан ёш йигитча олов ёнида ҳаяллаб ўтирмай дарҳол отига миндию Қамишқўрғондан чиқиб, Сайхун ёқалаб Хўжандга югурди. Бир вақтлар Исфара, Шўроб, Воруҳ томонлардан, султон амалдорлари зулмидан ғазабланган отлиқлар Қоравшин дарёси, Работ томонларда қўшин тузиб, Ахсикат ва Ўш шаҳарларига ҳужум қилишганди. Бу музофотда энг кучли шаҳар Хўжанд ва унинг ҳокими Темур Маликка қарши юриш ақл бовар қилмайдиган бир ҳол. Ун минг жанговар отлиққа эса, ҳар бир от булутга сакрайман деб турган навкарларга қарши бориш ақлсизлик деб ўйларди қоровуллар. Султоннинг машриқдаги икки мустаҳкам қалъасининг бири — Хўжанд. Темур Малик султоннинг Жалолиддин даражасидаги саркардаси бўлганлиги учун тоғ оралиғидан бирон соҳибқироннинг қўшин тортиб, бу томонга юришига ҳеч ақл бовар қилмасди. Ахсикатдан чиққан отлиқлар Қамишқўрғон рўпарасидан дарё томон ўта бошлаганида, шу кун кечга яқин чопар Хўжандга етиб келди. У тўппа-тўғри Ўрдага югурди. Чопар ҳеч ерда тўхтатилмай, ҳокимга учрашишга ҳуқуқ берилган эди. Иш шошилич бўлгани сабабли чопар Ўрда ҳовлисига ҳам отда кириб, Дорус салтана рўпарасида отдан тушаётганида рўпарасида Шоҳмурод Кўхистоний пайдо бўлди. У ғўлдираб, «гард намоён бўлгани», икки юзга яқин отлиқ Хўжанд томонга келаётганини айтиши биланоқ, шу лаҳза уни ичкарига бошлаб кириб, Темур Маликка рўпара қилди. Курсида ўтирган Темур Малик чопарнинг шошмасдан гапиришини сўради. Унинг тили оғзига тикилиб ғўлдирадди. Ходимга имо қилиб, сув келтиришни буюрди (Чунки чопарнинг томоғи қақраб кетганидан аранг гапирар, тез-тез тупугини ютарди). Темур Малик чопарга бир неча саволлар бериб, бостириб келаётганларнинг баъзи тафсилотларини сўради. Шунга қарамай, Шерюрак Шоший бошчилигида ўн чоғлиқ отлиқни ахсикатликлар қаршисига йўллади. Шу билан бирга қўшин сардорларининг Ўрдага келишлари, шаҳар четида — Лайлак дарё ёқаси, Исфисор йўли устидаги майдонда тўпланишларига фармон берди. У жанг либосларини кийиб, отга миниб, сардор Шоҳмурод Кўхистоний билан биргаликда қўшин тўпланаётган томонга жўнади. Бу уқтилмаган юриш Темур Маликни ўйлатиб қўйди.

Навкарлари билан от чоптириб кетган Шерюрак Қамишқўрғондан сал берида, дарё бўйида бир муддат тўхтаб, отларини суғораётган суворийлар ёнига келиб, улар либоси устида султон белгиси борлигини кўриб, кўнгли таскин топди. У, отлиқлар сардори билан гаплашмоқчи эканини айтиб, рўпарада турган уч йигитга мурожаат этди. Нечундир уларнинг учовлари ҳам юзларига ниқоб кийган эдилар. Уларнинг бири этигига урилиб турган қиличи ғилофини тўғрилаб, ортидан эргашиб келган Шерюрак Шошийга киборлик билан гап қотди.

— Сени бунда ким юборди?

— Хўжанд ҳокими саркарда Темур Малик.

— Ҳоким нима деди?

— Қўшин билан Хўжанд устига келишдан мақсад нима?

— Мақсадни мен майдонда айтамен! — сарбоз йигит қўлидаги қамчинини этиги қўнжигга урди. — Гапим тушунарлими? — Унинг дарғазаб эканлиги гапидан сезилиб турарди.

— Биз ҳаммамиз бир султонга тобе кишилар бўлсак... Қўшин тортишдан мақсад нима?

¹ Ахсикат — Фаргона водийсидаги қадимий шаҳар. У Сирдарё (Сайхун) ёқасида бўлиб, мустаҳкам қалъалари бўлган. Уни баъзи манбаларда «Ахси» деб ҳам аталган. У ҳозирги Тўрақўрғон районининг Шаҳанд қишлоғи яқинида бўлган. (Муаллиф)

— Тушуниб қоларсен! Элчига ўлим йўқ. Агар яна бунда айланишиб юрсанг, сарбозларим бошингни сапчадек узиб ташлайдилар. Унда мендан домангир бўлма!

Шундан сўнг Шерюрак нима дейишини билмай, қайтадан отга миндида, йўлдошлари билан Хўжанд томон чопиб кетди. Оббо, иш чатоқ-ку, — деди у ўзига-ўзи. — Ахсикатликлар дарғазаб, биз билан жанг қилмоқчи бўлаётганликлари очиқ сезилиб турибди. Буларга бир бало бўлган! Акс ҳолда икки юз отлиқ бу тўда ўн минглик қўшинга тенг санармиди ўзини?! Булар наҳанг олдида бамисоли бир итбалиқ! Наҳангнинг оғзига юқ ҳам бўлмайди!

Шерюрак Шоший бу тафсилотни билиб, Хўжандга етиб келмасданоқ шаҳар дарбозлари тақа-тақ беркитилган, Шоҳмурод Кўҳистоний бошиқ суворийлар совет кийган, қиличу найза билан шаҳардан ташқарига чиқишган эди. Мингга яқин отлиқ дарё ёқасига келиб, яқинлашиб қолган суворийлар йўлига бақамти туришарди. Қўшин белгиланган ерга етиб бормасданоқ Темур Малик бир тўп отлиқлари билан орқадан етиб келди. У йўл-йўлакай бу сирли юришнинг сабабини ахтарарди. Бу иш ҳатто айғоқчилар сардори Муҳаммад Интизомга ҳам номаълум бўлиб қолди. Унинг ҳам боши қотиб, Шерюрак Шоший етиб келиб бир нима демагунча, соқов бўлиб турди. От чоптириб келган Шерюрак ахсикатликларнинг нияти ёмон эканини Темур Маликка маълум қилди. Аммо қандай бир сабаб уларни жангга отлантирганини айта олмади.

Кечга яқин отлиқлар Хўжанднинг катта қўшини рўпарасига етиб келиб саф тортди. Темур Малик иккинчи элчиси — Ахсикат ҳокимига жуда яқин бўлган, султоннинг машриқ қалбаларига номи кетган нуфузли Шоҳмурод Кўҳистонийга ишора қилди. Шоҳмурод Кўҳистоний отининг белига ниқтаб, рўпарада саф тортиб турган отлиқлар ёнига борди. Суворийлар орасидан оқ парда тутган сарбоз ҳам оти биқинига пошна билан ниқтаб уч-тўрт қадам олдинга чиқди.

— Соҳибқирон, бемаъно муҳорабага ҳаж этишнинг боиси нима?

— Қотилни жазоламоқ! Ахсикатлик мўътабар Ҳожи бунда ҳибсда. Уғли бошқа жинояткорларга қўшиб қатл этилган... Ҳокимингиз қўлини беғуноҳ қонга урган...

— Бундай сўз айтмоққа қандай тилингиз борди?! Сиз айтган Ҳожи ҳибсда, ўгли қўшин сафидан қочиб, лашкар сирини пучак пулга сотган. Жаҳдингиздан қайтинг! Сотқиннинг айби қон билан ювилмасми?

— Қайтиш йўқ!

— Бирдан унинг атрофида турган отлиқлар «Қайтиш йўқ! Уч оламиз!» деб ғурув кўтаришди.

— Мен Темур Маликни яккама-якка жангга чақирамен! У мард бўлса — майдонга тушсин!!!

Шоҳмурод Кўҳистоний отига қамчи босиб, ўз қўшинига бориб, бўлган гапни дарҳол Темур Маликка маълум қилди.

Шу лаҳза юзига парда тутган ўша соҳибқирон Шоҳмурод Кўҳистоний кегидан майдон ўртасига тушди. Икки қўшин ўртасидаги катта майдонда юзига парда тутган ёлғиз бу суворий турарди. У қиличини ғилофдан суғуриб, осмонда ярқиратди. Бу энди «Майдонга туш!» деган ишора эди. Беҳисоб отлиқлар олдида турган Темур Малик ҳамма гапдан огоҳ бўлгач, майдон ўртасида турган соҳибқирон рўбарўсига боришга мажбур бўлди. Беихтиёр икки суворий бир-бирларига қилич билан ҳамла қилиша кетди. Димишқий қиличлар гоҳ бир-бирига урилиб шарақлар, дам қалқонларга тушиб жаранглар, бош устида ярқирарди. Икки от ҳам бир-бирига сапчир, кўкракларини баланд кўтариб, олд оёқлари билан ҳамла қиларди. Жанг кўриб, қон кўравериб жангари бўлиб кетган отлар асабий кишнарди. Бир-бирларининг кўкрак, лунжларига туёқ урмоқчи бўлишарди. Ахсикатликнинг оти ниҳоятда жунбушга кирган, бароқ ёллари хурпайиб, эгасига қўшилиб саркарда отини янчмоқчи бўларди. Яна бир қилич бўлиб, туёқ ўрнида панжа бўлса, уни маҳкам ушлаб, от отни чопиб

ташлашга қодир эди. Қиличларнинг шарақ-шуруқи анча вақтгача давом этди. Кучлар баробар келдими, майдон ўртасида жон-жаҳдлари билан икки баҳодир олишишарди. Икки томонда саф тортган отлиқлар уларни бир дақиқа ҳам кўз узмай кузатишар, ахсикатликлар газаб алангасида қийқириб, ўз сардорларига мадад тилардилар.

Икки суворий жанги анча вақтгача чўзилди. Оғизлари кўпириб, ҳолдан тойган отлар йўлбарсга ўхшаб ўкиргандек овоз чиқаришарди. Ерларнинг тупроғи ўйнаб, чанг кўтариларди, қиличлар шарақ-шуруқи икки томон қўшинига эшитилиб турарди. Саркарда Темур Малик ҳам терга ботиб, анча эсанкиради. Агар у бир лаҳза ташаббусни қўлдан берса, отдан қулаши ҳеч гап эмас. Бир муддатдан сўнг улар бир-бирларидан андак узоқлашиб, отдан сакраб тушишди-да, бир-бирларига пиёда ҳамла қила кетишди. Икки томондан югуриб келган икки навкар отларни жиловидан ушлаб майдондан олиб чиқди. Пиёда жанг қилиш ҳам анча чўзилди. Ахсикатлик Темур Маликка нисбатан ёшроқ ва эпчилроқ эди. У ўзини тезда ўнглаб олиб, дубулгаю совут киймаган Темур Маликнинг кўксини мўлжалга оларди. Навқирон йигитнинг чарчаганини сезган Темур Малик устма-уст ҳамла қилиб, йигитни орқага тисарилтира бошлади. Иттифоқо шу лаҳза ахсикатлик паҳлавоннинг қиличи қўлидан учиб кетиб, беш қадамча нарига шарақлаб тушди. У гангиб қолди. Темур Малик шу лаҳза бориб, рақиб кўксига қилич тикиши мумкин эди, лекин орқасига тисарилиб, қиличи учини ерга тиради. Рақибга: «Қиличингни ол!» ишорасини қилди. Бу ниҳоятда кўрқинчли дақиқани саф тортиб турган ахсикатликлар нафаслари ичларига тушиб, кузатиб туришарди. Ахсикатлик соҳибқирон Темур Маликдан юз ўгирмаган ҳолда бир неча қадам орқага босиб ердан қиличини олди. Улар яна шарақ-шуруқ, бир-бирига қилич уриб, сипар тутишар, сипарлар ҳам қозондек даранглаб, овоз чиқарарди. Шу пайт Темур Малик юзига парда тугган ахсикатликка пайдар-пай ҳамла қилиб, қўлидаги қалқони билан эзди. У кутилмаганда ерга йиқилди. Темур Малик чалқанча ётган ахсикатликнинг кўксига қиличи учини қадади. Озгина бир куч билан совутни тешиб, шу ернинг ўзида ўлдирмоқчи эди, қандайдир бир куч уни бу ишдан қайтарди. Сарбоз юзидаги оқ пардани чап қўли билан шартта юлиб олдию... лол қотди! Ахсикатлик «соҳибқирон» ниҳоятда чиройли бир қиз экан! Сутга чайилгандай оппоқ юзларига, оху кўзларига тикилди. Пўлат совут ичидан қоп-қора сочлари ҳам сочилиб чиқиб қолган эди. Темур Малик қўлидаги оқ тўрни ерда ётган рақибига берди.

— Соҳибқирон, юзингизни бекитиб, ўрнингиздан туринг! Жанг тугади! Қиз бола билан жанг қилганимни менинг сарбозларим сезмасин. Отангиз ҳазратни бағоят ҳурмат қилардим, ўртамизда адоват йўқ эди. Бу нима қилиқ? У зоти шарифнинг сиздек соҳибжамол қизини ўлдирмаймен. Фақат исмингизни айтинг, билиб кўяй.

— Қоракўз бека.

Ахсикатлик юзига парда тортиб, ўрнидан турди. Лекин бари бир қиличини ушлаганча, ёвқараш билан Темур Маликдан кўз узмасди.

— Адоватни қўйинг! Меҳмонимиз бўлинглар. Бир мамлакатнинг фарзандларимиз! Сиз жангу жадалларга эмас, бир қасри олийнинг гавҳари бўлмоққа ярайсиз, бекам! Сиздай жасур сингил берганда, мен ўзига умрбод шукрона айтардим. Шаънингизга катта зиёфат берай, Кўздай азиз синглим бўлгайсиз!

— Йўқ! Агар мени ўлдирмасангиз, сирни очманг!

— Маъқул, — деди Темур Малик. Шундан сўнг у баланд овоз билан ўз қўшинига мурожаат этди: — Биз ҳеч қачон Ахсикат ҳокимига қарши иш қилғон эмасмиз. Яқин қўшниларибиз, қариндош бўла туриб, муҳорабани лозим кўрмаймиз. Ҳибсдаги Ҳожини бўшатиб, буларга топширамыз, мол-мулки билан бирга олиб кетишади...

Аслида гап бошқача эди: Хўжандга Темур Маликнинг отадан сўнг ҳоким этилиб, султон ёрлиғини олиши Ахсикат ҳокими ўрдасида кўп фахру ҳаяжонли гапларга сабаб бўлган эди. Темур Маликнинг

каракиданлар билан жангдаги жасорати, унинг ниҳоятда келишган ва кучли лашкарбошилиқ донғи фақат Ахсикат эмас, Уш, Утрор, Барчинликент, Жанд шаҳарларида ҳам машҳур эди. Хўжанд билан Утрор султон мамлакатининг машриқдаги Самарқанд, Бухороси деб аталарди. Темур мўйлабى энди сабза уриб, овози раста бўлар-бўлмас Гурганжга, султон хизматига кетган вақтларидан бошлаб, Ахсикат ҳокимининг соҳибжамол қизи уни ҳавас қилар, унга ғойибона муҳаббат сақларди. У Хўжандга келин бўлиб тушишни орзу қиларди. Отасининг Темур Малик билан яқинлиги уни жуда умидвор этган эди. Темур Малик жасоратли кишиларни яхши кўради, деб у ҳарбу зарбни машқ қилди. Ҳатто жангномаларни ўқиб, қадимги лашкарбоши Тўмарисга, Гулойимга тақлидан отда югуришни ўрганди. Аммо Темур Малик Гурганжда Туркон хотун хешларидан бўлган Ойчечакка уйланиб келгани Ахсикат ҳокими қизининг барча умидларини пучга чиқарди. У бу дунёдан яқка ўтиб кетишга қарор қилди. Темур Маликдан ниҳоятда ғазабланди. Унинг ишқида ёнгани, тунлар ухламай чиққани унга алам қиларди... Орзулари сароб бўлиб чиққач, ҳокимга нисбатан душманчилик кайфияти бошланди. Савдогар Ҳожи воқеасини бўрттириб айтиб берганлар уни оёққа турғизди. Темур Малик билан яқмама-яқма жанг қилиб, ё ўлдиришни, ё ўлишни жазм этди. Бўлмаса, ўн минг отлиққа эга бўлган «Малик» билан жанг қилармиди?!

Ахсикатлик Қоракўз бека Темур Маликнинг олижаноблиги, паҳлавонларга хос ҳотамлиги, чинакам мардлиги олдида лол қолди.

Муҳаммад Интизом от чоптириб бориб, зудлик билан зиндонда ётган Ҳожини бўшатди, ахсикатликлар қўлига топширди. Хўжанд қўшини орқага қайтиб, майдонни ахсикатликларга қолдирди. Улар шу куни дарё ёқасидаги қишлоқда тунаб, эртасига Ҳожини молу мулки, бола-чақалари билан олиб, Ахсикат сари жўнашди.

Ахсикатликлар сардори яна ўз қўшини олдига ўтиб, Қамишқўрғон тепаликлари сари, ундан дарё ёқалаб, Белисиниқ тизма тоғлари этагига дохил бўлди. Улар Лайлак дарёсига яқинлашгач, отлиқлар орасидаги икки «сарбоз» ҳам сардорлари Қоракўз бека ёнига келиб, юзларидаги пардани олиб ташлашди. Бу юришда Қоракўз бека зафар қозондими ёки мағлубиятга учрадими, бунинг аҳамияти йўқ, отда хомуш келарди. У ҳам юзидаги пардани олиб ташлади. Бу иш фақат хўжандликлар учун қилинган эди, ўз қўшини, ўз оға-иниларидан юзларини беркитиш ўринсиз эканини биларди. Отлиқлар учун ёш маликанинг гўзал жамоли маълум, шаддод қиздан ҳайиқишар ва уни ниҳоятда ҳурмат қилиб, унга итоат сақлашарди. Ёмонларга нисбатан бениҳоя қаҳри қаттиқлиги, яхшиларга бениҳоя меҳрибонлиги бор эди унинг.

Қоракўз бека Темур Маликка нисбатан юрагидаги оташни сўндириб, муҳаббат изтиробларидан бир йўла қутулмоқчи эди. Аммо «рақиб» қудратли эканини ўз кўзи билан кўрди. Қоракўз бека кўз олдида яна ўша паҳлавон Темур Малик Афросиёбдек жонланди-да, ўз қўшини ичра боши қуйи, хаёлот дарёсида сузиб бораётган беканинг юрагини муҳаббат оташи илгаригидан ҳам қаттиқроқ ёндира бошлади.

Тўққизинчи боб

Хўжанд бозори

Бу оқшом негадир Ойчечак бека ғамгин. У ҳокимга истар-истамас салом берди-да, ичкари хонага кириб кетди. Темур Малик уйланиб қолди, яна нима гап? Юрагига ногаҳоний нотинчлик тушди. У этигини қийналиб ечиб, бир чеккага қўйгач, хотини орқасидан ичкари хонага

сарпойчанг кирди. «Яна раққосани эсладими...» хаёл қилиб, Ойчечакка тик қаради.

— Нима гап?

— Ҳеч гап йўқ... — Ойчечак партўшакда ётган ерида бош кўтарди.

— Нега хафасен?

— Хафа эмасмен...

— Кўриб турибман-ку!

— Йўқ, ҳеч хафалик йўқ. Сизга шундоқ кўрингандир, — Ойчечак бир оз ўзини қўлга олди. Илгари шундай қилиқ — адолатсизлик қилганида, Темур Маликнинг кўзи ёниб, белидаги ханжарига қўл югуртирган эди. Яна шундай бўлмасин деб Ойчечак озгина чиройини очди. — Уйқунгизда: «Нигина, Нигина» деб, мени кучдингиз..

Темур Малик турган ерида қотиб қолди. Бундай хато учун у бир маротаба қаттиқ изтироб чеккан. Ойчечакка ялинган... Энди нима дейди? Темур Малик дам ғазаб, дам таажжубда ўчиб ёнарди. Турган жойида лол бўлиб, терлаб кетди:

— Ойчечак, жоним маликам! (Бундай аташни Ойчечак ёктирарди.) Сен беҳуда хафа бўлиб, йўқ нарсаларни хаёлингга келтурадурсен.

— Эшитдим, раққоса чиройли экан. У сизларнинг барчангизни хурсанд қилар экан... Шаҳзода Жалолиддин, шаҳзода Узлоғшоҳ, шаҳзода Хуршоҳлар ҳам унга хуштор экан. Ҳаммасини билдим! Ҳатто вазири аъзам ҳазратлари ҳам четда қолмабдилар. Эркаклар итни кўрса ияди! — Ойчечак юрагидаги кинларини тўкиб олиш учун ҳам жаҳл, ҳам эркаланиб йиғлаб гапирарди. — Асли Хўжанд атрофидаги қишлоқлардан эмиш у ярамас! Ҳаммасини билдим!.. Ҳаммангизнинг оғзингиздан сувингиз келади!..

Доно кишилар ҳеч қачон хотин кишининг ғазабига ғазаб билан муомала қилмай, аксинча, тилга куч бермай, эркалашади. Шунга ўхшаб Темур Малик ҳам хотинини бир пасда юпатди. Ойчечак ҳали никоҳ ўқитилганидан беҳабар, агар буни эшитиб қолгудай бўлса, Гурганжга жўнаши турган гап эди!

— Гурганж бозорида фаранги ифор сотилаётган эмиш, — деди Ойчечак нозланиб. — Менга ўша ифор атридан келтиринг.

— Атир! — чала уйқуда ётган Темур Малик кўз очиб Ойчечакка тикилди. — Ахир шу ерда, Хўжандда ҳам бор-ку! Эрта билан мен сенга энг яхши атирни етказамен...

— Йўқ, менга Хўжанд бозоридан келтирилган ифор-атир керак эмас! Бағдоддан ёки Гурганждан Фарангий ёки Аммон атри келтирсинлар! Фарангий атир бу ерда йўқ. Мен пойтахтдан, ўз ота-онам бағридан жудо бўлиб, узоқда қолиб кетдим. Фақат сизни деб юрибмен. Менга Гурганждан Фарангий атир келтиришсин! Буюринг!

— Хўб, — деди Темур Малик. — Бир ойда етказамиз. Албатта, ўша Фарангий атир бизнинг шаҳримизга етиб келади.

Ойчечак ҳар гал «раққоса Нигина» номини тилга олиб, саркарда юрагини сиқиб, ўзининг бир мақсадига етарди. Ҳокимни босиб олдим, деган қаноатга келган Ойчечак, кунлардан бир кун ўзининг садоқатли энагаси Бинафша бекага: «Ҳоким энди бизнинг кафтимизда ҳамир, ундан патир қиламизми, бўғирсоқ ясаб қовураимизми, нима қилсак қиламиз, — деди. — Уша раққосани эслаб, тилга олсак бас».

Энагаси Бинафша бека билан Ойчечак анча вақтгача гаплашиб ўтиришди. Энага Ойчечакнинг мақтанчоқлик билан айтаётган ҳамма гапларига ишонди.

Туркон хотун иродаси билан Хўжанднинг ёш ҳокимига узатилди. Бу никоҳга ҳатто султон ҳам аралашди. Гурганждан анча узоқдаги Утрор ва Хўжанд ҳокимларига ўз кешларидан бериш — муҳим давлат аҳамиятига эга эди. Бу билан узоқ қалъаларни яна ҳам мустаҳкам, султон кўзи остида бўлиши ҳисобга олинганди. Ойчечак ёш эътибори билан Темур Маликка деярли баробар бўлиб, ниҳоятда кўркам, шаддод қиз эди.

У қаламқош, кулчаюз, юқори лабида билинар-билинемас кўкиш туклари юзининг жозибасини юз чандон ошириб юборган эди. Ҳарир оқ ва новвотранг ипак кўйлакни ёқтирар, оёғига кўк сағрли чарм ковуш кияр эди. Хизматида уч-тўрт ёш чўри қизлар бўлиб, Бинафша бека деган катта ёшдаги, ориқ, қорачадан келган аёл асосан Ойчечакнинг ишонган, ҳоким хонадониди ҳамма нарсага аралаша олиш ҳуқуқига эга одами эди. Бинафша бека ҳам Гурганждан Ойчечак билан бирга келган, бу энаганинг ҳам Туркон хотунга алоқадорлигини Темур Малик аллақачон сезган. Энаганинг шаҳарда одамлари борлиги Муҳаммад Интизом орқали унга ҳам маълум эди. Лекин унинг йўлини тўсишга қўллари қисқа эди. Бинафша бекани безовталантириш, қаттиқ хафа қилиш ёки жосуслик сиридан воқиф эканликларини билдиришга ботинолмасдилар. Бир куни Муҳаммад Интизом ҳоким билан ёлғиз гаплашиб ўтирганида, кечирим сўраб, Гурганжга кетаётган карвон ичида бир кимса энаганинг тумор қилинган махфий хатини олиб кетаётганини, фурсатни қўлдан бермай у кимсани йўлда заҳарлаб ўлдириб, кўмиб юборишганини маълум қилди. «Тумор»ни ҳокимга узатди. Муҳаммад Интизом, агар рухсат этилса, энагани заҳарлаб эмас, мавжуд дорилар воситасида бирон ҳафта касал қилиб, кейин ажали етганга чиқармоқ мумкинлигини, дабдаба билан кўмиб юбориб ундан бир йўла қутулишни шама қилди. Темур Малик бунга рози бўлмади:

— Бу хотинни йўқотсак, султон яна шунга ўхшаган хотинни қалъамизга киритади. Унга тегманг, лекин доимо хушёр юринг, — деди.

Қалъани таъмирлаш ишлари қизгин бошланиб кетган кунларнинг бирида саҳар пайти тўшақда бир жаҳон бўлиб ётган Ойчечак эрига унинг «суянган тоғлари» — Муҳаммад Интизом билан Шохмурод Кўхистоний яхши одамлар эмаслиги, бу икки шахсни Гурганжга юбориш ё шу ернинг ўзида вазифаларидан бекор қилиш лозимлигини айтди. Бу ишни Туркон хотун номидан талаб қилди ҳам...

— Сабаб?

— Улар салтанат душманлари!

— Далил борми?

— Бор. Туркон хотун энамизни «қари тулки» атамишлар... Хўжанд қалъасини мустаҳкам таъмирлашдан мақсад Хоразмшоҳга қарши туриш эмиш.

— Аксинча, — деди Темур Малик, — нотўғри тушунишибди.

Бу гапларни эшитган Темур Маликнинг аъзойи бадани жимирлашиб кетди. У нима дейишини ҳам билмай, тўшақда ётган хотинига бақрайиб қараб қолди. Наҳотки унинг оғзидан шундай гаплар чиқса? Бу буйруқнамо гапга асос йўқ-ку! Уларнинг гуноҳи нима? Ахир, бу икки сардор бўлмаса, ўзининг аҳволи не кечади, улар суянган тоғлари-ку?! Бу гап Ойчечакнинг ўзидан чиққанига шубҳаланди. Темур Малик ўйлаб-ўйлаб, хотинига қараб илжайди. «Сабр қилайлик, яхши бўлса ошини, ёмон бўлса бошини ейди улар», деб қўйди. Кейин бориб эшикни очган эди, орқада Бинафша бека қулоқ осиб турганини кўрди. У энагани имлаб, ўзи билан айвонга, ундан қарши томондаги холи бир хонага олиб кирди-да, ёнидан учбурчак «тумор» чиқарди. Туморнинг ипларини ханжари билан қирқди, ва бир парча қоғозни ёзиб, Бинафша бекага кўрсатди.

— Мана бу жосуслик хати сенга ўлим жазоси берилишини тақозо этадур! Мен Муҳаммад Интизомга, худодан қўрқ, бекани ўлдирма, деб фармон берган эдим. Сен — хоинсен! Хотинимни ҳам менга қарши қўядурсен! Шу кунларда сенинг «йигирманг» ўтиб, тупроқда чириб ётган бўлардинг. Нима ёмонлик қилдимки, хотинимга айтиб, икки мансабдорни Хўжанддан четлатишни қулоғига қуйдинг?! Бу ҳам давлатга қарши жиноят! Сардор Муҳаммад Интизомни чақирурмен!

Бинафша бека турган ерида боши айланиб, йиқилди. Оғзидан оқ кўпик чиқара бошлади.

— Тур ўрнингдан! Ана, Муҳаммад Интизом келадур!

Бинафша бека сакраб ўрнидан турди.

— Улуғ ҳоким, саркарда, тавба қилдим! Гуноҳқормен... Гуноҳимни кечир. Ула-ўлгунимча хизматингда бўламен. Ёмонлик қилмаймен. Илло, Муҳаммад Интизомни чақирма!

— Бу гапларга қандай ишонай?! Йўқ! Гурганж — узок, бу ерда сен жодугарни йўқотиб юбориш осон! Сен менинг тўшагим остидаги илонсен. Бошингни мажақламасам, кўнглим тинчимайди. Ҳозир юрт нотинч. Сен буни билмайсен! Машриқда душманларимиз ҳужумга тайёргарлик кўрмоқда. Шу сабабли ичимиздаги сенга ўхшаш хоинларни йўқотиб, қалъани тозалаб олишим керак!

— Йўқ, ўлдирма! Менда яна бошқа сирли гаплар бор, ўлгунимча хизматингда бўламен. Менга шикаст берма, сенга хизмат қиламен. Ишон! Гапим ёлғон бўлса, мени ўлдириш қийин эмас. Ахир мен хотин кишимен, қаёққа ҳам қочардим...

— Хўб... Аммо сен хотинимга ҳар хил гапларни ўргатма! Бу гап иккимиз орамизда қолсин. Хотинимга билдирма! Шундай ёмон иш қилган бир далла оёғидан отнинг думига боғланиб тиканзорда судратилган... Эшитган бўлсанг керак?

— Тушундим! Тавба қилдим! — деди у, бароқ мушукдек ҳурпайиб.

Темур Малик билан Бинафша бека ўртасидаги жиддий гапдан Ойчечак беҳабар эди-ю, аммо улар ўртасида кўнглисиз «музокара» бўлганини фаҳмлади. Тезда бу ишни текислаб юбораман, ранжиманг, дегандек имо қилди энагасига.

Қандайдир хавф борлиги, Темур Малик ва бошқа сардорлар қалъани таъмирлаш, машқ, вайрон бўлиб тўрт томонга тарқаб кетган Шош камонсозларини топиш, камон буюриш, чилангарларга қиличу найза буюртмалар бериш, манжанақ, кемалар яшаш каби ишлар билан банд эдилар. Аммо Ойчечакнинг булардан хабари йўқ, хабари бўлса ҳам, асло қизиқмасди. Эрининг ташвишлари кўп экани ҳам унга ёқмасди. Бинафша бекага бир куни: «Мени ҳокимга узатишганми ёки доволзонгами, билмаймен! Бу одам эртадан кечгача қалъа девори устида, қўлида лўмбоз... Уйин-кулги, зиёфат деган нарсани билмаймиз... Биз ўзи дунёга нега келдик!..» деб йиғлаб, «Гурганжга кетамен, бу қангли — Даштиқипчоқлар юртида юрагим сиқилиб кетди!» деди. «Қаланги-қасангилар ҳоким атрофида ўралашади», деди Бинафша бека тагдор қилиб.

Икки кундан кейин Гурганжга жўнаши лозим бўлган Шоҳмурод Кўхистоний ҳокимнинг буйруғи билан йўлга чиқди. Унинг зиммасига истеҳкомни мустақкамлаш, Хўжанд қўшинини яна икки минг отликқа ошириш учун хазинадан ақча сўраш вазифаси юклатилган эди. Бунинг устига, Гурганж бозоридан Ойчечак бекага фарангий атир топиш ҳам керак... Бу нарса ҳоким хонадонида бошқа барча ишлардан «муҳим» роқ эканини Темур Малик сафдошлари билишарди.

— Азизим, фарангий атир сотиб олишни саройдагилар зинҳор сезмасин. Шарманда бўламиз... Мабодо хазинадан пул ололмасангиз ҳам, фарангий атир топиб келинг! Шаҳзодадан яширманг, менинг «қисматим»дан хабардор. Зинҳор-базинҳор буюк энамиз мақсадингиздан воқиф бўлмасун...

— Хотиржам бўлинг, саркарда.

Шундай қилиб, Шоҳмурод Кўхистоний ўн чоғлиқ йигит билан, Гурганж қайдасан, деб жўнаб кетди. Ҳар бекатда уларга от берилар, салтанат иши билан кетаётган юксак мансабдорларнинг юриш суръати асло сусайтирилмасди. Баъзан Хўжанддан то Самарқандгача ҳар беш ёғочдаги баланд тепаликларда посбонлик қилаётган кишилар мансабдорлар от чоптириб кетаётганини кичикроқ олов ёқиб, тутун бурқситиб, навбатдаги тепадагиларга билдириб қўйишарди.

Посбонлар ёв бостириб келаётганини хабар қилиш учун тайёрлаб қўйилган саржиннинг ҳаммасини ёқиб, катта аланга чиқарардилар. Урта ва кичик алангалар кундалик катта-кичик хабарлар учун ёқиларди. Кўхистоний азбаройи дўстига содиқлиги, қўшинни яна икки

мингга кўпайтириш масаласининг муҳимлигини билиб, баъзан кечалари ҳам йўл юриб, даштда бўри галалари билан олишиб, қумдаги қароқчиларни ҳам писанд қилмай, Гурганж томон интиларди.

Темур Малик Шоҳмурод Кўхистонийни жўнатиб юбориб, ўзини ёлғиз, юраги узилгандек ҳис этди. Бу етмагандек, уйига кирса, Ойчечак димоғ-фироқ қилар, уйланганига беш йил бўлганига қарамай, унинг баъзи хатти-ҳаракатлари тўнга тушган ямоққа ўхшаб жинини қуриштирарди. Темур Малик хотинининг нодонларча енгил қилиқлари устидан кулар, лекин унинг «султон уруғидан» эканлигини назарда тутиб, хуноб қилишларига чидарди. Қанча танбеҳ берса ҳам, Бинафша бека йўриғидан чиқмаслиги уни азобларди. Кейинги кунларда ҳоким Муҳаммад Интизом маслаҳати билан бир чўри қизни Ойчечак билан Бинафша бека хизматига тайинлади. Унга яхши ҳақ белгилаб, иккисига кўз-қулоқ бўлишни, айниқса гапларига эътибор беришни буюрди.

Кўхистоний йўқлигида Темур Малик сардор Шерюрак Шошийни ёнига чақириб, бошқа мўътабар мансабдорлар, юзбошилар ҳузурида, қутвол Кўхистоний йўқлигида маҳкама ишлари, ҳисоб-китоб, таъминот ва шунга ўхшаш вазифани бажариб туришига фармон берди. Мухрдорликни ҳам Шерюракка юклади.

Сардор Шерюрак Шоший асосан ҳарбий киши бўлиб, Хўжанд қўшинида кўп йиллардан буён хизмат қиларди. У султоннинг қаракиданларга қарши юришида баҳодирлик кўрсатган. Бағдод ва Ҳиротни эгаллашда, Машҳад ва Сабзаворга юришда қатнашиб, султон эътиборини қозонган. Аммо отасининг «Шош мустақиллиги» ишида айбланиб боши кетгани сабабли, ҳар қанча баҳодирлик кўрсатмасин, на малик ва на ҳоким лавозимларига чиқа олди. Султон унинг баҳодирлигини тан оларди-ю, аммо косасини оқартирмасди. Шу сабабли у Сайхун томонга, Темур Малик хизматига келган. Шошнинг вайрон бўлгани бу одам юрагида ҳам доимо бир ярадек алам берарди. Ким ўз шаҳри вайрон бўлиб, хурсанд юрсин! Темур Малик Шерюракнинг ниҳоятда ақлли, тадбиркор ва садоқатли одам эканини яхши билиб, унга ҳам Шоҳмурод Кўхистонийга суянгандай суянарди. Уни Гурганж таъқибидан доимо сақларди.

Кунлардан бир куни Ойчечак эрига мурожаат этиб, энагаси, чўриси билан бозорга бориб, томоша ҳам харид қилиб келишини айтди. Темур Малик кулумсиради.

— Бош устига, маликам! Сиз, бозорга борамен, десангиз, мен «йўк» дейманми. Одамларни кўрарсиз, кўнглингизда ғариб-ғурабога нисбатан шафқат пайдо бўлар. Бозорда мулкдорлар ҳам бор, ғарибу ғураболар ҳам бор...

— Менинг ғарибларингиз билан ишим йўк, ғариблар ҳолидан ҳоким ҳазратлари хабар олсинлар! Мен бир хонанишин кимса, қафасдаги қушчамен... Бозорда ҳам чодра ичида юрамен, мен бир одамизот кўрмайди. Аммо мен ҳаммани кўрамен.

— Маъқул.

Лекин Ойчечак Темур Маликнинг кейинги ойларда эрта билан машқ ва ундан кейин қалъа деворларини таъмир этаётганлар, отхоналар, расталар қураётганлар, баланд тимларга ёғоч қоқаётган усталар тепасида бўлаётганини билмас эди. Ҳоким майдонда ҳарбий машқни тугатгач, қилич ва дубулғаларини ечиб, Шерюрак Шоший билан бозорда раста қураётганлар ёнига оддий кийимда борарди. Ёнида бир неча навқари бўлар, улар ҳам амалдор тўнларини маҳкамада қолдириб, пешмат ичидаги камарда биргина ханжардан бўлак бошқа қурул-аслаҳа тақишмасди.

...Бозор ғоятда гавжум. Бир томонда базозлар — дўконларда матолар қалашган. Шоҳию кимхобу ип газламалардан тортиб, Шому Чин, Ажаму Фарғона матолари, гулдор рўмоллар, газмоллар тўлиб кетган. Унинг ёнида заргарлик, унинг ёнида атторлик, ундан нарида мисгарлик... чопонбозор, этик ва маҳсидўзлик, қалпоқбозор, ундан

нарироқда каппону мевабозор, ундан нарида кенг майдон бўлиб, ҳафтада уч бор молбозор ҳам гавжум бўларди. Сайхунга яқин кенг майдонда от бозор...

Бозори асп Хўжандда энг катта бозор бўлиб, ҳукмдорлар бошқа бозорларни бекитсалар бекитардилар-у, аммо от бозорини доимо эътиборда тутардилар. Одатда, сарбозлар қалъаларни, хазинаю дафинани, оту хотинни биринчи галда қўлга киритардилар. Шу сабабли, салтанат қудратини ошириш, лашкарни яна икки мингга етказиш мақсадида Темур Малик от бозори, от боқиладиган ерларни кенгайтиришнинг пайига тушган эди. Сайхундаги эллик катта кемани саксонга етказиш учун султон Ҳазар кемасозлари, Озорий ва Истамбулдан кемасоз усталар чақириб, хазинадан етарли маблағ ажратган. Темур Малик баъзан кемасозлар, баъзан от бозори, янги раста қураётганлар ёнига бориб, корфармолар билан гаплашар, ишнинг ғоятда муҳимлиги, вақтида битиши лозимлигини сездириш мақсадида атайи корфармо ёнида назорат қилиб турарди. Баъзан Шерюркака имо қилиб, хода кўтаришар, бошқаларга ибрат бўлмоқ ниятида лойга қўл уришар эди. Бу эса, усталарга ёқмас, ҳокимнинг паст табақадан бўлган кекса бир кимса билан ёнма-ён ўтириб чой ичиши уларнинг ғашини келтирарди. Аммо ҳокимнинг оддий кишилар орасида иштиёқ билан ишлаши одамлар руҳини кўтарарди.

Шу куни пешинларга бориб, Хўжанд ҳокимининг икки от қўшиладиган чиройли, нақшин мўрдак араваси навкарлар кузатувида бозор дарвозаси ёнига келди. Қилич осган навкарлар одамларни четга итариб, аравага йўл очишарди. Яна бир отлиқ йигит бозор оқсоқолини қидириб кетди. Семиз оқсоқол отхона ёғочини тушираётганлар орасида терлаб ишлаётган Темур Малик ёнида, у билан гаплашиб турган эди. Отлиқ навкар бунда ҳоким билан Шерюркака кўзи тушиб, отдан сакраб тушиди-да, эгилиб салом берди. Гапидан адашиб, довдираб қолди.

— Тушунамен, йигит. Сен оқсоқолга малика бозорга келганини айтмоқчисен?

— Орий, ҳазрат! — деди йигит таъзим билан.

— Хабарим бор, оқсоқол жаноблари! Марҳамат қилиб, малика ёнларига боринг, биз бунда бўламиз. Султоннинг оналарига қанчалик эҳтиром кўрсатсангиз, маликага ҳам шундоқ ҳурмат кўрсатинг. Отхонада эканимни сездирманг, акс ҳолда у киши ор қиладилар...

Темур Малик хоҳолаб кулиб юборди. Шерюркак ҳам кулмоқчи эди, лекин ўзини тийди...

Заррин чодрага ўралган Ойчечак Бинафша бека билан мўрдак аравадан тушишди. Чимматдаги бекага кўзи тушганлар бош эгиб, салом беришди. Одамлар жон кўзини тикиб, икки зодагон аёлни ўраб келишарди. Уларнинг бемалол юришларига йўл очишарди. Бека ойимнинг бозорга кириши наврўз байрамидек шоду хуррамликка айланиб кетди. Лекин кўплар шундоқ ёнгиналарида ҳокимнинг ўзи терга ботиб ишлаётганини билишмасди.

Ойчечак аввал ўзини базозликка урди. Ҳаллослаб етиб келган бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз эгилиб салом бергандан кейин уларни энг катта дўконлар олдига бошлаб борди-да, бека ойим рўпарасида кўз олувчи ажам матолари, парчаю ипак матоларни ёзиб ташлайверди. У питирлаб, ҳокимдан ҳам юқори мартабали кимса олдида тургандек бўларди. Баъзан оқсоқолнинг ўзи ҳам яхши матоларни ёзиб, Ойчечакка кўрсатар, хушомад юзасидан таъзим қилар эди.

— Буни оламиз! Мана буни ҳам... Буниси ундан яхши экан...

Ўша матолар дарҳол ўралиб, савдогар йигитлар томонидан мўрдак аравага элтиб қўйилди. Ойчечак гулдор катмончасидан олтин тангалар олаётган эди, Аҳмад ибн Мораз қўлини қалқон қилиб, уни қайтарди:

— Бевозга бўлманг, маликам, булар фақирдан тухфа.

— Дўкондорнинг молини қандай қилиб тухфа этасиз? Савдогарлар бундай қўли очқлик қилса синади-ку!

— Маликам, бутун бозорни сизга ҳады қилишга қурбим етади. Саркардамдан бозору молни эмас, жонимни ҳам аямаймен. Мен ҳоким ҳазратларидан фақат яхшилик кўрган савдогармен.

— Ҳокимдан яхшилик кўрган бўлсангиз, ҳали мендан яхшилик кўргангиз йўқ! Эҳтимол, мен сизни жазолармен?!

— Биз султон олий ҳазратларининг фуқароларимиз, ўн етти бор Гурганжда бўлганмен.

— Энди ўзингизга келдингиз. Сиз доно оқсоқол экансиз. Ўн етти бор Гурганжга борганингиз, улуғ султонга садоқат билан хизмат қилганингиз, бу эътиқодингиз сизга яна омад беради.

— Айтганингиз келсин.

Ойчечак тангаларни жиринглатиб, гулдор катмончасига солди. Шундан кейин улар заргарлик растасига йўл олишди. Жажжи дўконларда девору қутилардаги олтин ва кумуш безаклар, тақинчоқлар кўзни оларди. Кичик бир дўкон олдидан ўтишда қандайдир хушбўй ҳид димоққа урилди. Аҳмад ибн Мораз бир лаҳза меҳмонларни тўхтатиб, ўзи дўкондордан икки чиройли қутича олиб, унинг ичидаги шиша идишларни Ойчечакка узатди.

— Мана шу икки шиша атирни ҳам каминадан, хонадоним бекасидан туҳфа деб тушунгайсиз. Бу атир дарё босиб, узоқ мамлакатдан келган. Олинг!

Ойчечак бармоқларига гавҳар кўзли қимматбаҳо узуклар таққан кўлини чимматдан чиқариб, атирни оқсоқол кўлидан олди-да, шиша қопқоғини очиб ҳидлади.

— Буни оламен. Бу — энг яхши туҳфа!

Бинафша чиммати ичидан тирсагини Ойчечакка теккизди. Ойчечак тушуниб, яна халтадан тилла танга чиқарди.

— Учинчи атирни ҳам беринг, бизга керак.

— Марҳамат! — деди Аҳмад ибн Мораз, учинчи қутичани ҳам Ойчечакка узатиб. Кейин кафтини очиб, Ойчечак берган тилла тангаларни олди-да, дўкондорга узатди. — Учинчи қутичага пул оламиз, хафа бўлмайсиз!

— Асло, — деди Ойчечак, лекин овози дириллаб чиқди.

Хўжанд бозори — энг катта бозор...

«Берган ҳаммага ёқибди», деган гап оқсоқол Аҳмад ибн Моразнинг дилидан ўтди.

Оқсоқол раҳнамолигида улар заргарлик растасига ўтиб, бир неча қимматбаҳо тилла буюмлар ҳам харид қилишди. Бошқа расталарга ҳам киришди. Ҳамма ерда улар орқасидан оломон эргашиб юрарди. Одамлар бозордан олди-сотдисини тамоман унутиб, Хўжанд ҳокимининг хотини Ойчечак орқасидан эргашишарди. Бозор ҳеч қачон бунчалик обод бўлмаган, агар Гурганждан ҳақиқий малика келганида ҳам бунчалик ободу гавжум бўлмас эди. Ойчечак чиммат ичида бошини виқор билан баланд кўтариб, «чечак» эмас, осмондан тушган «ой» бўлиб, гўё ҳаммаёқни ёритди. Унинг жамолини ҳеч ким кўрмаган ва кўриши ҳам мумкин эмас эди. Аммо оломон, бозор ичида мислсиз бир гўзал юрибди, деб хаёл қиларди.

Ойчечак қуролли навкарлар, бозор оқсоқоли кузатувида бошқа расталарга ҳам ўтиб, бозор четига чиққанида, узоқда пойтеша билан хари, тўсин чопаётган, ер қазийтган одамларга бир қараб қўйди. Темур Малик айтган «ғариб-ғураболар» шулар бўлса керак, деди фикран. Унинг назарида «исқирт кишилар» тупроққа ботиб, ёғоч ташишарди. Булар орасида Темур Малик билан Шерюрак Шоший терлаб ишлаётганини хаёлига асло келтирмасди.

— Бекойим, у томон — бозори асп. Бозор четида отхоналар қурапмиз... У ёққа бориш шарт эмас, — деди бозор оқсоқоли ҳадиксираб.

— Яхши, — деди Ойчечак, яна заргарлик томон қайтиб, — аравани шу ерга олиб келсинлар, чарчадик. Шу ердан қайтамиз.

Соябонли арава шу ерга келтирилди. Одамлар икки чеккага

Ўтишди. То бозор дарвозасигача отнинг жиловини ушлаган Аҳмад ибн Мораз азиз меҳмонларни пиёда кузатиб бориб, кейин аравани ўраб олган навкарларга: «Хайр» ишорасини қилди. Қўли кўксида, кузатиб қолди. Оқсоқол маликани кузатгач, орқасига қайтиб келиб, бўлган барча гапни Темур Маликка ҳикоя қилди. Ҳоким хода устида ўтириб тоза кулди.

— Оқсоқол, сиз ҳам султон яқинларидан бирига уйланганингизда шундоқ бўларди. Қандоқ қилайлик. Хайрият, Хўжанд бозори катта... Инсоннинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор. Хўжанд бозорига, бу томони — Фарғона, бу томони — Самарқанд, бу томони — Шому Ироқдин, бу томони — Нили муборақдин, бу томони — Чину Афғон, бу томони — Фарангистону Рум, Андалусия, Олмон томонлардин савдогарлар мол олиб келадур. Ипак карвонларининг йўли ҳам Хўжанд устидан ўтадур... Бу ҳазилакам гапми! Хўжанднинг донғи етти иқлимга кетгон.

— Уз ҳунарингизни яхши кўриб, эътиқод билан иш тутишингиз бизга ёқади, — деди Темур Малик, Аҳмад ибн Мораз ҳаяжонини кузатиб туриб.

— Қайси ҳоким сиз каби авом ичига тушиб, бундоқ лой ишига қўл уради. Бошингизда жиға, елкада хода кўтармоқдасиз. Доимо саломат бўлинг!

Аммо Темур Маликка шундоқ долзарб кунларда хотинининг тантанавор юриши ёқмасди. У кулкидан сўнг бир лаҳза хомуш тортди. Бундай диққат бўлган пайтларида бармоғидаги узугига тикиларди. У бирон нарсадан диққат бўлиб, юраги сиқилган пайтларида узугининг кўзига боқар, авжи рақсадаги Ҳинд гўзали унинг кўзларига Нигина бўлиб кўриниб, бирдан жонланиб кетарди. Эркаланар, дам ўнгга айланиб боқар, дам чапга айланиб Темур Маликка боқар, кулаётгандек бўларди. «Боғи насим»даги унутилмас ширин онлари ёдига тушар, ўзини дунёда энг бахтли одамдай ҳис этиб, ҳаяжонланарди.

Ўнинчи боб

Ғафлат фожиаси ва Бўрибосарнинг вафоси

Хўжанд атрофидаги ўрикзорлар олтин ранг олган. Мислсиз бир гўзаллик кашф этган куз кунлари эди. Шаҳар ичидаги баъзи дарахтлар аллақачон яшил тўнини ечиб, қорни кутар, баъзилари ҳали Қурама тоғи арчаларидек ям-яшил турар эди. Қалъанинг баланд кунгураси ёнида туриб, шаҳарга кўз ташлаган Темур Малик, табиат манзарасига суқланиб боқарди. Қўрғон кунгуралари ҳам таъмирдан чиқишга яқинлади. Боболар вақтида қурилган бинолар таъмирталаб бўлиб қолгани кўпларнинг диққатини тортарди-ю, аввалги ҳокимлардан биронтаси ҳам бу ишга жазм этолмаганди. Улпон йиғиш, султон хазинасидан маблағ сўраш керак, албатта. Бу ният кўпдан Темур Маликка тинчлик бермай келарди. Қалъа кунгурасидан пастга қараган кишининг юраги шиғиллаб кетади, жуда ҳам пастда қудратли Сайхун тўлиб, буралиб, жимирлаб оқиб ётарди. Дарёдан нари беҳудуд уфқларга, кўз илғамас кенгликларга тикилар эди у. Шу пайт шаҳардаги «аллома»лардан бирининг: «Хўжанднинг ёш ҳокими Темур Маликнинг анча вақтдан буён шаҳардан ташқарига чиқмай, қалъада ўтирабериши, ҳарбий машққа куч бериб, зироатчи мардум ҳолидан хабар олмаслиги ғафлат уйқуси, демакдир, бу эса авомнинг шўри. Тахтни фақат қиличу найза билан ушлаб тураман, деган ҳокимнинг давлати таназзулга юз тутмоғи муқаррар», деган гапи ногоҳ эсига

тушиб кетди. Бу гап айни ҳолатида таъсир этиб, ҳарбий машқ бўлмайдиган жума куни у ўз ёнига қутвол ҳамда мингбоши вазифасини бажарувчи Шоҳмурод Кўҳистоний, яна беш нафар азамат навкарлардан олиб, сафарга отланди. Бир неча чориқ, чироқ, шам, кетмону тешалар олди, ҳамёнига олтин ва кумуш тангалар солди. Шаҳарни боқаётган деҳқону боғбону чорвадорларга илтифот кўрсатишни анчадан бери кўнглига тугиб юрарди. Киши инсофли бўлиши керак, узумини егину боғини суриштира, деган қабилда иш тутиш инсофдан эмас, деди у ўзига-ўзи. Иккиламчи, фуқаро ўз ҳокимини кўрмоғи, танимоғи лозим. У куёвболадек гўшангадан чиқмай ўтирса, уни ким кўрадию ким танийди?! Гаплашиб, таниб олган, яхшилик кўрган кишилар ҳокимга суянадилар, мамлакат ишига ҳам жон чекадилар. Ҳокимини кўрмаган, билмаган авом мисоли ёввойи қулондирки, уни асло ушлаб, эгарлаб бўлмайди. Қолаверса, мен ўзим ҳам асли фуқародан чиққанман, отам — Хўжанд фуқароси, юзбоши бўлган...

Шундай эзгу ниятлар ҳоким юрагига жо бўлиб, Хўжанд атрофидаги Унчи, Қистакўз, Нав, Куркат, Қўрғонча, Қўшбулоқ қишлоқларини айланиб келишни ўйлади. Маҳкамада ҳокимият ишларига қараб туриш учун Муҳаммад Интизом билан Шерюрак Шоший қолди. Хўжанднинг иккинчи мансабдор кишиси Шоҳмурод Кўҳистонийни саркарда ўзи билан бирга олганига бошқа мансабдорлар таажжубланишди. Икки нафар мансабдор ҳам шаҳардан ташқарига чиқса, бу пайтларда Туркон хотундан нома ёки одам келиб қолса, нима ҳол кечади? Қалъа аёнларидаги бу андишани фаҳмлаган Шоҳмурод Кўҳистоний кулди. У Темур Маликка мурожаат этди:

— Саркарда, мени ўз ёнингизда олиб кетмоғингиз боиси Хўжандда ҳазрат йўқлигида давлатни Шоҳмурод ўз қўлига қаратиб олади, деган хаёл бор...

Темур Малик ҳам ҳазилни фаҳмлаб кулди:

— Шоҳмурод Кўҳистонийга бир Хўжандни эмас, бутун Мовароуннаҳру Хуросонни беришга тайёрмен. Жонимдан ҳам ортиқ кўрадурғон кадрдоним Шоҳмуродга, у лозим топса, навкар бўлиб хизмат қилишга тайёрмен...

Бу гапдан кейин улар қучоқлаша кетишди.

— На қилайки, сиз ёнимда бўлмасангиз, мен ёлғиз қолгандек бўлурмен. Иккиламчи, ахир авом билан учрашганда ёнингизда бир калласи бутун одам ҳам бўлмоғи даркор.

— Тушундим... Мен Афлотун, балки Ибн Сино ёнидамен, унинг тафаккури бир очун. Мен баҳр соҳилидаги бир ирмоқдирманки, баҳри муҳитга қўшилиб, ўзимни ҳам баҳр фаҳм этадурмен...

— Тоғлиқлар доно бўлади, — ҳазилни давом эттирди Темур Малик.

— Бас, шундоқ экан, саркардам, ҳозир шаҳардан чиқиб, даламадала юришдан мақсад нима? Деҳқонлар ўз иши билан машғул, чўпонлар мол боқиш билан банд. Ерларимизда зироат осойишталик билан унмоқда. Ҳамма вақтдагидай авом ўз юмуши бирла овора.... Бозорларда маъмурчилик, шаҳарда савдогарлар, ҳунармандлар ўз ишлари билан куйманишади. Биз оҳангарларга кўпроқ қиличу найза буюрмоғимиз даркор эди, шундай қилдик.

— Сиз жанобнинг ҳамма сўзларингиз ҳақ. Тўғри, деҳқонлар кўп экин экди, бозорлар обод. Яхши отлар сотиб олдик, яна оламиз. Аммо биз бориб деҳқон билан гаплашмоғимиз қарзу фарз! Зироатни, йўнғичқаю пичан ғарамларини ўз кўзимиз билан кўрайлик. Мен бу кеча «Шоҳнома»нинг Фаридун ҳикоятини ўқидим, аввалги куни «Калила ва Димна»ни мутолаа қилдим. Сиз бу йўлда тўғанок бўлишингиз билан вазири аъзам — Қоплонга ўхшайсиз...

Шоҳмурод Кўҳистоний қаҳ-қаҳ уриб кулди. У Темур Маликнинг ҳозиржавоблиги-ю, баъзан гап билан қамчилашини ёқтирарди.

— Хўжанд — султоннинг тўрт юз қалъасидан бири! Хўжанд

ҳокимининг содиқ қулларидан бири «вазири аъзам»га тенг кўрилар экан, — деди Кўҳистоний, — мен тоабод бу катта мурувватни унутмай-мен. Қафи, кетдик, саркарда!

— Гўдак боладек совуқ сувга ювинтириш олдидан бир оз хар-хаша қиласиз. Тоғликларнинг устидан либосини фақат ўлганидан кейин шилиб оладилар, дейишади, шу ростми?

— Тавба қилдим! — Шоҳмурод Кўҳистоний яна кулиб юборди. — Саркардам, афв этасиз! Либосим қалин, найзалар, қиличлар менга қор қилмайди. Аммо бир куни шу бесуяк тилим қурғур ўз бошимга етмаса деб қўрқадурмен...

Темур Малик отига қамчи босди.

Улар айланма йўллар билан шаҳардан чиқиб, баландликка ўрлай бошладилар. Сайхун орқада қолди. Кун ёйилганида Нав қишлоғига етиб бориб, бир кулба рўпарасидаги майдончада хўкиз билан бугдой янчаётган йигитчага кўзлари тушди. Йигитча бу суворийлар ичида ҳоким борлигини билмаса ҳам, сипоҳийлар, юқори мартабали кишилар эканини фаҳмлади. Бир лаҳза ишни тўхтатиб, бош эгиб салом берди. Темур Малик отдан тушиб, юз-кўзлари чанг, ориқ, ҳали мўйлаби чиқмаган, қорачадан келган йигитчага яқин борди. Салом-алиқдан сўнг, бу йил ҳосил қандай бўлганини, неча ёшдалиги, исми нима, ота-оғалари борми, нега бунда ёлғиз меҳнат қилаётганини сўради. У ўз исми Довул, отаси борлиги, отасининг исми Совур эканини, у нариги Куркат қишлоғига кетганини айтди. Бу йил ҳосил яхши эканини маълум қилди. Темур Малик деҳқон боланинг хирмониға барака тилаб, яна отга минди. Нав қишлоғи ичкарасига кирмай, шунақаси Куркатга юришди. Икки қишлоқ оралиғида бир жарлик бўлиб, баландликка кўтарилган киши узоқдаги Туркистон тизма тоғ чўққиларини шундоқ аниқ кўриши мумкин эди. Сап-сарик қирлар, тоғ ёнбағрида икки ерга яшил ранг тўкилгандек, олис-олисларда икки қишлоқ дарахтлари яшиллик ҳосил қилган эди. Оқсув билан ундан нари Қорасув дарёлари ҳам кўзга илинарди. Тоғ йўллари оша улар Куркат қишлоғига кириб боришди. Йўл четидаги ҳақиргина бир кулбадан аёлларнинг йиғи овози эшитиларди. Пастқам, деворлари ҳам харсангтош бўлаклари билан озгина кўтарилган, бир хужраю айвондан иборат кўримсиз ҳовли ёнида отдан тушишди. Қилич осган етти сипоҳни кўрган уй эгаси ҳовлида тўпланган одамлар ичидан чиқиб келиб, улар билан ғамгин кўришди. Ҳовлига таклиф қилиб, жой қилинган айвонга ўтқазди. Бир йигит отларни ушлаб, турди. Куркатликлар уларни Самарқанд томон кетаётган мансабдорлар, деб ўйлашди.

— Бошимга оғир мусибат тушди... — деди деҳқон хўнграб йиғлаб. — Кеча чақалогимни бешикка белаб, онаси бир муддатга бизнинг ёнимизга хўрак олиб келган эди. Биз далада хирмон тепасида эдик. Бешикдаги боламини бўрига олдириб қўйдик. Вой, юрагим ёниб кетмоқда! Ичимга пичоқ тиқиб олгим келади, эй йўловчи, энди мен нима қиламен? Э, пешонам бунча шўр бўлмаса! Қайси гуноҳларим учун менга бунчалик жазо! Бир яшар ўғлимни бўри еб кетди. Орқасидан қидириб бориб, даладан унинг оёқ панжаларини топдим. Вой, мен энди нима қиламен! Икки ўғлим бўрини қидириб кетди. Агар топиб келмасаларинг, ўзимни ўлдирамен, дедим. Эндигина тили чиққан бола эди. Бизни ғафлат босибди, атрофимизда бўрилар борлигини билмаб-миз... Онаси мурда бўлиб ётибди. Мен бу мусибатга қандоқ чидаймен!

Темур Малик ўтирган ерида ўйланиб қолди. Рўпарасида кўксини чангаллаб оҳ ураётган давангир одамдан кўз узмас, унинг ҳолига бағоят ачиниб, бошини сарак-сарак қиларди. Ёнидаги Шоҳмурод Кўҳистоний, ҳовлида турган сарбоз йигитларнинг ҳам юраклари ачиб, хомуш тортишди.

— Ўзи сизга сабр-ирода берсин, биродар! — деди Темур Малик. — Жуда ёмон фожиа юз берган. Ҳасратингизга биз ҳам шерик. Бечора бола қоракўл қўзичоқдек ёруғ дунёни кўролмай кетибди. Э, афсус, э, афсус!..

— Вой-дод, хўжам, энди нима қиламен! Мен ота эмасмен, бир боласини бўридан асролмаган бир ношудман!

— Сабр! — деди Шоҳмурод Қўҳистоний. — Бу зот Хўжанд ҳокими Темур Маликдур. Сизга сабр тилаймиз, — у Темур Малик ишораси билан ёнидан халта чиқариб, ўн тилла санаб, деҳқонга узатди. — Буни олинг, Хўжанд ҳокими номидан.

Деҳқон тангаларни олиб, Темур Маликни алқади. Шундан сўнг улар ўринларидан қўзғалиб, нариги Қўрғонча қишлоғи томон йўл олишди. Йўл-йўлакай Темур Малик чақалоқ фожиасинию ғафлат босган деҳқон ҳақида ўйларди. Ичкарида, чалдевор хоналарнинг бирида бағри ёнаётган она азобларини сўз билан айтиб бўлмаслигини ҳам ўйларди.

— Сиз, мухтарам зот, эрта билан менга ҳаммаёқ осойишта, фаровонлик, эл шоду хуррам... деб, бу ерга келишга унамаган эдингиз. Аҳволни кўрдингизми? Улим муқаррар, аммо бунақа фожа бизни ўйлатиб қўяди. Биз ғафлат уйқусида ётиб, фарзандларимизни бўрига олдирадиган бўлсак, бизнинг ҳокимман деб юришимиздан нима маъно. Бу бизга ибрат бўлмоғи лозим, Хўжанд музофоти фуқароси бизга фарзанд монанд... Фарзандини, наслу насабини йиртқичдан, яъни босқинчидан ҳимоя қилолмаган ота — ёмон ота! Азизим, сиз бу гапни кенгроқ тушунинг — бутун Хўжанд музофотини, фуқарони, такрор айтамен, сиз билан бизнинг фарзандларимиз қиёс этинг. Эл шундоқ деб фаҳм этади. Элни бўрига едириб юборишга ҳаққимиз йўқ! Тақдирнинг инояти ила сиз билан биз Хўжанднинг ҳокимимиз. Вас, шундоқ экан, биз бўрилардин элни асрашимиз ҳам фарз, ҳам қарз! Жаноб, англаган бўлсангиз керак?!

— Фаҳмладим, саркарда! — деди от устида кетаётган Шоҳмурод Қўҳистоний, ўнг қўли кўксига, ҳокимга ярим ўгирилиб. — Гўдак фожиасидан муҳим хулоса чиқарганингиз тўғри. Бу, мамлакат миқёсидаги гап. Мен бунчалик кенг ўйламаган эканмен. Дарҳақиқат, ғафлат уйқусида ётган кимсани осмон ҳам, ер ҳам кечирмайди!

Қўрғончага ётмай, тоғ ёнбағиридаги Кийикбулоқ қишлоғига юришди. Ҳоким илтимоси билан аввалги кунлари биронта қишлоқ оқсоқолига хабар қилинмаган, чопар ҳам юборилмаган эди. Уларнинг ниҳоятда қоринлари очиб, қош қорайишига яқин баланд чўққилар остидаги Кийикбулоқ қишлоғига кириб боришди. Навкарлардан бири Шоҳмурод Қўҳистонийнинг топшириғи билан хабар қилгани қишлоқ оқсоқоли уйига от чоптириб кетди. Кўп ўтмай, оқсоқол шошилинич отга миниб, ўғли билан бирга ҳоким истиқболига чиқди. Қишлоққа етмасдан йўл устида, тоғ тошларини ювиб, тепадан шарқираб оқиб ётган шаршара ёнида рўбарў келишди. Қишлоқ оқсоқоли дарҳол отдан тушиб, Темур Малик отининг жиловидан ушлади, уни отдан тушурмай, ўз ҳовлиси томон бошлаб борди. Ҳокимнинг келаётганини эшитган оқсоқолнинг укалари ва яна бир неча аёллар шошилинич ҳовли супурган, меҳмонхонага кўрпача, пар ёстиқлар тўшаш билан вора бўлдилар. Темур Малик оқсоқол дарвозасидан ҳовлига кириб, отдан тушди. Шу лаҳза ҳовли четида катта бир қўчқорни ётқизиб, ҳоким ижозатини сўрашди. Қорни оч Темур Малик қўлини даҳанига олиб келган эдики, қўчқор сўйилди. Шоҳмурод Қўҳистоний билан ёнма-ён айвон сари бораётган ҳоким, дўстига шивирлади: «Қўчқор гўшти пишгунча, сулайиб қолсак керак. Ҳозир менга бир бурда нону чой керак...» «Камина ҳам шундоқ», деди пичирлаб Шоҳмурод.

Уларни безоглиқ ичкари хонага олиб киришди. Навкарлар ташқарида. Уч-тўрт йигит фармонбардорлик қилиб, ичкарига чою ширинликлар, нону мевалар ташишарди. Гўшту гулоб, хумчада мусаллас олиб кирилди. Потиллатиб бир неча какликлар ҳам сўйилди..

Зиёфату суҳбат ярим кечагача давом этди. Қишлоқ оқсоқоли ҳокимни ёлғиз қолдириб, йўл юриб чарчагансиз, ҳордиқ олинг, деганига қарамай, андак кайфи ошган Темур Малик ҳеч кимга жавоб бермади. Шундоқ ширин суҳбатни ташлаб ким ухларди?

Лекин, бари бир, бешигидан чирқиратиб тортиб олиб бўри еб кетган чақалоқ бола Темур Малик кўз олдидан асло нари кетмасди. Пичоқ ушлаб, жарликларда йиртқичнинг инини қидириб юрган оғалари, йўлдаги қону чақалоқнинг панжалари... бу мудҳиш манзара унинг бағрига найзаддек санчилиб, овқатга ҳам ортиқ ҳуши қолмади. Ўзининг ҳам икки яшар ўғли бор — унинг тили чиқиб, ниҳоятда ширин бўлган. Ҳоким ўз гўдагидан хавотирлана бошлади. Агар бу фожиа ўзининг бошига тушганида нима бўларди! Юрагига ғулгула тушиб, ҳозирок ўрнидан туриб, шаҳарга қайтмоқчи бўлди. Ўзини қўлга олди. Ички ҳиссиётларини ёнидагиларга сездирмади. Ҳокимни зериктирмаслик, унинг қишлоқдан мамнун кетишини жон-жаҳди билан истаётган оқсоқол, хонандаларга одам юбориб чақириб келайликми, деб сўради. Темур Малик буни истамади, негадир юраги сиқиларди. Ҳовлидаги қулоқлари кесик, каттакон қоплон итнинг салмоқлини вовуллаётгани оқсоқолни безовта қилиб, ўғлига: «уни узоқроққа олиб кет», деган эди. Темур Малик буни ҳам истамай, кулди: «Оқсоқол, қўйинг, майли вовуллай берсин. Ўзи ҳам йўлбарсдек экан. Унинг овози чиябўриларни даф этади», деди. Ҳокимнинг қоплонга яхши назар билан қараётганини сезган оқсоқол итлар ҳақида ҳикоя бошлади. Ҳовлида боғлоғлиқ қоплон наслдор экани, унинг отаси Бўрибосар қисмати мураккаб бўлгани ҳақида ҳикоят эшитган Темур Малик пар ёстикқа ёнбошлаб ётган еридан дарҳол бошини кўтариб, чордона қуриб олди. Ҳокимнинг жониворларга қизиқсинганини сезган оқсоқол, ҳикоянинг ёнига қўшибми, қўшмайми, ҳар қалай, инсонни ўйлатиб қўядиган бир воқеани айтиб берди.

...Қишлоқнинг кунчиқар томонидаги Бешиктоғ чўққилари остида серўт яйловлар бор. Ез бўйи бу баланд кенгликларда боқиладиган подадар куз келиши билан секин-аста пастга, қишлоқларга олиб тушилади. Қулмуҳаммад деган чўпон тоғда, ҳар доим ўтирадиган катта тош ёнида ортиқча бир декчаси ва жулдур пўстинини қолдириб, уч баҳайбат итининг бири — Бўрибосарга озгина эт, қотган нон ва суяк ташлаб, «Шу ерда ёт!» дейди. Ўзи катта сурувни пастга олиб кета бошлайди. Бўрибосар йўл олдидан бир қорнини тўйдириб олсин, деб шундай қилган экан. Бошқа икки ит пода атрофида чўпон билан бирга тоғдан тушиб келибди. Туни билан юриб, анча пастга тушишибди. Тонгда у Бўрибосарни кўрмабди. Икки кундан кейин Қулмуҳаммад чўпон Бўрибосарнинг тамоман кўринмай қолганига таажжубланибди. Бошқа итлари ёнида айланиб юришар, аммо каттаси йўқ эмиш. Қишлоққа етишгач, икки ит ҳам Бўрибосарнинг ғойиб бўлгани учун бош солиб, хомуш ётишганини Қулмуҳаммад чўпон сезибди. У фақат йўлда чарчамасин деб тоғда ит олдига қотган эту суяк ташлаганини биларкан, холос. Қишлоққа кириб келиб, қўтонларга кирибди, аммо Бўрибосардан ҳамон дарак бўлмабди. Уни тунда бўрилар ўраб олиб ўлдириб кетди, деб ундан умид узибди. Аммо Бўрибосар ўз салобати, йўғон овози, полвонлиги билан Қулмуҳаммад чўпоннинг кўз олдидан ҳеч нари кетмабди.

Ойлар, қишнинг ғиз-ғизон совуқлари ўтибди. Яна баҳор келибди... Қулмуҳаммад чўпон ўз ўғиллари, чўлиқлари, икки баҳайбат ити ва икки саман оти билан подани ҳайдаб, юқориликка — Бешиктоғ тагидаги ўтлоқларга кўтарилибди. Бир ҳафта йўл юриб, йўл-йўлакай қўю эчкиларини тўйдириб, ўша Қўнғиртош остига борибди. Бирдан узокда, тош остида озиб-тўзиб, оч арвоҳга ўхшаб қолган Бўрибосарга кўзи тушибди. Чўпон қўйларга ҳам қарамай, от чоптириб бориб, қадрдони Бўрибосар ёнига келибди. У бечоранинг эти суягига ёпишиб, эгасининг тешик декчасию жулдур пўстини ёнидан аранг туриб, қалтираб, чўпонга қарабди. «Шу декчаю жулдур пўстинини қўриқлаб ётгин», деб тушунган экан, бечора. Бўрибосар эгасига садоқат сақлаб, қиш бўйи тоғда қолиб кетибди. Шу атрофдан нималарнидир топиб еб, жилғадан сув ичиб, декчаю пўстинини пойлаб ётибди... Бўрибосар Қулмуҳаммад чўпонга бир қараб қўйиб, индамай, орқасига — пастлик

томон йўл олибди. «Ҳой, Бўрибосар, тўхта!» деганига ҳам қарамай, кетаберибди. Кўп ўтмай, у кўздан ғойиб бўлибди. Шу-шу, у — йўқ, қаёққа кетганини ҳеч ким билмайди. Уни қидиришиб топиша олмади. Итнинг қаттиқ хафа бўлганини билиб қолиб, Қулмуҳаммад чўпон ўтириб йиғлади: Шу воқеадан кейин чўпон қишлоққа қайтиб тушиб, уйда ўтириб қолди. Ҳозир унинг болалари чўпонлик қилишади...

Қишлоқ оқсоқолининг бу ҳикояси Темур Малик уйқусини тамоман қочириб, хаёлга чўмдирди. У оқсоқолга тикилганича, бармоқлари билан мўйлаби учини бураб, хаёлот дарёсига ғарқ бўлди. «Мана, вафо, — деди Темур Малик фикран, — итнинг инсонга вафодорлиги ҳақида кўп ҳикоятлар эшитганман, аммо бунақасини биринчи тапқир эшитишим».

— Қалайсиз, азизим? — деди Темур Малик, Шоҳмуродга боқиб.

— Бундоқ воқеани биринчи эшитмоғим. Ит жонивор ўшандан кейин қаёққа кетган экан?

— Кейинчалик пастда, чуқурликда унинг ўлигини чўлиқлардан бири кўрибди, — деди қишлоқ оқсоқоли.

— Эҳ, бечора! — деди Шоҳмурод Кўҳистоний.

— Биз баъзан ўз кадрдонларимизга лоқайд боқамиз. Адолатсизлик қилиб қўямиз, — деди Темур Малик, — вафога вафо билан жавоб этмоқ лозим. Жафо билан эмас! Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деганлар. Мана, очун кенг, унга игнанинг тешигидан эмас, кўзни катта очиб қарамоқ даркор. Агар биз, азизим Шоҳмурод, бир ерда тураберсак, кўлмак сувдек айниб қоламиз. Қалъа тагидан айқириб оқаётган Сайхундек оқишимиз лозим. Қирмон ҳукмдорлари бир-бирларига заррин либос туҳфа этиш билан бандлар. Туркон хотун макру инжиқликларига берилиб, фуқарони, ёру дўстларини, Абдулқодир муншийдек мўътабар кишиларни унутган. Биз буни фаҳм этаётирмиз. Мана, шаҳардан чиқиб, ёмон иш қилмадик. Фарзандимизни бўрига ем қилмаслигимиз ва вафодорга жафо эмас, вафо билан жавоб қилмоғимиз даркорлигини ўргандик. Бу гапни на Афлотун ва на Лукмони ҳақим айта олади! Биз ўз кўзимиз билан кўриб, шоҳиди бўлиб, хулосага келаётирмиз.

Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний, қишлоқ оқсоқоли ва бошқалар, тонггача кўзларига уйқу келмай, суҳбатлашишди... Эрта билан улар яна Хўжанд томон йўл олишди. Атроф-жонибдаги олтинранг ўрикзорлар, кузнинг беқиёс гўзалликларидан кўра ҳам чақалоқ фожиаси, Бўрибосар вафоси Темур Малик хаёлини банд қилиб олган эди. Айни чоқда унинг кўз олдида Хўжанд музофотининг кузи жамоли — беқиёс табиат бир улкан паҳлавон тимсолида яшнаб, барқ уриб турар, аммо шу паҳлавоннинг дили қайғули, кўксида алам борлигини ҳам шундоқ сезиб борарди.

Ун биринчи боб

Куркат

Эрта билан, қишлоқдан жўнашда кадхудо¹ дарбозаси олдидаги майдонга қишлоқ кишилари — ўттиздан ортиқроқ йигит-яланг, мўйсафидлар, болалар Хўжанд ҳокимини кузатишга тўпланишган эди. Майдон атрофида пасту баланд уйлар, пахса ва усти сувалган деворлар, пастак томлар тепасида мўрилар. Уч томонга айланма тор кўчалар кетиб, уларнинг учалови ҳам далага олиб чиқарди. Чуқур ариқ четларида каллакланган тут дарахтлари эрталабданоқ қилт этмай мудраб, бугунги куннинг ғоятда иссиқ бўлишидан далолат бериб турарди. Қишлоқ аҳли ҳоким келганини кеча кечқуруноқ эшитган, Темур Маликнинг фақат тунаб, эрта салқинда йўлга чиқишини, ҳеч

¹ Кадхудо — қишлоқ оқсоқоли.

ким хабар қилмаса ҳам, сезишарди. Хоразмшоҳнинг юқори мартабали амалдорлари ҳар гал Самарқанддан чиқиб, Утрор, Ахсикат, Узган томонларга юрганларида, Хўжандга киришдан аввал Куркатда бир кеча тунардилар. Бундаги зиёфат ҳамда кузатиш қишлоқ аҳли учун тўй тусини олиб, тўпланишар, ундан сўнг бошқа кўнгили очар ишларига ҳам ружу этишарди. Бу иш юқори мартабали кимса ҳамроҳларига, кадхудога ёқарди. Шу сабабли, бир қадар одат тусига кирган маросим Куркатда, эрта билан ўз-ўзидан бошланиб кетди. Кадхудо саркарда Темур Маликни мамнун этиш ниятида йигитлару мўйсафидларга тўй либосларини кийиб чиқишларини буюрганлиги маълум бўлди. Отлар обдан тўйдирилиб, суғорилиб, эгар-жабдуқлари сириб урилган, айниқса майдон ўртасида жиловидан ушлаб турилган «Қарчиғай» ер тепиниб, пишқириб, эгасини кутарди. Ариқ бўйлари, деворлар ости, шотут дарахтлари тагида қўл қовуштириб турган одамлар қозироқ дарбозадан чиқиб келадиган саркарда Темур Маликни интизорлик билан кутишарди. Бировлар чўққайиб, бировлар тик турарди. Болаларнинг югуриши, шовқин солишига ҳам йўл қўйишмас, тартибу осойишталикни сақлашарди. Туйнуклардан, девор тепаларидан мўралаб турган қиз-жувонлар, қишлоқ аёллари ҳам ўз оғаларидек бу томонларда донғи кетган Темур Маликни кўришга интилишарди.

Бир муддатдан сўнг ҳовлида, дарбоза олдида хизмат қилаётган йигитларнинг ҳаракати тезлашиб қолди. Айвон зинапояларидан пастга тушаётган Темур Маликка кўзлари тушган қишлоқ аҳли чўққайиб ўтирган ерларидан туриб, итоаткорлик билан қўл қовуштириб туришди. Шогутга суяниб ўтирган суяги бузук, елкалари кенг бир кекса одам ҳам ўрнидан туриб, орқа этагини қоқди. Унинг соқоли, қошлари пахтадек оқарган; бошига салла ўраб, узун қўйлаги устидан ҳам бўшгина белбоғ боғлаган; жез пойнакли қинга солиб, осиб олган дандонсоп пичоғи ҳам ярим газ келарди. У одам саксонлардан ошганига ҳам қарамай, қўлида асо йўқ, йўғон гавдасини йигитлардек адл тутиб, олдинга қараб юрди. Дарбозада саркарда пайдо бўлиши билан у одамлар ичидан ўтиб, йигитлардан кимдир, «ота, у ёққа борманг!» деганига ҳам парво қилмай дадил ва жиддий ҳолда индамай ёнига борди, у билан қўл олишиб омонлашди. Қишлоқнинг мўътабар кексаларидан, деб хаёл қилган Темур Малик у билан кўришгандан сўнг орқасига қайтиб кетаётган йўғон чолга бир лаҳза тикилиб қолди. Шу йўла саркарда бу ерда турган бошқа кексалар билан ҳам қўл беришиб омонлашди. Бояги чол яна одамлар ичига ўтиб, ўша шотут дарахти ёнига борди-да, саркардага тикилиб қараб турди. Хайр-хўш қилаётган Темур Маликнинг диққати ўша чолда эди. Гавдалик кекса одам негадир унинг хаёлини олди. Қишлоқ оқсоқолидан бу кекса одам ким эканини бошқаларга сездирмай сўради. Кадхудо, аввал елкасини қисиб, шотут тагида жиддий турган чолга тикилди, кейин саркарда қулоғига: «Бу ерлик эмас, Навдан бўлса керак...» деди. Гала-говур ичидан у чол қаёққадир ғойиб бўлди. Темур Малик қишлоқ аҳли билан хайр-хўшлашиб, Хўжанд томон йўл олди. Уларга ҳамроҳ бўлиб келаётган кадхудо саркардани Оқсув томон бошлаб, бунда кўприк солаётгани, шу атрофдаги ўзининг узумзорини кўрсатмоқчи эканини айтди. Темур Малик кадхудо ва йўлдошлари билан тепаликка кўтарилишганида, пастда, узоқда бояги чол эшакка миниб Нав томон кетаётганини кўришди. Яна Темур Малик диққатини ўша чол қамради.

— Бу кекса одамни Навдан дедингизми?

— Ҳа, — деди кадхудо ёнма-ён кетаётган Темур Маликка.

— Таажжуб... У мўйсафид атайи одамлар ичидан суғурилиб чиқиб, мен билан омонлашди, бир сўз демади. Ҳеч нарса сўрамади. Дарҳол, яна эшагига миниб, қишлоғига жўнамоқда...

Кадхудо оти жиловини тортиб, орқароқда келаётган ўз кишилари-дан сўради.

— Хув анави эшакка миниб кетаётган чол қишлоққа қачон келган эди?

— Шу бугун азонда пайдо бўлиб қолди. Эшагини бозор ёнига боғлаб, одамлар билан дарбозага келди.

— Ана, эшитдингизми, саркарда, — деди кадхудо, — сизни бир кўрай деган-да. Бошқа нима бўлмоғи мумкин. Пайқамдингиз, девор тепаларидан, туйнуқлардан сизни қанчалар қора кўзлар тийри борон этди... Бунни сезмадингиз. Фуқаро ўз ҳокимини кўргуси келади. Сиз фақат юрт сўрайдиган ҳоким бўлмай, баҳодирлигингиз билан элда машҳурсиз. Куркатда шу кеча бир ўғил туғилди, номини Темур Малик деб атадик. Сизнинг шарофатингизга.

— Катта бўлсин фарзанди, — деди Темур Малик бу гапларни диққат билан эшитаётгандай. Лекин хаёлида қошу соқоли пахтадек оқ чол турарди. «Нега у келди?» Шу лаҳза унинг кўз олдига оқ-қора соқолли кесик бош келди... Бирдан Темур Маликнинг бадани жимирлашиб, тер чиқиб кетди. Уша арвоҳ яна уни таъқиб этиб юрганга ўхшади. Кесик бош — каракиданлардан эди-ку, деди у ўзига-ўзи. Бир лаҳзадан сўнг Темур Малик ўзини қўлга олди.

Оқсувнинг тор, бўғилиб ўтаётган ерига қурилаётган кўприк ёнига етиб келишгач отдан тушишди. Қишлоқ оқсоқоли ўзи бош бўлиб қилаётган иш ҳам фахр, ҳам садоқат эканини ҳокимга сўзларди. Эрта салқинда иш бошлаган икки уста пойтешани қўйиб, ҳокимга салом беришди. Ер қазиётганлар, харсанг тош ташиётганлар ҳам саркарда ёнига келиб, таъзим ила салом беришди. Аммо бирон кимсанинг қўл узатиб, омонлашишга ҳадди сиғмади. Бу ҳол яна Темур Малик ёдига бояги йўғон гавдали чолни келтирди. Унинг атай келиб, саркарда қўлини олиб, омонлашгани ўйлатиб қўйди. Бунда бир ҳикмат бор, деди у ўзига-ўзи.

— Бу кўприк Куркат билан Хўжанд оралигини яқин қилади, деди кадхудо, Темур Малик хаёлини бўлиб, — биз Хўжандга икки баланд тепаликни айланиб, Оқсувнинг ёйилиб оқадиган еридан кечиб ўтамиз. Эрталаб арава билан йўлга чиқсак, кечга етиб борамиз. Бу кўприк йўлимизни анча қисқартиради. От билан юрган киши бир ош пишгунча вақтда кўприкдан ўтиб, Хўжандга кириб бориши мумкин...

— Бу тўғри, — деди Темур Малик, — менимча, сиз Самарқанд билан Хўжанд орасидаги масофани, қолаберса, Хўжанд билан Гурганж оралигидаги масофани қисқартириб, хайрли иш қилгансиз. Бу салтанатга мақбул иш. Салтанат қудратини оширишга қаратилган ҳар бир иш таҳсинга сазовор. Сиз бунга ўйлаб қилгансиз.

— Қуллуқ, саркарда.

— Сиз фақат Куркатни ўйлаб, бу ишни қилаётганингиз йўқ.

— Худди шундай, саркарда. Минг маротаба қуллуқ. Тўғри айтдингиз.

Темур Малик қишлоқ оқсоқолига жилмайди, уни навозиш этди. Оқсоқол ўз ишининг моҳиятини тушунмай, калтафаҳмлиқ қилиб, ҳадеб Куркат, Куркат... деяберганидан хижолат бўлди. Аммо бари бир мол-мулк йиғиб, ўз кайфу сафосини суриб ётган оқсоқоллардан бу кадхудо минг чандон яхши эди. Орқасидан қўйилган айғоқчиларнинг султонга етказилган маълумотларига кўра, «Хўжанд ҳокими Темур Малик мансабига доир ишлари ва бошқа хусусдаги хатти-ҳаракатлари билан салтанатга фидойи эмас», деган пинҳоний маълумотлар ҳам Гурганжга бориб турарди. Ўз ёнида яқин кимсаси бўлиб юрган айғоқчиларни ҳам у тахминан биларди. Ҳа, юртга содиқлик бор, султонга итоаткорлик бор. Темур Малик юрагида биринчи фазилат устун эди. Аммо у бу икки ҳолатнинг иккинчисини ҳам асло ёддан чиқармасди. Аслида подшоҳнинг айшу ишратдан қўли мутлақо бўшмаслигини ҳам яхши биларди. Отадан қолган салтанатда у тўла ҳуқуқли султон эмас, онаси Туркон хотуннинг измидан чиқолмайдиган бамисоли бир кўғирчоқ эди.

Темур Малик отига миниб, кўприк қураётганлар билан хайр-хўшлашди, кутилмаганда қишлоқ оқсоқолига мурожаат этиб, ўзи билан бирга Нав қишлоғига боришини, «қошу соқоли пахтадек оқ,

йўғон чол»ни кўриши лозимлигини айтди. Кўприк қураётган жойдан Нав унча узоқ бўлмай, кечувни айланиб ўтишлари билан қишлоққа киришди. Оқсоқол кишиларидан бири чалғимай уларни тўппа-тўғри бояги чол ҳовлисига бошлаб келди. Яқин орада етиб келиб, эндигина юз-қўлини ювиб, ғарибона ҳовлиси четига айвонида тамадди қилаётган чол ўз эшиги олдида отликлар тўхтаганини, пастқам деворидан отда турган Темур Маликни кўриб, пиёлани курси устига қўйиб, букчайиб, қийинчилик билан ўрнидан турди-да, даҳлиздаги кавушини шоша-пиша сўлоқмон оёғига илинтириб, эшик томон юрди. У билан мўйлаби сабза урган икки невараси ҳам орқам-орқа эшикка юрди. Чой қуйиб бериб ўтирган кампир ҳам тик туриб, эшикка ағрайганча қотиб қолди.

Отдан тушган Темур Малик кулумсираб, икки қўлини узатиб, чол билан яна омонлашди.

— Муҳтарам саркарда, сизни бир кўрай деб тонг отарда йўлга чиқиб, кадхудо дарбозаларида пойлаб ўтирган эдим. Куркатга ўтиб кетганингизни кеча эшитгандим. «Гулхани аснодин гулшани аълога» кетаётган эски сарбоз Муҳаммад Фақирий сизнинг ҳарби шижоатингизни эшитиб, жамолингизни бир кўрай, деб Куркатга бордим. Хўжанд аҳли сизнинг раҳнамолингиз хусусида кўп сўз айтадур. Кулбамга марҳамат, саркарда!

— Сиз ҳам, муҳтарам сарбоз, биз билан қўл беришиб омонлашдингизу дарҳол эшакда қочдингиз.

— Хо-хо-хо-хо-о! — чол ўзини тутолмай осмонга қараб кулди. Унинг эрта билан жиддий қовоқ осиб туришлари Темур Маликни бир оз ўйлатган эди. Чол оғзини ўрадек очиб хо-холаши саркардани ҳам кулиб юборишга ундади. — Жийрон отимиз бўлмаса на қилайлик, кунимиз шу эшакка қолган. Умр бўйи от миндик, тўшагимиз — эгар, йўл юриб ухладик. Бари ўтди... Ичкарига, муҳтарам саркарда, марҳамат!

— Биз ҳам шу ердан кетамиз.

— Муҳаммад Фақирий кулбасида бир пиёла чой ичиб, каминани бутун умрга бахтиёр этинг. Муҳтарам отангиз Маҳмуд Малик ҳазратларига йигирма йил садоқат била хизмат қилдим, султонга хизмат қилдим.

Улар қишлоқ оқсоқоли билан бирга Муҳаммад Фақирий ҳовлисига киришди. Бошқа навкарлар ташқарида, отларининг жиловидан ушлаб туришди. Айвонга енгилгина чўкиб, фотиҳадан кейин чой хўплашди.

— Сизларнинг қишлоғингизда ҳамма одамлар бедонабозми? — дея тўсатдан сўради Темур Малик.

— Йўғ-е! — қўрқиб кетди Муҳаммад Фақирий.

— Ундоқ бўлса, нега пашша йўқ?

— Ҳа, дарвоқе, Навда тўртта бедонабоз бормиз, ўшаларнинг бири мен. Хо-хо-хо-хо-о-о. ...Навда пашша қолмади, бедоналарга едириб юбордик, хо-хо-хо-хо-о-о. ...Энди Куркатга бориб, пашшаларини тутмоқчимиз.

Чолнинг оғзини катта очиб кулиши Темур Малик билан Кўҳистонийда ҳам яна кулги кўзгади.

— Бир хумча мусалласим бор, озгина сабр этинг. Бу дунёнинг на ибтидоси ва на интиҳоси бор...

— Сарбоздурмисиз, сўфийдурмисиз, билмадим...

— Ҳазрат, мен Гурганждан Утрору Шошгача, ундан Бағдоду Шомгача, ундан Машҳуду Сийстонгача султон лашкарида юрган одаммен. Кўрабериб, кўзимиз пишиб кетди. Марҳум отангизга хизмат қилдим, сиздек фарзанди борлигини эшитган эдим. Жамолингизни бир кўрай деб юрардим, муродимга етдим. Нимаики хаёл қилган бўлсам, тўғри чиқди. Менинг изимдан Навга келишингизни ҳам кўнглимдан ўтказган эдим.

Бир муддатли ўтиришдан сўнг Темур Малик ўрнидан қўзғалди.

Айвон қозигида осиглиқ бесўнақай гилофдаги узун қиличга кўзи тушди.

— Дехқончилик билан машғулмиз, доимо юртнинг тинчини тилаймен. Бу яроғ билан умрим ўтди. Аммо уни занг бостириб қўйганим йўқ, артиб, тозалаб турамен. Фарзандларим қўлга олиб бекорга ўйин қилишларига йўл қўймаймен. Бу шамшир Мовароуннахрнинг ҳимоясида кўп иш қилгон...

Темур Малик ўз навқарига ишора қилиб, эски сарбоз Муҳаммад Фақирийга ўн тилло танга беришни буюрди. «Бу Хўжанд қўшинига, салоҳиятга эътиборингиз учун...»

Улар кекса сарбоз ҳовлисида мамнун чиқиб, отларига миниб, йўлда давом этишди.

Хўжандга етиб келишгач, шу куни баъзи зарур ишлар билан банд бўлиб эртасига у ҳамма мансабдор шахсларни ўз ҳузурига, қалъага чорлаб, машварат мажлиси тузди.

Ўн иккинчи боб

Жирканч ўч

— Бу сирли гап, бекам, қўрқамен... — деди титраб, бўзариб, заргар дўкони орқасидаги ярим қоронғи хонага бегойим Ойчечакни бошлаб кирган бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз. У Ойчечакни хонтахта четидаги кўрпачага ўтиришга таклиф этиб, ўзи унинг рўпарасига чўкди, — қўйинг, меҳрибон бекам, мени қийнаманг, айтолмаймен. Қора босиб, мен бу гапни қаёқдан ҳам сизга шама қилдим... Мен сизга ҳеч нарса деганим йўқ, сиз ҳам ҳеч нарса эшитганингиз йўқ. Бир ғариб одаммен — ҳокимларнинг ошиқона ишларига аралашиб, каллам кетиб қолмасун. Бу жуда хавфли иш! Бола-чақаларим кўп, бекорга ўлиб кетмай... Шунга ўхшаган бир гап учун бозорда икки навқарнинг калласи кесилгани кўз олдимда... Бир қошиқ қонимдан кечинг, мен сизга ҳеч нарса айтганим йўқ, такрорлаймен, сиз ҳам ҳеч нарса эшитганингиз йўқ. Буни ўзингиз билурсиз. Садоқатли қулингизмен, ўлдирсангиз ҳам майли, аммо жаллод кўлида ўлмай...

— Кўп оби-дийда қилаберманг! Нима гап? Бошладингизми, энди очикроқ, бирма-бир гапиринг! — деди шаддолик билан Ойчечак. — Эркак киши мард бўлиши керак! Бизнинг хонадонда сиз жанобни ҳурмат қиламиз. Менинг ҳимоямдасиз. Яхшиликларингизга яхшилик қайтади. Қани, бир бошдан ҳаммасини айтинг!

— Хўп бўлади, хўп бўлади! — деди энтикиб, нафаси тиқилиб Аҳмад ибн Мораз. — Мен қулингизмен, нима буюрсангиз, шуни қиламен. Тамоман қулингизмен! Босган изларингизни ўпамен, изларингиздан тупроқ олиб, қошу кўзларимга сурамен...

— Гапиринг, қани, мукамал гапиринг!

— Эшиқда қолган энагангиз кутиб қолмайдиларми?

— Йўқ! Гапиринг!

— Раққоса бениҳоя чиройли ва ёш... Барибир сизнинг ёнингизда у ҳеч гап эмас. Ачинамен, куямен... наҳотки, ҳазрат сиздек бениҳоя гўзал парини... ўша бир қишлоқи раққосага алишса... — Уни «Боғи насим»да, зиёфатдан кейин ўз хобхонасига чақиртириб олганини ўз кўзим билан кўрдим.

— Кейин нима бўлди?

— Шу кеча раққоса Нигина билан никоҳ ўқитишган.

Ойчечак ғазаб алангасида ўйланиб қолди. Юзлари, қошлари ўртаси бужмайиб, ниҳоятда даҳшатли ҳолга тушди. Ранги ўчди. Бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулган Ойчечак: — у мен билан маслаҳатлашиб

Нигинага никоҳ ўқитгани йўқ. Мен ҳам у билан маслаҳатлашиб иш қилмаймен! Тушундингизми? Сизнинг заҳар ичишингизга мутлақо эҳтиёж бўлмайди, оқсоқол. Заҳар эмас, кўпроқ яхши узумдан қилинган май ичинг. Сиз менга кераксиз... Сиз — яхши одамсиз. Сиз — жуда яхши одамсиз. Сизга ишонамен. Энди бизлар дўст бўлиб қолдик, — деди.

— Қулингизмен, — у эгилиб таъвозе этди. — Ноумид бўлмайми?

— Мутлақо... — У ташқарига чиқиб кетди. Заргар дўконининг ёнидаги кичик йўлакчада, курсида кутиб ўтирган Бинафша бека дик этиб ўрнидан турди.

— Ҳазил қилмаган эканми? Гап бор эканми? — сўради Бинафша бека.

— Ҳа, — деди қисқагина қилиб Ойчечак энагасига, — гап жуда катта... Никоҳ ҳам ўқитибди. Раққосанинг номи Нигина экан. Асли Хўжанд атрофидаги бир қишлоқдан...

— Вой, мен ўлай... Энди нима бўлади?

— Ҳеч нима. У аллақачон жўнаган. «Никоҳ», менимча, у ярамаснинг эрка-тантқиғи учун ўқитилган, холос.

Бинафша бека оғзини очиб, бундай ҳолларда ёниб, бақирқ-чақирқ қиладиган Ойчечакнинг «босиқ»лигига ҳайрон қолди. Улар кўчага чиқишганида ҳам Ойчечак чодра ичида пинагини бузмади, ҳеч нарса бўлмагандек кета бошлади. У уйга келиб, ўзини пар тўшакка ташлади. Энага Бинафша бека билан ҳам гаплашмади, шипдаги нақшин тоқиларга тикилганча хаёлга чўмди. «Демак, ҳамма иш бўлиб ўтган...»

Ойчечак Иброҳим Дўлдайга тез-тез юмуш буюрадиган бўлиб қолди. Ҳоким ҳовлисида ва ҳатто ичкари ҳовлиларга ҳам кириб юрадиган Иброҳим кутилмаганда бекага қамти келиб қолди. У хижолат бўлганида бека уни юпатиб, Иброҳимнинг кўксига, тик қома тига қараб қўйди. Ойчечак унга таманно билан карашма қилишга интиларди... «Ўзи кечирсин», деди бир куни Иброҳим Дўлдай кўксига туфлаб, атайинми ёки билмасданми унинг кўзи хонада ёлғиз ўтирган Ойчечакка тушиб қолди. Иброҳим дарҳол юзини ўгириб, ташқарига чиқиб кетди. Отасидан аъло саркарданинг тан маҳрамига қараш мумкинми?! Бундай кўзларини ханжар тикиб, ўйиб ташлар! Баъзан Ойчечак тақимига тушадиган узун сочини черкиллашиб қўрғондан, эркаклар атрофидан ўтиб қоларди. Унинг бека эканини сезган мансабдорлар дарҳол ўзларини четга олишар, хотин кишига тикилиб қарамасликка ҳаракат қилишарди. Аммо беканинг ўзи, юзига парда тутиб бўлса ҳам, ҳоким амалдорлари билан гаплашишни, иш буюришни ёқтирарди.

Кунлардан бир кун Темур Маликнинг қалъада муҳим иш билан бандлиги, ундан сўнг далада ҳарбий машқ бўлиши, саркарданинг қўшин тепасида туриши Ойчечакка маълум бўлгач, у атайи шу пайтларда Иброҳим Дўлдайга иш буюриб, уни ҳовлида олиб қолди. Чухра йигит юмушни бажариб, бекага йўлиққач, у хона ичида ёлғиз, ҳарир қўйлақда Иброҳим Дўлдайга рўпара бўлиб, жуда яқин келди. Иброҳим орқага тисланишини ҳам билмай, қотганча туриб қолди.

— Оғангизга раққосани топибсиз? Шу ростми?

Бу саволни эшитган Иброҳим Дўлдай данг қотди. Нима деб жавоб қилишини билмади. Буни бекага ким етказди экан деб, ўйлаб қолди, чунки бу иш ҳуфия этилиб, ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди. Темур Малик Иброҳимни: «Бу сир ниҳоятда эҳтиёт тутилсин!» деб, маҳкамлаб қўйган эди. Энди нима бўлди? Унинг ранги оқариб, оёқлари титрай бошлади. Тили сўзга келмай қолди.

— Муҳтарам бека, мен ҳеч нарса билмаймен! Бундай савол хизматкорга берилмайди.

— Сиз хизматкор эмас, унча-мунча юқори мансабдорлардан юқорисиз. Ҳокимга энг яқин кишисиз — ҳамма мансабдорлардан баланд. Айёрликни қўйинг!

— Бу менга нисбатан ҳақорат! Мен вазирамдан бўшаб, қишлоғимга кетамен! Сиз, мухтарама бека, мени бундай гаплар... Мен ҳеч нарса билмаймен! — У гўлдираб қолди.

— Ҳақорат қилган бўлсам, гапимни қайтиб олдим... Афв этинг. Мен жаҳл устида айтгандирмен. Елбориб, ялиниб сўраймен, мени афв этинг!

— Мухтарама бека, сиз мени ҳар нима деб сўксангиз ҳам майли, жаҳл устида айтганингизни фаҳмладим... Сиз бекамсиз, бизни койишга ҳаққингиз бор. Илтмос қиламен, менга юмуш буюринг, жоним билан бажо этамен. Саволларингизга жавоб қилишга ожизмен. Бир чухра кимсанинг сиздек мўътабар бека билан тенг гаплашишга ҳадди борми? Агар гуноҳ қилган бўлсам, буюринг, мени жазоласинлар...

— Мухтарам Иброҳим Дўлдай, мен билан суҳбатлашишга сизга ҳуқуқ берамен. Сиз ҳам мард бўлинг, йигит кишисиз! Ҳадеб қиз болалардек тортинаберманг. Мансаб, амаллар икки пул... Биз дунёга бир марта келамиз, гапимга қулоқ беринг! Мен сизни синаш учун гапираётганим йўқ, сидқидилдан гапираётирмен. Бизнинг ҳамма гапимиз мутлақо сир бўлиб қолади. Ҳоқим, яъни менинг эрим раққоса Нигина билан ўйнашиб юрибди... Ҳатто никоҳ ўқитган... Ҳаммасидан хабардормен...

— Ким сизга айтди?

— Бу — сир!

— Бундоқ бўлиши мумкин эмас!

— Нигинани сиз ҳоқим хобхонасига бошлаб боргансиз!

— Бекам, мен буйруқни бажарамен...

— Ана энди ўзингизга келдингиз. Ташаккур! Айтилган гаплар тасдиқланди... Азизим Иброҳим, қўрқманг, мен ҳеч кимга ҳеч бир сўз айтмаймен, жанжал ҳам кўтармаймен. Бунинг нима фойдаси бор. Утган ишга саловот... Эрим ҳеч нарсани билмайди, унинг қилган бу ишларини юзига солмаймен, билдирмаймен. Бу ҳам сирлигича қолиб кетади. Фақат ақли заиф кимсалар жанжал кўтаради. Сиз менга айтинг, Иброҳим, азизим, мен жуда хунук, бедаво хотинманми? Уша раққосадан пастманми?

— Йўқ, асло, — деди Иброҳим Дўлдай, иш осонликча кўчаётибди, деган хаёлга бориб. — Сиз, мухтарама бекам, дунёдаги энг гўзал ва энг доно аёлларнинг энг аълосисиз! Бу, чин юракдан!

Ойчечак Иброҳим Дўлдайга тикилганча яна ҳам унга яқин бориб қўлларини ушлаб, кўксига бош қўяётган эди, бирдан унинг аъзойи бадани қўрқувдан жимирлашиб кетди. Бир катта чипор илон танига чирмашаётгандай сесканиб, ўзини четга олди.

— Бекам, ўзингизни қўлга олинг! Мен ҳозир ханжаримни суғириб, ўз кўксимга тикамен! Ўз-ўзимни ўлдирамен!

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а! Жинни! — Ойчечак ўйноқлаб, ичкари хонага кириб кетатуриб деди: — Бор, кетабер!

Ранги ўчган Иброҳим Дўлдай хонадан айвонга, айвон зиналаридан ҳовлига тушиб, кўчага чиқиб кетди. Унинг оёқларида мадор қолмаган. «Агар мен аблаҳ бўлиб, саркардамга хиёнат қиладиган бўлсам, бундан кўра ўлганим афзал!» деди ўз-ўзига, белидаги ханжарининг дастасини сиқиб.

Ойчечак ғазабини ичига ютди. Иброҳим Дўлдайнинг Темур Маликка астойдил садоқатли эканини кўриб, энсаси қотди. «Аҳмоқ, қишлоқи, анди! — деди ичида. — Сенинг «садоқат»инг кимга керак! Ҳозир султонун Жалолиддиндан тортиб, барча ҳукмдорлар айшу ишрат қилиб юрибди. Беш кунлик дунёда айш суриб қолиш керак. Сен, нодон, шундоқ келишган йигит, молга ўхшаб юрибсан! «Садоқат» эмиш! Қандақа садоқат! Дунёда садоқат борми?»

Ўзини тиёлмаган Ойчечак шу куниёқ ҳарир кўйлақларини кийиб, тилла-ю гавҳар тақинчоқларини осиб, Бинафша бека билан «зумрад кўзли тилла нигин харид қилиш» баҳонасида яна бозорга, заргарлар дўкони томон жўнади. Бинафша бека ҳам ясаниб, гавҳар тақинчоқла-

рини таққан эди. Бегойи келаётганини пайқаган Аҳмад ибн Мораз дарҳол пешвоз чиқиб, уларни заргар дўконига бошлади. Ойчечак билан Бинафша бекани дўкон четидаги курсига ўтқазди. Дастурхон устига бир ҳовуч тилла тақинчоқларни сочиб, танлаб олинглар, деди.

— Оламиз, пулимиз етарлик, — деди Бинафша бека рўмол ичидан оқсоқолга мўралаб, — шу кундан бошлаб, сиз, жаноб ҳам Гурганж одамисиз. Ишонамиз, хизматларингиз муносиб тақдирланади. Мен улуг маликам номидан гаплашмоқдаман; доимо ҳоким атрофида юришингизни тақозо этамиз. Ҳамма гапни маслаҳатлашамиз, тақинчоқлар харид этмоқ баҳонаси ила ёнингизга келиб турамиз. Ойчечак бекам юрагига олов ташланган, уни совитиб, бекам ҳасратини йўқотамиз. Раққоса хусусида азиз бекамга энди ҳеч сўз айтманг, илтимос қиламан.

Улар учовлон тилло тақинчоқлар устида давлат ишларини ҳал этишди...

Ҳн учинчи боб Жосуслар жанги

Темур Малик сардор Муҳаммад Интизом билан бундан ўн беш йил муқаддам султоннинг каракиданларга қарши жангида дўстлашиб, кейинчалик уни ҳам Шоҳмуроддек Хўжандга олиб келган эди. У асли самарқандлик. У қирра бурун, рангар, кўзлари ичига тушган, нигоҳлари ўткир одам. Бир оғасини каракиданлар ўлдирган, бир оғасини Туркон хотун кишилари ҳибсга олиб, бўҳтон билан Жайхунга чўктириб юборганлар. Бўйнига тош осишганини ўз кўзи билан кўрган эди. Муҳаммад Интизом ундан ҳам, бундан ҳам ўч олишга фурсат пойлаб тайёр юарди. У қиличбозликка чоғи келмагани билан ханжарбозликда тенги йўқ эди. Қоши ўсиб, кўзи устига тушган. Ҳар қалай бу одам — Хўжанд қўшинида анча обрўли, салобатли кимса эди. Темур Малик унинг учун хазинадан анча-мунча пул ажратиб, баъзан ҳар қандай зарур ишларига қарамай, хоҳлаган вақтида ёнига киришга ҳуқуқ берган. Юзбоши, мингбошилар, қалъа посбонлари бароқ қошли, камгап бу одамни кўрганларида анча ҳушёр тортишар, ҳамма эшиклар унга очиқ эди. Унинг хизматида бевосита йигирмадан ортиқ ханжарбоз йигитлар бўлиб, яна қирқ йигит қўшин ичида ҳуфия юарди.

Муҳаммад Интизом Хўжанд қалъасидан унча узоқ бўлмаган айланма, тор кўчаларнинг биридаги катта ҳовлида туради. Уни шу атрофдагилар савдогар деб тушунишарди. Баъзан жуда ҳам тақводорларга ўхшар, «у ёқ-бу ёққа мол олиб кетмаганида» масжидга келарди. Бозорда ҳам дўкони бўлиб, кўп вақт ўғли ўтирарди. У ҳокимнинг сардорларидан бири эканини бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз яхши биларди. У асосан мўйна билан савдо қиларди. Ҳовлисига савдогар қиёфасида «хизматкорлари» йигирма йигит бўлиб, гўё мол ташигандай ҳафтада, ойда бир кўринишиб қолишарди. Бошқа томонларга от-аравада мол ташигандек бўлиб кўринсаларда, аслида бир ойлаб, икки ойлаб Жанд, Барчинликент, Янгикент, Ахсикат, Утрор, Ирғиз, баъзан Ўзган, Уш томонларга жўнашарди. Бу кишилар қопида айёрликнинг ҳамма анжомлари, сунъий соқол-мўйлаб, доруйи беҳуш, заҳар, устара, тилла тангалар, турли бўёқлар ва кийим-кечаклар муҳайё турарди... Йигитларнинг кийими ичида ўткир дандон сопли ғоятда чиройли ханжар осилган бўларди. Бу ханжарнинг қини ҳам ўхшатиб қора чармдан тикилган. Пўлат ханжарнинг юзига пичоқчи томонидан «ал-қасос» сўзи зарб қилинган бўлиб, Муҳаммад Интизом кишилари шу ёзувни кўришлари биланоқ бир-бирларини танир ва бошқа қалъа посбонлари ҳам чиройли ханжарни, ёзувни кўришлари билан ичкарига киритиб юборишарди.

Султоннинг ўғилларига насиҳат қилиб, махорабада доим кўзинг лашкарда бўлсин, тинчликда «меҳтарбодларга эътибор бер», деган сўзида ҳикмат борлигини сезган Темур Малик Муҳаммад Интизомни тез-тез ёнига чақирар, уни ўз ҳолига ташлаб қўймасди. Хоразмлик Маҳмуд Ялавочнинг ўз ватанига хиёнат қилиб, Машриқ элларида қолиб кетгани биринчи галда султонни ва унинг вазирларини, тўрт юз катта-кичик қалъа шаҳарлари ҳокимларини ҳайратга солган. Маҳмуд Ялавоч у томонда тинч ётмаётганини ҳам билишарди. Шу сабабли ҳам султон Темур Маликка фармон қилиб, яширин кучларга эътибор бериш, уларни мамлакатнинг бошқа шаҳарларига ҳам юборишни топширган эди.

Шанба куни йўл устидаги Чориқдаррон қишлоғидан от чоптириб келган йигит дарё бўйида, бундаги қайиқчилар ҳовлисида отини қолдириб, тайёр қайиқ билан Хўжандга ўтди. У бир лаҳза ҳам алаҳсимамай, Муҳаммад Интизом ҳовлисига йўл олиб, эшик очган йигитга ханжарини кўрсатди-да, сардорга юзланди. Орадан бир муддат ўтгач, сардор тўрттовлон бўлишиб, шитоб билан йўлга отланишди. Улар «Хўжанд бозоридан мол харид қилиб, қишлоғига қайтаётган чўпонлар» қиёфасида дарё ёқасида доимо тайёр турадиган ўз кемаларига тушиб, нариги томонга сузиб ўтишди. Кемада қопдаги соқол-мўйлабларини юзларига ёпиштиришди. Эски, уринган кийимларни кийиб, сардорнинг гапига жон-қулоқларини тутиб, режа тузишди. Чориқдаррон қишлоғидаги кўримсизгина карвонсаройга келиб тушган савдогарлар асосан мўйна олиб келгани, бир-бирлари билан муносабатлари жуда ҳуфия, чиний тилла тангалари мавжудлигини сезиб, Муҳаммад Интизом йигити кўз олдига Ялавоч кишилари келган эди. Уларнинг сўзлари, хатти-ҳаракатлари йигитни шубҳага солган. Чармдан тикилган хуржунда дорую беҳуш ва турли асбоблар, ясама соқол-мўйлаб ва бошқа жосуслик анжомларига ҳам кўзи тушган. Кўзга чалинмайдиган «оддий хизматкор» бўлиб юрган йигит бу ҳолни кўриши биланоқ отига миниб, йўлга тушган. Чориқдарронда жосуслар пайдо бўлгани Муҳаммад Интизомни шу лаҳза ўрнидан қўзғатди. Улар ўз молларини Хўжандга олиб бориб сотмоқчи эканликларини, жуда олисдан келишаётганини айтишган. Савдогарлар асосан тўрт киши бўлиб, яна бир кексароқ кимса уларга қўшилмай, «ўз моли» билан бошқа ҳужрага тушиб, баъзан-баъзан ўша тўрт савдогар билан саломлашиб, киши англаб бўлмайдиган тилда гаплашишларини ҳам йигит сезган.

Улар отда Чориқдарронга етиб, карвонсаройга тушишлари асносида кекса савдогар ўғли билан бирга юкларини аравага ортиб, Хўжандга жўнади. Эртасига тўрт савдогар ҳам араваларга юкларини ортиб жўнашди. Муҳаммад Интизом ўзининг «чўпон чол» қиёфасини «мунший» қиёфасига айлантириб, «ўғли» билан кечаёқ кекса одам изидан яна Хўжандга қайтган эди. Икки навқари ҳам эртасига бошқа қиёфада тўрт савдогар билан кетма-кет шаҳарга жўнашди. Бу келди-кетдиларни Чориқдаррон бекатида ҳеч ким сезмагандек бўлгани билан Муҳаммад Интизом қаттиқ шубҳада эди. Агар улар чинакам жосус бўлса, буларнинг Чориқдарронда пайдо бўлиб қолганини сезмасликлари мумкин эмас эди. «Ҳамкасабалар» бир-бирларини кичкина, кўз илғамас ҳаракатдан ҳам сезиб олардилар. Уларнинг «кекса»си бир кун аввал отни қамчилаб қолгани Муҳаммад Интизомни шубҳага солди. Улар жосусми, жосус эмасми, буни аниқламай туриб, бирон иш қилмоқликлари жуда мушкул. Аммо сардор бир неча белгидан уларнинг жосус эканликларини сезди. «Кекса»ни ушлаб олишни ўйладилар.

Чориқдаррон билан Хўжанд оралиғи бир кунлик йўл. Аксар савдогарлар Чу дарёсидан ўтгандан кейин Утрору Шошни ёқалаб, Хўжандга киришарди. Чориқдаррон ва баъзан Келовчи қишлоқларида, карвонсаройда қўнишарди. Самарқанд—Бухорога йўл оладиган

карвонларнинг Уратепа ҳамда Зарафшон ёқалаб бориб, Панжикент карвонсаройига тушмай иложлари йўқ.

Муҳаммад Интизом «кекса»ни Хўжанд карвонсаройигача кузатиб келиб, шаҳардаги ўз «ханжарбоз»ларидан бирини «унинг хизматига» йўллади. У чилим ва чой ҳозирлаш, юklarини тушириб бериш ишлари билан шуғулланарди. Аммо «кекса» изига одам тушганини пайқаб қолди. Бу ҳолни сезган Муҳаммад Интизом бирон икки кундан сўнг «кекса савдогар»ни ўғли билан биргаликда ҳибсга олиб, Хўжанд зиндонига қамади. Тўрт савдогарни ҳам ҳибс этиб, молларини эҳтиёт сақлади. Уларни алоҳида-алоҳида зиндон хоналарига киритди. Муҳаммад Интизом ёш йигитчага, улар гарчи савдогар қиёфасида келган бўлсалар ҳам, аслида жосуслик ишлари билан машғул эканликларини очиқ айтди. Йигитча бундай гуноҳ учун калла кетишини биларди. У кўзини ола-кула қилиб: «Ҳеч қандай гуноҳим йўқ, отам билан савдогарчиликка келганман», деб такрорлайберди. Бошқалар ҳам шундай қаттиқ туриб олгач, Муҳаммад Интизом машриқ жосусларига маълум бўлмаган ўз усулларидан бирини қўллашга эҳтиёж сезди. Зиндон ҳовлиси бурчагига арқон тортиб, парда осди. Орқасига унча чуқур бўлмаган ўра қаздирди. Парданинг ички томонида тупроқ уйилиб ётарди. Жосусликда айбланган кимсаларни чуқур зиндон хоналаридан олиб чиқиб, қўллари боғлиқ, ҳовлининг бериги чеккасига қатор ўтқазиб қўйди. Олти «савдогар» бошланг, кўкси очиқ, бир-бирларидан узокроқ ўтиришарди. Улардан сал нарироқда яна бир қўли боғлиқ, юзлари кўкарган кимса ўтирарди. Парда атрофида енгини шимарган, икки бадбуруш жаллоднинг бири қайроқ тошда туя сўядигандай даҳшатли узун пичоғини чархлаб, белбоғига осиглиқ дандон сопли иккинчи пичоқ тигларини текказиб кўрарди. Орадан бир муддат ўтгач, Муҳаммад Интизом қўли боғлиқ ўтирганларга мурожаат этди:

— Сизларнинг кимлигингиз, нима мақсадда келганингиз бизга маълум. Ҳақиқатни айтиб, тавба қилган кимсани ўлдирмаймиз. Молларини қайтариб бериб, юртига жўнатамиз. Агарда қайтиб кетишни истамаса, султоннинг мамлакати кенг, хоҳлаган шаҳрига бориб тураберади. Биз учун етти кишини ҳозир қатл этиб, кўмиб юбориш ҳеч гап эмас. Кимда-ким ҳақиқатни айтса, жони омон қолади! Қани, нима мақсадда келдингиз?!

«Савдогарлар» миқ этишмади. Аҳвол ўзи ўйлагандан жиддий эканлигини, пўписа қилмаслик мумкин эмаслигини сезган Муҳаммад Интизом бош чайқаб, афсусланди-да, пичоқ ушлаб турганларга даҳшатли овозда буйруқ берди:

— Буларнинг озги қаттиқ боғланган, ҳеч нарса айтишмайди. Шу сабабли сўйиб юбораберинглар! Шунда хавф йўқолади...

Пичоқ ушлаган икки барзанги энг чеккадаги, юзлари кўкарган йигитчани ёқасидан ушлаб, бақиртириб, парда орқасига тортиб кетишди. Парда орқасига ўтгач, йигит яна овозининг борича бақирди. Шу лаҳза йигитчани ҳужрага киритиб юбориб, бу ерга яширинча олиб келинган эчкининг кекирдагига пичоқ тортиб, калласи узиб олиниб, ўрага тўп этиб ташланди. Қон оқ пардага сачрар, парда орқасидан гўё жасаднинг талвасаси шундай кўриниб турарди. Қўллари қон, пичоқ ушлаган бадбуруш жаллодлардан бири парда ёнидан ўтиб, «кекса»нинг ўғли ёқасидан ушлаб, ҳовли четидаги ўра томон тортаётган эди, йигит дод солди. Олти «савдогар»нинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Бесўроқ, бетафтиш сўйиб юборишларини кўрган кекса одам дарҳол ўрнидан туриб, ўғлини сўймасликларини, ҳамма гапни айтишлигини, дарҳақиқат, жосуслик ниятида келишганини бўйнига олиб, Муҳаммад Интизомга ёлборди. Сардор пичоқ ушлаган жаллодга: «Тўхтаб тур!» ишорасини қилди. У йигитни қўйиб юборгач, «Қайси бирини сўйай?» деб кўзини ширғайтириб, Муҳаммад Интизомга қаради.

— Мен ҳамма гапни айтаман! Боламни сўйманг! — деди кекса одам.

— Бизларни ҳам сўйманглар, бизлар Маҳмуд Ялавоч ёллаган кишилармиз... Унинг буйруғини бажаришга қасам ичганмиз... Пул олганмиз...

— Ҳамма гапни айтасенларми?

— Ҳа.

— Қўлингни ювмай, ўрани кўмиб юбормай, бир оз қараб тур! — деди Муҳаммад Интизом ғилай жаллодга. — Агар булар инсофли жосуслар бўлса, бор гапни айтиб, бизни огоҳ этсалар, унда бошларини кесмаймиз, юртларига жўнатиб юборамиз. Агар алдасалар, унда ўзларидан кўрадилар. Ҳозир бизнинг бошқа ишимиз кўп, вақт ганимат, ишни тамомлаб, ҳокимга хабар қилиш керак.

— Йўқ, тамом! Алдаш йўқ! Биз енгилдик, сиз енгдингиз.

Муҳаммад Интизом буйруғи билан уларни яна қайтариб, зиндонга олиб киришди. Қўллари ечилди. Ҳар бир хонага алоҳида-алоҳида кириб, Муҳаммад Интизом икки йигити билан уларни сўроқ қилди. Маълум бўлишича, улар «савдогар» ниқобида ёлланган жосуслар экан. Ўтрорда тўрт юз савдогарни Инолхон ўлдириб юборгандан кейин, мўғуллар кўпроқ жосусларни юборадиган бўлибдилар. Улар султон лашкарининг қудратини билиш мақсадида асло пул аямаётганликларини ҳам маълум қилдилар. Хўжандда ҳам мўътабар кишилардан бири Маҳмуд Ялавочга сотилганини маълум қилишди. Лекин унинг номини, мансабини мутлақо айта олишмади. Бу хабар шу куниёқ Темур Маликка етказилди. Лекин энг муҳими, бу Муҳаммад Интизомнинг обрў-эътиборини юз чандон кўтарган нарса эди. Чингизхоннинг жуда катта лашкар тортиб Мовароуннаҳр томон юришга тайёргарлик кўраётгани, лашкарининг сони беадад эканини билишди.

— Машриқдан совуқ шамол келмоқда, — деди Темур Малик Шохмурод Кўхистоний билан Муҳаммад Интизом ёнида, — бу жуда сезилапти. Илгари Чингизхон йўллаган тўрт юз савдогарни султон фармони билан ўлдириб юборилгани хато иш бўлган!

Тафтиш ва сўроқлар тугаб, ҳамма гап аён бўлгач, Муҳаммад Интизом кекса жосусни ҳовлига олиб чиқиб, парда орқасидаги чуқурни кўрсатди. Бунда бир эчки сўйилиб, калласи ўрага ташланганини, пардага сачраган қон эчки қони эканини айтди. Судраб олиб кетилган йигит ҳам кулиб, илжайиб, уларга ўзини кўрсатди. Юзларидаги қон, мўматалоқлар ҳам бўёқдан эканлигини кўришгач, Ялавоч одамлари ёқаларини ушлашди.

— Бу бир усул эди... — деди Муҳаммад Интизом кекса жосусга.

— Сизлар устун экансизлар, — деди у, Муҳаммад Интизом ишига тан бериб, — аммо ҳали бу томонга кўп жосуслар келиши менга маълум. Бизлар у томонга қайтмаймиз, бунда кетмаган бош у ёқда кетади. Иккиламчи, сизнинг зўр усулингиз у томонда ошкор бўлмаслиги учун бизлар бу мамлакатда қоламиз.

Уларга рухсат этилди.

Муҳаммад Интизом шу куни ҳовлисига қайтиб келиб, йигитлари ичида дорбозлик, қалъанинг баланд деворлари устида юриш, узун қамиш най билан дарёдан ўтиш машқини эртадан бошлашликларини маълум қилди.

Давоми бор



Олимжон
Холдор
РОЗИ БЎЛСИН,
БИЗДАН ВАТАН

Мойлисой

*Қирғоқларга тутиб яна оппоқ сийнасин,
Арчаларга маржон пуркаб, қўшиб минг чирой,
Қўшиғимни бу дунёда ҳамма тингласин,
Деб, тошларга кўксин босиб, оқар Мойлисой.*

*Тоғ пистаси қалқиб-қалқиб оқиб келадир,
Тутмоқ бўлиб кафтларимни сувга ботирдим.
Қулоғига мавжлар сирға тақиб еладир,
Сену мендан бошқа бунда йўқ эди ҳеч ким.*

*Сен шивирлаб ўз ишқингни тўкиб ташладинг,
Мен қоғозга туширардим қолдирмай бир-бир.
Сен гоҳ йиғлаб, гоҳ қиқирлаб кула бошладинг,
Орамизда қолсин, дея бизлар билган сир.*

*Йўқ, жонгинам, сир тутолмам ишқимни асло,
Баланд овоз билан айтгум уни оламга.
Мойлисойнинг қирғоғида сену мен танҳо;
Бундай дамлар бир келадир, ахир, одамга.*

*Қирғоқларга тутиб яна оппоқ сийнасин,
Арчаларга маржон пуркаб, қўшиб минг чирой,
Қўшиғимни бу дунёда ҳамма тингласин,
Деб, тошларга кўксин босиб, оқар Мойлисой.*

Тун

I

Дарвозасин қулфлаб осмон,
Калигини яширди.
Қоронғилик чўкиб шу он,
Фигонимни тоширди.
Папиросин чертиб-чертиб,
Пайдо бўлди юлдуздар.
Ой ҳам чиқди хурсанд этиб,
Атрофида ҳур қизлар —
«Ер-ёр» айтиб қутлар уни,
Ой бепарво кезадир.
Битмай қолган китобини
Балки шу тун ёзадир...

II

Тун-тунлиги ахир аён,
Бир кун олар қаърига.
Босиб келгач, ожиз инсон,
Хайр, дейди барига.
Ушангача кундуз билан
Тунни фарқлаб олайлик.
Рози бўлсин биздан Ватан,
Шу тупроқда қолайлик.

Тўй ҳангомаси

(Ҳазил)

Камолга етди фарзанд, уйламоқ фурсатидир,
Ота-она икковлон ором нима билмадик.
«Тўйни тўйдек ўтказмоқ» бу қадим одатидир,
Элу юртдан бизлар ҳам асло ортда қолмадик.

Данғиллама уй қурдик, ўнлаб кўрпа ва ёстиқ,
Ҳисоби йўқ кўйлагу маҳси, кавуш, сим рўмол...
Ўтган-кетган бобоси, момосигача тортиқ —
Совға қилдик, ўртада чиқмасин, деб кор-ҳол.

Қуда томон йўталса, «Лаббай!» дедик, югурдик,
Акс урсалар, «Бор бўлинг бахтимизга!» дедик биз.
У томондан ким келса, серсалом бўлиб турдик,
Чунки куёв томондан, бу томондан эдик биз.

Тўйни, маслаҳатлашиб, белгиладик бир кунга,
Энди созанда, нонвой, ошпаз изламоқ даркор.
Биз машшоққа учрадик, роса ялиндик унга,
Хонанда дафтарини очиб дер: Ваъдамиз бор —

Тўйни фалон числога ўзгартинг, шундай экан,
Биз белгилаб берамиз тўй мўддатин ҳаммага.
Кўзмас, баҳорда ўтсин ва кўпроқ бўлсин якан,
Шундай деб айтингизлар тоға, жиян, аммага...

Қуллуқ, деб чиқиб кетдик, ўзгартдик тўй муддатин,
Нонвойни излаб топдик, юз букилиб ёлвордик.
У ҳам дафтарин очиб, кунларни санаб кетди:
— Аттанг-аттанг, кечиринг, ўша кунни банд эдик.

Тўй муддатин ўзгартиш зарур, деб таклиф этди,
Яна тушдик биз йўлга, ошпазни топдик аранг.
У ҳам чўнтак дафтарин шошмай варақлай кетди:
— Банд эканмиз, минг афсус, не илож, буни қаранг!

Машшоқ, нонвой режасин ошпаз бузиб ташлади,
Маслаҳат қилавериб қуриб кетди тинкамиз.
Тўй қилмоқдан воз кечдик, ёз ҳам ўта бошлади,
Хуноб бўлдик жуда ҳам, энди қайга бордик биз?

Карнайчи, дастурхончи, қассобга ҳам дуч келдик,
Ҳар бири таклиф этди ўз фурсатин ўзгача.
Тўйни ўтказолмасдан ҳар томон чопиб-елдик,
Шундай қилиб чўзилди тўй янаги кузгача...

«Маслаҳатли тўй асло тарқамас!» деганлар ким,
Тўй қилганда ўзганинг насиҳатин олмангиз.
Баъзи дўстлар гапимга қўшилмас аммо-лекин,
Маслаҳат қилавериб, бизнинг кунга қолмангиз.





Юсуф
Жумаев

Уйлар

*Қушлар тўдасидан бир қушга агар,
Уқ тегса, барининг адодир ҳуши.
Ҳар қандай ўлимдан ўртанар башар,
Ҳар қандай уруш ҳам жаҳон уруши!*

*Улуғбекка қарши қўзғалди нокас,
Ердаги юлдузга хавф солди замон.
Ота билан ўғил кураши эмас,
Бу жаҳон уруши ўртайди ҳамон.*

*Олис Хиросима тарафдан мудом
Келади нотагон мажруҳлар саси.
Токи хор, тинчлик деб аталган калом,
Башар — ҳуркитилган қушлар тўдаси.*

*Икки марта эмас, йўқ, миллион марта
Жаҳон урушлари бўлган дунёда.
Чили фожиаси — бири, албатта,
Қалбимдек башарнинг қалби афтода.*

*Фаластин қолди-ку қонларга ботиб,
Фиғони келади бизнинг ергача.
Шерикдир ғамига Фиделдан тортиб,
Юртимдаги жажжи пионергача...*

Баъзи шеърларга пародия

*Эрталаб энг аввал қўл-юзингни юв,
Бошингда соч бўлса, сочиб ол тароқ.
Сув тутгин болангга, ичай деса сув,
Гар уйқунг келмаса, ўлтиргин уйғоқ.*

*Пашша заҳарлидир, унутма зинҳор,
Семиртир ем билан, гар бўлса молинг.
Узум е, узумнинг витамини бор,
Саргарошга олдир — ўсса соқолинг.*

*Хумор этган чоғда носдан отиб ол,
Минма машинангни гар бўлса беёғ.
Овқат пиширганда, албатта туз сол,
Унутма: кечқурун ёқилар чироғ.*

*Сенга тош отсалар, панага бекин,
Қочиб қол мабодо дуч келса илон...
Не қилсанг қилавер, майлига, лекин
Бунақа шеърларни ўқима, шеърхон!*

Архитекторларга

(Ҳазил)

*Агар ҳақиқатга бўлсангиз содиқ,
Солса ноҳақликлар чеҳрангизга из,
Давлат чўнтагини чўктирманг ортиқ,
Нашриёт қурсангиз, қуринг эшиксиз!*

*Эшик, деб харажат этилар, ахир,
Умрдан кечади не-не соатлар.
Қанчалаб мустаҳкам этманг, бари бир
Бузиб ташлайдилар талантсиз зотлар...*



Михаил Александрович Шолоховнинг номи дунё маданияти тарихида ўчмас бўлиб қолди. Унинг «Тинч Дон», «Очилган қўриқ» романлари, юзлаб ҳикояларида инқилоб ва социализм қурилиши жараёни халқ ва шахс тақдири бениҳоя зўр бадиий қудрат билан тасвирланган. Таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан муҳтарам журналхонларга буюк ёзувчимиз ҳикояларидан бирини тақдим этмоқдамиз.

Михаил Шолохов

ТОЙЧОҚ

Куннинг қоқ ярмида, зумрад пашшалар қалашиб ётган гўнгтепа ёнида у бошию жажжи оёқларини олдинга чўзганча онажонгинасининг қорнидан чиқиб келди ва тепагинасида — портлаган шрапнелнинг таралиб бораётган бир тутамгина нафис, кўкиш ғуборини кўрди, ҳайқириқли гулдирак унинг мурғак, ҳўл вужудини онасининг оёқлари остига итқитди. Ер юзида биринчи тотиб кўрган туйғуси даҳшат бўлди. Қўланса дўл бўлиб ёғилаётган питралар отхонанинг черепица томини тарақлатиб чалди, ер юзасига унча-мунча сочиларкан, тойчоқнинг онаси — Трофимнинг жийрон биясини сапчиб туришга, қисқагина кишнаганча терчиллаган ёнбоши билан жонга ора кирувчи гўнг уюмига ётишга мажбур этди.

Ана шундан кейин бошланган жазирама сукунатда пашшаларнинг гўнғиллаши янграб эшитилди, тўпбозлик бўлаётгани сабабли четанга учиб чиқишга юраги бетламаган хўроз аллақердаги қариқизларнинг панасида қанотларини бир-икки тапиллатди-да, бамайлихотир, аммо бўғиқ қуқуқулаб қўйди. Уйдан ярадор пулемётчининг йиғламсираб инқиллаётгани эшитиларди. Аҳён-аҳёнда кескин, хирқироқ овоз билан чинқириб юборар, қичқириқлари дарғазаб сўкишлари билан бўлиниб турар эди. Ангарикдаги кўкнорининг қип-қизил ипак гулларида асаларилар визилларди. Станицанинг нарёғидаги ўтлоқда пулемёт тасмасини отиб тугатмоқда, унинг қувноқ тариллаши эшитилиб тураркан, тўпларнинг биринчи ва иккинчи ўқ узишлари оралиғида жийрон бия тўнғичини ялаб-юлқади, қулун эса онасининг тирсиллаб турган елинига ёпишаркан, илк бор ҳаётнинг бутун лаззатини, она меҳрининг туганмас тотини ҳис этди.

Иккинчи тўп ўқи хирмоннинг нарёғига гурсиллаб келиб тушгач, уйдан эшикни тарақлатиб ёпганча Трофим чиқди-да, отхонага қараб юрди. Гўнгтепани четлаб ўта туриб кўзларини кафти билан қуёшдан тўсди, толиққанидан дир-дир титраётган тойчоқ жийрон биясини эмаётганини кўраркан, гарангсиганча чўнтақларини кавлади, қалтираган бармоқлари билан тамаки халтасини пайпаслаб топди-да, ўраган тамакисини ҳўллаб бошлагандагина тили гапга келди:

— Ҳа-а-а... Демак, қулунлабсан-да? Топган вақтингни қара-я, шу ҳам иш бўлдимиз? — Унинг охирги иборасида аччиқ ранжигани белги бериб турарди.

Биянинг тери селгиб, ғўдир бўлиб қолган ёнбошларига бурган чўплари, қурғоқ гўнг ёпишган. У ор келтиргандек ориқ ва ирвоқ кўринар, аммо кўзларида ҳорғинлик аралаш мағрурона қувонч барқ уриб турар, йилтироқ юқори лаби эса табассумдан тикраяр эди. Ҳар қалай, Трофимга шундай туюларди. Отхонага олиб кирилган бия емли тўрвасини силкитганча пишқира бошлагач, Трофим кесакига суянди-да, энсаси қотганча тойчоққа қия қараркан, совуққина сўради:

— Топганинг шу бўлдими?

Жавобини кутиб ўтирмай, яна жаврай кетди:

— Игнатнинг айғирига ўхшаса ҳам майли эди, жин урсин, қайси бирига ўхшатишга ҳайронсан. Хўш, мен бу дардисарни қаёққа қўяй?

Отхонанинг нимқоронғи сукунатида ем курсиллайди, эшик тирқишидан қия тушган қуёш шуъласи олтин зарралар сочади. Трофимнинг чап бетига ёруғ тушиб турибди, сарғиш мўйлови билан сертук соқоли қизғиш товланади, оғзининг четидаги чизиқлар эгик эгатлардек қорайиб кўринади. Пахмоқ оёқлари ингичкагина тойчоқ худди ўйинчоқ ёғоч отдек турибди.

— Уни ўлдириб қўяқолсаммикан? — Трофимнинг тамакидан кўкариб кетган катта бармоғи тойчоқ томонга қайрилади.

Бия қонталаш кўз соққаларини ола-кула қилади-да, мижжа қоқиб, эгасига қулганнамо қараб қўяди.

* * *

Эскадрон командири жойлашган қўноқхонада ўша куни кечқурун шундай гурунг бўлиб ўтди:

— Қарасам, биям ўзини авайлаяпти, йўртиб чополмайди, елишга чоғи келмайди, нафаси тикилиб қолади. Разм солсам, бўғоз экан... Ўзини авайлагани-авайлаган, авайлагани-авайлаган... Қулунчоғи тўриқнамороқ... Шунақа... — деб ҳикоя қиларди Трофим.

Эскадрон командири чой қуйилган мис кружкани кафти билан сиқиб ушлаган, бамисоли атака олдида қилич дастасини тутгандек сиқиб ушлаган, мудроқ кўзлари билан чироққа тикилади. Сарғиш шуъла устида парвоналар ғужғон ўйнамоқда, деразадан учиб кирадилар-да, шишага тегиб жизғинак бўлгач, булари ўрнига бошқалари келади.

— ...Фарқи йўқ. Тўриқми, бурулми — бари бир. Отиб ташлаш керак. Тойчоқ эргаштириб юрсак лўлиларнинг ўзи бўламиз-қўямиз.

— Нима-нима? Мен ҳам, лўли бўламиз-қўямиз деяпман-ку. Мабодо қўмондон келиб қолса-чи, унда нима бўлади? Полкни кўздан кечиргани келса-да, тойчоғинг сафнинг олдида шўрхоқ ялаб, думини мана бундай қилиб юрса... А? Бутун Қизил Армия олдида уятга қолиб, шарманда бўламизку. Мен ҳатто ҳайронман, Трофим, сен бунга қандай қилиб йўл қўйдинг? Граждандлар уруши қизиб турган пайт бўлса-да, шунақанги бузуқлик юз бериб ўтирса... Бу ҳатто уят. Отбоқарларга қатъий буйруқ: айғирларни алоҳида сақлашсин.

Эрталаб Трофим уйдан милтиқ кўтарганча чиқиб келди. Ҳали қуёш чиқмаган эди. Утлар узра — нимпушти шабнам. Пиёдаларнинг этиклари тепкилаган, хандақлардан ўйдим-чуқур бўлиб кетган ўтлоқ қайғу-ҳасратдан бевақт ажин тушган қиз юзини эслатарди. Дала ошхонаси атрофида ошпазлар куйманишарди. Остонада ич қўйлаги аллақачондан буён терлайвериши туфайли чириб тушаёзган эскадрон командири ўтирарди. Тўппончанинг тетиклантирувчи муздеккина дастасини тутушга одатланиб кетган бармоқлари унутилган, қадрдон ишга қовушолмай, иримчик чучвара учун жимжимадор човли тўқимоқда эди. Олдидан ўтиб кетаётган Трофим қизиқиб сўради:

— Човли тўқияпсизми?

Эскадрон командири бандини ингичка хивич билан боғлай туриб гириҳ тишлари орасидан жавоб берди:

— Мана бу хотин — бекамиз кўймади... Тўқиб бер-ча, тўқиб бер, деб. Бир вақтлар уста эдим, ҳозир бўлса унча... яхши чиқмади.

— Йўқ, бинойидек, — деб мақтади Трофим.

Эскадрон командири тиззасидаги хивич чиқитларини сипириб ташларкан, сўради:

— Тойчоқни йўқотгани кетяпсанми?

Трофим индамай қўл силтади-да, отхонага кириб кетди.

Эскадрон командири бошини эгганча ўқ отилишини кутиб турди. Бир минут ўтди, икки минут ўтди — ўқдан дарак бўлмади. Трофим лип этиб отхонанинг муюшида кўринди, чамаси нимадандир хижил эди.

— Хўш, нима бўлди?

— Мухраси бузилиб қолган шекилли... Пистонни чақолмаяпти.

— Қани, милтиғингни бер-чи.

Трофим милтиғини истар-истамас узатди. Затворни айлантриб кўраркан, эскадрон командирининг кўзлари сузилди:

— Бунингда патрон йўқ-ку!..

— Мумкин эмас-э!.. — деб юборди Трофим жон ҳолатда.

— Айтаяпман-ку ахир, йўқ, деб.

— Мен уни чиқариб ташлаган эдим-да... отхонанинг орқасида...

Эскадрон командири милтиқни ёнига қўйиб, янгигина човлини қўлларида анчагача айлантриб кўрди. Сариқ новда ширадор, ундан хуш бўйи келар, димоққа гуллаётган қизилтол ҳиди урилар, ер ҳиди, урушнинг омонсиз алангасида унут бўлган меҳнат ҳиди анқир эди...

— Менга қара!.. Жин урсин уни! Онасининг бағрида юра қолсин. Вақтинча дегандек, чунончи. Уруш тугаса, балки ҳали у билан...ер ҳайдаса бўлар. Тасодифан қўмондон кўриб қолса, аҳволига тушунар ахир, негаки, мурғак, онасини эмиши керак... Қўмондон ҳам эмчак эмган, биз ҳам эмганмиз, башартики, таомил^б шу эканми, вассалом-да! Милтиғининг муҳраси эса туппа-тузук.

* * *

Бир ойчадан кейин Усть-Хоперская станицаси яқинида Трофимнинг эскадрони казаклар сотняси билан жанг қилиб қолди. Отишма қошқораяр олдида бошланди. Атакага отланганларида қоронғи тушиб келмоқда эди. Ярим йўлда Трофим ўз взводига етолмай қолиб кетди. Биясини на қамчи, на лунжларини қонатиб юборган сўлиқ елиб чопишга мажбур қила оларди. То тойчоғи думини ҳилпиратганча етиб олмагунига қадар бошини юқорига чўзган кўйи ҳирқираб кишнай-кишнаё бир жойда ер тепкилаб тураверди. Трофим эгардан сакраб тушиб, қиличини қинига суқиб кўйди-да, юзи ғазабдан тиришганча елкасидан юлқиб милтиғини олди. Ўнг қанотлари оқлар билан аралашиб кетди. Жар яқинида бир тўп одамлар худди шамол чайқатаётгандек у томондан-бу томонга бориб келар эдилар. Чурқ этмай чопишар эдилар. Отларнинг туёқлари остида ер бўғиқ гумбурларди. Трофим ўша томонга бир зум қараб кўйиб, тойчоқнинг жажжигина бошини нишонга олди. Ҳовлиққанидан қўли қалтираб кетдими ёки ўқининг хато кетишига яна бирон бошқа нарса сабаб бўлдими, ҳар қалай, ўқ узилган заҳотиёқ тантиқлик билан шаталоқ отиб, нозиккина кишнади-да, туёқлари билан паға-паға оппоқ тўзон кўтарганча айланиб келиб нарироқда туриб қолди. Трофим жийрон шайтончага оддий эмас, қизғиш мис тумшүқли зирхтешар ўқлардан бир обоймасини узди, зирхтешар ўқлар тойчоқни ўлдириш тугул, енгилроқ шикаст ҳам етказмаганини кўриб, лип этиб бияга минди-да, дарғазаб сўкина-сўкина, отини лўкиллатганча, пахмоқсоқол, эскича эътиқод тарафдорлари учта қизил аскар билан эскадрон командирини жар ёқасига суриб бораётган томонга қараб кетди.

Шу кунни кечаси эскадрон юзагина сой яқинидаги даштда тунади. Тамакини камроқ чекдилар. Отларнинг эгарларини олмадилар. Дон ёқасидан қайтиб келган разъезддагилар кечувчи душманнинг йирик кучлари суриб келинганини айтдилар.



Яланг оёқларини резина плашчининг бари билан ўраган Трофим мудроқ босганча шу бугунги воқеаларни эслаб ётарди. Кўз ўнгидан шулар бирма-бир сузиб ўтарди: жарга сакраётган эскадрон командири, қилич билан сиёсий комиссарни чопаётган кемшик диндор, беомон чопиб ташланган ирвоққина казак йигитча, қимнингдир қора қонга беланган эгар, тойчоқ...

Тонг отмасдан Трофимнинг олдига эскадрон командири келди, қоронғида ёнгинасига ўтирди.

— Ухлаяпсанми, Трофим?

— Мудраяпман.

Ўчиб бораётган юлдузларга қарай-қарай эскадрон командири шундай деди:

— Тойчоғингни йўқот! Жангда саросимага солаяпти... Унга қалтираб... қилич уролмаяпман. Ҳаммасига сабаб шуки, унинг турқи хонакича, урушда бунақаси тўғри келмайди... Тош юраклар латтага айланиб қолади... Дарвоқе, ярамасни атака вақтида босиб кетишмабди, оёқ остида ўралишиб юрган эди... — Индамай турди-да, ширин хаёл суриб жилмайди, бироқ Трофим унинг табассумини кўрмади. — Биласанми, Трофим, унинг думи, хўш, чунончи... сағрисига ташлаб, шаталоқ отса-чи, думи худди тулкининг думига ўхшаб кетади... Думи ажойиб!..

Трофим индамади. Бошини шинели билан буркади-да, шудрингнинг салқинидан жунжикиб, тезда ухлаб қолди.

* * *

Эски монастырь қаршисида тепаликка сиқиб келинган Дон бепарво шиддат билан елиб оқади. Бурилишда сув жингалак-жингалак бўлиб

мавжланади, ёлдор яшил тўлқинлар баҳорда нураб сув бўйида сочилиб ётган бўр ғўлаларини ҳамла билан думалатади.

Агар оқим сустроқ, Дон эса кенгроқ ва осоиштароқ жойдаги тирсакни казаклар эгалламаган ва ўша ердан туриб ёнбағирни ўққа тутта бошламаганда, эскадрон командири ҳеч қачон эскадроннинг монастирь қаршисидан сузиб ўтишига журъат қилмаган бўларди.

Тушда кечув бошланди. Чоғроққина қайиққа пулемётли тачанка билан хизматчиларию учта от жойланди. Доннинг ўртасига етгач, қайиқ оқимга қарши терс бурилиб бир ёнбошига оғиброқ қийшайганда чапдаги сув кўрмаган от ҳуркиб кетди. Эскадрондагилар отларидан тушиб, эгарларни олаётган тепалик тагида унинг ташвишли пишқириб, қайиқ тахталарини тепаётгани баралла эшитилиб турарди.

— Қайиқни нобуд қилади!— деб тўнғиллади Трофим тундлик билан. Қўлини биясининг тер босган яғринига олиб борган ҳам эдики, чапдаги от жон аччиғида ҳайқириб, тачанканинг шотиси томон. тисарила-тисарила осмонга сапчиди.

— Отиб ташла!— деб бўкирди эскадрон командири, қамчисини ғижимлаганча.

Трофим нишонга олувчининг отнинг бўйнига осилиб, қулоғига тўппонча суққанини кўрди. Ўқ товуши болаларнинг пақилдоғидек янгради, ўртадаги от билан ўнг томондаги от бир-бирига қапишиб олди. Қайиқдан хавотир олган пулемётчилар ўлган отни ниқтаб тачанкага тақаб қўйдилар. Унинг олдинги оёқлари аста-секин букилиб, боши шилқ этиб тушди...

Ун минутчадан кейин ёнбағирдан тушиб келиб, саманини биринчи бўлиб сувга солди, унинг орқасидан бутун эскадрон — бир юз саккизта ярим яланғоч суворию яна шунча пойма-пой тусдаги от сувни шалоп-шулуп янгатганча ёпирилиб тушди. Эгарларни уч қайиқчада олиб ўтмоқда эдилар. Улардан бирини биясини взвод командири Нечепуренкога топширган Трофим бошқармоқда эди. У Доннинг ўртасига етиб, эндигина дарёга кирган отларнинг истар-истамас сув ичаётганини кўрди. Суворийлар уларни овоз чиқармай чух-чухлашарди. Бир дақиқа кейин қирғоқдан йигирма саженча берироқда сув юзини отларнинг туташ қопқора бошлари эгаллади, сершовқин пишқириқлар эшитилди. Отларнинг ёнларида, уларнинг ёлларини ушлаганча, кийим-кечакларини ўқдонларини милтиқларига танғиган қизил аскарлар сузиб борардилар.

Эшакни қайиққа ташлаб, тикка туриб олган Трофим қуёшдан кўзи қамашганча, сузиб бораётган бир тўп отлар орасидан биясининг қизғиш бошини муштоқлик билан қидирарди. Эскадрон овчилар узган ўқлардан осмон бўйлаб питраб кетган ёввойи ғозлар галасига ўхшарди: энг олдинда эскадрон командирининг ялтироқ сирти анчагина чиқиб турган самани сузиб борар, унинг думига етар-етмас бир вақтлар сиёсий комиссарга мансуб бўлган отнинг оқиш қулоқлари кумушдек товланар, унинг орқасидан туташ қорамтир тўп сузиб борар, ҳаммадан берида эса сония сайин тобора орқада қолаётган взвод командири Нечепуренконинг кокилли боши ва унинг чап томонида жийрон биянинг тик қулоқлари кўринар эди. Синчиклаб тикилган Трофим тойчоқни ҳам кўрди. У силтаниб-силтаниб сузар, гоҳ сувдан юқори сапчиб чиқар, гоҳ шўнғиб кетар, шу сабабли бурун катаклари кўринмай қолар эди.

Ана худди шу пайтда Дон устидан эсган шабада Трофимнинг қулоқларига мезон уқасининг толасидек нозик «ҳи-ҳи-ҳи-ҳи-хў-хў» деб кишнаган нажот тиловчи товушни олиб келди.

Сув узра эшитилган қичқириқ янгроқ, қиличнинг тиғидек ўткир эди. У Трофимнинг юрагини тилиб кетди, бу одам аломат аҳволга тушиб қолди: беш йил урушга бас келди, неча марталаб ажал кўзларига қиз болага қарагандай тик қаради, ана шундай кезларда ҳам ҳеч нарса кор қилмаган эди-ю, ҳозир эса қизғиш тук босган юзи оқариб кетди, оқариб кетди-да эшкагига ёпишиб, қайиғини шартта оқимга қарши бурган кўйи, ҳолсизланган тойчоқ гирдобда чирпирак бўлаётган, ундан ўн саженча нарироқда ҳирқираб кишнаганча гирдобга қараб сузаётган бияни қайтаришга тиришиб, буни эпломлаётган Нечепуренко томонга ҳайдади.

Бир тўп эгар устида ўтирган Трофимнинг дўсти Стёшка Ефремов жиддий қичқирди:

— Бемаънилик қилма! Қирғоққа қараб ҳайда! Казакларни кўряпсанми, ҳов ана улар!..

— Улдираман!— деди Трофим аранг нафаси чиқиб, милтиғининг тасмасига ёпишди.

Оқим тойчоқни эскадрон кечиб ўтаётган жойдан анча нарига оқизиб кетган эди. Кичикроқ гирдоб уни яшил панжарадор тўлқинлар билан қамраганча бир маромда айлантирарди. Трофим эшкакни чираниб силтар, қайиқ сапчий-сапчий сузиб борар эди. Унг қирғоқда жардан казаклар югуриб чиқшди. «Максим» йўғон товуш билан тариллай бошлади. Сувга чип-чип келиб тушаётган ўқлар вишилларди. Каноп кўйлаги йиртилиб кетган офицер тўппончасини силтаганча нималардир деб қичқирарди.

Тойчоқнинг кишнаши тобора сусайиб борар, юракни ачитувчи қисқа қичқириғи тобора заифроқ, ингичқароқ эшитилар эди. Гўдакнинг қичқириғига ўхшаган бу қичқириқ вужудни музлатиб юборарди. Нечепуренко бияни ташлаб чап қирғоққа бемалол сузиб кетди. Дир-дир титраганча Трофим шартта милтиғини кўлига олиб, тойчоқнинг гирдоб ютиб бораётган бошидан қуйироқни мўлжаллаганча ўқ узди, оёқларидан этикларини юлқиб ечди-да, бўғиқ минғиллаб қўлларини олдинга чўзган кўйи сувга калла ташлади.

Унг қирғоқда каноп кўйлактаги офицер шанғиллаб буюрди:

— Отиш тўх-та-тилсин!..

Беш минутчадан кейин тойчоққа етиб олган, чап кўли билан унинг совуқ ўтган қорнидан тутиб олган, сув тиқила-тиқила, чап қирғоққа қараб кетмоқда эди... Унг қирғоқдан тиқ этган ўқ овози эшитилмади.

Осмон, ўрмон, қумлоқ — барчаси ям-яшил... Охирги марта жонжаҳди билан тиришди — ниҳоят Трофимнинг оёқлари ерга тегди. Тойчоқнинг сирғанчиқ танасини қумлоққа чиганиб олиб чиқди, у ҳиқ-ҳиқлаганча кўкиш сувни қайтариб ташлар, қўллари қумни пайпаслар эди... Ўрмонда сувдан кечиб ўтган эскадрончиларнинг овозлари гулдирар, қиялик орқасидаги қаердандир ўқ отаётган тўпларнинг дириллаган садолари эшитилар эди. Трофимнинг ёнига келиб қолган жийрон бия сувини силкитар, тойчоғини ялаб-юлқар эди. Унинг соллонган думидан товланганча шириллаб оқиб тушаётган сув қумни ўйиб кирмоқда эди...

Трофим оёққа қалқиб, гандираклаганча қум бўйлаб икки қадам юриб борди-да, сапчиб тушиб ёнбошига йиқилди. Кўксини ўтли санчиқ тешиб ўтгандай бўлди, йиқилаётиб ўқ товушини эшитди. Унг қирғоқдан отилган ўқ орқасидан келиб теккан эди. Унг қирғоқда йиртилиб кетган каноп кўйлактаги офицер карабинининг затворини бепарволик билан шарақлатиб, дуд бурқсиб турган гильзани чиқариб ташлади. Тойчоқдан икки қадам бериоқда, қум устида Трофим чангак бўлиб тиришмоқда, болаларини беш йилдан буён ўпмаган, карахт бўлиб кўкариб кетган лаблари жилмаймоқда, унда қон кўпиклари кўринмоқда эди.

Ваҳоб РЎЗИМАТОВ таржимаси

Қурбоной Убайдуллаева

СЎНМАС НУР

... Садриддин Айний... Ҳали бошланғич синфларда ўқиб юрган пайтларимдан бошлаб бу ном менга таниш, айниқса «Етим», «Эски мактаб» китоблари менда катта таассурот қолдирганди.

Болаликнинг ўзига хос баландпарвоз орзулари мурғак қалбимга ғалаён солар, «кошки тезроқ улғайсам-у, мен ҳам мана шунақа китоблар ёзадиган, ҳамма танийдиган ва яхши кўрадиган ёзувчи бўлсам», деган ният тинчимни олиб қўйганди. Ёзувчи бўлиш учун қайси шаҳарда, қайси мактабларда ўқиш лозимлигини ўйлай-ўйлай бошим қотарди.

...Йиллар ўтиб, биз Самарқандга кўчиб келдик. Уруш сабаб бўлиб, узилиб қолган ўқишимни давом эттириш билан бирга, Самарқанд областининг «Ленин йўли» газетасида корректор бўлиб ишлаб бoшладим. Газетада ишлаганим мени адабий муҳитга яқинлаштириб, ёзувчиликка бўлган қизиқишимни янада оширди. Редакцияга таниқли олим ёзувчи, шоиру санъаткорлар билан бирга, турли касбу кордаги ёш ижодкорлар ҳам келиб туришарди. Улардан баъзиларининг илк машқларини устоз Айний назардан ўтказиб, газетада чиқариш учун тавсия қилганини эшитганимда ҳавасим келар, менга ҳам шундай кунлар насиб бўлишидан умидвор эдим.

...Мана, энди шу хонадонга келаётиман. Ҳаяжоним ичимга сиғмай, олам-олам фахру қувонч билан ўша қизил дарвозага яқинлашдим. Яқинлашдим-у, алланечук салобат босиб, тўхтаб қолдим. Мўлжалдаги вақтдан эртароқ келган эканман шекилли, мени шу ерда кутиб олувчи Раҳим Ҳошим кўринмасди. Нима қилишимни билмай, бир зум аланглаб тургач, қия очиқ дарвозадан секингина ичкарига мўраладим.

Гулларга бурканган чоққина ҳовли. Ўнг томондаги уйлар олдида гиштин супа кўтарилган. Супа атрофи ва ҳовли саҳнини гир айлантириб экилган ранго-ранг гуллар, кўм-кўк бўлиб яшнаб турган райҳон, жамбил ва турли хил кўкатлар ажиб бир манзара кашф этганди.

Кулранг матодан тикилган китель-шим устидан пахталик симоби чопон кийган, оёғида нимдошроқ кавуш-махси, зангори духоба дўппили, ўртадан пастроқ, кенг яғринли, ҳаракатлари тетик мўйсафид, радиодан берилаётган ҳазин куй маромида бош тебратганча, мис кўзачадан гулларга сув қуйиб юрарди. Бир қарашда бу кишини таниёлмадим, устознинг хизматкорлари бўлса керак, деган хаёлда, дарвозани оҳиста ёпмоқчи бўлдим. Шу пайт: «Ким у? Марҳабо! Кириг! Кираверинг!» — деган бўлиқ овоз эшитилди. Яқинлашиб келаётган оёқ шарпаси қулоғимга киргач, турган жойимда тўхтаб қолдим. Зум ўтмай, китоб, журналларда кўравериб таниб қолганим — нурли сиймо қаршимда турарди. Зўрға салом бердим.

— Ва-алайкум! Келинг, қизим, хўш, хизмат? ...Э, дарвоқе, сиз Темуржон йўллаган машинистка бўлсангиз керак-а? Исмингиз Қурбоноймиди? Қани, марҳабо, ичкарига кириг!

Садриддин Айний шу киши эканлигини билган бўлсам-да, кўзларимга ишонмай, ҳайратомуз қараб турардим.

Устоз менинг ҳаяжонланаётганимни сезиб, кулиб қўйди-да, яна бир бор таклиф этгач, ёшига нисбатан анча дадил, салмоқдор қадам ташлаб ичкари ҳовли эшигига яқинлашди:

— Холапошшоси, қани, бу ёққа чиқинг-чи, қаранг, Темуржон бизга қандоқ машинистка юборибдилар!..

Ичкаридан ўрта бўй, тўладан келган, ёши элликлар чамасидаги хушсурат бир аёл (у домланинг рафиқалари эди) чиқиб, мен билан худди ўз қизларидай айланиб-ўргилиб кўришди ва ичкари ҳовлига бошлади. Сўриток тагидаги ясатиқли стол атрофида уч-тўрт киши гурунглашиб ўтиришарди. Сал нарироқда — гулхоналар ўртасига қўйилган доира стол атрофида эса турқу таровати устозга монанд бир йигит аллақандай китобни варақлаб, ундан нималарнидир ёзиб олиш билан машғул эди. Бу киши устоз Айнийнинг ўғли Камол Айнийлиги шундоққина кўриниб турарди.

— Танишинглар, бу қизимиз Темур Маъруфийнинг қўлида ишлайдиган машинистка, исмлари Қурбоной. Ишимизнинг шаклу мазмуни маъқул келиб қолса, эҳтимолки, бизда муқим ишлаб юрсалар ва биз ҳам машинистка қидириб юрмоқликдан халос бўлсак.

Шундан сўнг адиб ўқишимнинг бориши, имтиҳонларга тайёргарлигим, ҳатто бемор онамнинг аҳволларини ҳам сўради. Шу заҳоти илгариги хаёлларим тумтарақай бўлиб кетди. Қаршимда номларини эшитиб, ҳайкиб юрганам — доврўқли аллома, улкан ёзувчи, қаттиққўл, қаттиқсўз одам ўрнига, меҳрибон, юмшоққўнғил, камтарин бир киши турарди. Мен бу хонадоннинг файзу тароватини кўриб, ҳавас қилганимча у ёқ, бу ёққа зимдан назар ташладим. Биз ўтирган ичкари ҳовли ташқисидан кўра сал каттароқ бўлиб, уй, айвонлар олдига гиштин супа ётқирилган, атрофи баланд сўриток билан ўралган эди.

Оила аъзоларининг суҳбатларига жимгина қулоқ солиб ўтирарканман, нариги столда устоз Айний ўғли билан қандайдир масала юзасидан қизгин баҳсга тушиб кетдилар. Энди устознинг кўринишлари ҳам, кайфиятлари ҳам мени кутиб олгандагидан тамоман ўзгача эди. Хушчақчақлик, ҳазилкашлик, табассум ўрнини жиддийлик, ўйчанлик эгаллаб олган, нималарнидир ўғлига қайта-қайта уқтирарди. Мени ҳайратга солган нарса — оила аъзоларининг ўзaro хушмуомалалари, бир-бирларига нисбатан лутфу қарам, ҳурмат-эътиборлари эди.

Домла Айнийнинг уч фарзанди бўлиб, ўша йиллари Холида ва Лутфия исмли қизлари Москвада, Камол ака Ленинградда таҳсил олишар, уйда эса Холапошшо билан устоз ва яна бир қариндоши истиқомат қилишарди. Камол Айний илмий иши юзасидан ҳар гал Душанбега ўтганида Самарқандга тушиб, ота-оналарини кўриб кетар, баъзан айрим масалаларда йўл-йўриқ олиш учун атайлаб келиб турарди.

...Мен дам-бадам дарвоза томон қараб, Раҳим Ҳошим келишини ва ишни тезроқ бошлаб юборишни сабрсизлик билан кутардим. Устоз буни сизди шекилли, суҳбатга хотима бериб, соатига қараб олди-да:

— Оҳ-ҳо! Вақт ҳам бамисоли шамол, елиб-югуриб илгарилаб кетибди-ку! Мулло Раҳимдан нечук шу маҳалгача дарак бўлмаепти экан? Бесабаб бу қадар кеч қолиш одати йўқ эди, — дея ўрнидан туриб, бизларга яқинлашди.

— Ишлари чиқиб қолдимикин? — деди Камол ака ёндафтар ва китобларини йиғиштириб ўрнидан тураркан, — хабар олиб келсам бўлармиди?

— Айни муддао! Бу ерда минг хаёл, минг бир шубҳага тушиб ўтирмоқдан кўра, бориб-келганингиз маъқул. Сиз нима дейсиз, пошшо?

— Ҳа, албатта, аммо... ўғлимиз узоқ йўлдан чарчаб келган, тузуккина дам олмай-нетмай... Қандоқ бўларкин, падаржони?

— Дам олмаган бўлса ҳеҳқиси йўқ. Навқирон йигитга дам олиш нимаси? Кейинги гапни қаттиқроқ айтиб юборганини сезган адиб, сўз оҳангини дарҳол ўзгартирганча, Холапошшога кулумсираб юзланди:

— Ранжиманг, пошшо, бу тарафкашлик сизнинг нуқсонингиз эмас, балки сифатингиз. Ахир онасиз. Она қалби эса ҳамиша ана шундоқ мулойим, раҳму шафқатли бўлиши табиий.

Камол ака ота-она ўртасидаги бу самимий гаплардан кула-кула дарвозага яқинлашган эди, устоз қўл ишораси билан тўхтатди.

— Шошманг, Камолхон! Мана бу синглингизни ҳам олакетсангиз яхши бўлармиди? Баҳонада Раҳимжоннинг уйини кўриб келсалар. Ҳар эҳтимолга қарши, кейин ҳам керак бўлиб қолар дейман-да.

...Биз йўлга тушдик. Раҳим аканинг уйлари ҳам унчалик узоқ эмас, кўшни гузар этакроғида экан. Раҳим акани уйларидан тополмай, қайтиб келганимизда, у киши домла билан чой ичиб, қақчақлашиб ўтирган эди.

— Бу дейман, Раҳим, ишимизнинг ибтидоси бекинмачоқ ўйинидан бошланди-ку, интиҳоси бахайр бўлармикин, ишқилиб? — атрофдагиларга маъноли қараб, кулиб давом этди устоз. — Мен сизга сал барвақтроқ ҳаракатга тушиб уйларида олиб келақолинг, ҳали таниш бўлмаган бир кишини кўчада зориқтириб қўйиш яхши бўлмас, дегандим, бари бир ўз билганингиздан қолмабсиз. Ҳай, майли, бизга машинистка топганингиз учун бу сафар узрингизни қабул қиламиз. Мабодо бу иш яна такрорланадиган бўлса... Сўзга кирмаслигингиз жазосини торганингиз ёдингиздадир?

— Ёдимда, устоз, ёдимда, — кулгига қўшилди Раҳим ака, — ўзиям бир умр

ёддан чиқмайдиган иш бўлганди. Қиш эмас, ёз чилласида эсимга тушса аъзойи баданимга титроқ киради. Уша воқеадан сўнг мана, авжи баҳордаям ҳануз эгнимдан пальтони ечганимча йўқ.

Бизлар бу гаплардан ҳеч нарса тушунмасак-да, Раҳим аканинг жунжиққан киши вазиятида сўзлашлариға қараб, кулгидан ўзимизни тўхтата олмасдик.

Воқеа, ҳақиқатан ҳам антиқа экан. Қишнинг авжи совуқ кунларидан бири... Москвадан келган меҳмонларни кузатиш учун вокзалга чиққан адиб «Самарқанд» ресторанида кузатув зиёфати уюштирибди. Раҳим аканинг пальтони ечиб, стул суянчиғига ташлаб қўйганини кўргач:

— Раҳим, бу жой пальтони ечиб қўйиш даражасида иссиқ эмас-ку, кийиб ўтиринг. Ғала-ғовурда ёдингиздан чиқиб қолмасин, тагин! — дебди. Унга жавобан Раҳим ака:

— Ташвиш тортманг, устоз! — дебди хотиржам оҳангда.

Поезд келиши ғала-ғовурида чинданам пальто ёддан кўтарилиб, ўриндиқда қолаверибди. Меҳмонларни кузатгач, ярим йўлга етганда бир сабаб билан машина тўхтаб қолибди. Даврон ака (бу киши узоқ йиллар давомида адибга шофёрлик қилган) машинадан тушиб, у ёқ, бу ёғини кавлаштирар экан, устознинг эсларига пальто тушиб қолибди.

— Дарвоқе, пальтонгиз қани, Раҳим? — сўрабди адиб.

Раҳим ака пальтони ресторанда унутиб қолдирганини билиб, шошилганча машинадан тушибди.

— Ҳа, дуруст-дуруст, ёшликнинг қайноқ қони, хотирангиз жойидалигига ишониб, яп-янги кийимингиздан ажралиб қолган кўринасиз. Қани, ҳалиям бўлса, тезроқ орқага қайтиб, пальтони қидириб топиш ҳаракатини қилинг.

У пайтлар таксию автобуслар камчилиги, бунинг устига вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганидан вокзалгача пиёда кетишга тўғри келган. Совуқнинг зўридан пальто кийиш билан ҳам исимай югурганча келиб ўзларини машинага урган Раҳим акага ачиниб кетган устоз кулгига олиб сўрабди:

— Қиш чилласида оёқни қўлга олиб югурмоқликнинг ҳам ўзига яраша гашти бўлса керак-а, Раҳим?! Югуриш бўйича жаҳон чемпионлариниям йўлда қолдирадиган кўринасиз. Хайриятки, шу қадар азият чекканингизга яраша пальтонинг топилгани.

— ...

— Ота-боболаримиз «Ёз ёпинчингни қўйма, қишда ўзинг биласан», деган нақлни бекорга тўқимаган. Аввал тажрибадан ўтказиб айтилган бу гапларнинг мағзини қақиб, доимо шунга амал қилиш керак.

— Бундан чиқди, бечора Раҳимжонни тозаям совуққа қотирибсизлар-да, — суҳбатга аралашди Холапошшо.

— Бу кишининг ўзлари шунга талабгор бўлсалар, бизда не гуноҳ?

Бу ҳазил-ҳузул гаплардан Раҳим ака кулганча уйга кириб, қалин-қалин бир неча папкани олиб чиқиб, столга қўйди.

— Ишимиз анча-мунча оғирроқ кўчадиган кўринади, — менга ўзингизниям толиқтирмасдан, бизниям зориқтирмасдан, иложи борича тезроқ ва сифатлироқ кўчириш учун ҳаракат қиласиз-да.

Мен бундай долзарб ишни зиммамга олаётганимдан аввалига жуда кўрқдим. Лекин келишга келиб, ишнинг кўплиги ва қийин кўчишидан чўчиб, бўйин товлаш мен учун янада оғирроқ эди. Шуларни ўйлаб хомуш тортганимни кўрган адиб Раҳим Ҳошимга қараб:

— Бизнинг боши-охири кўринмас бу ишларимиздан ташқари қизимизнинг ташвиш-юмушлари ҳам етарли экан. Бу киши битириш имтиҳони топширишлари лозимлигидан хабарингиз бор. Шунинг назарда тутиб, ҳар бир дақиқани ғанимат билиб ишни шундоқ ташкил қилиш керакки, вақтимиз бу кунгидай беҳуда елга совурилмасин. Бир-биримизнинг кўмагимизу хизматимизга суяним иш тутмасак, режаларимизнинг амалга ошувига путур етиши, ноширлару таржимонлар олдида мулзам бўлиб қолмоғимиз мумкин.

Адиб Раҳим Ҳошим билан суҳбатни тугатгач, бизлар билан бошлашиб болохонага — машинистка хонасига кўтарилди ва иш тартиби, асарларни неча нусхада кўчириш, сифат даражаси, ҳатто ёзиш техникасига оид баъзи нарсаларни эринмай тушунтирди.

Мен ишга киришдим.

* * *

Дарвозадан кираверишда — чап томонда қурилган мўъжазгина болохона машинисткага мўлжаллаб ремонтдан чиқарилган ва шинам қилиб жиҳозланган эди. Қабулхона ва меҳмонхона ташқи-ички ҳовли ўрталигида жойлашгани учун ҳар икки томондан ҳам эшик қўйилган, уйлар тагидаги ертўла кутубхона вазифасини

ўтарди. Ичкари ҳовлининг тўрида шарқона типда қурилган токчали, меҳробли ўй устознинг ижодхонаси бўлиб, деярли барча асарлари шу жойда ёзилган экан.

— Устозингиз шу ўйдан бошқа жойда иш қилолмайдилар, — дер эди Холапошшо, менга ичкаридаги уйларни бир-бир кўрсатар экан, — қаерга борсалар ҳам ёзадиган китоблари учун керакли материалларни олиб келадилар-у, ёзиш-чизишни шу ерда қиладилар.

Адибнинг нозиктаъблиги биз ишлайдиган хонанинг жиҳозланишида ҳам кўриниб турарди. Унчалик катта бўлмаган бу ёруғ уйда машинка столидан ташқари яна бир катта ғаладонли стол, икки-учта тумбочка, диван, уч-тўртта стул ва бошқа керакли нарсалар қўйилган бўлиб, бу ҳадеганда пастга тушиб-чиқишга ҳожат қолдирмасди ва иш унумини таъминларди.

Консултация ва суҳбатлар ёз пайтлари ташқи ҳовлида — дарахтлар тагида махсус тайёрланган жойда, қиш фаслида қабулхонада, белгиланган соатларда ўтказиларди. Қабул кунларидан ташқари, турли масалалар билан узоқ-яқиндан келиб турувчиларнинг айримларини устоз ичкарига — меҳмонхонага таклиф қилса, баъзилари билан ташқарида қисқагина суҳбатлашиб қўя қоларди.

...Бизлар эрталаб барвақт келиб, иш бошлашга одатлангандик. Устознинг «иш қанча барвақт бошланса, шунча унумли ва сифатли бўлиши билан бирга, кишини толиқтириб қўймайди, аксинча бардам-бақувватлик, яхши кайфият бахш этади», — деган сўзларига қаттиқ риоя қилардик. Бу ишда у кишининг ўзлари бизга намуна кўрсатардилар. Баъзи кунлари мен Раҳим акадан ҳам вақтлуроқ келиб, ёзилган варақларнинг имло хатоларини текшириш, уларни нусхаларга ажратиш ва бошқа ишлар билан машғул бўлиб ўтирардим. Қай маҳал келмайин, дарвоза доимо очик, устозни ичкари ё ташқари ҳовлида гулларга қараш, дарахтларни суғориш каби ишлар билан банд ҳолда кўрардим. Биринчи бор келганимда бу хилдаги майда-чуйда ишлар учун махсус киши ажратилган бўлса керак, деб ўйлардим. Кейин билсам, улар билан устознинг ўзи шуғулланаркан. У киши бу машғулотни «бахри-дилни очувчи илҳомбахш бадантарбия», деб атарди ва бунинг инсон руҳиясига, саломатлигига, ишининг ривожига ижобий таъсир этажанини уқтириб, ижодкорларга ҳам шундай йўл топишни маслаҳат берарди.

Иш кунининг ҳар икки соатида беш-ўн минут танаффус қилиш одат тусига кириб қолганди. Устоз кўпинча болохонага кўтарилиб, ишларимизнинг бориши ва бошқа мавзуларда суҳбатлашиб ўтирарди. Қисқа муддатли бу ҳордиқ чиқаришдан сўнг ўзимизда янги бир куч, ғайрат пайдо қилиб, яна ишга киришиб кетардик. Тушликдан сўнг баъзан Раҳим Ҳошимни пастга чорлаб, ўтган-кетганлардан суҳбатлашиб ўтиришни хуш кўрарди.

— Байтбаракка майлингиз қалай, Раҳим?! Келинг, ким ўзарга бир байтбарак айтишайлик-чи? Еш қайтганда хотирани синовдан ўтказиб, пешлаб турмасак бўлмас экан, — дея бир нуқтага тикилганча Навоий, Фузулий, Рудакий, Аҳмад Дониш ғазалларидан бир қанчасини завқу шавқ билан ёдаки ўқиб кетар, сўнг, байтбарак шартлари эсига тушарди шекилли, навбатни Раҳим Ҳошимга берарди. Устоз ва шоғирд узоқ вақт байтбарак айтиш билан машғул бўлар, бизлар эса жим ўтириб, қулоқ солардик.

...Бир гал Холапошшога ёрдам қилиш учун ичкарига кириб, қовун кўтариб чиқаётгандим, нимагадир қоқилиб кетдим-у, қўлимдагини ерга тушириб юбордим. Қовун ёрилди. Шошқалоқлигимдан мулзам бўлиб қип-қизарганча турган жойимда туриб қолган эдим, адиб мени хиҷолатдан чиқариш учун бўлса керак, ҳазилкашликка ўтди.

— Қовунни ёришга ёрдингиз. Энди шамдек қотиб турганингиз нимаси?! Келинг, бу ёққа! Ҳозир бошқасини олиб чиқамиз. Яхшиямки, бу ер Самарқанд. Бозор тўла қовун. Раҳим Масковга олиб борган савғоти қовунимдан иккитасини ёриб қўйиб ҳам бунчалик хиҷолат бўлмаганди. Уша воқеа эсингиздами, Раҳим?! Раҳим ака бу гапдан қаҳқаҳлаб кулганча, ўша воқеани айтиб берди...

Устоз 1934 йили Бутуниттифоқ Ёзувчиларининг I съезидига бораётиб, москвалик ёру дўстларига беш-олтита шакарпалак қовундан олиб кетган экан. Тожикистон Ёзувчилар союзининг ўша пайтдаги секретари Раҳим Ҳошим делегатларни кутиб олгани вокзалга чиқиб, устознинг нарсаларини машинага жойлаштираётганда қовунлардан иккитасини ёриб қўйибди.

— Бу қандоқ шошмашошарлик, Раҳим?! Ишни расво қилдингиз-ку?! Ман буларни Самарқанд деган жойдан асраб-авайлаб шу ергача келтирсам-у, сиз бир қадам жойга етказишни эплотмасангиз! — дея койиб кетибди.

Бундан қаттиқ хиҷолат бўлган Раҳим ака:

— Ҳечқиси йўқ, устоз! Масквадаям қовун серобчилик. Физиллаб бориб, бозордан олиб келаверамиз-да, — дея кулгига олган экан, бундан адибнинг баттар жаҳли чиқиб:

— Оҳ-ҳо! Бу ер сизга Самарқанд ёинки Тошкандмидики, дарҳол шакарпалагидан топиб келақолсангиз! Эссиз, эссиз шундоқ қовунлар-а? Ман буни масковлик

биродарларимга ўз қўлим билан сўйиб бермоқчийдим. Сиз бўлсангиз... Шу ёшдан бундоқ фаромушхотир бўлманг! — деган экан.

Бу гапларни эшитган устоз завқланиб кулиб, Раҳим аканинг елкасига енгилгина қўл ташлаганча алланечук бир меҳр билан тикилди-да:

— Ҳа энди, Раҳим, биз, кексаларнинг вазифамиз сиз каби ёшларнинг истеъдоду иқтидорларингизни тўла тан олган ҳолда яна ҳушёрликка, вазминкамтарликка ҳам қақриб турмоқ-да. Танбеҳларимни кўнглингизга оғир олмассиз, деб ўйлайман. Ҳаддим сиғиб, неки гапирган бўлсам, фақат сизнинг келгуси равнақингиз, омадингизни кўзлаб гапирганман. Ахир сиз мен учун ўз ўғлимдай азиз, бир кишисиз, — деди.

Бу сўзлар устознинг ўз шогирдларига нечоғлик меҳрибон эканлигини кўрсатиб турарди. Кичик бир ҳафтога йўл қўйиб, у кишидан танбеҳу танқид эшитишнинг ўзи кишига қандайдир ҳузур бағишлаб, ҳаётга бошқача кўз билан қарашга ундарди. Раҳим Ҳошим ҳам адабнинг ана шу фазилатларини қадрлай билар, қандай хизмат топширилмасин, уни бекаму кўст бажаришга интиларди. Мен Раҳим Ҳошимни дастлаб редакцияда кўрганамда кўп қатори ёзувчининг шогирди ёки мухлисларидан бўлса керак, деб ўйлардим. Кейин билсам, у киши таланти ёзувчи, олим ва таржимон ҳам экан. Лекин ҳеч қачон ишлари, тутган мавқеи ҳақида оғиз очмас, ўзи ҳақида бошқаларнинг гапиришларини ҳам ёқтирмасди.

...Биз кўп ўтмай, «Қуллар» романини қўлдан чиқариб, қолган асарларни кўчиришга киришдик. Болалигимдан ўзимга таниш бўлган ҳам қизиқарли, ҳам ачинарли ҳодиса-воқеаларга бой бу асарларни ҳеч қийналмасдан, катта завқ билан ёзардим. Баъзан Раҳим ака: «Бўлди-е! Бир оз тўхтасангиз-чи! Томоғим қақраб кетди-ку!», — дея чой ичгани ўтирар, мен бўлсам, ишни тўхтатгим келмасди. Чунки у киши шунчалик чиройли талаффуз билан равон айтиб турардики, варақларнинг кетма-кет тўлаётганини, кун ўтганини ҳам сезмай қолардим. Баъзан ишга қизиқиб кетиб, дам олишни унутиб қўйсақ (кўпинча устоз уйда бўлмаган пайтлар шундай ҳол юз берарди) яхшигина танбеҳ ҳам эшитиб олардик.

— Бу дейман, менинг йўғимдан фойдаланиб, танаффусиз ишлаб, ўзларингни уринтириб қўйган кўринасизлар. Ора-чора нафас ростлаб олмай, сурункасига ишлаш, керагидан ортиқча ҳаракат билан ўзни толиқтириб қўйиш бефойда. Ҳар бир ишнинг ўз вақти, соати ва меъёри борки, бунга риоя қилмаслик ишнинг ривожини оширмайди, балки сусайтиради. Бундан сўнг қайтарилмасин, — дер эди адиб.

Устознинг ўзи ҳамма жойда, ҳар бир ишда қатъий режимга амал қиларди. Саҳар чоғи — соат тўрт-бешларда турганча, тонгги концерт бошланишига қадар ишлар, сўнг севган машғулоти бадантарбия билан шуғулланарди. Нонуштадан кейин яна ишни давом эттирарди.

Садриддин Айний хонадонига Иттифоқимизнинг турли шаҳар-қишлоқларидан, шунингдек чет мамлакатлардан ҳам жуда кўп меҳмонлар, қаламкашлар келиб туришарди. Улар орасидан профессор Абдурахмон Саъдий, академик шоир Ғафур Ғуллом, Мирзо Турсунзода, Фотех Ниёзий, Жалол Икромий, Раҳим Жалил, Воҳид Абдулла, Ғани Абдулла, Исмоил Акрам, Раҳим Муқимов, Абдусалом Деҳотий, Мардонқул Муҳаммадқулов, Темур Маъруфий, Ориф Икромларни танирдим.

Адиб нафас қисиш (бронхиаль астма) касалига дучор бўлган, бу дард тез-тез хуруж қилиб, ҳарорати кўтарилиб турарди. Шунга қарамай, ўзини имкон борича бардам тутишга, касаллик олдида енгилмасликка тиришар, ҳеч қачон хасталикдан нолиб шикоят қилмас, қалин адёлга ўралиб олганча ишлаб ўтирарди. Бундай пайтларда осойишталикка риоя қилишга, хонамизнинг эшик-деразаларини ёпиб олиб, ортиқча гап-сўз, ҳазил-мутойибага чек қўйган ҳолда, эҳтиёткорлик билан ишлашга ҳаракат қилардик. Бундай жимжитлик эса адибга ёқмасди.

— Шундоқ иссиқ, нафас қайтар кунда деразаларни нечун ёпиб қўйдинглар, Қурбоной?! — пастдан туриб овоз берарди адиб, — бетоблигимда шовқин-сурон, талатўпни хуш кўрмасам ҳам, машинканинг «чиқ-чиқ»и менга халал бермайди, аксинча илҳомлантиради. Одамларнинг овози, машинканинг ишлаб туриши — демакки, менинг ишим давом этаётгани, аҳволи-руҳиям жойидалигидан далолатдир. Бемалол ишлайверинглар.

* * *

...Иш, имтиҳон топшириш билан овора бўлиб, орадан икки-уч ой ўтганини ҳам сезмай қолдим. Етуклик аттестатини олгач, келгуси йилдан сиртқи бўлимга ўқишга кириш нияти билан хотиржамланиб, ишимни давом эттиравардим. Июль ойининг охирида устоз Душанбедан қайтиб келди. Узоқ муддатли муолажадан сўнг саломатлиги анча тикланган, кўриниши ҳам яхши эди. Ишларимизни суриштириб,

натижасидан хурсанд бўлди. Хонадон аҳли даврасида узоқ ўтиришни эп кўрмай, кетишга чоғланган эдим, қўл ишораси билан мени тўхтатиб сўради:

— Дарвоқе, ўз аҳволларингиздан гапирмадингиз? Бизнинг ишимизни дўндириб қўйибсиз. Ташаккур! Лекин ўз ишларингиз нима бўляпти? Аттестат ҳам қўлга тегибди. Муборак бўлсин! Хўш, ҳам ишлаб, ҳам ўқиб, кўп машаққатлар билан аттестатли бўлдингиз. Энди нима қилмоқчисиз? Хужжатларингизни сандиққа солиб қўймадингизми, мабодо?!

Хонада енгил кулги кўтарилди.

— Ҳа, ҳозирча шундай қилдим. Уқиш учун...

— Онангиз билан қилган суҳбатимиздан ҳаммасини билиб олганман.

Мен «ялт» этиб адибга қарадим-у, алланечук мулзам тортиб кетдим. Кейин билсам, адиб оилавий шароитимизни Раҳим акадан эшитиб, бемор онамни кўргани борган ва улар ўртасида ўқишни давом эттиришим тўғрисида гап бўлган экан.

— Ҳа, нимага бу қадар ўйланиб қолдингиз?!

— Йўқ, ўзим шунчаки... Бу ердаги ишларимизни тезроқ битириш...

— Бу ердаги ишларни қўя турунг. Аввало, сизга тегишлисига кўмаклашмоқ лозим кўринади. Кейин... — Адиб бир менга, бир Холапошшога қараб олиб, сўзида давом этди, — қани, ўтиринг-чи, кўплашиб бир ўйлаб кўрайлик, зора бирон-бир натижа чиқаролсак.

— Ҳечқиси йўқ, устоз, келгуси йил сиртқиға кирарман, — дедим адибни ташвишдан қўтқариш учун.

— Сиртдан ўқиш... Ниятингиз чакки эмас, — деди устоз, оғир сўлиш олиб, — ёшлар учун албатта ўқимоқ, бир ҳунарни эгаллашга интилмоқ зарур. Лекин сиртдан ўқиш... Билмадим, бу сизга қийинлик қилмасмикин? Негаки, редакция иши анча мураккаб. Бу ерда эса, ўзингиз айтмоқчи, ишларимиз ҳали-бери тугайдиган эмас. Келгуси йил ҳам, ундан кейин ҳам ёзиладиган нарсалар кўп... Сиртдан ўқиш — мустақил билим олиш демак. Ҳозирги шароитингизга кўра илм олиш хўжақўрсинга бўлиб қолмасайди, деб кўрқаман. Уқимоқдан мақсад, бир амаллаб диплом олиш эмас, балки тўқис билим эгалламоқ бўлиши керак. Шундоқ эмасми?! Яхшиси, кундузи ўқий қолинг. Кечқурун бизда ишлайверасиз. Бу енгил кўчса керак. Бироқ ўқишга кириш, давом эттиришни эл қатори, қандоқ талаб қилинса шундоқ, на мен ва на бошқа воситачилигида, ўзингиз эплашингиз керак. Илм дегани — улкан бир дарё. Ундан нечоғлик баҳраманд бўлмоқ эса илм толибининг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Бу йўлда қанча кўп азият чекилса, натижаю самараси шу қадар кўнглили бўлади.

Шу суҳбатнинг эртасигаёқ университетнинг филология факультетига хужжат топшириб, имтиҳонларга тайёрланишга киришдим ва студент бўлиб олдим. Шундан сўнг мен дарсдан кейин, кечқурунлари ва дам олиш кунларигина ишлардим.

* * *

Улкан адиб Садриддин Айний улуғ номига муносиб, бағри кенг устоз сифатида шогирдлари қалбида мангуликка муҳрланиб қолган. Ёшларга раҳнамолик қилиш, уларни қобилиятига қараб у ёки бу ишга сафарбар этиш, илм эгаллашига беминнат кўмаклашиш, ҳар жабҳада қўллаб-қувватлаб, эзгу ниятлар сари отлантириш адибга хос хусусият эди.

Шогирдлари йўлларини топиб танлаган касбу корларида ўзларини кўрсата олсалар, устоз гўё ўз истак-мақсадлари рўёбга чиққандек қувонарди.

— Устозлик бурчи, вазифаси қанчалик машаққатли бўлса, шунчалик шарафли, — дер эди адиб, — машаққат-шогирдлар билан эринмай, сабру бардошли бўлиб ишлаш, шараф эса шогирднинг камолини, равнақу ривожини кўриш демак. Шогирд ҳар бир соҳадан бохабар, билимдон ва етук киши бўлиб буй кўрсатса, бу устознинг бахти, обрўйи ва қобилияту маҳоратининг намойишидир. Бундай шогирдларни камолга етказган устознинг номи ҳеч қачон ўчмайди. Шунингдек, биринчи мураббий, ўқитувчи ва устоз номини доимо улуғлаш, уларнинг катта ишончини ўзларининг ҳалол меҳнатлари, садоқатлари билан виждонан оқлаш шогирдлик бурчидир. Тўғри танқид, танбеҳ аччиқсўзлиги қаттиққўллик учун кек сақловчи шогирдлар устозлар назарига кира олмайдилар. Назардан қолган шогирднинг равнақу ривожини ҳам шунга яраша бўлади. Устозлик ва шогирдлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган энг яхши анъана эканлигини унутмай иш тутушимиз, унинг авлоддан-авлодга етиб боришига хизмат қилмоғимиз керак...

* * *

...Консультация кунлари С. Айний хонадони таниқли шоиру ёзувчилар билан бирга адабиёт ихлосмандлари — бошловчи ижодкорлар билан гавжум бўларди.

Улар орасида самарқандликлардан ташқари, узоқ-яқин шаҳар-қишлоқлардан келганлар ҳам буларди. Адибни бундан илгари кўрмаган, ҳамсухбат бўлмаган, фақат асарлари орқалигина таниб, бу даргоҳга биринчи марта қадам қўйган кишилар, хусусан ёшлар аввалига, менга ўхшаб, ёзувчига рўпара бўлишдан ҳайиқардилар, албатта. Минг истиҳола билан кириб келардилар-у, устознинг очиқ чеҳра, хуштавозе билан иссиқ кутиб олиши, камтарлигини кўриб, дарҳол киришиб кетардилар.

Устоз энг аввал келганлар билан батафсил танишиб чиқарди. Шундан сўнггина уларнинг ижод маҳсулларини ўзларига ўқитиб, орага сўз қўшмай, диққат-эътибор билан қулоқ соларди. Бошловчи ижодкорлар билан бўлган дастлабки суҳбатдаёқ устоз улардан келажакда талаб даражасидаги ёзувчи чиқиш-чиқмаслигини аниқлаб олар, шунга қараб бор гапни рўй-рост айтиб қўя қоларди. Даврада шеър ёки ҳикоя ўқилар экан, унинг баҳосини адибнинг авзойига қараб билиб олиш қийин эмасди. Машқлар маъқул бўлса бош ирғаб, охиригача тингларди. Борди-ю, ҳаваскорда «йилт» этган истеъдод нишониси кўринмаса, шавқи сўниб, маъюс тортиб қолар, сўнг ўқилган машқлар юзасидан муҳокамага ўтарди. Ёшлар билан ўтказиладиган суҳбат-машғулот жуда қизиқарли бўлганидан мен бу куннинг келишини сабрсизлик билан кутардим.

— Бадиий асарнинг тили устида айниқса кунт билан ишлаш керак,— дея мулоим овозда суҳбат бошларди устоз.— Токи у ширали, содда ва ҳаммага тушунарли бўлиб, ўқувчилар завқ олсин, ўргансин. Чунки асар бир қишлоқ, айрим шаҳар, ёинки бирон-бир область учунгина эмас, балки шу тилда сўзлашувчи барча халқ учун ёзилишини унутмаслик лозим. Устоз Горькийнинг бу ҳақда ажойиб бир сўзи бор: «Агар ёзувчининг асари ўқувчига тил хусусида бирон-бир янгилик бермаса, ўргатмаса, унинг тилини маданий ва бой қилишда ҳисса қўшмаса, у қанақа бадиий асар бўла олади?» Агар ҳар бир ёзувчи устоз Горький сўзларига амал қиладиган бўлса, халқ орасида кўпроқ бўлиб, уларнинг тилларини мукамал ўргансин ва ундан пурмаъно ва яхшисини танлаб олишга, фойдаланишга интилсин. Асарни, аввало, бошдан-охир ёзиб чиқмоқ мақсадга мувофиқдир. Шундан кейин асосий иш бошланади: уни арралайсиз, рандалайсиз, сайқал берасиз ва ҳоказо... Мен асарларимни камида икки марта бошдан-оёқ ёзиб чиқаман. Биринчи марта ёзганимни иккинчисида ҳомаки таҳрирдан чиқараман ва шундан кейин, то маромига етгунча қайта-қайта таҳрир қиламан. Бу осон эмас, албатта. Лекин ҳар қанча қийин бўлмасин, чидам билан, шошилмай, фикрни бир жойга жамлаган ҳолда эринмай ишлаш асарнинг кўнгилдагидай чиқишини таъминлайди. Сизларга ҳам шундай йўл тутишни маслаҳат бераман...

Шу каби танбех ва маслаҳатлардан сўнг мушоирага ўтиларди. Мушоирани кўпинча устознинг ўзи бошлаб берарди. Ҳар бир шеър қандай муносабат билан, ким томонидан қай тарзда ёзилгани ҳақида йўл-йўлакай қисқача маълумот ҳам бериб борарди. У киши шу қадар кўп шеърни ёддан билардики, биз, ёшлар кекса адибнинг хотираси қанчалик кучли эканлигидан ҳайратда қолардик. Бизларнинг ҳайратомуз тикилиб турганимизни кўргач, кулимсираганча шеър ёд олмоқнинг хосияти ҳақида шундай ҳикоя қиларди:

— XIII асрда яшаб, ижод этган олим ва шоир Низомий Арузий Самарқандий ўша давр талабига кўра, «Кимки келажакда шоиру ёзувчи бўлишни ният қилган экан, қадимги шоирлар шеърларидан йигирма минг, ҳозирги замон шоирлари шеърларидан ўн минг байтни ёд олмоғи шарт!» деган талабни қўйиб, жуда тўғри қилган. Биз эса ёзувчиларимизга, Арузий айтмоқчи, қарийб ўттиз минг байт шеър ёдлаш устига яна буюк рус адабиёти намуналаридан ҳам шеър ёд олмоқни топширмоғимиз керак бўлади. Бу шунчаки айтилган гап бўлмай, балки амалда бажарилмоғи лозим. Нега десангиз, кўп ёдлаш билан, бир томондан, кишининг ҳофиза қуввати мустаҳкамланса, иккинчи томондан, шунча минг байт шеърнинг маъзини қақиб, ёдлаб ола билган одамнинг дунёқарашини ҳам шунга яраша мукамалроқ шаклланади.

Машғулот охирида устоз ёшларнинг саволларига эринмай, батафсил жавоблар қайтаришга ҳаракат қиларди.

С. Айний ёшлар билан суҳбатда фақат ижодкорликка хос гапларни эмас, шу билан бирга, ёзувчининг хулқу атвори, кўпчилик ўртасида ўзини тутиш тартиблари, оилага ва жамиятимизга муносабати, иш режими ва энг муҳими вақтни тежаб-тергаш, ёзиш пайтида нималарга кўпроқ эътибор беришни-ю, нималардан қочиб йўлларини эринмай-оғринмай ўргатарди. Бу эса эндигина тетапоя бўлиб ижод майдонига кириб келаётганлар учун зарурий қўлланма ролини ўтарди...

Адиб хонадонига келмасидан олдин ҳикоя ва шеърларимни ёшлар даврасидаги мунозаралар асосида қайта ишлаб, устоз назаридан ўтказишни дилимга тугиб қўйган бўлсам-да, юрагим бетламай юрардим. Лекин адибнинг кайфияти яхши чоқларда ўзимни қизиқтирган баъзи нарсаларни сўраб олишга интилардим. Шундай савол-жавоблар пайтида бир кун устоз сўраб қолди:

— Дарвоқе, ҳикоялар машқ қилиб юришингизни Раҳим Ҳошимдан эшитгандим. Аммо бу ишга қобилиятингиз борми, йўқми беҳабарман. Қани, ўша ҳикоялардан бирини олиб келинг-чи, фурсат борида ўқиб кўрайлик. Узим айтмасам, сиздан садо чиқадиганга ўхшамайди. Ёзувчиликни ният қилган одам сал ўктамроқ бўлиши лозим...

Кутилмаганда айтилган бу сўздан дадилланиб, ғизиллаганча болохонага чиқдим-у, «Кўнгил қуши» номли ҳикоямни олиб тушдим. Уни минг истиҳола билан журъатсизгина ўқир эканман, зимдан адибнинг чеҳраларига қараб-қараб қўяман. Ҳаяжонланганимдан бир-икки жойда тутилиб, адашиб ҳам кетдим. Шу тахлит, бир амаллаб, ҳикояни тугатдим. Устоз, қўлларини чаккаларига қўйганча, диққат-эътибор билан қулоқ солиб ўтирарди.

— Нега тўхтаб қолдингиз? Нима, ўз хатингизни ўзингиз ўқий олмаяпсизми?! Давом этинг, давом этинг...

— Давоми йўқ, тугади, — дедим.

— Ие, қанақасига тугаб қўяқолди?! — зарда аралаш гапирди устоз.

— Ҳаммаси шу эди, — дедим журъатсизгина.

— Унда... қаҳрамонингиз Нарзининг тақдири нима бўлди? На уёқлик, на буёқлик, аро йўлда қолиб кетибди-ку, қиз бояқиш, — кулумсираб менга юзланди адиб.

— Унинг тақдири... Унинг устидан ҳукм чиқаришни ўқувчиларга ҳавола этгандим, — дадилланиб жавоб бердим мен, — ахир... кўп ёзувчилар шундай қилишади-ку?

— Ҳа... шундоқми. Қизиқ. Жуда қизиқ бўлибди-ку! — дея устоз ўзини тутолмай қотиб-қотиб кулди. — Шундоқ денг-а?! — такрорлади адиб энди жиддий тус олиб. — Дуруст, асар тугамай туриб, уни ўқувчи ҳукмига ҳавола қилиб қўя қолиш... Осонгина йўлни танлабсиз. Бу билан адабиётимизга катта бир янгилик киритмоқчи бўлибсиз-да? Дуруст. Хўш, айтинг-чи, Нарзихоннинг қилмишларини батафсил ёритмасдан, шунчаки олди-қочди айблар тақиб, уни бадном қилишга қандай ботиндингиз?! Уни бу қадар шафқатсизлик билан гуноҳкор қилиш учун бирор сабаб-асосингиз бормиди?! — Адибнинг овози тобора баландлаб борар, мен ҳикоямни кўрсатганимдан ва ўқиб берганимдан пушаймон бўлиб, донг қотиб қолгандим. — Бадий асар учун, энг аввало, ишонарли асос ва далиллар, ҳаракат ва ҳолат тасвири жуда-жуда зарур. Ундан сўнг... инсон тақдири, хатти-ҳаракати устидан бу хилда енгил-елпи хулоса чиқариш ва уни асоссиз қоралаш мутлақо нотўғри. Инсоннинг қадрини оёқ остида эмаски, уни босиб-янчиб ўтсалар. Масаланинг бу томонини чуқурроқ ўйлаб кўриш, уни ҳақиқатга яқинлаштириш лозим бўлади.

Танланган мавзу айниқса яхши, актуал. Лекин бундан жанр талаби даражасида ҳикоя чиқиши учун анча-мунча тер тўкиб ишлашга тўғри келади. Мен сизга машҳур ҳикоянависларнинг китобларини бераман. Уйлайманки, уларни такрор-такрор ўқиб, ҳикоя ёзиш усул-қоидаларини ўрганиш билан бирга, ўз хатоингизни ҳам тушуниб оласиз. Модомики, бу даргоҳ остонасига қадам қўйган экансиз, энди, қўрқмасдан, ичкарироқ кириб боришнинг ҳаракатида бўлинг...

Мен ўта қаттиққўл, талабчан, шу билан бирга, меҳру шафқатли адибнинг тўғри маслаҳатларидан руҳланиб, ҳикояларни қайта бошдан ишлашга киришдим, тавсия этилган китобларнинг ҳаммасини ўқиб чиқдим. Янги ҳикоялар ёзиб, уларнинг бир нечасини устоз назаридан ўтказиб олишга ҳам муваффақ бўлдим.

Қачонки қўлимга қалам олиб, бирор нарса ёзишга киришсам, Садриддин Айнийнинг «Ижодкорлик — санъаткорликдир! Сабаби тирикчилик эмас бу! Оз ёзинглар-у, соз ёзинглар!» деган ўғитлари қулоғим остида мудом жаранглаб турарди.

Таниқли тожик шоири Абдусалом Деҳотий адибнинг энг яқин шоғирдларидан бўлиб, Душанбеда истиқомат қилишига қарамай, тез-тез Самарқандга келиб турарди. У мўлжалдаги вақтдан сал кечикиб келадиган бўлса, ташвишга тушиб, интизорлик билан унинг йўлига кўз тиккан устоз:

— Бу нима қилиқ, Абдусалом! Бир ойдан ошди, на дарагингиз бор, на хату хабар?! — дерди чинакамига хафа бўлиб.

— Узр, устоз! Ўзингиз топширган вазифа — ёшлар семинарини ташкил қилиш, ўтказиш оворагарчилиги билан бўлиб...

Буни эшитган адибнинг чиройи бирдан ёришиб, гинахонликка хотима берарди-да, савол ёғдирарди:

— Дарвоқе, ёшлар семинари... Хўш, айтинг-чи, бу топшириқ қандай бажарилди? Анжуман руҳи қандоқ бўлди?! Иштирокчилар кўпми?! Қардош республикалардан, Ўзбекистондан ёшлар кўпчиликми?

— Ҳар қалай ёмон бўлмади. Ижодкорлар кўп. Ҳавасмандлар ундан кўп... Қардош республикалардан ҳам вакиллар бўлди. Хусусан Ўзбекистондан...

— Кимлар маъруза қилди? Кимларнинг асарлари муҳокама қилинди?

Пичоққа илинадиганлари топилдими?! Секциялар қандай ўтди?

— Ҳар бир машғулот раҳбарлар иштирокида ўтди. Асарлари муҳокама қилинган ёшлар ҳам кўпчилик. Рус, ўзбек, тожик тилларида ёзувчилар алоҳида секцияларга бўлинган ҳолда машғулот ўтказишди.

— Дуруст. Сони жиҳатидан дуруст. Лекин сифати қандоқ бўлди? Шунинг айтинг!

— Пичоққа илинадиганлари ҳам йўқ эмас. Бироқ...

— Айтишингизга кўра, биз кўзлаган нарсанинг озми-кўпми амали кўринипти. Мана бу газеталарда иштирокчилар ижодидан берилган намуналарни ўқиб чиқдим. Дуруст. Аммо ҳали ярқ этиб кўзга ташланиб турадиганлари камроқ. Борлари билан ҳам ҳали кўп ишлашга тўғри келади.

— Шунинг назарда тутиб, таниқли ёзувчиларимизни узоқ-яқин шаҳар, қишлоқларга сафарбар этишга қарор қилдик. Натижаси ёмон бўлмас.

— Ўйин. Лекин учрашув ўтказувчиларнинг масъулиятини янада оширмақ лозим. Токи улар район ва қишлоқ клубларида учрашув ўтказиб, тўртта шеър ўқиш билан кифояланиб қайтмасинлар. Балки корхоналарда, колхозларда, хуллас, иш қайнаган жойларда бўлиб, улар орасидан талантларни топиб, адабий муҳитга яқинлаштирсинлар. Шогирд — дур, устоз — ғаввос, дейдилар. Дур денгиз тубида яширин бўлгани каби ҳақиқий талантлар ҳам халқ орасида кўринмай юрадилар. Сизлар ғаввос бўлиб, уларни рўёбга чиқармоғинлар керак.

Устоз сафарда бўлган кезлари Холапошшо иккаламиз ишлардик. У киши устознинг қўлёмаларини машинкада кўчирар, мен имло хатоларини тузатиб, яна бошқатдан ёзардим. Бўш қолган пайтларимизда Холапошшо билан ҳар тўғрида узоқ суҳбатлашиб қолардик. У киши қизиқ-қизиқ маталу мақолларни жуда кўп билар, ўзи ва устозга боғлиқ воқеалардан ҳикоя қилиб беради.

— Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади, қаёққа узатишса қўллари етади, — дерди Холапошшо ўтган кунларни эслаб, — бизларнинг давримиз бошқача эди. Нимага етишсак, шунга шукр қилиб, келгуси яхши кунларга умид боғлаб яшаганмиз. Ҳозирги ёшлар бўлакча. Уларга ҳавас қиламан-у, баъзи бир ишларидан кўнглим ғаш тортади. Буларнинг акидасича, ҳамма нарса худди эртақдагидай, бир зумда муҳайё бўлиб қўя қолса... Устоз эса, меҳнатдан ор қилмасдилар. Меҳнатни севардилар. Танқисчилик йиллари деҳқончилик қилдилар, чакка томиб турган зах уйларда яшаганимизда ҳам сандалга миҳланиб ўтириб, оч-наҳор ишладилар. Мана, натижаси ёмон бўлмади. Шу кундаям тиниб-тинчимайдилар. Ҳовли-жой, дов-дарахтларга қарашни ўз зиммаларига олганлар. Меҳнатга ўрганган одам меҳнатсиз туролмас экан...

Садриддин Айнийнинг яна бир ноёб фазилати — ўта камсуқум ва камтарлиги эди. Бу ҳақда адабиётшунос Вера Смирнова шундай ҳикоя қилади:

— Москвада чиқадиган журналлардан бирининг муҳаррири: «Душанбега бормоқчи экансиз, бир амаллаб, Айний билан суҳбатлашишга ҳаракат қилинг. Бу суҳбатингизни камоли-мамнуният билан журналимизда чиқарамиз», деб илтимос қилди. Мен бу топшириқни бажариш ниятида Айнийни қидариб, ҳукумат боғига бордим ва шу ердан топдим. Анча маҳал уёқ-буёқдан гаплашиб ўтиргач, журнал топшириғини айтдим. Айний бир зум ўйланиб қолгач: «Ҳали анча вақт тураркансиз, фурсат топиб, суҳбатлашармиз», дейиш билан кифояланди. Кейин эшитсам, бу адиб нечундир ўзи тўғрисида ёзишларини, номойиш қилишларини ёқтирмас, бу ҳақдаги ҳар қандай тақлифни рад этаркан.

Шу орада адибнинг Самарқандга жўнаб кетишини эшитиб, бирор иш чиқаролмаганимдан афсусланиб турган эдим, кечга яқин Мирзо Турсунзода келиб, Айнийни кузатиш учун бирга чиқишга таклиф қилиб қолди. Биз адиб билан хайрлашгани у кишига ажратилган махсус вагонга кирдик. Кузатувчилар стол атрофида давра олиб ўтиришарди. Биз даврага қўшилиб бир-бир пиёладан чой ичганимиздан сўнг Садриддин Айний, ниманидир эслагандай, менга бир назар солди-ю, суҳбатга киришди:

— Бу ердаги ёру дўстларимдан кўнглим узишим жуда мушкул. Бироқ мен ҳеч қачон хотира дафтари тутган эмасман. Менинг хотира дафтарим бошимда. Агар муҳим нарса бўлса у хотирамдан ҳеч қачон кўтарилмайди. Муҳим бўлмаса уни ёдимда сақлаб қоллолмайман ва сақлашнинг зарурати ҳам йўқ. Ёзувчи учун ҳар бир муҳим нарсани хотирада сақлай билмоқ жуда зурур...

Садриддин Айнийнинг шу гаплари, шахсан менга тегишли бўлмаса-да, улардан ўзимга керакли нарсаларни топиб олдим, қоғозга туширдим ва журнал топшириғини адо этишга мушарраф бўлдим...

Адиб уйига келувчиларнинг кайфияти, саломатлиги, очин-тўқинлиги, вақти хуш ёки нохушлигини бир қарашдаёқ дарҳол сезиб оларди, шунинг назарда тутиб муомала қиларди. Ҳеч қачон ҳеч кимга, ҳатто фарзандлари ва яқин кишиларига ҳам аввал ўзи мулоҳаза қилиб кўрмаган, исботу далили бўлмаган беҳуда сўз айтиб

ранжитмасди. Устоз иш устида қанчалик жиддий, ўйчан, камгап бўлса, меҳмонлар олдида шунчалик хушчақчақ, ширинсухан, ҳазилкаш эди. Хусусан, узоқдан келувчи меҳмонларни «Марҳабо! Марҳабо! Хуш келибсизлар! Самарқанд пешкаш! Жону дил пешкаш!» дея кутиб оларди. Саломатлигининг ёмонлиги, ишлари ва ташвишларининг кўплиги, вақт танқислиги каби сабаблардан одамлар олдида меҳмонлар гапирмас, суҳбатга сира раҳна солмасди. Баъзан суҳбат қизиб турганда меҳмонлар узоқ ўтириб қолганларидан хижил бўлиб, кетишга чоғлансалар, рухсат бермай, дарҳол ҳазил-мутойибага ўтарди.

* * *

1954 йилнинг баҳорига келиб, ишимиз ҳам ниҳоясига етиб қолди. Деярли барча асарлар икки-уч кўр машинкада кўчирилиб, нашриётларга топширилган, баъзи бирлари рус тилига таржима ҳам қилинган эди. Шундай бўлса-да, мен тез-тез келиб, Холапошшо ёзган саҳифаларнинг имло хатоларини тузатишда ва тартибга солишда кўмаклашардим, ҳатто кўчирардим. Устоз эса «Эсдаликлар»нинг давомини ёзиш билан банд эди. Бироқ саломатлигининг кундан-кун ёмонлашиб бораётгани ишдан тўхтатиб қўяр, салгина тузалиши билан яна ўзини ишга урарди. Шу зайл, шифокорлар назоратида бир мунча вақт доволангач, Садриддин Айний май ойи бошларида Душанбега кетганча, уч ойдан сўнг Самарқандга қайтди. Лекин ҳамон дарди аримаганлиги шундоққина билиниб турар эди. Устозни кўргани борган куним бизлар билан узоқ суҳбатлашиб ўтирди. Хонаки суҳбатларга ҳеч қачон бунчалик кўп вақт сарфламаслиги, гапни лўнда қилиб, ўз ишлари билан машғул бўлишини билганимдан, ҳайратим ошганди. Суҳбат пайтида ўқшимнинг бориши, қандай ҳикоя ёзаётганим, университет адабиёт тўғрагининг иши ва бошқаларни суриштирди.

— Ёзувчига камгап, камсуқум, андишали каби фазилатлар билан бирга жасорат, журъат ва дадиллик ҳам керак. Сизнинг камчилигингиз шижоат етишмаслигидадир. Ортиқча тортинчоқ, сусткашлик қилиб қисиниб-қимтиниб юрган ижодкорнинг мақсадга етмоғи ҳам шунга яраша суст бўлади. Маслаҳат шуки, бу одатни тарк этиб, сал ўктамоқ бўлинг. Нимаики ёзсангиз уни, албатта, курсдошларингизга, катта-кичikka ўқиб беришга, фикр-мулоҳазаларини олишга интилинг. Ҳар бир асар танқидий мулоҳазалар, тортинчувлар жараёнида пишиб етилади. Ёзувчи учун кўрқоқлик, дастлабки муваффақият ённки мағлубиятдан эсанкираб қолиш энг ярамас одат, кецирилмас ҳолдир...

Мен бу сўзларга жимгина қулоқ солиб турардим. Қизиқ, ўзи шу қадар оғир аҳволда-ю, бошида ҳануз бошқаларнинг ташвиши. Сўнг Холапошшога секин нимадир деган эди, у киши зум ўтмай ичкаридан иккита конверт олиб чиқиб, устозга узатди.

— Бу сафар мен сизга савғоти олиб келолмадим. Шунинг савғо ўрнида кўрасиз энди, — деди устоз конвертларни менга узатиб. — Насиб этса ҳали кўп ишларимни машинкалаб берасиз. «Эсдаликлар»нинг давоми қўлдан чиқиши билан яна иш бошлаймиз. Унгача тез-тез келиб туринг.

Устоз «гап тамом» дегандай, яна ўз ишлари билан машғул бўлди. — Устозингиз сиздан жуда сарафроз, — деди Холапошшо мени кузатиб чиқаётиб, — бизга кўп хизмат қилдингиз. Фарзандларимиз қатори бағримизда бўлдингиз, энди... соғинтирмай келиб туринг-а?..

Июлнинг ўн иккинчи, ўн учинчисимиди, курсдош дугоналаримдан бири келиб, деканимиз йўқлаганини айтди. Шошилиб деканатга кириб борганимда Муқумов домла кабинетнинг тўрида, қандайдир китобни варақлаганча, хомуш турарди. — Устозникига бориб турибсизми? Соғлиқлари қандай экан? — сўради домла китобдан кўз узмай.

Унинг хаёли паришон, кўриниши қандайдир нохуш... Юрагим орқага тортиб кетди. Анчадан бери боролмаганимни, лекин саломатлиги бир оз яхшиланганини Лутфиядан эшитганимни айтдим.

— Бўлмаса, гап бундоқ. Камолиддин Москвадан қайтган экан. Мана шу китоб жуда зарур бўлиб қолибди. Шунинг уйларига ташлаб ўтсангиз, дегандим. Шу баҳонада...

Юрагим ниманидир сезиб, у кишидан китобни олдим-у, юргунимча йўлга тушдим. Узоқдан тор кўча муюлишида турган «тез ёрдам» ва бошқа машиналарга кўзим тушди-ю, ҳангу манг бўлиб қолдим. Дарвоза олди, ичкари-ташқари ҳовлида анча-мунча одамлар тўпланиб туришарди. Отилиб ичкарига кириб, қабулхонада тўхтадим. Устоз оҳирги бор кўрганим — ўша уйда, ўша диванда кўзлари ярим очик юзларида майин табассум, оғир-оғир нафас олиб ётарди.

Уч коммунист. Уч тақдир. Уч авлод

Ж. Саъдуллаев. Аввало, даврага тўпланган ҳамсухбатлар ҳақида:

Фулом ота Соипов — 1954 йилдан партия аъзоси, кўп жангу жадалларни кўрган, синфий курашлар тўфонада чиниққан, бутун умрини янги ҳаёт учун курашга бағишлаган табарруқ инсон.

Назрулла Маннопов — ишчи. Умр бўйи дастгоҳ ёнида туриб металлга шакл берган, уни ҳаракат қилишга, учигга ўргатган самолётсоз. Фаол жамоатчи.

Мастура Убайдуллаева — давранинг кенжаси, педагог.

Уч коммунист.

Уч тақдир.

Уч авлод.

Аммо уларнинг ҳаммаларига хос ягона фазилат борки; буни биргина сўз билан ифодалаш мумкин: бу — жонкуярлик. Ишда жонкуярлик; ижтимоий бурчни бажаришда жонкуярлик; жамиятимизга, совет турмуш тарзимизга хос бўлмаган иллатларга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ғоят принципиаллик билан сифат берилган салбий ҳодисаларга қарши курашдаги жонкуярлик...

Мана, танишиб олдик, энди мақсадга ўтаверсак ҳам бўлади. Биласизлар, кейинги ўн йилликда республикамизда юзага келган вазият Ўз КП МКнинг XVI пленуми қарорларида ўз баҳосини олди. Ижтимоий муҳитни соғломлаштириш учун жуда катта кўлам билан қизғин иш юритилмоқда. Бироқ кўпчиликни ҳануз бир жумбоқ ташвишга солади, ўйлантиради: нега шундай ҳол содир бўлди?

Ғ. Соипов. Кейинги йилларда Ўзбекистонда юзага келган вазиятнинг илдиларини, менимча, айрим раҳбар ходимларнинг дунёқарашидаги тутуруқсизликдан, эътиқодидаги нособитликдан, турмушидаги дабдабозликдан излаш керак. Иттифоқдош республикаларнинг қардош этилган ишчи-коммунистлардан яшнаш учун имконият бор эди. Иқтисодий потенциалнинг ўсиши, табиийки, тобора дадилроқ суръат билан, кенгроқ кўламларда ишлаш имкониятларини юзага келтирганди. Худди мана шу ўринда — имкониятлардан, реал социализм афзалликларидан моҳирона фойдаланиш, бутун ташкилотчилик иши даражасини кўтариш лозим бўлган бир пайда ҳайбаракаллачилик, хотиржамлик бошланди. Ютуқларимизни баъзи шахсларнинг маҳорати, донолигига боғлаб талқин эттиш кучайди.

Н. Маннопов. Бир отахон билан суҳбатлашганим эсимда. Дўстимни кўргани касалхонага борсам, улар бир палатада даволанишаётган экан. Отахон узоқ вақт «Октябрь революцияси» заводида ишлаган, 50-йилларда йигирма беш мингчилар қатори қишлоқ хўжалигини кўтаришга сафарбар этилган ишчи-коммунистлардан. Қаттиқ руҳий изтироб у кишини ётқизиб қўйипти. «Партия йиғилишидан кейин шу аҳволга тушиб қолдим,— ҳикоя қилди отахон.— Деярли йигирма йил раислик қилганман. Колхозимиз Тошкент шаҳри биқинида, янги отчопар ёнида. Қишлоқда ҳали-ҳали Муслим раис деб ҳурматлашади, шу менга куч беради. Лекин ўша йиғилишда колхозимизга райкомдан юборилган янги раис ҳисоботда яқунни икки йил олдинги натижаларга қиёслайверди. Очиғи, тутақиб кетдим. Ахир икки йил олдин колхоз давлатдан ҳозиргидек миқдорда ўғит, техника олмасди-ку! Энг муҳими, бултур деҳқончилик маҳсулотларининг харид нархи кескин оширилди-ку! Қолаверса, қишлоғимизда район маркази қурилиши муносабати билан катта-катта бинолар бузилиб, давлат уларнинг қийматини буткул тўлади-ку! Булар колхоз хазинасига нақд кирим бўлди-ку? Нега шуларни очиқ айтмай, одамларнинг кўзи ўнгида тутун тарқатади? Нега одамларнинг фикрини чалғитади?!»

Муслим ота қаравотига ётиб қолди. Биз жим ўтирдик. Дўстим бир пиёла чой қўйиб узатди. «Раҳмат, ўғлим, барака топинг,— ота ёстиққа тирсаги билан ёнбошлаб, чойдан ҳўплади, узоқ хаёлга толди. Фикрини жамлаб олгач, сўзини оҳиста давом эттирди.— Мен уруш тугаган йиллари раисликка сайлангандим. Аҳвол оғир эди: омборда ҳеч вақо йўқ, хазина бўш. Фақат одамларда ишонч бор:

Ғ. Соипов. Мен республикамизнинг турли районларига, шаҳарларига меҳнаткашлар билан учрашувларга тез-тез бориб тураман. Икки-уч йил илгари Самарқандга йўлим тушиб, Қўшработда ҳам бўлдим. Шу ерда эшитган гапларим, кўрган ишларимни кўяверасиз. Район партия комитетининг ўша пайтдаги биринчи секретари барча қўғир ишларга шахсан бош бўлиб олган экан. Одамлар билан самимий муносабат ўрнатиш ўрнига маъмуриятчиликка ружу қўйиб, кундалик сиёсий-тарбиявий ишни милицияга чақиртириш, дўқ-пўписа билан амалга ошираркан. Тўғри, тез орада аҳвол ўзгарди, аммо унинг асорати-чи?!

Ж. Саъдуллаев. Бунга анча йил бўлди. Лекин шу воқеани бир эслаб қўйсақ зарар қилмайди. Фақат, одоб юзасидан, шикоятчининг фамилиясини ўзгартириб гапириб бераман. «Яна шикоят йўллабди, ўша эски гапларни кўзгабди деб мени айбсотишлари мумкин,—деб ёзади Оржоникидзе районида истиқомат қилувчи муаллима Раъно Абдурахмонова редакцияга юборган мактубида.— Бир томони тўғри ҳам: бу — турли идораларга ёзган шикоятларимнинг саккизинчиси. Истардимки, охиргиси бўлса...» Роппа-роса уч йил илгари Абдурахмонова таълим-тарбия ишидаги раҳбарлар, молия интизомининг бузилаётганини Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига хабар этган. У дарсларнинг ўтмаи қолиши, ўқув программаларининг бажарилмаслиги, маъмурият ишидаги кўзбўямачиликлар хусусида аниқ далиллар келтирганди. Гап фақат текшириб, тегишли амалий хулоса чиқаришда қолганди, холос. Ушанда, 1979 йилнинг сентябрида Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактаблар бошқармасининг бошлиғи Қ. Давлатов бу аризани рўйхатдан ўтказмай, ҳатто пухта танишиб чиқмай, Тошкент область халқ маорифи бўлимига текшириш учун топширди. Бу ташкилотдагилар ҳам кўп бош қотириб ўтиришмади, Оржоникидзе район халқ маорифи бўлимига жўнатиб қўя қолишди. Охири уни РайОНО инспектори Карим Пўлатовга топширишди. Пўлатов шикоят хатида айтилган камчиликларни батафсил аниқлаб чиқиш учун ўзини қийнаб ўтирмади. Шикоят юзаси, расмийат учунгина текширилди. Табиийки, бу ҳол Абдурахмоновани қаноатлантирмасди. У яна Маориф министрлигига мурожаат қилди. Унинг иккинчи хати мактаблар бошқармаси бошлигининг ўша пайтдаги ўринбосари В. Саркисянц қўлига келиб тегди. У «хатни қараб чиқиш» учун яна район маориф бўлимига юборди. Одамларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларини қараб чиқишда бунақанги бефарқлик, масъулиятсизлик янги ёзишмаларга сабаб бўлди. СССР Маориф министрлигига юборилган учинчи ариза текшириш учун республика Маориф министрлигининг инспектори О. Мамасолиевга топширилди. Министрликнинг бу масъул ходими ҳам жиддий масалага енгилелли муносабатда бўлди. Мактабда йўл қўйилган катта нуқсонларни хаспўшлаб айбдорлардан тилхат олиш билан кифояланди. Шу текшириш тугар-туғамас, мактабда шошилинч йиғилиш чақирилди. Бутун эътиборни, гарчи юзаси бўлса-да, текширишда аниқланган камчиликларга қаратиш ўрнига, йиғилишда сўзга чиққан олти нотиқ жўровоз бўлиб, Абдурахмоновани айблаб гапирдилар. Унга қандай сифатлар беришмади денг! Жонкуяр, холис бир одамни тўхматчиға, жанжалкашға чиқариб қўйишди. Шу сабаб бўлдию, кўча-кўйда ҳам, мактабда ҳам Абдурахмоновани таҳқирлаш, унинг номига доғ тушириш, ёмонотлиқ қилиш учун уринишлар кучайиб кетди. Бу орада район халқ маорифи бўлимининг мудири Ҳ. Қодиров ўша текшириш якунлари асосида чиқарилган буйруқни имзолади. Ишни бўшатириб юборганлиги, ўқув программаларининг тўла бажарилишини таъминламагани учун мактаб директори М. Аҳмадалиевга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Илмий бўлим мудири Н. Пак кўзбўямачилиги учун вазифасидан олиб ташланди. Иккинчи илмий бўлим мудири Файзуллаева ҳам қаттиқ жазоланди. Республика Маориф министрлиги буйруғида эса райОНО мудири Ҳ. Қодировнинг умумтаълим мактаблари ишини назорат қилиш ва уларга раҳбарликни бўшатириб юборганлиги кўрсатиб ўтилди. Шу билан иш битди, бир жонкуяр педагогнинг ҳақиқатни қарор топтириш учун кўрсатган принципааллиги тантана қилди деб ўйлаш мумкин эди. Афсуски, бундай бўлмади. Мактабда тарафкашлик кучайди, ноўрин таъна-тазаррулар авж олиб кетди. На мактаб директори, на райОНОдаги масъул ўртоқлар бу борди-келдиларга чек қўйишни ўйлашди. Аксинча, гапга-гап қўшиб, бўлмаган айбларни тақаштириб, бир мактабда ўн етти йил ишлаган Абдурахмонованинг ҳалол меҳнатига доғ тушириш учун нимаики даркор бўлса, ҳаммасини қила бошлашди. Уз шикоятда аниқ-равшан кўрсатган камчиликларга принципаал, одил баҳо берилмаганлиги учун Абдурахмонова яна УзССР Маориф министрлигига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Бу галгиси мактаблар бошқармаси бошлиғи Ж. Йўлдошев қўлига тушди. Олдинги текшириш якунлари министрлик коллегиясида кўрилган, бинобарин, муаллимани қаноатлантирарли жавоб бериш лозим эди. Ҳолбуки, шикоятни Тошкент область халқ маорифи бўлимига юборишди. Бу ердан хат яна РайОНОга жўнатилды. РайОНОдаги масъул ходимлар хатни эътиборсиз қолдиришди. Орадан бир неча ой ўтди. Охири Абдурахмонова ўз шикоятига жавоб бўлмагач, унинг натижасини сўроқлаб яна

ариза ёзишга мажбур бўлди. Унинг навбатдаги аризаси республикадан областга юборилди. ОблОНОда узоқ вақт чанг босиб ётди. Бу шикоят хатини унутиб ҳам юборишарди. Лекин Абдурахмонова тиниб-тинчимас чиқиб қолди. Охири ОблОНО контрол-ревизия бўлимнинг бошлиғи Н. Яшин ва Оржоникидзе район халқ маорифи бўлимнинг бош бухгалтери Земсков мактабда текшириш ўтказиб, шикоятда кўрсатилган барча камчиликлар чиндан ҳам содир бўлганлигига қафолат беришди. Абдурахмонованинг ҳамма даъволари асосли бўлиб чиқди. Бинобарин, дарс тақсимлашдаги чалкашликлар, йўқ одамлар учун пул ёзиб олишлар тасдиқланди. Умумтаълим фондидан ажратилган маблағларни тегишли эгаларига топширишда ҳам нуқсонлар юз берган: кўплаб маблағ нопок одамлар қўлига ўтиб кетган. Фақат юқори синфлардагина бир ўқув йилида икки минг соатдан ортиқроқ дарс ўтилмай қолган. Лекин синф журналлари бемалол тўлдираверилган, ўқувчиларга қалбаки баҳолар қўйиллаверган. Шу даражага бориб етишганки, ҳатто ўтилмаган дарс учун ўқувчиларга «икки» баҳо ҳам қўйишган.

Худди ўша аснода Оржоникидзе район партия комитети ва бошқа баъзи идораларда бир хил мазмундаги аризалар пайдо бўлди. Уларга мактабнинг ўттиздан ортиқ ўқитувчиси «ҳамжиҳат» бўлиб имзо чекканди. Мана шу аризаларнинг ҳаммасида Абдурахмонованинг «Совет педагогига хос бўлмаган» хатти-ҳаракатлари, тўхматчилиги «маълум» қилинганди. Бу шикоятларга кўз югуртирган киши уларнинг ҳаммаси бир одам томонидан уюштирилгани, Абдурахмоновани қандай бўлмасин обрўсизлантириш, нуфузига соя тушириш учун ҳаракат қилинганини пайқашни турган гап эди. Пухта текширишлар бир гуруҳ ҳайбаракаллачиларнинг бу даъволари ҳеч қандай асосга эга эмаслигини аниқлади.

Шундай аҳволда вақт ўтиб борарди. Мактабдаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, коллективда тартиб-интизом ўрнатиш, ишчанлик вазиятини вужудга келтиришни ҳеч ким ўйламасди. «Тинчилиги бузилган»лар софдил ўқитувчини коллективдан қисиб чиқариш, унга руҳий азоб беришдан бошқа нарсани ўйлашмасди. Шундай мураккаб вазиятда Абдурахмонова ёрдам беришларини сўраб, юқори идораларга яна ариза ёзишга мажбур бўлди. Тўғрилиги қайта-қайта тасдиқланган даъволар яна бир бошдан текширилди. Илгари камчиликларнинг бир қисмини овоза қилиб, қолганларини яшириб кетаверишган экан, улар ҳам очиб ташланди. Маориф министрлиги буларга чора кўришни ОблОНОга топширди. Ўз навбатида, материаллар РайОНО Советида кўриб чиқиш ва чора кўриш учун Оржоникидзе районига жўнатирилганлиги министрликка маълум қилинди. Шу хатга асосланиб, ўша кунёқ СССР Маориф министрлигига «қувончли» жавоб жўнатилади: унда тегишли чора кўрилганлиги, ҳозирги пайтда мактабда аҳвол яхшиланганлиги айтилганди.

Аслида шундайми? Мактабда ҳамжиҳатлик, тотувлик қарор топганмиди? Жонкуяр бир ўқитувчининг ҳақни қарор топтириш учун уринишларини яхши ният билан қабул қилишганмиди? Асло! Яна ҳақиқий аҳволга мурожаат қиламиз. Министрликдан Москвага йўлланган жавоб етиб борар-бормас, мактаб касаба союз комитетининг кенгайтирилган мажлиси чақирилди. Бир группа ота-оналарнинг «шикоят»лари бу мажлисга сабаб бўлганмиш. Аввал бошдан айтиб қўя қолайлик: бу хатда келтирилган фактларни текшириш, унда баён қилинган даъволарни асослаш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Тўғридан-тўғри мажлис муҳокамаси бошланди. Аризада Раъно Абдурахмонованинг педагогик фаолияти ҳақида бўлар-бўлмас гаплар айтилиб, муаллимани мактабдан четлатиш талаби қилинарди. Мажлисда хатни ўқиб беришди. Абдурахмонова айбсиз эканлигини асослаб берди. Муҳокамага тайёрланиб келган нотиклар эса уюштирган шикоятлари тасдиқланмагач, гапни яна Абдурахмонованинг «ёзагонлиги», оқибатда «хотиржамлик»ка путур етганлигига буришди. Ниҳоят, ҳаммалари жам бўлишиб, Абдурахмоновани қаттиқ жазолашни РайОНОдан сўрашди. Қизиғи шундаки, маҳаллий комитет бу қарорни шу йилнинг 3 мартида қабул қилганди. 4 март куни РайОНО мудирининг буйруғи асосида Абдурахмоновага қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади. Тобланмаган, ўз мансаб столидан нарини кўра олмайдиган ходим бундан бошқа яна нима қилиши мумкин эди?! Ўз вақтида асосли шикоятни ғаладонидан неча ойлаб чанг бостириб қўйган, ҳақни қарор топтириш учун бирор амалий чора кўрмаган, қўл остидаги мактабда содир бўлган камчиликларни хаспўшлаб келган кишилар ҳақиқатни излаган, камчиликларни бартараф этишни кўзлаган одамни жазолашга келганда мана шундай «ишчанлик» кўрсатишди.

«Танқидни бўғиш, хат авторларини таъқиб этишга уринишлар, мансабдор шахсларнинг ноҳўя ишлари ва суиистеъмолларига баҳо беришда бюрократчилик, сансалорлик, принципсизлик фактларига қатъиян барҳам берилсин—дейлади КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида.— Гражданларнинг такрорий...шикоятларини

келтириб чиқарувчи сабаблар аниқланиб, уларга хотима берилсин». Дарҳақиқат, меҳнаткашларнинг хатлари, илтимослари ва шикоятларига сезгирлик, диққат-эътибор билан муносабатда бўлиш, уларга асосли жавоблар бериш ҳар бир раҳбар ходимнинг халқ олдидаги, партия олдидаги бурчидир. Бу коллективларда соғлом ахлоқий-психологик муҳитни қарор топтиришнинг муҳим шартидир.

Афсуски, юқорида биз ҳикоя қилган воқеаларда бунинг акси бўлди: бўй бермайдиган шикоятчини «тинчитиш» учун роса уринишди. Лекин пировардида ҳақ жойида қарор топди. Софдил, холис назоратчилар сарани саралаб, пучакни пучакка ажратишди. Кўзбўямачи, принципсиз, тайинсиз, бюрократ ходимлар жазосини олишди.

Ғ. Соипов. Мана шунинг ўзи айрим саволларга жавоб бериш қийинлигини кўрсатади. Одамлар кўришяптики, илгари айрим раҳбарларга бор гапни айтиб, ҳақиқат учун курашган одам қувғинга олинарди. Ҳатто баъзиларининг пешонасига тухматчи тамғаси босилиб, бир умр юзиқора қилиб қўйиларди.

Ж. Саъдуллаев. Шундай бўлганди ҳам. Тўғри, одил гапларни ёзиб, бизнинг қарашларимиз софлиги учун курашган бир одамни: «Тухматчи, ютуқларимизни кўра олмайди, қора юрак» деб оғир жазога гирифтор қилишганди.

Ғ. Соипов. Ана кўрдингизми? Ҳаётга қора кўзойнак билан нигоҳ ташлайдиган одамлардан чиқади бундай гаплар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бундай нуқсонларнинг сабабларини ленинча дадиллик билан принципиал баҳолади, кўнгилдаги гапларни ошқора тилга олди, кун тартибига қўйди, ҳатто республикамиздаги маънавий-психологик вазиятни соғломлаштириш йўлларини ҳам белгилаб берди.

Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деган гапда жон бор экан. Мен Акмал Икромов райони партия ветеранлари кенгашининг раисиман. Бурч тақозоси билан ҳарбий комиссариатда бўлиб тураман. Ҳарбий хизматга отланаётган маълумотли, жисмоний етуқ, келишган йигитларимизни кўриб қувонаман. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмас экан. Иши, касби ҳақида гап борганида баъзи ёшлар: «Магазинчиман», «Ошпазман» — деб жавоб беришади. Маълумотли, соғлом, тоғни урса толқон қиладиган йигитлар атир-упа магазинларида хизмат қилишади.

Тарбия ишимиз сусайиб қолганлигини кўрсатувчи бир мисол келтирмақчиман. Магазин мудирини Маҳмуд Ғофуров деган кимса ўғли Бахтиёрни ҳарбий хизматдан олиб қолиш учун нималар қилмади! Олдинига у ҳарбий комиссариатга келиб илтимос қилди: «Ўғлимни қолдирсангиз...» Табиийки, рад жавоби олди. Шундан кейин тирговчиларини ишга солди. Кимлар телефон қилмади, денг! Бўлмади. Ахири Бахтиёрга, ҳатто тилга олиб бўлмайдиган касалликни «ёпиштиришиб», қоғоз тўғрилашди. Комиссариат холис врачларга текширтди. Бахтиёр соғлом эди... Ёки бошқа бир гап. Бир куни «Фарҳод» бозори олдида Санобар исмли қиз ҳафтияк кўтариб турипти. Тусмоллаб: «Чоркитоб ҳам борми?» — деб сўрадим. Буниси ҳам, бошқалари ҳам бисёр экан. Ёшларимиз онгида майда буржуача қарашлар шаклланиши учун бизда социал манба йўқ. Лекин гоҳи кўнгилсиз воқеаларнинг гувоҳи бўлиб қолсан киши: ёшлар, ҳатто қизлар ҳам ичишади, чекишади. Бир куни автобусда шу аҳволга тушган икки-уч қиздан: «Нега чекасилар, шу зарилми?» — деб сўрадим. «Бу — менинг шахсий ишим», — деб жавоб берди улардан бири. Синчиклаб қарасам кайфлари бор. «День рожденияда бўлдик, отахон», — дейди бошқа бирови. Автобусда одамлар кўп эди. Лекин уларга ҳеч ким танбеҳ бермади, тартибга чақирмади. Бу бефарқлик замирида ғоят хавфли оқибат яширинган. Гўё тарбия иши, кенжа авлодимиз тақдири бошқаларнинг шахсий иши эмасдай...

Ж. Саъдуллаев. Жуда тўғри. Бизнинг жамиятимиз ўз аъзоларининг маънавий соғлом бўлиб ўсишдан ғоят манфаатдор. Хўш, ҳозир Фулом ота айтган «бу муаммолар хусусида педагоглар қандай фикрда?»

М. Убайдуллаева. Мен тарбия ишини занжирга қиёслайман. Бу — узлуксиз жараён. Унда асосий бўғинлар бор, албатта. Бу бўғинларни оила, мактаб, жамоатчилик ташкил этади. Турмушимизда вужудга келган юлғичлик, молпарастлик, худбинлик, порахўрлик ва бошқа иллатлар мана шу бўғинларда анча илгариеқ бир қадар бўшашувчанлик бошланганлигининг оқибатидир. Заруриятни набиёвчасига тушунадиган, эҳтиёжни Дўнан полвончалик ҳис этадиган ёшларни нега эндиликда тарбиялай олмаяпсизлар, дея кўпинча ўқитувчиларни танқид қилишади. Мен бошқача фикрдаман. 80-йилларнинг ёшлари — курашчан, фидокор, саботликда йигирманчи, ўттизинчи, қирқинчи йиллардаги тенгдошларидан қолишмайди. Айтинг-чи, Қарши магистрал каналини ким қурди? Шеробод чўлларида бугун ипак пахта етиштирилаётган бутун-бутун районларга ким байроқ кўтариб борди? Тюменда йўл қураётганлар орасида ёшлар озми? Новгородга, Владимирга, Ивановога отланганлар-чи? Олисга бормайлик: маҳалламизда, коллективимизда, қўшни корхона ёки колхозда пухта тартиб-интизом учун

курашаётган йигит-қизларни ҳар кун, ҳар сонияда учратиб турамыз. Оталар ишига садоқат, мақсад йўлида принципиал қатъият, орзуни рўёбга чиқариш учун собитликда уларнинг ўрни кўринмоқда.

Ғ. Соипов. Ёшлик, бу — бир гул. Унга эътибор берсангиз, ўрнига қўйсангиз, парвариш қилсангиз ўзлигини намоён этади. Ҳассос шоир Эркин Воҳидов ёзганидек, ёлқин бўлиб, оловли давр кўкрагидан отилиб чиққан ўз оналари ва опалари ишини давом эттириб, ҳозирги техника тараққиёти даврининг муаммоларини ечишга отланади, чақин бўлиб, лаҳзалик умрини даврни олға бостиришга бағишлайди.

М. Убайдуллаева. Лекин, нимагадир, кейинги пайтда ёшлар тўғрисида қониқмай, қаноатланмай гапириш тенденцияси кучайди. Эсимда, бир пайтлар оталар ва болалар муаммосини ҳам кўтармоқчи бўлишганди. Ушанда Ғарбга ҳавас қилиб, баъзилар ўзи мавжуд бўлмаган муаммони ҳал қилишга боши билан шўнғиб кетишганди. Кейинчалик эрк муаммосини тилга олиб қолишди. Эрк ҳақида қалин-юпқа китоблар ёзилди, кинофильмлар яратилди. Нима, биз ҳозирги замонамизда эркин шунақанги бир ёқлама талқин қилишимиз, кабинетларда, ёзув столлари ёнида ўтириб муаммо яратишимиз лозиммиди? Нега бурч ҳақида шунчалик жон куйдириб ёзмадик?! Бугун Қарши чўлини ўзлаштираётиб, ҳаёт синовидан ўтган ёшлар ҳақида бирор жиддий асар борми ўзи?

Н. Маннопов. Мана шунинг учун ёш авлод таълим-тарбиясида муаммолар келиб чиқмоқда. Бугун ўқитувчининг муваффақиятини оила ва жамоатчилик кўмагисиз тасаввур қила олмаймиз.

М. Убайдуллаева. Аслида қандай бўляпти? Мен Чилонзор районидаги 114-мактабда илмий бўлим мудирини бўлиб ишлайман. Эрта билан мактабда кўнғироқ чалиниши ҳамона телефон жиринглайди: «Маҳаллани тозалашга юз ўқувчи, ўн ўқитувчи ажратилсин». «Кўча четларини тартибга солишга...» «Дарахтларни бўяшга...» Район раҳбарлари нималарни бажаришга ўқувчиларни сафарбар этмайди дейсиз? Мактаб билан коммунал хўжалик идораси қўшиб юборилганми, дея ўйлаб қоласан гоҳо. Мана шунақанги аҳволда ўқитиш, тарбиялаш ишини бир маромда ташкил этиб кўринг-чи? Эҳ-ҳе, қаёқда!

Халқ маорифи ислоҳоти катта талаблар қўймоқда. Билим асосий кўрсаткич бўлиб қола беради, албатта. Лекин ҳаётимиздаги салбий ҳолатлар мактаб ишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ўқувчилар, айниқса қизлар мактабга ясашиб-тусаниб келишади, тақинчоқлар кўриниб қолади. Хўш, шулар зарурми? Орзу-ҳавас, биз қийналиб, юпун қийиниб ўсдик, булар ўксимасин, дейишади. Сиртқи тўқислик маънавий қашшоқлик ўрнини тўлдиролмайди-ку? Шуни гапирсанг «тили заҳар»га чиқариб қўйишади, кўра олмаяпти, дейишади.

Бир мисол келтираман. Ўқувчи Юсуф Шарипов ўнинчи синфни битиргандан кейин, кўп ўтмай, жиноий ишга қўл урди. Нега шундай бўлди? Чунки Юсуф ўқиб юрганида отаси унинг тарбиясини мутлақо мактаб зиммасига юклаб қўйганди. Ўғли нималарга қизиқади, кўча-кўйда қандай юради — булар билан қизиқмаганди. Ўқитувчиларнинг фикрини эшитгиси келмасди. Ниҳоят, Юсуф мактабни битирди. Олдин бир қадар мактаб, ўқитувчилар назоратида бўлган боланинг эрки энди ўз қўлида эди. Саёқ юриб, безориликка берилди. Оқибати...

Ота-оналар мактабга яқин бўлиши керак. Лекин йиғилишларда уларнинг жамулжам бўлганини асло кўрмадим. Айниқса, тарбияга муҳтож, ўзлаштириши паст болаларнинг ота-оналари мутлақо келишмайди.

Ўқитувчининг нуфузи — тарбия ишида ғоят муҳим омил. Ўқитувчи — ижтимоий сиймо, бинобарин, унинг обрў-эътибори сақланиши лозим. Лекин ҳозир шундай қилинаёпти, дея олмайман.

Мактаб раҳбарлари кўнимсизлиги ҳам ишни издан чиқармоқда. Ёлғиз бизнинг мактабимизда кейинги ўн йилда тўртинчи директор ишлаёпти. Ишдан олинган, аввалги лавозимида вазифасини удалай олмаган кадрларни мактаб директорлигига юборишади...

Н. Маннопов. Турли ҳолатлар бўлади. Гоҳи меҳнатни чинакамига ташкил этиш ўрнига катта-кичик йиғилишларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашга даъват этишади. Раҳбарликдаги бўшангликни, ишни ташкил этишдаги лаёқатсизликни буйруқбозлик, дўқ-пўписа билан қопламоқчи бўлишади. Ўтган йилларда ошириб ёзишлар, хом-хатала ишларни кўкларга кўтариб мақташлар, кўзбўямачиликлар шундай интилишларнинг оқибати эканлиги сир эмас. Айрим раҳбарлар эса бундай ишларга қатъиян хотима бериш ўрнига ҳайбарақаллачилик йўлига ўтиб олдилар. Принципларимиздан чекинишга йўл қўйдилар. Давлатни алдаш, партияни, халқни чалғитиш — жиноят. Ишга кечикиб келиш, нормани бажармаслик ҳам жиноят. Лекин ишни ташкил эта билмаслик, бўшанглик — оғир жиноят!

Ғ. Соипов. Ҳа, униси оғир жиноят. Доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг шундай фикри бор: «Ҳар қандай бўшанглик қилиш, ҳар қандай иккиланиш, ҳар

қандай раҳмдиллик қилиш — социализм олдида қилинган ғоят катта жиноятдир». Мана бу китобчадан ҳам бир гапни ўқиб бермоқчиман. «Бизда меҳнатга, социалистик мулкка онгли муносабат намуналари билан ёнма-ён иш ёқмаслик, хўжасизлик, кишилар бир қисмининг бошқалар ҳисобидан, жамият ҳисобидан ўз маъмурчилигини таъминлашга интилиши, айрим истеъмол молларининг етишмаслигидан, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри устидан контрол системасининг бўшашганлигидан ўз манфаати йўлида фойдаланиш ҳолларининг учраб туриши сир эмас.— Ана шуларнинг ҳаммаси хўжалик механизмини жиддий равишда яхшилашни, тақсимлаш муносабатларини такомиллаштиришни, тартиб ва интизомни янада мустаҳкамлашни, ғоявий-тарбиявий иш самарадорлигини кучайтиришни талаб қилади».

Дарҳақиқат, партия тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, бошқарув механизмини пишиқтириш, салбий ҳолатларни келтириб чиқарадиган омилларни тугатиш юзасидан ғоят муҳим ишни бошлади. Бу тадбирларни халқимиз мамнуният билан қўллаб-қувватламоқда. Гап — шу суръат ва қатъиятни бўшаштирмасликда.

Н. Маннопов. Партиямизнинг раҳбарлигида мутлақо янги фазилатли совет кишиларининг бутун бир авлоди камол топди. Замондошларимизнинг асосий кўпчилиги ўз турмушининг фаровонлиги жамият фаровонлигига бевосита боғлиқлигини, бинобарин, муттасил, тобора самарали меҳнат қилиш лозимлигини чуқур ҳис этишади. Улар учун «меники» ва «бизники» тушунчалари бир бутун, яхлит.

Ғ. Соипов. Ҳа, дарҳақиқат, одамларимиз ўзлари учун меҳнат қилиб, айна пайтда бу меҳнат жамият бахт-саодати учун ҳам қилинаётганини яхши англаб етишаётир. Бу — катта ютуқ, албатта. Лекин, афсуски, беш қўл баравар эмас.

М. Убайдуллаева. Бу кайфият ёшларимиз орасида кучайиши ташвишланарлидир.

Ғ. Соипов. Бўлмасам-чи! Бизларнинг комсомол ёшлигимиз революцион кўтарилишнинг алангали йилларига тўғри келган эди. Биз янгича яшаш учун зўр иштиёқ билан курашардик. Мен бир нарсани кўп ўйлайман: ҳозир комсомолда 42 миллион аъзо бор. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам идеалларимиз учун фидойи курашчиларми? Умуман, комсомолга қабул қилинаётган вақтида бизнинг йўлимиз, ишимизга садоқати синаб кўрилганми? Қийинчиликлар олдида орқага ташламайдими, ўзини? Ландовурлик, бепарқлик, ота-оналар ҳисобига яшаш, текинхўрлик фақат айрим ёшларга хос. Шунинг ўзи ҳам бизни ташвишлантириши керак.

Н. Маннопов. Бундай кўринишлар кеча ёки бугун пайдо бўлмади. Айтайлик, колхоз ёки корхонада кўзбўямачилик, ошириб ёзишлар эвазига планлар бажарилаверган. План бажариляптими, демак, мукофот олиш зарур. Бизда эса мукофотлаш, тақдирлашнинг бутун бир системаси мавжуд. Йиғилишда мақташнинг давоми ой ёки квартал охирида мўмайгина пул, қимматбаҳо буюмлар билан тақдирлашга бориб тақалади. Қарабсизки, йил охирлаб медаль-орденларга, унвонларга тақдим этиш бошланади. Худди шу жараён чиниқмаган одамни бузади, уни кибр-ҳаволи, дабдабага, мақтовларга мойил қилиб қўяди. Меҳнатсиз даромад излашга ўргатади.

Ж. Саъдуллаев. Назрулла Маннопович, шу ўринда сизга бир савол. Мана сиз жуда банд одамсиз. Депутатсиз. Партия органларига сайлангансиз. Касаба союз ташкилотлари ишида фаол қатнашасиз. Айтинг-чи, қачон иш нормангизни бажаришга улгурасиз?

Н. Маннопов. Тушундим. Очиги, масаланинг шу жиҳатига кўпчилик қизиқади. Тўғрида: сессияларда, съездларда қатнашса, гоҳ телевизорда, гоҳ радиода овози эшитилса ишлагани вақти қолармиди? Бу ҳурматлар уни талтайтириб юбормаганми?

Аввало виждон пок бўлиши керак. Менимча, биринчи навбатда маош оладиган, бола-чақа боқадиған ишни дўндириб қўйишимиз лозим... Мен вақтни зое кетказмасликка ўрганганман. Ишимни уддаламай қўйсам, планимни бажармасам, мени ким минбарга чиқаради, ким катта-катта анжуманларга вакил қилади? Ишламай, қанчалик чиройли бўлмасин, қуруқ гап сотиб юрувчи лўттибозларни сиз ҳам, хусусан, ўзим ҳам ёқтирмайман. Ундайларнинг гапини бир-икки тинглаймиз, ишини кузатамизда, ҳафсаламиз пир бўлгач қўл силтаймиз. Айтмоқчиманки, олға бошлаш ҳуқуқи — ғоят буюк ҳуқуқ. Одамлар ҳар кимнинг орқасидан эргашаверишмайди. Бир оз йўлдош бўлгач, синагач, ўзларининг тўғри йўлларини, ибрат оладиган, эргашадиган ҳақиқий одамларини топиб олишади.

Бизнинг бригадамизда саккиз киши ишлайди. Йиғувчи-слесарларнинг ғоят аҳил оиласи бу. Ҳеч ким ўз лаёқатидан сустроқ ишламайди. Иш ҳам, даромад ҳам, мукофот ҳам ўртада.

Ж. Саъдуллаев. «Колхозлардан бирида ярим йиллик ҳисобот йиғилиши бормоқда эди — деб гап бошлади бир учрашув чоғида Поп район партия комитетининг секретари.— Сўзга чиқаётган кишиларнинг ҳаммаси бир овоздан ҳужалик ютуқларини мақташар, ишдаги камчиликлар тўғрисида эса лом-мим дейишмасди. Бу йиғилишда бирор жонли, жўяли фикр эшита олмаслигимга иқрор бўлиб турганимда, бир аёл сўз сўраб қолди. Наҳотки, бу киши ҳам бирор фойдали фикр айтмаса? Йилнинг ярми ўтди, наҳотки, ҳамма ишлар рисоладагидек? Ҳеч бир камчилик, нуқсон йўқмикан? Резервлар-чи? Нега улар ҳақида ҳеч ким оғиз очмаяпти?

Аёл минбарга қараб секин келар экан, шууримда шундай саволлар ғужгон ўйнарди. Аёлнинг дастлабки сўзлариёқ менинг кўнглимдаги жумбоқларни тарқатиб юборди.

— Ун саккиз йилдан буён шу колхозда ишлайман,— ҳаяжонланганидан, тутилиб-тутилиб сўзлай бошлади нотик.— Бир пайтлари тенгдошларим, дугоналарим, жамоат жам бўлиб далага отлансак борми, кўчалар тўлиб кетарди. Энди-чи? Уттиз, ўттиз беш ёшга бориб-бормай аёлларимиз уйда ўтириб қолишяпти. Раҳбарларимизнинг оилалари аввало шу одатни бошлаб беришди...

Одамлар орасида жонланиш юз берди. Шивир-шивирлар, «тўғри», «ҳақ гап», деган овозлар эшитилиб қолди. Шулар далда бўлдими, аёл ўзини анча босиб олгач яна сўзини давом эттирди:

— Ҳозир бу ерда, «дала ишлари чўзилиб кетяпти, куч етишмаяпти» дейишди. Қишлоқ хонадонларини бир айланиб кўринглар-чи, қанча куч четда қолиб кетаётган экан?! Яна бир гап. Бу ҳам ўша эътиборсизлик оқибати асли. Мен ўн саккиз йилдан буён меҳнат қиламан. Лекин бирон маротаба на чопиқда, на чеканкаю теримда: «Шу ишинг яхши бўлибди»;— деган илиқ сўз эшитмадим. Шунча вақтдан буён наҳотки бирор йил, бирор мавсум яхши ишламаган бўлсам? Айтмоқчиманки, яхшими-ёмонми, ҳаммиша бир-икки кишини мақташ, мукофотлар бериш бизда одат тусига кирган. Пул мукофоти ҳам, орден-медаллар ҳам ўшанга. Бу нима деган гап ахир! Мусобақа, мусобақа деймиз-у, унинг натижаларини чиқаришда яккаш бир-икки кишини кўрамиз. Наҳотки, ишнинг оқибат натижасини шу санокли одамлар ҳал этишаётган бўлишса? Мен нима демоқчиман: одамларни, уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш керак. Бир оғиз илиқ сўз бутун вужудингни иситиб юборади, янада унумлироқ, баракалироқ меҳнат қилишга ундайди. Шунини асло унутмайлик...

— Оддий бир колхозчининг бу мулоҳазалари ёлғиз менигина ўйга толдирмади,— чойдан бир ҳўплаб, сўзини давом эттирди райком секретари.— Район партия комитетида шу ҳақда атрофлича мулоҳаза юритдик. Охири, партия ташкилотчиларининг семинарини ўтказишга қарор қилдик. Унда инсонга ғамхўрлик тўғрисида, ҳар бир ташаббусни, фикр-мулоҳазани қадрлаш, меҳнатни муносиб баҳолаш тўғрисида сўз юритдик. Энди ҳар бир партия ташкилотида социалистик мусобақага якун ясалаётган пайтда коллектив эришган натижага қўшилган конкрет ҳисса асосий мезон қилиб олинади. Бу район меҳнаткашларини бугун кечагидан яхшироқ меҳнат қилишга, резервларни тўлароқ ишга солишга даъват этмоқда. Шунини айтиш кифояки, ўн биринчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили муваффақиятли яқунланди. Шу мuddатда гўшт, сут, тухум етказиб бериш анча кўпайди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 35,5 процент ортди. Ҳўжаликларнинг соф даромади 12,5 миллион сўмга етди. Эндиликда ҳар гектар ердан ўртача 2600—2700 сўм даромад олинмоқда. Меҳнат унумдорлиги 13,5 процент ўсди. Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг рентабеллиги муттасил ошиб бормоқда».

Райком секретари мулоҳазаларида жон бор, тўғрими?

М. Убайдуллаева. Дарҳақиқат, ўша йиллари иш ҳақининг меҳнат натижасига, унинг унумдорлиги ва сифатига боғлиқ бўлмаслик фактлари рўй берди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми шундай фактларни қатъиян қоралади. Самарали меҳнатни моддий рағбатлантириш фақат ишлаб чиқаришда эмас, таълим-тарбияда ҳам ўринли амалга оширилиши лозим.

Ғ. Соипов. Биз нима истаймиз? Партиямиз қандай вазифалар қўймоқда? Менимча, аввало, гап бутун ижтимоий ҳаётни соғломлаштириш, социал адолат принципини тўла рўёбга чиқариш хусусида бормоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳозир шу ишни оғишмай амалга оширмоқда, уни бутун халқ, коммунистлар тўла қўллаб-қувватлашмоқда. Бу — партия билан халқимиз жипслигининг, ленинча йўлга садоқатнинг, келажакка умиднинг ёрқин нишонаси. Бу жипслик бизга рўй берган вазиятни сабот билан енгиб ўтишда куч-қувват бағишлайди. Бу содиқлик ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг қудратли кучларини ҳаракатга келтиради. Бу йўл Ўзбекистоннинг қардош республикалар оиласида янада гуллаб-яшнаши учун, оқ пахтамызининг гард юкмаган шўхрати тикланиши учун меҳнат қилишга ундайди.

БИРОДАРЛИК ТУЙҒУЛАРИ

Улуғ Ватан уруши йилларида немис босқинчиларига қарши курашда радио эшиттиришлар катта роль ўйнади. Эфир тўлқинларидан янграган жанговар сўзлар мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагига етиб бориб, жангчиларимизга мадад берди. Меҳнаткашлар қалбида фашистларга нисбатан ғазаб ва ғалабага ишонч уйғотди.

Радио эшиттиришларда совет ватанпарварлиги ва социалистик ҳамдўстлик, коммунистик партиянинг уруш орқасидаги бебаҳо ташкилотчилик фаолияти, босқинчилар томонидан вақтинча ишғол этилган жойларда кишиларимизда бўлган нафратнинг ўсиши, барча миллат ва элат вакилларининг қонхўр жаллодларга қарши кураши тўғрисидаги хабар, мақола, лавҳалар мунтазам равишда бериб борилди.

Биз ушбу мақолада Урта Осиё халқлари ҳаётига оид воқеалар уруш йилларида Украина радиосида қандай ёритилганлиги ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Маълумки, Урта Осиё республикалари ҳаёти ҳақидаги кундалик хабарлар Совинформбюро маълумотларида, «Сўнгги соатлар»да эшиттиришлари ва мамлакатимизнинг сиёсий, маданий-иқтисодий ишлари хусусида ҳикоя қилувчи кўпгина радиостанцияларда мунтазам эшиттириб борилди. Украина радиоси эса бу борадаги дастлабки хабарни 1941 йилнинг 15 декабрида «Совет Украинаси» радиостанцияси орқали эфирга олиб чиқди. Мазкур эшиттириш совет кўшинларининг Москва остоналарида қарши ҳужумга ўтишига бағишланган эди. Радиостанция украиналик тингловчиларга оммавий йиғинлар, жумладан Тошкентда ўтказилган митинг ҳақида хабар берди. Бу ахборотдан сўнг бирин-кетин ўзбекистонлик меҳнаткашларнинг муваффақиятлари ҳақида ранг-баранг эшиттиришлар берилди. 1941 йил 28 декабрда республикада озиқ-овқат маҳсулотлари режаларининг бажарилиши, 1942 йил 4 декабрда қишлоқ меҳнаткашларининг бошоқли экинларни етиштиришдаги ютуқлари хусусида ва шунингдек, ҳарбий мавзудаги қатор янгиликлар эфир тўлқинлари орқали жангчиларга, барча украиналикларга эшиттирилди.

«Совет Украинаси» радиостанциясининг ўша 1942 йил 4 февралдаги эшиттиришида тингловчилар Қизил Армиянинг сафларини мустаҳкамлашда мамлакатимиз шарқий воҳаларида олиб борилаётган ишлардан воқиф бўлдилар. Ун дақиқалик мазкур мақолада шундай дейилган: «Урта Осиё ҳарбий округи фронтга бир неча жанговар қисмлар жўнатдилар. У ерда танкларни яқсон қиладиган миномётчилар, артиллериячилар, автоматчилар ва юзлаб отлиқ жангчилар тайёрланяпти».

Маълумки, ўша йиллар ўзбек халқи мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун жуда катта маблағлар йиғиб фронтга юборди. Қизил Армия халоскорларига беҳисоб совғалар тайёрлади. Худди шу ҳақдаги хабарлар Т. Шевченко номли «Совет Украинаси» радиостанциясида мунтазам эшиттириб турилди. Ахборотларнинг бирида М. Горький номидаги Тошкент тикувчилик фабрикаси коллективи жангчиларга пайпоқ, дастрўмол, тамаки халта юбориш арафасидалиги хабар қилинса, бошқасида «Қизил тонг» тикувчилик фабрикасининг ишчилари Ватанимизнинг шавкатли посбонларига ўн минг сўмлик куруқ мева, турли лаззатли таомлар жўнатишгани баён қилинган.

Украина радиостанциялари тўлқинларида сўз санъаткорларининг асарлари ҳам тез-тез жаранглаб турган. Украина адиблари ўз чиқишларида қардош ўзбекистонликларга самимий муҳаббатини изҳор этганлар. Таниқли шoir Николай Ушаковнинг 1944 йил «Днепр» радиостанцияси орқали таралган «Тошкент» шеърида шундай сатрлар бор:

Севиб қолдик оқшомларингни,
Қалбимизда кўчанг — Олмазор,
Олма гули янглиғ қор билан,
Қопланмоқда оҳиста бозор...
Ярим кеча. Заводлар гувлар.
Деразага қор ёяр қанот,
Янги йилинг муборак, жоним,
Ўзга элда кутгил уни шод.
Ярим кеча. Қор уюмлари.
Деразада буй чўзар бу пайт,
Янги бахтинг муборак, жоним,
Жондош элда келган янги бахт!

Бошқа бир шоир Микола Терещенко икки халқ биродарлигини янада теранроқ тараннум этади:

Салом сенга, ҳур Ўзбекистон,
Эркин халқлар даврасида шод.
Салом сенинг ўғлонларингга,
Шер юракли, мағрур ва озод,
Салом гўзал аёлларингга,
Меҳри билан кўнгиллар обод.

Жанг сурони ичра тўлғонган,
Украина сендан миннатдор.
Чўлларию кенг водийлари
Гарчи ёвдан чекмоқда озор,
Келди бугун қасос лаҳзаси,
Душман ортга қочмоқда ночор.

Дўстлар шошар бари кўмакка,
Чорлар Киев. Днепр муштоқ.
Гумбурлайди тўплар садоси,
Олов ичра яқину йирок.
Сен эмасми Кўчқор Турдиев,
Ев танига сололган титроқ?..

Совет юрти бир оиладир,
Дўстлик билан қасб этган қудрат.
Эркин халқлар иттифоқини
Буза олмас ҳеч бир шум ният.
Жангга олға, ўзбек ўғлонлар,
Душманларни янчинг бешафкат.

Шоир Терень Масенконинг «Катерина» достонида қардош халқларнинг украиналик биродарлигига кўмаги, фашист қонхўрлари томонидан босиб олинган ерлардан кўчирилган кишиларга кўрсатаётган ғамхўрликлари мадҳ этилади:

Уфа, Тўшкент, Олмаотага
Йўллар эди оғир ва ўзоқ.
Аммо қозоқ ҳам ўзбек дўстлар,
Кутишарди очиб кенг қучоқ.
Қардошликни билиб муқаддас,
Меҳрни ҳам, нону тузни ҳам
Бизлар билан кўрдилар баҳам.

Украин ва ўзбек халқларининг бузилмас метиндек дўстлиги, уруш қаҳрамонларининг жасоратлари бошқа сўз усталари асарларида ҳам ўз аксини топди. Любомир Дмитерконинг «Кавказ», Микола Терещенконинг «Сен ёлғиз эмассан» шеъри, Александр Довженконинг «Мен ғалабани кўряпман» очерклари ана шулар жумласидандир.

Икки халқ дўстлиги таниқли ўзбек совет ёзувчилари — Ғафур Ғулом, Уйғун, Амин Умарий сингари қаламкашлар ижодида ҳам зўр эҳтирос билан куйланди. Улар битган сатрларда ғалабага бўлган ишонч, улуғ рус ва бошқа халқлар бераётган мадад туфайли Украинанинг босқинчилардан халос бўлиб, яна ҳур Советлар мамлакатининг гўзал ўлкаларидан бирига айланажаги мадҳ этилади.

1943 йилнинг 8 мартда «Совет Украинаси» радиостанцияси Амин Умарийнинг Кобзарга бағишланган шеърини ўқиб эшиттирди. Ғафур Ғуломнинг машҳур «Сен етим эмассан» асари ҳам худди шу радиостанция орқали таралган эди. «Днепр» радиостанцияси 1944 йил 13 июнь куни «Совет Иттифоқи шоирлари — Украинага» номли мушоира тайёрлади. Унда Уйғуннинг «Лолалар» шеъри ҳам бор эди.

Қип-қизил, кенг далани кўриб,
Уйладимки, лолалар булар.
Йўқ, янглишдим, лолалар эмас,
Лахта-лахта чўғ эрур улар.
Уйламакка ҳақкинг бор, бу ер,
Тўғри, аввал лолазор эди.
Барқ урарди гўзал бир ҳаёт,
Гул бор эди, булбул бор эди...
Фақат ҳозир лола, булбул йўқ,
Қон эрур у лола деганинг.
Булбул эмас, бунда учар ўқ,
Бунда кезар балолар минг-минг...
Бу ҳисобсиз тўкилган қонлар,
Ака-ука, оналар қони,
Бола, кекса, опа-сингиллар
Таниш-билиш, оталар қони.
Келсин десанг қайтадан булбул,

Уссин десанг қайтадан лола,
Евдан қасос оламан, дея,
Қасам ичиб кўтар пиёла.
Дала қондан поклансин, десанг,
Узоқларга кетсин десанг ғам,
Фашистларни битирмоқ учун
Қурол олиб жангга кир сен ҳам.

Юқоридагилар Улуғ Ватан уруши йилларида Украина радиосида эшиттирилган материалларнинг бир қисми холос. Радиостанцияда Ўзбекистон ҳақида бадиий-публицистик асарлар, мақолалар ва турли мавзуларда ёзилган хабарлар кенг тарғиб этилган. Бу эшиттиришлар буюк ғалаба дамларини яқинлаштиришга катта ҳисса қўшгани шубҳасиздир.

Виктор БУРБЕЛА,
Украина ССР Фанлар Академияси Т. Шевченко
номидаги
Адабиёт институтининг илмий ходими,
филология фанлари кандидати.




График расом
Абдуқаҳдор Маҳкамов
иждидан

Ой бориб омон қайт



Ғанаба



Ўзбекистон халқ шоири Уйғун туғилган куннинг 80 йиллигига

Туроб Тўла

«ҚАРАНГ, ОЛАМ НАҚАДАР ГЎЗАЛ»



алқимизнинг севикли шоири Уйғун бир шеърини шундай деб атаган.

«Қаранг, олам нақадар гўзал...»

Ҳақиқатан ҳам олам тароватидек тароват йўқдир. Унинг рангин сеҳри, назокати, беназир иқлими, қип-қизил офтоб шуълаларига беланган осмон ва унинг тенгсиз уфқи, сутдек ойдин кечалари, юлдузлар билан тўла фазо сирлари кишини ана шу ором қучоғида мангу қолишга чақиради. Бу гўзалликни омон асраш учун курашган ва уни ёвузлар чангалидан асраб қололган боболаримиз истиқболида бош эгасан киши.

Уйғун халқимизнинг ана шу асрий орзуларини куйлаган ва куйлаб келаётган, юқори пардаларда мадҳ этаётган шоир.

Биз адиб билан биргаликда яқинда республикамизнинг узоқ воҳаси Хоразмга йўл олдик. Шоирнинг қаҳрамонлари, китобхонлари кутар эди бизни, Уйғун бундай учрашувларни жуда севарди, халқ орасида юриб навбатдаги асарларига мавзу топади, навбатдаги қаҳрамонлари билан тўқнаш келади ва катта илҳом билан янги асарлар яратади. У ўз шеърларида оддий шоиргина эмас, буюк Ватан ва халқ тақдиридан ажралмас граждон эканлигини, унингсиз ҳаётини, ижодини тасаввур эта олмаслигини очиқ айтади. Биз устоз шоир ва адиб билан юртимизнинг кўп воҳаларини кезганмиз, кўп ватанпарварлари билан учрашганмиз. Мен, шахсан, унинг ана шу илҳомбахш онларини катта завқ билан кузатганман.

Шоир ана шу учрашувлар ва мулоқотларда кунимиз ва меҳнатимиз равнақиға халал бергувчи нарсаларға дуч келиб қолса, ғоятда қаттиқ койинади. Атрофдаги куйди-пишди одамларни, жонкуяр кишиларни катта юмушлар қилаётган кишиларни севганидан ана шу озгина камчилик ёки хатоликлар ранжитади уни. Бепарволик, ҳардамхаёллик қаттиқ таъсир қилади шоирға. У ҳамманинг ватанпарвар, жонкуяр бўлишини ғоятда истайди.

Ҳаёт демак — ҳаракат демак,
Тўхташ ўлим билан баробар.
Ҳаёт — меҳнат, яратиш, ижод,
Ҳаёт жангу жадал, биродар!

Дам олишинг, ухлашинг мумкин,
Янги ишға куч йиғмоқ учун.
Ўлимға тенг, ишлатолмасанг
Пайтларингнинг, ақлингнинг кучин.

Модомики тирик экансан,
Ҳаракатдан тўхтама ҳеч вақт!
Меҳнат билан камол топасан,
Меҳнат билан қозонилур бахт.

Шоир мана шундай мисралар, мана шундай дард ва ҳаяжон билан яшайди. Бу сафар ҳам китобхонлар орасига борар эканмиз, у кучли ҳаяжонда эди.



Николай Тихонов, Уйғун, Константин Симонов, Нозим Ҳикмат
1951 йил декада, Москва.

Ҳазорасп тарихий шаҳар. Хоразм воҳасининг Қорақалпоғистон билан Туркменистон ер-ларига туташган жойда, қадимий ипак йўлларидан бири устида жойлашган. У илгаридан ўз оқ олтини, чорваси, ширин-шакар мевалари билан машҳур. Хоразмнинг ҳосилдор, бой ер-лари, машҳур Боғот, Хонқа боғларини босиб ўтар эканмиз, шоир Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Огаҳий, Аваз, Шероз, Ҳожихонларни ўйлатган, қуйлатган, ҳайрон қолдирган, курашга чорлаган юртни, унинг тарихини ўйлар, яқин-яқинларда ўзи катта илҳом билан қоғозга туширган ва сахна санъати орқали халққа манзур бўлган Беруний, Ибн Ино ҳақидаги асар-ларни хаёлига келтирарди.

Аваз куйлаган воҳа бугун баланд парвозда,
Тупроқдан олтин олган қўллари кўп эъзозда,
Қанча куйласанг оздир бугун қанча овозда,
Хоҳи тори Комилда, хоҳи тори Шерозда,
Булар бари халқининг ҳимматидан ҳойнаҳой!

Бу музаффар келмаган туйқусдан зотан, дейсан,
Ҳайратда тутиб ёқанг бу қандай Ватан дейсан,
Бу қандай халқ минг йиллик ерни уйғотган, дейсан,
Бу қандай Аму чўлда, тўлғаниб ётган, дейсан,
Бу ҳам коммунистларнинг қудратидан ҳойнаҳой!

Воҳа, унинг одамлари шунақа! Шоир мана шу ўлканинг дастёри эканлигини, воҳа қаҳрамонлари билан бирга Ватанга сафба-саф хизмат қилишини ўйлайди ва ифтихор қилади. Кечагина меваларидан бўшаб бошини кўтарган дов-дарахтлар, хирмон кўтариб чарчаган ерлар уйқуда дам оладилар.

— Хоразм шунақа шўҳрати баланд воҳа,— деди ниҳоят атрофни кузатиб бораётган шоир.— Хоразм шўҳратини қўлдан бермаслиги керак. Пахтадагинамас, ҳамма соҳада, адабиётда ҳам!.. Мен кеча хоразмликларнинг социалистик мусобақа шартларини ўқиб чиқдим. Катта мажбурият олганлар. Бунинг учун энг зарури — бепарво бўлмаслик керак. Жонқуярлик, билимдонлик бу ҳар бир ишнинг ҳам онаси, ҳам отаси.

У ўқтин-ўқтин ғўзапоялари йиғиб олинмаган, шудгор қилинмаган баъзи ерларга ишора қилади. Ер бундай муносабатни ёқтирмайди, берч бўлиб қолади, яхши дам ололмайди. Шунинг учун келгуси мўл ҳосилга ҳам ишониб бўлмайди.

Хўжаликда бир марта бўлса ҳам мана шундай чаккилик сезилдими, демак, у ерда иш бутмас. Адиб доҳиймиз Лениннинг кадр танлаш масаласида ҳам жуда кўзи ва ҳисси ўткирлиги ҳақида гапириб берди. Бир куни Владимир Ильич, теварагида ишлаб юрган кишилардан бирининг эғнида бир тугмаси тушиб қолганига эътибор берди. Эртасига кузатса ҳали ҳам қадалмаган. Индинига ҳам. Шу орада қай бир областга ғалла тайёрлаш бўйича одам юборилиши керак бўлибди-ю, ёрдамчилар ана шу кишини таклиф қилишибди, мақташибди, ҳалол, ташкилотчи деб. Лениннинг кўзига ҳадеб ҳалиги қадалмаган тугма ўрни кўринаверибди-ю, рози бўлмабди. Аммо областга тезда кимнидир юбориш лозим эди. Бошқа одам топилмаганидан Владимир Ильич охири кўнибди. Оз ўтмай ўша одам юборилган область ғалла тайёрлаш масаласини барбод қилибди. «Айтмадимми» дебди Владимир Ильич ичида куйиниб, тағин ҳалиги қадалмаган тугма кўзига кўриниб кетиб.

Шоир бу ерларда ана шундай «тугмасини вақтида қадай олмай юрган» бефарқ одамлар борга ўхшайди деб ўйлаб кетди. Бундай кишилар бор жойда албатта иш яхши кўчмайди, ҳатто барбод бўлади. Ҳамма ишни ўз вақтида қилиб қўйиш керак. Вақтинг кетди, бахтинг кетди деб шунга айтадилар.

— Борди-ю, ана шу йиғиб олинмаган гўзалар вильт касали билан оғриган бўлса-чи... бу келгуси ҳосилнинг офати-ку. Буни ҳар бир деҳқон яхши билади. Ернинг шўри қурийди. Мана, масалан, Хоразм қовунлари! Бундай қовунлар ҳеч қаерда йўқ. Уларни асрамоқ керак. Хоразм қовунларини билмайман-у, аммо, аллақандай қовунлар бозорларда ҳали ҳам тош бўлиб ётишади. Одамлар олгани кўрқади. Ахир шакар захарга айланган-да. Бу ҳам кичкина масаламас...

Бизни Карл Маркс номидаги колхоз китобхонлари кутиб олишди. Улар Уйғунни яхши билар эдилар. Бизга сўз бермай ўзлари ўқиб кетишди шоир шеърларидан, драмаларидан, дostonларидан. Улар ёд ўқишарди. Шоирга бундан ҳам баланд бахт борми! Уйғун ижоди халқ ҳаётига кириб кетган. Унинг «Алишер Навоий», «Ибн Сино», «Беруний», «Зебуннисо», «Хуррият», «Парвоз», «Олтин кўл», «Навбахор» сингари тарихий сиймолар ҳамда замонамиз қаҳрамонлари образларини баланд илҳом билан яратиб берган асарлари муаллимлар, муаллималар, ўқувчилар тилида янгради. Шоир уларга атаб ёзган шеърларидан, ғазалларидан ўқиди. Уни узоқ вақт минбардан туширмадилар. Бу албатта, халқнинг унга бўлган чексиз муҳаббати эди. Шоирга ҳурмат, албатта адабиётимизга чексиз муҳаббат нишонаси эди.

Бу йил оқсоқол адибимиз саксон ёшга кирди. Халқимиз унинг муборак ёшини қутламоқда. Унга саломатлик ва саодат, катта илҳом ва ижод тиламоқда! Адабиётимизнинг оқсоқоли доимо соғ бўлсин.

Нуриддин Шукуров

КАМОЛОТ ДОВОНЛАРИ

«Унта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи» деган нақл бор халқимизда. Фарзандларга нисбатан айтиладиган бу гапни адабиёт ва санъат чаманидаги ноёб истеъдод эгаларига ҳам қўлласса бўлади.

Йигирманчи йилларнинг ўрталарида социализмнинг иқтисодий ва маънавий хазинасини яратиш йўлида қизғин курашлар авж олган даврда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний ва Сўфизода каби ижодкорлар сафига Ойбек, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Комил Яшин, Миртемир, Ойдин каби бир гуруҳ истеъдодли ёшлар қўшилдики, уларнинг ҳар бири кейинчалик адабиётимиздан ўзига хос ўрин эгаллади.

1905 йилнинг илк кўкламида Туркистоннинг Марки қишлоғида истиқомат қилувчи Отақўзи ака хонадонидида ўғил дунёга келди. Унга Раҳматулла деган исм қўйишди. У соғлом ва зийрак бола бўлиб ўсди. Қишлоғидаги юзлаб болалар каби у ҳам аввал она алласини, сўнг дала-қирлар қўйнида гўзал табиат қўшиғини тинглаб улғайди. Ота хонадонидидаги китобхонликлар туфайли онги, зеҳни камол топа бошлади. Шуларнинг ҳаммаси ёш Раҳматулла қалбиди адабиётга, ўқиш-ўрганишга, гўзаликка кучли меҳр уйғотди. У қишлоғида бошланғич маълумот олгач, Тошкентда ўқишни давом эттиришга қарор қилди. Россияда, шунингдек, Тошкентда ва ўз қишлоғида содир бўлган инқилобий ўзгаришлар ўсмирнинг кўнглига фўлғулалар, катта орзу-умидлар солган эди.

Раҳматулла 18 ёшида Тошкентга келиб, Карл Маркс номидаги педагогика билим юртига ўқишга кирганида у шоир, ижодкор бўлишни, шу йўл билан халқига хизмат қилишни кўнглига қаттиқ тугиб олган йигит эди.

Уйғунлик — ҳамоҳанглик, мувофиқлик, бирлик маъноларини ифодалайди. Бу сўзнинг маъноси Уйғуннинг ҳаёти ва ижоди мазмунига тўла мос келади. У йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан социализм қуриш йўлидаги оммавий ҳаракат билан, шу ҳаракатга қўшилган ёш қаламкаш дўстлари билан чинакамига уйғун бўлиб кетди.

У техникумни тамомлагандан сўнг, 1925-1927 йилларда ўқитувчилик билан шуғулланди. Шу билан бирга, «Ер юзи», «Маориф ва ўқитувчи» журналларида, газеталарда бир қанча шеър ва ҳикояларни нашр эттирди. Аммо унинг шоир сифатида танилиши Самарқанд педагогика институтини (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) ўқиб, таълим олган йилларига тўғри келади (1927-1930-йиллар). Самарқанд педагогика институтини у марксизм-ленинизм таълимотини, адабиёт назарияси ва тарихини, Навоий, Муқимий, Фурқат, Пушкин, Лермонтов, Горький, Маяковскийлар ижодини чуқур ўрганди. Қаламкаш дўстлари билан бир қаторда адабий ҳаракатга актив иштирок эта бошлади.

20-йиллар Ўзбекистонда ҳам эскиликни емириш, янгиликни барпо этиш ва кескин синфий курашлар даври бўлди. Ўзбек совет адабиётида социалистик мафкура билан буржуа мафкураси ўртасида кескин курашлар давом этар эди. Уйғун ана шундай мураккаб бир

Биз, москваликлар, ўзбек адабиёти ва санъати декадалари пайтларида Уйғуннинг сахна асарларини мириқиб томоша қилганмиз.

Айниқса, унинг драматург Иззат Султон билан ҳамкорликда ёзган «Алишер Навоий» ва «Олтин кўл» каби драмалари бизда яхши таассурат қолдирган.

НИКОЛАЙ ГРИБАЧЕВ



шароитда ўзбек адабиётига ўзининг янграқ сози, жарангдор овози билан кириб келди. У дастлабки шеърларидаёқ янги замоннинг бахтини куйлаяжагини ифодалади. Шу тариқа, ёш Уйғун шеърляти буржуа мафкурасидаги шоирларникига қарши жаранглаган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжонлар овозига жур бўлиб кетди:

**Миллионлар бахтини куйлайман,
Миллионлар бахтини!
Фабриканинг овоз тўла қўйнида,
Меҳнатнинг иродасидан сўйлайман.
(«Олтин соз»)**

Уйғун ўзининг ана шу эътиқодига доим содиқ қолди. У миллион-миллион совет кишиларининг курашидан, қаҳрамонона меҳнатидан илҳомланди, завқ олди. Шоирнинг 1929 йили Самарқандда чиққан «Баҳор севинчлари» номли биринчи шеърлар тўплами, кейинчалик бирин-кетин нашр этилган «Ҳикоялар» (1931), «Иккинчи китоб» (1933), «Шеърлар» (1936), «Қуёш ўлкасига» (1936), «Муҳаббат» (1939) каби китобларидаги асарлар бунинг гувоҳи.

Уйғуннинг 30-йиллар шеърлятида хотин-қизлар озодлиги, эрки ва бахти учун кураш мавзуси алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўз эрининг меҳнатдан узоқлашиб, дайдиб юришидан изтиробга тушган колхозчи аёл Гуласалнинг аҳволи шоир дилига изтироб солади. Уйғун Гуласалга «Нега юзингда, қўзингда, дилингда товланиб, кулиб турган чекаги шон йўқ?» деб мурожат қилади. Унинг қайғу, озор чекишига сабаб бўлган салбий воқеа-ҳодисаларни аёвсиз фош қилади («Гуласал»).

Уйғуннинг 30-йилларда яратган «Тонгги бўса», «Куз кўшиқлари», «Коммунизмнинг гул боғларига», «Назир отанинг ғазаби», «Олтин севги» каби шеърлари, «Жонтемир» поэмаси ўзбек совет шеърляти тарихига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди.

Бу асарларда янги жамият қурувчиларига оташин меҳр, ҳаёт ва табиат гўзалликларидан олинган завқу шавқ ўз ифодасини топди. Шоир давр қаҳрамонларининг характер хусусиятларини Назир ота, челюскинчилар, Аширгул, Башорат, Она, Жонтемир, Гуласал каби образларда умумлаштирди. Назир ота образи қонида меҳнат ғайрати, руҳида ватанпарварлик туйғуси жўш урган чолларимизнинг тимсоли сифатида ҳали-ҳануз яшаб келмоқда.

«Хотин ҳам, фарзанд ҳам кўрмаган, кимсасиз, бечора бир йигит, кулбасиз, тўшаксиз, яланғоч, ҳаётнинг завқини сурмаган» Жонтемирнинг бой молларини боқиб, хор-зорликда яшовчи подачидан зарбдор бригадир, механизатор, фаол колхозчи бўлиб етишганлиги қалбимизга ҳамон завқ солади.

Уйғун кўклам гўзалликларидан, янги ҳаёт баҳоридан беқиёс завқ-шавқ олди ва уни ўзига хос жўшқинлик билан ифодалади. Табиатнинг ёрқин манзараларини чизишни, уларни жонлантириб тасвирлашни ўз шеърый услубининг етакчи воситасига айлантди. Шоирнинг 1934 йилда ёзилган «Тонгги бўса» шеърини хотирангизга келтиринг: «Бир қарашда оппоқ шоҳига ўхшар, бир қарашда мармар... бир қарашда зар, бир қарашда эса садафга ўхшар», «табиат саҳарда мисли бир гунча, тонг эса гунчанинг очилган қоғи». Ана шу уйғунона тонг манзараси ҳамиша кўзимизни қувонтиради, дилимизни яйратади. Гўзал тонг манзарасига параллел равишда қувноқ қиз-йигитларнинг эрта тонгда ишга, ўқишга кетаётгани ҳам шеърда жўшқин завқ-шавқ билан тасвирланади. Табиат ва ҳаётнинг ёндош қўйилган икки лавҳасидан сўнг тизилиб келган риторик сўроқлар ва такрорлар ҳаяжонли шеърый нутқ яратиб, шоир ҳиссиёти чексизлигини ифодалайди. Буларда воқеликни идрок этиш ва тасвирлашнинг уйғунона услуби намоён бўлади.

Классик поэзиямизда баҳор ёшлик, куз эса кексалик, ҳатто инқироз рамзига айланиб кетган эди. Уйғун «Куз кўшиқлари» шеърда ноқул олмаларни, анору узулларни жонлантириб тасвирлар экан, кузни эркин меҳнат билан вужудга келтирилган табиат ва ҳаёт гўзаллиги, халқ фаровонлиги тимсоли сифатида ифодалади.

Табиат ва жамият ҳодисаларини, лавҳаларини қиёслаб, тасвирлаш ва шу аснода ҳосил бўлган туйғуларни бўрттириб ифодалаш усули Уйғуннинг Улуғ Ватан уруши даври ижодида янада такомиллашди. У қаламини фашизмнинг ёвузлигини фош қилишга, совет кишиларининг бардоши, қаҳрамонлиги ва олижаноблигини улуғлашга қаратди. Шоирнинг «Қор», «Қизалоқнинг ўлими», «Лолалар», «Партизанлар», «Сурат», «Шум қадам», «Тоғлар», «Ваъда», «Анор», «Бинафша», «Момогулдиррак», «Зафар ҳилоли», «Тасавуур», «Қуёш йўли», «Ойга» каби шеърлари Улуғ Ватан уруши даври ўзбек лирикасининг энг яхши намуналаридир.

Бу шеърларнинг аксариятида фронтда фашист газандаларига қарши қаҳрамонона жанг қилаётган аскар йигит ва Ўзбекистонда — колхоз далаларида айрилиқ азобларини енгиб, меҳнат қилаётган сеvimли қиз образи гавдалантирилади. Йигит ва қизларнинг жанг ва меҳнатдаги фидойилиги ватанпарварлик ифодаси сифатида тасвирланади. Бу эса ана шу



Уйғун, Зулфия, Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Темур Фаттоҳ, 1951 йил.

образларнинг ижтимоий салмоқдорлигини таъминлайди. «Сурат» шеърида гўзал қиз жангдаги севгилисига хат ёзиб, «қошларимни кўрмоқ истасанг, кўкка қара, чиққанда ҳилол, кўзларимни кўрмоқ истасанг назарингни юлдузларга сол» дейиш билан классик поэзия-миздаги маъшуқа образига хос аънавий чиройли нозу истиғнолар билан эркalanади. Уз ошиғини юпатади, уни ғалабага илҳомлантиради. Жангчи йигит ҳам айрилик азобида ўртаниб кўз ёши тўкаётган узоқдаги ёрига жавоб мактуби ёзар экан, унга ажиб бир лутф билан тасалли беради:

**Узинг-ку хатингда қуёшим дебсан,
Нега Ғарбга кетсам йиғлайсан тўлиб!
Мен ахир ённингга борсам бўлдим,
Тонг бўзарганида қуёшдай бўлиб!**

Бу қиёсларда аънава қадимий, аммо шоирнинг фикрлаши, образлар поэтик мазмун, муҳими, ғоя янгича. Табиат манзараларида жамият ҳодисаларининг инъикосини кўриш, акс-садосини эшитиш усули Уйғун шеърий услубига хос муҳим хусусиятлардан бирига айланиб кетган.

«Момогулдирак» шеъридаги лирик қаҳрамон гулдирак садосида душманга қарши отилаётган тўп овозини эшитади. Қуяётган жала душман устига ҳисобсиз ўқларнинг ёғилиши, чақмоқ ёв бошида чақнаётган қиличларнинг ярқираши бўлиб кўринади.

«Тасаввур» шеърида қизнинг кўзига душман зулми остида қолган қишлоқ уфқидаги шафақ қип-қизил қон бўлиб, ёнаётган қишлоқ, шаҳарлар алангаси бўлиб туюлади. Совет Армияси томонидан озод қилинган шаҳар, қишлоқлар уфқидаги шафақ эса ғолиблар шаънига кўтарилган қизил гулдаста, ботирлар шаънига лаълиранг қосада тутилган алвон шароб бўлиб кўринади. Булар ғоят чиройли, гўзал лирик тасвирлар сифатида Уйғун шеъриятида юксак ғоя, теран мазмун ташувчи образларга айланади. «Бинафша» шеърида бинафша ва кўк нимча кийган қиз образлари бир-бирига параллел тасвирланади. Шоир тинчлик давридаги кўкламда бинафшани «Баргикарам кўйлак, бинафша нимча» кийган, боши нозик эгилган, майин латофат билан уялиб турган қизга ўхшатади. Бу тинчлик даврининг ажойиб манзаралари ва туйғуларини умумлаштиради. Уруш давридаги бинафшада эса фашистлар томонидан ўлдирилган ота-онасига аза тутиб устига кўк кийган, совуқдан, очликдан кўкариб, бўйни эгилган етимча қиз тимсолини кўради. Шеър тезда зафар баҳорининг келиши ва ана шунда ғалаба байрамини олқишлаш учун бошқа қизлар қаторида ўша етимча қиз ҳам «баргикарам кўйлак, бинафша нимча» кийиб чиқишига ишончни ифодаловчи оптимистик руҳ билан тугайди.

Уйғуннинг Улуғ Ватан уруши давридаги гўзал лирик шеърлари яратилганидан буён поэзиямиз қирқ йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Лекин ҳозир ҳам у шеърлар ҳар қандай китобхон талабларига тўла жавоб бера олади, оғир уруш йилларидаги тугёнли туйғулар, фожиали ҳаёт лавҳалари ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилади, қалбга ҳаяжон солади.

Бадий адабиётнинг ҳам, адабий танқиднинг ҳам босиб ўтган йўли биз учун сабоқ бўлмоғи керак. Шу нуқтаи назардан қараганда қирқинчи йилларнинг иккинчи ярмида Уйғун

лирикасига нисбатан баъзи бир адолатсиз танқидий фикрлар баён қилинганлигини афсус билан қайд этиш керак. Айрим мақолаларда Уйғуннинг Улуғ Ватан уруши даври шеърлятидаги образлар катта граждандлик туйғусидан маҳрум деган фикрлар айтилди. Ваҳоланки, юқорида биз қисман таҳлил қилиб ўтган шеърларда жангчи йигит ва колхозчи қизлар образи ўзининг кучли ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фашизмга нафрат туйғулари билан намоён бўлади. Бу ҳаёт ҳақиқатини реал акс эттириш самараси эди. Уйғун шеърляридаги персонажлар уруш даври фожиаларидан, азоб-уқубатлардан, айрилиқ ва йўқотишлардан изтироб чекиб ўртанувчи тирик одамлар бўлганлиги учун ҳам ҳаётини ва олийжаноб. Замири ноаниқ, сабаби очилмаган, мавҳум ҳасратзадалик бошқа гап. Уйғун шеърляридаги қизлар оғир айрилиқ азобидан, жудодликлардан ўртаниб аччиқ кўз ёшлар тўкадилар. Шунинг учун шоир яратган бу образларни «йиғлоқи», «пессимист», «гул жинниси» деб айблаш тўғри эмас эди.

Уйғун ўз шеърлярида гуллар қумликларни чекинтиришни тасвирлар экан, совет кишиларининг бунёдкорона меҳнатини улуғлайди. Бўлқининг тинмай қайнашни ифодалар экан, уни инсоннинг тинимсиз меҳнати билан қиёс қилади. Тик қоматли сарв дарахтини анъанавий тарзда гўзал ёр қоматида эмас, ойга учиш учун шайланиб турган ракетага ўхшатади. Бу метафора шеърлятидаги оригинал изланишларга яхши мисол бўла олади.

Уйғуннинг «Инжу ва кўпик» шеърлярида сунъий, ўткинчи шухрат билан табиий шухрат ўртасидаги зиддият ва кураш рамзий образлар орқали акс эттирилган. Унда кўпик образи инжудан гўзалман, инжудан баланддаман деб мақтанади. У денгиз остидаги инжуга кучинг ва қимматингга ишонсанг денгиз юзасига чиқ деб, кесатиг ҳам қилади. Лекин шоирнинг кўпик образига берган поэтик характеристикасида унинг «дурдонда»лиги сунъий, ёлғон эканлиги яққол фош этилади.

«Инжу ва кўпик» поэзиямиздаги энг муваффақиятли рамзий шеърлардан биридир. Унда айрим шахсларнинг сунъий шухратга интилиб, ўзини ҳар ёққа урганганликлари ва оқибатда кўпикдай учиб кетганликлари поэтик умумлаштирилган.

Уйғуннинг адабиётимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси драматургияси билан алоҳида салмоқ касб этади. У драма ёзишга қирқинчи йилларнинг бошларида ўтди. Шундан кейинги 40 йиллик ижодий изланишлар давомида 20 дан ортиқ саҳна асарлари яратди. Бундай маҳсулдорлик ижодкорларимизда камдан-кам учрайдиган фазилатдир. Албатта, бу пьесаларнинг ҳаммаси муваффақиятли чиқмаганлиги маълу. Аммо уларнинг ҳар бири конкрет тарихий давр талаблари асосида юзага келди ва мавзун гоявий-эстетик эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилди. «Она», «Ўзбекистон қилчичи» (Николай Погодин, Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла билан ҳамкорликда), «Ҳаёт кўшиғи» драмалари уруш даврининг айрилиқ ва етишмовчилик азобларини мардонаворлик билан енгувчи, ватанпарварлик, қаҳрамонлик гояларини ташувчи образлари билан қимматлидир. «Қалтис ҳазил» (1945) комедияси, «Олтин кўл» (1948) ва «Навбахор» (1949) драмалари эса колхоз экономикасини юксалтириш йўлида қолоқ тушунчалар билан илғор қарашлар ўртасидаги курашларни ўзда мужассамлаштирувчи колхозчилар образини яратиш жиҳатидан Уйғун драматургиясида дастлабки қадамлар бўлди. «Хуррият», «Парвоз», «Шубҳа» каби пьесаларида айрим ходимларнинг мутаассиблик, хиёнат ва жиноят йўлига ўтишларига қарши кураш руҳи ўз ифодасини топди.

«Хуррият» пьесасидаги собиқ раис Қосим ака колхоз ишлаб чиқаришни механизациялаштиришдек муҳим иш билан шуғулланишни истамайдиган, илғор ҳодисаларга лоқайдлик билан қаровчи, хотин-қизларнинг ҳўжаликка, ташкилотга раҳбарлик қилишига тоқат қилолмайдиган шахс. Унинг колхоз правлениеси раиси лавозимидан олинишини, ўрнига илғор механизатор аёлнинг сайланишини кўрсатиш билан драматург давримиз тараққиётига хос янгича тенденцияларни тўғри акс эттиради.

Раҳбар ходимнинг ишдан олиниши кўпгина асарларда сюжет ечимини ташкил этади. Аммо Уйғун бу асарда эски раҳбарнинг ишдан олиниши ва янги раиснинг сайланиши воқеасини сюжет тугуни сифатида олади. Натижада драматург зиммасига аёл раиснинг ташкилотчилик қобилиятини, тадбиркорлигини, колхоз ташкилий-ҳўжалик жиҳатдан янада мустақамланишини қадамба-қадам кўрсатиб боришдек оғир вазифа тушади. Хурриятнинг колхоз ишлаб чиқаришига механизацияни кенг жорий этиш, юлғичлик, қолоқнинг пайини қирқиш, тартиб-интизомни мустақамлаш учун дадил кураш олиб боришни кўрсатиш жараёнида ақлли, тадбиркор ва ташкилотчи аёл образини яратишга муваффақ бўлади.

«Парвоз»ни драманинг мантиқий давоми дейиш мумкин. «Хуррият»да колхоз раиси бўлган Хуррият «Парвоз»да райком секретари, Жабборов эса обком секретари лавозимидаги образлар сифатида берилди. Бу партия ходимлари колхоз раиси Иноғомжон Мамасолиевнинг партиявий ахлоқ нормаларидан чекиншига, ҳаромхўрлик ва бузуқчилик йўлидаги ҳаракатларига қарши кескин курашадилар.

Очигини айтиш керакки, «Парвоз» драмаси пайдо бўлганида айрим ўртоқлар унга ҳадиксираб қарадилар. Мамасолиев хатти-ҳаракатларини айрим салбий ҳолатларни асоссиз равишда бўрттириш деб ҳисобладилар, Ваҳоланки, Уйғун бундан 15-20 йил олдин яратган бу образларнинг пафоси партиямиз ҳозирги кунларда кадрлар софлиги учун олиб бораётган кураши сиёсатида тўла-тўқис мос.

Уйғун ижодида тарихий драмалар ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу мавзуга мурожаат 1943 йилда Иззат Султон билан ҳамкорликда ёзилган «Алишер Навоий» драмаси билан бошланган эди. Кейинги йилларда у «Абу Райҳон Беруний», «Зебуннисо», «Абу Али ибн Сино» каби бир қатор тарихий драмалар яратди.

Ҳафиз Абдусаматов, Турсун Собиров, Бердиали Имомов, Садоҳиддин Мамажонов каби олимлар яратган илмий-танқидий асарларда «Алишер Навоий» драмасининг гоявий-бадий фазилатлари ҳақида қимматли фикрлар билдирилган. Шунинг назарда тутган ҳолда мен драманинг тил хусусиятлари ҳақида баъзи мулоҳазалар баён этишни ўринли деб биламан.

Уйғун ва Иззат Султон бу асарда ҳар бир персонаж тилини тарихий даврга, муҳитга ва ўз характерига тўла мос равишда ишлашда катта маҳорат кўрсатган. Драмадаги бир неча лирик саҳналар шеърини нутқ билан, образлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни акс этдирувчи

Уйғун ижодиёти ўзбек совет адабиёти тарихининг улкан ва мароқли саҳифасини ташкил этади. Уйғун тўғрисида гап кетганда, кўз олдимга оташнафас шоир, ардоқли драматург, ўзбек адабиётининг алломаси, атоқли жамоат арбоби, қолаверса, одамийликнинг барча яхши ҳислатларини ўзнда мужжасам этган олижаноб инсон, энг муҳими, замонамизнинг қаҳрамони даражасидаги софдил коммунист келади.

Комил ЯШИҢ
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



саҳналар эса насрий йўл билан ёзилган. Бироқ бир нутқ шаклидан иккинчисига ўтиш шунчалик табиийки, уни баъзан тингловчи сезмай қолади. Навоий ўз нутқи орқали, қалби нозик туйғулар билан лиммо-лим тўла ҳассос шоир, ижтимоий ҳодисаларни, жамиятнинг аҳволини теран идрок этувчи донишманд, давлат ишлари хусусида шох ва бошқа амалдорлар билан кучли мантиқий далиллар асосида дадил гаплашадиган сиёсатдон сифатида гавдаланади.

Алишернинг «Эй насими субҳ» деб бошланувчи ўз ғазалидан уч сатрини ёқимли оҳанг билан талаффуз этиши ва шу орада шийпон ёнида Гулининг пайдо бўлиб, ғазалнинг тўртинчи сатрини айтиши дарҳол тингловчини сеҳрлаб олади. Тўғри, бу мисралар Навоий қаламига мансуб. Лекин Навоий тилидан берилган сўнги сатрлар эса Уйғун ва Иззат Султон қаламига тегишли. Улар, биринчидан, Навоий ғазалидан олинган сатрларга ҳамоҳанг, иккинчидан, Алишернинг шу пайтдаги кўтаринки, ошиқона, кайфиятига гоят мос бўлиб, қалбидаги фавқулудда ҳаяжонни авж пардада ифодалайди. Навоийнинг

**Кўзимнинг нури кел, тоза гулим кел,
Кўнгил боғида сайроқ булбулим кел,**

деб Гулига мурожаат қилиши шунчалик ҳароратли, таъсирлики, беихтиёр хаёлни сеҳрлаб олади.

Навоийнинг Гули ва Жомий билан суҳбатлари қанчалик майин, лирик характерда бўлса, Ҳусайн Бойқаро билан суҳбатидаги сўзлари шунчалик ижтимоий салмоқдорлиги ва теранлиги билан эътиборни тортади.

Ҳусайн Ёдгор Мирзо исёнини бостиришни ўйлаб, мунажжим қуръасининг таъсирида «Мен у нодонларга Темур авлоди қиличининг қудратини яна бир бор кўрсатай», деб ғазабланганда Навоий қатъият билан «Халқнинг тақдирини мунажжимларнинг шубҳали қуръаларига қараб эмас, балки ақл ва идрокнинг талабига кўра ҳал этмак зарур» дейдики, бунда Навоий ақли ва донишмандлигининг кучи яққол ифодаланади.

Драманинг охири пардасидаги Ҳусайн ва Навоий диалоги ҳар иккала образнинг психологик ҳолатини, характер мантиқини ёрқин очувчи бадиий нутқ намунасидир.

Ҳусайннинг «Дўстим, сиз дунё лаззатларидан кешиб нима орттирдингиз? ...фоний дунёнинг орзу ҳавасларидан воз кечиб, қолган умримизни ҳаловатда ва фароғатда ўтказайлик. Тахт бебақо, дунё бевафо» деган сўзлари айшу ишратдан, қаҳру зулмдан, фитна-адоватдан чарчаб толиққан, забунликка юз тутган ҳукмдор ҳолатини бутун мураккаблиги билан очди. Навоийнинг «Икки буюк дарё бўйидаги халқимни яққалам қилдим, тилимизни таҳқир ва ҳақорат ботқоғидан шеърят осмонига кўтардим» дея фахрланиши, Ҳусайнга хитобан «Мен янглишибмен. Мен писта пўчоғидан кема қилмоқчи бўлибмен» деган киноя ва таъналарга тўла сўзлари, «Мен мамлакатда адолат машъалани ёқмоқчи бўлдим, ammo зулм мендан зўрлик қилди» деган хитоблари нақадар табиий жаранглайди. Лекин муаллифлар бу сўзлар билан Навоий образига нуқта қўйиш мумкин эмас деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам хотимада Навоийни келажакка, ҳақиқат ва адолат тантанасига ишонч билан қаровчи буюк донишманд сифатида гавдалантирадиган, унинг маънавий устунлигини таъкидлайдиган монолог яратадилар. Бу монологда Уйғун ва Иззат Султоннинг Навоий нутқи устида ишлаш маҳорати тўла намён бўлади. Ҳусайннинг тушкунлик руҳидаги сўзларига жавоб берар экан, Навоий шундай дейди:

«Ноумид шайтон. Мен ҳали умидларимдан воз кечганим йўқ. Биз етмаган умидларга келажак авлодларнинг етмоғи мумкин. Қачонлардир адолат офтоби барқ уриб чиқмоғи керак. Дунёда бахт ва ҳақоният тантана қилмоғи лозим. Одамлар ўртасида низо йўқолмоғи даркор. Ammo қачон? Бу савол ҳамон жавобсиз қолди. Лекин инсоният бу жумбоқни ахир ҳал қилур. Чунки унинг қўлида ҳақиқат ва адолат йўлини ёритувчи тафаккур машъали бор. Шунда кишилар мени ўзларининг буюк ҳамкорликларига чақирурлар ва мен асрлар оша ўз шеърларим билан лаббай деб жавоб берурмен».

Бу гап XV асрнинг буюк шоири ва мутафаккирининг характер мантиқига, фикрлаш йўсинига мослигини юракдан ҳис этамиз. Бунга муаллифлар қандайдир архаизмлар, араб ёки форс сўзларини ишлатиш орқали эришганлари йўқ. Лекин шу билан бирга юқоридаги жумла қурилишлари ўша давр тилига мослиги яққол сезилиб туради. Уларда Навоийнинг турли асарларида мавжуд бўлган «Айладим ул мамлакатни яққалам», «Деди ҳар ишки қилмиш одамизод, тафаккур бирла билмиш одамизод», «Шоҳиким анга адл бунёд эрур, натижа буким мулки обод эрур» каби мисраларнинг акс-садоси эшитилиб туради.

«Алишер Навоий» драмаси тилининг теран маъноли, ихчам, халқчил, образли, ҳиссиётли эканлиги бу асарнинг халқимиз тилида ва дилида ёд бўлиб кетишига сабаб бўлди.

Маърифат ва жаҳолат, адолат ва зулм, инсонпарварлик ва ёвузлик, олижаноблик ва қабихлик, камтарлик ва манманлик каби бир-бирига зид хусусиятлар курашини конфликт асоси қилиб олиш Уйғун яратган, «Абу Али ибн Сино», «Абу Райҳон Беруний», «Зебуннисо» каби тарихий драмаларнинг ҳам муштарак белгиларидир. Бироқ, бу хусусиятлар турли даврларда яшаган тарихий шахслар қиёфасида умумлаштирилиши, турлича тарихий шароитлар фониди хилма-хил коллизия ва интригалар жараёнида очилиши туфайли бу асарларнинг ҳар бири ўзига хос фазилатлар касб этган.

«Алишер Навоий» драмасида Навоийнинг ҳақиқат, адолат, ободонлик, эркин муҳаббат учун кураш йўлидаги идеали ва фаолияти билан Ҳусайн Бойқаро, Мажидиддин, темирӣ шаҳзодаларнинг амалу мансаб, тожу тахт учун курашлари ўртасидаги зиддият конфликт ва сюжет учун асос қилиб олинган. «Абу Райҳон Беруний»да эса буюк олимнинг илм-маърифатни, халқ ҳаётини яхшилаш йўлидаги гуманистик фаолияти, фидойилиги билан Маҳмуд Ғазнавийнинг мамлакатларини талон-торож қилиш, бойлик тўплаш борасидаги ёвуз ҳаракатлари бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Ибн Сино зулму истибдод ҳукмрон бўлган даврда меҳнаткаш халқ саломатлиги йўлида ўз ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, инсон камолати учун курашган буюк аллома бўлиб гавдаланса, Зебуннисо ўз отасининг золимлиги туфайли изтироб чеккан, севгиси поймол қилинган, умрини танҳоликда ўтказиб, ўз ҳасратларини назмда ифодалаш билан буюклик касб этган шоира сифатида намоён бўлади.

Хуллас, Уйғуннинг ўзбек совет поэзияси ва драматургияси тараққиётига қўшган ҳиссаси гоят баракалидир. У «Алишер Навоий», «Ленин йўлланмаси билан», «Авлиёнинг саргузашти» кинофильмлари сценариясининг муаллифларидан биридир. «Гуландом», «Алишер Навоий», «Зебуннисо» операларига ёзган либреттолари шоир ижодининг салмоғини янада оширади.

Ойдин Ҳожиева

ЁШЛИККА САДОҚАТ

*Дилимга тўлдирган ҳаёт ишқини,
Қўлимга тутқазган куйлагил деб, соз;
Сен эдинг баҳосиз, қадрдон ёшлик,
Биринчи муаллим, биринчи устоз!*

Ёшлик йилларидаёқ созини замонага мослаб созлай олган, ярим аср ўтган ҳам таровати барқ уриб яшнаётган шеърлар битган шоирлар энг бахтиёр ижодкорлардир. Уз даврининг нафаси уфуриб турган «Салом, сизга келажак», «Назир отанинг ғазоби», «Бригадир Карим» каби содда, гўзал, мазмунли, даъваткор шеърларни устоз Уйғун кечагина Уртачўлни айланиб келиб, бугун тонгда ёзиб, ўқиб тургандай. Қаҳрамонлик юлдузи ўзига ярашиб турган пахтакор Х. Сулаймонов билан чаҳ-чаҳлашиб, «баракалла, Сизга» деб «Назир отанинг ғазоби» шеърини қоғозга туширгандай.

«Бригадир Карим» шеъри қаҳрамонини гўё Сурхондарёда учратиб қолиб, «Ҳорманг, акаси! Кечаги саволларингизга жавоб топдингизми?» деб самимий тикилиб тургандай.

Кумуш тонглар сувратини сўз билан моҳирона чизиб, энди «ўқувчимга ўқиб берсам бўлармикан», деб мулоҳаза қилаётгандай...

Уша жарангдор, ёшликда созланган соз ҳамма пардаларида куйлаб, ғазаллари билан дилларни мафтун қилди. Саҳнавий асарлари билан дилларни поклади, уйғотди... Буюк Навоийни даврамызга олиб кирди, Навоий овозидан баҳраманд бўлдик... Зебуннисонинг ҳаётини ўтмиш қаърларидан юлиб, янги умр берди...

Уйғуннинг сози ишқу муҳаббатдан куйлаганда, вафо, садоқатни умрига мазмун билган, қалби дарёдай тошқин навқирон авлоднинг орзулари, ширин тушлари, хандон кулгилари, аҳду паймони билан қўшилиб, арғанундай минг оҳангли бўлиб сайрайди...

Уйғун шеърларини она сути оғзидан кетмаган болакайлар ўқиса онага, Ватанга жон фидо бўлсин, деган бурро сўзлар билан уларнинг тили чиқади...

Мактаб партасидаёқ ўзимиз кўрмаган Уйғун бобо билан такрорлаганмиз:

Бизни саодатга йўллаган, Ватан,
Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан!

Мақтабим ҳовлисида, очиқ саҳнада Уйғун ўқиган шеърлар Бўстон қишлоғи боғларида ҳар йил қушларнинг қўшиғига қўшилиб янграйди десам муболаға бўлмас...

Уйғун ота!

Бахтингиз, ёшликка содиқ созингиз йўллари узун бўлаверсин! Ҳамма ҳам сиздай ёшлигини устоз деб улуғласин, ёшлигига садоқатли бўлсин.

Маъруф Жалил

ҲАЁТ ЧИРОЙИ

Хўрозлар қичқирди узоқ-узоқдан
Оҳиста бўзарди кечанинг туси.
Минг хил жилва билан кўтарилди тонг,
Гўё қанот ёзди эрам товуси.

Шу мисраларни ўқиганимда ҳар гал бола чоғларим эсимга тушади. Юрагимда бир орзиқиш, бир илиқ шуъла пайдо бўлади. Аллақачон бузилиб, пахтазорга айланиб кетган ариқ бўйидаги боғимиз кўз олдимга келади. Қуёшга қаратиб қурилган уй, олди узунасига супа. Супага катта марвартак тут дарахти соя ташлаб турарди. Ёз кечалари бувим шу супага қатор қилиб ўрин тўшарди. Ҳар куни эрта тонгда қушларнинг чуғур-чуғуридан уйғониб кетардим. Девор тепасида хўроз қичқиради, нарироқда, товуқлар қу-қулаб, жужалар чий-чийлашиб юрарди.

Яхши шеър ўқувчининг қалби ва шуурига таъсир қилибгина қолмасдан, йиллар ўтган сари юрагининг хилват бурчакларида, кейинги турли-туман ҳодисалар остида қолиб кетган туйғуларини уйғотиб, юзага чиқариб юборади. Ҳаяжонга солади, хаёлларга толдиради. Ҳаётидаги энг азиз ёки кўнгилсиз дамларни кўз олдига келтиради. Қайта яшашга, ҳис қилишга мажбур этади.

Уйғун аканинг фақат юқорида парча келтирилган «Тонгги бўса» шеърини эмас, «Олтин севги», «Куз қўшиқлари», «Ватан ҳақида кўшиқ», «Келади», «Ҳаёт қақиради мени ёнига», «Жонтемир», «Гулаласал» каби асарларини ўқиганда ҳам шундай ҳолатларни бошдан кечиради киши.

Уйғун шеърларининг лирик қаҳрамони бетараф ёки ҳовлиқма, такаббур ёки жижизакчи одам эмас, бир мақсадга интилувчи, тақдирини жамият тақдири билан боғлаган, халқнинг орзу-умидларидан бошқа мақсади бўлмаган совет кишисидир. У пахтакорми («Бригадир Карим», «Анорхон»), чўпонми («Жонтемир»), санъаткорми, файласуфми, ким бўлмасин, янгилик учун, жамият учун фойда келтиришга интилувчи, жон куйдирувчи одамлардир.

Шоир табиатни севади. Кўпчилики шеърларида ёрқин манзаралар чизади, лекин табиат гўзаллиги унинг учун кўзни қувонтирувчи, қалбига роҳат берувчи гўзалликигина эмас, китобхонга айтмоқчи бўлган фикрини, лирик қаҳрамоннинг ҳолати, руҳияти ва кечинмаларини ифодаловчи восита ҳамдир.

Оқ сочли кекса тоғ музли киприкдан
Сочар тубанларга садаф толалар.
Ёяр этаклари чечак-лолалар.

Уйғун, аввало, лирик шоир сифатида машҳур. Севги ёшида ким унинг шеърларига мурожаат қилмаган? Қайси ошиқ ё маъшуқа дардини айтолмай ноилоҳ қолганда, хилватда Уйғун шеърларини ўқиб, таскин топмаган? Ўқувчи юрағидаги орзу ва армонларга ҳамоҳанг, туйғуларига жўр бўлувчи азиз сўзлардан ким лаззат ва ҳузур олмаган?

Айб эмасдир севилмоқ, севмоқ,
Айб эмасдир севгим бор, десам.
Севгиси ҳур, толеи баланд,
Айб эмасдир сени ёр десам, —

каби мисраларини ким ён дафтарига кўчириб, ёдлаб, севгилисига ёзиб ёки айтиб бермаган. Ўзбек китобхонларининг бир неча авлоди Уйғун шеърлари билан мактаб партасидаёқ танишган, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум каби Уйғун шеърлари руҳида тарбиялангандир.

Уйғуннинг уруш даври лирикаси айниқса доврўғ таратган, ҳижронзода келинлар, ота меҳридан баҳрасиз қолган болалар, турмуш оғирликларини мардона елкада кўтарган аёллар, душман билан жон олиб, жон бериб курашиб юрган эркаклар — ҳамма-ҳамманинг дилидаги, тилидаги гапларни ёзди. Ёзганда ҳам куйиб-ёниб, ҳамдардлик, меҳр ва изтироб билан ёзди. Кўзда ёш, соғинч, алам ва ғазаб билан куйлади.



Лазиз Қаюмов, Комил Яшин, Уйғун.

Урта мактабда бизга Аҳмад Муҳаммадиев адабиётдан дарс берарди. Алишер Навоий номли Самарқанд университетини битириб келган эди. У дарсни шундай қизиқарли ўтардики, ҳаммамиз лол бўлиб, сал қимирласак ёки беихтиёр йўталиб қўйсак, гуноҳ иш қилиб қўйгандай мулзам бўлиб, муаллимнинг оғзига тикилиб ўтирардик. Бирор сўзини эшитмай, юзлари, кўзларидаги бирор ишорани кўрмай қолишдан кўрқардик.

Аҳмад ака Уйғуннинг ҳаёти ва ижодини ўтган кун сира эсимдан чиқмайди. Шоир билан умрбод бирга юргандай, бирга нафас олгандай сўзлаган, ҳар бир шеърини шундай ёқимли, ўқувчи қалбига беҳато етиб борадиган қилиб ўқиган эди.

Нега шунча гўзал кўринар олам!
 Нега қараб тўймас кўзларим!
 Нега жўш уради, кўпиради қон!
 Нега мисдай қизир юзларим!
 Нега ҳаяжонда тўйгулар, ҳислар!
 Нега лабларимда кезар табассум!
 Кўнгил гулзорига тинмасдан нега
 Чексиз севинч келтирар ҳар зум!
 Нега имо қилар гўзал табиат!
 Нега чақиради ёнига!
 Нега шунча ўйнар, типирлар юрак!
 Нега шодман, айтингиз, нега!

Бир зарб билан ёзилган, саволлардан иборат бу жўшқин шеър бизни мафтун қилмай қоладими? Бу шеърда кўнгли ёз осмонидай тоза одамнинг ҳолати аниқ кўриниб турибди. «Ҳаёт гўзал, ҳаёт мароқли», дейди лирик қаҳрамон. Ҳамма саволларнинг жавоби шу. Шунчаки яшаб, икир-чикирлар билан овора бўлиб, ҳаётдан, яшашдан баҳра ололмайдиган одам бу қадар хурсанд бўлолмайди. Ишлаб чарчамаган одам роҳатнинг лаззатини қаердан билсин. Уз мақсади учун, келажаги учун курашиб, ниҳол экиб, унинг ҳосилидан баҳраманд бўладими, йўқли, бари бир умид билан, ишонч билан яшаган ҳаётсевар одамгина умрнинг — яшашнинг қадрини билади, унинг ҳар лаҳзасидан фойдаланади. Унинг яна ҳам гўзаллашиб, камол топаётганидан севинади. Шунинг ўзи кураш қувончи эмасми?

1960 йил. Мен босмаҳонада ҳарф терувчига шогирд бўлиб ишлардим. Шеърлар машқ қилиб юрардим. Тошкентда яшаётган шоирларнинг баъзиларини узоқдан кўриб, шунга ҳам хурсанд бўлардим. Уйғун аканинг шеърларини адабиёт дарсиди эшитиб, ихлос қўйганимни юқорида айтдим. Шундан кейин у кишининг шеъри борми, дostonу драмаси борми, босилиб чиққан ҳамма асарини ўқиб чиқдим. «Олтин севги» тўпламини, «Алишер Навоий» драмасини буткул ёдлаб олган эдим.

Бир кун машқларимни олиб Уйғун аканинг уйига бордим. Салом бердим.
 — Киринг-киринг, — деб ичкарига бошлади. Утиргач, домла: «Хўш, хизмат», деди

Уйғуннинг асарлари умри узоқ асарлардир. Адабиётга, халққа, Ватанга, буюк ва муқаддас ишга хизмат учун келган шахсларнинг асарлари доимо сеvimли, умри узоқ бўлади.

Сулаймон РУСТАМ,
озарбайжон шоири,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



юмшоқлик билан. Ҳозир нима деганим эсимда йўқ. Шеърларимни кўрсатдим. Қўлимдан олиб ўқийди-да, бирор қаттиқ гап айтади, деб чўчиб турган эдим:

— Уқинг, — деди.

Ўқидим. Яна ўқинг, яна ўқинг, деб беш-олтита шеър ўқитди.

Хуллас, иккита шеъримни ажратиб олди-да, бир қоғозга хат ёзиб қўлимга берди.

— Шуларни редакцияга олиб борасиз. Умидли бола экан. Ердам беринглар, дедим. Ердам қилишади.

Шундан кейин устоз мендан ҳол-аҳвол сўради. Кўп ўқиш, ўрганиш, машқ қилиш тўғрисида шундай катта шоирдан маслаҳат эшитиш мен учун жуда қувончли эди. Хурсанд бўлиб чиқиб кетдим. Гўё менда қанот пайдо бўлгандай эди. Кўнглим чароғон...

Шундан кейин Уйғун ака билан учрашиб турадиган бўлдим. Баъзан наشريётдаги хизмат юзасидан, баъзан устознинг ҳолидан хабар олиш учун. У кишининг бир неча китобларига муҳаррирлик қилганман. Уйғун ака жуда донишманд, меҳрибон, дилкаш одам. Буни унинг ўзи билан суҳбатдош бўлганлар ҳам, Гафур Ғулом номидаги наشريётда босилиб чиққан олти жилдлик асарлар тўпламини ўқиганлар ҳам яхши билишади.

Уйғун ҳаётни, одамларни, жамият ва табиат қонунларини яхши билади. Буни унинг муваффақиятли чиққан барча асарларида кўриш ва ишонч ҳосил қилиш мумкин. Унинг тарихий драмалари фақат узоқ ўтмиш акс-садосигина эмас, балки ўтмиш учун ҳам, ҳозирги замон учун ҳам муҳим бўлган беназир тажрибалар хулосаси ҳамдир. Утмиш кўзгусида бугунги куннинг ифодаланишидир. «Хуррият», «Парвоз», «Парвона» драмалари фақат Уйғун ижодида эмас, ўзбек драматургиясида катта ўрин тутади. Уларда замонамизнинг долзарб масалалари дадиллик билан кўтариб чиқилган. Замондошларимизнинг образлари, ёрқин маънавий-ахлоқий қиёфалари маҳорат билан очиб берилган.

Уйғуннинг шеърляти ҳам, драматургияси ҳам чуқур ўрганилган ва ўрганилмоқда. Уйғун драмаларининг қаҳрамонлари бир-бирига ўхшамаган, бир-бирини такрорламайдиган характерлардир. Уйғун каламидан чиққан юзлаб одамлар характерлари ўзининг ҳаётйилиги, тўлақонлилиги билан ажралиб туради, адабиётимизнинг ўлмас образлари бўлиб қолади.

Ўткир Шокиров

ИЛМДА ҲАМ УСТОЗ

Адабий жамоатчилик Уйғунни таниқли адабиётшунос олим, моҳир таржимон, жамоат арбоби сифатида ҳам яхши танийди. У, айниқса, 30-йилларда назм, наср ҳамда адабиётшунослик ва танқидчиликда серунум ижод қилди. Бир қатор илмий тадқиқот ишлари ва мақолалари шу даврда ёзилди.

Адиб 1933—1935 йилларда Ҳамид Олимжон билан ҳамкорликда «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида», «Фош қилиш эмас, хаспўш-лаш», «Жадид адабиётининг синфий моҳияти масаласига», «Ўзбек совет адабиётининг синфий моҳияти масаласига» мақолаларини, ўзи мустақил равишда «Адабиётда меньшевизм кўринишларига қарши», «Переверзев «назариясининг моҳияти нимадан иборат», «Поэзия тўғрисида», «Поэзияда сиёсий ўткирлик бўлсин» каби тадқиқотлари ёзди.

Уйғун дастлабки мақолаларидаёқ изчил партиявийлик ва халқчиллик позициясида туриб, ўзбек совет адабиётининг ғоявий софлиги учун курашди. Уни ҳар хил ёт таъсирлардан сақлашга, социалистик реализм методини эгаллаш йўлидаги қийинчиликларни

мардонавор енгишга, бу методнинг умрбоқийлигини тарғиб этишга ҳаракат қилди.

Ўзбек совет адабиёти, танқидчилиги ва театр санъатининг муайян даврдаги аҳволи, социалистик реализм масалалари, таниқли ўзбек совет адиблари ижодиётини таҳлил этиш Уйғун фаолиятида алоҳида ўрин тутади.

Уйғун навоийшунос сифатида ҳам самарали хизмат қилди. У олим ва драматург Иззат Султон билан ҳамкорликда машҳур «Алишер Навоий» драмасини ёзиш олдидан улуг шоир ва унинг замондошлари асарларини, тарихий ҳужжатларни, илмий рисола ва китобларни пухта ўрганди. Алишер Навоий ҳаёти, ижоди ва шахсиятига доир кўп материаллар тўплади. Шоирнинг ўлмас шеърляти тўғрисида мақолалар ёзди.

Жумладан, «Навоийнинг «Чор девони» ҳақида» сарлавҳали йирик мақоласи 1939 йилда эълон қилинди. Алишер Навоийнинг улкан бадий қимматга молик шоҳ асари «Чор девон»даги ғазаллар бадииятига хос ўйлар мақола асосини ташкил этади. Адиб Алишер Навоий илгари сурган ижтимоий-ахлоқий



Уйғун Фарғона область Ленинград райони меҳнаткашлари
даврасида. 1971 йил октябрь.

масалаларга, хушомадгўй, таъмагир, текинхўр одамлар, ярамас, золим кишилар образини яратишдаги маҳоратини кўрсатишга катта аҳамият беради. Дин арбоблари, шайхлар, зоҳидлар кескин танқид қилинган ўринларни мароқ билан таҳлил қилади.

Алишер Навоий тасавуридаги ҳақиқий инсон бировга қуллуқ қилиш, таъмагирлик, риёкорлик, иккиюзламачилик, номардлик, қўрқоқлик, сотқинликдан озод, олижаноб, мард, мурувватли, вафоли хур инсондир, деб таъкидлайди Уйғун.

«Чор девон»даги ғазаллар образли ифода-ларга бой. Уларда шоир ўнлаб бадий санъатлардан усталик билан фойдаланган. Алишер Навоийнинг санъаткорлик қудрати, поэтик образлари олами мазкур мақолада теран ёритилган. Шоир ғазалларида кўтарилган умумбашарий ғоялар ва фикрларнинг катта аҳамияти бугунги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаганлиги ишончли далиллар асосида кўрсатилади. Мақола фактик материалларга бойлиги, зўр жозиба кучи, Алишер Навоийнинг бебаҳо адабий меросини нозик шоирона дид билан таҳлил қилиниши жиҳатидан эътиборга сазовордир.

Уйғун «Улмас сиймо» мақоласида эса «Алишер Навоий» номли драма ва сценарийнинг яратилиш тарихи, бу борадаги жиддий ижодий изланишлар, навоийшунослик фанига муносиб ҳисса қўшган олимларимизнинг хизматлари тўғрисида қимматли фикрлар билдиради.

Уйғун фақат улў бобомиз Алишер Навоий шеърини, унинг дилбар ғазаллари, асарларининг замонавий руҳи, абадийлиги ҳақида мақолалар ёзиш билан чекланиб қолмади. У ўзбек классик адабиётининг муҳим масала-

лари, машҳур намоёндалари ижодиёти, уларнинг даври, дунёқарashi тўғрисида ҳам тадқиқотлар яратди. Бу жиҳатдан «Муқимий» сарлавҳали илмий асари ибратлидир.

Уйғун классик адабиётимиз, тарихимиз, фанимизни чуқур тушунадиган, нозик ҳис этадиган алломадир. Машҳур «Алишер Навоий» драмаси ва сценарийси, «Абу Али ибн Сино», «Абу Райҳон Беруний» ва «Зебунисо» драмаларининг шўҳрат қозониши бунинг ёрқин исботидир.

Уйғуннинг илмий тадқиқот ишлари, мақолалари кескин танқидий руҳи, самимияти ва холислиги, катта жозиба кучи, нафис шоирона мазмуни ва ўқимишлилиги билан ҳам диққатга сазовордир.

У қалам аҳлини бадий пишиқ санъат асарлари яратиш билан бирга ахлоқий жиҳатдан соф ва мустаҳкам бўлишга, асари, иши, юриш-туриши, илму одоби, хулқ-атвори билан ҳам бошқаларга намуна бўлишга, сўз билан иш бирлигига даъват этади.

Бу жиҳатдан ўткир танқидий мазмун билан сўғорилган ва масалага юз-хотирчиликсиз холис ёндашилган «Замон талаби» (1963) мақоласи алоҳида ажралиб туради.

Уйғун мақолаларининг кўпчилиги шеърини масалаларига бағишланган. У ўтмиш ва совет замонасида яшаган истеъдод эгалари, кўпдан-кўп шоирларнинг маҳорат силраларини, ўзига хос бадият оламини одилона ва катта самимият билан ёритиб берган.

Шу ўринда ҳажм жиҳатдан кичик, аммо мазмунан чуқур, нафис ҳиссиёт ва бадийлик билан йўғрилган «Амин Умарий», Усмон Носир ҳақидаги «Хаёт ва шеърини ошиғи» мақолалари устида қисқа тўхташ жоиздир. Уларда истеъдодли шоир ва драматург Амин

Умарий шеърятига доир бир қатор фази-латлар, асарлари ҳаяжон, самимият, жўшқин илҳом билан ёзилган Усмон Носир ижодининг қайтарилмас қирралари, жозиба сири кўрсатилади.

Уйғун уларнинг лирик шеърлари, дostonла-ри, драмалари ва бадий таржима асарлари тўғрисида бир бошдан гапириб ўтирмайди. Уларнинг мавзу танлаш, вазнларни ишлатиш, салмоқдор ифодалар қўллаш, поэтик образлар яратишда оригиналликка интилишини, услубидаги жозибadorлик сирларини ишончли далилларда очишга асосий эътиборини қаратади.

Усмон Носир ижодига хос фазилатлар ҳақида Уйғун шундай ёзади: «Усмон Носир идроки юксак, сезгилари ўткир, мушоҳадалари теран, ҳаяжони зўр, тили бурро, илҳоми сел санъаткор эди. У одамларнинг руҳий кечинмаларини, табиат гўзалликларини ҳам нафис, теран тасвирлашда «заргарлик», «рас-сомлик», қобилиятига эга эди».

Уйғун рус ва украин адабиётининг улуг намоёндалари А. С. Пушкин, А. П. Чехов, Т. Г. Шевченко, асримизнинг етакчи адиби

М. А. Шолохов ва қардош халқлар адабиётининг вакиллари А. Тўқай, С. Муқоновлар тўғрисида ҳам қизиқарли мақолалар ёзган.

Уйғун ўзбек ва қардош халқлар адабиётининг йирик намоёндалари юбилейларида сўзлаган нутқларида ҳам ниҳоятда қисқа, аммо доно фикрлар айтади. Масалан, у Ғафур Ғулумни «нафосат денгизига шўнғиб, яланг шеърый жавоҳирлар олиб чиққан ҳассос ғаввос эди», деб таърифлайди. Комил Яшинни адабиёт ва санъатимизнинг йўлчи юлдузларидан бирига ўхшатади. Мирмуҳсин ҳақида эса «...қалами ўткир, тили ширин, ранго-ранг, қалби жўшқин, ҳалол, ғоявий жиҳатдан мустаҳкам; марксизм-ленинизм ғоялари билан қуролланган ёзувчиларимиздан бири-дир», деб ёзади.

Аллома адибнинг адабиётимиздаги долзарб масалаларни кўтариб чиққан, бадийят сирларидан баҳс этувчи теран мазмунли рангбаранг мақолалари ёш олимлар, танқидчилар, кўп сонли мухлислар, ўқувчилар учун маҳорат мактабларидан бири саналади. Улар сўз санъатини севишга, ардоқлашга даъват этади, қалбларга гўзаллик, эзгулик уруғларини сочиб, олижаноб ғоялар йўлида хизмат этади.

Дил сўзлари

... Номи совет адабиётида, хусусан совет поэзиясида жаранглаб турган Уйғуннинг асарлари Украинада ҳам юксак қадрланади... Мен Уйғунни садоқатли дўст, самимий шоирлиги учун севаман.

Иван ЛЕ,

Шевченко номидаги Украина
ССР Давлат мукофоти лауреати.

Мен ажойиб лирик шоир Уйғуннинг асарлари билан танишар эканман, уларда улкан қалб ҳароратини, тошқин ҳислар диалектикасини, вафо ва садоқатни, меҳрибонлик ва баҳордай гўзал ҳаётни кўз ўнгимда тасаввур этганман. Зотан, қалбдаги ҳарорат, вафо ва садоқатни, меҳрибонлиқни баҳордай гўзал ҳаётни рангин бўёқларда бермоққа етук истеъдод эгасигина қодирдир.

ИМАНТ ЗИЕДОНИС,
латиш шоири.

... Уйғун ўзбек адабиётининг йирик намоёндалари сирасига киради. У совет адабиётининг йирик шоири, драматурги!

Абдулла ТОЖИБОЕВ,
қозоқ шоири,

... Уйғун поэзиясини донолик шеърятини, дегим келади.

Эди ОГНЕЦВЕТ,
белорус шоираси.



Мухлислар даврасида.

Уйғун ўз ижодининг бошиданоқ Коммунистик партиянинг, фақат халққа хизмат этган адабиётгина ривожлана ва гуллай олади, деган кўрсатмасини яхши тушунган ва ўз қаламини меҳнаткаш халқ хизматиغا бўйсундирган ёзувчидир. Мамлакатимизда социализмнинг кенг ҳужуми ва ғалабаси даврида Уйғун, ўзбек совет адабиётининг бошқа йирик вакиллари билан бир қаторда, ҳам ғоявий, ҳам бадий жиҳатдан вояга етди, адабиётимиз тарихида маълум ўрин эгалловчи асарлар яратди. Бу даврда Уйғун ижодининг янги, юқорирак даражага кўтарилишига сабаб яна ўша — халқимизнинг социализм учун курашига актив қатнашгани, бу курашнинг чуқур инсонпарварлик руҳини ва улўворлигини куйлашга интилганидир. Шунинг учун ҳам «Жонтемир», «Гулсал», «Украина еллари» каби поэмалар ҳам шоирнинг «Коммунизм гулбоғларига», «Қуёш ўлкасига», «Назир отанинг ғазабига», «Хаёлимда кезар икки нарса», «Ленин ҳақида» каби кўпгина шеърлари адабиётимиз тарихига унинг ютуғи бўлиб қиради.

ИЗЗАТ СУЛТОН,

Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг
мухбир аъзоси, Беруний мукофотининг лауреати.

Уйғун — овозаси ва шўхрати мамлакат бўйлаб ва ундан ташқарига ҳам таралган ижодкор.

Жалол ИКРОМИЙ,

Рудакий номидаги Тожикистон ССР
Давлат мукофоти лауреати.

... Гўзал ва тароватли шеър чаманзоридида устоз Уйғуннинг лирикаси ажиб ишвакорлиги, ёр истиғноларидан жиндак гинадорлиги, табиатнинг турфа рангларини эрка шамоллари билан сирдошлиги жиҳатидан ва бошқа жуда кўп фазилатлари билан яққол ажралиб туради.

Абдулла ОРИПОВ,

Ҳамза номидаги республика Давлат
мукофоти лауреати.

Умарали Норматов

ИЗЛАНИШЛАР ВА МУАММОЛАР

К (1984 йил роман ва қиссалари ҳақида мулоҳазалар)

Коммунистик партия ҳозирги босқичда ривожланган социализми такомиллаштиришни бош вазифа қилиб қўйди. Бу — ғоят мураккаб, кўпқиррали, катта куч-ғайрат, шижоат, ижодий жасорат талаб этадиган иш. Бунда инсонни ҳар тарафлама камол топтириш, ривожланган социализм идеаллари даражасига кўтариш — ана шу умумий ишнинг энг муҳим ҳалқасини ташкил этади. Партиямиз шахсни камол топтиришда адабиёт ва санъатнинг ролига алоҳида эътибор бермоқда, кишиларнинг ижтимоий феъл-атворини ва ҳис-туйғуларини тарбиялашда, онгга ҳам, қалбга ҳам таъсир ўтказишда ҳеч нарса адабиёт, санъатнинг ўрнини боса олмайди деб ҳисобламоқда. Бундай юксак вазифани санъаткор фақат чуқур ғоявийлик, теран гражданлик ва бадий маҳоратнинг юксак савияси орқалигина адо этиши мумкин. Бинобарин, бадий асарга, ижодиётга ҳам ғоявийлик, ҳам гражданлик, ҳам бадийлик мезонлари орқали уйғун ҳолда ёндашиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда. КПСС XXVI съезди, партиямиз Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми материаллари, шундай руҳ билан суғорилган.

Чуқур ғоявийлик, гражданлик ва бадий маҳоратнинг юксак мезонлари асосида ҳозирги прозамизга назар ташланганда нималарни кузатиш мумкин? Адибларимизни ҳаётнинг қайси жиҳатлари, қандай муаммолари, қанақа одамлар тақдири қизиқтиряпти, ҳаяжонга соляпти? Улар бизга ҳаётнинг қай жиҳатларини, қанақа одамларни кашф этиб бердилар? Езувчиларимиз қаламга олган мавзу, ҳаётий муаммо, зиддият, характерларнинг ифода йўсини, кўлами, таъсир кучи қай даражада?

Ўткир гражданлик руҳи билан йўғрилган, кескин ҳаётий зиддиятлар асосига қурилган, қаҳрамонларнинг ўз-ўзини англаш жараёни теран бадий таҳлил этилган асарлар жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Истеъфо», Эркин Аъзамовнинг «Жавоб», Гаффор Ҳотамовнинг «Кудуқ тепасидаги ой», Эмин Усмоновнинг «Кўнгил кўзи» қиссалари, Муроджон Мансуровнинг «Мангу жанг» романи муайян кам-кўстларига қарамай аини шу йўналишга мансублиги билан қимматлидир.

Бу асарларда ўткир ҳаётий зиддиятлар шунчаки интрига учун бир восита эмас, балки ҳаёт ва шахснинг бадий тадқиқи, жиддий ўй-мушоҳадалар учун асос бўлиб хизмат этади. Роман ва қисса муаллифлари шу кескин вазият, курашдаги мураккаб қаҳрамонларнинг маънавий оламига йўл қидирадилар, улар табиатидаги мураккаб, кўз илғамас нозик жиҳатларни, жараёнларни кашф этишга ҳаракат қиладилар. Адибларимизни азалий ахшилик ва ёмонлик орасидаги конфликт билан баробар бир қарашда дарҳол моҳиятига етиш қийин бўлган инсоний муносабатлар, уларнинг давр, муҳит билан тўқнашуви тўғрисида келиб чиқадиган маънавий муаммолар ҳам қизиқтирмоқда. Шуниси қизиқиш, муайян вазиятда бир асарда ижодий баҳога муносиб бирор инсоний хислат бошқасида ўзга бир шароитда салбий моҳият касб этади. Худди шу жиҳати билан улар бир-бирини тўлдиради, бири иккинчисини давом эттиради ва аини пайтда, бир-бирлари, қолаверса аввалроқ яратилган айрим қисса ва романлар билан пинҳона баҳсга киришади. Йўқ, бу шунчаки баҳс эмас, балки ҳаётий жараёнлар моҳиятини қидириш, тагига етиш, давр руҳи, талабини англашга астойдил интилиш оқибатида туғилган ҳолатлардир. Гарчи бу асарларда инсон ва унинг табиати, эътиқоди талқинида баҳсли ўринлар бўлса-да, адибларимиз бир масалада яқдилдирлар — улар шахснинг ҳаётдаги ўрни, бурчи, виждони, масъулиятини англашини, ўз шаъни, кадр-қиммати туйғусини, гражданлик, курашчанлик хислатларини бебаҳо, тенгсиз фазилатлар сифатида ардоқлайдилар.

«Истеъфо» қиссаси собиқ раҳбар ҳақида. Унинг қаҳрамони Эломонов аслида ҳалол, эзгу ниятли одам. У яқин ўтмишда кўп марта тасвирланган ва ҳозир ҳам асарларимизда кенг ўрин олаётган ҳиссиз «темир одам»лар ёки худбин, шуҳратпараст, қоқоқ, маънавий бузуқ, олғир раҳбар ходим образларидан кескин фарқ қилади. Эломонов — ишчан, меҳнаткаш ходим, ўттиз йиллик ҳаётини бутунича жамоат ишига бахш этган; у дилкаш, самимий, одамларга меҳрибон, имкон борича бировларнинг ҳожатини чиқариш пайида бўлади; мол-дунёга ҳирс қўймаган, зебу зар йиғиш тугул ҳамёни ҳам қаппаймаган, қўл учига тирикчилик қилади; бузуқлик кўчасига кирмаган оилада ҳам батартиб, хотини, умуман, аёл зотини ҳурмат қилади, фарзандларининг кўнглига қарайди; адабиёт ва санъатдан ҳам ўзича хабардор...

Кизиқ, шунча фазилатларга эга бўла туриб бу одам негадир сизни ўзига мафтун эта олмайди. Унда чинакам раҳбарга хос зийраклик, қатъият, донишмандлик етишмайди, оқ билан қоранинг фарқига бормайди, кимга яхшилик, саховат қилишни ҳам билмайди; неча йиллар ёнма-ён туриб бирга ишлаган муовини Кўшшаевнинг мунофиқ, юлғич кимса эканини асло сезмайди, йигирма беш йил бирга яшаган ёстиқдоши кўнглини дурустроқ англамайди, довидраб, куруқ ҳавас билан шеврияг даргоҳига кириб қолган истеъдодсиз хотинига ҳақ гапни айтишга журъат этолмайди; унда ўзини англаш, ўзининг қобилият, имкониятларини ҳисобга олиш, ўзига танқидий қараш туйғуси ўтмаслашиб кетган... Аслида ҳалол, эзгу ниятли ғуноҳсиз бу одам узоқ йиллар назорат идорасидек муҳим постда туриб, ана шу заифликлари туфайли катта ғуноҳларга, нопоқликларга йўл очиб беради. Уз инсонлик шаънини, нафсониятини оёқ ости қилади. Ҳатто у ўзи бефарқлик билан саховат кўрсатган енгил табиат аёлга ишонч билдириб: «Мен сизни ақлли деб юрардим, Қосимахон!» деганида, ундан «Ақлимни нима қиласиз, ака» деган таъна эшитади... Ёзувчининг бадийи қашфиёти, асарнинг граждандлик руҳи, тасвир кучи ана шу ўринларда равшан намоеён бўлади.

Муаллиф қаҳрамон фожиасини очиш билан кифояланмай, ундаги ўзини англаш, тушуниш жараёнини ҳам кўрсатишга уринади, ҳатто бунга ўзи учун муҳим деб билади. Дарҳақиқат, Эломовода муайян ўзгариш рўй беради, «Менинг ҳаётим энди бошланди» дейди. Унда қандайдир журъат пайдо бўлади, муовини қилмишларини охиригача фош этишда фаоллик кўрсатади, янги тайинланган пост ўз жойи эмаслигини билиб, у ердан кетади, хотинининг бачкана қилиқларига тоқат қилолмай юзига тарсаки тортади, ҳаётдан, ўзи тугъилиб ўсган юртидан узоқлашиб қолганини сезиб, у ерга талпина бошлайди... Афсуски, бундай ўзгаришлар жараёни ифодасида аввалги бадийи теранлик, таъсирчанлик, характерларда жозиба етишмайди; асар бөшидаёқ бизни мафтун этган тасвирдаги ҳиссий оҳанг, ним табассум, киноя-кесатик пировардида қандайдир сунъийроқ шиддаткор ритмика билан алмашинуви туфайли киссанинг поэтик яхлитлигига путур етади. Шу билан баробар танқидчи И. Ғафуров «Зерикарли одамнинг истеъфоси» тақризида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил 6 июль) тўғри таъкидлаганидек ёзувчи бу ношуд одамни узоқ вақт масъулятли лавозимларда тутиб турган омиллар — таниш-билишчилик, бир-бирини қўллаш каби ярамас иллатларни туб илдизи билан очишга яқинлашади-ю, тезда ундан узоқлашиб кетади, юқорида айтилганидек, характердаги ўзгаришларни таъкидлаш билан ортиқча овора бўлади.

Эркин Аъзамовнинг «Жавоб» асари қаҳрамони Элчиев ҳам «Истеъфо»даги Эломонов каби ҳалол, ўта камтар, камсуқум, эзгу ниятли одам; унда ҳам ўзига, ўзгаларга талабчанлик етишмайди, у ҳам теварак-атрофда юз бераётган ҳодисаларга лоқайд, бефарқ яшайди. Эломовдан фарқи ўлароқ, Элчиев аслида тиришқоқ, қобилиятли, ўт — олов йиғит эди. Ёзувчи қаҳрамондаги ўзгаришлар боисини ҳам очади; Элчиев олис қишлоқдан ўрмалаб чиқиб шаҳарда бахт топди, аломат киз Мастура меҳрини қозонди, уйли-жойли, бола-чақали бўлди, ишга жойлашди. Бундан у беҳад миннатдор, кичкинагина бахтини катта деб билади, борига шукр қилади, бошқасига интилмайдди, борини қўлдан чиқариб юборишдан қўрқиб панада катта мақсадсиз, журъатсиз жўнгина ғимирлаб, умргузаронлик қила бошлайди. Унинг буш қўйган қайиғи тизгинсиз, сарсари қалқиб ногаҳон довулга дуч келади-ю, чилларчин бўлади: безори олифталар томонидан дўппосланади, нафсонияти, ор-номуси оёқ ости этилади, омонат оғанилари ташлаб кетади, ўз ўғли менсимайди, қаллоблар унинг инсонлик шаъни ҳисобига жиноят изини ёпишга уринадилар... Бу Элчиев қилмишларига яраша тақдиринг, ҳаётнинг жазоси — жавоби! Бемаврид сафдан чиққан, курашлардан ўзини четга олган, шиддатли оқимда умр кемасини буш қўйган, лоқайд, бефарқ одамнинг жазоси шу! Асар бошдан оёқ лоқайдликка, бефарқликка, журъатсизликка қарши исён руҳи билан йўғрилган; унда воқеанавислик, психологик таҳлил, жўшқин публицистик талқин бир бутун ҳолда қўшилиб-чатишиб, ўзига хос таъсир оҳангини таъмин этган; «Истеъфо»да ўзини у қадар оқламаган ҳолат — қаҳрамоннинг ўз-ўзини англаш жараёни ифодаси бу ерда хийла мароқли чиққан, чунки бу ҳол характер мантиқига тўла мувофиқ; Элчиев оғир синовлар пайтида ўзи йўл қўйган хатолардан теран сабоқлар чиқаришга қодир одам.

«Жавоб» теварагида бўлган баҳсда Абдуллаев асарда Элчиевни тушуна оладиган, қўллаб-қувватлайдиган кучлар етарли кўрсатилмайди, наҳотки унинг атрофида биронта маслакдош кимса бўлмаса, дейди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 14 декабрь). Ҳолбуки, қиссада Элчиевни тушуна оладиган, қўллаб-қувватлайдиган кучлар бор. Энг қийин, оғир синов дамларида садоқатли умр йўлдоши Мастура унинг ёнида бўлади, бир пайтлар ўзи менсимаган, эътибор бермаган қизи Жасура отаси шаъни деб оёққа туради, қаллоблар отасининг ор-номуси эвазига тутқаётган жирканч садақани уларнинг башарасига улоқтиради, ўзи яхши билмаган, қадрига етмаган балерина аёл Дина унинг учун қайғуради... Асарда бошқа бир камчилик бор; ёзувчи бош қаҳрамонни танҳо ҳолда тасвир ва таҳлил этади, аммо унинг бошқа персонажлар билан мулоқотлари, тўқнашувлари ифодасига келганда изчиллик ва теранликка етарли риоя қилмайди; энг керакли, тизиз, характерлар олами тўла намоеён бўладиган тўқнашув, олишув дамларида тасвир қиёмега етмай қолади. Бу ҳол характерлар мантиқига, қолаверса, асарнинг поэтик мукамаллигига маълум даражада путур етказида. Бош қаҳрамон атрофидаги бир қатор яхши ва ёмон одамлар, муҳим ғоявий-бадийи вазифани адо этиши мумкин бўлган талай персонажлар характерининг яхши очилмади, ҳаттоки, асарда бор-йўқлиги сезилмай қолиши сабабларидан бири ҳам шунда.

Бундай камчилик танқидчиликда, умуман, ижобий баҳо олган Ғаффор Ҳотамовнинг «Қудуқ тепасидаги ой» қиссасида яна ҳам равшанроқ кўринади. Унинг қаҳрамони ҳам ҳаётда адашган, сўнг хатосини, ғуноҳини англаб руҳий изтироб чекаётган шахс. Асар қаҳрамони Ҳакимбекни шунчаки адашган дейиш камлик қилади, у ошқора хиёнат ва жиноят йўлига кирган кимса: севгисига, севгилисига хиёнат қилади, кўркам бир қизни йўлдан оздириб, бахтига зомин бўлади, бугина эмас, қаллоблар билан ҳамтовоқ тутиниб, халқ бойлигини ўмариб даври даврон суради, айш-ишратга муккасидан кетади, жинийи ишларга бош суқади,

дашдатли қотиллик юз берганида айбдорларни билгани ҳолда индамай юрaveraди... Бирдан ана шундай одам кескин ўзгаради. Танқидчиликда таъкидланганидек, қаҳрамон маънавий — руҳий оламида, характерида фавқулодда кечган бу муҳим ҳолатнинг ижтимоий-психологик сабаблари чуқур очилмаган. Асарда Ҳақимбекнинг изтироблари ифодасига жуда кенг ўрин ажратилган, бундай тасвирлар ҳатто бир қадар зерикарли чиққан, руҳий қийноқлар, изтироблар ифодасида ички динамика, характерни, ҳодисаларни янги-янги томонлардан кашф этиш, чуқур маънодорлик, фалсафий теранлик етишмайди. Гап-сўзлар нуқул бир доирада айланаверади-айланаверади. Руҳий азоб-изтироблар, восвослар тафсилотларига ортиқча маҳлиё бўлиб кетиш оқибатида Ҳақимбек билан мулоқотда бўлган талай шахслар сояда қолади, Ҳақимбек билан хотини Ҳанифа, севгилиси Ойбарчи, кўнгил ўши Гавҳар, отаси Ёдгор калта, шунингдек, раис Зобитов, колхоз ветеранлари Тошев, Истарчи момолар орасидаги чигал, мураккаб муносабатлар етарли бадий таҳлил этилмайди, Ҳақимбекни йўлдан оздирган, кўпдан-кўп қабоҳату жиноятлар бошида турган раис Зобитов жонли одамдан кўра шунчаки ёвузлик тимсоли бўлиб қолган.

Бадий ижодда қаҳрамонни теварак-атрофидаги одамлар билан чигал муносабатларини, ўзаро мулоқот, тўқнашув, олишувларини изчил, жонли гавдалантириш, моҳиятини очиш, бир эмас, бир неча персонажни мушкул, чигал вазиятлардан «эсон-омон олиб ўтиш», уларнинг ҳолатини очик майдонда, ошкора олишув-тортишувларда намоён этиш ҳам муҳим, мушкул ва масъулияти ижодий ишдир. Ёзувчилик санъати айниқса шундай ўринларда билинади. Эмин Усмоновнинг «Кўнгил кўзи», Муроджон Мансуровнинг «Мангу жанг» асарларида бош қаҳрамонларнинг руҳий-психологик ҳолатлари тасвири билан баробар персонажларнинг ўзаро муносабатлари ҳам аксари кенг, жонли, таъсирчанроқ гавдалантириб берилгани таҳсинга сазовордир.

«Кўнгил кўзи» асосида бир эмас, икки йриқ бир-бирига зид характер тақдир ётади. Ёзувчи ҳар икки қаҳрамоннинг босиб ўтган йўлига назар ташлайди; Вали ака ҳам, Карим ҳам хаёлан ўз умрларини сарҳисоб этадилар. Карим нуқул хиёнат, қаллоблик билан яшаган, нопок ота қомайлиги, таъсирида худбин кимса бўлиб етишган. У қинғир йўллар билан армиядан қолади, тенгдошига хиёнат қилади, севган қизнинг номусини, шаънини поймаётган эстади, қийин жанг йиллари одамларга кўп зуғум ўтказиши, ниҳоят, Вали ака учун азиз жондор — ноёб кийинки отиб ўлдирди... Ёзувчи бу одамнинг руҳияти тасвиридаги қандайдир ўзгаришларга, пшаймонга ўхшаш изтиробли кечинмаларга ҳам урғу беради, аммо бу ҳол ишонарли тасвирланмаган. Қиссада ашаддий жиноятчи одамнинг ўзгариши, руҳан покляниши сабаблари деярли очилмайди. Вали ака хаёлидан кечган уйлар, унинг умр сарҳисоби, армонлари ифодаси эса хийла жонли, табиий, самимий, таъсирчан. Айниқса, унинг илк севги хотиралари, Қумрининг сирли ҳалокати туфайли чеккан изтироблари, севган касби — ўрмончилик, табиатни асраш-авайлаш билан боғлиқ ишлари ўқувчи дилига нурли қўшиқдай кириб боради. Вали — ҳалол, ишонувчан одам. У ўзгаларга, ҳаттоки рақиб Каримга ҳам нуқул яхшилик, саховат кўрсатади-ю, эвазига ҳеч нарса таъма қилмайди, унинг самимийлиги, ишонувчанлиги, қалб саховати баъзан ўзи учун қийматга тушади, ҳаёт тақозосига кўра у гоҳо муросасозликка ҳам боради, бундан ўзи эзилиб, азоб чекиб юради. Бироқ у жиддий масалаларда ҳамisha эътиқодига содиқ. Шунга кўра китобхон ундаги ожизликларни кечиришга тайёр.

Вали ака ва Каримнинг ички дунёси, қиёфаеи, айниқса, улар бир-бирига рўпара келган кезларда равшан кўринади. Қиссанинг энг мароқли, таъсирчан ери — икки рақибнинг сўнгги учрашуви, тўқнашуви манзараси. Бу ерда улар ёлғиз эмаслар. Учрашув баҳонасида биз бир қарашда ҳақиқатчи, дангалчи, кўнгил оқ, аммо қинғирликдан ҳам қайтмайдиган, ўзгаларга ҳиммат кўрсатаман деб қовун тушириб қўядиган дўсти нодон, оромини, оила фаровонлигини унутиб, тиним билмай ҳар хил йўллар билан мол-дунё йиғиб, фақатгина тую маърака қилиб шуҳрат топшинигана ўйлайдиган Содиқ ва яна бир ғалати хавфли кимса — Ҳамидовлар билан учрашамиз. Хусусан, Ҳамидов образи — ёзувчининг жиддий ютуғи. Адабиётда ҳушмадғув, мунофиқ, муросасозлар башарасини кўп кўрганмиз. Ҳамидов ҳам шулар тоифасидан; аммо бу одам ўзгача, маслакдошларнинг ҳеч бирига ўхшамайди. У — ўта қув, устамон, доимо қўли қўксиди, шахсий манфаати пайида яхшига ҳам, ёмонга ҳам бирдек хушмуомал; айёрлик билан дўсту душман кўнглига йўл қидиради; катталар олдида пойи-патак, айна пайтда иш битириш учун мансаб жиҳатидан қуйи одамлар қаршисида бўйин эгиб ялиниб-ёлворидан ҳам тоймайди, шахсий манфаат олдида ҳамма нарса бир пул. Бефарқлиги туфайли бир оила барбод бўлган, бу унинг парвойига ҳам келмайди... Масъулиятли лавозимда турган мана шу «антиқа» одам ашаддий рақиблар Вали ака билан Каримни яраштирмақчи, жиноятни босди-босди қилмоқчи. Аммо Вали ака унинг йўриғига юрмайди, эътиқодига содиқ қолади. Бу интригнинг пироварди гоят ҳаяжонли. Паст-пастлигига боради. Шу пайтгача Вали учун сир бўлиб келган Қумрининг ўлими ҳақидаги ҳақиқатни Карим беҳаёлларча ошкор этади. Дибнатли одам учун бундан ортинг зарба, азоб борми? «Вали аканинг ич-ичида нимадир узилиб кетгандек бўлди. У Каримнинг ҳамisha ёмонлик қилишига кўникиб кетган, аммо бу қадар тубанликка борар, деб сира ўйламаган. эди. Мунофиқ, муртад!.. Агар ҳозирги гапни ўзи оғзидан гуллаб қўймаганида, Вали ака у фожиани бахтсиз тасодифга йўйиб юрaverар, Қумри ҳақидаги маънос хотираларига озор етмас эди. Карим уни бахтидан жудо қилгани камдек, тиниқ хотираларини ҳам булғади... Энди Қумрини, унга боғлиқ ҳам фараҳбахш, ҳам маъзун хотираларни эслаш малол, азоб!»

Шунда у беихтиёр шафқатсизлик кўчасига киради, девордаги милтиқни олиб рақибига ўқталади; лекин у ҳам инсон, одам боласига қарага ўқ узоқмайди, осмонга отади. Бу қиссининг фазилати ҳам, ожизлиги ҳам шунда. Ҳар ҳолда ўқ узилди... Вали ака отган ўқ унинг исёни, тоғ-тошни ларзага солган ўқ овози гўё унинг қалб садоси. Гарчи бу ўқ ҳеч кимни қулатмас-да, у маънавий жиҳатдан голиб; рақибларнинг калтакесакдай эмеклаб қочиши — ожизлигига, таслим бўлганига зўр бир ишора!

Қиссадаги тасвир ҳамма ўринда шу сўнгги картинадагидек теранлик касб этмаганини

айтиш зарур. Айрим мантиқсизликлар, натуралистик тафсилотлар Карим характериға соя ташлайди. Ҳамидов билан Каримнинг ҳамтововқлиги, бир-бирини қўллашиға доир тафсилотлар тарихини бир оз тўлдириш лозимлиги сезилиб турибди. Вали ака билан солиқ жангчи дўсти орасидаги енгил-елпи муносабатлар ҳам жиддийроқ тус олганида асар яна ҳам очилиб кетган бўларди.

«Мангу жанг» романи қаҳрамони Бурҳон нимаси биландир «Синчалак»даги Қаландаров, «Диёнат»даги Отақўзиларни ёдга туширади. У ҳам мураккаб ва яхлит характер, кучли шахс, ишбилармон ходим. Узоқ йиллар катта ҳўжалик раҳбари сифатида ҳам кўп ишлар қилган, ҳам жиддий хатоларға йўл қўйган.

Асар Бурҳоннинг сўнгги кунлари, тўшақда ётиб чекаётган ҳам хасталик, ҳам руҳий изтироблари тасвиридан бошланади, ёзувчи ҳозир хийла кенг расм бўлиб бораётган усулни ишға солади — қаҳрамонига қўшилиб хаёлан у босиб ўтган йўлға назар ташлайди; биринкетин кўз олдимизда инқилобнинг дастлабки йиллари, колхоз тузилиши ва ниҳоят, Улуғ Ватан уруши, урушдан кейинги тикланиш даври воқеалари гавдаланади. Йўқ, булар шунчаки хаёлдан кечган узук-юлуқ хотиралар эмас, балки улар — тарихимиздаги муайян босқичларнинг кенг ва яхлит манзараларидир. Асарда китобхонни ҳаяжонға соладиган жонли ва ёрқин лавҳалар талайгина. Бурҳоннинг босмачилар томонидан қаттиқ қийноққа олиниши, ҳадсиз азобларға дош беролмай беихтиёр дўсти Қодирни сотиб қўйиши; Акбар билан тўқнашувлари, чўлдаги меҳнат шижоати, ойдин кечада безори йўлтўсарлар билан олишуви, мудҳиш қотиллик рўй берган дамларда бундан беҳабар хотини Ойжамолнинг бешик тепасида сурган нурли ва ҳазин хаёллари, қишлоқ одамларининг таҳликали ва ташвишли сўзсиз ҳолати, хатти-ҳаракатлари, ниҳоят, узоқ давом этган руҳий олишувлардан кейин қаҳрамоннинг мардларча инсофға келиши, ўзининг Қодир ва Акбарлар қаторида тура олмаслиғиға иқрор бўлиши, айбини юракдан ҳис этиши — булар ҳақиқий ёзувчи дастхатидан далолат берувчи саҳифалардир.

Муроджон Мансуров ўтмиш воқеаларининг моҳиятини очишға, улардан ибратли сабоқлар чиқаришға интилади. Энг муҳим сабоқ шуки, роман бош қаҳрамони Бурҳон — талай фазилатларға, катта имкониятларға эга бўлган бу кучли шахс ўзидаги худбинлик туйғусини енга олмайди, бу иллат уни манманлик, мансабпарастлик касалиға мубтало этади. Мансабға эришиш, мавқеида муқим туриш мақсадида у яқин дўстлари, маслакдошларидан, чинакам иқтидорли, пок, ҳақўй одамлардан узоқлашади, атрофиға лаганбардор, истеъдодсиз, маслаксиз кимсаларни йиға бошлайди, ўзи юқори лавозимлардаги иззатталаб кимсалар олдида хушомадгўйликка ўтади, шуҳратиға шуҳрат қўшаман деб кўзбўямачилик, қаллоблик кўчасиға киради, ҳақиқатда, виждониға зид гапларни айтаверадиган бўлади, эгри йўллар билан мукофотларға эришади. Бурҳон қисматидан чиқадиغان яна бир муҳим сабоқ шуки, бизнинг жамиятимизда нопок йўл билан узоққа бориш мумкин эмас, бундай қўйға тушган одам эртами-кечми қаттиқ жазоға маҳкум, у муайян ғалабаларға, шуҳратға эришса ҳам буларнинг барчаси кўпиркайд омонат, ҳаётнинг тоза шабадасиға дуч келиши билан кунпаякун бўлиб кетади, хаттоки қаҳрамон кўнглида уйғонган тоза виждон пировардида ўзини, ўтмишини қатъиян рад этади...

Кўриниб турибдики, юқоридаги роман ва қисса муаллифларини ғоят ҳаётий муаммолар тўлқинлантиради. Бу асарлар партиямиз ташаббуси билан сўнгги йилларда мамлакатимизда тартиб ўрнатиш, интизомни мустаҳкамлаш, социалистик ҳаёт, коммунистик ахлоқ нормаларидан ҳар қандай четға чиқишларға қарши муросасиз кураш олиб боришдан иборат оммавий ҳаракатларға ҳамоҳангдир, адабларимиз Узбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ғояларини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларидан далолатдир.

«Мангу жанг» романида кўнглимиз тўлмай қолган ўринлар ҳам йўқ эмас. Асарда бир сулоланинг уч фарзанди — ота, ўғил, набира образлари берилган; муаллиф ниятиға кўра уч авлод уч хил характерға, ҳаётий концепцияға эга; ҳар ҳолда ота — Бурҳон образи дуруст чиққан, ўғил ва набира орқали ёзувчи айтмоқчи бўлган гап-ғаллиғича қолган; чунончи, Қудрат ота сояси ва кўмагида ўқиб одам бўлган, юқори мартабаға эришган. У ота олдидаги шахсий бурчини яхши ҳис этади, аммо унинг фалсафасини қабул қила олмайди. Бурҳон ҳўжаликни бошқаришда ўта қаттиққўл, талабчан, гоҳу у шафқатсизликларға ўтади. Қодир эса одамларға ишониб, жилонни хийла бўш қўяди... Бу ҳам бирёқламаликка олиб келиши мумкин. Мана шундай муайян концепцияни ташиши лозим бўлган шахс образ сифатида қиёмеиға етмай қолган. Чўлда шижоат кўрсатган тракторчи қизларнинг руҳий оламиға чуқурроқ кириш, яна ҳам кенгроқ, таъсирчанроқ очиш мумкин эди.

Кишиларимизнинг оилавий-маиший ҳаёти, турмуш уринишлари, ёш авлод тарбияси ҳам адабиётнинг азалий мавзуларидан. Чинакам истеъдод эгаси қўлида шахсий турмуш чигалликлари, зиддиятлари ҳам улкан ҳаёт ҳақиқати билан туташиб-чирмашиб, муҳим маънавий-ахлоқий, катта ижтимоий аҳамият касб этиши мумкин. Афсуски, бизда маиший, шахсий ҳаёт мавзуи ифодаси айна шу жиҳатдан оқсамоқда. «Ойдинда юрган одамлар» қиссасининг асосий камчилиги ҳам шунда. Бошқа айрим асарларда ҳам шахсий турмуш драмаси, чигалликларини давр фонида кўрсатиш, алоҳида кишилар билан улкан ҳаёт орасидаги бевосита ёки билвосита алоқаларни, одамлараро мураккаб муносабатлар табиатидаги сирли, сеҳрли жиҳатлар, ўзгаришлар моҳиятини теран бадий идрок этиш маҳорати етишмай қолаётди. Бундай камчилик фақат бизда эмас, бошқа қатор қардош халқлар адабиётларида, жумладан, грузин ёш ёзувчилари ижодида ҳам йўл қўйилаётганлиги «Литературная газета» ёшлар ижодига бағишлаб ўтказган давра сўҳбатида алоҳида таъкидланди («Литературная газета», 1985 йил, 20 февраль).

Ёш ёзувчи Ҳамид Маллаевнинг «Зурёд» қиссаси бир қатор фазилатларға эга. Асар бошдан-оёқ лиро-романтик жилोलар билан йўғрилган; тоғ қишлоғи манзаралари, деҳқон меҳнати, қишлоқ одамларининг удумлари, тўю маъракалари, улоқ манзаралари мароқ билан чизилган. Асар марказида турувчи персонаж — Равшаннинг ўсмирлик ёшидаги ҳолат-кайфиятлари, содда-самимий севги кечималари — у меҳр қўйган от — Элтурки билан

боғлиқ ҳодисалар ифодаси ҳам жозибали чиққан. Аммо асардаги энг асосий нарса — ота-она жанжали, отасининг шаҳарда бошқа бир аёл билан бўлиб кетиши, шаҳарда мурасасоз, хушомадгўй кимсага айланиши воқеалари ифодасига келганда эса ёш қаламкаш тажриба-симлик қилиб қолади. Бундай ўринларда у персонажларни ичдан эмас, кўпроқ ташқи томонлардан кузатади, тасвирлайди. Агар муаллиф қисса имконияти доирасида лоақал ота, она, шаҳарлик аёл дилига чуқурроқ нигоҳ ташлаганида, уларнинг кўнгли рози, майллари теранроқ очиб берилганда, қаҳрамонларнинг қиёфаси янада равшан тус оларди; шунда, кўп асарларда учрайдиган энгил табиат аёллардан тубдан фарқ қилувчи дилбар, меҳрибон ўғай она топилма образ даражасига кўтарилиши мумкин эди. Агар отадаги ўзгаришларнинг лаганбардорликка айланиш жараёни шунчаки имо-ишоралар орқали эмас, балки туб сабабларини яхшироқ кўрсатиш йўли билан тасвирланганда, эҳтимолки, бу ҳолат унинг оилавий-шахсий турмушидаги чигалликлар билан алоқадор эканлиги пухта очилганида бу образ, қолаверса, қиссанинг маънавий-ижтимоий қиммати ортган бўларди.

Маиший ҳаёт чигалликлари тасвири ва талқинида гоҳо юзакилик билан баробар ўта биқиклик, жўнлик, ибтидоийлик ҳолатларига дуч келаётирмиз. Бу ҳол, айниқса, оддий, ҳоқисор, камсуқум одамлар деб аталган тоифа ҳаётига бағишланган асарларда яққол кўриняпти. Камсуқум одамлар тақдирни орқали ҳам ҳаётнинг катта ҳақиқатларини бериш, муҳим маънавий-ахлоқий муаммоларни ўртага қўйиш мумкин эканлигини Василий Шукшин ижоди, биздаги айрим айрим асарлар тажрибаси тўла тасдиқлайди. Эргаш Раимов «Кўз илғамас шўълалар» қиссасида шундай асарларга эргашди-ю, улар даражасига кўтарилма олмайди. Асар қаҳрамонлари аслида бутун одамлар, масалан, Болтавой инқилобчи фарзанди, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, унинг яқин кишиси Шер ота эса инқилоб ветерани; ҳар иккиси ҳам уруш қурбони, уларнинг кейинги тақдирни ниҳоятда аянчли, мунгли. Шер ота ночор аҳволга тушиб қолган, турмуш тебратиси мақсадида бир судхўрдан қарз кўтариб қассобчилик қилмоқчи, пулини бозорда чўнтаккесарларга олдириб қарзга ботади, судхўр қарзини сўраб уни хўрлайди, нафсониятини оёқости қилади, ота бу хўрликларга чидай олмай пик-пик йиғлайди, сўнгра у уйда чойхона очиб, маъмурий органлар таъкибига учрайди, орага порахўрлар аралашади... Болтавой эса ота касбини давом эттириб шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, тўйма-тўй юриб айиқ ўйнатиб, дарбадар ҳаёт кечиради. Шер ота ҳолига қаттиқ ачинади. Не машаққатлар эвазига йиққан пуллари билан отани қарздан қўтқаради, ўзи эса бехосдан келган юрак санчиғи туфайли ёруғ жаҳон билан видолашади. Аввало, асарда инқилоб ветерани, уруш қатнашчиси бўлган одамларнинг бу даражада ночор, нотавон, тўпори ҳолга тушиб қолиш сабаблари очилмаган. Боринги, улар қандайдир сабабларга кўра шу ҳолга тушиб қолди дейлик. Шунда ҳам ёзувчининг тутган йўли — тирикчилик ғамида майда ишлар билан банд бўлиб, хийла майдалашиб, мискин аҳволга тушиб қолган Шер отани зўр бериб ҳимоя қилиши, Болтавой ака уринишларини олижаноблик, қаҳрамонлик сифатида талқин этиши ғалатиноқ туюлади. Адиб сўний равишда бу одамларни ҳаётимиз ёркинлигини таъминловчи, нурлантириб турувчи шўълалар деб таърифлаш ўрнига уларнинг катта ижтимоий ҳаёт оқимидан четлашиб, шу ҳолга тушиб қолиш сабаблари устида йўлаши, граждон сифатида бундан ларзага келиши лозим эди-ку!

Бу қисса бадиятнинг муҳим бир томони устида жиддийроқ ўйлашга ундайди: етук асар яратиш учун фақат кузатувчанлик, ҳодисаларни жонли гавдалантириш, тирик одам, характер яратишнинг ўзи асло кифоя қилмайди; уларни тушуниш, моҳиятини идрок этиш, хатти-ҳаракатидаги зарурий нуқталар маъносини туйиш ҳам ниҳоятда муҳим. «Кузатаётган ҳодиса ракурсини белгилаш бошни қотирадиган масала, — деган эди ёзувчи Н. Думбадзе танқидчи В. Этов билан суҳбатда, — бунинг учун ўткир нигоҳ ва кузатувчанликнинг ўзи етарли эмас. Фикр ва туйғу теранлиги ҳам керак. Адабиётнинг «сири», маҳоратнинг сири худди шу ерда намоён бўлади» («Литературное обозрение», 1985, № 1). Эргаш Раимов қиссасида жонли лавҳалар, тирик одамлар бор, хусусан, Тўхтахон исмли айиқ билан боғлиқ саргузаштлар, бош қаҳрамон ҳаётидаги чигалликлар, зиддиятлар — барчаси жонли гавдалантириб берилган, аммо ёркин лавҳалар, тирик одамлар, уларнинг уринишлари ракурсини белгилашга, моҳиятини очишга келганда муаллиф чалқашиб кетган; калаванинг учини йўқотиб қўйган. Ҳақиқий реалистик асар қаҳрамони қандайдир даражада замон, давр рўҳини, унинг зиддиятларини ўзида акс эттириши керак. Эргаш Раимов қиссасида эса буни кўрмаймиз.

Муҳаммад Саломнинг «Мувозанат» асари «ишлаб чиқариш» романи анъаналари рўҳида битилган. Унда райком секретари лавозимига кўтарилган ишбилармон, тadbиркор, ғайрат-шижоатли ходимнинг меҳнат фаолияти, иш кунлари ёритилади, Собит Рустамов фаолияти билан боғлиқ ҳолда район ҳўжалигининг хилма-хил соҳаларига оид муаммолар тилга олинади, раҳбар кадрлар билан ишлаш, кадрларни кашф этиш ва жой-жойига қўйиш бош масала сифатида талқин қилинади.

Ёзувчи роман учун танлаган мавзу-материални, қишлоқ райони ҳаёти, муаммоларини анча яхши ўрганган. Аммо ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантиришга, ҳаёт ҳодисаларини бадий идрок этиб, моҳиятини очишга келганда оежилик қилган. Асарда турмушга яхлит ҳолда бадий қараш етишмайди, асар райком секретарининг бир-икки йиллик фаолияти ҳақидаги оддийгина репортаждан иборат бўлиб қолган. Романда бош қаҳрамонни, ундаги воқеаларни ҳаракатга келтирадиган яхлит бадий конфликт, муаммо йўқ. Секретарь ўз фаолиятида, масалан, райком биноси қаршидаги хиёбонни янгилаш, қадимдан қолган тарихий ёдгорликларни асраш, раҳбарларни алмаштириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, савдо соҳасидаги чатоқликларни тартибга келтириш, чорвачиликни ривожлантириш, чўлни ўлаштириш, ўкувчиларни ҳўжалик ишларида ортиқча банд этмаслик каби ўнлаб масалалар бўйича баъзи қийинчилик ва тўсиқларга дуч келади, булар эса осонгина ҳал этилади, қаҳрамон ғалаба устига ғалабага эришаверади. Асардаги энг қалтис можаро — ишдан олинган бир ғаламиснинг секретарь устидан «думалоқ хат» уюштириши-ю, унинг жонига қасд қилмоқчи бўлгани. Бу интригалар эса ўта сўний, бачкана. Қиссада талқин этилишича, қисқа бир муддат ичида секретарь район ҳаётини алғов-далғов қилиб юборади,

ҳамма соҳада тартиб ўрнатади, катта бунёдкорлик ишларини амалга оширади. Аммо китобхон бундай фаолият қаҳрамон учун қанчалар қимматга тушганлигини, бундай улкан ишларнинг улкан драмасини, шунчалар катта қаҳрамонлик жозибасини асло ҳис эта олмайди.

Назаримда ёзувчи бир қишлоқ райони ҳаётини, ташаббускор райком секретари фаолиятини дурустгина ўрганган, яхшигина тадқиқот очерки учун материал йиққан, афсуски, очерк жанри талаблари асосида тадқиқотни давом эттириб, маромига етказиш ўрнига, уларни чуқмалроқ бир «бадийёт» либосига ўраб, ундан роман ясашга беҳуда уринган. Натижада, аросат бир нарса майдонга келган.

Кейинги йилларда очерк, журналистика жанрлари имкониятлариغا етарли аҳамият қилмай, очеркбоп материалга бадий зеб бериб, уни зўрма-зўраки равишда беллетристикага айлантиришга уриниш, истеъдодли журналист ва гоҳо яхши олимларнинг ёзувчиликка ўта ружу қилиш ҳоллари кенг ёйилиб бормоқда. Атоқли адиб В. Катаев «Литературная газета»даги сўхбатида (1984 йил, 7 ноябрь) бу ҳодисадан қаттиқ ташвишланиб: «Менинг ўзим ёшлигимда журналист бўлганман, турли-туман вақтли нашрлар учун кўп нарсга ёзганман, шунга кўра бу соҳани билман ва журналист оғайниларимга катта ҳурмат билан қарайман. Бироқ ҳозирги кунда яхшигина журналистларнинг бир илож қилиб ёзувчи — беллетрист бўлишга интилишларини асло тушуна-олмайман, улардан эса аксари аросатдаги ёзувчилар чиқади», — дейди. Шундай ташвишли фикрни танқидчи Ю. Суровцев ҳам ўртага ташлади. У қишлоқ прозасига оид чиқишида В. Овечкин тажрибасига оид бир характерли фактни келтиради. Атоқли очеркчи «Районнинг иш кунлари» очеркини танқидчилар беллетристика проза доирасига киритмаганларида ранжиган экан. Аммо унинг архивида «Беллетристикадан холи» деб аталган кўлэзма бўлиб, унга: «Бунинг маъноси шуки, мен ҳеч қанақа сюжет, ҳеч қандай ёрқин адабий либос ва қизиқтирувчанлик ваъда қилмайман. Бу ҳаёт ҳақидаги соф, бепардоз, ошқора гап-сўзлардан иборат», — деб изоҳ берган экан («Вопросы литературы», 1984, № 12, 27—28-бетлар). Ҳа, ҳаёт ҳақида сунъий безакларсиз ошқора ифода, яъни яхши публицистик тадқиқотнинг қиммати ҳақиқий бадий асарнинг қимматидан асло кам эмас. Буни унутмаслигимиз керак.

СССР ёзувчилар союзининг юбилей пленумида бугунги кун кишини ўтмиш хотиралари, тарих сабоқлари орқали тарбиялашнинг аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди, тарихий мавзунини ёритишда чуқур ўйлаб иш тутиш, тарихий ҳақиқатга изчил риоя қилиш, ўтмиш ҳақида марксча-ленинча позицияда туриб жиддий, вазминлик билан гапира олиш маҳорати муваффақият гарови экани айtilди. Бу гап аслида тарихий мавзуда ҳам юксак ғоявийлик, граждонлик ва маҳорат уйғунлигига эришиш асосий масала демакдир. Тарихий мавзуда бизда кўплаб асарлар битилляпти, аммо булар орасида чинакам бадийликка эришганлари ниҳоятда оз.

Шукур Холмирзаевнинг «Қил кўприк» романи 1982 йили «Шарқ юлдузи»да эълон этилган, у баъзи баҳс-мулоҳазаларга сабаб бўлган эди. 1984 йили роман тубдан қайта ишланиб, китоб ҳолида чоп этилди. И. Ғафуров «Инқилоб ҳамиша ҳаракатда» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 26 октябрь) бу асарнинг ғоявий мазмунини, образлари моҳиятини, поэтикасига хос хусусиятларни яхши очиб берган. Танқидчи тўғри таъкидлаганидек, бу роман инқилобимизга очилган янги бир эшик-дарча, у орқали биз инқилоб даврининг мураккаб манзараси — инқилобнинг ички ва ташқи, пинҳоний ва ошқора душманлари, ўта жоҳил, кўпол-дағал рақиблари қаторида кучли, зиддиятли ва қув-мақкор шахслар қиёфаси билан ҳам танишамиз. Ёзувчи Иброҳимбек ва айниқса Эшон Судур образларини бутун мураккаблиги, фожиаси билан гавдалантириб беради; Эшон билимдон, ижтимоий-сиёсий ҳодисалардан хабардор, муайян маънода ростгўй, камбағалпарвар, кўнгилчан, ҳокисор одам, айна пайтда у Шўронинг ашаддий душмани. Шўро ҳўкуматининг тенглик, эрқарварлик сиёсатини асло қабул қила олмайди. Шунга кўра у онгли равишда душман лашкарларининг раҳнамосига айланган. Роман бош қаҳрамони — кечагина Эшон етагиди бўлган, эндигина инқилоб томонига ўтиб, қизил аскарлар сафига қўшилган ва шу захоти муҳим топшириқ билан аждаҳо қомига юборилган Қурбоннинг қалтис вазиятдан — қил кўприкдан ўтиши, шу қалтис синов вазиятида унинг ўзлигини топиши, шахс сифатида унда илгари кўрилмаган уйқудаги жиҳатларнинг уйғониши қадамба-қадам, батафсил бадий таҳлил этилган. Ёзувчи характердаги ўзгариш, ўзлигини топиш жараёнини яхши кўрсатади-ю, аммо ана шу ўзгаришлар жараёни драмасини етарли очиб бера олмайди; энг мураккаб, қалтис дамларда ҳам Қурбон айтарли иккиланмайди, қийналмайди, охириги ҳалокатини мустасно этганда, аждаҳо қомиди бошига оғирроқ кулфат тушмайди. Қаҳрамоннинг ўзлигини топиши хийла осон, ички қаршиликларсиз, оғрикларсиз, силлиқ кечади. Шунинг учун бўлса керак, талай фазилатларга эга, қаҳрамонона ишлар қилган бу одам китобхонни ўзига тўла ром этолмайди.

Евгений Березиковнинг «Қизил Бухоро» романининг биринчи китоби «Қора доvon» эзгу ният билан ёзилган. Ёзувчи тарихий ҳужжатларга таяниб, Бухоро ва унинг атрофида Октябрь инқилоби арафасида юрт тақдири, инқилоб ташвиши билан яшаган маҳаллий миллат ва рус зиёлиларининг илғор вакиллари, бу ўлканинг уйғонган фарзандлари онгига марксизм ғояларининг таъсири, ўзбек ва рус халқи орасида туғилган чинакам дўстлик ҳамкорлик сарчашмалари ҳақида қалам тебратгади. Асарда инқилобий кайфиятдаги ёш рус зиёлиси Нашчекиннинг Россияда таълим олиб қайтган Абдулла ва ўлкадаги бошқа илғор фикрли кишилар билан мулоқотлари меҳр ила қаламга олинган. Аммо, шуниси ҳам борки, романда ҳали ёзувчининг ниятлари тўла бадий шаклга тушиб улгурмаган, образлар моҳиятига, ички оламга чуқур кириб борилмаган. Асарда персонажларни ичдан ёритиш етишмайди, Нашчекин ҳам, Абдулла, унинг отаси, Сариқ табиб, Черневский, Морозов, Вяткин, шунингдек, қатор салбий шахслар, жумладан, Миролим — барчаси характер ирода йўналиш асосида эмас, адиб хоҳиши билан ҳаракат қилаётганлиги шундоқ билиниб туради. Тарихий ҳодисалар, турли-туман зиддиятлар, чунончи, Бухорода бўлиб ўтган шиалар билан суннийлар орасидаги моҳжаро қаламга олинганда муаллиф ҳодиса моҳиятини бадий тасвир ва

таҳлил орқали очиш ўрнига уларни илмий ва фактик жиҳатдан шарҳлаш билан банд бўлади. Нашчекин фаолиятидаги энг муҳим нуқта — унинг чўлларга сув келтириш йўлидаги жонбозлиги тасвирида асосий гап бу ёқда қолиб, қаҳрамоннинг тоғлардаги экзотик, фаройиб саргузаштлари биринчи планга ўтиб кетади. Бугина эмас, бошқа ўринларда, чунончи Миролим, унинг тахтага келиши, юрдаги ҳар хил тоифа шахслар, чет эллик вакиллар, агентлар билан мураккаб, зиддиятли муносабатларида ҳам жиддий бошланган гап бирдан фавқулодда саргузашт-экзотик характер касб этиши туфайли ифода талқини чучмаллашади. Қисқаси, романда ҳали мураккаб тарихий ҳақиқатга яхлит ва теран бадий нигоҳ етишмайди. Акрам Каттабеков «Литературное обозрение»да босилган тақризида (1984, № 10) бадий заифлиги аён кўриниб турган бу романнинг баҳосини хийла ошириб юборган, уни Садриндин Айийн, Комил Яшин, Асқад Мухторларнинг инкилобий Бухоро ҳақидаги асарларида ўринсиз равишда тенглаштириб қўйган.

Улуғ Ватан уруши ҳақида битилган бир қанча асарлар — драма, киносценарий, романлар муаллифи, жангчи адиб Иброҳим Раҳим галдаги «Генерал Равшанов» романи билан яна ўзи севган ва яқиндан биладиган мавзуга қайтди. Бу асарда ёзувчи совет қўшинларининг Москва остоналарида немис босқинчиларига қарши олиб борган курашларини, жумладан, ўзбек жангчиларининг шу ҳаёт-мамот жангидаги иштирокини кўрсатмоқчи бўлган. Полковникдан армия генерали даражасига кўтарилган Равшанов — романнинг бош қаҳрамони. Ёзувчи бу одамни шиддатли жанглар, мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисалар ичидан олиб ўтишга уринади, уни бир қатор атоқли партия ва давлат арбоблари, машҳур саркардалар билан учраштиради; айна пайтда унинг аянчли, машаққатли, чигал ҳаёт йўлини шахсий-оилавий саргузаштларини, шунингдек, Ватан урушидан буруноқ жангчи ва инсон сифатида тобланиш тарихини сузлаб беради. Демак, асар қаҳрамони — кўпни кўрган, оғир ҳаёт синовларидан ўтган, донгдор кўмондонлар қўлида тарбия олиб тобланган етук шахс.

Асар ҳаётини интригаларга бой: қаҳрамон қаршисида сон ва техника жиҳатидан устун каттол душман таҳлика солиб турибди, орқада Москва; шу қалтис дамларда унга отлик аскарлар дивизияси тузиш, уни бошқариш вазифаси юклатилган, бу осон кўчадиган иш эмас, бунинг устига унга баъзи ғаламис шахслар шубҳа билан қарашади, устидан думалоқ хатлар уюштирадilar, жанг стратегияси ва тактикаси бобида айрим командирлар билан келиши олмайди; булар ёнига Ватан хоини — эски таниши Тангрибердиҳужаев можароси, ўғли Олимжон, севгилиси Шарифа билан боғлиқ кечинмалар келиб қўшилади...

Хуллас, асарда бир роман учун арзигулик драматик асослар бор. Афсуски, буларнинг бадий ифодаси, талқини кўнгилдагидек эмас. Аввало, жанг эпизодлари, тафсилотлари ҳаддан ташқари кўпайиб, чўзилиб кетган, жанг манзараларини жонли гавдалантириш бору уларнинг мағзини чақиш, маъно чиқариш заиф; гоҳ бундай тафсилотлар, чунончи, отлик аскарлар дивизияси тузиш, уни жангга тайёрлаш воқеалари ўта жўнлашиб кетган.

Равшанов хусусида жангоҳда бўлган қатор можаролар, унинг устидан уюштирилган туҳматлар юқори лавозимдаги шахсларнинг аралашуви воситасида осонгина бартараф бўлиб кетади, кучли рақиб Владов билан унинг орасидаги ғоявий зиддият ҳам охирига етмай қолади. Энг муҳим, қалтис дақиқаларда замон руҳини, қаҳрамонларнинг даврга мос кайфият-ҳолатини етарли ҳис эта олмаймиз. Масалан, узок жудоликдан, кўп кўргуликлардан сўнг жангда ота билан боланинг учрашуви — ўқувчини ларзага солиши мумкин бўлган ҳолат ўта жўн чиққан. Еки Равшановнинг Сталин билан учрашуви картинасини эслайлик. Фашист кўшинлари Москва остоналарида қутуриб хуруж қилаётган, мамлакат тақдирини қил устида турган дақиқалар... Сталин ҳеч нарса бўлмагандек оёсийишта, Равшановни зиёфат қилади, ўртада грузин виносию Қува анори ҳақида гап бўлади, шу орада телефон жиринглаб, Ўзбекистондан хушхабарлар келади, бош муддао — отлик аскарлар дивизияси тузиш масаласи ҳам силлиқина ҳал бўлади...

Кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган, атоқли саркардалар ишончини қозонган генерал, отлик аскарлар дивизияси командири даражасига кўтарилган Равшановнинг айрим хатти-ҳаракатлари ифодаси, талқини ўқувчини таажжубга солади. Бу одам Сибирда эканлигида дуч келган бир рухонийнинг васиятига амал қилиб, у ҳада қилган тасбехни асло қўлдан қўймайди, Сталин ҳузурига кираётганида уни аранг олиб қолишади; хоин Тангрибердиҳужаев асир олинганида қаҳрамон бошқа иши йўқдек, у билан анча вақт ғалати суҳбат қуради — эски кадрдонлик ўрмати аввал уни роса сийлаб, зиёфат қилади, мириқиб суҳбатлашади, сўнг сўкишга ўтади ва ҳеч ким билан ҳисоблашмай, уни ўз қўли билан отиб ташлайди; ярадор бўлиб, Москва касалхонасида ётганида врачларга ишонмай синган оёғини даволаш учун тезда Тошкентдан Моштабни келтиришларини талаб этади; дард азобида оғриқни енгиш учун бор овоз билан «Яша Шўро!..», «Боғар-о қўйсам қадам» қўшиқларини қўйлайди. Етук қаҳрамонда ҳам инсоний ожизликлар, кам-кўстлар бўлиши, улар ҳам гоҳ хатоларга йўл қўйиши мумкинлиги ҳаммамизга аён. Равшанов ҳам тирик инсон сифатида бундай ҳолатларга тушиши, гоҳ ожизлик қилиши, хатоларга йўл қўйиши табиий. Бу ерда гап қаҳрамоннинг мазкур вазиятдаги ҳолатлари, хатти-ҳаракатлари ифодасида, ёзувчи нуқтаи назари, Н. Думбадзе айтган кўриш-кузатиш ракурсининг теранлиги устида бораётир. Худди шу ракурс мужмаллиги туфайли ўқувчи тасавури бузилади. Масалан, қаҳрамон касалхонада оғир дард чекапти, китобон бу оғриқни ҳис этиши, унга ачиниши ва шу драматик дамлардаги ирода-бардошига қойил қолиши керак. Лекин ракурс нотўғри олингани учун Равшановнинг юқоридаги ҳолати, хатти-ҳаракатлари кулгили бўлиб чиққан.

Асар тил, тасвир жиҳатидан ҳам оқсайди, мавзу, материал руҳига, воқеалар ривожини, оқимига мос оҳанг товланиши йўқ, ҳамма персонажлар, ҳар хил картиналар, турли вазият ва ҳолатлар бир хил ритмикада ифода этилади.

Уруш даври манзаралари кенг эпик кўламда кўрсатишга жазм этилган бу асарда фақат воқеалар қамровигина эмас, ҳаёт ҳақидаги бадий мушоҳадалар ҳам теранроқ бўлишини истаймиз. Адабиёт ва санъатда кўп марта қаламга олинган жанг воқеаларининг шунчаки

қайта жонлантирилган тафсилотларини эмас, уруш воқеаларига янгича ёндашиш, янгича талқинларни кўришни хоҳлаймиз.

Адабий танқидчиликда «Генерал Равшанов» романининг жанр хусусияти хусусида баъзи чалқаш фикрлар айtilди. Н. Бекмирзаев ва Б. Маҳмудовнинг «Ҳарбий-публицистик роман» сарлавҳали тақризида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1985 йил, 15 февраль) асарни «Тўла маънодаги генерал образини яратган ҳужжатли роман» деб таърифлайдилар. «Асарнинг жанр хусусияти, услуби ҳақида шуни айтиш жоизки, «Генерал Равшанов» публицистик руҳда ёзилган ҳужжатли романдир», — дея алоҳида таъкидлайдилар. Ҳолбуки, асарда айрим тарихий шахслар, реал тарихий фактлар мавжуд бўлса-да, у тўла ҳолда ҳужжатли роман эмас. Езувчининг ўзи асарга ёзган киич сўз бошида «бу тарихий асар ёки хотиранома эмас, бинобарин, қисмлар, жойлар, одамларнинг номларини (айримларидан ташқари) эркин ишлатишга тўғри келди» деб изоҳ бериб ўтган. Мақола авторлари асарни «Тўла» маънодаги генерал образини яратган ҳужжатли роман» дейиш билан баробар бошқа ўринда ўзларига зид равишда асар бош қаҳрамони Равшанов ҳаётда бор шахс эмас, балки «Ватан учун адолатли жангларда тобланган офицерларнинг йиғма образи» деб ёзадилар. Модомики, асарнинг бош қаҳрамони йиғма, тўқима образ экан, уни «тўла маънодаги генерал образини яратган ҳужжатли роман» дейиш мантиққа зид.

Кейинги йилларда бизда тўла маънодаги бир қатор ҳужжатли проза намуналари пайдо бўлди. Уларнинг аксарияти маданият арбоблари, олим ва адиблар ҳақида. Таниқли адабиётшунос Азиз Қаюмовнинг Беруний, Бобур ҳақидаги илмий-бадий лавҳалари жамоатчилик орасида қизиқиш уйғотди. Муаллифнинг янги «Абу Али ибн Сино» асари «Шарқ юлдузининг йиллик мукофотида сазовор бўлди. Кибриё Қаҳҳорованинг Абдулла Қаҳҳор ижодига бағишланган китобидан эълон этилган парчалар, хусусан, бу улкан сўз устасининг атоқли ёзувчи К. Симонов билан мулоқотларига оид лавҳалар кўпчиликка манзур бўлди; сал «олдинроқ» М. Норматовнинг Ҳамид Олимжон ҳаётидан баҳс этувчи «Шоир болалиги» китоби чоп этилган эди, ўтган йили «Ёшлик»да ёш ёзувчи Туроб Мақсуднинг худди шу мавзуда «Бешик» қиссаси чиқди. Отаёр Миртемир ҳақида шогирдлик эҳтироми билан йўғрилган «Мен қуёшни кўргали келдим» эссесини эълон этди. Ёш қаламкаш Қўлдош Мирзо «Сехрли сад» қиссасида Гулҳанӣ ҳаётини ёритмоқчи бўлган.

Азиз Қаюмовнинг «Абу Али ибн Сино» асари классик адабиётимиз анъаналари руҳида битилган. Худди «Макоримул ахлоқ», «Бадоеул вақое» сингари у ҳам улғу аллома ҳаётига оид характерли лавҳа, ҳикоятлардан ташкил топган. Уларда аллома характери ёки фаолиятининг муаян қирралари ёритилади. Айни пайтда бу асар ҳозирги давр етук адабиётшунос олими қаламига мансуб. Муаллиф тарихий-адабий фактларга изчил риоя қилади, унинг бош муддаоси — шу тарихий-адабий фактларни, илмий хулосаларни системага солиш ва бугунги китобхонга етказишдир. Асардаги бадий либос эса, асосан, илмий талқини жонлантириш, қизиқарли, таъсирчан ифодалашга қаратилади. Бадий безаклар фақатгина фактларни жонлантириш, картиналар яратишгагина хизмат қилиб қолмай, уларнинг ҳоқиқатини таҳлил этишга, хилма-хил томонлардан очишга ҳам хизмат қилганда асарнинг қиммати янада ортан бўларди.

«Мен қуёшни кўргали келдим» асарида Отаёр Миртемир ҳаёти, оилавий муҳити, ижодига оид кўп фактларни келтиради, санъаткор ижодий лабораториясига кириб боришга интилади, шоир шахсиятига доир қатор фазилатларни таъриф-тавсиф этади, ниҳоятда хокисор, ўктам, дилкаш, меҳнаткаш, оддийлардан оддийроқ умр кечирган, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмаган, одамларга, хусусан шогирдларига ўта меҳрибон, уларни «азиз киприклари» деб атагучи, бошига синоғлик кунлар тушганда ҳам ёзишдан, таржимадан сира тинмаган, энг маънос оларда ҳам ўктамлигини йўқотмаган, ёзганларидан ҳеч қачон тула қаноат қилмаган, нон ва тузни аямаган халқи олдида ҳамиша ўзини қарздор ҳис этган, ҳаётда сокин ва майин бўлса-да, юраги шеърининг қудратли асов ғалаёни билан тепган, «Юрагимда ёнар бир ўт бетутун. Гўёки дер: қовураман, тиламан. Дош бераман нечун хануз мен беун — Битта ўзим биламан...» деб ўтган аломат бир шоир-инсон сиймосини гавдалантиришга жазм этади. Гарчи Отаёр ўз асари жанрини «эссе» деб белгилаган бўлса-да, аслида у «эссе»дан кўра танқидчи А. Латинина «Литературная газета»даги мақоласида (1985 йил 20 февраль) таърифлаган «шахсий жанр»га яқин туради. Худди шу — шахсий жанр табиатидан келиб чиқиб автор эркин ҳаракат қилади, гоҳ илмий-адабий, гоҳ хотира, гоҳ беллетристика, гоҳ публицистик талқинга ўтади; аммо шогирдининг устоз ҳақидаги шахсий ўйлари, устоз сиймоси ва ижодига оид шахсий кузатиш, мулоҳазалари, чексиз шогирдлик эҳтироми асар моҳияти-пафосини ташкил этади. Асар журналда тўлиқ ҳолда эълон этилгани йўқ. Шунга кўра у ҳақда ҳозирча узил-кесил хулоса чиқариш қийинроқ. Бироқ ҳозирнинг ўзидеёқ авторга баъзи эътироз ва истаклар билдириш мумкин. Асарда такрорий ўрилар, жўнроқ гаплар, гоҳ ўта жимжимадор иборалар, яхшигина бошланган фикр, масалани поёнига-қиёмига етказмай туриб бошқасига ўтиб кетиш ҳоллари кўп учрайди; шу жанрнинг энг яхши намуналарига хос донишмандлик, теран адабий-фалсафий мушоҳадакорлик, адиб шахси ва ижодига фавқуллода қутилмаган янги томонлардан ёндашиш ҳар доим; ҳам етишавермайди.

«Бешик» қиссаси аниқ ҳужжатлар асосига қурилган, ҳаётда бор одамлар турмушидан олинса-да, муаллиф соф беллетристик талқин йўлидан боради, аввалроқ адабий-танқидий ишлар, айрим хотиралар, шунингдек, М. Норматовнинг «Шоир болалиги» қиссаси орқали бизга таниш шахслар — Ҳамид Олимжоннинг болалик муҳити, бобоси, ота ва амакларини, опаси, ука-сингиллари билан ўзича таништирмоқчи бўлади. Асарда бўлғуси шоир тақдирида муҳим роль ўйнаган ўз даврининг етук кишиси саналмиш мулла Азим образи анча жонли гавдалантирилган; унинг чор амалдорларидан бири Рукин билан мураккаб, чигал муносабатлари дуруст кўрсатилган. Аммо асарга соф беллетристик талқин талаблари асосида ёндашсак, қисса бир қанча жиҳатлардан оқсайди. Унда персонажлар хатти-ҳаракати психологик жиҳатдан етарли далилланмайди, энг қалтис, мураккаб вазиятлар, Комиланиннинг ўз

қайнисига узатиш пайтидаги руҳий ҳолати, қайин-куёвнинг изтироблари етарли очилмайди: мулла Азим ҳаётидаги энг муҳим палла — унинг мардикорликка олиниши, Пензага бориб қайтиши шунчаки баён этилади; бўлғуси шоир ижодий тақдирига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, Жиззахда Хўжандлик ойим номи билан танилган шоира Муаззамхон, Фозил бахши ҳақидаги гап-сўзлар қисса сюжет тўқимасига сингмай, ора йўлда қолиб кетади, ёзувчи шоир туғилиб ўсган муҳит, Ҳамиднинг болалигидаёқ кўзга ташлана бошлаган шоирона зеҳни қирраларини акс эттиришни ваъда қилади-ю, амалда буни унутиб кўяди. Еш Ҳамид кечинмалари, шоирона истеъдод қирралари ифодасини деярли кўрмаймиз. Шунингдек, қиссада анча кенг ўрин тутган машҳур 1916 йилги Жиззах қўзғолони, жаззахликларнинг чўлга бадарға этилиши воқеалари шундоққина «Наврўз» романи таъсирида ёритилган, ёзувчида бу тарихий ҳодисани ўзича бадий идрок этиш етишмайди. Қисқаси, мулла Азим образи талқинидаги муайян муваффақиятлари мустасно этганда, қисса бўлғуси шоир оилавий муҳитининг жўнгина беллетристик баёнига айланиб қолган.

Шунингдек, Қўлдош Мирзонинг «Сехрли садо» қиссаси ҳам Гулҳаний ҳаёти тўғрисидаги мавжуд маълумотларнинг шоир шахсий-оилавий турмушига, фаолиятига оид айрим чучмал тўқималар (масалан, Муҳаммад Шарифнинг Соҳира исмли қизга пинҳона меҳри, Холиқ исмли бойваччанинг орага гов бўлиши, Наманганда Фазлий жиянига зўраки уйланиши, Қўқонда амирга навкар тушган кезлардаги саргузаштлари) билан тўлдирилган шунчаки беллетристик баёнидир. Еш ёзувчи ўз даврининг жасур шоири бўлмиш Гулҳаний билан уни қуршаган муҳит, шароит орасидаги ҳақиқий зиддиятлар моҳиятини оча олмаган, тарихий шахсларни жонли, тўлақонли образ даражасига етказолмаган.

Ниҳоят, ҳужжатли проза устида гап кетганда яна ўша беллетристикага ортиқча маҳлиё бўлиб кетиш, публицистик таҳлил, талқин имкониятларига менсимай қараш оқибатида келиб чиқаётган нохуш фактлардан бирига эътиборни тортмоқчиман. «Авлодлар» қиссаси муаллифи Йўлдош Сулаймон истеъдодли журналист, яхши очеркчи. Бу асари учун ҳам у қизиқарли материаллар топган: тақдир тақозоси билан ўн ўч ёшида уруш гирдобига тушиб қолиб, қонли жангларда қатнашган, дивизия ўғли номини олган фарғоналик Жумабой Мирзаев, беш ёшида опаси билан Украинада ҳарбий хизматни ўтаётган поччаси олдига бориб, беҳос бошланган уруш ичида қолган Оминахон Содиқова саргузаштлари ўз ҳолича қоғозга туширилиб, публицистик воситалар орқали чуқур тадқиқ этилганида, ёшлар кўзи, нигоҳи орқали гавдалантирилганида ажойиб оригинал ҳужжатли асар майдонга келиши мумкин эди. «Авлодлар» муаллифи шундай ноёб материалларга эга бўла туриб, негадир уларга ишонқирамай қарайди, тўқималар, беллетристик саргузаштлар баёнига кўчади.

1984 йилги роман ва қиссалар хусусидаги мулоҳазалар яна бир бор шундан далолат берадики, фақат чуқур ғоявийлик, гражданлик ва маҳоратнинг юксак савияси уйғунлашган тақдирдагина чинакам бадий кашфиёт, баркамол асарлар майдонга келади. Партиямиз санъаткорларни шундай уйғунликка қайта-қайта даъват этаётганлиги бежиз эмас.



«Хаёлимда доимо баҳор»

Машраб Бобоев. «Бағишлов», Лирика, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1984

Шоир Машраб Бобоев ўзининг илк машқларидан бирида «хаёл сафаридан ҳориб қайтиб», тушида кўшиқ айтаётган лирик қаҳрамон ҳақида шеър битган эди:

Хаёл сафаридан ҳориб қайтаман,
Хумор кўшиқларнинг тутар хумори.
Сўнгра тушларимда кўшиқ айтаман,
Кўшиқлар айтаман мовий, зангоря.

Шоирнинг эътироф этишича, унинг кўшиқлари мунис Она, Тупроқ, Пахта, Бахт ва ниҳоят, жонажон Ўзбекистон ҳақида эди. Машраб Бобоев бу шеърда машаққатли маҳорат йўлини бўйлаб кўрган ва гўё ўз ижодий программасини эълон қилган эди. Мана шу шеърнинг ёзилганига роппа-роса ўн саккиз йил бўлибди. Ун саккиз йил эса — бир навқирон йигитнинг балоғат ёши. Бу давр ичида шоир қатор шеърий тўпламларни чоп эттирди, яъни юрагида чиндан ҳам «кўшиқлари» кўп эканини, уларда замондошларимизга талай нарсалар ҳақида ҳикоя қилиб бера олиши мумкинлигини исбот этди.

Кўлимизда — шоирнинг «Лирика» сериясида нашр этилган янги тўплами. У «Бағишлов» деб номланган. У бизга жуда кўп, хилма-хил нарсаларни ваъда қилади. Чиндан ҳам, тўпلامни varaқлар эканмиз, мажмуа муаллифининг қарийб йигирма йиллик ижод йўлини қамраб олганига гувоҳ бўламиз. «Бағишлов»ни шартли равишда қуйидагича тасниф этиш мумкин: ўзбек халқининг шарафли пахтакорлик касби, инсон ва табиат ҳақидаги шеърлар, уруш ва тинчликка бағишланган шеърлар, фалсафий руҳдаги шеърлар, ишқий мавзудаги интим-лирик шеърлар. Тўпلام шу аснода тартиб берилган бўлса ҳам, бироқ уларга жамланган шеърларнинг ғоявий-бадиий савияси бир хил эмас.

Машраб Бобоев аксарини шеърларида ҳаёт ва табиатдаги ранг-баранг воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлишга,

улар замирида яширинган ижтимоий нуқталарни баланд овоз билан айтишга интилади: «Хатин кўнғироқлари», «Фаластин қувғиндисининг монологи», «Кўшиқ», «Янги йил шеъри», «Ўлчовдан кўпи йўқ», «Бахтимиз бор, дўстгинам», «Деҳқон»... Шундай шеърларда шоирнинг гражданлик туйғулари катта самимият билан ифодаланади. Чунончи, «Бахтимиз бор, дўстгинам», «Деҳқон» шеърларида муқаддас она тупроққа ҳамнафаслик, унинг фазилатлари ва бойликларидан тўғилган чексиз фахр, ғурур ҳислари ҳаяжон билан ифодаланади. «Хатин кўнғироқлари», «Муин Бсису», «Фаластин қувғиндисининг монологи» шеърларида инсоният кечирган ва кечираётган мудҳиш кунлар фожиасти таъсирчан мисраларда акс эттирилган:

Ҳаловат топмассиз йўқса уйқудан,
Ҳаётингиз кечар таҳликада тўлик.
Йўқса ортингиздан қувганим-қувган,
Урганим ургандир уртўқмоқ бўлиб!

Эрк. Ватанга ташналик. Ватан озодлигига ташналик. Фаластинлик қувғинди тилида жаранглаган мазкур мисралар аламузда қалбнинг исёнкор нидоси бўлиб янгради. «Хатин кўнғироқлари» — уруш асоратларини ҳаяжонли акс эттириши, қотиллик ва хунрезлик саҳнасини кўз ўнгимизда жонлантира олиши билан диққатга сазовор.

Умуман, уруш ва унинг жароҳатлари ҳақидаги манзумалар тўпلامда кўпчиликни ташкил этади. «Оила», «Азиз жой», «Баллада», «Умид узди ҳаётдан», «Мен мангу оловнинг...», «Сирожиддин Валиев билан танишув» каби шеърларда кўпмиллатли Ватанимиз бошига тушган оғир кунлар ёди турли лавҳаларда чизилади. «Оила» ҳамда «Баллада» шу жиҳатдан бир-бирини мазмунан ривожлантиради. Дастлабки шеърда бир оила тарихи — келин ва қуёвнинг бахтдан сармаст дамлари, уларнинг фарзанд кўриши, йигитнинг фронтга жўнаши ва... ҳалок бўлиш эпизодлари таъсирли гавдалантирилди.

Контраст вазиятлар оила тақдирининг бутун даҳшатларини ёрқин тасвирлаш учун хизмат қилади. Улар топишдилар. Энди ўртада

айрилиқ «туганан»: «Мангулик мулоқот. Ширин ва қуюқ. Ота — олов, она — бола — тош...» Тасаввуримизда қад кўтарган ота ҳамда Она-бола ҳайкали жанггоҳларда шаҳид бўлганларнинг хотираси халқимиз ёдидан асло ўчмаяжagini таъкидлайди. Муҳими, шоир жиддий, самимий оҳангда сўзлайди, содир бўлган фожиага бизни ишонтиради ва уруш фожиасини ўзига хос тарзда оригинал гавдалантиради.

Шеърларда халқимизнинг яратувчилик ишлари, пахтакорлик заҳматлари ҳақида битилган илиқ мисралар кўп. «Чор теварак пахтазор, чеки йўқ, поёни йўқ. Ғўзалар қўл ушлашиб йўл олган уфқ томон» деб ёзади шоир «Хаёллар» шеърида. Бу банд кўз ўнгимизда қадрдон, таниш манзараларни жонлантиради. «Нюми чиқмаган қизларга» шеърида эса шоир миллионлаб пахтакор қизларни «номсиз турсунойларим» деб атайди ва уларнинг ишини ҳақли равишда «беминнат жасорат» деб билади. Муаллифнинг ўйчан лирик қаҳрамон қиёфаси маҳорат билан чизилган «Армон», «Малика», «Ташқарида қору ёмғир», «Кўшиқ», «Хато қилдик», «Лўли қўшиғи» каби шеърлари инсониятни азал-абад лол қилиб, ҳайратга солган масалалар устида баҳс этади. Ниҳоят тўпламда яна бир тоифа шеърлар борки, уларни шартли равишда «киноя — шеърлар» деб атаган маъқул. «Ҳаётим тадрижи», «Шахмат ўйинидан репортаж», «Хотинга хушомад» шеърларида гоҳо очиқ-ошқора, гоҳо киноявий йўсинда орамизда учраб турадиган қалбаки қаҳрамонлар фоз этилади.

Аммо тўпламда шундай шеърлар ҳам борки, эътиборли поэтик деталлар мавжудлигига қарамай, уларни муваффақиятли деб бўлмайти. Чунки, фикрлар атрофида ўралашиб қолиш, ҳаддан ортиқ чўзиқлик сезилади. Чунончи, «Тошқул», «Шаҳарлик қишлоқлар» каби шеърлар яхши ният билан — муҳим поэтик образ яратиш иштиёқида битилган бўлса-да, негадир кўнглимиз тўлмайди. «Шаҳарлик қишлоқлар»да қишлоқда туғилиб ўсган икки дўстнинг тақдир тақозоси билан шаҳарда яшаб қолиши тасвирланган. «Бирини талантлироқ эди уларнинг, иккинчиси эса — мундайроқ...» Талантлироқ йигитча даврга, шаҳар шароитига, ниҳоят мансабларга тез мослашади, унвон пиллапояларидан илдам одимлайди. Фан доктори бўлади. «Мундайроғи эса — тўнкаю танбал. Ҳамон ўша-ўша: кичик илмий ходим!» Қайд қилинишича, у серфарзанд, «ҳамон ўша шапка, эски фасон пальто». Айни пайтда улар ҳамон дўст... Шоир бу фаройиб дўстлик ҳақидаги ҳикоясини қуйидагича яқунлайди: «Мен ўша иккала ҳамқишлоғимнинг Талантлироғимас, мундайроғини яхшироқ кўраман нима учундир...» Таассуфки, бундай яқун шеърда тилга олинган ҳар икки йигитнинг маънавий қиёфаси ҳақида қониқарли таассурот бера олмаганидек, уларнинг руҳий кечинмаларини ҳам тўла акс эттирмайди. «Тошқул» шеърида ҳам «мундайроқ» йигитчага ўхшаш бўш-баёв бир одамнинг ҳаёт йўли чизилган. Умуман, бу шеърларнинг лирик қаҳрамонлари кейинги йилларда ёшлар ижодига бодроқдай кўпайиб кетган содда, мўмин-қобил, пассив одамлар образини эслатади.

Тўпламда заиф шеърлар ҳам бирмунча. «Тун қўйнида», «Олисдаги чироқ», «Ватаним», «Бағишлов», «Отамга хатлар», онага аталган «Иккинчи хат» кабилар шулар жумласига

киради. Уларда кўп сўзлилик, қуруқ баён кўзга ташланади. «Тун қўйнида» шеърида шундай мисралар бор:

Тун қўйнида иккимиз яна,
Ўртамизда муҳаббат сарсон.

Шеърда ўртадаги муҳаббатнинг сарсон эканлиги бир неча бор эслатилади. Сарсон бўлса ҳам, ҳар қалай, ошиқ ва машуқа ўртасида муҳаббат бор экан-ку, деймиз. Бироқ кейинги мисралар бизни тамомила ўйлантириб қўяди. «Севаман» деб алдайман сени, «Йўқ-йўқ» дея сен ҳам алдайсан». Қай бирга ишонш керак: муҳаббатдай ноёб туйғунинг сарсонлигигами ёки «севишганларнинг» бир-бирини алдашигими?

Ота ва она номига битилган шеърини мактубларда одмилик, чўзиқлик, ноўрин такрорлар кўп. Масалан, умуман яхши ёзилган «Онамга мактуб»да шундай ҳол кўзга ташланади:

Ўғлинг бу кун толиби юрт.
Толиби юрт, онажон!
Қорни ҳам тўқ, усти ҳам бут,
Усти ҳам бут, онажон!

Шеър шу тарзда санаш усулида давом этаверади. (Ғўё шоир муҳим фикрларни айтишга мос оҳанг топгандай туюлади). «Шеър туйғуларнинг яхлит ифодасидан иборат бўлиши керак эди-ку» деб ўз-ўзимизга эътироз билдирамиз, шеърнинг давомини ўқиймиз:

Орзулари кўкда бургут,
Кўкда бургут, онажон.
Ушаларми, йўқми ёхуд,
Йўқми ёхуд, онажон!

Шеър сара сўзлардан бино бўлади. Кўп ҳолларда қўлланган биргина ноўрин сўз ҳам шеърнинг ҳолатига путур етказиши, оҳанги ва маъини шикаста этиши кузатилган. Афсуски, юқорида тилга олинган баъзи шеърларда қўлга қалам тутишга мажбур қилган сабаб — поэтик ғоя мукамал очилмайди. Бундай нуқсонлар «Отелло монологи» ва «Мирзо Улуғбек монологи» шеърлари парвозига ҳам жиддий халал берган. Натижада муҳим мавзуларга бағишланган бу икки шеър воқеа даражасига кўтарила олмай қолди.

Тўпламдаги шеърларнинг баъзилари олдин эълон қилинган қайсидир шеърларни эслатиши ҳақида танқидчи И. Ҳаққулов ўринли мулоҳазалар билдирган эди. («Юрагимда жиндай дардим бор», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 5 октябрь). Ухшаш ўринлар — у қай кўринишда ва қандай характерда бўлмасин, ижобий ҳол саналмаслиги сир эмас. Таассуфки, шундай ҳолат бошқа шеърларда ҳам мавжуд. Чунончи, Абдулла Ориповда: «Мавжуд бўлмасайди оламда агар, ўйлаб толар эдим Озарбайжонни» («Озарбайжон»). Машраб Бобоевда: «Кўшиқ ҳам бўлмасди оламда, Машраб, Кўшиқдан яралган Зайнаб бўлмас» («Зайнаб хоним қўшиғи», 1980), Рауф Парфида: «Қалбимни асримнинг Томирига ураман. Майли, ошсин қон босим, Шарт портласин Кардиограмма» («Шамоллар», 1965). Машраб Бобоевда: «Асабимиз симлари эса Юксак ҳароратдан таранг. Шу қадар тарангки, Салгина хатога йўл қўйилса бас — Катта ёнғин чиқиб кетади» («Орак»). Бу

мисраларда очик такрор кўринмаса ҳам, мазмун ва моҳият бирлиги сезилиб қолади. Айрим шеърларда бир фикр атрофида «деп-синиб» қолиш аломати кўринади. Масалан, ушбу мисралар бир-бирини ривожлантирмайди: «Ўлганда ҳам шу байроқнинг тагида ўлсам, ўлганда ҳам шу байроқ деб ўла олсам — бас!» («Ўзбекистон»).

«Бағишлов» — ўз имкониятларини бўйлаб кўраётган шоир китоби. Ундаги муваффақиятли ҳамда мунозарали шеърлар муаллифнинг ҳалигача муайян уйғунликка эга бўла олмаётган тажриба ва изланишлари ҳақида етарли таассурот беради. «...ҳозир нашр қилинаётган «Лирика» китобидан бир нарса талаб қилинади, — деб ёзади Озод Шарафиддинов, — у шундай тартибланиши керакки, китобга кирган шеърлар автор ижодининг энг яхши намуналари бўлиш билан бир қаторда, унинг ижодий йўли ҳақида ва поэтик услубининг ўзига хос томонлари ҳақида китобхонга муайян тасаввур берсин» («Та-

лант — халқ мулки», «Ёш гвардия», Тошкент, 1979, 139-бет). Бизнингча, китобга тартиб беришда ҳурматли олим қаёд этган ана шундай талаблар асосида иш тутилмаган. Акс ҳолда, «Бағишлов» шоирнинг турли йилларда яратган сара шеърларидангина иборат бўлар ва у тўплам муваффақиятини белгилар эди.

Ижод — узлуксиз жараён. Қайноқ ҳаёт нафаси уфурган бу ажиб майдонга ҳар бир ижодкор ўз биносини қуради. Кимдир шошилиб, тез битказмоқчи бўлади — иморат кўнгилдагидек чиқмайди. Кимдир серхафсала бўлади-ю, эшик ва деразаларини қийшиқ ўрнатиб қўяди. Яна кимдир битишидан умидини узиб, чала-ярим ташлаб кетади. Муҳташам бино истеъдод эгасининг умр бўйи чеккан заҳматлари, зарғарона меҳнати натижасидагина барпо этилади. «Талант — кўпга кетадиган бардошдир» деганда буюк Флобер ҳам шуни назарда тутган, албатта.

Ҳабижон СОЛИЕВ,
ТошДУ аспиранти

Денгизлар туташган жойда

М. Қўшмоқов. Дарёлар уфқи — денгиз. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1984

Халқ оғзаки ижоди соҳасида самарали тадқиқотлар олиб бораётган ёш шоир ва олим Муҳаммадали Қўшмоқов илмий мақола ва китобларида шоирона тафаккур билан жиддий илмий изланишларнинг ажиб бир уйғунлигига эришиб келмоқда. Бунга биз «Жуманбулбул» эссесини ўқигандаёқ ишонч ҳосил қилган эдик. Мана, бугунги янги асари ҳам биринчи саҳифалариданоқ теран образли ифодалари билан ўқувчини ўзига тартади. У: «халқ ўз бадий ижодини ўрмон каби биргаликда яратади, айни вақтда унда ҳар бир халқ вакилининг — шоирнинг, бахшнинг, эртақчининг, қўшиқчининг ёки оддий фольклор ташувчининг ўрмондаги муайян дарахт каби ўз умри — улуши мавжуд бўлади», дер экан, бу образли ифода «халқ бадий ижодиёти» деган тушунчанинг чуқур ички диалектикасини ёрқин очиб беради.

Китобдаги катта мақолалардан бири Жуманбулбул ижодининг янги қирраларини тадқиқ этишга бағишланган.

Эргаш шоир ижоди 30-йиллардан бери фольклоршунослар диққат марказида бўлиб келади. Бу соҳада бирор янги фикр айтиш осон эмас. Бироқ илм доимо ўсишда, ўзгаришда. Агар биз 70-йилларгача бўлган ўзбек совет фольклоршунослигини катта бир давр сифатида олиб қарасак, унда асосий йўналиш — «хазина жамғариш» ва илк умумлаштиришларга қаратилганини сезамиз. В. М. Жирмунский ва Ҳоди Зарифнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» каби классик намуналарга эга бўлган бу умумлаштириш жараёни 60-йиллар охирига келиб ўз ривожланишининг

энг юксак нуқталарига эришди ва шу билан бирга янги тадқиқотлар учун мустаҳкам замин яратиб берди. Мавзунинг бир қарашда кўз илғамайдиган чуқурроқ қатламларини кенг қўламдаги материаллардан қийсий фойдаланиш асосида тадқиқ этиш анъанаси кучайиб бормоқда, натижада илм уфқлари янада беқиёс кенглик ва теранлик ҳосил қилмоқда. Муҳаммадали ҳам шу йўналишдан бориб ўз тадқиқотларида турли манба ва соҳаларни кенг жалб этади, уларни бир-бирига қийс қилади.

Тадқиқотчи Эргаш шоирнинг «Ўртоқ Ленин» достонини унинг бутун ижоди фониди олиб қарайди, шоир асарлари вариантларини солиштиради, ўша давр тарихий воқелигига, шоир тенгдошларининг ижодий тақдирларига, В. И. Лениннинг давр ҳақидаги мулоҳазаларига мурожаат қилади. Натижада «Ўртоқ Ленин» достони поэтикасининг янги қирралари ишонarli исбот касб этади, шоирнинг ушбу достони ва унинг атрофига уюшган қатор термалари («Қизил», «Таржимаи ҳол», «Келдим» ва ҳоказо) бахши ижоди эволюциясида мутлақо янги босқични ташкил этганлиги яққол кўринади.

Халқ ижодиёти билан бир қаторда классик ёзма адабиётимиз ҳам катта бир уммон ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, улар туташ уммонлардир. Улар доим бир-бирини тўлдириб, халқ эстетик эҳтиёжини бойитиб келади. Муҳаммадали Эргаш шоирнинг совет давридаги ижоди янги жиҳатлар касб этганлиги, жумладан, баъзи ёзма адабиёт намояндаларига хос йўналишларга эга бўла бошлаганига диққатини қаратади. Совет воқелиги шароитида оғзаки ва ёзма анъаналарнинг ўзаро чатишиб кетиши хусусида ўздан олдинги тадқиқотчилар билдирган фикрларни ривожлантириб, ушбу синтез ҳодисасини Эргаш шоир ижодига тадбиқан текширишда давом қилади. У «Ўртоқ Ленин» достони мисолида бахшнинг шоирга айланиши, яъни икки уммоннинг эркин туташуви жараёнини очиб беради. Муаллиф таъкидлашига кўра, бу жараён ҳам совет тузуми яратган янги имкониятларнинг яна бир ҳосиласи эди. Бугина эмас, илгари маълум бир даврда,

маълум бир элат куйчиси ҳисобланган бахши совет замонасида бутун миллат учун ижод этиш имкониятига эга бўлди, унинг ижод маҳсули таржима ва оммавий нашрлар орқали ўзга халқлар, ўзга мамлакатлар эътиборига етиб борди.

Муҳаммадали янги тадқиқотларида маълум маънода туташ уммонларни қамрашни ниёт этган. Китобнинг иккинчи қисми бутунисича ёзма адабиёт ёдгорликларини йиғиш ва қиёсий ўрганиш масалаларига бағишланган. Навбатдаги йирик тадқиқот Муқимий ижоди ҳақидадир. Муаллиф шоир даври ва ижодига хос мавжуд баҳоларни янги топилган материаллар асосида тагин ҳам муайянлаштириш ва теранлаштиришни мақсад қилиб кўяди. Муқимий Урта Осиёни Россияга қўшилиши билан бу ердаги халқлар ҳаётида рўй берган тарихий силжишларни тўғри идрок қилди ва ўз ижодида қашшоқ заҳматкаш халқ ҳаётини акс эттирди. Муқимий янги майдонга келаётган капиталистик муносабатларнинг бутун разилигини равшан кўрди ва уни аёвсиз фош қилди. Шу билан бирга у орқага қайтишни, эски, ўлиб бораётган феодал муносабатларни ҳам ёқлагани йўқ, балки бу тузум намояндаларини нафрат билан фош қилди ва уларнинг йўқликка маҳкум эканлигини чуқур бадий ёрйтиб берди.

Муҳаммадали давр ижтимоий ва адабий муҳити фониди, янги фактик материаллар заминиди, замондошлар хотираларига таяниб, Муқимий ижодий фаолиятининг янги қирралари, унинг сиёсий ва ижтимоий қарашлари, XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек демократик адабиётида етакчилик мавқеини, ўз салафлари ижодига муносабатидаги янги жиҳатлари, анъанавий поэтик шаклларга янгича муносабатини тадқиқ этади. Қози сайлов воқеалари муносабати билан битган шеърларини туркум («салоса») сифатида таҳлил қилиб, бу шеърлар «ўзбек демократик шеърияти мустамлакачилик даврининг мураккаб воқелигини бадий теран ва аниқ мақсад йўналишига — мавжуд тузумни инкор этиш ғоясига буйсундирилган танқид воситасида тадқиқ эта олганлигини тасдиқлайди», деб хулоса чиқаради.

Муаллиф диққатини тортган яна бир жиҳат Муқимийнинг янги шаклланиб келаётган ишчилар синфига муносабатидир. Бу масала Муқимий ижодида мусбат идеаллар билан бевосита боғлиқликда олинганда янада ёрқинроқ намоён бўлади. XIX аср иккинчи ярмида жаҳон адабиётининг Толстой, Чехов, Достоевский каби кўпгина йирик намоёндалари қатори Муқимийнинг ҳам ижодидаги мусбат идеаллар умуминсоний гуманистик орзу-

умидлар доирасидан кескин четга чиққан эмас. Бироқ Муқимийнинг ҳажвий асарларида илк бор шаклланиб келаётган ишчилар синфининг қиёфаси яратилиши ва энг муҳими, улар ожиз эзилувчилар тарзида эмас, фёол курашчи, ўз қадрини англаб ета бошлаган синф тарзида кўрсатилиши ўша давр, яъни XIX аср охиридаги Урта Осиё шароити учун фавқулодда аҳамиятга эга бўлган адабий ҳодиса эди.

Муаллиф Николай Ушаков ва Гафур Гуломлар эътибор қилган Муқимий ва Чехов ижодидаги муштаракликка диққатини торттиб тўғри иш қилган. Бироқ, афсуски, ушбу муқоаса мақолада ўзининг аниқ ифодасини топмаган.

Муҳаммадали сўзнинг нозик маъноларини теран тушунади ва талқин қилади. Шунга қарамай, классик адабиётимиздаги баъзи сўз ва образлар шарҳида қийналиб қолган жойлар ҳам учрайди. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилида «дунёдан кўз юмди» деган маънода «қазо қилди» деймиз. Бироқ «қазо» сўзининг асл маъноси Муқимий даврида «тақдир», «ногаҳоний кулфат» тарзида англашилган, шунинг учун «қазо гулшани» — «ўлим гулшани» эмас, балки «тақдир гулшани» деб талқин қилиниши мақбулдир. Ҳозир биз нафратга сазовор бир нарсадан «ҳазар этмоқ керак» деймиз. Аммо Муқимий тилида «халқ тамизидин ҳазар эт, альамон» дегани, «ўзингни шарманда қилма», «сенинг хатти-ҳаракатинг юзасидан эл чиқариши мумкин бўлган олий маънавий ҳукмдан ўзингни эҳтиёт қил» деган маънода ишлатилган. «Таклифи жонситон» бирикмаси ҳам «жон олғувчининг таклифи» эмас, балки «жон олғувчи малоллик», «гарданга тушган оғир юк» маъноларида бўлиб, шоир қози сайловларини камбағал-қашшоқларнинг бўйнига осилган ортиқча юк, жон олғувчи малоллик, деб таъкидламоқда. Бу мисолларни тил ва адабиёт масалаларининг қанчалик қатишиб кетганига бошқа ёш адабиётшунослар диққатини ҳам жалб қилиш, форс ва араб тилларини пухта билиш ўзбек классик адабиётини ўрганувчилар учун қанчалик зарур эканини яна бир қарра таъкидлаш мақсадида келтирдик.

Хуллас, Муҳаммадали Қўшмоқовнинг янги китоби катта илмий тайёргарлик билан ёзилган. У халқ бадий тафаккур кудратининг икки улкан денгизи туташган жойда туриб, ушбу ўзаро алоқадорлик жараёнининг муҳим жиҳатларини дадил тадқиқ этишга киришмоқда. Муаллиф журъатининг ўзиёқ таҳсинга сазовор.

Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ,
филология фанлари кандидати.

Михаил Прудников

ЭФИРДАГИ БЕГОНАЛАР

Қисса

Эртага навбатдаги сафарга учиб кетаман. Одатдаги командировка. Бунақаси умримда кўп бўлган. Икки-уч ойдан сўнг уйга қайтиб келаман. Бироқ ҳаммаси чаппасидан кетиши ҳам мумкин. Чунки биз учун бунақа одатдаги сафарлардан ўртоқларимнинг ҳаммаси ҳам омон-эсон қайтиб келавермаган. Ишимизнинг ўзи шунақа...

Гоҳо, чекистлик касби доимо таваккал қилиб, юракни ҳовучлаб юриш, демакдир, деб қолишади. Мен бундай дегувчиларга қўшилмайман. Ҳолбуки қирқ йилдан зиёдроқ вақт мобайнида турли, баъзан эса қутулишнинг иложи йўқ вазиятларда бўлишимга тўғри келган. Лекин булар ўткинчи ҳодисалар эди.

Мен касбдош ўртоқларимни эслайман. Улар суперменларга сира ўхшамасдилар. Оддий одамлар эдилар. Ҳар бирининг ўз фазилати ва қўсури, ўз одати бор эди. Улар орасида туганмас умид-орзулар билан яшайдиганлари, шунингдек «ичимдагини топ»лари, қовоғи солиқлари ҳам бор эди. Биз бир-биримиз билан баҳслашиб қолардик, фикр-тушунчаларимиз, нарса ва ҳодисаларга муносабатимизда фарқимиз бор эди. Тўғри, бу фарқлар буйруқ кучга киргунгача мавжуд бўларди. Чунки биз ҳарбий кишилар эдик, бинобарин, буйруқ биз учун қонун эди.

Ҳарбий коммунист — чекистлар иккита буйруқни — партия ҳамда ҳарбий раҳбарлик буйруғини гап-сўз қўшмай, ташаббускорлик билан ҳамма вақт адо этишлари керак.

Қайси бири муҳимроқ? Ҳамма вақт иккаласи муҳим, чунки иккиси ҳам моҳият эътибори билан аслида бир бутундир. Бизларни Ватанга муҳаббат, бурч туйғуси, халқ олдидаги масъулият бирлаштиради, яқдил қилади. Бутун жангчилар ва шу жумладан, чекистларнинг асосий куч-қудрати мана шундадир.

Уруш йилларида мен кўп дўст-ёрларимдан жудолик мусибатини чекишимга тўғри келган. Баъзилари жангда ҳалок бўлишди, бошқалари гестапо авахталарида жон беришди. Улар ҳаётдан кўз юмар эканлар, ўлимларидан кейин келадиган шон-шарафдан тама қилмай ҳалок бўлдилар. Улар шунчаки ўз бурчларини бажардилар. Улар қилаётган ҳар бир иш ҳаётлари учун хатарли, айни чоқда давлат аҳамиятига эга масъулиятли иш эканлигини билардилар. Шунинг учун ҳам улар ҳеч нарсадан тоймас эдилар.

Уруш ўз оти билан урушдир. Бинобарин битта ҳам аскар ундан омон чиқишини билмайди. Шунга ўхшаб кўзга кўринмас фронт жангчиларида ҳам уйларига омон-эсон қайтиш имкони жуда кам бўлган. Улар душман уясида юрганларида жонлари ҳар бир соат ва ҳар бир дақиқада хатарда бўлган. Мен ўн тўққиз-йигирма ёшларида сочлари оқариб кетган кишиларни кўрганман. Мен уруш тугагандан кейин юраклари ортиқ бардош беролмай, эски жароҳатлари очилиб кетиб, ҳаётдан кўз юмган ҳали навқирон одамларни танирдим.

Ҳа, уйимизга биз ҳаммамиз қайтиб келмадик. Аммо тинч ва ҳаловатли кунларимиз узоққа бормади. Менинг ҳамкасбларим тинчлик пайтида ҳам асқарликларича қоладилар.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа уруш тугагандан сўнг роппа-роса ўн йил ўтгач юз берган.

Худди ўшандагидек май ойи эди.

...Мени ярим кечада телефон уйғотиб юборди. Тунги чироқни ёқдим, даставвал, кўп йиллар давомида танамга сингиб кетган одатимга кўра, соат милига қарадим. Иккидан ўн минут ўтган экан. Телефоним ёнгинамда, қўл узатсам етадиган ерда. Трубкани олдим ва одатдаги «ўртоқ полковник» деган иборани эшитдим.

Отадиган ручка

Ҳақиқатан ҳам бунақасини фақат киноларда кўриш мумкин.

Пярну станциясининг навбатчиси ўзининг беихтиёр бармоқлари билан форум курткига тугмаларини ечди, кейин фуражкасини бошидан олди, худди уни қаерга қўйишни билмаётгандек негадир қўлида айлантирди. Унинг олдидаги столда қайси маркадалиги унга номаълум бўлган иккита тўппонча, аллақандай ампулалар, ғалати шаклдаги авторучка ҳамда катталиги мактаб болаларнинг қаламдонича келадиган силлиқ қутича ётарди. У рўпарасида ўтирган ранги докадек оқариб кетган кекса аёлга қаради. Аёл унга анча эскидан таниш эди. Мария Петровна Антонова станцияда беш йилдан буён фаррош бўлиб ишларди. Лекин навбатчи ҳозир унга гўё биринчи марта кўраётгандек қараб турар, Мария Петровнанинг қандайдир эртакка ўхшаган ҳикоясини эшитиб, бутунлай оғзи очилиб қолган эди.

Мария Петровна одатдагидек, Пярну-Таллин поезди вагонларини супуриб-сидирарди. «Бу — менинг линиям» дерди у, ўртоқларига, худди шу масофанинг бошлиғидек. Шундай қилиб, у вагонларни супуриб-сидиради, шошилади. Бу орада перронга поезд беришлари лозим эди. Мария Петровна қўл учиде иш қилишни жинидан ёмон кўради, латта билан артиб ярақлатмагунча кўнгли тўлмайди. Йўловчилар хурсанд бўлишсин дейди. Вагон улар учун бир неча соат уй вазифасини ўтайди-да, ахир. У составнинг сўнги вагонига етиб боради, охириги ҳожатхонани йиғиштириш қолган экан. Худди ана шу пайтда иситгич қувурлар орқасида турган аллақандай тугунчага кўзи тушиб қолади.

Мария Петровна илгарилари ҳам йўловчилар унутиб қолдириб кетган нарсаларини сақлаш камерасига олиб келиб топширган экан. Йўловчиларнинг хаёллари бир жойда бўлмайди-да, ахир: ким зонтигини, ким сумкасини унутиб қолдиради.

Тугунчанинг бирини ечиб кўради-да, капалаги учиб кетади. Кўз олди қорайиб, оёқлари букилиб қолади. Ё тавба, тўппончалар-ку! Тугунчани кўлига олади-ю, бошлиқларнинг олдига югуради.

Навбатчи эҳтиёткорлик билан авторучкани олди, кўзига яқин келтириб қаради-да, яна ўшандай эҳтиёткорлик билан столга қўйди.

— Мария Петровна, ахир бу ручкадан отиб, одам ўлдириш мумкин. Мен бунақасини эшитганман, — деди у, уҳ тортиб ва яна авторучка устига энгашди.

— Ё тавба! — дея олди Антонова ва лабларини ғамгин қисди.

— Милицияни чақиришимиз керак, Мария Петровна. Бу, афтидан, жиддий-роқ ишга ўхшайди.

— Чақирақол, барака топгур, вақтни ўтказмай чақирақол. Тагин бирон кори ҳол юз бериб ўтирмасин.

Оператив маълумотлардан

«7 майга ўтар кечаси 00 соату 20 минутда радиолокация воситалари томонидан Латвия ССР Вентспилс шаҳрининг шимоли-шарқида 150—200 метр баландликда соатига 400 километр тезлик билан учиб бораётган чет эл самолёти қайд қилинган, кейин унинг Рухну ороли районидаги Ирбен бўғози устидан (Рига қўлтиғи) Эстония ССР Пярну шаҳари томон учиб кетаётгани қайд этилган. Самолётнинг учуши шунингдек визуал ва чегара хизмати техника воситалари томонидан ҳам қайд қилинган. Самолётнинг тахминий маршрути бўйича оператив состав кучлари томонидан ўрмон массивлари титкилаб чиқилган. Бироқ бу тадбирларни амалга ошириш мобайнида ҳеч қанақа янги маълумотлар олинмаган».

...Москва—Таллин самолёти парвоз қилишга тайёр. Йўловчилар ўз ўринларини эгаллашган. Мен оёқлари узун, киприклари бўялган стюардессанинг таънаомуз нигоҳи остида трапдан энг охирида кўтарилман. У мени доимо лаллайган, ҳамма ерда кечикиб юрадиган йўловчи деб ўйлаётгани очиқдан-очиқ кўриниб туради.

Ўз жойимга бамайлихотир ўтиб бориб, юклар қўйиладиган тўр тоқчага портфелимни ташлайман. Ўз-ўзимга: «қаерга борсам, бутун юким ўзим билан

бирга» деб жилмайиб қўяман. Портфелимда устарадан тортиб, совун-сочиққача, тиш чўткадан янги кўйлаккача, газетадан «Роман-газета»гача бор. Утирадиган жойим оддий ва қулай. Кресло суянциғига кеналиб ётаман.

Инсон олами қандай содда, қандай мураккаб! Ёнимда ўтирган одамлар гаплашишади, кулишади, нимадандир андуҳ чекишади, мудрашади, бутерброд кавшашади. Икки соатдан кейин улар Таллин аэропортининг бетон йўлкасига чиқишади. Уй-уйига, меҳмонхоналарга, таниш-билишлари, қариндош-уруғлариникига тарқаб кетишади. Бизнинг катта уйимизга етти ёт, хавfli кишилар кириб қолганликлари хаёлларига ҳам келмайди. Ҳозир самолётда ўтирганлардан бирон биттаси эрта ё бириси кун кўчада бир одамга дуч келар, унга лоқайдлик билан қараб қўйиб, унинг, душманнинг ёнидан ўтиб кетар... Урушдан ўн йил кейин «Ашаддий душман» иборасини ишлатишга тўғри келишини тасаввур қилиш қийин.

Мен иллюминатор пардасини юқорига тортиб қўйдим-у, кўзларимни беихтиёр қисдим. Қуёшнинг бир кучоқ ёрқин нури кўзимга урилди. Сутдек оқиш мовий булутлар самолёт қанотлари остидан аста сузиб ўтарди. Шу пайт бирдан, худди кинолентадаги сингари кўз олдимда узоқ қирқ бешинчи йил манзаралари гавдаланди. Ушанда ҳам май ойи эди, қуёш худди ҳозиргидай чарақлаб турарди: Мағлуб Берлин вайрона бўлиб ётарди. Лекин биз куйиб кетган биноларни, дабдаласи чиққан кўчаларни кўрмасдик. Уша кунларда биз ғалаба, узоқ орзиқиб кутганимиз ғалаба нашидасини сурардик. Биз жимжитликка дарҳол кўникиб кетолмадик. Ўтишмалар гумбурламаслиги, снарядларнинг портламаслиги ғалати туюларди. Мен кўпинча кечалари уйғониб кетиб, жимликка диққат билан қулоқ солардим. Асаб торларим тинчлик куйларига ҳали созланмаганлигини тушунардим. Уч йилдан зиёдроқ вақтни партизан ўрмонларида ва фронтда ўтказдим, у ерда ҳар бир тун, ҳар бир кун энг сўнггиси бўлиши ҳеч гап эмасди.

Иккинчи боб

Хотира

Қирқ иккинчи йил февраль кунлари. Соат роппа-роса еттида кўнғироқ чалди. Лекин менинг уйқум аллақачон ўчиб кетган эди. Кечаси саҳро тушимга кирибди. Туяда кетаётган эдим, бирдан туя мункиб кетди, унинг бошидан ошиб, қумга учиб тушдим. Уйғониб кетдим, терлаб кетибман, касал-пасал бўлиб қолмадимми, деб пешонамни силаб кўрдим. Папирос тутатиб чекдим у бундан ўн йил бурун шундай ҳодиса юз берганини эсладим. Қум саҳроси, туялар карвони. Биз, чегарачилар қум барханлари ортига яширинган босмачилар тўдасини таъқиб қилиб борардик. Жиловнинг темир ҳалқаси бир хил овоз чиқариб, ғамгин шиқирлайди. Тандирдек қизиб ётган қумдан бундай «транспортда» йўл юриш оғир ва силлани қурилади. Бу томондан у томонга худди маятникка ўхшаб чайқалиб кетаётган эдик, шу пайт бирдан туя чўкқалаб қолса бўладими! Пичан тойлари ҳар томонга учиб кетди.

Биз олдинига туяларимизга нима бўлганини сира тушунолмадик. Улар ҳашоратларнинг қаттиқ қақишидан йиқилаётганлигини фақат кейингина пайқаб қолдик.

Мен, Сибирь қишлоғидан келган бир йигитча учун Урта Осиёнинг жазирама иссиғи, саҳродаги бир-бирига ўхшаш барханларга кўникиб кетишим қийин бўлди. Юзлаб қақирим атроф-теваракда бирор гиёҳ кўринмайди. Бора-боргунча сарғиш-кулранг қумлик. Шу бепоён қумликда босмачи тўдалари пайдо бўларди. Яна ўшандай, худди жазирамада эриб кетгандай ғойиб бўларди.

Ҳали тонг отмаган бўлишига қарамай, уйқум ўчиб кетган. Фронтдаги зах, совуқ ертўлада бир зумда ухлаб қолардим, ҳеч қанақа туш-пуш ҳам кўрмасдик. Бу ерда эса, қалин деворли илқ хонада, оҳорли, яп-янги чойшаб тўшалган ўринда ўрнашиб ётолмадим. Мана, энди солдатларнинг тор тўшагида ётибман ва атроф-теваракнинг сокинлигига ҳайратланаман. Фронтнинг олдинги чизиғидан қайтиб келган дастлабки кунларим доим бир нарсани кутиб, атрофга қулоқ солардим. Назаримда, мана ҳозир миномёт савалаб қоладигандай, ҳозир совуқ ҳавони пулемёт ўқлари тилка-пора қиладигандай туюлар эди. Аммо ҳаммаёқ жимжит эди. Мана шу жимликка ҳам кўникиш керак эди.

Мен қўмондонлик қиладиган алоҳида топшириқларни бажарувчи батальон Қизил Армиянинг ҳужум қилиб бораётган қўшинлари билан бирга ғарбга қараб илгарилаб борарди. Волоколамскдан кейинги қишлоқда менга батальонни позициядан олиб, Москвага қайтиш ҳақида буйруқ етиб келди. Буйруқни менга

камгап, бадқовоқ бир майор келтириб берди. Бутун саволларимга у фақат елкасини қисиб қўяолди.

Қўмондонлик бундай буйруқни қандай сабабга кўра берганлигини тушунолмадим. Маълумки, фронтда ортиқча қисмлар бўлмайти. Улар эса, жанглар авжи қизгин бир пайтда ўзини жангларда кўрсатган батальонни орқага қайтариб олишмоқда эди.

Аммо, бошни қанча қотирма, ҳамма нарса Москвада ойдинлашади. Пойтахтда ҳам кўп нарса билолмадим. Мени кутиб олган полковник Орлов, гап қандайдир янги топшириқ ҳақида кетаётганини шама қилди. Қанақа топшириқлигини айтмади.

Мана, бугун халқ комиссарлигида бўлишим лозим. Бунақа пайтда, ҳар галгидек вақт жуда секин ўтади. Соатимга бот-бот қараб қўяман. Соат миллари худди бир ерда қотиб қолгандай туюлади. Мана, ниҳоят вақт бўлди.

Белорус вокзалидан Горький кўчаси бўйлаб пиёда боряпман. Ҳаво пича совуқ: Эринибгина лайлакқор ёғяпти. Москва кўчаларини таниб бўлмайти. Горький кўчасидаги магазинларнинг деразаларига қум тўлатилган қоплар тахлаб ташланган. Йўловчилар сийрак, улар ҳам асосан ҳарбийлар.

Наркомат эшигидан кираверишда пропускамни кўрсатаман. Соқчи уни одатдагидан кўра узоқроқ текширади. Менга балки, шундай узоқроқ туюлгандир. Фронтда юриб кўп нарсани унутиб қўйибман. Лекин йўлакнинг қайилишида яна ҳужжатларни кўрсатишга тўғри келади.

Қабулхонада мени майор Бичков қарши олади.

— Марҳамат қилиб, кутиб тулинг, ҳозир кириб айтаман.

Шундай деб, у ичкарига кириб кетади.

Бир неча дақиқа ўтгач, ичкаридан:

— Кираверинг! — деган овоз эшитаман.

Давлат хавфсизлиги иккинчи ранг комиссари мендан чегара қўшинларидаги хизматим, болалигим, ота-оналарим тўғрисида худди бўш вақти кўпдек, шошмасдан, бир бошдан сўраб-суриштиради. Менга бу сўроқлар ортиқчадек туюлади. Уруш кетаётган бўлса, комиссарнинг иши ҳам бошидан ошиб ётгандир. Мен бир вақтлар ҳўжайинимнинг ерида батраклик қилганимни билишнинг ҳозир кимга қизиғи бор? Оқибат натижада менинг бутун таржимам ҳолим, йигирма саккизга киргунимча бошимдан кечирган барча воқеалар айтилди.

Комиссар бўлса, ҳамон шошмас, соғлигим, кайфиятим ҳақида бамайлихотир сўради. Мен унинг қачон асосий гапни айтишини интиқ бўлиб кутардим.

Комиссар ўрнидан турди, гап тамом, дегандек хайрлашиш учун қўлини узатиб:

— Ҳозирча бўшсиз, — деди.

Мен наркоматдан тарвузим қўлтиғимдан тушиб чиқиб кетдим.

...Мен учун хона ажратилган кулранг каттакон уй ўша пайтда меҳмонхонага ўхшаб кетарди. Фарқи шунда эдики, ижарага турувчилар бу ерга чамадон, портфеллар билан эмас, балки автомат, милтиқ баъзан эса пулемётлар билан келишарди.

Мен алоҳида топшириқларни бажарувчи бригадамиздан бир неча таниш командирларни учратдим. Уларни ҳам фронтдан қақриб олишибди. Кечқурунлари, чой ичиб ўтириб, келажакдаги ишимиз юзасидан тахминларимизни ўртоқлашардик. Биз ҳаммамиз чекистлар эдик ва бундай мушкул пайтда бекордан-бекорга бизни қақриб ўтирмадикларини жуда яхши тушунардик.

Бир куни мени наркоматга яна қақиртиришди. Таниш кенг қабулхонада полкимиз политруки Борис Глезин ва катта лейтенант Саша Чернишевга кўзим тушди. Улардан сал нарироқда давлат хавфсизлигининг лейтенанти формасидаги ўрта бўйли, ориқ эркак киши турарди.

Қабулхонада чекамиз, бир-биримизга бир оз сўз қотиб қўямиз. Кабинет эшигига бетоқатлик билан қараб-қараб қўямиз. Бу сафар ҳам шошилмаяпти. Навбатчи столда бепарво ўтирибди. Унинг учун биз гўё йўқмиз.

Янги папирос олиш учун чўнтагимга энди қўл чўзай деб турган онимда қўнғироқ жиринглайти. Папирос пачкасини шошилинич чўнтакка яшириб, гимнастеркамни пастга тортаман-да, бутун борлиғим билан гапнинг бу сафар жиддий бўлишини ҳис этиб, ланг очик эшик томон қадам ташлайман.

Худди айтганим келди. Уша кундан эътиборан мен ўз ўтмишимни вақтинча унутишим лозим бўлди. Менинг фамилиямдаги капитан энди йўқ, унинг ўрнига «Тутқич бермас» тахаллусли одам юзага келди. Бўлган гап шу. Шу кундан бошлаб менинг кимлигимни ва яна мен билан фашистларнинг орқа томонига кетаётган йигирма тўққиз ўртоқни фақатгина шу ердагилар, наркомат ходимларигина биладиган бўлишди.

Барча ҳужжатлар топширилди. Асраб қўйиш учун партбилетимни энг охирида топширдим. У ўз эгасини Бутуниттифоқ Коммунист (большевиклар) партиясига Марказий Комитетида кутиб ётади.

Охириги йўл-йўриқ кўрсатилди. Умуман, ҳаммаси равшан. Фақат пароль, шифр

ва бўлғуси ҳаракатларимиз райони харитасини олиш қолди. Мен — отряд командириман. Глезин — комиссар. Чернишев — штаб бошлиғи. Ўрта бўйли, давлат хавфсизлиги хизмати лейтенанти — уни Павел Алексеевич Коробельников дейишди — отряд разведкаси бошлиғи бўлди.

Фронт чизигини биз Торопец шаҳри яқинида, чанғиларда кесиб ўтамиз. Кесиб ўтишнинг ўзи бўлмаслигини биламан, лекин ҳозир душман ишғол қилиб турган ерда ишимиз қандай кетиши ҳақида кўпроқ ўйлайман. Бизнинг кичик гуруҳимиз йирик партизан қўшилмасига айланиши лозим.

Юрагимда зигирча ҳам хавотир йўқ. Бунинг ўзи катта гап. Биз, чекистлар, кўнглимиз олдиндан сезган нарсага ишонамиз.

Пароль. Бор-йўғи учта ибора:

— Бугунги «Новый путь»ни ўқидингизми?

— Унда бирон қизиқ нарса бор эканми?

— Тўртинчи саҳифадаги мақолани ўқиб кўринг.

Бизни қандай кузатиб қўйишганини жуда яхши эслайман. Ўртоқларим айтишдики, бизнинг шарафимизга ҳатто оркестр куй чалибди. Лекин мен, афтидан, бутун фикр-хаёлларимни қиладиган ишимиз чулғаб олган эди, шекилли, музикани эшитмаганман. Тош йўл хотирамда, йўл устидаги паст булутлар эсимда. Қош қорайиб қолган, уфқдаги оловли шафақ биз томон тобора яқинлашиб келарди. Фронт ўша ёқда.

* * *

Тўрт отлиқ катта йўлдан Спроновка қишлоғи томон боришарди. Пакана, ориқ отлар ўнқир-чўнқир йўлдан аранг йўртиб кетмоқда. Ғов яқинида отдан тушишди. Уларнинг йўлига автомат таққан немис солдатлари кўндаланг бўлди. Сал орқароқда (сигарета тутатиб) ўрта бўйли фельдфебель турарди.

Тўрт отлиқнинг бири — қора пўстинли, юзи чўтирроқ мужик фельдфебелнинг олдига ҳалпиллаб юриб келди, қўллари билан имо-ишора қилиб, нима ҳақдаир тез-тез гапирга кетди. Фельдфебель оғзидаги сигаретасини қорга туфлаб ташлади-да, буюрди:

— Менинг орқамдан юринглар!

Обер-лейтенант Гнафт тушликка ҳозирлик кўрарди. Бўз дастурхон ёзилган столда тарелкага сузилган шўрвадан буг чиқар, унинг ёнида юпқа қилиб кесилган чўчка ёғи солинган лискобча.

Эшик очилиб, останада фельдфебель пайдо бўлди.

— Жаноби обер-лейтенант, — дея доклад қила бошлади у, — Урутенево қишлоғида бир гуруҳ номаълум одамлар пайдо бўлганмиш. Тахминан ўттиз кишича бормиш. Қуроллари русларники эмиш. Маълумотлар ўша ерлик староста ва полицайлардан олинган.

Обер-лейтенант овқатни ҳам унутди:

— Дарҳол ҳамма оёққа турғазилсин! Машинага чиқилсин!

...Эҳтимол, биз тузоққа тушиб қолишимиз мумкин эди. Агар шундай бўлса, росаям алам қиларди одамга. Фронт чизигидан битта ҳам ўқ отмай ўтиб, ўрмон, ботқоқликлардан деярлик юзлаб чақирим йўлни босиб келсак-да, бирдан фашистлар ўқиға рўпара бўлсак!

Крутенево қишлоғига жуда ҳолдан тойган аҳволда етиб келдик. Бундан буёғига юришга ҳеч мажол йўқ эди.

Сафарга чиққанимиздан буён фронт чизигидан анча узоқлашиб кетдик, бу вақт мобайнида биз ўзимизга деярлик дам бермадик. Март ойининг ўрталари, ўрмонлар кечаси совуқ бўларди. Шундоққина қор устига ётиб ухлардик. Гулхан ёқмасдик, намиққан кийимларимиз музлаб, тарашадай қотиб қолар эди.

Крутеневода биз биринчи марта уйга кириб ўтирдик. Шундай роҳат эканки, асло қўяверасиз! Иссиқ печка олдида ўтирибмиз, меҳмон дўст бекалар пиширган қайноқ шўрвани ичяпмиз. Баъзи бир йигитлар шундоққина столда ўтирганича, қошиқни оғзига олиб боришга ҳам бўлмади ухлаб қолишди. Лекин бу ҳузур-ҳаловатимиз узоққа бормади. Уйга ҳовлиқиб Коробельников кириб келди-да, мен томон энгашиб, шивирлади:

— Жўнаш керак! Болалар катта йўлда Спроновка томон шошиб кетаётган тўрт отлиқни кўришибди. У ерда немисларнинг катта гарнизони жойлашган.

Ушанда биз бир неча минут ҳаяллаганимизда фалокат юз бериши турган гап эди. Кейинчалик билишимизча, немислар группамизни қуршаб олиш умидида қишлоққа икки колонна бўлиб, кириб келишибди. Қишлоқни-ку қуршаб олишган,

лекин улар ҳосил қилган ҳалқа ичидан биз аллақачон чиқиб кетган эдик. Болакайлар разведкамиз бошлиғини жудаям ўз вақтида огоҳлантирганлар.

Албатта, эртами, кечми, фашистлар бизни пайқаб олишарди. Лекин бунинг учун биринчи зарбани биз беришимиз керак бўларди. Бундай қилиш учун ҳали душманнинг орқа томонида ишлашни ўзлаштириб олишимиз лозим эди.

Бизни Крутеневадан топа олмагач, немислар қидиришни тўхтатишмади. Қуролланган одамлар гуруҳи тўғрисидаги маълумот барча комендатураларга, дала жандармерияларига етиб борди. Қидирув ишларига кўп куч ажратишган эди. Бари бир биринчи зарбани биз бердик: 15-март тонгида Опухлики станцияси-дан уч километрча наридаги кўприкнинг кули кўкка учди.

...Партизан ўрмонларидан мен энди мағлуб бўлган Германияга бориб қолдим.

Ўша кезлари америкаликлар ва инглизлар билан бот-бот учрашиб туришимга тўғри келарди. Бундай учрашуларда биз, совет офицерлари шаънимизга айтилган мақтов сўзларини кўп эшитардик. Улар елкамизга қоқиб, соғлиғимиз учун қадаҳ кўтаришар, бизни қаҳрамонлар ва ғолиблар деб аташарди. Бундай мақтовлар орасида балким мутлақо самимий садолар ҳам янграгандир. Аммо ўша пайтдаёқ биз сохталик ва ҳасадни сезар эдик. Ўша пайтдаёқ, бизнинг учрашуваримизда, ўзини тутишидан ҳарбийлиги билиниб турган аллақандай камгап немислар тез-тез пайдо бўла бошлашди. Улар виски симириб америка сигареталарини чекишар, суҳбатга аралашмас эдилар. Кейин уларни ҳарбий номерли америка ва инглиз машиналари олиб кетар эди. Бир неча йил ўтгач эса, ўша камгап немисларнинг кўпчилиги ГФР ва АҚШ разведка хизматларида юқори лавозимларни эгаллади.

Берлиндаги учрашуваримизнинг бирида мен билан америкалик офицер ҳасратлашиб қолди. Ҳаддан ташқари кўп виски ичиб юборганидан жуда қизиқ кетган. Капитан ўзининг коммунистларга, бизнинг тузумимизга бўлган адоватини яширмасди. У тахминан шундай дерди:

— Ҳозир биз сизлар учун қадаҳ кўтаришга, сизлар билан ҳисоблашишга мажбурмиз. Сизлар ғолиблар, сизлар қудратли давлатсизлар. Аммо, бир оз фурсат ўтгач, сизларни бизлар билан ҳисоблашишга мажбур этамиз. Бизнинг жаҳонни тиз чўктирадиган қуролимиз бўлади...

Кейин билсам, у атом бомбасини назарда тутаётган экан. Капитан ўзининг «мажбур этамиз» иборасини кўп такрорлади. Мен чидаб туролмадим-да, жавоб қайтардим:

— Жаноби капитан, сиз ўз итингиз ёки хизматкорингизни мажбур қилишингиз мумкин. Шу нарсани ҳам унутмангки, сиз бор-йўғи капитансиз холос. Туриш-турмушингизга қараганда, АҚШ президенти бўладиган сиёҳингиз йўқ. Шундай экан, осмондан келмай, гапни орқа-олдингизга қараб гапиринг. Жаҳоний миқёсда гапирини ким қўйибди?

Капитан ичаётган вискиси томоғига тиқилиб, қалқиб кетди ва ўша кеча бошқа лом-мим деб оғиз очмади.

...Мен самолёт кўниш учун пастлаётганини, «Камарларни боғланг» деган ёзув қизил таблода ёнганини ҳам сезмабман. Лекин, стюардессанинг қатъий ва таънали овозини эшитдим:

— Гражданин, сиз самолётда биринчи марта учаётган бўлмасангиз керак. Қоидага риоя қилиш лозим.

Мен хижолат тортиб, шоша-пиша камарни боғлай бошладим.

Учинчи боб

Сирли йўловчи

— Майор Хелемея.

— Капитан Нестеров.

— Капитан Мальцов.

Мен ҳам ўзимни таништирдим. Қўл остимдаги янги ходимларимни кўздан кечираман: Карл Карлович Хелемея кенг елкали, малласоч, қўллари балиқчиларча бақувват. Вадим Николаевич Нестеров, — аксинча, ориқ, юзлари зиёлиларга хос учиб туради. Александр Петрович Мальцов — вазминроқ, кўзларида қувлик акс этиб туради.

Уларга қараб туриб: «Хўш, оғайнилар, урдасидан чиқамизми?» деб ўйлайман.

Биз, тўртовимиз катта механизмнинг кичик бир қисмимиз, холос. Ҳозирча биз учун номаълум бўлган одамларни сизлашда фақат бизнинг оператив группамиз, чегарачиларгина эмас, балки шунингдек милиция ходимлари, ўрмончилар,

қоровуллар, милицияга ёрдам берувчи бригадалардан олинган йигитлар ҳам қатнашади. Барча йўллар, сўқмоқлар тақа-тақ тўсилган. Меҳмонхоналар, вокзаллар, аэропортлар, ресторанилар кўз остига олинган. Эртами, кечми уларни қўлга туширишади. Қўлга туширишади! Бу охириг босқич, охириг нуқта бўлади.

Аммо оператив-қидирув группалари чегарани бузувчиларни ушлагунларига қадар ҳали анча машаққат тортишлари, қанча кеча-кундузларни хунобликда ўтказишлари керак!

Денгиздай қайнаб ётган одамлар орасидан белгиси, ётар-турар жойи, алоқаси — ҳеч нарсаи номаълум Икс кишини топиш керак. Чегарани бузиб ўтувчилар доим из қолдиради, дейишади.

Лекин излар ҳамма вақт ҳам йиртқич уясига олиб боравермайди.

Карл Карлович тиззасидаги папкани очади, у ердан бир варақ қоғоз олиб, менга узатади. Мен уни шошмасдан ўқий бошламан.

«Пярну темир йўл станциясида фаррош аёл Антонова томонидан поездда, иситиш қувурлари орқасидан ўқланган икки тўппонча, авторучка-тўппонча, заҳар солинган ампула ва махфий ёзув воситаларининг топиб олинганлиги муносабати билан Пярну-Таллин поездидаги ўша кунги барча йўловчиларни аниқлаш учун шошилиш чора-тадбирлар кўрилди. Бу борада шу нарса маълум бўлдики, мазкур поезддан одатда маҳаллий аҳоли орасидан маълум кишиларгина фойдаланадилар, буниг устига билет сотувчи кассирлардан суриштириш натижасида 16-май куни поездга бор-йўғи 52 та билет сотилгани аниқланган. Таллин-Пярну участкасидаги барча темир йўл станцияларига оператив ходимлар юборилди. Станция ходимлари ва маҳаллий аҳолидан сўраб, суриштириб, улар 16 май куни ўша поездга чиққан барча йўловчиларни аниқлашга муваффақ бўлганлар. Улардан ҳеч қайси бири шубҳа туғдирмайди».

Ҳа, мўъжизадан бошқа нарса эмас. Қандайдир кўринмас одам поездга чиққан, тўппончаларни қувур орқасига яшириб қўйгану ғойиб бўлган. Гўё эриб кетган.

Мана йўловчиларнинг рўйхати. Ҳар қайси фамилия тўғрисида қаерда туради, иш жойи, хулқ-атвори батафсил ёзиб қўйилган. Иш куни бўлгани учун поездда асосан аёллар, кексалар ва болалар сафар қилишган. Эркаклар ҳам бор: Маданият министрлиги ходимлари, хизмат кўрсатган агроном, машҳур болалар врачлари, иккита пенсионер.

Рўйхат пухта текшириб чиқилган. Бу одамларнинг ҳаммаси таниш одамлар, бегонаси йўқ, ҳалол яшашади, шубҳали борди-келдилари ҳам йўқ.

Кабинетда ўтириб олиб қаҳва қуйқасида фол очиш ва ҳар хил тахминлар қилишдан фойда чиқмайди. Пярнуга жўнаш керак.

— Вадим Николаевич, — дейман Нестеровга, — машинани олиб, Пярнуга жўнанг. Станция ходимлари билан синчиклаб гаплашиб кўринг. Балким, қўлга илинадиган бирон нима уч бериб қолар. Хусусан Антонова билан гаплашинг. Ўша куни кўрган-кечирган бутун воқеаларини хотирасида тиклаб кўрсин, ипидан игнасигача. Хуллас, омад тиламан. Эртага эрталаб соат ўнда сиздан маълумот кутаман. Саволлар борми?

— Йўқ, топшириқни бажаришга рухсат этинг?
Нестеров креслодан кўтарилади.

Очиғини айтсам, капитан терговни охирига олиб борадиган тўғри йўлни топиб олишимизга ёрдам берадиган бирон нима олиб келишига унчалик ишонмайман. Бундай ҳоллар ишимизда бўлиб туради, лекин онда-сонда.

Бундан ташқари, айнан Пярнуга боришнинг қидирув занжиридаги асосий ҳалқа бўлишига умид қилишимга халақит берувчи яна бир мулоҳаза бор. Гап шундаки, 52 та билет сотилди дегани, йўловчилар ҳам айнан 52 та бўлган деган гап эмас. Биринчидан, шаҳар атрофидаги қишлоқларда яшовчи баъзи кишилар мавсумий — ойлик, ҳатто йиллик имтиёзли билетлардан фойдаланадилар. Табиийки, улар билет олиш учун кассага бориб ўтирмайдилар. Иккинчидан, қанчалик ачинарли бўлмасин, темир йўл қанча йилдан буён мавжуд бўлса, темир йўл «қуёнлари», бошқача қилиб айтганда — билетсизлар ҳам шунча йилдан буён мавжуд. Тўғри, душман агенти арзимаган бир сўмни тежайман деб, ревизорга рўпара бўлиб ўтирмаса керак. Бунга журъат этолмайди. Лекин у поездга беихтиёр суратда, тасодифан туғилган шубҳа, чунончи, бир кимса уни тутиб олмоқчилигидан гумонсираб ёки билет олишга вақт қолмаганлигидан бебилет чиққан бўлиши мумкин. Билетсиз юришни яна бир нарса билан изоҳласа бўлади, яъни яхши тайёргарлик кўрмаган жосус СССРда билетлар фақат станциялардаги кассаларда сотилишидан беҳабар бўлиши мумкин. Ғарбдаги баъзи мамлакатларда эса, билетларни йўловчи проводникнинг ўзидан сотиб олаверади.

Ҳар эҳтимолга қарши оператив ходимларга ревизорлар 16-май куни Таллин-Пярну поездидан бебилет йўловчиларни штраф тўлаттиришларига тўғри келган-келмаганлигини суриштириб билиш юзасидан топшириқ бериш керак.

Аниқланган 52 йўловчининг ҳеч қайси бири ходимларимизда шубҳа туғдирмайди. Бундай олиб қараганда, агар душман агенти шу ерлик бўлса, ҳуфия жой сифатида вагон ҳожатхонасидан фойдаланишининг унга нима зарурати бор? У хавфсизроқ жойни ҳамма вақт топа оларди.

Йўқ, у нарсаларни четдан келган бегона одам қўйиб қўйган. Ҳа, худди шундоқ қилган, бирданига хавфли, нокерак юк бўлиб қолган қуролдан қутулмоқчи бўлган эмас. Агар қуролларни йўқотмоқчи бўлганда уларни тамбурдан ташлаб юбориши мумкин эди.

Бу ҳуфия жойдан келажакда ёки жосуснинг ўзи, ё бундан хабардор бошқа биров фойдаланиши кўзда тутилган бўлиши керак. Ҳар қандай ҳолда ҳам, агар шундай бўлса, қуролни олиб кетиш учун кимдир, албатта, келади. Лекин ким? Қачон? Демак, вагонда ҳеч кимга сездирмай кузатув ўрнатиш керак.

Нестеровнинг Антонова билан бўлган суҳбати бизга маълумотларга бирор янгиллик қўшмади. Фақат қурол айнан 16-майда қолдирилганига бўлган ишончимизни тасдиқлади: Мария Петровна бир кун аввал ҳам шу вагонни супуриб-сидирган, лекин иситиш қувурлари орқасида ҳеч нарса йўқлигини яхши эслаган.

Нимаям дердик, бу ҳам ниманидир билдиради. Бундан чиқди, ҳуфия жой ҳақиқатан ҳам янги экан. Бу ажал келтирувчи юк Таллин ва Пярну орасида ҳафта, ҳатто ой давомида бориб келиб турган бўлиши ҳам мумкин.

...Генерал билан биз жуда эскидан танишимиз. Бир вақтлари яшил петлицаларимизда кубикларни бирга тақиб юрганмиз, заставага қўмондонлик қилганмиз. Буни қаранг-а, ўшандан бери қанча сувлар оқиб кетибди-я! Унинг жуда ёшлигини, ориққина, серғайрат олов пайтини эслайман. Бошида ўжар кокили ҳамиша дўппайиб турарди. Уша пайтда у ўзини ёшидан каттароқ кўрсатишга интиларди. Мен ҳам у пайтда темирқанот жўжа эдим. Тўғри, порох ҳиди нималигини биз билиб олган эдик. Мен Ўрта Осиёда босмачилар билан олишишимга тўғри келган, у Кавказдаги тўдаларни тугатиш учун жанг қилган.

Энди рўпарамда кўзлари ҳорғин кекса одам ўтирарди. Юзларини ажинлар тилиб ташлаган. Ҳа, генералнинг умри роҳатда ўтмаган. Мен буни жуда аниқ биламан.

Биз қўл олиб кўришамиз. Генералнинг қўли характери каби мустаҳкам. Кейин бундай пайтларда бўладиган одатдаги бола-чақа, соғлиқ, эски танишлар ҳақидаги савол-жавоблар келади.

Охирги марта биз ўтган йили, Москвада бирров кўришгандик. Шунинг учун турмушимиз ҳақида бир фурсат гаплашишга тўла ҳақли эдик. Билиб олган янгилгим шу бўлдики, генералнинг катта ўғли капитан ҳам бўлибди. Шарқий чегарада хизмат қилаётган экан.

— Бир камим энди ўғлимга қўмондонлик қилиш қолувди, — деб эзмаланади у.

Шахсий хотираларимизга ажратилган вақтимиз тугайди. Генерални Москвадан телефонга чақиришади. Уни мақташ учун кўнғироқ қилишмаганлигини фахмлаб турибман. Генерал бир қўли билан телефон трубкасини қулоғига босиб, бошқа қўли билан ёзув столининг четини жаҳл билан чертади. Ҳа, шу топда хушxabар айтадиган ҳолат эмас. Бизнинг тупроғимизда душман юрибди, бунинг учун биз ҳаммамиз жавобгармиз.

Биз генерал билан авлиё ҳам, фолбин ҳам эмасмиз, лекин юзлаб ҳамкасбларимиз сингари шуни аниқ биламизки, жосуслар қўлга тушади. Бугун бўлмаса, эртага. Лекин бари бир кўнғлимиз ғаш. Чегарамиз ва одамларимизнинг дахлсизлиги таъминланмаган...

Генерал телефонда гаплашишда давом этади. Тўғрироғи, Москвадаги кўзга кўринмас ҳамсуҳбати гапиради, генерал эса фақат ҳар замонда бир бош ирғаб, секингина хўрсиниб қўяди. Унинг бўш қўли столни чертишдан тўхтайдди. Генерал мен томон бир варақ қоғозни суриб қўяди. Сатрларга тез кўз югуртираман. «Кеча соат 14 дан 32 минут ўтганда номаълум радиопередатчининг иши қайд қилинган. Радиопередатчик соат 14 дан 41 минут ўтгунга қадар ишлаган».

Қоғозни кўлимга олиб, яна бир марта ўқиб чиқаман.

— Хўш, бунисига нима дейсан? — дейди генерал босиқ оvozда.

У телефон трубкасини жойига қўйди. Юзидан бир оз енгил тортгани сезилди. — Хўш, нима дейсан? — такрорлади у.

— Менимча, бу яхши аломат.

— Бундан ортиғи бўлмайди.

— Жуда бўлмаганда, биз уларнинг Эстонияда эканликларини биламиз.

Генералга таскин беришимнинг ҳожати йўқ. Вазиятни у мендан кўра анча яхшироқ тушунади. Мен шунчаки ўз фикримни айтаман:

— Тажрибали одамлар экан. Анчадан буён бунақа ҳаракат бўлмаганди.

У столдан туриб, пардани тортади, парда орқасидан республика харитаси очилади. Мен генералнинг орқасида турибман. Ҳамма нарса худди кафтдагидек

кўрсатилган. Ҳатто ўрмон сўқмоқлари-ю, майда ботқоқликлар ҳам акс эттирилган.

— Передатчик Пярну районида ишлаган. Мана бу ўрмонзорлардан бирида. Биз стол олдига ҳар биримиз ўз ўйларимиз билан банд ҳолда қайтиб келдик. Бахтга қарши биз ҳали кўп нарсани билмаймиз.

Масалан, жосуслар нимада тушишган. Парашютлардами ёки махсус планер қурилмаларидами? Неча юзлаб квадрат километр ер тит-пит қилиб чиқилди — ҳозирча ҳеч қандай натижа бермади. Балким самолёт территориямизга бизни чалғитиш учун юборилгандир, жосуслар эса, ани вақтда сувдан ўтган. Сув ости кемаси, катта тезликда сузувчи катер, енгил ғоввослик кийимидан фойдалангандир. Буларнинг ҳар қайсиси билан иш жараёнида бир неча бор тўқнашишга тўғри келган. Генерал кўнглимдан ўтаётган фикрларимни гўё билиб турарди.

— Ҳарҳолда улар парашютда тушишган, — деди қатъий ишонч билан. Бу ердаги жойлар бошқа транспорт тури учун ярамайди.

— Сувни истисно қиласанми?

— Албатта! Пярну районида улар ҳаддан ташқари тез пайдо бўлишиди.

— Йўловчи машина учраб қолгандир...

Генерал кўллари орақасига қилиб, катта кабинетга тўшалган гилам пойандоз устидан аста юриб, эшиккача борди, бир фурсат жим туриб, орақасига ўғирилди.

— Кел, чой ичамиз.

Бир стакандан чой ичишчалик вақтимиз қолган эди. Бундай пайтларда фикримни бир жойга жамлашим, ўз олдимга аниқ вазифа қўйиб, уни бажариш усули, вақти ва воситаларини белгилаб олишимга ҳеч ким ҳалақит бермаслиги учун чой ичиш менга бир баҳонадек бўларди. Ҳатто ўлим бозори қизиган суронли уруш йиллари, ҳар бир дақиқа олтинга тенг бўлган пайтда ҳам мен шундай қилардим. Бу усул менга панд бермасди. Генералнинг ҳам чойхўрлик қилишга бўш вақти йўқ эди.

Тўртинчи боб

Эфирдаги бегоналар

Майкл Грэмсинг таъби тирриқ эди. Сўнгги кунларда у бирданига руҳсизлик дардига мубтало бўлиб қолди. Ҳеч кимни, кўргиси, ҳеч ким билан учрашгиси келмасди. Умуман, ҳеч нарсасга ҳуши қолмади. Чамаси, кайзер Вильгельм замонасидан қолган, дидсизлик билан тўғри келган ерга пала-партиш қўйилган кўпол мебель билан жиҳозланган қоронғи уйда ўтиравериш унинг жонига текканди. Юзи кўғирчоқникидай бир бурда, ҳамиша илжайиб турадиган Марта исмли хизматкор хотин, шунингдек шофёр Карл Берг ҳам унинг жинини кўзгарди. Майкл шофёрнинг отниқига ўхшаш узун иягига ва доимо қовжираб турадиган чала уйқули кўзларига деярлик нафрат билан қарарди. Бу Мюнхенга нима жин уриб келиб қолди ўзи! Бюргерларнинг семиз башараларига қараб Грэмсинг кўнгли айниб кетарди.

Бу сингари ҳолат илгари, у ҳали ёшроқ пайтида ҳам юз берган эди. Лекин у пайтда у ўз ҳушсизлигини чарчаганлигидан, асабларининг бардоши етмаганлигидан кўриши мумкин эди. Жосуслик билан шуғулланиш унақа хайрли машғулот эмас. Унинг университетда бирга ўқиган курсдошларининг ҳаммаси унга қараганда тузук одам бўлиб кетишди. Майкл ҳам юстиция соҳасида яхшигина мансабга эришиши, таниқли адвокат бўлиб етишиши мумкин эди-ку, ахир! Тўғри, у ўз тақдирдан нолишга ҳозир ҳаққи йўқ. Яхши оиласи, пули бор. Соғлиғи ҳозирча жойида. Унга нима керак яна? Лекин, бари бир Майкл ўз-ўзига ёлғон тасалли берарди. Юрагининг тубида кин, ҳасад, ранж-алам тўпланиб қолганди. У эллик бир ёшга кирди. Умрининг йигирма уч йилини разведкага бағишлади. У баъзиларга ўхшаб, кабинет разведкачиси эмас эди. Унинг ҳаёти бир неча бор қил устида бўлган. Уни ер куррасининг энг қайноқ нуқталарига юборишди. Хўш, у нимага эришди? Подполковник унвонига. Уларнинг хизматида унвон ҳамма вақт ҳам муҳим роль ўйнайвермайди. У бамисоли иззат-нафсини юпатиш учун восита, зеб-зийнатга ўч аёлларга оддий тақинчоқ тақдим қилгандай бир гап. Стивенс ўз фаолиятини анча кечроқ бошлаган эди, зеҳни ўткир бўлганидан генерал бўлиб олди. Брюсселда ишляпти. Дорман ўқлар овозини фақат телевизор экранидан эшитди, лекин Вашингтонда юқори мансабни эгаллади. Майкл-чи? Бор-йўғи Мюнхен бюроси бошлиғининг муовини холос. Шунча тажрибаси билан ҳеч кимнинг иши йўқ! Бунинг устига уч тилни: немис, рус, испан тилларини мукамал билади. Йўқ, замон айнаб кетди. Ҳозир хизмат поғоналаридан қобилиятли

одамлар эмас, пули кўп, ишончли суянчиғи борлар юқори қараб кўтарилмоқда. Майклга ўхшаганлар эса, фақат қора ишларни бажариш учун керак.

Майкл сифонни олдига суриб, ричагини босди. Стаканга сув повиллаб куйилди. У сувни ҳўплаб-ҳўплаб ичди-да, кресло суянчиғига кифтини бериб чўзилди. Вақт кечқурунги саккизга яқинлашиб қолган. Ропла-роса саккизда эшик очилади, ўзининг оҳорланган ўша кўк пешбандини олдига тутиб олган Марта илжайиб пайдо бўлади-да, ингичка овози билан кечки овқат тайёр бўлганини эълон қилади.

Майклнинг афти буришди, кичкина қайчиши билан сигаранинг учини қирқиб ташлади.

Бир неча бор қаттиқ тортди. Энди уч ҳисса виски билан бир оз сув ичиши керак. Мана, жаҳлининг тугунчаларидан биттаси энди ечилди. Ўзини қўлга олиши керак. Қачондир, анчагина олдин отаси, «эркак киши бўлар-бўлмасга жиртак отмаслиги керак. Агар у ланж бўлса, билгинки ҳалокат ёқасида турган бўлади» деган эди.

Унинг ғамгин хаёлларини телефон қўнғироғи узиб қўйди. Майкл трубкани кўтариб, бошлиғининг овозини эшитди.

— Майкл? Овқатланишингизга халал бермадимми?

— Йўқ, ҳозирча оч қоринга ичяпман.

— Сизга ҳавасим келяпти. Келинг ролларимизни алмашамиз.

Бошлиқ хотиржам гапирарди.

— Йўқ, раҳмат, ўз юкингизни ўзингиз тортаверинг.

— Ана шу-да, доим шунақа қиласиз.

Бошлиқ бир оз жим қолди.

— Менга қаранг, Майкл, сизга қойилман.

— Кеча бошқача гапиргандингиз.

— Уни кеча гапирган эдим.

— Ундай бўлса, нима хизмат буюрасиз?

— Жлук билан Поомл ўз қариндошлариникига етиб олишибди.

— Рост гапиряписизми? — Майкл ҳатто ўрнидан туриб кетаёзди.

— Мутлақо. Энди яхши хабарлар кутамиз.

— Мен иримчиман. Олдингизга борайми?

— Узингизни кечки овқатдан маҳрум қилишнинг нима ҳожати бор! Мен ҳозир уйга кетаман. Негадир бошим ёрилиб кетай деб оғрияпти. Эртага сизни кутаман. Иштахангиз карнай бўлсин.

Трубкадан гудок эшитилди.

Буни қара-я! Наҳотки омад унга кулиб боққан бўлса? Кейинги бир йил ичида олтита операциялари барбод бўлди. Олтита! Уларни худди кутиб тургандек, шундоққина чегаранинг ўзида қўлга олишади ёки уларнинг ўзлари СССР давлат хавфсизлиги органлари олдига тасодифан бориб қолишади. Тўғри, Артур Брестгача етиб борди. Шугина холос. Кейин дом-дараксиз кетди.

Майкл креслодан турди. Телевизорни қўйди, экранда бутун дунёга машҳур Чарли Чаплиннинг ғамгин юзи пайдо бўлди. Шу оннинг ўзидаёқ унинг ўрнини гўзал мулат аёл эгаллади.

Эшик ғичирлади. Майкл орқасига ўгирилди. Остонада Марта турарди.

— Овқат тайёр, сэр.

«У мен ўйлаганчалик ёмон эмас экан» дея кўнглидан ўтказиб қўйди.

* * *

Оҳ, вақт намуноча имиллаб ўтмаса! Одамни хуноб қилиб юборди! Рутта соатига ҳозир нечанчи қарашди. Соат миллари гўё қотиб қолгандек. Универмагнинг ёпилишига ҳали икки соат бор. Соат тўққизда «Январь» қаҳвахонаси олдида уни Виктор кутади.

У эса уйга кириб кийиниб чиқиши, кейин сартарошхонада сочини турмаклатиши керак. Учрашувни бошқа кунга кўчириш керак. Виктор, албатта, хафа бўлмайди...

— Яхши қиз, анави плашни кўрсатиб юборинг. Йўқ, йўқ, наригисини, ранги очроғини.

Рутта одатига кўра плашни ясама кифтдан сидириб олади, уни харидорга узатади. Бугун улар ишлайдиган эркакларнинг тайёр кийими секцияларида харидорлар унча кўп эмас, бир ҳафта аввал, улар чет элдан келтирилган костюм сотганларида қандай ур-йиқит бўлган эди! Айтганча, Викторнинг ажойиб фин костюми бор. Унга жуда кетворади, худди қуйиб қўйгандек ярашиб туради.

— Уртоқ яхши қиз.

Ҳм, «ўртоқ яхши қиз». Менга ҳеч ким бундай мурожаат этмайди. Тентакми дейман. Йўқ, тентакка ўхшамайди. — Унинг шундоққина рўпарасида портфель кўтарган икки киши турганди. Иккови ҳам новча, елкалари кенг, бири қорачадан келган, бошқаси оқ-сарик. — Унча башанг кийинишмаган — мутахассисларча баҳо берди Рутта. — Ҳозир елкасига пахта солинган ёстиқча қўйилган пиджакни ким ҳам киярди? Шимлари-чи? Шим эмас, худди қопга ўхшайди».

— Сизга нима керак?

— Бизга иккита костюм билан иккита плаш керак, — дейди қорачадан келгани ва иккита бармоғини кўрсатади.

— Ҳаммаси қаршингизда турибди, танлаб олаверинглар.

«Ғалати харидорлар экан, — дея ўйлади Рутта фикран. — Балким қандайдир узоқ қишлоқдан келган бўлишса керак».

Бу орада ҳалиги кишилар костюмларни шоша-пиша кўздан кечиришга киришдилар. Битта костюмни кўтариб Руттанинг олдига келишди.

— Ҳув, тўғрида кийиб кўришингиз мумкин.

— Йўқ, ўраб бераверинг.

Плашларни ҳам костюмларни танлагандай тезда танлашди. Уларни ҳам кийиб кўришмади. Рутта қорачадан келгани касса олдида пулни санаб бераётганини кўрди.

Иккови ўзининг нарсасини қўлтиқлаб, эшик томон ошиқшди. Рутта яна соатига қаради. Ё тавба, атиги ўн беш минут ўтибди. Бугун қайси кўйлагини кийса экан, пуштисинидир балким. Албатта, пуштисини кияди...

Бешинчи боб

Ғалати бемор

Роберт Робертович Хамберг жуда бевақт касал бўлиб қолди: министрликка иккинчи ярим йиллик учун смета топшириш керак, бош экономистни грип чалиб йиқитди. Хамбергнинг ўзи бўлим бошлиғига кўнғироқ қилди. Ишга чиқолмагани учун узр сўради, начора, иситмаси ўттиз тўққизга чиқиб кетибди. Бўлим бошлиғи оҳ-воҳ қилди-да, смета тузишга ўзи ўтирди.

Шу куни оқшомда Хамберг турадиган уй олдига такси келиб тўхтади. Роберт Робертович ихчамгина чамадонча кўтариб чиқди-да, ҳайдовчининг ёнига ўтириб, қисқа қилиб:

— Вокзалга, азизим, — деди.

Таллин—Москва поезди жўнашига ўн минут қолганда вокзалга етиб келди. Таксидан тушиб дарҳол перронга бормади. Вокзал диктори: «Йўловчи граждандар, Таллин—Москва скорий поездининг жўнаб кетишига беш минут қолди», — деб эълон қилгунича кутиб турди. У эълонни эшитди-ю, поезд томон зипиллаб югурди. Вагон олдига югуриб келиб, проводникка билетини кўрсатди-да, ўз купеси томон юрди. Ичкарига кириб полкага ўтирди, ҳамроҳлари билан саломлашиб, Роберт Робертович енгил нафас олди. Унинг хонасида икки кампир билан ҳали қирққа ҳам кирмаган ёшгина жувон кетмоқда эди. Бундай ҳамроҳлар унинг учун айни муддао эди. Имиллаб ўтирмай у ўрнини солди, қўшниларига яхши туш кўришларини тилаб юқори полкага чиқиб ётди-ю, жим бўлди.

Орадан тўрт кун ўтгач, Роберт Робертович Таллинга зангори рангли «Москвич» ҳайдаб қайтиб келмоқда эди. Кўз олдида бўзранг тошйўл машиналар, чакалакзорлар, далалар, ёнилғи куйиб оладиган станциялар, уйлар орқага қараб сузиб ўтиб турарди. Хамберг машинани тажрибали ҳайдовчилардек бошқариб келарди. Уруш пайтида машина ҳайдашига тўғри келган. Уша-ўша хусусий машинали бўлишни орзу қиларди. Мана кўринг, «чўртан балиқнинг амри билан» дегандай, бир юмалади-ю, хусусий «Москвич»ли бўлиб қолди. Тўғри, устига бир оз пул беришга тўғри келди. Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Энди у пулдор, жуда ҳам пулдор.

Тошйўл лентаси орқага қараб ҳеч узилмай чопгани чопган. Машина рули Хамбергга хотиржамлик бахш этади. Турган гап, қўшнилари: оддий бир экономист машинани қаердан олақолди, деб дарҳол қизиқиб сўрайдилар. Сўрашса сўрай қолишсини. У ўғирлик қилмади. Жамғарди, қарз кўтарди, у-бу нарсасини сотди. Энг яхшиси, машина амакиваччамники дейди, вақтинча миниб тур, деб берган, дейман.

Ишхонадагилар ҳам «Москвич»дан хабар топишади. Хабар топса топаверсин. Бировнинг машина сотиб олгани билан уларнинг нима ишлари бор? Нега энди уларга ҳисоб бериши керак экан? Шундай бўлса ҳам, ҳар қалай машина хусусида

бирон нима ўйлаб топиш керак. Ортиқча гал-сўз — ортиқча ғалва орттирадиган бўлди ўзига.

Тўхта! Милиция! Йўл ёқасида таёқча ушлаган сержантни кўрди. Ёнида мотоцикл. Тўхташга ишора қияпти. Нега унинг пешонасидан тер чиқиб, қўллари музлаб қолди? Хотиржамлик ва яна хотиржамлик. У ҳеч қанақа қондани бузмади, тезликка риоя қилиб келяпти, ҳужжатлари ҳам жойида. Жин урсин, лаънати оёқлари кўрғошин куйгандай оғир бўлиб қолибди. У кўзгуга назар ташлади. Иш пачава, кўзлари бежо. Тинчлан, Хамберг. Хўш, эшикни бундай қилиб очамиз, сигарета тутатамиз. Ҳозир бир жилмайшнинг айни хонаси.

— Яхшимисиз, ўртоқ сержант.

Сержант бепарволик билан честь беради. Юзидан заҳар томади.

— Ҳужжатларингизни кўрсатинг.

— Марҳамат. Гувоҳномам, паспортим.

Сержант паспортни диққат билан, синчиклаб текширади. Хамберг умуртқасидан пастга қараб тер оқаётганини сезади. Чаккалари, худди биров болға билан ураётгандай қаттиқ лўқиллаб оғрий бошлайди. Сержант паспортни ёпди шекилли. Энди гувоҳномани текширишга тушади. Бу қийноқ қачон тугаркин?

— Машинага яхши қарамас экансиз, — деди сержант, қовоғидан қор ёғиб.

— Нега энди яхши қарамас эканман, — деди Хамберг пичирлагандек зўрға гапириб.

— Қаранг, багажнингиз очилиб ётибди.

— Кечиринг, балки қулфи бузилиб қолгандир.

Сержант бошини норози чайқаб ҳужжатларни қайтариб беради.

Хамберг моторни ҳадеганда ишлата олмайди. Қўллари қалтирайди, оёқлари ёғочоёққа ўхшаб қолган. Кўйлаги сиқиб олгудай жиққа ҳўл. У ўриндиққа суяниб, кўзларини юмади. Йўқ, бундай қилиш ярамайди. Агар ҳар бир милиционерни кўриши билан тишлари такиллаш бошласа, бунақада ўзини ўлдириши керак бўлади. Сен латтасан, Хамберг. Фронтда қўлларинг қалтирамасди. Урушдан кейин бошингдан не кунлар ўтди! Чекинишга йўл йўқ. У стартерни босиб, газ берди.

Йўлнинг бўзранг-лентаси ҳаворанг «Москвич» ғилдираклари олдида ястаниб ётибди. Қирқ километр йўл босилса, Таллин келади. Хамберг чарчоқни сезмасди. Ваҳоланки, ўн соатдан бери рулда ўтирарди.

Қирқ учинчи йилда унинг ажойиб «Опель» машинаси бор эди. У Хамбергга бир йилдан кўпроқ ҳалол хизмат қилган. Кейин «Опель»га снаряд теккан. Қандайдир мўъжиза юз бериб, Хамберг тирик қолган. Майор Дитц тил тортмай ўлган. Худди ўша кунлари у Жлукни сўнги бор кўрган эди. Улар дўст эдилар. Ёшлик, ох, ўша ёшлик! ўша пайтда улар қандай келишган, азамат, шўх эдилар! Қаҳвахона, ресторанларда қизлар уларга суқланиб қарардилар. Қилмаган шўхликлари қолмаган. Ҳаммаси ўтди-кетди. Қор ёғди излар босилиб кетди. Лекин босилиб кетдимикан? Жлукни у аллақачон ўлдига чиқариб юборган эди. Аммо буни қарангки, у тирилиб келди. У ўшанда ўз кўзларига ишонмади. Бу унинг ҳаётидаги энг кўрқинчли дақиқалар бўлиб қолганди.

....Такси ҳайдовчига қандай йўловчиларни олиб юришга тўғри келмаган дейсиз. Мана, бугун бир тентак ҳе йўқ, бе йўқ, ўз-ўзидан Риголетто ариясини ижро эта бошлади, яна шунақанги бақирдики, кулоқларини тешворай деди. Иккинчиси машинага сават олиб чиқди. Саватга бештами, олтитами — бир этак мушук бола солиб олибди. Буни қарангки, сайр қилдиргани олиб чиққан эмишлар.

Ана шу иккови бир соатдан бери шаҳарда айланади, борадиган ерининг охири кўринмайди. Вақт эса ярим кечага яқинлашиб қолди. Яхшиям пулни олдиндан тўлаб қўйишган. Назаримда ичганга ўхшамайди, агар ичиб олганларидан кўрардингиз нималар бўлишини! Таллинга биринчи келишлари, шаҳарни кечаси томоша қилгилари келиб қолганлигини тушунтиришди. Хўш, ўзингиз айтингчи, кечаси шаҳарнинг нимасини томоша қилишар экан? Дарвоқе, унинг нима иши бор? Ўзингни бил, машинангни ҳайда, кира пулингни бут қилиб берса бўлди-да, сенга. Улар яхши ҳақ тўлашди. Ортиқча ўн сўм тешиб чиқармиди?

Шофёр сигарета чекди. «Ҳозир уйқини қочириш учун қани энди бир чашка қаҳва бўлса», деб кўнглидан ўтказиб қўйди.

Йўловчилар камгап чиқишди. Орқа ўриндиққа ўрнашиб олиб, лом-мим демай, жим кетишяпти. Бир оғиз сўз қотишмайди.

— Энди қаёққа? — деб сўрайди шофёр.

— Тўғрига, — дейди биттаси.

— Тўғрида қабристон келади, — норози тўнғиллайди шофёр.

— Тўғрига, тўғрига, — деб бир хил оҳангда такрорлайди йўловчи.

— Тўғрига бўлса, тўғрига-да, бизнинг нима ишимиз бор.... Эҳ, бу йигитлар унга негадир ёқинқирамай турибди.

— Шу ерда тўхтатинг, — деган овозни эшитди у.



Расми Аваз Шоалимов чизган

Тормозни босиб, рулни четга бурди.

Эшик очилиб ёпилди. Хайрлашмай жўнаб қолишди. Жин урсин уларни. Анча енгил тортди. Қизик, ярим кечада бу ерга нега келишди экан? Ахир яқин орада қабристондан бўлак ҳеч нима йўқ-ку! Милиця идорасига бориб, хабар берсинми? Йўғ-ей, бўлмаган гап. Ҳаммаси унинг устидан кулиб юришар. Одамлар қаёққа хоҳласалар, ўша ёққа бораверадилар. Яхшиси — бу ердан тезроқ жўнаб қолиш керак, бунинг устига сменасининг тугашига ҳам бир соат қолибди.

Олтинчи боб

Кутилмаган меҳмон

Роберт Робертович радиоприёмникка яқин ўтиргани учун кўнғироқ овозини дарров эшитмади. Лекин кўнғироқ босиб жиринглайверди. «Бу яна ким бўлди экан — бемаҳалда келган», деб ўйлади у.

Шимининг тасмасини ҳам тақмай, шиппагини судраб остонага чиқди. Кўнғироқ ҳамон жирингларди. Хамберг негадир ғалати бўлиб кетди.

— Ким у? — деб сўради у.

У ёғини Хамберг яхши эслолмайди. Хонага киришгач ўзига келиб, рўпарасида Жлукнинг башарасини кўрди. Ҳа, бу ўша эди. Лаблари, кўзлари, бурни, ўртасида чуқурчаси бор ияги ўшаники. Лекин бунга қандай ишониш мумкин?.. Арвоҳми? Шарпами? Шайтонми? Жлук ёлғиз эмасди. Эшик олдида бўйчан, қўллари гурзидай, оқ-сарикдан келган одам хўмрайиб турарди.

— Бизларни уйингдан ҳайдамайсанми? — деб хотиржам сўради Жлук.

Шундан кейингина Хамберг бутунлай ўзига келди. У Жлук бир нима дейишини кутиб турди. Шунча йиллардан бери у қаерда эди. Таллинга уни қайси шамол учуриб келган экан?

— Уз уйингиздагидек жойлашаверинглар, — деди Хамберг очиқ кўнгиллилик билан. У ҳар эҳтимолга қарши радионинг овозини баландроқ қилиб, дераза пардаларини ёпиб қўйди.

Одатда меҳмонларни зиёфат қилиш керак. Шунга ҳам ташвишми, шпрот, коньяк, дудланган колбаса, пишлоқ бор. Кечқурунги овқат бўйдоқчасига бўлади, лекин ҳеч ким оч қолмайди.

Холодильник олдида ўралашаркан, Хамберг гоҳо Жлукнинг ҳамроҳига кўз қирини ташлаб кўярди. У бурчакка оғир тикилганча стулда миқ этмай худди қотиб қолган ҳайкалдай ўтирар эди. Жлукнинг ошнаси, Хамбергга ёқмади, жуда ҳам ёқмади. Улар столга жимгина ўтирдилар. Хамберг қадаҳларга коньяк қуя бошлади. Қўли қалтирарди. Коньяк қадахдан тошиб дастурхонга сингиб, сариқ доғ қолдирди.

Жлук мийиғида кулиб қўйди.

— Менга бер, ўзим қуя қолай.

У Хамбергдан шишани олиб, чироққа тутди, бир чайқатиб, қадахларни пухталиқ билан тўлдирди.

— Омадимизни берсин, қария! Ва, албатта, учрашганимиз учун.

Ҳаммаси шундан бошланди.

Хамберг уйига пиёда етиб олди. Ҳаворанг «Москвич»ни уйдан уч квартал нарида қолдирди. Кун ҳали ёруғ бўлишига қарамай, у пардаларни очмади. Холодильникдан очилган коньяк олиб, шишанинг ўзидан шундоқ симирди. Кейин чекди. Унинг бир оз эти увишиб турарди. Балким чарчаганликдан бўлса керак, деб ўйлади-да, шишадан яна бир култум ичди. Лекин коньяк таъсир қилмади, у тинчлана олмади. Ун кун аввал, унинг рўпарасидаги худди мана шу креслода Жлук ўтирганди. Хамберг Жлукнинг «уёқдан» келганини дарров фаҳмлади. Лекин у аввалига эски ошнасини турист бўлиб келган деб ўйлади.

Кейин, буни Жлукка айтган эди, у босиқлик билан жилмайиб қўйди-да:

— Наҳотки биз туристларга ўхшамасак?

Йўқ, улар туристларга ўхшамасди, Хамберг уларнинг ишдан қачон гап очишини кутди. Жлук ҳам гапни айлантирмасдан, қочириқларсиз гапира қолди. У Хамбергга бўлғуси Эстониянинг умумий манфаатлари учун ишлашни дангалига таклиф қилди. Кейин Жлук Хамбергга ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, йигирма минг сўм пул билан тўппончани топширди. У ҳеч қандай тилхат ҳам, мажбурият ҳам талаб қилмади. Фақат, шундай деди:

— Сен бизга ёрдам беришинг лозим, Роберт. Биз бу ерда қудратли

мамлакатнинг вакилларимиз ва бизга катта ҳуқуқлар берилган. Сенинг ёрдамнинг учун ортиғи билан ҳақ тўланади.

Жлук батафсил тушунтириб ўтирмади. Лекин Хамберг улар Америка разведкасининг топшириғи билан келганликларини шундоқ ҳам бекам-кўст тушунди.

Нима ҳам дердик, дея кўнглидан ўтказди у, америкаликлар пулни бекорга сарфламайдилар, шундай бўлгач, Жлук билан унинг шериги ҳозир бажараётган иш чиндан ҳам жиддий. Бўлмаса улар йигирма минг сўмни ўз чўнтақларидан чиқариб, шамолга совуриб ўтиришармиди. Йигирма минг-а! Бутун бир бойлик-ку! Бунча пул Хамбергнинг тушига ҳам кирмаган.

Овқатдан кейин Жлук Робертни ошхонага бошлаб кириб, Хамберг мумкин қадар тезроқ, устига қанча берса ҳам, машина сотиб олиши зарур эканлигини тушунтирди. Машина ҳар доим тахт туриши лозим. Улар республика бўйлаб бир неча бор сафарга чиқишлари керак бўлади. Бундай сафарларнинг Хамберг учун ҳеч қанақа хавфи йўқ. Бирор ҳодиса юз бергудек бўлса, йўлда тасодифий йўловчиларни ўтказдим, илтимос қилишганди, дейиши керак, вассалом.

Шу ерда Хамберг чидаб туролмади.

— Менга қара, Жлук, мени анойи гўдак деб ўйламагин. Бундай «тасодифий» сафарларнинг нима билан тугашини мен яхши биламан. Агар менга ишонсанг, кел, бундай гапларни гапириб ўтирмайлик. Совет ҳоқимияти билан менинг ўз ҳисоб-китобим бор. Узинг ҳам биласан, буни.

Жлук унга тикилиб қаради, лекин ҳеч нима деммай, ўзининг оғир қўлини Хамбергнинг елкасига қўйди.

Уша куни кечаси Хамберг худди безгак тутгандек қалтираб чиқди. У мижжа қоқмади. Афтидан, меҳмонлари ҳам яхши ухлай олишмаган. У Поомлнинг диванда у ёқдан бу ёққа ағдарилганини, Жлук ошхонага қатнаганини, у ерда сув ичаётганини эшитиб ётди. Улар эртасига азонда кетишди, қаҳвани ҳам рад этишди.

Уша учрашувдан кейин ўн кун ўтди. Бугун кечқурун Жлук кўнғироқ қилишга ваъда берган. Лекин ҳозирча телефон жим. Агар уларни қўлга олган бўлишса-чи? Бу фикр уни чўчитиб юборди. Унда Хамберг ҳам тамом бўлади. Ҳаттоки Жлук билан Поомл унинг номини тилга олмагани тақдирда ҳам, чекистлар эртами, кечми Хамбергнинг изига тушишади. Хўш, энди тақдирга тан бериб, сиртмоқнинг қачон тортилишини кутиш керакми? Лекин шунча йил мобайнида у усталик билан қопқонларга чап бериб ўтди ва ўзига ниш теккизмади. Уруш тамом бўлиши биланоқ у узоққа, Сибирнинг хилват чеккаларига кетишни ўйлаган эди, аммо ўз вақтида бу ниятидан қайтди. Оқибатда ҳақ бўлиб чиқди. Узоқда синчиклаб текширишади, бу ерда, яқиндагини бўри емайди. Кейин у газетадан Ватан хоинлари устидан ўтказилган суд ҳисоботларини бир эмас, бир неча марта ўқиди. Баъзан таниш фамилиялар учраб қоларди. Ҳисоботларда улар қаерда қўлга туширилгани ёзиларди. Бири Сибирда, бошқаси Узоқ Шарқда, яна бири Шимолда тугтилган.

Бироқ, ҳали умид бор. Агар Жлук кўнғироқ қилмаса, унда эртагаёқ Хамберг ғойиб бўлиши керак. Унинг пули бор, ҳали эсини егани йўқ, осонликча жон бермайди.

У коньякнинг қолганини ичиб тугатди-да, креслодан турмай, шишани бурчакдаги шкаф орқасига улоқтирди. Шу заҳоти телефон жиринглади. У трубкани қулоғига тутиб, Жлукнинг хотиржам овозини эшитди.

— Салом, қария. Агар бир кашкадан қаҳва ичиш учун хотиним билан сеникига кириб ўтсак, қарши эмасмисан?

— Фақат миннатдор бўламан.

Иккала ибора ҳам олдиндан келишиб олинган эди.

Роберт приёмникни ёқиб, ваннахонага кириб кетди. Сафарга чиқиб келгунча соқол-мўйлови яхшигина ўсиб қолибди. Олиб ташламаса бўлмайди.

...Икки кундан бери улар шаҳар қабристонда тунашар эди. Тўғри, Роберт ўз уйини инағам қилди. Аммо Жлук дарҳол унинг таклифини рад этди. Эртами, кечми, Хамбергнинг қўшнилари уларни бари бир билиб олишади. Уй катта, хонадонлар кўп. Юзлаб кўзлардан яшириниб кўр-чи! Ҳар томондан хавф-хатар қўршаб олган эди уларни. Эрталабки совуқдан улар соат учларда уйғонишди, тонг отиши билан қабристондан кетиш керак эди. Аммо каллаи саҳарда Таллинда пайдо бўлиш ҳам хатарли. Истаган қоровул дарҳол шубҳа билан қарайди. Ундан ҳам баттари, худди Синди станциясида бўлгани каби, милицияга дуч келиб қолиши, фақат мўъжиза юз бериб қутулиб кетишганди. Жлукнинг эти жимирлаб кетди, томоғи қуриб қолди. У вагондаги қутилмаган учрашувни ипидан игнасиғача эслади. Поезд Синди станциясига яқинлашиб бораётган эди. Жлук Поомл билан танбурда чекиб туришарди. Бирдан эшик очилиб, уларнинг кўзи икки милиционерга тушди. Улардан бири, кўринишдан каттароғи, бўлса керак, қўлини фуражкеси соябониға қўйиб, эстончасига деди:

— Хужжатларингизни кўрсатишингизни сўрайман.

Улар ўз паспортларини олиб, милиционерга узатишди. Поомлнинг паспортини милиционер дарҳол қайтариб берди. Уникини диққат билан текшира бошлади. Жлук жимиб қолди. Унинг ичини ит тирнар, милиционернинг гапларини, қулоғига пахта тиқилгандай, зўрға эшитди:

— Нима учун паспортингизда прописка қилинганлиги ҳақидаги муҳр қирқ еттинчи йилда босилган-у, ҳужжатингиз уч йил кейин берилган?

Бу тамом деган гап эди. «Наҳотки у ёқдагилар янглишган бўлса?» деган фикр хаёлидан яшин тезлигида ўтди.

Милиционер ундан жавоб кутиб турарди. Сусткашлик қилинган ҳар бир лаҳза ҳалокатга яқинлаштирар эди. У зўраки жилмайди:

— Сиз, ўртоқ милиционер, буни паспорт берганлардан сўранг.

Милиционер ҳам кулиб юборди ва паспортини қайтариб берди. Вагон эшиги ёпилиб, улар ёлғиз қолдилар.

Шунда Жлук Поомлнинг ранги докадек оқариб кетганини кўрди. Ҳа, ҳамма нарса улар ўйлагандек бўлиб чиқмади. Бунинг учун ҳаммадан олдин разведка марказида ўтирган анави аблаҳлар — Поулсон билан Бен айбдор. Бефаросатлар. Жлукка хато ёзилган паспорт берганлари етмагандек, учиб кетишларидан олдин уларни алмисоқдан қолган рўдапо костюмлар кийгизиб, ясантириб қўйганларига нима дейсиз! Яна анави аҳмоқ Бен «Совет Эстониясида одамлар ёмон яшайди, шунинг учун сиз уларнинг орасида ажралиб турмаслигингиз керак», деб ишонтирган эди. Қани ўша тентакнинг ўзига шу кийимларни кийдириб бу ёққа юборсанг. Не ҳолга тушар эди? Улар ўз кийимларида жуда рўдапо бўлиб қолдилар.

Атрофдаги одамларнинг уст-боши яхшигина эмас, ҳатто нафис, башанг. Ҳар қалай Таллин мода бўйича Жлук бир неча йил истиқомат қилган ўша Стокгольм билан бемалол рақобат қила олади.

Биринчи кундан бошлаб улар кўрсатмага хилоф иш қилиб, магазиндан ўзларига тузукроқ кийим сотиб олишга мажбур бўлишди. Сотувчи қиз уларга ҳайратланиб қараганини у ҳеч эсидан чиқармайди.

Мана шу пала-партишликларнинг бари асабга тегиб, ғазабни қўзғар, одамни саросимага соларди. Поомл вазиятни мушуқлаштирди. У ўзини йўқотиб қўйди, ашёвий далил билан қўлга тушмаслик учун қуролларнинг бир қисмини вагон ҳожатхонасига яшириб қўйишдек аҳмоқона фикр ўшандан чиқди. Жлук аввалига кунмади, аммо кейин рози бўлди. Кўнгилсизликлар худди ана шундан бошланди.

Эртасига улар вагондаги хуфия жойдан қуролни олмоқчи бўлганларида, қўйган жойларида ҳеч вақо йўқ эди. Поомл ҳамма ёқни титкилаб чиқди — бўм-буш... У, вагонни адаштириб юборгандирман, деган хаёлга бориб кўрди.

Йўқ, рақамлар ўша, осонгина эсда қоладиган — иккита икки, иккита етти эди.

Поомл поезд юриб кетмасидан тушиб қолишга аранг улгурди, акс ҳолда кейинги станциягача бебилет кетишига тўғри келар эди.

Жлук Поомлнинг пойма-пой хабарини эшитиб, жаҳл билан сўкинди. Ўзи уларга шу — шундоққина бошлари устида хавф-хатар чарх уриб турган бу лаънати мамлакатда деярлик қуролсиз қолиш — етмай турувди. Қандай фалокат босиб мен Поомлнинг сўзига кирдим!

Башарти совет контрразведкачилари қўлига тушгудай бўлишса, улар булардан қанча ва қандай қурол топишди бунинг нима фарқи бор? Бу сафар ҳам уларнинг омади келганини Жлук, албатта, билолмасди.

Поомл «ўзининг» вагонини Пярнудаги ягона тўхташ жойида, фаррош хотин Антонова уларнинг матоҳларини топиб олгандан кейин, қараб чиққан. Ҳали бу бекатни чекистлар кўз остига олишмаган эди. Агар улар кейинги рейс тўхтаган пайтда келганларида борми, шу ернинг ўзида қўлга олишарди.

Лекин Жлук асосийсини тушунди. Уларни кимдир доғда қолдирганига, қуроллар давлат хавфсизлиги органлари қўлига тушганига амин бўлди. Шунини ўйлаб, у яна Поомлнинг ёқасидан олгиси келиб кетди. Лекин уларнинг бундай аҳволида у ўзини тутуши лозим эди. Бусиз ҳам асаблари таранглашиб кетган. Оғирлик, яна бир бор оғирлик қилиш керак. Баъзи бир ишларни қилишга муваффақ бўлишди. Керакли адресларни аниқлаб, марказга шифровка юбора олдилар. Энди уларга Роберт ёрдам беради.

Робертни у яхши биларди. Бир вақтлар улар қалин дўст бўлишган. Аммо, вақт ўтиши билан одам ҳам ўзгаради, шунинг учун Роберт бутунлай бошқа одам бўлиб чиқиши мумкин. Яна ким билади?

Робертнинг бир қадар бемулоҳазалиги ҳам ажаблантиради. Нега у Таллинда турибди? Ахир давлат хавфсизлиги органлари истаган пайтда унинг изига тушишлари мумкин-ку. Бу ерда унга ўхшаганлар билан ади-бади айтиб ўтиришмайди. Балким у, ҳамма нарса аллақачон унутиб юборилган, деб умид қилар?

Суриштириб келганда у бутун бир улкан механизмнинг кичик мурватчаси эди, холос. Уларнинг барчаси бу оламда кичкина мурватча.

Бугун улар Хамберг билан учрашишлари лозим. У Москвадан ҳеч қандай ишқалсиз қайтиб келганга ўхшайди. Машинани ҳам, иши ўнгидан келиб, дарровгина сотиб олибди. Агар бу атайлаб уюштирилган бўлса-чи? Хамберг комитетга хабар бериб қўйиб, бизни ўйнатаётган бўлса-я. Ундай деса, Роберт уларни фарқ қиламан деб ўзининг бўйнига ҳам тош боғлайди ва охирида ўзиям чўкиб кетади-ку, ахир. Улдирилган партизанлар, аёллар ва болалар учун чекистлар уни наҳотки кечирингиз? Роберт ўзи шахсан отиб ўлдиришни яхши кўрарди. Ҳар кимнинг ўзи яхши кўрадиган иши, ўз одатлари бўлади.

Жлук кафти билан кўкрак чўнтагини пайпаслаб, портсигарадан сигарета олди. Кафти билан зажигалкани тўсди, темир қутичадан кучсизгина аланга отилиб чиқди-да, ўша заҳоти ўчди. У сўкиниб, сигаретасини эзиб ташлади. Ҳадеб ўйлайверганидан боши лўқиллаб оғрирди. У нима қилишини билмай гаранг эди. Лекин қандай ишга қўл ураётганини у биларди-ку. Унга ҳеч ким тазйиқ кўрсатмаган. Мажбуриятга ўзи имзо чеккан. Ўттиз беш минг доллар. Бу ҳар қалай кичкина пул эмас. Ўз муассасангни очишинг мумкин. Агар ҳалол гапни айтадиган бўлса, бундай ғоят хатарли ишга уни фақат пулгина йўлламаган. Ўз тақдирини у Алекс билан учрашгандан кейин белгилаб олди. Учрашув Мароккода, ҳашаматли Касабланка шаҳрида бўлган эди.

Ўшанда унинг ҳеч омади келмай юрган пайтлари эди. Бир неча ой узлуксиз беишқик унинг сабр косасини тўлдириб юборди. Ўз оиласи билан хароба кулбада кун кўраётган шаҳар — такаббур, тўқ Стокгольм унда ғазаб-нафрат уйғотарди. У, СС қўшинларининг собиқ лейтенанти, қашшоқ ҳолга тушиб қолган эди. Не қийинчиликлар билан нефть ташувчи танкерга матрос бўлиб жойлашди. Лекин бу ерда ҳам омади юришмади. Сафарда уни трофика безгаги йиқитди. Касабланкада кирғоққа тушириб, лазаретга ётқизишди. Ана ўшанда Алекс пайдо бўлган. Жлук уни янги врач деб ўйлади. Мароккодай узоқ мамлакатга бу эстон қаёқдан келиб қолди экан? У ўзини Алекс деб таништиради. Эстониянинг қонуний ҳуқуқмати элчисиман, деди. «Қонуний» деган сўзни Алекс алоҳида урғу билан айтди. Кейин Жлук Эстония озодлик fronti ҳақидаги ана шу гапни эшитди. Алекс ана шу нотаниш ташкилотнинг вакили экан. Консулнинг ёши ўтиб қолган, бир қарашда омади юришган бизнесменга ўхшарди.

Алекс бир боғлаш долларни унга тутқазганида, жуда ҳайрон қолди. Шунча пулни у ҳеч қачон қўлида ушламаган эди. Умуман буларнинг ҳаммаси тушга ўхшарди. Алекс Жлукни даволаш ҳақи олдиндан тўланганини айтди. Бугуноқ уни алоҳида палатага ўтказишларини билдирди.

— Сиз менинг ватандошим ва ватангадоликда ҳамдардимсиз, сизга ёрдам бериш менинг бурчимдир, — деди у хайрлаша туриб.

Эртасига у яна келди.

Жлук касалхонада уч ҳафта ётди. Ҳар куни Алекс ундан хабар олиб турди. Аввалига уларнинг суҳбатлари урушдан олдинги Эстония ҳақидаги хотиралардан иборат бўлди. Кейин Алекс сездирмай уруш йилларига ўтди. Буни қарангки, у Жлук ҳақида кўп нарса биларкан. Алекс Жлук хизмат қилган қисмларнинг қаердалигини, номерини, бошлиқларининг исм-фамилияларини бехато айтиб берди. Собиқ СС қўшинлари лейтенантининг бутун номаи аъмоли бамисоли унинг қўлида эди. Худди ана шу хабардорлик Жлукни ҳайратда қолдирди ва айни чоқда уни эритиб юборди.

Алекс суҳбатни худди яхши ваизхондай олиб борарди. У Жлукка китоб, журнал, рисолалар кўтариб келарди. Уларда буржуа Эстониясининг урушгача бўлган ҳаёти ҳикоя қилинарди.

Алекс шундай дерди:

— Биз ўз ватанимизга қайтмоғимиз лозим. Фолиблар сифатида қайтмоғимиз лозим. Аммо бунинг учун оғир машаққатли йўлни босиб ўтишга тўғри келади. Биздан жонбозлик, жасурилик ва муқаддас ишимизга чексиз садоқат талаб этилади. Сиз ва сизга ўхшаганлар, Жлук, ҳақиқий ватанпарварларни орқаларингиздан эргаштириб борасизлар, янги Эстониядаги барча юксак мартабаларни сизлар эгаллашасизлар.

Бу сўзлардан Жлукнинг иси маси чиқиб кетди.

У олдин ҳам ҳар хил сиёсатчилар билан учрашган. Улар ҳам коммунизмга қарши муқаддас кураш ҳақида жар солганлар. Аммо уларнинг нутқларидан фирибгарлик ҳиди бир қақирим наридан анқиб турарди.

Алекс даъват қилмас, балки ишонтирарди.

— Сиз яхши солдат бўлгансиз, тажрибангиз бор, лекин у бугунги кунда камлик қилади, — дерди Алекс хотиржамлик билан. — Сиз Европа ва Американинг энг яхши муаллимлари қўлида махсус тайёргарликдан ўтишингиз лозим. Одамларни бошлаб бориш учун киши ҳар томонлама билимдон бўлиши керак.

Чаламуллалар замони ўтди, энди қайтиб келмайди. Ғалабага билим орқали эришилади.

Бир ой ўтгач, Жлук Мюнхенга келди. Вокзалда уни келишган, кўйлаги устидан сиқиб камар боғланган ёш йигит кутиб олди-да, ўзини Жон деб таништирди.

Еттинчи боб

Эски фотосурат

— Кутиб туриш ва етиб олиш дунёда энг ёмон машғулот, — дейди майор Хелемея, чуқур маъноли қилиб.

Майор шу топда ҳеч кимни кутиб тургани ҳам, ҳеч кимга қувиб етаётгани ҳам йўқ. У тирсагигача қоғозга кўмилиб ўтирибди. Қоғозлар кундалик ҳаётдаги оддий ҳужжатлар: маҳаллий, уй-жой комитетлари ва паспорт столидан берилган справкалар, ишлаб чиқариш характеристикалари, кадрлар бўлимларидан олинган рўйхатлар. Лекин бизлар учун булар жуда қимматбаҳо қоғозлар. Мен ўз умрининг кўп қисмини ёзув столида ўтириб, папкалар, китоблар, қоғозларни варақлаб ўтказган кўп оператив ходимларни танирдим. Улар эртадан то кечгача қоғозга тикилган ҳолатда ўтирардилар. Лекин улар қидирув ишларининг шунақанги усталари эдиларки, у ёғини сўраманг! Ўз контора столларида ўтириб олиб ўша қоғозлар ичидан улар хавфли жиноятчиларни, жосусларни, фашистларнинг ялоқхўрларини ҳамда ватан хоинларини ахтариб топардилар.

Бир қарашда арзимас бўлиб кўринган қоғоз баъзида муайян чигал ишни очишда терговчига энг тўғри ва қисқа йўлни кўрсатиб бериши мумкин.

Хелемея — ана шундай, «қоғоз иш» устаси, тўғри, у бўлак ишларда ҳам бошқалардан ҳеч қолишмайди. Аммо бу ҳар кимга ҳам маълум эмас. Янги келган одам эса, Карл Карловичнинг саранжомлигини — ўз столида ётган, вақт ўтиши билан чанг босган, сарғайиб, титилиб кетган архив ҳужжатларини кўздан кечиришдан олдин, албатта, сатиндан тикилган енглик кийишни ҳам унутмаслигини кўриб, майорнинг урушдан кейин икки бор яраланганини ва иккита орден олганлигини ҳеч ҳам хаёлига келтирмайди.

Карл Карловичнинг ажоиб хотираси бор. У бағоят ҳафсалали одам. Шунинг учун унга чалқаш, анча узоқ муддатли, бошию охири номаълум, қарама-қарши далилли ишларни бошқалардан кўра кўпроқ топшириб туришлари тасодифий эмасди.

Мальцев билан Нестеровлар ҳозир тиним билишмайди. Шу кунларда роса терлашяпти. Хелемеяга эса ўз вақтида ечилмаган эски жумбоқларни яна бир бор кўтариб кўрсин, ким билади, балки уларни бугун қайтадан ечишга тўғри келар, деб бундоқ қараганда тинчроқ иш топширдим.

Вагондаги хуфия жойнинг эгаси ёки эгалари осмонсиз бўшлиққа келтириб ташланмагандир. Уларнинг бу ерда, бизнинг мамлакатимизда қора тортиб келган бирор кимсалари бўлиши, албатта, бўлиши керак. Бу келгиндилар орқа қиладиган одами ёки ишилари қаердадир мавжуд бўлиши керак.

Майор Хелемея, мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги бошқа кўпчилик чекистлар сингари, ўз вақтида адолатли қасосдан қочиб қолган босқинчилар билан Ғарбга кетиб улгурмаган аламзада, ашаддий душманларнинг бир нечасини топган. Ана шу ярамасларнинг ҳар қайсиси жосусларнинг матоҳлари ичидан чиққан ўқ отувчи мана бунақа авторучкалар билан таъминланган чет эллик қақирилмаган меҳмонларнинг ишончли ёрдамчиларига айланишлари мумкин.

Мана нима сабабдан майор Хелемеяга эски ҳужжатларни яна бир бор кавлаштириб кўриш топширилган, балки бундан бирор наф йўқдир, балки катта ёрдами тегар. Яна ким билади?

Мен аминман: номаълум радиостанция яна бир бор эфирга чиқади. Радиомутахассислар дастлабки эшиттириш пайтида, эстон ўрмонларига яширилган радиостанциянинг сеансини чет эл разведка маркази момақалди роқ туфайли ёмон эшитган бўлиши керак, деган хулосага келишди. Бундай ҳолларда жосуслардан эшиттиришни такрорлашни талаб қиладилар. Бизнинг харитамизда жосуслар станциясининг сигналлари тарқалиши лозим бўлган квадрат белгиланган. Олтмишга олтмиш километр. Бундан ёмонроқ жойни тополмайсан: ўнқир-чўнқир, қалин ўрмонзор жойлар.

Ҳар галгидай, эрталаб, столим устида навбатдаги оператив маълумот ётибди.

«Маҳаллий шарт-шароит билан танишиб чиқилгандан кейин, жосус-ра-дистларни улар қайта эфирга чиққан пайтда қидириб топиш ва қўлга олиш плани тузилди. Унда радиоалоқанинг навбатдаги сеансини амалга ошириш учун жосуслар

бошқа районни танлашлари мумкинлиги ҳам ҳисобга олинди. Шу муносабат билан улар рация билан ишлаш эҳтимоли кўпроқ бўлган жойлар тахминан аниқлаб олинди. Планга мувофиқ оператив-қидирув группалари ташкил этилди, улар ҳаракат қиладиган жойлари белгиланди ва аниқ топшириқ берилди.

Ҳар бир группа учун, маҳаллий шарт-шароитга мувофиқ афсоналар ишлаб чиқилди. Группалар зарур ашёлар билан таъминланди. Уларга биттадан тажрибали оператив ходим бириктирилди. Радиоконтрразведка воситалари радиоаппаратларнинг сезиш доирасидан максимал фойдаланиш ва жосусларнинг эфирга чиқиши мумкин бўлган бутун территорияни тўла назорат остига олишни мўлжаллаб жойлаштирилди».

Ҳаммаси кўзда тутилган шекилли. Лекин ҳаммасимикан?

Мен оддий ҳақиқатни такрорлаётган бўлсам ҳам майли, аммо бизнинг ишимизда майда деган гап бўлиши мумкин эмас. Арзимас ноаниқлик, битта нотўғри қўйилган қадам ишни чиппака чиқариши мумкин. Биз томонга ташланаётган одамлар айёр ва қирриқ кишилар. Улар ақлли, довдюрак ва аъло даражада тайёргарлик кўрган одамлар.

Биз, жосуслар ўрмондаги қандайдир махфий ертўлада жойлашган, деб ўйламаймиз. Улар маълумот тўплашлари, демакки одамларга мурожаат этишлари лозим. Шубҳасиз, уларга ўнлаб, балки юзлаб одамларнинг кўзи тушган. Аммо, бизга бирор кимса мурожаат қилмади, бу ҳол жосусларнинг тажрибали эканлигидан далолат беради.

Душман қанчалик маккор ва уddaбурон бўлмасин, у бари бир осмонда учиб юрмайди. Уни ҳар доим, хоҳласа — хоҳламаса ўнлаб одамлар кўради. Капитан Мальцев бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади.

У менинг олдимга афт-ангориди бирор ўзгаришсиз кириб келди, лекин айёронга кўзлари уни фош қилиб кўйди. Улар ҳаддан ташқари ҳаяжон билан порларди. Капитаннинг биз учун хушхабар келтирганини фаҳмлаш учун одамнинг башарасига қараб ичидагини кўриб турадиган катта психолог бўлиш шарт эмасди. Худди айтганим келди. У менинг қаршимга ўтириб, ўзининг «о»ни чўзиб гапирувчи йўғон овози билан доклад қила бошлади.

Александр Петровичга балли, у беш кунча аввал кечқурун, бемаҳалда қандайдир ғалати туюлган йўловчиларни олиб юрган такси шофёрини топибди. Мальцев шаҳардаги таксомотор паркларида иш олиб бориб топширилган оператив ходимлар группасига кирган эди. Тўғри шофёр уларнинг ташқи кўринишини тузукроқ тасвирлаб беролмади, чунки қоронғи экан, бунинг устига улар орқа ўриндиққа ўтириб кетишган. Фақатгина уларнинг кенг елкали, бўйлари ўртачадан баландроқ эканлигини эслаб қолган. Лекин, бу ҳозирча ҳеч нарса аниқламайди. Эстонияда ҳар икки эркакнинг бири кенг елкали. Шофёрнинг айтишича, йўловчилар қабристон олдида тушишган, вақт эса ярим кечага яқинлашиб қолган экан. Бундай бемаҳалда қабристонда уларнинг нима ишлари бор экан. Ҳар эҳтимолга қарши қабристон қоровулларидан сўраб кўриш керак.

Вадим Николаевич Нестеров ҳазил қилди:

— Менимча Конфуций бўлса керак, шундай деган экан: қоронғи хонада мушукни тутиб олиш жуда қийин, айниқса, ўша хонада у бўлмаса.

Ҳа, ҳозирча бизнинг йўлимизда фақат қоронғи хоналар учраяпти, мушуклар бўлса, бу факт, уларда йўқ.

Сезиб турибман, Александр Петрович, Нестеров билан унинг Конфуцийидан сал хафа бўлди. Буни тушуниб турибман. Оёғингни қўлингга олиб елиб-югурсангу сенга раҳмат ўрнига бундай деб турса. Мен сездирмасдан бу кескинликни бир оз юмшатишга уринаман. Хаёлимга келган биринчи латифани айтиб бераман.

Уртоқларим одоб юзасидан жилмайишади, лекин уларнинг кўнглига ҳазил сиғмаётганини сезиб тураман. Деярлик бир ойдан бери бир жойда ўралашиб ётибмиз. Номанум радиостанция эфирга қайта чиқмади, балки умуман чиқмас ҳам. Жосуслар «ҳаммаси жойида» деб хабар беришган. Энди улар алоқанинг бошқа усулига ўтишади. Таллингга юзлаб ажнабий туристлар келади. Улардан бирини «почта қутисига» айланттиришнинг ҳеч бир мушкулоти йўқ. Қарабсизки, ахборот чет элга қараб кетиб турибди. «Почтачини» биз эртами-кечми топамиз, лекин тагин анча вақт йўқотган бўламиз. Вақтинг кетди — нақднинг кетди. Бизнинг ишимизда бу қанчалик муҳим!

Мен столдан тураман-да, дейман:

— Карл Карловични чақиринглар, тушликка чиқамиз. Бугун мен меҳмон қиламан.

Таллинда биз бир сутли таомлар қаҳвахонасини ёқтириб қолгандик. У ерда шундай овқатлар беришадикки, идишини ҳам ялаб қўяди киши.

Аммо қаҳвахонага биз уч киши бўлиб боришимизга тўғри келади. Карл Карлович жуда бандлигини баҳона қилиб, таклифимизни одоб билан рад этади. Мальцев унга бўш қоп тик турмаслигини тушунтиришга беҳуда уринади. Хелемея

ўз айтганидан қолмайди. Қўлида лупа, вақт ўтиши билан сарғайиб кетган фотосуратни кўздан кечиряпти. Суратда СС кўшинлари мундиридаги учта сотқин. Улар қандайдир боғдаги скамейкада ўтирардилар. Кўринишдан кайфлари чоқ. Учови ҳам кулиб турибди. Уртадагисининг қўлида бир шиша шампан виноси. Қандай воқеани ювишаётган экан? Биронтасининг туғилган куними ёки партизанлар устига қилинган муваффақиятли юриш учунми? Лупа чап томонда ўтирган йигитга келганда таққа тўхтайтиди. Еноқлари бўртиб чиққан, қошлари қалин, бурни тўғри. Суратда у йигирма уч-йигирма тўрт ёшларда. Унинг фамилияси Тарс. Унтер-офицер Тарс. Алоҳида белгилари йўқ. Тўғри, қирқ тўртинчи йили жазо экспедицияси пайтида уни партизанлар ўқи яралаган. Эҳтимол, чандиғи қолгандир. Ўз кўзи билан кўрганларнинг айтишича, урушгача Тарс автоспорт билан шуғулланган. Машинани ғоят моҳирлик билан ҳайдаган. Аллақандай пойгада қатнашганлиги учун соврин — номи ёзилган кубок олган.

Уч соат муқаддам Карл Карлович бир қария билан суҳбатлашди. Ўз вақтида у Таллинда машхур мотопойгачи бўлган. Хелемея унга фотосуратни кўрсатди. Собиқ пойгачи суратга узоқ тикилиб, кейин эҳтиёткорлик билан ёноқлари туртиб чиққан йигитни бармоғи билан кўрсатди.

— Бу Тарс. Роберт Тарс. Уттиз тўққизинчи, йўғ-э, қирқинчи йили ёзида бизни автоклубда таништиришган эди. Уруш вақтида эса мен уни мана бу формада кўрдим-у, кўчанинг нариги бетига ўтиб кетдим.

— Ушандан кейин бир-бирларингни ҳеч кўрмадингларми?

— Мен уни учратмадим. Унга ўхшаганлар Эстониядан қочиб кетишган.

— Сиз бу одамнинг ўзига хос бирон бир белгиларини эсласангиз керак?

— Белгиларими? У жуда кеккайган эди, яна нима десам экан, одобсиз: аёллар тўғрисида ёмон гапларни гапирди. Яна у яхши кийинишни ёқтирарди. Костюм ҳам, кўйлаги, галстуги ҳам ҳамиша энг яхши модага мос бўларди. Бир сўз билан айтганда, олифта эди.

— Уни топиш керак. У хавфли одам, — деб жавоб берди майор.

— Таллинда Оскар Куллни топишга уриниб кўринг. Уруш вақтида у офицерлар майхонасида официант бўлиб хизмат қилган. У Тарсни биларди.

Умид чироғи бир ёнди-да, сўнди. Ярим соат илгари майорга, Оскар Куллнинг ҳаётдан кўз юмганлигини маълум қилишди. У худди янги йил арафасида юрак тутқаноғидан ўлибди.

Хелемея ўзига фикран таскин беради: вақтинчалик муваффақиятдан вақтинчалик муваффақиятсизлик яхши. Албатта-да, шаҳарда Тарсни танийдиган одамлар қолган бўлишлари керак. Наҳотки улар Тарс билан кўчада, троллейбусда, магазин ёки қаҳвахонада дуч келишмаган? Лекин улар нима учун унга дуч келишлари керак экан? Тарс Совет Иттифоқининг хоҳлаган нуқтасида ялло қилиб юрган бўлиши мумкин.

Унинг устига ўша эсэсчи унтер майор Хелемеянинг папкасидаги ягона шахс бўлсайкан. Бахтга қарши, унга ўхшаганлар, босқинчиларнинг ҳали қўлга тушмаган ҳамтовоқлари, ўлик-тириги ҳақида аниқ маълумот йўқ хоинларнинг номлари рўйхатда анчагина. Ҳар қалай биз, чекистларни иш ва ташвиш билан таъминлаш учун етарли.

Мен қаҳва қайната туриб (маҳаллий ўртоқлар бизни қаҳва қайнатадиган жуда яхши асбоб билан таъминлашган), фотосуратни кўздан кечираман. Бунақа хоинларни душман босиб олган Белоруссияда кўрганман. Уларни ниҳоятда шафқатсизликлари ажратиб турарди.

Хелемея гўё менинг фикримни уқиб турарди.

— Ақлим бовар қилмайди, ўртоқ полковник. Ахир улар болалар эди, ўйнаб-кулишган, ўз ота-оналарини севишган, ҳамма ўқиган мактабда ўқишган ва бирдан бундай ваҳшийлик. Буларнинг ҳаммаси қаердан пайдо бўлган?

— Бир куни, Карл Карлович, менинг олдимга, штаб жойлашган ертўлага партизанлар қора мундир кийган, она сути оғзидан кетмаган шунақа битта гўдакни олиб келишди. У энди ўн саккизга кирганди. Қўрқиб кетганидан кўзлари ғилтиллайтиди. Дастлабки дақиқада унга ҳатто раҳмим елди. Ана шу болакай бешта аёл билан бир чолни ўлдирган экан. Мен ундан: Нега? деб сурадим, у: «Мен солдатман, буйруқни бажардим», деб жавоб қилди.

«Фараз қил, бордино сенинг кўз ўнгинга отанг билан онангни отиб ташлашди-да, буйруқ шундай, дейишди. Сен нима қилган бўлардинг?» Биласизми у менга нима, деб жавоб берди? «Агар менинг отам ва онам улуғ Германияга қарши иш қилган бўлса, мен уларни ўз қўлим билан отиб ўлдирардим».

Қаҳва совиб қолди. Карл Карлович унга қўл ҳам теккизмади.

Охири келгуси сонда

Ҳийлачи шароҳчи

Абдулла Қодирӣ

Тинч иш

Ҳикоя

...Энди бу зот ҳам уламолардан бири эди.

Ўз аҳли томонидан «Вараса-тул-анбиё» қаторига киритилган учун «мертик-сертик»ларнинг фалон-туганига қулоқ солишнинг ҳам кераги йўқ эди. Йигирма беш-ўттиз йилни мадраса тупроғини ялаб ўтқазган бир кишини, табиий бизда уламо қаторига киргизмай ҳол йўқ. Ҳам ана шу мадраса тупроғини ўттиз йил ялаб, шул тупроқ яловчи ажрини¹ олғон эди. Авом ўртасида бўлсин, ул: «Домла Шариф Охунд» бўлиб танилган ва бу отни эшитган етти яшардан етмиш яшарнинг кўз олдига катта салла, узун чопон, семиз гавда, ўнг кўлининг енгидан тўрт эллик тасбеҳ учи кўриниб турган, қип-қизил баркаш юз, мош-биринч соқол бир киши келиб босар эди.

Бу зот диний олим бўлиши устига сиёсатдан ҳам хабарсиз эмас эди. Америка, Олмониё (Германия), Англия, Япония, Франция, Бельгия ва шунинг каби ҳар давлатларни ёддан билар эди. Буларнинг хунарларигача айрим-айрим ажратар эди. Масалан, Америка, ўзи фарангларнинг бир оймоғи, хунари: амиркон тери ишлайдир. Амиркон пахтаи ҳам шу чиқарган. Германия тўп-тўпхона, уруш-яроғларни ишлайдир. Осмон попўрини² ҳам шу кофир чиқарган. Англия: бу жуда хунарманд, бироқ ўзининг ер юзида жойи йўқ. Аммо денгизга шаҳарлар бино қилган, шунинг учун денгизлар подшоси деб атайдилар. Франция ёхуд фаранг — бу ўзи майда-чуйда ишлашга жуда ҳам усто бир кофир фаранги игна, фаранги мошина ип, гирдмафун (граммофон. Ред.) ва шунга ўхшаш аллақанча қизиқ-қизик нарсаларни чиқарган. Епониё, ўрусдан Пурт-ортурни олган...

Ана булар энди, чет қиронлар тўғрисида билган сиёсати. Узимизнинг яқин қиронлардан масалан, Хитой, Туркия тўғрисида етти ёшлик чоғидан бери маълумоти бор. Хитой: хунари хитой қоғоз, ипак жужум, нуфуси³ жуда ҳам кўп: на санокда бор, на китобда бор.

«Самаркент»ни олмоққа қўшин тортганда йўл ўртасида Нил дарёсими, Жайхунми деган бир дарёга тўғри келар экан, дарёни кўприксиз кўрганда, сира қараб турмай, чоригини — аскарини сувга босиб, одамдан кўприк қилиб ўтиб кетар экан, — мана, кўплиги шунча экан!

Туркия ер юзининг султони, кофирлардан бож-хирож оладир. Қаҳру ғазабидан замини замон, макину макон титрайдир. Одамларини 320 кун рўза, йигирма тўрт соат намоз ўқигувчи «авлиё» деб биладилар.

Бухоро тўғрисида сўзлаш керак эмас: барчамизга белгили, исломнинг бошқа шаҳарларига кўкдан нур ёғилган ҳолда, шу шаҳарларга ёғдирмоқ учун Бухоройи шарифдан фаришталар орқали кўкка нур чиқорилар экан!..

Мана унинг сиёсатдан маълумоти.

Ўзи мударрисликка сайланмасдан илгари, оқ подшога нима учундир,

¹ Ажр — мукофот, ваз.

² Осмон попўри — самолёт.

³ Аҳоли.

мастравойлар каби, ёвлиқ-душманлиқ сақлаб юрар эди. Алланарса «мов» деган тўра томонидан мударрисликка «указ» берилгач, оқ подшонинг яшамоғига кўл кўтариб, дуо қилган кундан бошлаб, ўзида Николайга бир яхши истак сеза бошлайдир. Тўғри келган йиғинларда, подшолик «нисф нубувват»¹ деганлар, кофир бўлса ҳам «нубувват», яъни пайғамбарликнинг ярим кучи бор, деб оқ подшони юқори кўтариб кўядир.

Орада уруш бошланиб, Туркистонда «рабочий» масаласи кўзғолганда алғов-далғовга келган кишиларга: «Подшонинг амри вожиб, маънавий вожиб, фарзлигида озгина шубҳа бор. Маънавий фарз амр илоҳи», деб элли шов-шувдан тўхтатмоққа тиришадир. Гермон ундай ҳунар кўрсатибдир, оқ подшонинг бунча шахрини олибдир, деган хабарларга: беш газ тўпи бор, мен буни Гермоннинг ўзидан-да яхшироқ биламан, аммо у қандай ҳунарманд бўлса-да, Россиянинг битта тукини ҳам кам қила олмайдир, Россия бунга ўхшаш Гермонларнинг юзи билан урушиб кўрган, оқ подшо энди, эр назар қилган, деб юрадир.

II

1917 йил февраль сўнгидан ўзгариш бошланиб, оқ подшомиз тахтидан тобутга олинадир. Биринчи мартдан бошлаб эл оғзида: «Николай тахтдан туширилиб, янги ҳукумат тузилибдир» деган хабарлар юра бошлайдир. Бироқ бу хабарларга бизнинг Охунд домла сира ишонмайдилар. Шу хабарларни сўзловчига қизиқ бир туриш билан: «Эй, сен аҳмоқ бўлиб қолдингми? Оқ подшони ўрнидан тушириб бўлар эмишми? Яхшиким бу сўзни менга айтдинг, ёмонроқ кишига айтсанг бошинг кетадир, бошинг! Дамингни чиқарма! Бу хабар мастравойларнинг хабари!»

— Мастравой деган ким, тақсир?

— Ҳа, кўчаларга тош терадиганлар-чи, ана шуларни мастравой дерлар. Буларнинг хабарига ишониб бўладирми?

Орадан ўн-ўн беш кун ўтиб кетадир...

Николайнинг полица-миршаблари, мингбошилари ўридан чиқорилиб, бошқалар сайлана бошлар. Юртнинг туриши ўзгарадир. Сайлов йиғинларнинг бир нечасида Охунд домламининг ҳам қатнашишлари бўладир. Охунд домламинга энди оқ подшонинг чинданда тахтдан тобутга олингани сезиладир. Бироқ бу ишга нима учундирким унинг ичи бир турли ғаш бўлиб: «Эй худоё тавба, бу нима деган гап...» деб кўядир. «Оқ подшо ўрнидан туширилибдир, янги ҳукумат деган ҳукумат бўлибдир. Аммо мана бу «Сайлов» деган нима номаъқулчилик? Худоё тавба!.. Худоё тавба... Одамларнинг оғзидаги «хуррият» дегани нима деган сўз, ердан «хуррият», кўкдан «хуррият». Бу кун сайлов, эрта сайлов! Худоё тавба, худоё тавба!..»

Эл оғзида хуррият-хуррият деган сўзга биринчи эшитишда тушунилмаса ҳам, «луғат» кўрилгандан сўнг бир оз тушунилди.

Охунд домламин, оқ подшони ўрнидан туширилиб, Керенскийнинг подшо кўтарилганини «бўлибдир-бўлибдир энди» билан зиҳинга сиғдирса-да, ҳалиги «янгидан сайлов»ни сира миясига сиғдира олмади. Элнинг истагича янгидан сайлаб қўйиш деган гап унинг ичини ари каби талай бошлади. Нечун ари бўлиб таламасин?.. Мадрасасининг биринчи мударриси этилиб, алланарса «мов» томонидан берилган указыни бўшга чиқариб, Охунд домламин ўрнига бошқани сайлаймиз десалар!.. Уҳ-ух!..

III

Отин оймга указыни олиб чиқишни буюриб, ўзи айвонга ўлтирди. Шу чоқда чин кўнглидан оқ тортиб юборган ҳам эди. Указ қоғози бундан бир йил илгари сандиққа тушишда Охунд домлага қандай умидлар берган бўлса, бугун сандиқдан чиқишда шу даража умидсизлик туғдирди.

Отин оймдан указыни олиб оча бошлади. Бу қоғоз яхши сақлангани учун ҳар қаватини очилган сайин шалдирар ва шалдираш Охунд домлани маънос этар эди.

Указ очилиб эди. Домламининг русчадан хабари бўлмаса ҳам, ҳоким маҳкамасининг мирзоси томонидан указыни беришда: «...Мадрасинский первой мударрису Господину Муллошариф Охунд Мулла зариф Охуну» деб ўқиб бериши эсига тушиб, ўшал вақт бутун гавдаси тил билан англади бўлмаслик бир лаззат билан жимирлашиб кетгани эсига келиб кетди. Господин первой мударриси тайин этиб, чиройли қилиб қўйилган бурмача имзолар билан семурғ қушли тамғаларга кўзи тушиб кетди. Указ қўлидан тушиб кетаёзди... Энди бир неча вақт ҳушидан ҳам кетган эди...

¹ Пайғамбарлар наслдан.



Расми Одил Бобононов чизган

Эси ўзига келгач, указни буклай бошлади. Указ: «Мени кўрма ҳам куйма!» деган каби бўлиб ўз-ўзидан шалдировсиз буклана бошлади. Отин ойм, указни сандиққа олиб кетмак бўлганида, орқасидан яхши қол, деган каби маънос бўлиб қараб турар эди. Яна бир қаттиқ оқ тортгандан сўнг оқ подшони ўрнидан туширганлари учун мастравойларга лаънат ўқиди.

Шундай лаънат ўқидиким: шул соат мастравойларни ер ютса, оқ подшо ўз ўрнига ўлтириб, «хуррият, сайлов»ни йўқ қилса, указ, указликда қолса!..

Охунд домланинг дуоси қабул бўлишдан ўтган эди...

Бироқ домланинг бу «сайлов» ташвиши ва мастравойларга дуойибади ўринсиз бўлиб чиқмади. Негаким: иш домланинг фойдасига куморила бошлаган, янги оқ подшо (Керенский) вақтида, домларимизга ўхшаш «сайлов» сичқонлари учун ҳар қанча иш қилинса майдон очик эди. Елғиз... ёлғиз, «Еш» деган бир фирқани иш бошидан ҳайдалса...

IV

Энди эл орасига дин отидан ёшларга қарши қўзғолон юргиза бошлаган эди. Ҳозир бизнинг Охунд домламиз нима қилар эди!

Домламизнинг ўзи сиёсий эмасми, ишнинг тубига аллақачон тушуниб, ёшларга қарши элни қўзғатиш денгизиде юзар эди.

Иш Охунд домламиз кабиларнинг фойдаси билан натижаланди. Энди Охунд домламизнинг оғзи қулоғида! «Дин бузғучи даҳри ёшлар», деган хабар оғзидан сачраб чиқиб турадир. Домламиз жуда маст, ҳозир домлага Николай золим, Керенский жуда одил, тўғри, указнинг ҳам бир тийинлик қиймати йўқ: мударрис, истаса дўма, вассалом...

V

1918 йилнинг сентябрлари эди... янги ҳукумат қаршисига большевиклар қўзғалмоқда... деган хабарлар юра бошлади. Илгарироқ домламиз бу хабарга кўпда ишонмаса ҳам кейинроқ ўйлай бошлади, Большевиклар тўғрисида маълумот эгаси бўлмагани учун, ундан-бундан суриштирмоққа турди.

Уҳ-ўвв... большевикни ер ютсун, динни билмаса, бой ва уламони ер билан тенг қилмоқ истаса, мол ва мулкни муштарак ўртада, деб билса!..

Бу маълумотни олгач, кеча-кундуз: «Эй бор худоё, Керенский ҳукуматини қиёматгача оёғидан йиқитма!..» деб дуо қилмоққа киришди. Чиндан-да, Охунд домламизнинг бисотидаги бор дастмоёлари шулгина эди.

VI

Йигирма нечанчи... ойи эди, дунёни тўп гум-гуми, пулемёт тартараги босган эди. Икки фирқа, яъни уламо билан ишчи йўқсул жон бериб, жон олмоқда эди.

¹ Дўма — депутат.

Охунд домламиз-да бошқа камолот кутгандан ортиқ бир равишда бўлса ҳам юрак деган неъматдан қуруқ қолганлари учун биринчи милтиқ товуши билан узлатни¹ ихтиёр қилганлар эди. Ҳар бир тўп товуши Охунд ҳазратимизга эшитилган сайин узлатхонада ичлари шувиллашмоқда эди.

Натижада йўқсул, қашшоқ, бой ва уламоларни етти қат ернинг остига киргизиб юборатурган даражада енгди... Бу хабар Охунд домламизнинг узлатхоналарига етмиш: домламиз жондан умид узиб, ҳар минут «калимаи таййиба» ва «калимаи шаҳодат»ни тилларидан қўймасдан ўлтурар эдилар...

VII

Орадан ўн кун ўтди. Охунд домламиз йўқ. Йигирма кун ўтди, дараксиз, ўттиз кун деганда аёвли жонни ҳович қилиб, узлатхонанинг эшигидан мўраладилар. Ўттиз биринчи кунда атак-чечак қилиб узлатхона теграсида синаш учун юриб кўрдилар.

Секин-секин бола-чақалари ёнига бориш тинчлик билан Охунд домламизга насиб бўлди. Тўп билан пулемёт, большевикларнинг чин кўнгил билан тутган сиёсати ва айниқса, сиёсийлик Охунд домламизнинг юрагини олиб қўйганликдан бундан сўнг сиёсатга аралашмасликни бола-чақа ўртасида аҳд этилди. Тинчгина имомгарчиликда давом этила бошланди, илгари большевик оғаларнинг, кимнинг отини, кимнинг ерини тортиб олишларига қандай сўз дейишга ожиз бўлган домламиз «Муфтохилжунон» ва шунинг каби китоблардан чиқариб: «Замона охир бўлиб, қиёмат яқинлашган экан; бу кунги большевик деганимиз, яъжуж-маъжуж² ва ё даббатуларз бўлур», деб ўйлар. Уша вақтда бундай демакка балким унинг ҳаққи ҳам бўлгандир. Бироқ бу кунда унинг яъжуж-маъжуж, даббатуларз тўғрисидаги фикрлари ўзгариб, большевикларнинг ҳам инсон эканликларига ишонди.

Яқинда... мадрасасига Охунд домла ўрнига бошқа бир мударрис белгиланди, аммо домламизнинг сира илтифоти бўлмади, шунинг билан бирга указ ҳам сандиқда унутилиб ётар, балким эсига келганда йиртиб ҳам ташлар. Шундай қилиб, домламиз тинчгина имомгарчиликда давом этар.

Сиёсийлик вақти эсига тушганда сесканиб кетиб: «Йўқ, шайтон оздирган экан!» — деб қўядир. Бу кунги имомгарчилигига келганда: «Бунинг ўзи хўб тинч иш-да!» — деб айтадир.

Чиндан-да, Охунд домламизнинг ўзига лойиқ иш шуниси эди.

¹ Чекиниш, кишилардан четлашиш.

² Афсонага кўра — хунук башара, баҳайбат, ҳамма нарсани нобуд қилувчи, одамхўр маҳлуқлар (Жулкунбой).

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)
№ 5

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1985

Рассом Х. Лутфуллаев.

Техник редактор М. Аҳмедов.

Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 5.03.85 й. Босишга рухсат этилди 16.04.85 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Р-09201. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 156834. Заказ 258.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти 41.

© «Шарқ юлдузи», 1985.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.